

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**



# **ЮРИДИК ФАН ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**мавзусидаги илмий-амалий  
КОНФЕРЕНЦИЯ  
материаллари**

**I жилд**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**Ҳуқуқий муаммоларни илмий-амалий ва инновацион  
тадқиқ қилиш ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш  
маркази**

**ЮРИДИК ФАН ВА ҲУҚУҚНИ  
Қўллаш АМАЛИЁТИНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**мавзусидаги илмий-амалий  
КОНФЕРЕНЦИЯ  
материаллари**

**I жилд**

Мазкур тўплам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларга мўлжалланган “**Мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш**” мавзусидаги ПЗ-20170928652-сонли ҳамда “**Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашда юридик хизматни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш масалалари**” мавзусидаги ПЗ-20170928639-сонли амалий тадқиқот лойиҳалари доирасида тайёрланган.

Мазкур тўплам Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциумининг 2020 йил 12 майдаги 2–сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

**Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. –Т.: “Lesson press”. 2020. – 450 б.**

**Масъул муҳаррир:** ю.ф.д., проф. **М.М.Мамасиддиқов**

**Таҳрир ҳайъати:** ю.ф.д., проф. **А.А.Отажонов**  
ю.ф.д., доц. **В.Каримов**  
ю.ф.д., доц. **Г.Р.Маликова**  
ю.ф.д., доц. **Б.И.Исмаилов**  
ю.ф.д. **Д.А.Чиниев**  
ю.ф.н. **С.Б.Холбаев**  
ю.ф.ф.д. **Х.А.Каримов**

**Нашрга тайёрловчилар:** ю.ф.д., проф. **М.М. Мамасиддиқов,**  
ю.ф.ф.д. **Л.Х. Исоқов**

Тўпламда **Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциуми** доирасида **2020 йил 12 май** куни “Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусида **Бош прокуратура Академияси ташкил этилганлигининг 2 йиллигига** бағишланган республика илмий-амалий видео-конференция материаллари ўрин олган. Унда юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб назарий ва ташкилий-амалий масалалари ҳамда юридик фанлар бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммоларига бағишланган конференция мақола ва тезислари илмий-оммабоп тарзда баён этилган.

Тўплам фан ва таълим соҳасини бошқаришга ваколатли давлат органлари, юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар ходимлари, ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлар, мустақил изланувчилар, магистрлар ҳамда ушбу масалаларга қизиқувчи мутахассислар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундаги статистик ва бошқа маълумотлар, меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъулдир.

## **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланади**

### **СЎЗБОШИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Олий Мажлисга Мурожаатномаси**да бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ эканлигини яна бир таъкидлаб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий асослари билан ҳамоҳанг равишда юқоридаги муҳим омилларни илмий-назарий тадқиқ этиш юридик фанлар олдига устувор вазифаларни қўймоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. **Илм йўқ жойда қоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади**».<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида ташкил этилган **Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциуми** доирасида ўтказилган “**Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари**” мавзусидаги илмий-амалий конференция юқоридаги вазифалар ижросини таъминлашга қаратилганлиги ва ҳозирги кундаги долзарб масалага бағишланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ижтимоий фанларнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган юридик фанлар жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиб ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда юридик фанларнинг асосий мақсади ҳам ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларга илмий ва амалий баҳо бериш, янгиланаётган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ҳамда амалиёт учун ҳар томонлама мукамал, асосланган назарий ва амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, юридик фанларни ривожлантиришга кенг имконият ва шароитлар яратилди. Юридик фанлар тармоқлари бўйича фундаментал ва амалий аҳамиятга молик ишлар қилинди, лекин шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий тадқиқ этиш ҳали бу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларнинг мавжудлиги яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти фандан илгарилаб кетганлиги, юридик фанлар ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларини концептуал ғоялар ва тавсиялар билан таъминлай олмаётганлиги кабилар шулар жумласидандир. Бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кўпинча мавжуд ҳолатни

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан // Халқ сўзи. газ 2020 йил 25 январь сони.

баён қилиш ва тасвирлаш билан чекланиб, фаннинг ҳуқуқий тараққиёт истиқболларини башорат қилишдек муҳим функцияси назардан четда қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси **Бош прокуратураси Академиясининг 2 йиллиги муносабати билан ташкил этилган** ушбу конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (25.01.2020 й.) назарда тутилган вазифалардан келиб чиқиб, юридик фанларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, илмий жамоатчилик ва ҳуқуқшунос-амалиётчиларнинг очиқ ва кенг қамровли мунозараси асосида юридик фанларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳамда бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларининг истиқболларини муҳокама қилиш, юриспруденциянинг энг долзарб муаммолари ва уларни ечиш йўллари аниқлаш ҳам мазкур конференциянинг асосий мақсадлари сифатида эътироф этилди.

Конференцияда Бош прокуратураси Академияси, Судьялар олий мактаби, Тошкент давлат юридик университети, Юристар малакасини ошириш маркази, Ҳарбий-техник институти, Ички ишлар вазирлиги академияси, Давлат хавфсизлик хизмати институти, Божхона институти, ДСҚ малака ошириш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида фаолият юритувчи ҳуқуқшунос олимлар иштирок этдилар.

Конференцияда онлайн режимида асосий маърузачиларнинг юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб назарий муаммолари ва ташкилий-амалий масалалари ҳамда юридик фанлар бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари бўйича маърузалари тингланди ва ушбу маърузалар атрофлича муҳокама қилинди.

Конференциянинг мазкур тўпламида давлат-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий мақола ва тезислар ўрин олган. Унда юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб назарий муаммолари ва ташкилий-амалий масалалари ҳамда юридик фанлар бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш муаммолари бўйича мақола ва тезислар ҳамда конференция қатнашчиларининг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари умумлаштирилган тавсиялар ўрин олган бўлиб, илмий-амалий қўлланма сифатида хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Е.В. КОЛЕНКО**

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
Академиясининг бошлиғи**

**Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОНСОРЦИУМИ  
“Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари”  
мавзусидаги илмий-амалий видео-конференция  
Д А С Т У Р И  
(Тошкент шаҳри, 2020 йил 12 май)**

09.30-10.00	<b>Иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш</b>
<b>ТАДБИР ОЧИЛИШИ ВА ТАБРИК СЎЗЛАРИ</b>	
Модератор: <b>М.М.Мамасиддиқов</b> , <i>Бош прокуратураси Академияси Марказ бошлиғи</i>	
10.00-10.10	<b>Е.В.Коленко – Бош прокуратура Академияси бошлиғи</b>
Биринчи сессия: <b>Юридик фанларни ривожлантиришнинг назарий, ташкилий жиҳатлари ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш масалалари</b>	
10.20-10.30	<b>М.М.Мамасиддиқов</b> - Бош прокуратура Академияси Марказ бошлиғи, ю.ф.д., профессор. <i>Мавзу: Юридик соҳада илмий кадрлар тайёрлаш: ҳолати ва ривожлантириш масалалари</i>
Иккинчи сессия: <b>Давлат-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммолари</b>	
10.30-10.40	<b>Ф.Х.Отахонов –</b> Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи” кафедраси профессори в.б., ю.ф.д. (DSc) <i>Мавзу: Юридик хизмат ходимларини тайёрлашнинг долзарб масалалари</i>
Учинчи сессия: <b>Халқаро-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммолари</b>	
10.40-10.50	<b>М.А.Тиллабаев –</b> Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., доцент <i>Мавзу: Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларнинг ўрни</i>
Тўртинчи сессия: <b>Жиноят-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммолари</b>	
10.50-11.00	<b>А.А.Отажонов -</b> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, ю.ф.д., профессор <i>Мавзу: Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти</i>
Бешинчи сессия: <b>Фуқаролик-ҳуқуқий фанларни ривожлантириш муаммолари</b>	
11.00-11.10	<b>Ш.А.Исмоилов -</b> Тошкент давлат юридик университети Меҳнат ҳуқуқи кафедраси доценти в.б., ю.ф.д. (DSc) <i>Мавзу: Меҳнат ҳуқуқини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари</i>
11.10-11.40	<b>Муҳокама учун савол-жавоблар</b>
11.40-11.50	<b>Конференция тавсиялари</b>
11.50-12.20	<b>Консорциум йиғилиши</b> (Йиллик ҳисобот, келгусидаги долзарб илмий-тадқиқот мавзулари ва конференция материаллари тўпламининг муҳокамаси)
12.20-12.30	<b>Тадбир якуни</b>

**Ў БОБ.**  
**ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ,**  
**ТАШКИЛИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ**  
**АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

---

**РОЛЬ ПАРЛАМЕНТА В ДОСТИЖЕНИИ ЦЕЛЕЙ УСТОЙЧИВОГО  
РАЗВИТИЯ ООН В ОБЛАСТИ РАЗВИТИЯ НАУКИ,  
ПРОСВЕЩЕНИЯ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**САИДОВ Акмал Холматович,**

первый заместитель Спикера Законодательной палаты

Олий Мажлиса Республики Узбекистан,

академик, д.ю.н., профессор

**Аннотация:** В статье анализируется роль парламента в достижении Целей устойчивого развития. В частности, в области развития науки, просвещения и цифровой экономики, его законодательные функции, парламентский контроль за достижением поставленных целевых параметров устойчивого развития, рассмотрение ежегодного госбюджета по финансированию соответствующих программ и мероприятий по ЦУР, а также роли «парламентской дипломатии» в достижении Целей устойчивого развития.

**Аннотация:** Мақолада Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентнинг роли таҳлил қилинган. Хусусан, илм-фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида, унинг қонунчилик функцияларида, барқарор ривожланишнинг белгиланган мақсадли параметрларига эришиш устидан парламент назорати, БРМ тегишли дастур ва тадбирларни молиялаштириш бўйича ҳар йилги давлат бюджетини кўриб чиқиш, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда "парламент дипломатияси" нинг роли шулар жумласидандир.

**Abstract:** The article analyzes the role of parliament in achieving the Sustainable Development Goals. In particular, in the field of the development of science, education and the digital economy, its legislative functions, parliamentary control over the achievement of the set targets for sustainable development, consideration of the annual state budget for financing the relevant SDG programs and activities, as well as the role of "parliamentary diplomacy" in achieving the Sustainable Development Goals development.

**Ключевые слова:** Цели устойчивого развития, наука, парламент, послание, юриспруденция, инновация, высшее образование.

**Калит сўзлар:** Барқарор ривожланиш мақсадлари, илм-фан, парламент, мурожаат, юриспруденция, инновация, олий таълим.

**Key words:** Sustainable Development Goals, science, parliament, message, jurisprudence, innovation, higher education.

В современном мире человеческий капитал, интеллектуальный потенциал, инновационные идеи, высокие технологии составляют фундаментальную основу ускоренного и устойчивого развития. Все больше стран переходят на модель развития, основанную на информации, знаниях и инновациях, путь построения «креативного, информационного общества», «экономики знаний», «цифровой экономики».

Как справедливо подчеркнул Президент нашей страны

Ш.М.Мирзиёев в своем Послании Олий Мажлису в январе с.г., в этих условиях ключом к современному развитию служат именно наука и образование, наука и просвещение имеют первостепенное значение для повышения интеллектуального и духовного потенциала общества.

Другими словами, мы можем достичь поставленной перед собой цели вхождения нашей страны в ряд развитых государств, только опираясь на науку, просвещение и инновации. В этой связи стремление овладеть современными знаниями, быть просвещенными и обладать высокой культурой должно стать для всех нас жизненной потребностью. Именно поэтому в нашей стране инвестирование в человеческий капитал возведен в ранг государственной политики.

В данном контексте отметим, что эти задачи являются важнейшей частью и необходимым условием Целей устойчивого развития ООН, направленных на кардинальное улучшение экономической, социальной и экологической ситуации, повышение благополучия людей. Данный документ, принятый в сентябре 2015 года на саммите ООН, включает в себя 17 комплексных целей и 169 задач, в число которых, входят также задачи повышения образовательного, интеллектуального уровня и человеческого капитала государства.

Учитывая, что каждое государство и каждая нация в мире сильны, прежде всего, своим интеллектуальным потенциалом, высокой духовностью, 2020 год объявлен в нашей стране Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики. Принята специальная Государственная программа по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики». Программа предусматривает поднятие на качественно новый уровень проводимую за последние годы в стране системную работу по развитию сферы науки и просвещения, воспитания молодежи личностями, обладающими глубокими знаниями, высокой культурой и духовностью, повышения конкурентоспособности экономики.

**Первое.** Сегодня дети и молодежь составляет 60 процентов от всего 34-миллионного населения республики. Приоритетной задачей является формирование «креативного общества», подготовка креативно мыслящих специалистов, обладающих высоким интеллектуальным потенциалом и глубокими знаниями в конкретных отраслях науки. В рамках коренного совершенствования всей системы образования принимаются меры, направленные на обеспечение всеохватного и качественного образования, поощрение возможности обучения на протяжении всей жизни для всех.

**Во-первых,** приняты меры по дальнейшему совершенствованию правовых основ сферы образования. Только за последние годы принято свыше 160 нормативно-правовых, включая Закон «О дошкольном образовании и воспитании» и трех концепций по развитию отдельных



звеньев системы образования до 2030 года.

**Во-вторых,** обратим внимание на то, что сегодня ежегодно в республике рождаются более 700 тыс. детей, что увеличивает нагрузку на дошкольные образовательные учреждения. В то же время, несмотря на ежегодное увеличение количества новорожденных, до 2016 года в стране количество дошкольных образовательных учреждений сократилось более чем на 45%. Сокращение сильнее всего коснулось регионов с высоким уровнем рождаемости, таких как Андижанская, Ферганская, Сурхандарьинская и Ташкентская области.

В этих условиях, в рамках Стратегии действий осуществляются меры по расширению сети дошкольных образовательных учреждений и коренному улучшению условий для всестороннего интеллектуального, эстетического и физического развития детей, обеспечение доступности и значительного повышения охвата детей дошкольным образованием, повышению уровня квалификации педагогов и специалистов, развитию системы негосударственных дошкольных учреждений.

Благодаря принятым мерам, сегодня, в целом по стране на 100 детей в возрасте 3 - 7 лет приходится 28,1 места в дошкольных образовательных учреждениях. Решается задача обеспечения до конца 2020 года доведения уровня охвата дошкольным образованием до 60% с внедрением системы подготовки детей в возрасте 6 лет к школе. Предполагается, что до 2030 года этот показатель достигнет 80,8% детей в возрасте 3 - 7 лет, а количество педагогических работников дошкольных образовательных учреждений превысит 247,7 тыс. чел.

**В-третьих,** с учетом международного опыта и современных требований, повышается качество общего среднего образования. Восстановлено 11-летнее общее среднее образование.

За последние годы возведено более 160 общеобразовательных школ, инновационные школы – Президентские школы, специализированные школы, названные в честь наших великих предков-ученых, творческие школы, школы «Темурбеклар мактаби». Реализуется абсолютно новая концепция, предусматривающая преобразование в текущем году не менее 3%, а до 2030 года – до 50% общеобразовательных учреждений в «Современные школы». Только в текущем году намечено построить 36 новых школ и капитально отремонтировать 211.

Осуществляются меры по обеспечению углубленного изучения иностранных языков, информатики, других важных и востребованных предметов, включая математику, физику, химию, биологию. Намечены меры по последовательному поднятию в школах доли практических занятий по точным наукам с нынешних 10% учебного времени до уровня развитых стран (30-50%). Свыше 70 тысяч классов будут оснащены современным учебно-лабораторным оборудованием, компьютерной техникой. Предусмотрено совершенствование школьных учебных программ на основе передового зарубежного опыта, повышение

качества учебников и учебной литературы.

Запланированы комплексные меры по обеспечению вхождения Республики Узбекистан к 2030 году в ряд первых 30 ведущих стран мира по рейтингу программы оценки учащихся Международного уровня PISA. В частности, предусмотрено качественное обновление содержания системы непрерывного образования, а также подготовки, переподготовки и повышения квалификации профессиональных кадров.

В рамках реализации на практике пяти инициатив Президента, в целях дальнейшего повышения эффективности внешкольного образования созданы Республиканская и региональные детские школы «Баркамол авлод». В них внедряется программа «STEAM-образование» (Science – естественные науки, Technology – технологии, Engineering – инженерия, Art – искусство, Mathematics – математика).

**В-четвертых,** реализуются программы коренного совершенствования системы высшего образования, укрепления и модернизации материально-технической базы вузов, оснащения их современными учебно-научными лабораториями и средствами ИКТ, широкого внедрения в учебный процесс передовых педагогических технологий, учебных программ и учебно-методических материалов, основанных на международных образовательных стандартах.

Особое внимание уделяется повышению уровня охвата высшим образованием более 50%, в том числе на основе развития государственно-частного партнерства в сфере высшего образования, организации в регионах деятельности государственных и негосударственных высших образовательных учреждений, создания в сфере здоровой конкурентной среды, восстановления форм заочного и вечернего обучения.

За последние годы открыты 36 новых высших учебных заведений. Сегодня в стране действуют 116 институтов и университетов, в т.ч. 22 филиала ведущих вузов США, Великобритании, России, Италии, Южной Кореи, Индии, Сингапура и других стран. В 2019/2020 учебном году в 59 высших образовательных учреждениях внедрена заочная, в 10 высших образовательных учреждениях – вечерняя форма обучения.

В результате количество студентов, обучающихся по направлениям образования бакалавриата высших образовательных учреждений республики составляет 410 тысяч, по специальностям магистратуры – 13 тысяч человек, увеличившись за последние 3 года в 1,7 раза. С 2020/2021 учебного года поэтапно в два раза будут увеличены параметры государственного заказа по приему на учебу в высшие образовательные учреждения страны на основе государственного гранта.

Реализуются системные меры по обеспечению становления Национального университета Узбекистана и Самаркандского государственного университета в качестве флагманов высших образовательных учреждений страны, включению не менее 10 высших образовательных учреждений республики в первые 1 000 позиций

перечня высших образовательных учреждений в рейтинге международно признанных организаций.

Кроме того, высшим учебным заведениям поэтапно будет предоставлена академическая и финансовая самостоятельность. В текущем году на самофинансирование перейдут 10 вузов, в сотрудничестве с престижными зарубежными высшими учебными заведениями будет обеспечена трансформация 5 вузов, отобранных на конкурсной основе. С 2020/2021 учебного года в два раза будет сокращено количество предметов в высших образовательных учреждениях, не связанных с основной специализацией. Осуществляются меры дальнейшего развития вузовской науки, усиления ее интеграции с академической наукой и с реальным сектором экономики и т.д.

**Второе.** Как отметил Президент нашей страны Ш.М.Мирзиёев, само время требует реализации мер по дальнейшему укреплению научного потенциала страны, усилению роли науки в социально-экономическом развитии, переходу к инновационной экономике, упрочению интеграции науки и производства, всесторонней поддержке науки и ученых.

Осуществлен ряд организационно-правовых мер по поддержке сферы науки. Принят Закон Республики Узбекистан «О науке и научной деятельности». Начата реализация Стратегии инновационного развития Узбекистана, призванная обеспечить вхождение нашей республики в ряд передовых стран в сфере инноваций. Образован Республиканский совет по науке и технологиям. Организовано Министерство инновационного развития, налажена деятельность ряда инновационных центров, научных кластеров и технопарков.

Следует отметить, что в системе организации научно-исследовательской деятельности особое место принадлежит Академии наук, где сконцентрирован значительный интеллектуальный потенциал. В этой связи, в составе Академии наук создан ряд научно-исследовательских учреждений, усилены статус Каракалпакского и Навоийского отделений Академии наук, Хорезмской Академии Маъмуна. Число исследовательских учреждений при Академии наук увеличилось с 20 до 35. Возобновлены выборы в академию.

За минувшие три года вчетверо увеличилось финансирование науки. Втрое повышен размер заработной платы научных работников, введены отдельные надбавки для докторов и кандидатов наук. Начиная с текущего года, организации в системе Академии наук финансируются напрямую из Государственного бюджета.

Будет разработана концепция развития науки до 2030 года, предусматривающая необходимые меры для научного, технологического и инновационного развития на средне- и долгосрочную перспективу. Определены конкретные приоритеты в сфере науки, запланированы меры по широкому развитию фундаментальных и прикладных исследований в области математики, физики, химии и

биологии, геологии, кардинальному пересмотру механизмов предоставления целевых грантов для фундаментальных и инновационных исследований.

В частности, учитывая потенциал узбекской математической науки, высоко оцениваемой в мире, предусмотрена организация в каждом районном центре школ с математическим уклоном, призванные усилить интерес молодежи к математике. Будут созданы детские учебники и пособия по математике, написанные на доступном и популярном языке, формирующие математическое мышление с раннего возраста.

В числе приоритетов – поддержка функционирующих сегодня в стране 4 научно-исследовательских учреждений химического направления, в которых трудятся более 250 научных работников. На основе их разработок налаживается производство новых видов удобрений, дефолиантов, стимуляторов роста растений. С текущего года будут реализованы системные меры по повышению практической эффективности их научных разработок, адаптации исследований под нужды предприятий отрасли, усовершенствованию образовательной и научной деятельности в химической отрасли в целом.

Тенденции на мировом рынке и в международной науке требуют комплексного развития агро- и биотехнологий, в том числе науки о пище, биомедицину и фармацевтические биотехнологии. В этой связи намечены меры по поддержке биологической науки – фундаментальной и технологической основы для развития фармацевтики, сельского хозяйства, медицины, пищевой промышленности. Сегодня в этой области науки задействовано 7 научно-исследовательских учреждений с около 600 научными сотрудниками.

Еще одно приоритетное направление – геология, непосредственно связанная с обеспечением промышленности минерально-сырьевой базой. Сегодня в нашей стране обнаружено свыше 2 тысяч месторождений более 70 видов полезных ископаемых, и само время требует широкого внедрения в сферу передовых научных методов и инновационных технологий. Именно в этих целях в Ташкенте создается Университет геологических наук.

Особое внимание уделяется повышению проводимых в стране научных исследований до мирового уровня, налаживанию сотрудничества высших образовательных и научно-исследовательских учреждений с профильными ведущими зарубежными университетами и научными центрами. В этом году только по линии фонда «Эл-юрт умиди» за рубеж будут направлены более 700 ученых, профессоров и преподавателей для проведения научных исследований и повышения квалификации. В перспективе в 2 раза будут увеличено количество грантов и расширены направления исследований.

**Третье.** В современном мире информационно-коммуникационные, цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах,

являются важнейшим и необходимым условием устойчивого развития, достижения всестороннего прогресса.

Поэтому ускоренный переход на цифровую экономику определен приоритетной задачей на следующие пять лет и в текущем году запланированы меры по совершению коренного поворота в этой сфере. Будет разработана программа «Цифровой Узбекистан – 2030». Определены задачи полной цифровизации сферы строительства, энергетики, сельского и водного хозяйства, транспорта, геологии, кадастра, здравоохранения, образования, архивного дела.

Учитывая позитивный опыт создаваемого в Ташкенте IT-парка с современной инфраструктурой, запланирована организация аналогичных парков в Нукусе, Бухаре, Намангане, Самарканде, Гулистане и Ургенче. В целях подготовки высококвалифицированных специалистов в области информационных технологий реализуется проект «1 миллион программистов». Запланирован пересмотр учебных программ в сфере информационно-коммуникационных технологий и цифровой экономики, с целью подготовки кадров по таким направлениям, как наука о данных, большие данные, искусственный интеллект.

Современные информационные технологии будут внедрены на всех этапах систем образования, здравоохранения, общественного и государственного управления. Сегодня высокоскоростной доступ к интернету имеют более 7 тысяч учреждений здравоохранения, дошкольного и школьного образования, а к 2022 г. их число достигнет 19 тысяч. Если в 2019 г. завершились работы по подключению всех городов и районных центров к сетям высокоскоростного интернета, то к 2022 г. - предусмотрено обеспечение такой возможностью все села и махалли.

**Четвертое.** За последние годы в стране реализован ряд конкретных мер по совершенствованию системы юридического образования, предусматривающих внедрение в учебно-педагогический процесс инновационно-передовых и международных образовательных стандартов, повышение кадрового потенциала и стимулирование труда профессоров-преподавателей, а также укрепление материально-технической базы образовательных учреждений.

В целях кардинального совершенствования системы юридического образования и науки, обеспечения их конкурентоспособности на международном образовательном пространстве, повышения качества подготовки юридических кадров принят Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2020 года **«О дополнительных мерах по кардинальному совершенствованию юридического образования и науки в Республике Узбекистан»**, в соответствии с которым:

Ташкентский государственный юридический университет определен базовым высшим образовательным и научно-методическим учреждением по подготовке, переподготовке юридических кадров по специальности «юриспруденция»;

создаются юридические факультеты в Самаркандском, Наманганском и Термезском государственных университетах с осуществлением приема по направлению «юриспруденция»;

образуется Институт государства и права Академии наук Республики Узбекистан, осуществляющего фундаментальные и прикладные исследования в области государства, права и политико-правовых учений.

Приоритетными направлениями дальнейшего развития юридического образования и правовой науки определены:

обеспечение подготовки высококвалифицированных, творчески мыслящих и честных кадров на основе современных требований, передового международного юридического опыта и потребностей рынка труда;

совершенствование кредитно-модульной системы обучения и способов оценки знаний студентов, широкое применение современных информационно-коммуникационных технологий в учебном процессе и модернизацию учебной базы;

обеспечение тесной связи учебного процесса и правоприменительной практики путем развития клинического юридического обучения;

активизация сотрудничества, совместных правовых исследований, обмена профессорско-преподавательским составом и студентами с ведущими образовательными и научными учреждениями развитых зарубежных государств;

проведение научных и инновационных исследований в сфере государства и права с разработкой информационных правовых технологий и систем (LegalTech);

реализация с зарубежными партнерами совместных образовательных программ по подготовке юридических кадров (double degree), активное вовлечение в учебно-образовательный процесс зарубежных ученых и специалистов;

создание открытой, прозрачной, свободной от субъективизма и злоупотреблений образовательной среды с внедрением системы «Электронный университет» (E-University);

повышение конкурентоспособности отечественного юридического образования путем реализации мер по включению ТГЮУ и юридических факультетов в рейтинги международно признанных образовательных учреждений.

**Вместе с тем, создание условий для достижения Целей устойчивого развития требует активного участия не только исполнительной власти, но и парламента, институтов гражданского общества, субъектов предпринимательства.**

Парламент играет важную роль в обеспечении стабильных отношений между государством и народом. Эффективное использование надзорных функций комитетов парламента является

ключевым средством достижения Целей устойчивого развития. Это позволит представителям парламента объективно оценивать все изменения, происходящие в процессе реализации законодательства и достижения ЦУР.

На сегодня у нашего парламента достаточно полномочий и возможностей по обеспечению достижений Национальных целей устойчивого развития, в частности, в области развития науки, просвещения и цифровой экономики.

**Во-первых**, это законодательные функции парламента. В частности, в рамках Государственной программы предусмотрена разработка свыше 30 кодексов и законов, более 10 стратегий и концепций.

В этом плане особое значение имеет инициативность депутатов и фракций политических партий, организация «общественной экспертизы», широкого обсуждения на местах проектов актов законодательства и т.д. Как известно, законопроект в парламенте рассматривается в трех «чтениях» и обсуждениях на пленарных заседаниях парламента. Широкое вовлечение общественности, экспертов и специалистов к их обсуждению позволит им своевременно вносить свой вклад на этапе рассмотрения законопроекта в комитете, фракциях и парламенте в целом.

**Во-вторых**, необходимо повышать эффективность парламентского контроля за достижением поставленных целевых параметров устойчивого развития. В частности, в практику Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан, его комитетов должны прочно войти:

- порядок регулярного заслушивания информации руководителей государственных органов и органов хозяйственного управления об их деятельности, а также членов Правительства и руководителей отраслей о проводимой работе по выполнению Целей устойчивого развития ООН, развитию науки, просвещению и цифровой экономики;

- проведение «общественных слушаний», заседаний комитетов, на которых заинтересованные граждане, стороны, эксперты и представители гражданского общества могут представить материалы и выдвинуть предложения по законопроектам, конкретным аспектам достижения ЦУР;

- организация «общественных форумов» на местах, во время которых граждане будут иметь возможность предоставлять свою точку зрения по конкретным вопросам о состоянии дел в области образования, науки и информатизации и т.д. Такие форумы могут проводиться депутатами либо в пределах своего избирательного округа, либо в разрезе районов (городов) и т.д.

**В-третьих**, рассмотрение ежегодного государственного бюджета, включая местных бюджетов через призму надлежущего финансирования соответствующих программ и мероприятий ЦУР.

**В-четвертых,** задействование фракциями политических партий потенциала своих партийных структур в целях изучения ситуации в центре и на местах, связанной с достижением ЦУР, проведения консультаций с электоратом.

**В-пятых,** установление тесного сотрудничества с институтами гражданского общества, исследовательскими и аналитическими центрами, «социальными медиа». Доступ граждан к мобильным телефонам и Интернету открывает новые возможности для изучения общественного мнения, установления прямого диалога парламентариев с населением. Парламент и депутаты все чаще используют онлайн-инструменты для обеспечения обратной связи с населением.

**В-шестых,** неопределима роль «парламентской дипломатии» в достижении ЦУР, расширении международного сотрудничества в сфере науки, техники и инноваций, стимулировании обмена знаниями в интересах углубления структурных реформ.

В целом, принимая во внимание достигнутые рубежи и учитывая перспективные задачи, парламент продолжит мобилизацию сил и возможностей для реализации задач Стратегии действий, достижения Узбекистаном своих национальных целей устойчивого развития в период до 2030 года, дальнейшему развитию общества и государства на основе принципов устойчивого развития. Это – залог повышения конкурентоспособности страны и ее экономики, решающий фактор укрепления мощи и потенциала, обеспечения процветания Узбекистана, повышения благосостояния народа.

## **ЮРИДИК КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**РУСТАМБАЕВ Мирзаюсуп Хакимович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти бошлиғи,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
юримдик фанлар доктори, профессор

***Аннотация:** Мазкур мақолада бугунги кунда мамлакатимизда юридик кадрлар тайёрлаш тизимидаги муаммолар, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар таҳлилий жиҳатдан ёритилган бўлиб, ҳар бир фикр аниқ мисоллар билан асослантилган. Мақола сўнгида муаллиф томонидан республикада юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бир қатор илмий-назарий таклифлар билдирилган.*

***Аннотация:** В данной статье анализируются проблемы в системе подготовки юридических кадров в республике, а также текущие реформы в этой области, и каждое мнение обоснованно на конкретных примерах. В конце статьи автор внес ряд научно-теоретических предложений по дальнейшему совершенствованию системы подготовки юридических кадров в стране.*



**Abstract:** This article analyzes the problems in the system of training legal personnel, as well as ongoing reforms in this area and each opinion is justified on specific examples. At the end of the article, the author made a number of scientific and theoretical proposals for further improving the system of training legal personnel in the country.

**Калим сўзлар:** юридик кадрлар, юридик таълим, юриспруденция, узлуксиз таълим, мутахассислик.

**Ключевые слова:** юридические кадрқ, юридическое образование, юриспруденция, непрерывное образование, специализация.

**Key words:** legal staffқ, legal education, jurisprudence, continuing education, specialization.

Бугунги шиддат билан ривожланган жамиятни илм-фансиз тасаввур этиш қийин. Иқтисодий, сиёсий, экологик инқироз даврида фан муҳим муаммоларни ҳал қилишда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда фан инсон ҳаётининг турли соҳаларига тегишли бўлган масалаларни ҳисобга олиши ва ўз вақтида жавоб бериши керак.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик”.<sup>1</sup>

2019 йилнинг 14 август куни 9 ой ва йил якуни бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда Президентимиз “**Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу**”<sup>2</sup> деган фикрлари бугунги мавзунинг жуда ҳам долзарб масалага бағишланганлигини яққол исботидир.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишнинг, айниқса, муҳтарам Президентимизнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган демократик ислоҳотларнинг муваффақияти кадрларга боғлиқлиги сир эмас. Шунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор бермоқ зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда **8 та** олий таълим муассасасида (Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Бош прокуратура Академияси, Ҳарбий-техник институти, Давлат хавфсизлик хизмати институти, Божхона институти, Қорақалпоқ давлат университети) юридик кадрлар тайёрланмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020 й. <https://uza.uz/oz/politics/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий риволантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқи, 14.08.2019 й. <https://uza.uz/oz/politics/>

Бироқ, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган “**Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ-5987-сонли Фармони<sup>1</sup> асосида Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилиши белгиланди.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга етарли эътибор берилмаётганлиги, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келаётганлиги жиҳатидан ёндашадиган бўлсак, бугун биз “Ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак”<sup>2</sup>.

Шундай экан, қилинган ишлар билан бир қаторда юриспруденция соҳасида ўз ечимини кутаётган баъзи масалалар мавжуд.

Хусусан, **биринчидан:**

- юридик кадрлар тайёрлашдаги муаммолар;
- юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги;

- юриспруденция йўналишида узлуксиз таълим тизимини узвийлиги ва давомийлиги, бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини йўлга қўйиш, юридик соҳада ўрта махсус, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлашга қўйиладиган талаблар;

- олий маълумот бераётган таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига нисбатан минимал талаблар (*айрим таълим муассасаларида илмий салоҳиятли кадрлар етишмаслиги, илмий даражали кадрларнинг ёши ўтиб бораётганлиги*);

- давлат томонидан юриспруденция йўналишидаги таълим тизимини ривожлантириш бўйича кўзланган стратегик мақсадлар, принциплар, тенденциялар ва вазифалар, асосий йўналишларни белгилаб берувчи концепциянинг мавжуд эмаслиги.

**Иккинчидан,** 10 га яқин олий таълим муассасасида юриспруденция йўналишида таълим берилаётган бўлса-да, улар ўқув режаларининг “Гуманитар ва табиий-илмий фанлар” ҳамда “Умумқасбий фанлар” блоки

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 22.12.2017 й. <https://uza.uz/oz/documents/>

турлича эканлиги. Зеро, бу борада мухтарам Президентимиз жорий йилда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиши, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилиши ҳамда мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилиши<sup>1</sup> тўғрисида топшириқ берган эди.

Бундан ташқари, бакалаврият юридик таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатларга нисбатан минимал ҳажм белгилаб қўйилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Албатта, олий таълим муассасасининг қайси идорага, соҳага кадр тайёрлашидан келиб чиқиб, ихтисослик фанлари, уларга ажратилган соатлар фарқланиши табиий албатта. Лекин барча юристлар учун зарур бўлган умумий малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражаси, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси бир хил бўлиши лозим.

Масалан, **конституциявий ҳуқуқ** бир таълим муассасасида (масалан, Тошкент давлат юридик университетида) жами аудитория машғулотлари **56** соатни ташкил этса, айримларида, хусусан, Божхона институтида **80** соат, ИИВ Академиясида **36** соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида **72** соат ўтилиши фикримизча малакали юридик кадр тайёрлаш имкониятини бермайди. Бундай ҳолатни давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят процесси каби фанларда ҳам кузатиш мумкин.

Мисол учун, **давлат ва ҳуқуқ назарияси** фани Тошкент давлат юридик университетида 112 соат, Божхона институтида 80 соат, ИИВ Академиясида 38 соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида 72 соат ўтилади. Худди шундай, **жиноят ҳуқуқи** Тошкент давлат юридик университетида 112 соат, Божхона институтида 108 соат, ИИВ Академиясида 224 соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида 216 соат ўтилади, **маъмурий ҳуқуқ** Тошкент давлат юридик университетида 56 соат, Божхона институтида 132 соат, ИИВ Академиясида 130 соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида 144 соат ўтилади. Шунингдек, **криминалистика** фани Тошкент давлат юридик университетида 56 соат, Божхона институтида 96 соат, ИИВ Академиясида 74 соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида 162 соат ўтилса, **жиноят процесси** фани Тошкент давлат юридик университетида 112 соат, Божхона институтида 104 соат, ИИВ Академиясида 168 соат ҳамда Ҳарбий-техник институтида 90 соат ўтилади ва ҳ.к.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 24.01.2020 й. <https://uza.uz/oz/politics/>

Юқоридаги фикрларни хорижий давлатлар олий ўқув юртлари ўқув режалари билан солиштирадиган бўлсак, **М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетида** Давлат ва ҳуқуқ назарияси **144** соат, конституциявий ҳуқуқ **72** соат, маъмурий ҳуқуқ **120** соат, жиноят ҳуқуқи **280** соат, жиноят процесси **176** соат, криминалистика **136** соатни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Худди шунингдек, юқорида қиёслаш учун келтирилган олий таълим муассасаларида тасдиқланган ўқув режаларини таҳлил этганда, Умумкасбий ҳамда ихтисослик фанлари блокада ўтиладиган ҳуқуқшунослик фанлари сони қуйидагича:

Тошкент давлат юридик университетида 29 та, Божхона институтида 12 та, ИИВ Академиясида 18 та, Ҳарбий-техник институтида 23 тани ҳамда М.В.Ломоносов номидаги **Москва давлат университети** ҳуқуқшунослик факультетида 29 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

**Учинчидан**, юриспруденция йўналиши бўйича мутахассис бўлиб етишиш учун талаба ва курсантларнинг амалиёт ва стажировка ўташлари шарт бўлган органлар рўйхати ва минимал муддатлар белгилаб қўйилмаган. Одатда, таълим муассасаси қайси идорага тааллуқли бўлса, ўша идорадагина амалиёт ўташ амалиёти шаклланган. Кўп хорижий давлатларда юридик кадрлар жиноят ва фуқаролик, маъмурий ишлар бўйича судларда, прокуратура ва адвокатurada амалиёт ўташлари, касбий стажировкани эса ўзлари келгусида ишлаши кутилаётган идорада ўташлари белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, айнан юриспруденция йўналишида таълим берадиган олий таълим муассасалари ўқув режаларида амалиёт ва касбий стажировка ўташ ҳажмларида ҳам фарқларни сезишимиз мумкин. Хусусан, Тошкент давлат юридик университетида жами **11 ҳафта (594 соат)**, Божхона институтида **23 ҳафта (1242 соат)**, ИИВ Академиясида **21 ҳафта (1134 соат)** ҳамда Ҳарбий-техник институтида **26 ҳафта (1404 соат)**ни ташкил этмоқда.

**Тўртинчидан**, юридик кадрларга эҳтиёжни прогнозлаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича режалаштиришнинг самарали тизими ишлаб чиқилмаганлиги, айрим специфик соҳалар, идоралар фаолиятини кадрлар билан таъминлаш тизими йўлга қўйилмаганлиги. Масалан, мамлакатимизда ҳарбий юристлар тайёрланмайди. Ваҳоланки, ҳарбий суд, ҳарбий прокуратура мавжуд, мудофаа ва хавфсизлик органлари суриштирув, терговга қадар текширув ваколатлари билан таъминланган. Бундай органларда хизмат қилувчи юрист Қуролли Кучлар уставларини яхши билиши, маҳфийлик тартиботидан хабардор бўлиши, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси юқори бўлиши, ўқ отар қурол ва ўқ дорилар билан муомала қилиш кўникмаларини пухта эгаллаган бўлиши лозим.

**Бешинчидан**, юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграциясининг самарали йўлга қўйилмаганлиги,

амалиёт ва стажировкаларнинг самараси камлиги, ўқув режалари, фан дастурларини тузишда кадр буюртмачилари ҳошиш ва истакларини ҳисобга олиш механизмларини шаклланмаганлиги, feedback (обратная связь) тизимини йўлга қўйилмаганлиги.

**Олтинчидан**, биз тайёрлаётган юридик кадрлар билимли бўлиши масаланинг бир томони, лекин уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси масаланинг иккинчи томони, жоиз бўлса, зарурий тамойилларидан бири.

Шу маънода, жорий йилнинг июль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот анжуманида коррупция бўйича жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг **36 нафари** вилоят миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келингани ҳамда улар орасида коррупцияга кўпроқ қўл урганлар, яъни ярми (**18 нафари**)ни **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари** эканлиги<sup>1</sup> алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги масаланинг қанчалик долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

**Еттинчидан**, юридик кадрларни тайёрлашнинг сифатига таъсир этувчи омиллардан яна бири – бу ҳуқуқшунос олимлар томонидан юридик соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини амалга оширилиш даражасининг пасайиб бораётганлигидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаги, бугунги кунга қадар республикада юридик кадрларга қўйилаётган талаблар, юридик кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, юксак малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

**Биринчидан**, давлат томонидан юриспруденция йўналишидаги таълим тизимини ривожлантириш бўйича кўзланган стратегик мақсадлар, принциплар, тенденциялар ва вазифалар, асосий йўналишларни белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасида юридик таълимни 2020-2025 йилларда ривожлантириш бўйича Концепцияни ва уни амалга ошириш бўйича Йўл харитасини ишлаб чиқиш.

**Иккинчидан**, юриспруденция йўналишида узлуксиз таълим тизимини узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида умумий ўрта мактаблар, ўрта махсус таълим муассасаларида юридик фанларни қисқартиришга чек қўйиш.

**Учинчидан**, олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда амалга ошириш.

**Тўртинчидан**, юридик соҳада олий таълим бераётган таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига нисбатан минимал талабларни белгилаш.

---

<sup>1</sup> <http://daryo.uz/k/2019/08/02/bosh-prokuratura>

**Бешинчидан**, ўқув режа ва дастурларини унификациялаш, умум-касбий фанларни барча таълим муассасаларида ўқитишга нисбатан бир хил соат ҳажмларини белгилаш, бакалаврият юридик таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатларга нисбатан минимал ҳажмни белгилаш.

**Олтинчидан**, юриспруденция йўналиши бўйича мутахассис бўлиб етишиш учун талаба ва курсантларнинг амалиёт ва стажировка ўташлари шарт бўлган органлар рўйхати ва минимал муддатларини белгилаб қўйиш. Жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда, прокуратура, ички ишлар идораларида ва адвокататурада амалиёт ўташни мажбурий қилиб белгилаш.

**Еттинчидан**, ҳарбий суд, ҳарбий прокуратура, Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбий қисм ва бўлинмалар юристлари учун ҳарбий юридик кадрлар тайёрлаш тизимини ягоналаштириш.

**Саккизинчидан**, мазкур соҳага тасодифий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан нолойиқ инсонлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида юридик ўқув юртларига қабул қилиш пайтида тестдан ташқари махсус имтиҳон қўйилиши ва мазкур синовнинг адолатли ўтказилишини таъминлаш.

**Тўққизинчидан**, юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграциясининг самарали йўлга қўйиш, бунинг учун ўқув режалари, фан дастурларини тузишда кадр буюртмачилари билан келишиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида юридик кафедралар филиалларини ташкил этиш, юридик йўналишдаги профессор-ўқитувчиларни малакасини оширишни амалдаги тизимдан воз кечиб, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда амалиёт ўташини жорий қилиш, юридик клиникаларни кенг жорий этиш, олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида казуслар, масалалар тўпламларини тузиш таклиф этилади.

## **ЮРИДИК СОҲАДА ИЛМИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ: ҲОЛАТИ, ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**МАМАСИДДИҚОВ Музаффаржон Мусажонович**,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эксперти,  
юридик фанлар доктори, профессор

***Аннотация:** Мақола мамлакатимизда юридик илмий кадрларни тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва ушбу соҳани ривожлантиришнинг айрим жиҳатларини ёритишга бағишланган.*

***Аннотация:** Статья посвящена освещению текущего состояния, проблем и некоторых аспектов развития подготовки юридических научных кадров в нашей стране.*

**Abstract:** *The article is devoted to the coverage of the current state, problems and some aspects of the development of training of legal scientific personnel in our country.*

**Калим сўзлар:** *юридик фан, олий таълимдан кейинги таълим, илмий кадрлар, илмий тадқиқотлар, малака, ихтисослик, мақолалар савдоси, илмий тадқиқотлар этика қоидалари, чекловлар, имтиёзлар.*

**Ключевые слова:** *юридическая наука, послевузовское образование, научные кадры, научные исследования, квалификация, специализация, продажа статей, правила этики научных исследований, ограничения, льготы.*

**Keywords:** *jurisprudence, postgraduate education, scientific personnel, scientific research, qualifications, specialization, sale of articles, rules of ethics of scientific research, restrictions, benefits.*

*Илм йўқ жойда қоқлик,  
жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан  
адашиш бўлади.*

**Шавкат Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришни таклиф этгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Бинобарин, Имом Бухорий бобомиз тўғри таъкидланидек, “дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”.

Маълумки, ҳозирги кунда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини жадал ривожлантириш мамлакатни изчил тараққий эттиришнинг муҳим омилига айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатда ўқув-педагогик жараёнга инновацион илғор ва халқаро таълим стандартларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни назарда тутадиган юридик таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, барча низомлар тубдан янгиланди. Замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий база диссертациялар сифати ва самарадорлигини ошириш, экспертиза сифатини янада яхшилаш,

самарали фаолиятни рағбатлантириш каби ижобий ўзгаришларига йўналтирилди.

Шу билан бирга аттестация тадбирларини оптималлаштириш, ортиқча бюрократик жараёнлар, асоссиз муддатлар чўзилиб кетишини бартараф этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аттестация жараёнига ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш каби жиҳатлар ҳам кўзда тутилган.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид тартиб-қоидаларни такомиллаштириш, ортиқча бюрократик жараёнларга барҳам бериш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда ОАК деб юритилади) фаолиятининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, илмий даражалар берувчи илмий кенгашларда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган барча талабгорларни ОАКга таклиф этиб, савол-жавоб ўтказиш амалиёти бекор қилинди. Илмий кенгашда диссертацияни экспертиза қилувчи бюрократик бўғин бўлган илмий кенгашнинг эксперт комиссияси тугатилди.

Илмий даража ва илмий унвонлар олиш бўйича ОАКга тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ўртача ҳисобда 43 фоизга ва уларни қабул қилиш вақти 83 фоизга қисқартирилди.

Шу билан бирга диссертацияни илмий кенгашда кўриб чиқиш ва ҳимояни ташкил этиш муддатлари камайтирилди. Масалан, комиссия веб-сайтида диссертация ҳимояси тўғрисидаги маълумотлар юзасидан эълон берилган кундан бошлаб диссертация ҳимоясини ўтказиш 90 кундан 40 кунга туширилди, автореферат тарқатилгандан кейин ҳимояни ташкил этиш мумкинлиги муддати 1 ойдан 12 кунгача қисқартирилди.

Диссертация ҳимоясидан кейин тегишли ҳужжатларни ОАКга тақдим этиш муддати 66 фоизга камайтирилди, яъни 1 ой ўрнига 10 кун этиб белгиланди. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси қарори билан талабгор илмий унвонда тасдиқланган кундан бошлаб ҳужжатларни ОАКга тақдим этиш муддати 66 фоизга камайтирилди (1 ой ўрнига 10 кун). Олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида амалга оширилаётган сифат ўзгаришларини эътиборга олган ҳолда малакавий имтиҳонлар таркиби оптималлаштирилиб, 3 та малакавий имтиҳон ўрнига 2 та (ихтисослик ва чет тили) имтиҳон топширилиши белгиланди. Барча қўшимча малакавий имтиҳонлар бекор қилинди.

Бу эса албатта, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтиришга олиб келди.



Натижада охирги уч йилда юридик ихтисосликлар бўйича жами 107 та, шундан шундан фалсафа доктори (PhD) бўйича – 54 та, фан доктори (DSc) бўйича – 53 та ҳимоя қилинган.

Бироқ шундай бўлса-да, миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқ-шуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланади. Қолаверса, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактаби шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этиш, ўқитишнинг илғор услубларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда таълим стандартларини модернизациялаш ва ўқув дастурларини қайта кўриб чиқишга етарли эътибор берилмаяпти, бу эса юридик таълим сифати ва илмий салоҳиятнинг пасайишига олиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндлари билан учрашувдаги маърузасида таъкидлаганидек, бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги **“Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони эса тизимда муҳим ўзгаришлар амалга оширилишига йўл очди. Мазкур Фармон юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадини назарда тутувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида тарихий аҳамият касб этади.

Фармон билан юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб:

- замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ўқув жараёнида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувдаги маърузасидан (2016 йил 31 декабрь) // <http://uza.uz/oz/politics/ilm-fan-yutu-lari-tara-iyetning-mu-im-omili--31-12-2016>

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

- клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;
- ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш;
- ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш;
- хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;
- “Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очиқ, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш;
- ТДЮУ ва юридик факультетларни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш кабилар белгиланди.<sup>1</sup>

Юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг ушбу устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда илмий кадрларни тайёрлаш борасидаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олиб, мамлакатимизда юридик илмий кадрларни тайёрлаш ва юридик фанни ривожлантиришга қаратилган миллий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Ўтган давр мобайнида олий ўқув юртидан кейинги юридик таълимнинг ривожланиши динамикасини ва мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида 1992-2019 йиллар мобайнида республикаимизда муваффақиятли ҳимоя қилинган диссертациялар таҳлил қилинди.

Натижасига кўра, 1992-2019 йилларда жами 783, шундан фалсафа доктори (кейинги ўринларда – PhD) - 619 та, фан доктори (кейинги ўринларда – DSc (Doctor of Science)) - 164 та диссертация бўйича илмий изланишлар якунига етказиб, турли юридик ихтисосликдаги илмий кенгашларда муваффақиятли ҳимоя қилинган.

**Маълумот учун:** биргина 2014 йилда АҚШда 67 449 нафар, Германияда – 28 147 нафар, Буюк Британияда – 25 020 нафар, Хиндистонда – 24 300 нафар ва Японияда – 16 039 нафар тадқиқотчилар фан доктори (PhD) даражасини олган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

**Юридик фанлар бўйича диссертация ҳимоялари**  
(йиллар, даражалар ва ихтисосликлар кесимида)


	12.00.01		12.00.02		12.00.03		12.00.04		12.00.05		12.00.06		12.00.07		12.00.08		12.00.09		12.00.10		ЖАМИ	
	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc	PhD	DSc
1992	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
1993	4	3	2	0	2	1	0	0	0	0	0	0	0	1	1	2	0	0	0	0	11	5
1994	2	2	2	0	3	1	0	0	0	0	0	0	0	3	1	1	0	0	0	0	11	4
1995	3	1	0	1	6	2	0	0	0	0	1	0	0	3	0	3	0	1	0	0	17	4
1996	2	3	1	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0	3	2	2	0	0	0	0	8	7
1997	6	0	1	0	5	0	0	0	0	0	0	0	0	4	1	2	0	0	0	0	18	1
1998	6	1	2	0	3	1	0	0	0	0	2	0	0	0	3	1	3	0	2	0	21	3
1999	3	0	2	0	6	0	0	0	0	0	1	0	0	0	3	0	1	0	0	0	16	0
2000	4	0	3	1	2	0	0	0	0	0	2	0	0	1	4	0	2	0	2	0	19	2
2001	7	2	2	0	5	2	0	0	0	0	1	0	0	0	4	0	3	1	3	0	25	5
2002	6	0	1	1	4	1	0	0	0	0	1	0	0	0	4	1	6	0	2	3	24	6
2003	5	2	1	1	3	1	0	0	0	0	1	0	0	0	3	2	2	1	0	0	15	7
2004	6	1	2	0	9	2	0	0	0	0	1	0	0	0	6	0	3	0	2	0	29	3
2005	6	0	9	2	8	2	0	0	0	0	1	1	0	0	2	1	6	0	4	1	36	7
2006	0	1	0	0	13	2	0	0	0	0	3	0	0	1	9	3	5	1	2	0	32	8
2007	1	2	3	1	9	3	0	0	0	0	2	0	0	0	8	1	2	1	6	1	31	9
2008	5	0	3	0	14	1	0	0	0	0	4	0	0	0	1	1	2	0	9	1	38	3
2009	5	0	9	1	12	5	0	0	0	0	6	0	0	0	7	1	5	2	4	0	48	9
2010	7	2	6	2	9	2	0	0	1	0	4	0	0	0	7	2	6	2	4	0	44	10
2011	5	4	2	0	12	0	1	1	0	0	5	0	0	0	4	0	10	1	3	1	42	7
2012	12	1	1	1	21	3	2	0	0	0	2	0	0	0	8	1	8	0	6	0	60	6
2013	4	2	5	0	6	1	0	0	0	0	2	0	0	0	0	1	3	0	0	0	20	4
2014	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2015	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1
2016	0	0	0	5	0	3	0	0	0	0	0	0	0	0	3	0	1	0	0	0	0	12
2017	0	2	1	0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	3
2018	2	2	4	2	7	2	0	0	1	0	0	1	0	0	3	2	5	4	2	23	16	
2019	4	2	9	7	4	3	1	0	1	0	1	1	1	0	6	3	1	5	2	1	30	22
<b>ЖАМИ</b>	<b>105</b>	<b>33</b>	<b>71</b>	<b>26</b>	<b>163</b>	<b>40</b>	<b>4</b>	<b>1</b>	<b>3</b>	<b>0</b>	<b>40</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>96</b>	<b>29</b>	<b>80</b>	<b>20</b>	<b>56</b>	<b>10</b>	<b>619</b>	<b>164</b>

783

Мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан то ҳозирги кунгача бўлган юридик фанлар бўйича ҳимоя қилинган диссертация ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, юридик фанлар бўйича 12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва 12.00.07 – Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ва адвокатура ихтисосларидан бўйича ҳимоя қилинган диссертация ишларининг сони аянчли аҳволда. Масалан, қарийб 30 йил давомида 12.00.07 ихтисослиги бўйича иккита фан доктори (DSc) ва битта фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимоя қилинган бўлса, 12.00.05 ихтисослиги бўйича учта фалсафа доктори (PhD) ва битта фан доктори (DSc) илмий даражага эга бўлган холос. Шунингдек, 12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ ихтисослиги бўйича ҳам қарийб 30 йил давомида 10 та фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоялари бўлиб ўтган.

Худди шунга ўхшаш ҳолат 12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослигида ҳам кўзга ташланади. Тўғри, мазкур ихтисослик муқаддам 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослигининг таркибида бўлган ва 2013 йилда алоҳида ихтисосликка ажратилган. Бироқ шундай бўлса-да, ҳозирги кунда 12.00.04 ихтисослиги бўйича учта фан доктори ва тўртта юридик фанлар

номзоди (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган олимлар мавжуд.



Қарийб 30 йил давомида мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ соҳаси деярли ривожлантирилмади. Ҳарбий-юридик хизматнинг ҳамда ҳарбий юристларни ихтисослаштирилган ҳолда тайёрлаш тизимининг такомиллашмаганлиги ўз навбатида мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ фанининг ривожланишига, ҳарбий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича илмий кадрларни тайёрлаш ишларига салбий таъсир кўрсатди. Буни 2020 йилгача ҳарбий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича биронта диссертация иши ҳимоя қилинмаганлигида ҳам кўриш мумкин. Хатто, ушбу ихтисослик бўйича диссертация ҳимояларини амалга оширувчи илмий кенгашлар ҳам мавжуд бўлмаган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ фани ва юридик фанлар бўйича ҳарбий ҳуқуқ ихтисослигини ривожлантириш борасида муайян ижобий ишлар амалга оширила бошланди. Хусусан, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтида юриспруденция йўналишига ихтисослаштирилган кафедраларнинг ташкил этилиши, ҳарбий ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим институтининг очилиши, ушбу соҳада илмий тадқиқот бидан шуғулланиш истагида бўлган докторант ва мустақил изланувчиларнинг қабул қилиниши, ва ниҳоят мамлакатимизда илк бора **21.02.03 – Ҳарбий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқнинг ҳарбий муаммолари** ихтисослиги бўйича илмий даража берувчи илмий кенгашнинг ташкил этилиши шулар жумласидандир. 2020 йилда мазкур илмий кенгашда ушбу ихтисослик бўйича иккита юридик фанлар бўйича фалсафа

доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси муваффақиятли ўтганлиги эса бошқа соҳалар каби мамлакатимизда ҳарбий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг ҳарбий муаммолари ихтисослиги ҳам ривожланаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Бош прокуратура Академияси ҳузурида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашга «12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура» ва 12.00.12 – «Коррупция муаммолари (юридик фанлар)» ихтисосликлари бўйича диссертациялар ҳимоя қилишга рухсат берилган ва мазкур илмий кенгаш республика бўйича юқоридаги ихтисосликлар бўйича диссертация ҳимоя қилишга рухсат берилган доимий фаолият кўрсатувчи ягона кенгаш ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар Бош прокуратура Академиясида «12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура» ихтисослиги бўйича дастлабки диссертация ҳимояси бўлиб ўтди ва ҳозирда мазкур Академияда 8 нафар докторант ва 15 нафар мустақил излануви ушбу ихтисослик доирасида диссертация ишлари устида фаол иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, Бош прокуратура Академиясида 12.00.12 – «Коррупция муаммолари (юридик фанлар)» ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимоя қилиш учун мустақил изланувчилар бириктирилган.


Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, юридик олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасалари ва малака ошириш марказларида эришилган ютуқлар:

- ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги;
- илмий ишларни амалга оширишга талабгорлар учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги;
- бюрократик тўсиқларни олдини олиш бўйича тегишли профилактик ишлар амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Амалга оширилган ижобий ишлар натижасида 1992-2019 йилларда қуйидаги ихтисосликлар бўйича амалга оширилган диссертация ҳимоялари салмоқли ўринни эгаллайди:

- 1) 12.00.03-12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича PhD - 163 та, DSc - 40 та, жами 203 та;
- 2) 12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар ихтисослиги бўйича PhD - 105 та, DSc - 33 та, жами 138 та;
- 3) 12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича PhD - 96 та, DSc - 29 та, жами 125 та;
- 4) 12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси ихтисослиги бўйича PhD - 80 та, DSc - 20 та, жами 100 та;

5) 12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи ихтисослиги бўйича PhD - 71 та, DSc - 26 та, жами 97 та.



Шунингдек, мазкур ихтисосликлар бўйича ҳозирги кунда долзарб, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшилган (қонунчиликка энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган (ФК, ЖК, ЖПК, ФПК, ИПК ва бошқалар).

Қолаверса, юқоридаги ихтисосликлар бўйича илмий изланишларга талабгорлар сафи ҳам ҳозирги кунда жуда кенг. Масалан, ҳозирги кунда 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc)га талабгорлар сони 59 нафарни, фалсафа доктори (Phd)га талабгорлар сони эса 60 нафарни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, диссертациялар кўп ҳимоя қилинганлиги масаланинг бир томони бўлиб, энг асосийси «фан доктори» илмий даражасига эришган фуқаронинг давлат ва жамият ривожига, қолаверса, илмий изланишлар ўтказган соҳасига муносиб ҳисса қўша олиши, яъни сифатли «фан доктор»ларига кўп нарса боғлиқ.

Минглаб диссертациялар ёзилади, ҳимоя қилинади. Аммо «фан доктори»нинг илм-фан, ҳуқуқни қўллаш амалиётига қўшган ҳиссаси унинг кейинги фаолияти, шогирдларининг илмий ишлари, очган янги йўналишлари, яратган мактаби билан баҳоланади.

Чинакам «фан доктори» ўз ёндашувларига ва йўналишига эга, назарий жиҳатдан бақувват, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўша оладиган ва шогирдларни тарбиялай оладиган ва келажақда ўз илмий мактабини ярата оладиган шахс бўлиши лозим.

Бундай докторларнинг кўп бўлиши олдимизга қўйган мақсадларга эришимиз, фаннимиз ютуқларини, тараққиётимизни ривожланган мамлакатларда ҳам бемалол тарғиб эта олишимизга асос бўлади.

Амалиётни ва мутахассисларнинг фикрини ўрганиш натижаси ҳамда бир неча йиллик илмий кенгаш ва эксперт кенгашлари фаолиятидаги шахсий кузатувларимдан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, илмий кадрларни тайёрлаш ва юридик фанларни ривожлантириш бир неча фундаментал (жиддий) ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишни талаб этади.

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори 2-иловаси билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низомнинг 6-банди учинчи қисмида бакалаврият таълими йўналиши ва магистратура мутахассислиги таълимнинг турли соҳаларига тегишли бўлганда, масалан, бакалаврият таълими йўналиши мутахассислиги **ИҚТИСОД** бўлиб, магистратура **ҲУҚУҚШУНОСЛИК** мутахассислигидан бўлса, у ҳолда ОАК томонидан белгиланган фанлар бўйича қўшимча имтиҳонлар топшириш шарти билан, бакалаврият таълимининг йўналишига тегишли бўлган таълим соҳасига мувофиқ бўлган мутахассислик бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясининг белгиланган тартибда тайёрланишига ва ҳимоя қилинишига йўл қўйилиши белгиланган.

Шу ўринда қуйидаги ҳақли саволлар туғилади:

**Биринчидан**, агар талабгор бакалаврият таълимининг йўналишига тегишли бўлган таълим соҳасига мувофиқ бўлган мутахассислик бўйича эмас, балки магистратура мутахассислиги бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясининг белгиланган тартибда тайёрлаш ва ҳимоя қилиш истагида бўлса-чи, масала қандай ҳал қилинади?

**Иккинчидан**, бакалаврият таълими йўналиши ва магистратура мутахассислиги таълимнинг турли соҳаларига тегишли бўлганда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишга рухсат бериладими? Рухсат берилмаса, нима учун?

**Учинчидан**, бакалаврият таълими йўналиши ва магистратура мутахассислиги таълимнинг турли соҳаларига тегишли бўлганда қўшимча топшириладиган имтиҳонларнинг қайси фанлардан бўлиши ОАК томонидан олдиндан белгилаб қўйиладими, қўшимча имтиҳонлар топшириладиган фанлар қайси меъзонлар асосида аниқланади?

Бизнинг фикримизча, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун талабгорлар албатта мутахассислик

бўйича базавий олий юридик маълумотга эга бўлиши шарт, худди шунингдек юридик фанлар докторлари ҳам юридик фанлар номзоди (юридик фанлар бўйича фалсафа доктори) илмий даражасига эга бўлишлари талаб этилади.

Маълумки, диссертация муҳокамаси пайтида илмий жамоатчилик ёки муҳокамада ҳозир бўлганлар томонидан кўп бора ишлатиладиган бир кинояли жумла бор: **диссертация тайёр, лекин диссертант тайёр эмас**. Айнан мазкур жумла илмий-малакавий иш сифатида диссертация тадқиқотининг икки томонини кўрсатиб беради: **биринчиси**, илмий тадқиқот ишининг сифатини белгилаб берувчи унинг илмий томони бўлса, **иккинчиси**, илмий тадқиқотни шакллантирувчи диссертантнинг малакаси. Диссертация тадқиқотининг айнан ушбу икки томонининг бир-бирини тўлдириши ва бир-бирига мос келиши талабгорга тегишли илмий даражани бериш тўғрисидаги қонуний қарор қабул қилинишига асос бўлади. Илмий кенгаш томонидан бу каби қонуний ва асосли қарорнинг қабул қилинишида муаллиф томонидан тадқиқотни шахсан ўзи бажарганлиги асосий меъзон бўлади.

Бироқ кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим ҳолатларда диссертация ишини объектив баҳолаш, диссертация тадқиқотининг ҳар иккали томонини ўзаро мослигига баҳо беришда сусткашлик, лоқайдлик, “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилда иш тутиш, айрим ҳолларда илмий кенгаш ва илмий семинарлардан “ноқулай” аъзоларни чиқаришга ҳаракат қилиш, уларни муҳокамаларда иштирок этишига ҳайрихоҳ бўлмаслик, уларнинг ихтисослиги тўғри келса-да, бироқ диссертация ишини хулоса ёки тақриз олиш учун бошқа ихтисосликка эга бўлган шахсларга тақдим этиш каби ҳолатлар кузатилади.

Қолаверса, илмий кенгашлар томонидан диссертантга расмий оппонентларни белгилашда “**манфаатлар тўқнашуви**”ни эътиборга олмаслик каби ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, расмий оппонент сифатида диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахсларнинг белгиланиши, етакчи ташкилот раҳбарининг диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахс эканлиги кабилар бунга мисол бўла олади. Тўғри, ОАК тўғрисидаги низомнинг 17-моддаси, Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомнинг 10, 11, 13-моддаси, Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида низомнинг 9, 49, 62-моддасида “манфаатлар тўқнашуви”ни олдини олишга қаратилган нормалар мавжуд.

Бироқ мамлакатимизда илмий тадқиқот фаолиятида холисликни таъминлаш, илмий тадқиқот ишининг сифатини ошириш мақсадида:

- Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида низомнинг 49-моддасидаги етакчи ташкилот бўлиши мумкин бўлмаган ташкилотлар рўйхатига диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахс раҳбар бўлган ташкилотни киритиш лозим.



- Диссертация юзасидан етакчи ташкилот сифатида белгиланган ташкилотга юборилаётган диссертация ва авторефератларда диссертантинг илмий раҳбари тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмаслиги ҳам ишнинг холисона муҳокама қилиниши ва объектив тақриз берилишида муҳим омил вазифасини бажаради.

- Расмий оппонент сифатида диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахсларнинг белгиланишини таъқиқлаш керак.

**Иккинчидан**, талабга жавоб бермайдиган диссертация ишлари бўйича ижобий хулоса берган илмий раҳбарнинг, шунингдек расмий оппонент ва етакчи ташкилотларнинг масъулиятини ошириш талаб этилади.

**Учинчидан**, диссертация ва аттестация ишларини ОАК ҳузуридаги эксперт кенгашларида кўриб чиқилиши жараёнида аниқланган камчиликлар ҳақида илмий кенгашларни ҳабардор қилиб бориш тартиби жорий этилиши керак. Тўғри, мазкур эксперт кенгашларида айрим ҳолларда (амалиётда бу каби ҳолатлар камдан-кам учрайди) жиддий камчиликларга йўл қўйилган диссертация ишлари бўйича хулосаларни илмий кенгашларда муҳокама қилиш учун юбориш амалиёти мавжуд. Бироқ экспертлар томонидан кўриб чиқилган деярли барча диссертация ишлари юзасидан камчиликлар аниқланади, муайян хулосалар тайёрланади. Экспертлар томонидан билдирилган хулосалар, тавсияларни умумлаштириш ва диссертантларга илмий кенгашлар орқали мунтазам маълум қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш вақти келди.

**Тўртинчидан**, маълумки, сўнгги пайтларда илмий жамотчилик томонидан, хусусан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва илмий тақиқот муассасалари ходимларининг илмий ишлари натижаларини халқаро эътироф этилган журналларда, жумладан, Скопус маълумотлар базаси рўйхатидаги журналларда чоп этиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ушбу журналлар талабига мос илмий мақолаларни пул учун тайёрлаш ва чоп этиш амалиёти секин-асталик билан тарқалиб боришидаги омиллардан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу иш билан шуғулланадиган, бу ишларни профессионал даражада бажарадиган ва унинг натижасида яхшигина пул ишлаётган шахслар ҳам бор. Уларга илмий мақола чоп этиш мақсадида юрган шахслар томонидан тадқиқот ишига доир маълумотлар тадқим этилади, улар эса ушбу материалларни нуфузли журналларга мос равишда шаклга туширади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда айрим хорижий давлатларда бу ишни амалга оширадиган махсус компаниялар бор, улар ушбу мақолаларни кўриб чиқадиган шахслар билан мустаҳкам алоқада бўлишади ва ҳ.к. Бир сўз билан айтганда, кўплаб давлатларда илмий мақолалар тайёрлайдиган индустриянинг фаолияти йўлга қўйилган.

Шу ўринда бир мисол. 2008 йилда Хитойда камида 4700 киши бошқа бировларнинг инглиз тилида ёзган мақолаларини сотиб олишган. 2007 йилда Хитойда сотиб олинган мақолаларнинг умумий ҳажми 1,8 миллиард юанга (270 миллион доллар) баҳоланди. 2009 йилда бу кўрсаткич 5,5 баравар ошди.

Ухань шаҳридаги мақолалар савдоси билан шуғулланувчи битта компанияда 80 дан ортиқ мақола фабрикалари тўлиқ ишламоқда. Улар 200 та журнал муҳаррирлари билан бевосита алоқа қилади.

Илмий тадқиқотларни сифатли, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш борасидаги хорижий давлатлар тажрибасига тўхталадиган бўлсак, масалан, АҚШда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлиги қошида **Office of Research Integrity** (Тадқиқотнинг яхлитлиги идораси, бошқача айтганда тадқиқотни ҳалол ва виждонан бажарилганлигини кузатувчи идора) ташкил этилган бўлиб, ушбу ташкилот турли тадқиқот муассасаларида тадқиқотчиларнинг номувофиқ хатти-ҳаракатларини текширишни кузатиб боради ва тарбиявий, профилактик ва тартибга солиш фаолияти орқали масъулиятли тадқиқотларни олиб боради.

Буюк Британияда ҳам тадқиқотларнинг виждонан ўтказилишини таъминлаш мақсадида **UKRIO** (UK research integrity office) - Буюк Британиянинг тадқиқотлар яхлитлиги идораси фаолият юритади. Мазкур идора мустақил маслаҳат органи бўлиб, тадқиқот ташкилотлари ва алоҳида тадқиқотчиларни номувофиқ хатти-ҳаракатларга қарши кураш ишларида ҳалоллик ва сифатли амалиётни таъминлашни қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаради.

Мазкур идора ҳукумат ва тиббиёт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотларни тартибга солувчи ва молиялаштирадиган асосий тузилмалар томонидан қўллаб-қувватланади.

Германияда Илмий тадқиқотлар бўйича кенгаш номувофиқ хатти-ҳаракатлардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш учун мўлжалланган, омбудсманнинг мустақил тадқиқот қўмитаси ва миллий омбудсман хизмати ташкил этилган.

Худди шундай тузилмалар Дания, Франция, Голландия, Финляндия, Португалия, Швецияда ҳам фаолият олиб боради.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб**, Ўзбекистонда “илмий мақолалар савдоси”ни олдини олиш, илмий тадқиқотларни сифатли, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этилиши керак. Мазкур тузилма олий таълим ва тадқиқот муассасаларида тадқиқотчиларнинг номувофиқ хатти-ҳаракатларини текширишни кузатиб бориши, бу борада тарбиявий, профилактик ва тартибга солиш фаолиятини амалга ошириши, шу орқали тадқиқотчилар томонидан сифатли ва малакали тадқиқотларнинг олиб борилишини қўллаб-қувватлаши керак.

**Бешинчидан**, маълумки, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низомнинг 8-бандида фан доктори бир вақтнинг ўзида

учтадан кўп бўлмаган изланувчиларга илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлиши мумкинлиги, сўнги уч йилда изланувчилари ўз вақтида ҳимоя қилган илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчиларга ОТМ ёки ИТИнинг коллегиял органи хулосаси асосида бештадан кўп бўлмаган изланувчилар бириктирилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунингдек, илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий раҳбарлик ёки илмий маслаҳатчи фаолияти самарадорлиги таҳлили асосида Коллегиял орган тавсиясига кўра бир вақтнинг ўзида фақат икки нафар таянч докторантга ва мустақил изланувчига илмий раҳбар этиб бириктирилиши мумкин.<sup>1</sup>

Таъкидлаш жоизки, илмий раҳбар ва маслаҳатчи тайинлашдаги ушбу чекловлар айрим соҳаларда фан доктори ва илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа докторларининг (PhD) етарли эмаслиги сабабли илмий тадқиқот билан шуғулланиш истагида юрган кўплаб ёшлар учун илмий раҳбар тайинлашда муаммолар келтириб чиқармоқда.

Қолаверса, юқоридаги Низомнинг 8-банди учинчи қисмида хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга ўрнатилган меъёрдан ортиқ илмий раҳбар ёки консультантлар тайинланиши мумкинлиги белгиланган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, нима учун хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган изланувчиларга имтиёз берилмоқда. Шундоқ ҳам айрим қўшни давлатлар (масалан, Россия, Қозоғистон ва бошқ.) билан солиштирганда диссертация ҳимоялари бўйича қуйи ўринларни эгаллаб турган мамлакатимизда ўз фуқаролари учун белгиланган ушбу чекловлар камситиш эмасми? Тўғри, Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 8-бандига кўра, олий ўқув юртидан кейинги таълим институтларига хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш қонун ҳужжатларига ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгиланган. Лекин бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг илмий тадқиқот билан шуғулланиш ҳуқуқини камситилишига асос бўла олмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Шундай экан, ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда илмий раҳбарларга изланувчилар бириктиришдаги чекловларни бекор қилиш керак.

Анъанавий немис моделига кўра докторантлар илмий раҳбарларни олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари орасидан (Doktorvater ёки Doktormutter) ўзлари излайди ва уларнинг мураббийлигида диссертация

---

<sup>1</sup> “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низом // <https://lex.uz/docs/3213410>

устида ишлайди. Германияда мамлакатимизда бўлгани каби илмий раҳбарларга изланувчилар бириктиришда чекловлар мавжуд эмас.<sup>1</sup>

**Олтинчидан**, диссертация ва бошқа тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, масълиятни ҳис қилиш, ишончлилиқ ва ҳалоллик тамойилларини рўёбга чиқариш мақсадида **“Илмий тадқиқотларнинг этика қоидалари”**ни ишлаб чиқиш вақти келди. Ўз навбатида, ушбу этика қоидалари илмий тадқиқот ишларида кўчирмакашлиқ (плагиат), уйдирма ва қалбакилаштириш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Тўғри, ҳозирда ОАҚда кўчирмакашлиқ (плагиат)ни аниқлаш имконини берадиган махсус дастурлар мавжуд. Бироқ ОАҚ фаолиятида ҳам бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқбузарликларни, қоидабузарликларни олдини олиш, профилактика масаласига ҳам эътибор беришни давр тақозо этмоқда.

**Еттинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларининг 9-бандида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилиши белгиланган. Амалиётда катта тажриба тўплаган шахсларни илмий фаолиятга жалб этишни кучайтириш мақсадида мустақил изланувчиликка расмийлаштиришдаги ушбу талабни бекор қилиш вақти келди.<sup>2</sup>

Бу борада ўрганилган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий-педагогик стаж фақат муайян фан соҳалари учун талаб этилади. Хусусан, Беларусда тиббий фан соҳалари учун мустақил изланувчиларни бириктиришда олинган мутахассислик бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш, педагогик фан соҳалари учун эса олий таълим соҳасида мутахассис сифатида икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиш талаб қилинади.

## **ДИССЕРТАЦИЯЛАР СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАҚИДА БАЪЗИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР**

**РЎЗИЕВ Рустам Жаббарович,**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги ОАҚ эксперти, Ўзбекистон Миллий  
университети профессори, юридик фанлар доктори

***Аннотация:** Мақола мамлакатимизда юридик таълим ва мазкур соҳада олий малакали кадрлар тайёрлаш масалаларининг баъзи муаммоли жиҳатларини ёритишга бағишланган.*

<sup>1</sup> Мамасиддиқов М.М. Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай // <http://huquq.uz/ilmdan-bosh-a-nazhot-yu-va-bulmagay/>

<sup>2</sup> Мамасиддиқов М. Для развития науки необходимо совершенствование системы подготовки научных кадров // "Правда Востока" № 59 (29022 ) от 28 марта 2019 года.

**Аннотация:** Статья посвящена освещению некоторых проблемных аспектов юридического образования в нашей стране и подготовке высококвалифицированных кадров в этой области.

**Abstract:** The article is devoted to the coverage of some problematic aspects of legal education in our country and the training of highly qualified personnel in this area.

**Калит сўзлар:** олий юридик таълим, олий таълимдан кейинги таълим, икки погонали тизим, диссертация, малакали илмий кадр, илмий тадқиқот, илмий натижа, илмий янгилик, фалсафа фанлар доктори, фан доктори, меъёрий ҳужжатлар.

**Ключевые слова:** высшее юридическое образование, послевузовское образование, двухуровневая система, диссертация, квалифицированные научные кадры, научное исследование, научный результат, научная новизна, доктор философских наук, доктор наук, нормативные документы.

**Keywords:** higher legal education, postgraduate education, two-level system, dissertation, qualified scientific personnel, scientific research, scientific result, scientific novelty, doctor of philosophy, doctor of science, regulatory documents.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар жараёнида олий таълим ва фан соҳалари, жумладан олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган дастурий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (464-И-сон, 29.08.1997й.) “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги (463-И-сон, 29.08.1997й.) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958 сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки погонали тизими жорий этилди. Мазкур ҳужжатлар қабул қилиниши ва уларнинг ижросидан кўзланган мақсад: **биринчидан**, таълим ва фан соҳаларини сифат жиҳатдан ривожлантириш; **иккинчидан**, олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш; **учинчидан**, аттестация тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш; **тўртинчидан**, илмий тадқиқот фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш; **бешинчидан**, ёшлар интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда ижобий ўзгаришлар амалга оширилиб, улар тегишли равишда соҳага оид ижро механизмининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда уларнинг изчиллик билан амалиётга татбиқ этилишида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда жорий қилинган олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш борасида ОАК, Инновацион ривожлантириш вазирлиги, Фанлар Академияси, шунингдек тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари (ОТМ) ва илмий-тадқиқот муассасалари (ИТМ), илмий жамоатчилик кенгашлари ўз ваколатлари ва функциялари доирасида турли даражаларда иштирок этиб келмоқдалар. Шак-шубҳасиз, бу жараёнлар юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Хусусан, PhD ва DSc диссертацияларини тайёрлаш, ҳимоя қилиш, илмий даража ва илмий унвонлар бериш каби олий ўқув юртларидан кейинги таълимга оид масалалар ОАК Раёсатининг қарорлари билан тасдиқланган қатор, жумладан, “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида”ги (2017 йил 31 май 239/3-сонли), “Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисида”ги (2016 йил 28 апрель 224/8-сонли), “Илмий даражалар бериш тартиби тўғрисида”ги (2017 йил 31 майдаги 239/4-сонли), “Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисида”ги (2017 йил 31 майдаги 239/6-сонли), “Эксперт кенгаши тўғрисида”ги (2017 йил 31 майдаги 239/7-сонли) Низомлар билан тартибга солинади.

PhD ва DSc илмий даражаларини бериш (олиш) тизимининг асосида диссертация турар экан, демак, бирор бир мавзу доирасида илмий тадқиқот иши бошланиб, унинг якуний натижаси сифатида диссертация тайёрланади, оммавий ҳимоя қилинади ва бунинг расмий-ҳуқуқий тасдиғи сифатида белгиланган тартиб ва тегишли равишда муайян бир фан ихтисослиги бўйича диплом берилади.

Демоқчимизки, мазкур жараён анчагина мураккаб ва давомий бўлиб, унда диссертация (тадқиқот иши)нинг мавзу нуқтаи назаридан долзарблиги, жамият, илм-фан ва унинг маълум бир тармоғи учун зарурлиги, тадқиқот натижалари ва ҳолатларининг илмий янгилиги ҳамда амалиётга жорий қилиниши, махсус ва қатъий белгиланган шаклда тайёрланган илмий асар сифатида эътироф этилиши, шунингдек, муаллифнинг лаёқати, илмий салоҳияти ва тажрибаси каби жиҳатлар яхлитликда муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, шундай экан, диссертациянинг ўзи нима, унинг мазмун-моҳиятини тавсифловчи жиҳатлари нималардан иборат? Диссертациянинг ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, сифатини янада яхшилаш, савиясини кўтариш, умуман жамиятимиз муайян тармоқлари ва соҳаларидаги ёхуд фанимизнинг тегишли йўналишларидаги илмий-назарий ва амалий залворини таъминлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим, деган саволларга жавоб излаш, мавжуд айрим муаммолар ечими юзасидан холис фикр-мулоҳазалар илм-фан аҳли ўртасида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Маълумки, диссертация (лотинча “dissertation” –тадқиқот, фикрлаш, мулоҳаза юритиш) - бу илмий малакавий тусга эга бўлган, оммавий ҳимоя ва илмий даража олиш учун махсус тайёрланган, қатъий белгиланган шаклдаги илмий асар. Энциклопедик луғатларда берилган таърифларнинг умумий, қисқа изоҳига таяниб, “диссертацияни илмий даража олиш учун оммавий ҳимояга тақдим этиладиган илмий-тадқиқот иши” деб қараш мумкин.

Диссертациянинг мазмун-моҳияти ва сифатини белгиловчи қуйидаги асосий жиҳатларини унга қўйилган расмий, ҳуқуқий талабларнинг таҳлили кесимида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз:

1) илмий-тадқиқот шахсан (бевосита) муаллиф томонидан амалга оширилади;

2) диссертация янги илмий натижалар ва ҳолатларни ўз ичига олади;

3) диссертация тузилмавий яхлитликни талаб қилади;

4) диссертацияда бирор-бир илмий муаммони ҳал этишда тадқиқотчининг шахсий иштироки (улуши) зарурий унсур ҳисобланади;

5) диссертацияда муаллиф томонидан берилган ғоя, янги таклифлар ва тавсиялар аниқ, аввалдан маълум илмий ишланмаларнинг таҳлиliga таянган ҳолда асослантирилади;

6) диссертацияда тадқиқотчи таклифлари, тавсиялари ва хулосаларининг янгилигини асословчи маълумотлар олинган манбалар кўрсатилади;

7) тадқиқот ишининг натижалари шахсан муаллиф томонидан оммавий ҳимояга тақдим этилади ва ҳимоя қилинади.

Юқорида баён этилган талаблардан кўриниб турибдики, диссертация ҳар қандай маъруза, амалдор ёки жамоатчининг чиқишлари, ахборот тарзидаги хабарлар, илмий-оммабоп рисола ёхуд китобдан фарқ қилади. Зеро, диссертация фаннинг аниқ бир соҳасини ривожлантириш ва бойитишга хизмат қилувчи, тадқиқотчининг фанга қўшадиган ҳиссасини ўзида ифодаловчи илмий ижод маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун диссертацияга қўл урган тадқиқотчи ўзини назорат қилиши, диссертацияга нобоп мавзулар бўйича иш олиб бормаслиги мақсадга мувофиқ. Тўғри, ҳар қандай мавзуда ижодий изланиш ҳаётий зарурат бўлса-да, лекин диссертация тарзида бажаришни талаб қилавермайди.

Диссертация ўз шакл-шамойилига кўра ўрнатилган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган илмий тадқиқот иши бўлганлиги боис, яхлит, мантиқан боғлиқликдаги тўғри танланган илмий рукн асосида бажарилиши лозим.

Қонун ва қонуности ҳужжатларга биноан диссертация илмий малака иши бўлиши, илмий соҳага, ва умуман, фанни бойитишга маълум бир улуш киритиши керак. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу улуш, яъни муаллиф ҳиссаси илмий янгилик сифатида қабул қилиниши учун, авваламбор, тўлиқ асослантирилиши ва илгаридан маълум бўлган илмий ечимлар

тахлили ва танқидий ёндашуви билан диалектик уйғунликдаги, илмий башоратни акс эттиувчи илмий тадқиқот бўлиши шарт. Биламизки, диссертациянинг мақсади ва вазифаларига эришилганлиги, қолаверса, сифати ва савиясини баҳолашда “натижалари янги”, “айрим натижалари янги”, “натижалари янги эмас” мазмунидаги таснифий мезонлар қўлланилади. Бунда, агар “айрим натижалари янги” деб хулосаланса, диссертация салбий баҳоланиши ва диссертантга илмий даража беришда монелик қилиши мумкин деб юзхотирликка борамиз. Оқибатда (хусусан, ижтимоий-гуманитар, жумладан юридик соҳада), илмий кенгашда, аксарият ҳимоя қилинган диссертациялар “натижалари янги” деб эътироф этилади. Хўш, бунда “объективлик”, “шаффофлик” тамойиллари таъминланадими? Йўқ албатта.

Таъкидлаш лозимки, фанда ҳар доим ҳам янги натижалар бўлавермайди. Илм-фан, жумладан юридик фанлар илгари яратилган ёки амалда мавжуд натижаларга кўз юма олмайди, уларни четлаб ўта олмайди. Аввалроқ яратилган ғоя, ишланмалар ва таклиф этилаётган янгиликлар биргаликдагина фанни замон билан ҳамнафас олға юришга ундайди. Кези келганда сўз очсак, ҳаётда энг ажойиб кашфиётлар айнан мавжуд илмий пойдевордан қад ростлаганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳимоя қилинаётган диссертацияларда (ҳоҳ PhD, ҳоҳ DSc бўлсин) айрим натижалари янги бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам айримлари янги эмас, деб ҳақиқатни айтишимиз керак. Илмий кенгаш диссертацияни унинг муаллифи илмий даража олишга лойиқ ва тадқиқотчи аввалги қилинган хулосаларга таяниб, ўзининг назарий ва (ёки) амалий аҳамиятга молик муҳим хулосаларини берган, деб ижобий баҳоласа, эътироз бўлмайди. Фикримизча, ана шунда муайян даражада объективлик таъминланади.

Илмий кенгаш томонидан диссертация “натижаларининг анча қисми янги эмас” деб тавсифланса-да, аммо муаллиф хулосалари фанда муҳим ютуқлар қаторида баҳоланган ва илмий даражага лойиқ деб топган вазият мураккаблик туғдириши табиий. Бундай ҳолат юзага келганда, ОАК диссертацияни кўриб чиқиши жараёнида Илмий кенгаш ўз қарорида туриб, уни ёқлаш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш керакки, айниқса DSc илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация натижалари ҳақида сўз борганда, тадқиқотчи томонидан концептуал ғоя ва назарий ҳолатларнинг ишлаб чиқилганлиги, уларнинг янги йирик илмий ютуқ ёки йирик илмий муаммо ечими сифатида баҳоланганлиги ўта муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар, жумладан ҳуқуқ соҳасида тайёрланаётган диссертациялар савияси ва сифатини юксалтиришда учраётган баъзи камчиликларни бартараф этиш ва муаммолар ечимини топиш хусусида фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиш, нафақат илмий доирада, умуман фан-таълим соҳасида алоҳида аҳамиятга молик масаладир.



1. Маълумки, диссертацияга қўл урган ҳар бир тадқиқотчи, даставвал диссертация мавзусини тўғри танлаши ва номини аниқлаштириб олиши лозим. Муҳими, тадқиқотчи мақсади ва қандай вазифаларни ҳал қилади, диссертацияда нима натижаларга эришади ва ҳимояга тақдим этади, деган саволларга жавоб бериши керак бўлади. Одатда, тадқиқотчи-изланувчига диссертация мавзуси ОТМ ва ИТМ кафедралари ва бўлимларида тавсия қилинади ёки илмий раҳбар (маслаҳатчи) томонидан берилади. Ваҳоланки, тадқиқотчининг шахсан ўзи камида 1-2 йил давомида (масалан, магистратура даврида) фаннинг муайян соҳасида илмий изланиш олиб борган бўлиши, амалиётдаги ҳолатни атрофлича ўрганиши ва шундан кейингина диссертация мавзусини танлаши мақсадга мувофиқ. Илмий раҳбар (маслаҳатчи)ни ҳам тадқиқотчи ўз ташаббуси билан мустақил танлаши тўғри бўлади. Кейингина илмий раҳбар (маслаҳатчи) билан келишган ҳолда ОТМ ва ИТМ тегишли кафедра ва бўлимларида муҳокамадан ўтказилиб, диссертация тузилиши (режа) белгилаб олинади.

2. PhD ва DSc диссертацияларини ишлаш учун тадқиқотчида илмий ва амалиёт соҳасида муайян тажриба шаклланган бўлиши муҳим. Акс ҳолда, аниқ ва тўғри йўналишни белгилаб олиши қийин кечади, устига устак, муддат борасида анча кечикилади.

3. Диссертациянинг мазмуни ва унинг залвори (илмий натижавийлиги) ҳақидаги бирламчи таассурот айнан кириш қисми ва автореферат билан танишиш жараёнида пайдо бўлишини эътиборга олсак, диссертациянинг ушбу қисмига алоҳида эътибор қаратиш керак. Аслида, диссертациянинг ҳолати ва сифати унинг бутун бир яхлитлигида намоён бўлади, бунга эътирозимиз йўқ. Афсуски, айрим тақризчилар, ҳатто айрим илмий раҳбар (маслаҳатчи)лар диссертацияни ўқиб ҳам кўрмайдилар, фақат автореферат билан чекланиб қўя қоладилар. Бундай юзаки муносабат, масъулиятсизлик диссертация сифатига салбий таъсир кўрсатади. Нохуш бўлса ҳам айтиш жоиз, 2018 йилда юридик йўналишдаги ҳимоядан кейин ОАКга юборилган шу тоифадаги баъзи диссертацияларга дуч келинди. Илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилинган ушбу диссертациялар натижалари, таклиф ва тавсияларининг, шунингдек илмий янгилиги анча заифлиги кўзга ташланди. Диссертация матнларида, ҳатто авторефератларда талайгина таҳририй, имловий хатоликларни учратиш мумкин. Ачинарлиси, жойларга, ташкилотларга юбориладиган афторефератларнинг рус, инглиз тилларига таржима қилиб берилган резюме қисмида ҳам баъзан мазмун жиҳатидан номутоносиблик, шунингдек таҳририй хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бу масалага жиддий ёндашувни талаб қилиш маъносида диссертант ва илмий раҳбар (маслаҳатчи), оппонентлар, етакчи ташкилотлар ҳамда илмий кенгаш ва илмий-назарий семинарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш лозим. Бу ўринда, диссертацияларни илмий семинарларга қабул қилиш жараёнида

уларнинг мазмунан ва шаклан талабларга жавоб бериши, қолаверса диссертантнинг ҳимояга тайёрлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

4. PhD ва DSc диссертацияларининг сифатини юксалтириш мақсадида уларга қўйиладиган айрим талабларни қайта кўриб чиқиш зарур. Жумладан, PhD магистрлик диссертациясидан кейинги босқич эканлиги ва улар ўртасида фарқ бўлишини ҳисобга олиб, PhDда илмий янгилик сифатида берилаётган ҳолатлар сонини камида 3 та, DScда эса камида 6 та қилиб белгилаш, шунингдек PhD ва DSc диссертацияларида боблар ва параграфлар сонининг минимумини қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, структурасига кўра PhD магистрлик диссертациясидан фарқ қилмай қолган (масалан, ЎР ВМ 2015 йил 2 мартдаги 36-сонли қарори билан тасдиқланган “Магистрлик диссертацияси тўғрисида”ги низомга мувофиқ магистрлик диссертацияси тузилмаси: кириш, 6 та параграф, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат бўлиши белгилаб қўйилган).

5. PhD ва DSc диссертацияларининг ҳар бир боблари охиридаги хулосалар ва диссертация якуний хулосасининг жумлалари, ҳатто матнлари ҳам бир хил бўлиб қолмоқда. Бундай қайтариқлар ва такрорлашларга ҳожат борми? Бу диссертация ҳажмининг сунъий равишда кераксиз ошишига олиб келмайдими? Фикримизча, бундай ёндашув диссертациянинг сифати ва савиясига путур етказди.

Хулоса қилиб айтганда, диссертация бу бажарилиши шарт бўлган, қатъий илмий ва расмий мезонларга амал қилиб тайёрланадиган илмий-тадқиқот асаридир. Илмий мақолалар, методик ва ўқув услубий қўлланмалар, дарсликлар диссертация эмас, улар унинг ўрнини боса олмайди. Лекин, диссертация учун зарурий унсурлар ҳисобланади. Ҳатто, муаллиф ўз илмий ишлари асосида илмий маъруза шаклида оммавий ҳимоя қилганида ҳам, маъруза диссертацияга қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши шарт.

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР ВА ЮРИДИК ФАННИНГ ЎРНИ (ТЕЗИС)

**ТОШЕВ Бобоқул Норқобилович,**

Юристар малакасини ошириш маркази  
кафдера мудири, юридик фанлар доктори

***Аннотация:** Мақолада миллий ҳуқуқий тизимлар ва уларга дахлдор мамлакатлар, қонунчилик назарияси ва ҳуқуқий қарашлар, Фарб ва Шарқ олимларининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлашда ҳуқуқий-назарий қарашлари, норма ижордкорлигини ривожлантириш йўллари, қонунчилик базасини тизимлаштириш, юридик фанни ривожлантиришга оид хорижий тажриба, юридик фаннинг истиқболлари кўриб чиқилган.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются национальные правовые системы и причастные к ним стран, теория права и правовые взгляды, правовые и теоретические взгляды западных и восточных ученых на укрепление правовой*

базы, пути развития нормативной деятельности, систематизацию правовой базы, зарубежный опыт развития правовой науки, перспективы юридической науки.

**Abstract:** *The article discusses national legal systems and the countries involved in them, the theory of law and legal views, legal and theoretical views of Western and Eastern scholars on strengthening the legal framework, ways to develop regulatory activities, systematization of the legal framework, foreign experience in the development of legal science, and prospects for legal science.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий қараш, ҳуқуқ назарияси, норма ижодкорлиги, қонунчиликни тизимлаштириш, қонунчиликни хатловдан ўтказиш, юридик таълим, юридик фан интеграцияси, илмий мактаб, ҳуқуқий башорат.*

**Ключевые слова:** *правовая система, правовой взгляд, теория право, нормотворчество, систематизация законодательства, инвентаризация законодательства, юридическое образование, интеграция юридической науки, научная школа, правовое прогнозирование.*

**Keywords:** *legal system, legal view, theory of law, rulemaking, systematization of legislation, inventory of legislation, legal education, integration of legal science, scientific school, legal forecasting.*

Дунё давлатлари ҳуқуқий тизимларининг ҳозирги ҳолати узоқ ва изчил давом этган тарихий ривожланиш натижасидир. Аммо, нормаларни яратиш, талқин қилиш ва баҳолашда ҳуқуқий тизимлар ўртасида ўхшашликларни кузатиш мумкин. Таниқли олим Рене Давид миллий ҳуқуқий тизимларни оилаларга ажратишни таклиф қилиб, учта асосий: роман-герман ҳуқуқи оиласи, умумий ҳуқуқ оиласи ва социалистик ҳуқуқ оиласи гуруҳларини ажратиб берди.

XX асрнинг охирида дунёда содир бўлган кейинги ўзгаришлар ҳуқуқ ривожланишига ҳам тузатишлар киритди. Социалистик тизимга асосланган мамлакатлар доираси амалда торайган сари социалистик ҳуқуқ оиласи ўзининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини йўқотди.

Роман-герман ҳуқуқи оиласи Европа мамлакатлари Рим ҳуқуқини ўзлаштиргани натижасида вужудга келган. Ҳозирги пайтда ушбу ҳуқуқий оиллага авваламбор, Европа қитъаси, Лотин Америка (Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари ҳудудларидаги давлатлар), Африка мамлакатлари киради. Рим ҳуқуқининг таъсири Шотландия, Луизиана (АҚШ), Квебек (Канада) да сезиларлидир.

Умумий ҳуқуқ оиласига Буюк Британия, АҚШ, Канада (Квебекдан ташқари), Австралия, Янги Зеландия, Ямайка, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа мамлакатлар киради. Англия, АҚШда ва уларнинг тизимини қабул қилган бошқа мамлакатларда суд прецеденти принципи амал қилади: муайян иш юзасидан чиқарилган қарор тенг ва пастки инстанция судларининг барчаси учун, башарти улар шунга ўхшаш иш кўрса, мажбурийдир. Натижада расман амал қилаётган қонун аслида кучга эга бўлмаган вазият вужудга келади.

Қонунларни яратишда ҳуқуқий назарияларнинг ўрни, ислом ҳуқуқи нормаларининг таъсири, қонунлар тузилиши ва ижросини таъминлашга

оид қарашлар юртимиз алломаларининг асарларида ўз аксини топган. Яъни, ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкам бўлиши энг аввало, ҳуқуқий ва назарий қарашларга боғлиқ эканлиги илгари сурилган. Айнан Ўрта Осиёда IX-XII асрларни “Ислом ренессанси”, яъни “Ислом уйғониш даври” дейилиши бунинг ёрқин мисолидир.

Ўрта асрларда мамлакатимизда яшаб ўтган буюк фикқ илми мутафаккири Убайдуллоҳ ибн Масъуд (туғилгани номаълум, вафоти 1346 йил) замонасининг кўзга кўринган алломаларидан бўлиб, айниқса, Усулул фикқ, Фуруул фикқ, Хилоф, Жадал, Ҳадис, Наҳв, Луғат, Адабиёт, Илми калом, Мантиқ каби илмларда пешқадам бўлганлар. У зот таълиф этган асарлар ҳанафий мазҳабида ёзилган бошқа йирик манбалардан тубдан фарқ қилади. У кишининг “Мухтасарул Виқоя” китоби фикқ илмида мурожаат қилинадиган асосий тўрт матн китобнинг бири, ўз боболарининг қаламига мансуб: “Виқоятур ривоя фи масаиллил ҳидоя” китобининг қисқартмасидир. Айнан шу китобга шарҳ ҳам ёзилган бўлиб, унинг номи “Шарҳул Виқоя” дир. Бу китобдан ҳозирги кунда ҳам фикқ аҳли кенг фойдаланади. Юртимиздаги мадрасалар таълим дастури фикқ фани бўйича у кишининг “Мухтасарул виқоя” асарлари асосида шакллантирилган, талабалар фикқий сабоқларни айнан ушбу дарслиқдан ўзлаштирадилар. Чунки, “Мухтасарул виқоя” фикқни англашда “Ҳидоя” масалаларини тўла тушуниш учун муҳим восита вазифасини бажаради

Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий бобомиз ўзининг асарларида “қонунлар назарияси”га алоҳида эътибор қаратади. У киши қонунлар яратилишидан олдин унинг назарияси ўртага ташланиши, узоқ йилларга мўлжаллангани ва мавжуд ҳуқуқий муаммоларни ечимини манбалар орқали кўрсатиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда рим ҳуқуқи асосида яратилган қонунлар барча муносабатларни тўлиқ қамраб олмаган. Инсонга тегишли бўлган ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинлик унинг истаги билан бирга, жамиятнинг ҳам талабига мос келиши керак, деб ҳисоблайди, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий. У ўзининг ҳуқуқий йўналишдаги асарларида қонун тўрт таркибдан иборат бўлиши керак эди. Биз сўз билан айтганда, юртимизда ўрта асрларда яшаб ўтган ўнлаб уламо-олим, қози боболаримиз ўзининг илмий асарларида ҳуқуқ, давлат, бошқарув ва ҳукм (хулоса) масалаларини чуқур тушунтириб кетишган.

Европа уйғониши деб аталадиган даврда кўплаб олим ва назариётчилар Шарқ олимларининг фикқ илмий меросидан изчил ва унумли фойдаланишган. Масалан, Ш.Л.Монтескье (1689-1755 йй.) ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкамлиги бевосита қонунларнинг сифати, таъсирчанлиги ва ижросига боғлиқ, дейди. Унинг қарашларига кўра қонун услуби содда ва аниқ, дабдаба ва жимжимадорликдан холи бўлиши лозим. Қонундаги тушунчалар аниқ бўлиши, ҳар хил талқин қилиш имкониятини истисно этиши керак. Қонунларда реал ва долзарб масалаларни кўтариш керак, рамзийлик ва мавҳумликлардан қочиш

зарур. Қонунлар матни мантиқ бўйича машқлар бўлмаслиги, ақлий салоҳияти ўртача бўлган одамларга мумкин қадар тушунарли бўлиши лозим. Қонунни кўп сонли истиснолар, чеклашлар ва эслатмалар билан қалаштириб ташлаш ярамайди, қонунлар пухта ўйланган, асосланган ва амалиёт учун зарур бўлиши лозим”.

Бугунги кунда ҳам миллий ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш, норма ижодкорлигини ривожлантиришда бой ҳуқуқий-илмий меросимиздан кенг фойдаланиш катта самара беради. Мамлакатимизда ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш, норма ижодкорлигини кенгайтириш, бозор иқтисодиёти қонуниятларига тўлиқ жавоб берадиган, тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 8 август куни “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сонли фармони қабул қилинди.

Фармон билан қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш, норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар кўрсатиб берилди.

Концепцияда кўрсатилишича, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллашга таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этиш ҳисобига аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий базасининг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва халқаро шартномалар нормаларига мувофиқлигини таъминлаш, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш каби муҳим масалалар ҳал этилиши керак.

Концепцияга кўра ҳуқуқий тизимни мустаҳкамлаш, қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш энг асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қуйидагилар асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан амалий ва самарали тартибга солиш муҳим йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Концепцияни амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этиш белгиланган.

Юқоридагиларга кўра қуйидагиларни таъкидлаш ўринли ҳисобланади. *Биринчидан*, мамлакатимизда амалга оширилиётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун аввало, юридик фан интеграция қилиниши лозим. Яъни, ижтимоий муносабатлар тизимлаштирилгани ҳолда, бир-бирига яқин ва турдош фанлар умумлаштирилиши керак. Масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган юридик фанлар битта фанга бирлаштирилиши, соҳавий ва институциявий йўналишлар унинг тармоғи сифатида ўрганилиши лозим. Фанлар интеграцияси амалга оширилгандан сўнг, унинг назарий асослари ишланиши, ижтимоий муносабатлар таҳлили амалга оширилиши, муаммолар аниқланиши, илмий ечимлар таклиф этилиши, соҳага оид қабул қилинадиган қонунлар илмий-назарий концепцияси ишланиши керак.

*Иккинчидан*, амалдаги қонунчилик тўлиқ хатловдан ўтказилиши, бир-бирини такрорлайдиган нормалар, қоидалар ёки принциплар аниқланиши лозим. Шунингдек, амалда истеъмолда ишлатилмайдиган сўзлар ва тушунчалар чиқарилиши керак.

*Учинчидан*, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни яратиш учун бир соҳани тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасида янги Кодекслар яратилиши мақсадга мувофиқ. Айнан Концепцияда аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи (сайлов тизими, архитектура ва қурилиш, таълим, инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ва бошқалар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, яъни кодеклаштириш тавсия этилган.

*Тўртинчидан*, ҳуқуқий фаннинг истиқболи бевосита замонавий фикрлайдиган, мустақил ва тезкорлик билан қарорлар қабул қила оладиган, юридик ҳужжатлар лойиҳаларини ярата оладиган, ўз соҳасининг эксперти ҳисобланган ҳуқуқшунос кадрларга боғлиқ. Бугунги юридик таълимни тубдан ўзгартиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Таълимни амалиётга боғлаш, таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, машғулотларни янгича услуб ва шаклларда ташкил этиш, масофадан туриб ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишга халқаро стандартларни жорий этиш, мустақил таълимни кучайтириш, янги, таъсирчан ва самарали юридик адабиётлар яратишга ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бундан ташқари юридик фаннинг ривожланиши ҳуқуқни қўллаш амалиётига ҳам бевосита боғлиқ. Суднинг қабул қилган қарорлари, ҳуқуқни қўлловчи ва назорат қилувчи органларнинг тўпланган тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва ҳуқуқни ривожлантиришга оид янги қарашларнинг шаклланига олиб келади. Масалан, АҚШ

Федерал суд маркази мустақил тадқиқот ва таълим маркази бўлса-да, ушбу муассаса федерация миқёсида фаолият юритувчи судьялар ва суд ходимларини ўқитиш билан ҳам шуғулланади. Қонунга кўра бутун мамлакат бўйлаб фаолият олиб бораётган барча даражадаги судлар томонидан қабул қилинган қарорлар фақат Федерал суд марказида тўпланади. Бундан кўзланган мақсад суд қарорларини илмий ўрганиш, хато ва камчиликларини аниқлаш, ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини баҳолаш, шунинг асосида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун таклифлар беришдан иборат.

*Бешинчидан*, фан, технология ва амалиёт боғлиқлиги лозим. Хусусан, юридик фаннинг истиқболи бир томондан амалдаги ислохотларнинг ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий қарашларни ишлаб чиқариш, назарий асосларни яратиш бўлса, иккинчи томондан инновацион хўжалик юритиш ва иқтисодиётга ўтишга бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича 2017 йил 10 сентябрь куни биринчи саммитида сўзлаган нутқида бежизга “Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли саммитининг мавзуси, яъни “Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш” деган ғоя бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарблиги, ... илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашган ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидламаган эди.

Президентимиз ушбу тадбирда фаннинг амалий жиҳатдан натижадорлиги ҳақида шундай деган эди. 2015 йилда дунё бўйича патент олиш борасидаги мурожаатларда бу мамлакатларнинг ҳиссаси атиги биру ўндан тўққиз фоизни ташкил этган. Ташкилотга аъзо давлатларда 2016 йилда эълон қилинган илмий мақолаларнинг қарийб 80 фоизи 7 та давлат ҳиссасига тўғри келган. Аксарият мусулмон мамлакатлари бой табиий захираларга, катта молиявий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодиётга инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда фаоллик кўрсата олмаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Ўйлайманки, фундаментал фан соҳаларини ривожлантириш, даврнинг долзарб муаммоларига илмий ечимлар топишга қаратилган ҳамкорликни йўлга қўйиш ислом оламининг илмий-технологик салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам замин яратади, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бундан кўриб турибдики, ҳар қандай фан тармоғи ёки соҳаси шиддат билан ўзгариб бораётган, жаҳон бозорида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилаётган давлатлар ривожини, айниқса миллий ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак. Юридик фаннинг ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлашга қаратилган яна бир истиқболли йўналиши бу қонун ҳужжатларини илмий асослаш, шарҳлаш, ижросини ўрганиш, халқаро-ҳуқуқий нормаларни имплементация қилиш бўйича тавсиялаш бериш,

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аҳоли ўртасида кенг тарқатишдан иборат.

Айни вақтда республикаимиз ҳуқуқшунос олимлари олдида катта вазифалар турибди. Бу вазифалар сирасига миллий ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш ва қонунчилик асослари такомиллаштириш, республикаимизнинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини бажаришга қаратилган ҳуқуқий манбаларни илмий, назарий таҳлил қилиш ва миллий қонунчилик билан таъсирини баҳолаб бориш, амалга оширилаётган ислоҳотларни олдиндан ҳуқуқий башорат қилиш, жамиятда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда иштирок этиш, “устоз-шогирд” тизими ва илмий мактаблар яратиш, ҳуқуқшунослар халқаро ҳамжамияти билан кенг мулоқотни йўлга қўйиш, миллий ва замонавий юридик фанни ривожлантириш кабиларни киритиш мумкин.

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ҲУҚУҚНИ ТУШУНИШ, ЮРИДИК ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

**РАИМОВ Элбек Баҳодир ўғли**

Ўзбекистон Миллий университети

“Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ

таълими” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада ҳозирги кунда юридик фанларни ривожлантириш ва амалиётга табиқ этиш жараёнлари, уни ривожлантириш учун керакли таклиф ва фикрлар билдирилиб ўтилган. Шунингдек мамлакатимизни демократлаштириш, либераллаштириш ва ислоҳ қилиш шароитида ҳозирги замон ҳуқуқни тушуниш муаммолари ҳар томонлама ўрганиб, таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье описываются современные процессы развития и практики юридической науки, а также предложения и идеи для развития. Также подробно рассматриваются и анализируются проблемы современного права в условиях демократизации, либерализации и реформирования страны.

**Abstract:** The article outlines the current processes for developing and practicing legal science, as well as suggestions and ideas for development. It also comprehensively examines and analyzes the problems of modern law in the conditions of democratization, liberalization and reform of the country.

**Калит сўзлар:** юридик таълим, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, юридик кадрлар, юриспруденция, ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқни тушуниш.

**Ключевые слова:** юридическое образование, предупреждение преступности, юридический персонал, юриспруденция, правовые события, понимание права.

**Key words:** legal education, crime prevention, legal staff, jurisprudence, legal events, understanding of law.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишда бош ҳуқуқий омил ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳуқуқий фанларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунни ҳамда моҳиятини узлуксиз ўрганиш ҳуқуқий фанларни ўқитиш ва уларни



амалиётга татбиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. 2018 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида ҳам юқори малакали юридик кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб қўйилган эди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда юридик фанларни ривожланиши учун кенг имкониятлар вужудга келмоқда. 2018 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-3666-сон қарори асосида юридик таълим олишда кенг имкониятлар яратилиши белгиланган эди.<sup>1</sup> Ушбу Қарорни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 573-сонли қарори<sup>2</sup> қабул қилинганлиги ва ушбу қарор асосида **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик коллежлари битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига бакалаврият босқичига қабул қилиш тўғрисида”**ги Низом ва ҳар бир вилоятда юридик коллежлар ташкил қилинганлиги юридик фанларни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислохотларга мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Бундан ташқари, юридик фанларни ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш баробарида 2019 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-4166-сонли қарорига<sup>3</sup> асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилган.<sup>4</sup>

2020 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги туб ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Бу ислохотларнинг асл моҳияти халқ фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ва демократия тамойилларининг устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг суръати ва натижалари ҳар биримизнинг бугунги кундаги шижоатимиз ва ҳаракатимизга боғлиқдир.

Юртбошимиз мамлакатда юз бераётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни янги суръатлар билан жадаллаштириш ва бу тизимни

<sup>1</sup> <https://www.lex.uz/docs/3681790>

<sup>2</sup> <https://www.lex.uz/docs/3835824>

<sup>3</sup> <https://www.lex.uz/docs/3835824>

<sup>4</sup> <https://www.lex.uz/docs/4194595>

янада такомиллаштириш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, дунёқараши ва профессионал тайёргарлиги тамоман янгича бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш каби қисқа муддатларда ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам олдимизга қўйди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, аввало, ҳуқуқшунослик илми ва фанини ривожлантириш, уни жамиятимизда юқори чўққиларга чиқишига эришиш, юқори малакали юридик фанлар докторлари ва фалсафа докторларини тайёрлаш, мамлакатда юриспруденциянинг барча йўналишлари бўйича ҳуқуқ мактабларини вужудга келтириш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқори малакали ҳуқуқшунос олимларни тайёрлаш учун қуйидаги маълум ташкилий ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

**Биринчидан**, ҳозирги кунда юридик фанлар бўйича чиқарилган илмий монография, рисоалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар сифати жиддий назорат қилиниши лозим. Чунки биз тайёрлаётган юридик кадрларга таълим беришда ушбу дарслик ва ўқув қўлланмалар фойдаланиш учун сифатли ва фойдали бўлиши лозим. Ҳозирги кунда баъзи бир олимлар томонидан тадқиқот ишларига лоқайд муносабатда бўлиб, хорижий давлатларда чоп этилган илмий ва ўқув адабиётларини таржима қилиб, ўз номидан чоп этиш ҳолати кузатилмоқда. Ушбу муаллифлар тартибга чақирилиши, уларга тегишли таъсир чоралари кўрилиши мамлакатимиз ҳуқуқ фанининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Лекин ушбу вазиятда муаллифлар ушбу хорижий адабиётлар ва манбаларни ўрганиб, таржима қилиб, қиёсий таҳлилни амалга ошириб тадқиқот амалга оширса, ушбу монография, рисоалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар етишиб чиқаётган юридик кадрлар учун жуда фойдали ва керакли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Иккинчидан**, малакали юрист кадрларни амалиёт талабидан келиб чиқиб тайёрлаш масаласи бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда юридик фанлар билан амалиёт алоқасини мукамал йўлга қўйиш асосий вазифаларимиздан бири сифатида қаралмоғи лозим. Чунки юридик фанларни ўқитиш асосида назарий қоидаларни амалиётда такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш, қонун ижодкорлигида, таълим жараёнида кенг фойдаланишни йўлга қўйиш яхши самара беришини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шунинг учун юридик фанларни ривожлантириш баробарида ва амалиётга татбиқ этиш орқали етук ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда юксак марраларга эришишимиз мумкин. Сиёсий, иқтисодий модернизация жараёнлари, давлат ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар юридик тизимни амалиётга мутахассислар тайёрлаш характери, сифат даражаси, касбий онгини шакллантириш нуқтаи-назаридан тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда. Аммо бу ўзгариш юридик таълим муассасалари ва бу соҳага талабгор субъектлар ўртасида ўзаро

муносабат бўлсагина таъминланиши ва амалга оширилиши мумкин. Афсуски, бугунги кунда юридик таълимга ижтимоий эҳтиёж фақат таълимни бошқариш органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар томонидан билдирилмоқда. Юридик таълимни бу соҳага эҳтиёжи бор барча субъектлар доираси билан яқин алоқасини йўлга қўйиш лозим. Юридик кадрлар тайёрлашда юридик фанларни ривожлантириш учун юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ўртасида амалиёт тартиби бўйича алоқалар ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, юридик фанлар савиясини кўтариш учун булардан ташқари халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйишимиз лозим. Бугунги кунда юридик фанларни ўқитиш баробарида ва юридик кадрлар тайёрлаш масалаларида ҳуқуқшунос олимлар хорижий давлатлар тажрибаси ва назариясини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиши ва изланишлар олиб бориши талаб этилади.

Ўз соҳасида хорижий давлат олимлари билан доимий мулоқотда бўлмайдиган, интернет орқали, бошқа илмий журналлар орқали тегишли илмий изланишларни кузатиб бормайдиган, халқаро анжуманларда қатнашиб, маърузалар қилмайдиган олимнинг келажаги йўқ, ундан юқори сифатли илмий натижа кутиб бўлмайди. Демак, илмий тадқиқотчилар чет тилини билиши, компьютер технологиясидан мукамал хабардор бўлиши ҳозирги замон юриспруденция соҳасининг ривожланиши учун юксак аҳамият касб этади.

**Тўртинчидан**, ушбу ўринда шуни эслатиб ўтмоқчимиз: “олим бирдан осмондан тайёр ҳолда тушмайди”. Ҳамма етук кадрлар ҳам юқори марраларга илмий изланишлар ва ҳаракатлар орқали эришади. Шунинг учун юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида кадрларни талаба-ликдан тарбиялаб бормоқ лозим. Бинобарин, иқтидорли талабалар билан ишлашни йўлга қўйиш, уларни илмий тадқиқотларга мунтазам равишда жалб этиб бориш керак. Шундагина, келгусида улар орасидан докторантура ва профессионал юридик соҳаларга номзодларни танлаб олиш имкони вужудга келган бўлар эди.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, барча мамлакатлар таълим тизимида юридик мутахассислик алоҳида ўринда туради, у мамлакатни муваффақиятли тараққиётга олиб боришни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, унинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига катта таъсир этади.

Юридик фаннинг ривожланиш тенденцияларини белгилаб берувчи муайян ҳуқуқни тушуниш типи бундай ҳуқуқшунослик мактабини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, муайян ҳуқуқни тушуниш типи доирасида ишлаб чиқилган ҳуқуқ тушунчаси яхлит ҳуқуқий назариянинг асоси ва барча ҳуқуқий ҳодисаларни билишнинг бош принципи бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, барча ҳуқуқий ҳодисалар (**ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ шакли (манбаи), ҳуқуқ ва**

**қонуннинг ўзаро нисбати, ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни тизимлаштириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик ва бошқалар)ни тушуниш ва талқин қилиш ҳуқуқни тушуниш масаласининг қай тарзда ҳал этилишига боғлиқдир.**

Афсуски, ҳозирги вақтда юридик фан ва унинг методологик асосини ташкил қилувчи ҳуқуқни тушуниш масаласи ўртага ташланмаган. Бу борада чет эл олимлари катта тадқиқот ишларини олиб борганлар. Хусусан, хорижлик олимларнинг ҳуқуқшунослик соҳаси инқирозини олдини олиш бўйича таклифларини ўрганиш шундан далолат берадики, уларнинг кўпчилиги охир-оқибат ҳуқуқни тушуниш муаммосига бориб тақалади ва бу ҳуқуқни тушунишнинг методологик аҳамият касб этишининг яна бир исботидир. Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган таклифлар ишлаб чиққан ҳолда юриспруденция соҳасини ислоҳ қилиш ҳар бир етук ҳуқуқшунос кадрларнинг вазифаси десак, муболаға бўлмайди.

Юридик таълим ва фан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда, мамлакатимизда қонунчиликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳозирги кунда юридик фанларнинг ютуқларидан қонун ижодкорлиги жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, юридик таълимни ривожлантиришда кенг фойдаланилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларнинг сифати, демак бутун жамият ва давлатнинг ривожланиши юридик таълим сифати билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистонда юридик фанларни ривожлантириш учун юқоридаги ташкилий муаммоларни ҳал этиш ва келтирилган таклиф ва тавсияларни амалиётда қўллаш орқали эришишимиз мумкин. Ҳозирги замон ҳуқуқни тушуниш масалаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқ тушунчаси, унинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси замонавий юридик фанда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳисобланади. Бинобарин, ҳуқуқни тушуниш плюралиزمи ҳукм сураётган ҳозирги даврда бизнинг юридик фан ва амалиёт қайси ҳуқуқни тушуниш типига асосланиши лозим, деган масала долзарб ҳамда ҳанузгача ўз ечимини топмаганини қайд этиб ўтиш мумкин.

II БОБ.  
ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

---

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**РАХИМОВ Фахри Хайдарович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси доценти, ю.ф.д.

**ҒОИПОВ Муҳсинжон Бақижонович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси магистратураси тингловчиси,  
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

**Аннотация:** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ўз моҳиятига кўра муайян ҳудуддаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади.

Мақолада коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг долзарб муаммолари бўйича ҳамкорликда тадбирларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган.

**Аннотация:** координация деятельности правоохранительных органов в борьбе с коррупцией является по своей сути составной частью деятельности по обеспечению законности и правопорядка в определённой территории.

В статье освещаются правовые основы разработки и координации совместных мероприятий по укреплению законодательства и правоприменительной практики по актуальным вопросам борьбы с коррупцией, противодействия преступности и другим правонарушениям.

**Abstract:** The coordination of activities of law enforcement bodies in the fight against corruption is inherently a part of activities aimed at ensuring law and order in a certain territory.

The article covers legal basics of development and coordination of joint measures on strengthening legislation and law enforcement practice on urgent issues of fighting against corruption, counteraction against crime and other offences.

**Калит сўзлар:** коррупция; коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; коррупцияга қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш тушунчаси, мақсади ва шакллари; жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш субъектлари; коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун.

**Ключевые слова:** коррупция; правоохранительные органы по борьбе с коррупцией; понятие, цель и формы координации деятельности по борьбе с коррупцией; субъекты координации деятельности по борьбе с преступностью; закон о борьбе с коррупцией.

**Key words:** *corruption; law enforcement agencies to combat corruption; the concept, purpose and forms of coordination of anti-corruption activities; subjects of coordination of activities to combat crime; the law on combating corruption.*

Инсоният пайдо бўлгандан буён жиноятчилик унга доимий салбий ҳамроҳ сифатида ҳамма вақт жамиятга хавф туғдириб, курашиш шарт бўлган муаммо бўлиб келган. Жамият ривожланган сари жиноятчилик ҳам ривожланиб, унинг хавфлилик ва муаммолик даражаси ҳам ортиб боради.

Ҳозирги пайтда жамиятга жуда катта хавф ва муаммо бўлиб майдонга келган жиноятчиликнинг кўриниши бу шубҳасиз коррупциядир.

Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “айниш”, “бузиш”, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан.

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият”дир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак”<sup>2</sup> деб таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашиш ва унинг хавфли оқибатларини бартараф этиш ҳар бир давлат ва жамиятнинг асосий вазифаси бўлган.

Давлат бу борада ўзининг қонунга асосан ташкил этилган органлари фаолиятини ташкил этиш ва коррупцияга қарши курашиш фаолияти борасида тегишли қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан ўз вазифаларини бажариб келади.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлатнинг ҳуқуқий тизимини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий функцияларни бажариш учун тузилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мамлакатдаги ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилиш билан бирга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши кураш вазифаларини бажаради.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. –Т.: “Шарқ”, 2001. – 656 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси // “UzA”, 2020 йил 25 январь.

Шу нуқтаи назардан коррупция хавфи ва унинг мамлакат хавфсизлигига солаётган таҳдиди бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари олдига қатор вазифаларни қўймоқда.

Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилиши ва муайян самарадорликка эришишларида улар фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупция ва бошқа жиноятларга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати аксарият ҳолларда давлатнинг қонунчилик назорати ваколати берилган органи томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари, хусусан, Б.Х.Пўлатов, О.М.Мадалиев ва З.С.Ибрагимовлар томонидан ўрганилган.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Ю.В.Капитанованинг фикрича, “ҳуқуқий мақомидан келиб чиққан ҳолда ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд органлари жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини ўз зиммасига ололмайди”<sup>1</sup>.

А.В.Кудашкин эса “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан бири”<sup>2</sup> деб ҳисоблайди.

И.Г.Корзун “Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари ҳуқуқларининг тенглиги”<sup>3</sup>ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий принципларидан бири деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 28 августда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”га қўшилди<sup>4</sup> ва давлатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратила бошлади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

---

<sup>1</sup> Капитанова Ю.В. Основы координации деятельности прокуратуры по борьбе с преступностью: дис. канд. юрид. наук: 12.00.11 / НИИ проблем укрепления законности и правопорядка при Генеральной прокуратуре РФ. – М., 2002. – С. 21.

<sup>2</sup> Кудашкин А.В. Координация деятельности по противодействию коррупции в военной организации государства. [Электронный ресурс]. URL: [http:// www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/](http://www.voennoepravo.ru/files/Кудашкин/) (дата обращения: 01.07.2017).

<sup>3</sup> Корзун И.Г. Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по противодействию коррупции. – С. 17.; Координация прокуратурой деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью. – С. 13-14.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2008 йил 7 июль, ЎРҚ-158-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 260-модда.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори<sup>1</sup>га асосан Ўзбекистонда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси унинг ишчи органи сифатида белгиланди.

2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” тасдиқланди.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда биринчи марта “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” ва “манфаатлар тўқнашуви” каби тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифи белгиланди.

Қонунинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга ошируви давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кўрсатилди<sup>2</sup>.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш борасида умумий ваколатлар билан бир қаторда ҳар бир давлат органининг ўзига хос ваколатлари ҳам белгиланган бўлиб, ушбу ваколатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий функция ва вазифаларидан келиб чиқади.

Жумладан, **давлат хавфсизлик хизмати органлари** коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади, коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, **ички ишлар органлари** коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди, **адлия органлари** коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади, аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори., 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.



ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказди, жиноий таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги асосий ваколатлари белгиланди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади, коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади, **коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради**<sup>1</sup> деб белгиланган.

Бош прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштириш ваколати прокуратура органларининг конституциявий ваколатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 8-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент ш., 2017 йил 3 январь, ЎРҚ-419-сон// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 й., 2-сон, 47-модда.

таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гуруҳлар ташкил этади, зарур ахборот, шу жумладан, статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади”<sup>1</sup> деб кўрсатилган.

Юқоридаги қонунлар талабидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва прокуратура органлари коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини жинойтчиликка қарши курашиш фаолияти сифатида мувофиқлаштиради.

Бунга сабаб шуки, прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз Конституциясининг 118-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш айнан прокуратура органларига юклатилган<sup>2</sup>.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашишда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактикасини ташкил этиш фаолияти борасидаги мувофиқлаштириш ҳам муҳимдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2833-сонли қарори<sup>3</sup> мувофиқлаштириш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мазкур Қарорда нафақат коррупцияга оид, балки барча турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрир) // Тошкент ш., 2001 йил 29 август, 257-II-сон//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент ш., 1992 йил 8 декабрь. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/563/3685-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-2833-сонли қарори, 2017 йил 14 март // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, **ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чоратадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги** алоҳида таъкидланган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш асосий мақсад қилиб белгиланди.

Қарорда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш ҳақидаги таклиф қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиялари бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланган.

Бундан ташқари, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунинг 8-моддасига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган **Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг** асосий вазифаси ҳисобланади.

Юқоридагиларга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти прокуратура органлари томонидан мувофиқлаштирилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва вилоят прокурорлари бошчилик қиладиган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларнинг мувофиқлаштиришдаги роли қуйидаги йўналишларда ифодаланади:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

- коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлайди;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлайди;

- коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил этади;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг мунтазам фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш ишини ташкил қилади, белгиланган муддатларда кенгаш ишини чақиради ва уларга раислик қилади;

- коррупцияга қарши кураш юзасидан иш якуни муҳокамаси бўйича идоралараро йиғилиш фаолиятини ташкил қилади ва унга раислик қилади;

- коррупция ҳолати, структураси, динамикасига оид ахборотларни таҳлил қилишни ташкил қилади ва уларнинг натижаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг келишув фаолияти натижадорлигини олиш бўйича зарур чоралар ҳақида қарорлар қабул қилади;

- коррупция қарши кураш бўйича келишув тадбирлари режаларини ишлаб чиқишни, мувофиқлаштирувчи кенгашда уларнинг муҳокамасини ва тасдиқлашни ташкил қилади;

- режалаштирилган тадбирлар бажарилишини назорат қилишни ташкил қилади;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар номидан ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига коррупция қарши кураш бўйича таклифларни тайёрлашни ва киритишни ташкил қилади;

- қўйи органлар учун мувофиқлаштириш масалалари юзасидан тавсиялар тайёрлашни ташкил қилади.

Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлашга шароит яратади. Бинобарин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш фаолияти ҳолати ҳақидаги тўлиқ ахборотни олишлари, йўл қўйилган хато-камчиликлар, қонун бузилишларига қарши ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларни олдини олиш имкониятларини яхшилади.

Прокуратура, ички ишлар органлари, давлат хавфсизлик хизмати, адлия вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумий мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, ўз фаолиятларини бир-биридан, ҳар бир органнинг ўзига хос шакллари ва усулларидан мустақил равишда амалга оширади.

Мувофиқлаштириш орқали коррупцияга қарши курашишда барча ваколатли органлар кучларининг бирлаштирилиши натижасида самарадорликка эришилади.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, жиноий фаолият кўринишларининг ўз вақтида олдини олиш, уни тўхтатиш, аниқлаш ҳамда фош этиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиш омилларини бартараф этиш, зарарсизлантириш, содир этилган ҳар бир коррупцион жиноятни тезкорлик билан очиш, уни ҳар томонлама тўла ва холисона тергов қилиш, коррупцион жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахсларни ўз вақтида жамиятдан ажратиш, жиноят содир этган шахсга нисбатан қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқариш, суд қарорларини ижрога қаратиш ва ижро қилиш, шунингдек жиноятнинг сабаблари, уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш чораларини кўришга қаратилган тадбирларни келишилган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Юқоридаги баён этилганларга қарамасдан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда намунали кўрсаткичларга эришилмаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳам коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш етарли даражада таъминланмаяпти.

Вазиятнинг бу ҳолатга келишидаги энг асосий сабаблардан бири мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.

Фикримизча, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида “Жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолиятни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур қонун қабул қилиниши билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашишининг асосий принциплари, йўналишлари белгилаб берилиши, ушбу принципларга ва йўналишларга риоя қилингани ҳолда, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилиши, даврий ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги чоратадбирлар дастурлари, аниқ йўналтирилган режалар тизими ишлаб чиқилиши, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмнинг яратилиши таъминланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) талабларига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда бу органлар ўзининг процессуал мустақиллигини, ўзига хос принципларини ва ишни ташкил қилиш шароитларини йўқотмайди, балки уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган ваколатлар ва функциялар доирасида ўз олдида қўйилган вазифаларни бажаришади.

ЖПКнинг 345-моддасида жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни олиб борадиган прокуратура, давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари иш юритувида қайси жиноятлар тегишлилиги белгиланган.

Бироқ, Жиноят кодексидаги айнан қайси моддаларида белгиланган жиноятлар коррупциявий жиноятлар деб ҳисобланиши белгиланмаган.

Фикримизча, коррупция жиноятининг қонунда аниқ ҳуқуқий таърифини бериш ва айнан қайси турдаги жиноятлар коррупциявий жиноятлар сифатида ҳисобланишини мустаҳкамлаш лозим.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш хориж мамлакатларида ҳар хил тузилмалар томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, дунёнинг ривожланган давлатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура ёки алоҳида орган томонидан таъминланади.

БМТнинг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”нинг 36-моддасида ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ҳуқуқ-тартибот чоралари орқали коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёки шахслар бўлишини таъминлаши талаб этилади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда дунёда коррупцияга қарши курашни амалга оширувчи махсус органларнинг асосан уч хил шаклини кўришимиз мумкин:

- Кўп мақсадли коррупцияга қарши агентликлар (Сингапур, Австралия Ботсвана, Литва, Латвия, Қозоғистон, Корея, Таиланд, Аргентина.);

- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ваколатига эга бўлган идоралар (Испания, Руминия, Хорватия, Белгия, Норвегия, Буюк Британия);

- Коррупцияни олдини олиш, давлат сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича алоҳида институтлар (Франция, Словения, Албания).

Шунингдек, айрим давлатларда (Испания, Руминия, Украина, Молдова) антикоррупциявий прокуратуралар фаолияти йўлга қўйилган.

Украинада эса “Украинанинг миллий коррупцияга қарши кураш бюроси”, “Коррупцияга қарши ихтисолаштирилган прокуратура” ва “Украина коррупциядан ва бошқа жиноятлардан олинган активларни идентификациялаш, назорат қилиш ва бошқариш бўйича миллий агентлиги” бир вақтнинг ўзида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида ҳамда 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда парламент ва Президент олдида ҳисобдор алоҳида

---

<sup>1</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. Нью-Йорк, 31 октября 2003 года//[https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

коррупцияга қарши курашувчи мустақил орган тузиш таклифи илгари сурилди.

Янги ташкил этилаётган тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, жаҳоннинг кўплаб барқарор ва тараққий этган мамлакатларида ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида органлар давлат ва жамият равнақиға катта ҳисса қўшаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев томонидан ҳам эътироф этилди.<sup>1</sup>

Янги тузилмани яратиш ва унинг ваколатларини белгилаш орқали давлатимизнинг кўплаб қонунлари ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши табиий, албатта.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистоннинг ҳаётида коррупцияни олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига қарши курашишда муҳим асос бўлиши қувонарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашишда республика-миздаги барча ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъйи ҳаракатларини, куч ва воситаларини бирлаштириш, иш фаолиятларида такрорланишларни олдини олиш, коррупцион жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, фош этиш, тергов олиб бориш ва профилатика қилишда аниқ ва пухта нормаларни белгилайдиган қонунчиликни такомиллаштириш ва унинг талабларига қаъий риоя қилиш мувофиқлаштиришнинг самарали натижасини кўрсатмасдан қолмайди.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ – ЮРИДИК ФАННИНГ МУСТАҚИЛ ТАРМОҒИ

**МАМАТОВ Худоёр Тешаевич,**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссиясининг Котибият раҳбари,  
юридик фанлар доктори, профессор

***Аннотация:** Ушбу мақолада ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи сифатида конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида ўрни кўриб чиқилган. Конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети, вазибалари ва функцияларининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳуқуқий муносабатларда давлат ва жамият билан ўзаро алоқадорлиги ёритилган. Шунингдек унинг бошқа муҳим жиҳатлари билан бир қаторда, конституциявий ҳуқуқнинг таълим соҳасидаги ўрни ва роли ҳамда замонавий билимларни пухта эгаллаган юридик кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти очиб берилган.*

<sup>1</sup> Йўлдошев Н.Т. “Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати”// <http://huquq.uz/korrupsiyaga-arshi-kurash-fu-arolarning-u-u-lari-va-onuniy-manfaatlarini-imoya-ilishning-mu-im-kafolati/>

**Аннотация:** В данной статье рассматривается особенное место конституционного права, как отдельной отрасли права. Особенности функции, задачи, предмета конституционного права, и его взаимосвязанность с государством и обществом, под призмой правовых отношений. Также наряду с другими аспектами, раскрывается место и роль конституционного права в сфере образования и её правовой нагрузки при подготовке квалифицированных кадров.

**Abstract:** This article discusses the special place of constitutional law as a separate branch of law, function, task, subject features of constitutional law, and its interrelationship with the state and society, under the prism of legal relations. Also, the place and role of constitutional law in the field of education and its legal burden in the training of qualified personnel is revealed along with other aspects.

**Калит сўзлар:** Конституциявий ҳуқуқ, ҳуқуқ тармоғи, ҳуқуқий тизим, ижтимоий муносабат, жамият тузуми, давлат тузуми, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, давлат институтлари тармоқлари, фуқаролик жамияти институтлари, конституциявий ҳуқуқ предмети, конституциявий ҳуқуқ функцияси, конституциявий ҳуқуқ вазифалари, давлат суверенитети, давлат мустақиллиги, олий ҳокимият органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, инсон ҳуқуқлари.

**Ключевые слова:** Конституционное право, отрасль право, правовая система, общественные отношения, общественный строй, государственный строй, государственные органы, общественные организации, отрасли государственных институтов, институты гражданского общества, предмет конституционного права, функции конституционного права, задачи конституционного права, государственный суверенитет, государственный независимость, высшие органы власти, местные органы власти, права человека.

**Keywords:** Constitutional law, branch of law, legal system, public relations, social order, state system, state bodies, public organizations, branches of state institutions, civil society institutions, subject of constitutional law, functions of constitutional law, tasks of constitutional law, state sovereignty, state independence, supreme authorities, local authorities, human rights.

Мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг етакчи, муҳим тармоқларидан бири – конституциявий ҳуқуқдир. Бошқа ҳар қандай ҳуқуқ тармоқлари каби ушбу ҳуқуқ тармоғи ҳам муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат бўлиб, улар бир томондан, ички ягоналик ва умумий белгилари муштараклиги билан, иккинчи томондан, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажратиб турувчи хусусиятларга эгаллиги билан характерланади.

Конституциявий ҳуқуқ, унинг нормалари жамият ҳамда давлат тузумининг асосларини белгилайди, давлат ҳокимиятини амалга оширишга оид ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солади, ривожлантиради. Шу асосда конституциявий ҳуқуққа қуйидагича таъриф бериш мумкин: *конституциявий ҳуқуқ фуқаро (инсон)нинг жамиятдаги ва давлатдаги ҳуқуқий ҳолатини, ижтимоий ҳамда давлат тузуми асосларини, давлат ҳокимияти тармоқларининг ташкил этилиши, тузилиши, фаолият кўрсатиши, уларнинг фуқаролик жамияти*



*институтлари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидир.*

Илмий адабиётларда “конституциявий ҳуқуқ” ва “давлат ҳуқуқи” атамалари синоним тушунчалар сифатида қўлланилади. “Давлат ҳуқуқи” конституциявий тузум ўрнатилмаган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлаверади, деб ҳисобланади. Аммо, Европа юриспруденциясига кўра, “конституциявий ҳуқуқ” тармоғининг мавжудлиги конституциявий тузум ўрнатилганлигига боғлиқ. Бу ёндашувга биноан, конституция давлат тузуми ифодаланишидан кенг бўлиб, мулк, оила, жамият ҳаётининг бошқа ижтимоий жиҳатларини ҳам қамраб олади. Шунга кўра, “конституциявий ҳуқуқ” “давлат ҳуқуқи”дан кенгроқ. Баъзи олимлар эса, “конституциявий ҳуқуқ”ни торроқ деб даъво қиладилар, чунки давлат ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқни, процессуал ҳуқуқни, суд ҳуқуқини (умуман, оммавий ҳуқуқ соҳасини) ўз мазмуни ичига олади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий онгда “конституциявий ҳуқуқ тармоғи” ва “конституциявий ҳуқуқ фан соҳаси” мустақкам ўрин олди. Шу сабабли биз кейинги баёнларда “конституциявий ҳуқуқ” терминини қўллаймиз.

Мамлакат ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида тармоқ сифатида мустақил ўрин эгаллашининг боиси унинг алоҳида ўз ҳуқуқий тартибга солиш предметиға эгаллигидадир. Ҳуқуқ тармоғининг предмети билмай туриб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳам тўғри ташкил этиш мумкин эмас. Конституциявий ҳуқуқ предметиға хусусияти шундаки, унинг нормалари ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт борасидаги муносабатларнинг муайян қатламини тартибга солади. Бу ҳуқуқ тармоғи кўрсатиб ўтилган соҳалардаги асосий, энг муҳим, базавий муносабатларни тартибга солади. Бундай муносабатлар жамият ва давлат ҳаётининг пойдеворини ташкил этиб, ўз аҳамиятиға кўра, тизим ҳосил қилувчи, муҳим қадриятларни акс эттирувчи, жамиятнинг бирлигини таъминловчи муносабатлар мажмуини ташкил қилади.

Конституциявий ҳуқуқнинг предметиға ташкил қиладиган ижтимоий муносабатлар бир қанча турларға ажратилиши мумкин. Улар қуйидагича:

*биринчидан*, конституциявий ҳуқуқ нормалари, аввало, давлат тузумини белгиловчи асосий принципларни мустақкамлайди. Уларда давлатни характерловчи сифат-белгилар акс этади. Масалан, давлат суверенитети, бошқарув шакли, давлатнинг тузилиш шакли, ҳокимиятнинг кимға мансублиги, давлат ҳокимиятининг субъектлари ва уни амалға ошириш усуллари, жамият сиёсий тизимининг умумий функционал асослари ва ҳ.к;

*иккинчидан*, жамият – ягона ва бир бутун уюшма. Шу сабабли у ўз аъзоларининг тугал ҳуқуқий мақомисиз, уларнинг давлат билан муносабатға киришиш принципларини белгилаб олмай туриб, мавжуд бўла олмайди. Конституциявий ҳуқуқнинг мазкур йўналишдаги муносабат-

<sup>1</sup> Қаранг: Хессе К. Основы конституционного права ФРГ. – М., 1981. – 29 б.

лари тоифасига қуйидагилар киради: шахснинг давлат фуқаролигига мансублиги, инсоннинг жамият ва давлатдаги ҳолати принциплари, инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари, инсоннинг юридик мақомини муҳофазалаш ва кафолатлаш билан боғлиқ муносабатлар;

*учинчидан*, жамиятнинг ягоналиги социал соҳадаги барча ижтимоий муносабатларни боғловчи умумий принциплар билангина таъминланмайди, балки ушбу жамият структурасига мос функциялар амалга оширилиши учун зарур бўлган ижтимоий жараёнларни бошқариш механизмлари ҳам талаб этилади. Бундай механизмлар давлат органлари тизими, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими орқали ҳаракатланади. Шу сабабли конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат ҳокимияти органлари тизимини ташкил этиш ва фаолияти принциплари, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тартибини, уларнинг турларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил этиш ва ишлаш тартиби, ваколатлари, фаолият шакллари, улар ҳужжатларининг турларини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини мустаҳкамлайди.

Конституциявий ҳуқуқ предмети ижтимоий муносабатларнинг уч асосий соҳасини қамраб олади: *биринчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалаш (инсон ва давлат ўртасидаги муносабатлар); *иккинчидан*, давлат ва давлат ҳокимиятининг тузилиши (ҳокимият муносабатлари); *учинчидан*, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги муносабатлар.

Конституциявий ҳуқуқнинг предмети давлат ҳокимиятини ташкил қилиш нафақат ҳокимият ва бошқарув идораларини таъсис этишни, балки улар ўртасидаги кенг қўламли муносабатларни тартибга солишни назарда тутди. Турли вазифаларни бажариши ҳамда ваколатлари тақсимланган бўлишига қарамай, давлатнинг барча вакиллик ва бошқарув идоралари ягона тизимни, муштарак бир бутун ижтимоий воқеликни ташкил этиши лозим. Давлат ҳокимияти тизими билан инсонлар ўртасида шундай муносабатлар қарор топадики, уларнинг мазмунидан давлатнинг инсонлар манфаатлари нуқтаи назаридан жамиятда тутадиган ўрни ва роли англанади. Конституциявий ҳуқуқ ҳокимият муносабатларига оид ҳуқуқий жараёнлар ривожининг асосини ташкил этади<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, *конституциявий ҳуқуқнинг предмети* нуқтаи назаридан ушбу ҳуқуқ соҳасининг қуйидаги таърифини таклиф қилиш мумкин. Конституциявий ҳуқуқ инсон ва давлат, жамият ва давлат ҳокимияти, сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, давлат қурилишининг мазмуни ва конституциявий тузум асослари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, давлат ҳокимияти марказий ва маҳаллий органлари,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001. – 11,13 бетлар.

ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил қилиш асосларини белгиловчи ва бу соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимини ифодаловчи ҳуқуқ тармоғидир.

Конституция мамлакатдаги энг олий қонун бўлиб, жамиятдаги сиёсий кучлар нисбатини, давлат ҳокимиятини тутиб турувчи қатлам (элита, синф), ижтимоий гуруҳ мақомини, давлатнинг жамият ва шахс ҳаётига аралashi чегараларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини, ҳокимиятни амалга ошириш принциплари ва тартибини белгилайди. Конституциянинг моҳияти ва асосий ижтимоий вазифаси ҳам айнан ушбу жараёнларда намоён бўлади.

Асосий қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда ижтимоий вазифаси конституциявий ҳуқуқ фанининг вазифаси, функциялари ва ривожланиш йўналишларини белгилайди. “Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат” (2006 й.) муаллифлари конституциявий ҳуқуқнинг икки хил вазифаси мавжуд деб ҳисоблайдилар: биринчидан, давлат ва жамият қурилишининг асосларини, мамлакатдаги ҳокимиятнинг характерини ҳамда шахс мақомини мустаҳкамлаш (мазкур асослар турли ҳуқуқ тармоқлари нормаларида ривожлантирилади ва кенг тавсифланади); иккинчидан, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ҳокимиятини амалга ошириш механизминини батафсил тартибга солади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон конституциявий ҳуқуқининг **асосий вазифаси** халқ ҳокимиятчилигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашдан иборат. Чунки, демократияни ривожлантириш, халқ ҳокимиятчилигининг самарали усул ва шакллари амалиётга жорий этиш жамият манфаатларига тўла мос тушади.

Бу фан бевосита халқ ҳокимиятчилигини ифодаловчи “референдум”, “сайлов”, “парламент демократияси”, “вакиллик демократияси”, “умумхалқ муҳокамаси” каби бир қатор муҳим институтларни тадқиқ этади. Шунингдек, конституциявий ҳуқуқ инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий механизминини, одил судловнинг демократик асосларини ҳамда давлат идораларининг қонунлар ижроси бўйича фаолияти йўналишларини қамраб олади<sup>2</sup>.

Конституциявий ҳуқуқнинг таълим жараёнидаги вазифаси таълим олувчиларга Конституцияни чуқур ўргатишдир. Ушбу ўқув фани орқали Асосий қонуннинг аҳамияти, моҳияти, мазмуни, вазифаси, юридик табиати, давлат органлари тузилиши, ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга ошириш принциплари (тартиби), инсон (фуқаро) нинг ҳуқуқий ҳолати, фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар мазмуни ўрганилади. Мазкур фаннинг вазифаси фақат Конституцияни, конституциявий ҳуқуқ нормаларини аҳоли, шунингдек ёшлар, ўқувчилар онгига сингдиришдан иборат бўлиб қолмай, балки ўқувчиларда қонунга,

<sup>1</sup> Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат / Масъул муҳаррир Б.Мустафоев. – Т., 2006. – 235 б.

<sup>2</sup> Конституциявий ҳуқуқ / Проф. Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – 11 б.

Конституцияга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига чексиз ҳурмат ҳиссини шакллантириш вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, конституциявий ҳуқуқ соҳасида янги институтлар шакллана бошлади. Булар: президентлик институти, замонавий парламентаризм анъаналари, демократик сайлов тизими, конституциявий суд назорати, ўзини ўзи бошқариш, жамоатчилик назорати ва бошқалар. Бу реалликлар мамлакатда конституциявий ҳуқуқнинг янги демократик назарияси яратилишини талаб этди. Ва шу ижтимоий эҳтиёж ҳамда зарурият туфайли янги концепцияга асосланган конституциявий ҳуқуқ тармоғи ва фан соҳаси пайдо бўлди, улар ҳозир изчил такомиллашмоқда. Бугунги мамлакатимиз конституциявий-ҳуқуқий назариясининг асосларини давлатнинг тузумига, жамиятнинг ривожланишига янгича демократик қарашлар, миллий қадриятларга асосланган ғоялар ташкил қилади. Улар ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, қонун устуворлиги, жинойатчиликка қарши муросасиз кураш ғояларида ўз ифодасини топади.

Конституциявий ҳуқуқ фанининг **функцияси** унинг эътибори қандай вазифаларни бажаришга қаратилганлигидан келиб чиқади. Ушбу фан ўз олдига қўйган вазифаларни адо этиш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

*Назарий билиш, янги билимларни ҳосил қилиш функцияси* шуни англатадики, конституциявий ҳуқуқ конституция ҳақида, давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш ҳақида, жамият манфаатларини ҳамда инсон ҳуқуқларини конституциявий кафолатлари, конституциявий ғоя ва қадриятларни жамият аъзолари онгига сингдириш усул ва воситалари ҳақида илмий асослантирилган назарий билимлар, таъриф ва хулосаларни шакллантиради. Ҳаёт тақазоси билан пайдо бўладиган янги конституциявий институтлар ва нормалар хусусида янги билимларни яратади. Масалан, Асосий қонунимизга киритилган янги институтлардан бири – бу давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир (32-модда). Энди ана шу жамоатчилик назорати институтига оид назарий таълимот шакллантирилиши лозим.

*Конституциявий ҳуқуқ онтологик функцияни бажаради.* “Онтология” қадимий юнонча сўз бўлиб, мавжудлик ҳақида таълимот деган маънони билдиради. Ушбу функция доирасида конституциявий ҳуқуқ ўз предметига кирувчи ҳодиса (институт, норма) ларни, яъни реал конституциявий воқеликларни илмий изоҳлаш, уларга оид далил-исботларни тизимли жамлаш ҳамда тушунтириш иши билан шуғулланади. Масалан, “конституциявий тузум”, “конституциявий давлат”, “конституциявий одил-судлов”, “конституциявий маданият” каби тушунчаларни изоҳлаб, тавсифлаб, илмий тушунтиришни амалга оширади.

*Конституциявий ҳуқуқ фани муайян методологик функцияни бажаради.* Албатта, бу функция олимлар орасида баҳс-мунозара

уйғотиши мумкин. Баъзи олимлар юриспруденция соҳасида фақат давлат ва ҳуқуқ назарияси фани методологик функцияни адо этади, деб даъво қиладилар. Фикримизча, ҳар қандай фаннинг назарий қисми, назарий пойдевори бор экан, демакки, унда методологик замин, методологик ишланмалар мавжуд бўлади. Конституциявий ҳуқуқ фанида ҳам худди шундай. Масалан, конституциявий принциплар борасида яратиладиган фундаментал назарий билимлар, хулоса ва тўхтамлар конституциявий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқ тармоқлари учун методологик аҳамият касб этади. Шунингдек, давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари, бошқа конституциявий институтлар хусусида яратиладиган назарий билимлар ҳам конкрет ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда методологик роль ўйнайди, албатта. Бундан ташқари, конституциявий-ҳуқуқий ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланиладиган метод (усул) лар йиғиндиси ҳам фаннинг методологик жиҳатини ташкил қилади.

*Конституциявий ҳуқуқнинг амалий тажриба функцияси.* Ҳар қандай фан таълимот, назарий билимлар тизими бўлиши баробарида амалиётга йўналтирилган бўлади. Бошқача айтганда, амалиётга хизмат қилади, фаннинг яратган концептуал ишланмалари, қоида ва хулосалари реал ҳаёт, амалиёт томонидан синовдан ўтказилади. Қатор ҳолларда бундай синов тажриба ўтказиш орқали бўлади. Конституциявий институт жамият ва давлат ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топади деган масала конституциявий ҳуқуқ фани учун ҳам, ижтимоий-ҳуқуқий ва давлатчилик амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, вилоят, туман, шаҳар ҳокими институти – муҳим конституциявий институт. Ушбу институтни 1992 йил давлатчилик амалиётига жорий этишдан аввал, яъни 1991 йил мобайнида Тошкент шаҳрида тажрибадан ўтказилган эди. Яна бир ноёб мисолга эътибор қаратиш муҳим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги фармойиши билан “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуннинг лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент тарзида синовдан ўтказилди. Бунинг натижасида очиқлик, ошкоралик принципини давлат органлари фаолиятида қўлланилиши механизмлари амалий тажрибадан ўтказилди.

*Конституциявий ҳуқуқ фани тарбиявий ва мафкуравий функцияни ҳам адо этади.* Конституциявий ҳуқуқ фани, аввало, демократик, адолатли, инсонпарвар давлат ҳокимияти, инсон манфаатларига хизмат қиладиган конституциявий ҳамда самарали сиёсий тизим, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг илмий талқинидан иборат. У жамият аъзоларида демократия, қонун устунлиги, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат интизоми, шахс манфаатларини кафолатлаш каби ҳодисалар юзасидан билим, тасаввур ҳосил қилади. Шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий онг ҳамда маданиятни шакллантиради. Бунинг натижасида қонунни

ҳурмат қилувчи, ўз манфаатларини жамият ва давлат манфаатлари билан мувофиқлаштирувчи фуқаро, комил инсон тарбияланади.

Конституциявий ҳуқуқнинг мафкуравий таъсири шундаки, унинг назарий ҳамда норматив қоидаларида ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, демократик давлат тузуми ҳақидаги ғоялар ўз аксини топади, улар конституциявий норма ва принциплар орқали инсонлар онгига сингиб, уларда замонавий дунёқарашни шакллантиради. Комил ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролик жамиятининг, адолатли, демократик ҳуқуқий давлатнинг концептуал асослари, мафкуриси ўзининг норматив ифодасини топган. Масалан, Асосий қонунимизнинг 19-моддасида қуйидаги норма мустаҳкамланган: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир...” Ушбу қоидада катта тарбиявий ва мафкуравий салоҳият мужассамдир. Айни вақтда, бу нормада ҳуқуқий давлатнинг муҳим принципларидан бири – давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги, бир-бирларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш ғояси мустаҳкамланган.

Шу ўринда алоҳида тўхталиш лозим, мамлакат ҳуқуқий тизими маълум бир марказ, ўзак атрофида уюшиб, бир бутун организм мисоли ҳаракатланади. Ана шу ўзак – конституциявий ҳуқуқдир.

Конституциявий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ тармоқларининг мазмунини белгилаши туфайли, миллий ҳуқуқ тизимида етакчи ўрин эгаллайди. Унинг етакчилигига сабаб, бу ҳуқуқ тармоғи жуда муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Конституция даражасида мустаҳкамланган ижтимоий муносабатлар жамият ҳаёти асосий йўналишларида мўлжал ҳисобланиб, шу йўналишнинг мазмунини, стратегиясини белгилаб беради. Айнан шу мавқеи туфайли конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар бошқа соҳалардаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши усул ва шакллари кўрсатиб беради. Конституциявий ҳуқуқ мамлакат миллий ҳуқуқий тизимининг умумий руҳини, моҳиятини, ўз норма ва принципларида ифодалайди. Барча ҳуқуқ тармоқлари конституциявий ҳуқуқ мустаҳкамлайдиган принциплар ва қоидаларга асосланади, таянади. Давлат органлари қайси ҳуқуқ тармоғида субъект бўлишидан қатъи назар конституциявий ҳуқуқ принципларидан келиб чиқади. Ушбу ҳуқуқнинг ўз мавқеига кўра хусусиятлари қуйидагича:

– конституциявий ҳуқуқ баҳс мавзусини жамият ва давлат қурилишининг асосий принципларини ифодаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади;

– конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи Ўзбекистоннинг Конституцияси бўлиб, у йўналтирувчи, таъсис этувчи нормаларни ўз ичига олган ҳужжат саналади;

– конституциявий ҳуқуқ мамлакат конституциявий тузумининг асосларини, яъни ҳуқуқий давлат қуришга пойдевор ҳисобланувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисини ва принципларини белгилаб беради. Инсоннинг олий қадрият эканлиги, халқ суверенитети, демократия, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, конституциявий тузум асосларини белгиловчи бошқа принциплар бу ҳуқуқ тармоғининг асосини ташкил этади;

– конституциявий ҳуқуқ инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, шахснинг ҳуқуқий тизимимиз доирасидаги умумий ҳуқуқий мақомини белгилайди. Бу умумий ҳуқуқдорлик бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари асосида ўрнатиладиган муайян ҳуқуқий муносабатларнинг туб негизини ташкил этади;

– конституциявий ҳуқуқ турли ҳуқуқ тармоқлари томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда давлатнинг манфаатини ифода этувчи субъектлар доирасини таъсис этиш билан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиш асосларини, ҳудудий ҳокимият органларининг фаолият принципларини ҳуқуқий расмийлаштиради;

– давлат ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини, яъни ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг бирламчи элементи бўлган ҳуқуқ нормасини яратиш жараёнини айнан конституциявий ҳуқуқ тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ давлат бошқаруви асосларини, ижроия ҳокимият органлари ҳуқуқий ҳолати (ваколатлари)ни белгилаш орқали маъмурий ҳуқуқ тармоғининг шаклланишига йўл очиб беради; бюджет ва молия (кредит) тизими асосларини белгилаш орқали – солиқ ҳуқуқи, молия ҳуқуқи тармоқларига; суд ҳокимияти конституциявий принцип ва асосларини ўрнатиш орқали жиноят-процессуал ҳуқуқ тармоғи шаклланишига йўналиш беради ва ҳоказо. Шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқ миллий ҳуқуқ тизимининг муҳим тармоғи ҳисобланади, чунки у барча ҳуқуқ тармоқларининг, шу жумладан, ўз ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, конституциявий ҳуқуқ фанидан талабаларга дарс ўтишда, унинг юқоридаги хусусиятларини теранг англаб етиш лозим. Юрист кадрларни тайёрлаш ва уларга замонавий билимларни беришда, нафақат бугунги фан ва таълим ютуқларини, балки асрлар оша шаклланган ва бизнинг миллий қадриятларимизга айланиб улгурган жиҳатларни ҳам қиёсий таҳлил қилиш орқали етказиш лозим.

Хусусан, юриспруденция таълим дастурларидан ўрин олган фанларни ўзлаштирган талаба замонавий билимларни қанчалик пухта эгаллаган бўлсада, шу билан бирга, унинг онгида жамиятда йиллар давомида шаклланган, хусусан ислом ҳуқуқининг инсонпарвар, адолатли ғоялари туфайли онгимизга, турмуш тарзимизга сингиб кетган ва қадрият даражасига кўтарилган халоллик, поклик, ҳурмат, иззат, адолатлилик, ўзганинг ҳаққига ҳиёнат қилмаслик, нима савобу, нима

гуноҳ эканлиги каби олийжаноб ғоялар ҳам чуқур сингдирилиши лозим. Шундагина биз кўзлаган қонун устуворлиги таъминланган, ҳуқуқий демократик давлатни, очиқ, эркин, адолатли жамиятни тезроқ қуриш имконияти вужудга келади.

## ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҚОЗИЛИК СУДЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**УМАРОВ Толибжон Абдуазизович,**  
Бош прокуратуранинг бошқарма бошлиғи  
ўринбосари, юридик фанлар доктори

**МИРЗАЕВ Насриддин Мухритдинович,**  
Ўзбекистон халқаро Ислом академияси  
докторанти

**Аннотация:** Мақола Ўзбекистон ҳудудида қози судларининг ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши амалиётига бағишланган. Қози судлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, мамлакатимизда ўтган асрнинг 20-йилларигача фаолият кўрсатган. Муаллифлар Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ривожланишида қози судлари аҳомиятига эътибор кучайишининг бир неча сабабларини таҳлил қилган.

**Аннотация:** Статья посвящена организации и практике функционирования казийских судов на территории Узбекистана. Казийские суды возникли во второй половине XIX века и действовали в нашей стране до конца 20-х годов прошлого столетия. Авторы анализируют несколько причин возрастающего интереса к роли казийских судов в правовом развитии Узбекистана.

**Abstract:** The article is devoted to the organization and practice of functioning muslim judges on the territory of Uzbekistan. Muslim judges arose in the second half of the 19<sup>th</sup> century and operated in our country until the end of the 20<sup>s</sup> of the last century. The authors analyze several reasons for the growing interest in the role of muslim judges in the legal development of Uzbekistan.

**Калит сўзлар:** қози, маҳкама, муддаий, муддаий алай, гувоҳ, даъво, далил, қарор.

**Ключевые слова:** кази, заседание, истец, ответчик, свидетель, иск, доказательство, постановление.

**Key words:** muslim judge, process, plaintiff, defendant, witness, lawsuit, evidence, decree.

Охирги уч йилда суд-ҳуқуқ тизимини янгилаш, уни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминловчи демократик давлат механизмига айлантириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда, миллий давлатчилик анъаналари жадаллик билан тараққий этиб бораётган даврда жамиятни демократлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги ўсиб бориши суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.





XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда Чор империяси босқини, шўролар истибдоди даврида адолат туғини ушлаб туриш қанчалик мураккаб бўлган. Шунга қарамасдан, Самарқанд қозилик маҳкамасида бир неча ўн йиллар давомида адолат туғини баланд кўтарган қозиларнинг меросини ўрганишга ҳам илмий, ҳам маънавий эҳтиёж бор, унда эзгулик улуғланади, қадрият ва анъаналар давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви фондида сақланган 1904 йилдаги китобдан араб орфографиясида эски ўзбек ёзувида битилган куйидаги ёзувларни ўқидим:

“Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули 1321 йил хижрий ва 1903 йил Милодий 1-январиди Заиф банда (Каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, Самарқанд уездида Ишим-Аксаский халқ (народний) судьясига Ишим-Ақсақ волости<sup>1</sup> Хўжа Исмоил қишлоғи фуқароси Норқулбой Тошмуродбой ўғли ҳозир бўлиб арз қилдиким, мазкур қишлоқ фуқароси Жабборқулбой Бўри Жебочи ўғли зиммасига олган, менинг 50 боғ беда ва 160 танга (бир саман от қийматида) қарзимни ноҳақлик қилиб бермаяпти.

Арз қилувчи ўз ихтиёр ва розилиги ила тубанда қўлларини қўюб, арзини хоҳиш қилди.

Қози шу арзни тасдиқлади ва муҳрларини бости.

Қарордан Нормуродбой Тошмуродбой ўғлига кўчирма берилди.

Даъвогарга 160 танга, 50 боғ беда ундирилди.

Жавобгардан 11 сўм 25 тийин қозилик ҳисобига ундирилди.

Ушбуларнинг ростлигини Ишим-Аксак қозиси тасдиқлайман ва муҳр қўяман.

Қарор: 1904 йил 1-январиди Самарқанд уезди Ишим-Ақсақ волости народний судьяси Қози Мулла Муҳаммад Мусо Мулла Қодирқул ўғлидурман, Заиф банда, мазкур ойда тасдиқ бўлган даъво тўғрисида Норқулбой Тошмуродбой ўғлининг Жабборқулбой Бўри Жебочи ўғли устидан берган аризаси 2 тарафлар муддаий ва муддаий алайни (даъвогар ва жавобгар) ўз ҳузуримга ҳозир қилиб

сўраганимда, мазкур муддаий муддаий алайнинг зиммасида 50 боғ (тоза ва қуритилган) беда ва 160 танга (бир саман от қиймати) пули юзасидан шаръий ривоят қилгани сабаб муддаий алайни бунга иқрор қилди<sup>2</sup>.

Муддаий ўзининг пулини ва бедасини жавобгардан олганига гувоҳлардан Амирбой Турсун оқсоқол ўғли ва Жўра Дарҳоқ Бектемирбой ўғлини гувоҳлантириб, муҳримни босдим.

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: Благовещенский В.П. Ишим-Аксакская волость. Данные экономического исследования волости в 1893-94 г.г. – Справочная книжка Самаркандской области (далее СКСО) Вып. 4 Самарканд, 1896.

<sup>2</sup> Изоҳ: архив ҳужжатларидаги муаллиф орфографияси сақланган.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим.

Бу ишнинг сўровига чақирилганларнинг ҳаммаси келди.

Муддаи алай Жабборқули Бўри Жебочи ўғли Ишим-Ақсақ волости Хўжа Исмоил қишлоғи, Муддаий Норқули Тошмуродбой ўғли ҳукмнинг нусхаларини олди.

11 сўм 35 тийин қозиликка ундирилган.”

Кейинги ариза:

“1914 йил 25-март ойида Самарқанд уезди Даҳбед участкаси Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси қози Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодирқули ўғлига Ривож қишлоғи фуқароси Қодирберди Эгамберди ўғли ҳозир бўлиб арз қилдики, Ҳалвоий волости Навшер қишлоғи фуқароси Эрбўта оқсоқол Белошер ўғлидан бир от тувқара (миқдоридаги) иш ҳақимни тилаб борсам бермади, шуни олдириб берсангиз, деганини қабул қилдим.

Ҳукм: Менким, Самарқанд уезди Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодирқули ўғли 1914 йил 25-март ойида Самарқанд уезди Даҳбед участкаси Ишим-Оқсоқ волости Ривож қишлоғи фуқароси Қодирберди Эгамберди ўғлининг Эрбўта оқсоқол устидан берган арзини сўриштириш учун икки тарафни ҳозир қилдим. Муддао алайҳ Эрбўта оқсоқол бошида мункир бўлиб, ўз сўзига 50 ёшли Маҳкамбой Ражабали ўғли ва 39 ёшли Ёрмуҳаммадбой Абдулқайюм ўғилларини ҳозир қилди. Аммо гувоҳлардан сўриштириш ва қасам ичиришдан сўнг муддаонинг ҳаққи бир от (45 сўм) муддао алайҳдан олиб берилди ва ҳукм шунга бўлди. Ҳукм икки тарафга очиқ ва равшан бўлганини тасдиқлашди.

Ҳукмга гувоҳ қилиб Жавод элликбоши, Менгли элликбоши ва Эшмуродбойларни ҳозир қилдик”<sup>1</sup>.

Қози ушбу оғзаки ва ёзма арзни қайд этиб, тасдиқлаб ва ўз муҳрини босганини алоҳида таъкидлаган.

Яна бир иш: 1914 йил 10-октябрь ойида Самарқанд уезди Даҳбед участкаси Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси қози Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодирқули ўғлига Туфлос қишлоғи фуқароси Момонбой Алиқули ўғли ҳозир бўлиб арз қилдики, менинг хотиним Нозикой Алиқулибой қизини мазкур қишлоқ фуқароси Мурод Қосимбой Нуралибой ўғли беаёв уруб, аъзоларини кўк ва қорайтируб калтаклади ҳамда хунук ҳақоратлар билан дашном берди, деган арзини қабул қилдим.

Ҳукм: Менким, Самарқанд уезди Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодирқули ўғли 1914 йил 15-октябрь ойида Туфлос қишлоғи фуқароси Момонбой Алиқули ўғли ўз хотини Нозикой Алиқулибой қизи номидан вакил бўлиб арз қилганига биноан, Мурод Қосимбой Нуралибой ўғли сўриштириш учун

<sup>1</sup> ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат, 23-йиғмажилд. – Б. 3-5.

ҳузурумизга ҳозир қилдим. Икки тарафни ҳозир қилганда муддаий ўз арзини шаръий ривоят билан асослаган даъвосини кўрдим ва муддао алайҳ Мурод Қосимбойни бу иш юзасидан сўриштирганимда, у ўз айбига иқроор бўлди ва у аёлни урганини ҳамда у аёл ҳам буни урганини айтди. Сўнг муддаонинг даъвосига кўра жавобгарни Самарқанд турмахонасида жазоланиши учун ҳибсга ҳукм қилдим. Тоинки, бу жазо бошқа ёмон кишиларга ибрат бўлсин учун. Ҳукм икки тарафга очиқ ва равшан қилиб тушунтирилди ва тасдиқланди.

Ҳукмга гувоҳ қилиб Абдуррасул Амир Саййид оқсоқол, Мулло Холмурод Исмоил ўғли ва Турсун Ниёзбойларни ҳозир қилдик<sup>1</sup>.

Қози ушбу оғзаки ва ёзма арзни қайд этиб, тасдиқлаб ва ўз муҳрини босганини алоҳида таъкидлаган.

1915 йил 5-май ойида Самарқанд уездида Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси қози Мулло Муҳаммад Мусо ибн Мулло Қодирқулига Ривож қишлоғи фуқароси 15 яшар Абдуллоҳ махзум ўз хоҳиши билан қозихонага ҳозир бўлиб арз қилдики, мен кабир ва рушд (катта ва вояга етган) ёшига етганим сабаб менга ўз молларим ва асбоб-анжомларини тасарруф қилишга рухсат беришингизни сўрайман, деганини эшитдим.

Ҳукм: Менким, Самарқанд уезди Ишим-Оқсоқ волости халқ (народний) судьяси Мулло Муҳаммад Мусо Мулло Қодирқули ўғли 1915 йил 5-май ойида Самарқанд уезди Ишим-Оқсоқ волости Ривож қишлоғи фуқароси 15 яшар Абдуллоҳ махзум Мулло Абдурраҳмонбой ўғлининг арзини инобатга олиб, муддаий Абдуллоҳ махзум билан муддао алайхилар (мол-мулкларга масъуллар) Йўлдошбой ва Расулбойларни ўз ҳузурумизга ҳозир қилиб сўриштирдим. Абдуллоҳ махзумнинг қоим қилган шаръий ривоят васиқаси ва уламолардан балоғат ёшига етиш аломатларини аниқлаштириб, унга вояга етгани ва ўз мол-мулкларини тўлиқ тасарруф қилиш салоҳиятига етганига ҳукм қилдим. Шунингдек, Йўлдошбой ва Расулбойларга унинг молларини ўз эгасига топшириш ва эркин тасарруф қилишга ҳукм қилдим.

Ҳукмга гувоҳ қилиб Жўрабой элликбоши ва Ниёзбойларни ҳозир қилдик<sup>2</sup>.

Қози ушбу оғзаки ва ёзма арзни қайд этиб, тасдиқлаб ва муҳрини босган.


Аслида, қозининг ёзма қарори ҳақиқий ижро кучига эга бўлиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши:

- ҳужжатга қозининг лавозимини тасдиқловчи давлат раҳбари томонидан берилган қозининг исми, қозилик ҳукми ўтадиган ҳудуд номи туширилган муҳр нишонаси бўлиши;
- ёзма қарор ёки ҳукм ҳошиясида юридик жиҳатдан асосланадиган далил-ҳужжат, олинган манба ва шахс номи кўрсатиб қўйилиши;

<sup>1</sup> ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат, 23-йиғмажилд. – Б. 43-45.

<sup>2</sup> ЎзМА ф.И-381, 1-рўйхат, 24-йиғмажилд. – Б. 25-27.

- ёзма қарорда кўрилган ишнинг ёки мувожаатноманинг қисқача мазмуни ва сабаблари кўрсатиб ўтилиши;
- ёзма қарор қўзғатилган маҳкама иши бўлиб, унда албатта, гувоҳларнинг исми шарифи ва даъвогарларнинг даъвоси қози томонидан асослаб ёзиб қўйилиши;
- ёзма қарорда ҳужжат ёки даъво иши кўрилган жой, сана, ой, кун кўрсатилиши шарт бўлган.



Шуниси муҳимки, қози маҳкама жараёнида даъво ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратган. Агар бир киши маҳкамага даъво билан келса, ундан албатта, қилаётган даъвоси юзасидан ҳужжат ёки далил келтириши талаб қилган. Жавобгарнинг иқрори ҳужжат ўрнига ўтган. Ушбу ҳужжатни гувоҳлар тасдиқлаши керак бўлган. Даъвогарнинг далили бўлса-да, лекин гувоҳлари бўлмаса, унинг даъвоси

қози томонидан қабул қилинмаган. Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинган ҳолатда қози маҳкамада гувоҳлардан ҳовлини ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг қози даъво қилинаётган ерга бориб гувоҳлар ва даъвогардан кўчмас мулкнинг тўрт томондан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган.

Ҳар қандай қозилик маҳкамаси ҳужжатини расмийлаштиришда қозининг ёзма қарори ва ҳукми муҳим бўлиб, у муҳрланиши ва ҳошиясига ёзма қарор таянган далил ёки фатво ёзиб қўйилиши шарт бўлган. Кўп ўринларда қози таянган далили устига ўз муҳрини қўйган. Омонлик олган аҳли китоб ёки мусофирликда кўп юрадиган савдогарлар учун эркин ҳаракатланиш кафолатини берган.

Масалан, қози кўраётган иш юзасидан гувоҳлик берган кимсанинг ёлғончи тоифадан эканлиги аниқланса, унинг кўрсатмалари инобатга олинмаган. Шунингдек, аввал ҳад жазоси олган ёки динида ва эътиқодда мустаҳкам бўлмаган кимсалар ҳам гувоҳликка номуносиб топилган. Шунингдек, золим, оиласига бефарқ, кунларини карвонсаройларда ўтказадиган, риёкор, судхўр, беҳуда сўзловчи, мажнун, беникоҳ туғилган бола, масҳарабоз, ит ёки хўроз уриштирувчи кишиларни ҳам гувоҳликка номуносиб тоифа сифатида таъкидлаган. Чунки бу турдаги кишиларнинг адолатидан фитнасини устунроқ, деб ҳисобланган.

Одатда, ҳаёт тарзи ва феълида мусулмонлик сифатлари кўриниб турган, гапида ёлғон ҳамда беҳуда сўзлар бўлмаган жиддий кишиларнинг гувоҳлиги қабул қилинган. Гувоҳликка ўтишдан мурод адолатни рўёбга чиқариш бўлиб, гувоҳнинг гуноҳ ишларидан хайрли ишлари кўп бўлиши шарт. Чунки хайрли ишлари кўпнинг гувоҳлиги ҳам ҳақни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Демак, қозилик маҳкамаларида кўрилган даъво ва муаммоли масалаларни ечишдан асосий мақсад – ҳақни қарор топтиришга ҳаракат бўлган. Чунки гувоҳликка ўтган кимсанинг тўғри сўзлиги ва адолатли эканлигига кишилар кафил бўлган тақдирда ҳам, агар у берган гувоҳлик шубҳали ёки аниқ далилларга асосланмаса қози унинг гувоҳлигини қабул қилмаган. Яъни, гувоҳдаги намозхонлик ёки художўйлик хислатлари адолатли қарорни қабул қилиш учун етарли ҳисобланмаган. Гувоҳлик кўрилатган бирор бир даъво юзасидан асосли далилларга таянилган ҳолатда келтирилиши лозим.

Қози ўз мажлисларида даъво ишини кўриш ва иш юзасидан ҳукм чиқариш борасида нисбатан эркин бўлган. Чунки қози, асосан, Қуръон, сунна, саҳобаларнинг қарашлари, олдинги қозилар чиқарган ҳукмлар ва урф асосида ҳукм чиқариши лозим ҳисобланган.

Чор Россияси Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олгандан сўнг ўлкада мустамлака бошқаруви ўрнатилган.

1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга асосан, маҳаллий қози ва бийлар судларининг “Халқ судлари” номи билан қайта тикланиб ва мазкур лавозимларга сайлов асосида кишилар тайинланган.

Фондда сақланган 1916 йилдаги китобдан араб орфографиясида эски ўзбек ёзувида битилган қуйидаги сатрларга эътибор беринг:

Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули 1334 йил Хижрий ва 1916 йил Милодий 15-январиди Заиф банди (Каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваққул қилиб, Самарқанд уездида Ишим-Ақсакий народний судьясига Ишим-Ақсақ волости Ўқлон қишлоғи фуқароси Анорой Эшонқулибой қизининг вакили-шаръийси Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли мазкур қишлоқлик Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли васий шаръийлигидаги сағиранинг отаси Жонибек Исматиллоҳ ўғли холи ҳаётлик даврида 270 танга қарздор бўлиб, ўтган сана 1915 йилда сафар ойида тилхат бериб қарздор сифатида айтилган. Шу меросдан мазкур сағира Анорой Эшонқулибой қизига 67 тангаси тегишли бўлган. Шунини шаръий ривоят билан талаб қилди.


Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли зиммасидаги сағиранинг 67 тангасини ноҳақлик қилиб бермаяпти.

Шаръий васий ўз ихтиёр ва розилиги ила тубанда қўлларини қўюб, арзини хоҳиш қилди.

Қози шу арзни тасдиқлади ва муҳрларини бости.

Қарордан Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли ва Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғлига кўчирма берилди.

Даъвогарга 67 танга ундирилди.



Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим.

Бу ишнинг сўровига чақирилганларнинг ҳаммаси келди.

Муддаи алай Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғли Ишим-Ақсақ волости Ўқлон қишлоғи, Муддаий Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли ҳукм нусхаларини олди.

Ушбуларнинг ростлигини Ишим-Ақсақ қозиси тасдиқлайман ва муҳр қўяман.



Қарор: Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули 1334 йил хижрий ва 1916 йил милодий 15-январиди Заиф банда (Каминаи камтарин) Аллоҳ таолога таваккул қилиб, ўз ҳузуримга Ишим-Ақсақ волости Ўқлон қишлоғи фуқароси Тоғаймуродбой Эшонқулибой сағира Анорой Эшонқулибой қизи устида берган аризаси бўйича икки тарафни чақириб сўрадим.

Даъвогар сағира Анорой номидан Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли вакили-шаръий бўлиб келди ва иқроқ қилдики, Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли Ўқлон қишлоғилик Жонибек Исматиллоҳ ўғлидан унинг холи ҳаётлик даврида 270 танга қарздор бўлиб, тилхат берган. Тоғайбой Эшмуродбой ўғли зиммасига олганидан, сағиранинг 67 тангасини ноҳақлик қилиб бермаган.

Ушбу мерос пулидан 67 тангани сағира Аноройга беришни лозим топдим.

Муддаий-алай Тоғаймуродбой Эшмуродбой ўғли иқроқ бўлди.

Муддаий Холхўжа Поччо-Хўжа ўғли шаръий васийлигидаги сағиранинг пулини муддаий-алай Тоғаймуродбой Эшонқулибой ўғлидан олганига гувоҳлантириб муҳримни босдим.

Юқоридаги арз сабаб номлари зикр қилинган икки тараф бўйича ҳақиқат қилдим.

Айтишларича, “таваккул” – дунё ва охират ишларида фойдани кўзлаб ҳаракат қилиш ва зарарни кетказишда Аллоҳ таолодан сидқидилдан умид қилишдир. Бунда қозилик амалининг савобидан таваккул келтируш ва қозилик амалининг қабул бўлиш бўлмаслигидан кўрқиб ҳар иккала қарорларда бандани зифликнинг такрорланиши билан ифодалангани.

Қози бажарган суд ва нотариал ҳужжатлар рус ҳарбий администрациясидан олинган махсус китобларда қайд қилинган.

Шуниси қизиқки, мазкур китобларда бажарилаётган суд ва нотариал ҳаракатларнинг мазмунини ифодалаш учун ҳозиргидай алоҳида графалар ва муҳр формулярлари мавжуд бўлган.

Барча суд ва нотариал ҳаракатларнинг шакли бир хилда расмийлаштирилганига қарамасдан, улар ўз мазмунига кўра ҳал қилинаётган ишнинг моҳияти ва маҳаллий аҳоли томонидан 13 йил

давомида содир қилинган ҳуқуқбузарликлар тавсифига қараб, барчаси хилма-хилдир.

Қозилик ва нотариал ҳаракатлар, асосан, эски ўзбек тилида араб ёзувида расмийлаштирилган бўлиб, айрим жойларда форсий ҳам ишлатилган. Суд қарорларида мураккаб низоларнинг ҳал қилинишида фойдаланилган араб манбаларининг (тегишли китоблар) рўйхати Қози томонидан қайд қилинганлиги ҳам эътиборга моликдир.

Чор Россияси администрацияси томонидан народний судьяларни ҳар уч йилда сайланадиган ва иш юритиш тилини ўзбек тили деб белгиланган тартиб жорий қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Народний суд қарорлари устидан томонлар судлар съездига ва фавқулодда судлар съездига шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлган.


Ҳаётни тушуниш учун инсонга тафаккур ва тажриба керак экан. Архив ҳужжатларига кўра, Қози Мулла Муҳаммад Мусо ибн Мулла Қодирқули томонидан 39 ёшида битилган ҳуқуқий ҳужжатлар у кишининг ҳуқуқий ташаббускорлиги, юсак билимлар билан майдонга чиқадиган, теран фикр юритадиган, салоҳиятли ва малакали қози бўлганидан далолат беради.

Замонамиз жуда тезкор ривожланиб, ҳамма соҳага янгиликлар кириб келаяпти. Уларни ўзлаштириб олиш учун ақл-идрок, пухта билим, тинимсиз изланиш талаб этилади. Қозилар ҳуқуқий меросини чуқур ўрганишимиз бизнинг салоҳиятимизни янада оширади.

Янги Ўзбекистон барпо этилиши даврида суд ва ҳуқуқ тартибот органлари ходимларини халққа хизмат қилиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва ҳурмат қилиш руҳида фаолият кўрсатиши, хизмат поғоналари бўйича кўтариш уларнинг шахсий ва касбга оид сифатларини, шунингдек алоҳида хизматларини адолатли ва холис баҳолаш асосида амалга ошириш масалалари ҳал қилинмоқда.


Бу борада юқорида баён этилган тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари бизга кўп қимматли маълумотлар беради.

Айниқса, XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистонда фаолият олиб борган қозиларнинг амалий фаолияти ёзма манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Жунги фатово ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги қозилар қарори китоблари асосида қозиликнинг мазмун ва моҳияти, унинг шаклан ўзгариб бориши, шариат ва чоризм қонунлари қандай қилиб биргаликда қўлланилгани, шунингдек, қозилар томонидан фойдаланилган манбалар ва ҳукмларни расмийлаштириш тартибини ўрганиш жуда муҳим.











1904 йилда Тошмуродбой ўғли Норқули томонидан Мулло Муҳаммад Мусо қозига ҳукм қилиш учун даъво ишининг батафсил ёзилгани ва қозининг ўз муҳри босилгани акс этган. ЎЗМА. Ф. И-381, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд.



Мулло Муҳаммад Мусо қозининг 1915 йилдаги 400 бетлик ёзма қарорлар китобининг сўни варағи акс этган. Тартибга кўра, йил охирида Самарқанд вилояти ҳарбий маъмуриятига махсус муҳрланиб топширилган. ЎЗМА. Ф. И-381, 1-рўйхат, 23-йиғмажилд.



Мулло Муҳаммад Мусо қозига тегишли 1904 йилдаги қарорлар китобининг илк саҳифаларида “Халқ судьяи” си икки тилда рус ва эски ўзбек ёзувида чоп этилган варағи акс этган. ЎЗМА. Ф. И-381, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд.

## ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**ОТАХОНОВ Фозилжон Ҳайдарович,**

Тошкент давлат юридик университети

“Фуқаролик процессуал ва иқтисодий

процессуал ҳуқуқи” кафедраси профессор в.б.,

Юристар малакасини ошириш марказининг амалий

лойиҳа раҳбари, юридик фанлар доктори

//haydarxon@mail.ru

**Аннотация:** Ушбу мақолада юридик хизмат ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда “Юридик хизмат” ўқув фанини жорий қилиш ва уни ўқитиш кўлламини кенгайтиришда юзага келаётган долзарб муаммолар амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва муаллифнинг педагогик тажрибаси асосида ёритилган ҳамда юридик таълим сифатини ошириш бўйича илмий асослантилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются актуальные проблемы внедрения и расширения сферы обучения учебной дисциплины «Юридическая служба» в подготовке и переподготовке работников юридической службы на основе анализа действующего законодательства и педагогической практики автора, а также выдвинуты научно-обоснованные предложения и рекомендации по улучшению качества юридического образования.

**Abstract:** This article discusses the actual problems of implementation and expanding the field of study of the “Juridical service” discipline in the training and retraining of juridical service employees based on an analysis of the current legislation and the pedagogical practice of the author, as well as scientifically based proposals and recommendations for improving the quality of legal education.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқий давлат, юриспруденция, юридик таълим, ҳуқуқшунос кадрлар, юридик хизмат, юрисконсульт, юридик университет, юридик коллеж.

**Ключевые слова:** правовое государство, юриспруденция, юридическое образование, юридические кадры, юридическая служба, юрисконсульт, юридический университет, юридический колледж.

**Key words:** law-rule state, jurisprudence, legal education, legal personnel, legal service, legal assistance, law university, law college.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга биринчи Мурожаатномасида алоҳида таъкидланганидек “биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган **ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини** такомиллаштиришимиз керак”<sup>1</sup>.

Бунинг учун, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва мунтазам такомиллаштиришга эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда ушбу соҳада етарлича ҳуқуқий замин яратилган бўлиб, ҳуқуқшунос

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017, <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup>, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури<sup>2</sup>, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури<sup>3</sup>, шунингдек, Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари<sup>4</sup> асосида юридик коллежлари ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда.

“Шу билан бирга, миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланади”<sup>5</sup>.

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5987-сонли Фармони** қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Фармонда замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш юридик таълимни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Аммо, давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш масаласига тизимли ёндошув йўлга қўйилмаган, бунинг оқибатида ҳанузгача олий таълим муассасаларида асосан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун мутахассислар тайёрлашга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари талабаларда тегишли таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириш ҳамда рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлишга қаратилган амалий фанларни ўқитиш эса назардан четда қолмоқда.

Бундай камчиликни бартараф қилиш мақсадида Фармонда ТДЮУ, юридик факультетлар ва юридик техникумларга қабул параметрлари юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш электрон платформасини яратган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, турли мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида жорий ва истиқболдаги юридик кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, ҳар бир ҳудуд, иқтисодиёт

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 150-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 227-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5987-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

тармоқлари ва ижтимоий соҳалар кесимида таҳлил қилиш асосида буюртма шакллантирилиши белгиланиши билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда мунтазам равишда тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, ўз юридик хизматларини ташкил этишда кўмаклаш вазифаси юклатилди<sup>1</sup>.

Статистик маълумотларга кўра 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 419 490 тани, таълим муассасалари эса 11 326 тани ташкил қилмоқда<sup>2</sup>. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда қайд қилганидек – “айни пайтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига юридик мутахассислик бўйича бир йилда 600 га яқин талаба қабул қилинади. Бу жами олий ўқув юртларига қабул қилинадиган талабаларнинг атиги бир фоизини ташкил этади. .... бу билан давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳуқуқшунос мутахассисларга бўлган, тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкинми? Албатта, йўқ”<sup>3</sup>.

Давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда юқори малакали юридик хизмат ходимларига бўлган эҳтиёж кундан кунга кўпайиб бораётганлигини бўш ўринларни тўлдириш учун берилаётган маълумотлар<sup>4</sup> ва эълонларда ҳам кўришимиз мумкин<sup>5</sup>. Ҳозирги кунда юрист дипломига эга бўлган ҳар қандай мутахассисга эмас, балки меҳнат бозорида “аниқ, тезкор ва самарали ҳаракат, ва энг асосийси, касбий-ҳуқуқий майдондаги муаммоларни мустақил ҳал қиладиган юристларга эҳтиёж катта”<sup>6</sup>.

Бунга сабаб юридик хизматнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўзига хос ўрни ва аҳамиятини янада ошиб бораётганлигидадир. “Зеро, юридик хизмат ёрдамида, *биринчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат ноижорат ташкилотларда ҳуқуқий ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда қонун устуворлигини амалда таъминлаш; *иккинчидан*, хўжалик юритиш ва бошқарувнинг кундалик фаолиятида ҳуқуқ нормаларидан амалда фойдаланишни яхшилаш; *учинчидан*, жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни амалиётга татбиқ қилишни таъминловчи механизмни ишлаб чиқиш; *тўртинчидан*,

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси веб-сайти, <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/ru/19.pdf>; <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/ru/9.pdf>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017, <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

<sup>4</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги веб-сайти, <https://www.minjust.uz/uz/activity/coordination/98665/>.

<sup>5</sup> Қаранг: <https://tashkent.hh.uz/vacancies/yurist>, <https://www.rabota.uz/vacancy/vbranch>.

<sup>6</sup> Цамаева А.А. Актуальные проблемы профессиональной подготовки будущего юриста // *Фундаментальные исследования*. – 2014. – № 11-6. – С. 1386-1389.

ҳар қандай қонун бузилишлар ва жиноятларнинг (айниқса, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг) олдини олиш; *бешинчидан*, мансабдор шахслар ва барча тоифадаги мутахассисларнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш; *ва ниҳоят*, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг ходимлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш мумкин<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам юқори малакаси юрисконсултни тайёрлаш учун нафақат фундаментал юридик фанлар, балки уларни аниқ касбга йўналтирадиган махсус амалий ўқув фанлари ҳам жорий қилиниши лозим. Шундай махсус фанлар қаторига “Юридик хизмат” ўқув фани ҳам киради. Мазкур фан талабаларда юридик хизмат фаолияти бўйича назарий ва амалий кўникмалар ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатади. “Юридик хизмат” ўқув фани юридик хизмат фаолиятини амалга оширишда тайёрланаётган кадрларнинг қонунчилик ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш механизмларини чуқур ўзлаштириб олишларига имкон яратади.

“Юридик хизмат” ўқув фани “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи”, “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Маъмурий ҳуқуқ”, “Меҳнат ҳуқуқи”, “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи”, “Иқтисодий процессуал ҳуқуқ” ва бошқа фанлардан ўзига хос жиҳатлари билан фарқ қилади.

Масалан, “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи” фани тадбиркорлик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинувчи, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, шу жумладан хўжалик шартномалари тушунчаси, асосий шартлари, уларни тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини ўрганса, “Юридик хизмат” фани хўжалик шартномаларини тузиш, ижро қилиш, ўзгартириш ва бекор қилишда юридик хизмат ходимларини иштирокини, бу йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил қилиш тартибини ўрганади.

“Маъмурий ҳуқуқ” фани бошқарув соҳасидаги бири иккинчисига бўйсунувчи органлар ўртасидаги; бир-бирига бўйсунмайдиган давлат бошқаруви органлари ўртасидаги; давлат бошқаруви ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги; давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги; давлат бошқаруви органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ўрганади. “Юридик хизмат” фани эса давлат бошқарув органининг мустақил таркибий бўлинмаси бўлган юридик хизматнинг ҳуқуқий мақомини, унинг бошқарув органида қонунчиликни таъминлашдаги роли ва бошқа соҳалардаги фаолиятини ўрганади.

“Юридик хизмат” фанининг “Меҳнат ҳуқуқи” фанидан фарқи шундаки, у меҳнат муносабатларини эмас, балки бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятида меҳнат

---

<sup>1</sup> Отахонов Ф.Х. Юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари. Монография /Масъул муҳаррир – ю.ф.д., проф. Ж.Тошқулов - Тошкент: Юристар малакасини ошириш маркази, 2019, -284 б.

қонунчилигига риоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда юридик хизмат ходимлари қандай иштирок этишини ўрганади.

“Иқтисодий процессуал ҳуқуқ” фанида иқтисодий судлов ишларини юритишдаги муносабатлар, шу жумладан иқтисодий судларига тақдим қилинадиган даъво аризалари, аризалар, апелляция, кассация, назорат шикоятлари мазмуни ўрганилса, “Юридик хизмат” фанида мазкур даъво аризалар ва шикоятларни расмийлаштириш ишларини ташкил қилиш, иқтисодий судларга тақдим этиш ва унда юридик хизмат ходимларини иштироки ўрганилади.

Демак, “Юридик хизмат” фанининг предметини Ўзбекистонда юридик хизмат тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, юридик хизмат тизими ва тузилиши, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари, юридик хизматга раҳбарлик қилишни, хўжалик юритувчи субъектларга давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш фаолиятини ўрганиш ташкил қилади.

“Юридик хизмат” ўқув фанини ўрганишда юридик фанларни ўрганишга хос бўлган услублар, хусусан, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, социологик услублар кенг қўлланилади. Ушбу фан махсус амалий ўқув фани эканлигини эътиборга олган ҳолда уни ўқитиш жараёнида қуйидаги услублардан ҳам фойдаланилади: баҳс-мунозара, ишлаб чиқаришдаги муаммовий вазиятларини таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топиш, материаллар тақдимоти, кичик гуруҳларда ишлаш, масофавий мулоқотлар. Масалан, тарихий услуб орқали Ўзбекистонда юридик хизматнинг вужудга келиши, такомиллашиши ва истиқболлари тадрижий ривожланиш нуқтаи назаридан ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, юридик хизматнинг пайдо бўлиши ва амалиётга жорий қилиниш босқичлари ҳамда тарихий даврлардаги юридик хизматни тартибга солувчи нормаларни ўзаро таққослаш мазкур услуб орқали тадқиқ қилинади.

Турли хорижий мамлакатларнинг юридик хизматини, шу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базасини, амалий тажрибасини миллий ҳуқуқ тизимидаги юридик хизмат билан таққослаш, ўзаро тажриба алмашиш, ютуқларни ўзлаштириш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш қиёсий-ҳуқуқий услубни қўллаш ёрдамида амалга оширилади.

Юридик хизматнинг ривожланишида тегишли социологик кузатувлар муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, шахсий кузатувлар, сўровлар, суҳбатлашиш йўллари билан юридик хизматнинг ҳолати, сифати, соҳага оид тегишли қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлиги ва нуқсонлари ўрганилади ҳамда шу асосда фойдали хулосалар чиқарилади.

Шундай қилиб, “Юридик хизмат” ўқув фани ўз предметига, ўқитиш услубларига, вазифа ва функцияларига эга бўлган мустақил амалий фан эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Аммо, юридик адабиётларда таъкидланаётганидек, ҳозирги вақтда мазкур ўқув фани жуда кам олий таълим муассасаларида қўшимча ўқув предмети сифатида ўтилмоқда холос<sup>1</sup>. Худди шунингдек мамлакатимизда ҳам “Юридик хизмат” ўқув фани фақат Тошкент юридик коллежда ўқитилмоқда. ТДЮУда юридик хизмат ходимларини умумий асосларда тайёрлаш давом этмоқда, хаттоки юридик хизмат ходимларини тайёрлаш бўйича ўқув жараёнида махсус курс ҳам, ўқув предмети (фан) ҳам назарда тутилмаган. 1993 йилдан 2007 йилга қадар мавжуд бўлган “Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат” фани ўқув режасидан асоссиз равишда бутунлай чиқариб ташланган.

Фикримизча *биринчидан*, “Юридик хизмат” ўқув фани бакалаврларни тайёрлаш бўйича барча “Юриспруденция” мутахассислик йўналишлари ўқув дастурларига ҳамда магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига киритилиши лозим. Бу ўз навбатида юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлашга хизмат қилади, чунки умумий фанларни ўқитилиши касбий малакани ва солоҳиятни шакллантириш учун етарли эмас;

*иккинчидан*, ТДЮУ ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказининг олий маълумотга эга бўлган шахсларни юридик мутахассисликка қайта тайёрлаш курслари — давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг юридик хизматларида фаолият олиб бориш учун етарли даражадаги билим олишни ва кўникма шакллантиришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли ҳисобланади<sup>2</sup>. Лекин мазкур курсларда юридик хизматнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, масъулияти, фаолиятни самарали ташкил қилиш усул ва воситаларини ўргатадиган “Юридик хизмат” ўқув фани умуман назарда тутилмаган. Бунинг оқибатида эртага юрисконсулт касбини эгаллаши лозим бўлган мутахассислар бу касб тўғрисида на назарий, на амалий тасаввурга деярли эга бўлмаган ҳолда мазкур курсни битирадилар. Шунинг учун ҳам бундай камчиликни тезкорлик билан бартараф қилиш лозим;

*учинчидан*, таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим

---

<sup>1</sup> Давыдов Н.А., Аминов И.И., Поляков С.П. Современная подготовка юристов: бакалавров, специалистов и магистров в вузах России (опыт проектирования и реализации). Монография. Издательство "Проспект", 2015.-180 с.; Клеандров М.И. Проблемы подготовки юристов для сферы предпринимательства // [https://cyberleninka.ru/article\\_n/problemy-podgotovki-yuristov-dlya-sfery-predprinimatelstva/viewer](https://cyberleninka.ru/article_n/problemy-podgotovki-yuristov-dlya-sfery-predprinimatelstva/viewer).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 июндаги “Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 453-сон Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2018 й., 09/18/453/1359-сон; 24.09.2019 й., 09/19/797/3793-сон.



йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим<sup>1</sup>.

*тўртинчидан*, “Юридик хизмат” ўқув фанининг илмий асосланган ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва унга мос равишда дарслик чоп этиш юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг зарур шартидир.

*бешинчидан*, “Юридик хизмат” ўқув фани бўйича назарий ва амалий машғулотларни олиб борадиган илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш юридик таълимнинг замонавий юксак даражасини таъминлашнинг бирламчи жиҳати, энг муҳим шарти ҳисобланади. Илмий ва педагог кадрлар тайёрлашдаги номутаносиблик шунга олиб келдики, мамлакатимизда юриспруденциянинг қатор соҳалари, шу жумладан “Юридик хизмат” ўқув фани бўйича илмий ва педагог ходимлар деярли йўқлиги жиддий сезилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқори малакали юридик хизмат ходимларини тайёрлаш меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олишни тақозо қилади.

## **ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА**

**ХУДОЙБЕРДИЕВ Баходир Каримбердиевич,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг  
биринчи ўринбосари

***Аннотация:** Мақолада давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси кўриб чиқилган ва хорижий давлатларда ушбу институтни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинган.*

***Аннотация:** В статье рассматривается понятие конфликта интересов на государственной службе и анализируются основные нормативно-правовые акты, регламентирующие данный институт в зарубежных странах.*

***Abstract:** The article analyzes the concept of conflict of interest in the civil service and examines the main normative documents regulating this institution in foreign countries.*

***Калит сўзлар:** манфаатлар тўқнашуви, коррупция, шахсий манфаатлар, давлат хизмати, коррупцияга қарши кураш.*

***Ключевые слова:** конфликт интересов, коррупция, личная заинтересованность, государственная служба, противодействие коррупции*

***Key words:** conflict of interest, corruption, personal interest, public service, anti-corruption.*

Мамлакатимизда давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади ва давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб,

---

<sup>1</sup> “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ушбу вазифаларни бажаришда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилот, муассаса, корхоналар ҳамкорликни йўлга қўйиши муҳим аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

Маълумки, ҳар бир соҳадаги манфаатлар тўқнашуви дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқи, эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган. Деярли барча Европа мамлакатларида қонунчилик давлат хизматчиларига илмий, ижодий ва ўқитувчилик фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишни тақиқлайди.

Қоидага кўра, ушбу мажбуриятни бузиш ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жавобгарликка сабаб бўлади. Бироқ, баъзи ҳолларда, миллий қонун чиқарувчилар бундай хатти-ҳаракатларни коррупция жинояти деб билишади.

Шундай қилиб, давлат хизматчиларининг ишбилармонлик фаолияти манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаради. Белгия, Испания, Латвия, Малта, Голландия, Португалия, Франция каби давлатлар қонунларида манфаатлар тўқнашуви мустақил жиноят таркибини шакллантиради<sup>2</sup>.

Кўпгина Европа мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тушунчаси ва унинг олдини олиш механизмлари давлат хизмати тўғрисидаги умумий қонунлар билан белгиланади. Масалан, **Полшада** “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат функцияларини бажарувчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишни чеклаш тўғрисида”ги Қонунлар, **Австрияда** “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят кодекси, **Исландияда** “Давлат бошқаруви тўғрисида” Қонун ва **Грецияда** “Давлат хизмати тўғрисида” кодекс. Шу билан бирга, Шарқий Европанинг баъзи давлатларида ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинган (**Сербия, Хорватия, Латвия, Литва, Молдова, Қирғизистон**)<sup>3</sup>.

Европа ва постсовет мамлакатларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича миллий дастурлар иккита ёндашувга асосланади, яъни:

<sup>1</sup> Қосимов И. Манфаатлар тўқнашуви: унинг олдини олиш, бартараф этиш йўллари. <https://postda.uz/uzc/news/spirituality/spirituality/9252>

<sup>2</sup> Bryn Williams-Jones. A Procedure for Managing Conflict of Interest When Forming Thesis Juries P.15

<sup>3</sup>Ахметов А. Н. Конфликт интересов на государственной службе. Власть. 2013. №12. –С. 124.

**1) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисми сифатида;**

**2) манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурлари давлат секторида касбий хулқ-атвор стандартларини таъминлаш ва ошириш бўйича кенг стратегиянинг бир қисми сифатида.**

Собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида Молдова Республикаси давлат хизматидаги манфаатлар тўқнашувларини ҳал қилишда сезиларли ютуқларга эришган. У коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш стратегиясининг бир қисми сифатида миллий манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш дастурини ишлаб чиққан. Бундан ташқари, Молдовада 2008 йил 15 февралда манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг барча жараёнларини белгилаб берадиган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида” махсус қонун қабул қилинган.

Қонунда манфаатлар тўқнашувини ижобий ҳал қилиш вариантлари аниқ белгиланган, хусусан:

1) мансабдор шахснинг шахсий манфаатларидан воз кечиши ёки унинг томонидан бу манфаатларга барҳам берилиши;

2) манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахсни лавозимидан четлаштирмасдан қарор қабул қилиш жараёнида қатнашишдан бош тортиш (тақиқлаш) – манфаатлар тўқнашувининг такрорланиш эҳтимоли кам бўлган ҳолатда;

3) манфаатлар тўқнашувида иштирок этган мансабдор шахснинг маълум маълумотларга киришини чеклаш;

4) мансабдор шахсни манфаатлар тўқнашуви хавфи бўлмаган ҳолатга ўтказиш;

5) қарорлар қабул қилишни тўхтатиб туриш тавсия этилмайдиган манфаатлар тўқнашувининг давом этиши эҳтимоли бўлган тақдирда – мансабдор шахснинг ваколатлари ва функцияларини қайта кўриб чиқиш;

6) мансабдор шахснинг шахсий шахс сифатида қарама-қарши функциясини бажаришни ўз ичига оладиган лавозимдан бўшатиш. Тегишли мансабдор шахс ўзи жойлашган манфаатлар тўқнашувидан чиқиш ёки манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган имтиёзлардан воз кечишни талаб қиладиган ҳар қандай якуний қарорни қабул қилишга мажбурдир.

Қонунда давлат лавозимига сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш учун номзод декларация топшириш орқали тегишли шахсий манфаатларини аниқлаш ва эълон қилиш талаб қилиниши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, шахсий манфаатларни эълон қилиш талаби ишга қабул қилиш, сайлаш ёки давлат лавозимига тайинланишни тартибга солувчи барча жараёнлар ёки битимларга киритилган.

Молдова Республикаси қонунчилигига мувофиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация давлат хизматчисининг биринчи иш кунидан ёки тайинланган кунидан бошлаб 15 кун ичида тақдим этилиши лозим. У ҳар

йили 31 мартга қадар топширилади. Агар маълумотларда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ўзгаришлар бўлса, улар шахсий манфаатлар декларациясини ўзгартиришлар пайдо бўлганидан кейин 15 кун ичида янгилашлари лозим<sup>1</sup>.

Шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ёзма равишда декларантнинг шахсий жавобгарлиги остида топширилади ва тегишли маълумотларни ўз ичига олади (**пуллик касб фаолияти билан шуғулланиш; нотижорат ташкилотлар ёки сиёсий партияларда таъсисчи бўлиб ишлаш; корхона, кредит муассасаси, суғурта ташкилоти ёки молия институти акциядори ҳисобланиши; халқаро ташкилотлар билан алоқалар**).

Шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларацияларда тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш коррупцияга қарши махсус орган – **Коррупцияга қарши кураш бўйича миллий комиссия ва унинг илтимосига биноан бундай маълумотларни текширишни ўз ичига олган ваколатли органлар томонидан амалга оширилади**. Жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва Коррупцияга қарши курашиш миллий комиссияси ўзларига декларациялар орқали маълум бўлган манфаатлар тўқнашувларини зудлик билан ҳал қилиш учун зарур чораларни кўришлари ва ваколатли давлат органларига ҳар қандай қонун бузилишлари тўғрисида хабар беришлари шарт.

Бир қатор мамлакатларда ушбу можароларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган қуйидаги профилактик чораларни кўрмоқда:

**1. Қўшимча иш жойини чеклаш.** Бундай чекловлар барча мамлакатларда мавжуд, аммо фақат Испанияда парламент аъзоларининг жамоат ва шахсий лавозимларни бирлаштириш тақиқланган. Франция ва Венгрияда маҳаллий сайланган мансабдор шахслар миллий парламент аъзолари бўлиши мумкин. Агар маҳаллий сайланган амалдорлар тўлиқ ишлаган ва ўзлари сайланган лавозимларига ҳақ тўланадиган бўлса, барча мамлакатларда давлат ёки хусусий секторда бошқа ишларни амалга оширишга чекловлар мавжуд.

**2. Шахсий даромад декларацияси.** Франция, Германия ва Буюк Британияда бу талаб мажбурий эмас (сўнги икки мамлакатда парламент аъзолари фақат катта миқдордаги тўловларни эълон қилишади). Венгрия ва Италияда бу мажбурият фақат парламент аъзоларига юклатилади, Польша ва Испанияда фақат маҳаллий сайланган мансабдор шахслар ва сиёсатчилар ўз даромадларини эълон қилишади (Испанияда парламент аъзолари ҳам пуллик фаолиятларини эълон қилишади). Латвияда ушбу чора нафақат барча

---

<sup>1</sup> Михайлов В. Конфликт интересов: содержание, порядок предотвращения и урегулирования // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2016. № 4. –С. 16.

тайинланган сиёсий арбоблар ва сайланган мансабдор шахсларга, балки давлат хизматчиларига ҳам тегишли<sup>1</sup>.

**3. Оила даромадлари декларацияси.** Польшада маҳаллий сайланган мансабдор шахсларнинг турмуш ўртоқлари ва тайинланган сиёсатчилар ўз даромадларини декларация қилишлари шарт. Венгрияда ушбу чора тайинланган сиёсатчи ёки юқори лавозимли мансабдор шахс билан яшайдиган барча оила аъзоларига қўлланилади. Бошқа барча мамлакатларда бундай декларация мажбурий эмас. Испанияда бу тайинланган сиёсий арбобларнинг турмуш ўртоқлари учун ихтиёрий чорадир.

**4. Шахсий мулк декларацияси.** Германия ва Буюк Британиядан ташқари мамлакатларда ҳукумат аъзолари ва тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорлар шахсий мулкларини декларациялашлари шарт.

**5. Совға декларацияси.** Латвияда совғалар декларацияси барча амалдорлар (шу жумладан сайланган мансабдор шахслар ва парламент аъзолари) учун мажбурийдир. Польшада бу талаб фақат маҳаллий сайланган амалдорлар ва тайинланган сиёсатчилар учун, Венгрияда фақат парламент аъзолари учун мажбурийдир.

**6. Шартномани бошқариш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация.** Германия ва Испанияда бундай чора маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурийдир. Буюк Британияда, мансабдор шахслар, шу жумладан маҳаллий сайланганлар, ҳар сафар бошқалар томонидан мансабдор шахснинг ҳаракатларига таъсир қиладиган сифатида қизиқиш пайдо бўлганда, расмий равишда қизиқиш тўғрисида декларацияни тақдим этишлари керак. Бундан ташқари, Британия расмийлари ўзларининг декларацияларида оила ва яқин қариндошларнинг манфаатларини ҳисобга олишлари керак. Франция, Венгрия, Италия, Латвия, Польшада бундай расмий декларация талаб қилинмайди, аммо маълум манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, амалдор шахсий манфаатларини аниқлаши (эълон қилиши) ва ундан воз кечиши учун рухсат сўраши керак.

**7. Қарор қабул қилиш ёки овоз бериш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ва сиёсатни тайёрлашда ёки маслаҳат беришда иштирок этиш.** Ушбу манфаатларнинг расмий декларацияси Португалияда (тайинланишдан олдинги уч йиллик маълумот учун), Испанияда (икки йиллик давр учун) тайинланган сиёсатчилар ва парламент аъзолари учун, шунингдек Испанияда маҳаллий сайланган амалдорлар учун ҳам талаб қилинади (Португалияда бу ихтиёрий). Германияда, Буюк Британияда, Францияда, Италияда, Латвияда, Польшада ушбу декларацияга ёндашув

---

<sup>1</sup> Status report of the republic of Latvia under the Baltic anti-corruption initiative. Final status report as submitted by the Latvian Ministry of Justice in April 2002. The draft report was discussed at the "Review Meeting of the Status Reports on Legal and Institutional Measures to Fight Corruption", held in Tallinn on 26-27 February 2002. – P. 56

юқоридаги 7-бандда баён этилгани кабидир. (“Шартномани бошқариш билан боғлиқ шахсий қизиқишлар тўғрисидаги декларация”).

Манфаатлар тўқнашувини, даромад ва мулк тўғрисидаги декларацияларни оммавий равишда, яъни жамоатчиликка ошкор қилиш борасида Францияда, Венгрияда талаблар йўқ. Польшада бу фақат маҳаллий сайланган амалдорлар учун мажбурий ҳисобланади. Германия ва Италияда парламент аъзолари, Испанияда<sup>1</sup> эса парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган мансабдор шахслар учун манфаатлар тўғрисидаги декларациялар фақат тегишли шахснинг илтимосига биноан ошкора эълон қилинади. Португалияда тайинланган сиёсатчилар, парламент аъзолари ва маҳаллий сайланган амалдорларнинг декларациялари оммага тақдим этилса, Латвияда эса бу қоида барча декларацияларга қўлланилади.

#### **8. Шахсий компанияларнинг шахсий ва оилавий чекловлари.**

Маҳаллий сайланган Италия амалдорлари учун мулкка нисбатан маълум чекловлар мавжуд. Польшада ушбу тоифадаги мансабдор шахсларнинг хусусий бизнес билан шуғулланиши тақиқланади.

Юқоридаги қоидаларни бузганлик учун тегишли жазо (жиноий, интизомий, маъмурий) тайинланади.

Кўриб чиқилаётган кўплаб мамлакатларнинг қонунчилигида “номақбул бошқарув билан манфаатлар тўқнашуви” борасидаги жиноятлар тавсифланади (Латвия, Польша, Германия, Буюк Британия, Франция).

Интизомий жазо чораси сифатида қуйидагилар қўлланилиши мумкин:

- иш ҳақи тўлашни тўхтатиб қўйиш (Польша, Буюк Британия);
- ишдан бўшатиш (Франция, Венгрия, Латвия, Польша, Португалия ва Испания).

Маъмурий жазо чоралари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: жарималар, маънавий жазолар (масалан, парламентнинг расмий газетасида ёки давлатнинг расмий газетасида қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш), парламентга ҳисобот бериш, 10 йилгача давлат лавозимларини эгаллашни тақиқлаш ва ноқонуний равишда олинган мулкни қайтариш.

Ўхшаш талаблар Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона ҳам-да солиқ қўмиталари, Ички ишлар вазирлиги тизимларида ҳам мавжуд.

Аммо Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияга (2003 йил 31 октябрда) қўшилиши, сўнгги йилларда “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши билан бошқарув тизимида манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган нормаларни янада кучайтириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

---

<sup>1</sup> José María Segovia and Guillermo San Pedro Uría Menéndez. Conflicts of interest in Spain. Financial institutions. P 14.

Фикримизча, бу борада давлат миқёсида коррупцияга қарши аниқ тадбирлар, давлат бошқарувини такомиллаштириш, самарали механизм яратиш ва масъул идоралар вазифаларини янада аниқ белгилаш зарур.

Қонунчиликни ривожлантириш борасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилинишини тезлаштириш ва унда касбий тайёргарлик ва масъулият, кадрлар ротацияси, назорат механизмининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, оммавий ҳисобдорлик, тизимлилик, манфаатлар тўқнашувига замин яратадиган қариндошчилик (қудандачилик), маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, раҳнамочилик, лоббизм ва бошқаларни олдини олишга қаратилган масалаларни ҳал этиш керак.

Шунингдек, жиноят қонунчилигида мавқеидан фойдаланиш ва ноқонуний бойлик орттириш каби қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, юридик шахслар жавобгарлиги, ноқонуний йўллар билан орттирилган мол-мулкни мусодара қилишни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни қабул қилиш, миллий қонунчиликда гувоҳлар, экспертлар ва жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши тизимни мувофиқлаштирувчи мустақил ягона идора ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАР ЙўНАЛИШИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

**МИРАКУЛОВ Миравзал Миродилович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти бошлиғининг  
биринчи ўринбосари, ю.ф.д, профессор

***Аннотация:** Мақолада замон талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда юридик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги муаммоларга тўхталиб ўтилган бўлиб, асосий эътибор мустақиллик йилларида ушбу йўналишда олиб борилган номзодлик ва докторлик диссертацияларида кўтарилган муаммолар ва уларнинг таҳлиliga қаратилган. Мақола сўнгида муаллиф томонидан юридик кадрларни тайёрлаш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар билдирилган.*

***Аннотация:** Статья посвящена проблемам в области подготовки юридических кадров, особое внимание уделяется проблемам, поднятым за годы независимости в кандидатских и докторских диссертациях в этой области, и их анализу. В конце статьи автор внес ряд предложений по улучшению подготовки юридических кадров.*

***Abstract:** The article is devoted to problems in the field of legal training, special attention is paid to the problems raised during the years of independence in candidate and doctoral dissertations in this area, and their analysis. At the end of the article, the author made a number of proposals for improving the training of legal personnel.*

**Калит сўзлар:** юридик кадрлар, муаммолар, конституция, ҳуқуқ ижодкорлиги, ижро ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти.

**Ключевые слова:** юридические кадры, проблемы, конституция, законотворчество, исполнительная власть, гражданское общество.

**Key words:** legal personnel, problems, constitution, lawmaking, executive branch, civil society.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 29 апрелдаги 5987-сонли Фармонида миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастлигича қолаётганлиги, бу юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланиши, ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижаларини амалий жиҳатдан жорий этишга етарли эътибор берилмаётганлигига алоҳида урғу берилди.

Фармонда юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар билан бир қаторда давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълим соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтини ташкил этиш ҳақидаги таклиф маъқулланди.<sup>1</sup>

Фанлар академиясининг алоҳида институти яратилиши жуда ҳам долзарб масала бўлиб, давлат-ҳуқуқий тадқиқотларда, айниқса глобализация шароитида ўзбек давлатчилигини концептуал масалаларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий муаммоларини, миллий ва хорижий давлат-ҳуқуқий муаммоларини қиёсий ўрганишни, маъмурий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини концептуал муаммоларини тизимлилик, изчиллик, яхлитлик, узвийлик асосида ўрганишга жуда катта эҳтиёж туғилаётган эди.

I. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида давлат-ҳуқуқий йўналишда амалга оширилган диссертациялари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, **мавзулар асосан давлат органлари фаолиятига бағишланиб, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқларига оид мавзулар бироз эътибордан четда қолди.** Диссертациялар мавзулари давлат бошқарувининг конституциявий асослари, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.



Республикасининг давлатчилик органлари (1917-1937 й.й.), Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органининг шаклланиши ва ривожланиши, парламент назорати, давлат кўмитасини фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви, прокуратура органларининг ташкил топиши ва ривожланиши, давлат ҳокимияти органларининг мақоми ва фаолияти, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўзаро ҳамкорлиги, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш, замонавий босқичда давлат бошқарувининг принциплари, соғлом ҳаёт тарзини шаклланишида давлатнинг роли, милиция фаолиятини такомиллаштириш, маданият соҳасидаги давлат бошқаруви кабиларга бағишланди.

Биринчи босқичда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид тадқиқотлар ҳам шаклланди. Конституция ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ислоҳ қилиш (1990-1994 й.й.), маҳаллий ҳокимият тизими, ҳокимият аппаратини фаолиятини ташкил этиш, маҳаллий давлат бошқаруви органларининг қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти, аҳолини ҳуқуқий тарбия қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти мавзуларида докторлик ва номзодлик ишлари амалга оширилди.

Давлат-ҳуқуқи тарихи бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги XIV-XV асрлардаги сиёсий ва ҳуқуқий тафаккур, Ўзбекистон халқларининг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги асосий тарихий ҳуқуқ манбалари (VII-XIX асрлар), Файзулла Хўжаевни сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Ўзбек давлатчилигини ривожлантиришда Амир Темурнинг роли, Мовароуннаҳрда давлатчиликни ривожлантириш муаммолари, Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимотлари, Мовароуннаҳрда мусулмон ҳуқуқининг асосий институтларини шаклланиши ва ривожланиши мавзулари билан чекланилди.

Ҳайратланарлиси шундаки юридик соҳада кўпгина диссертациялар Қорақалпоғистоннинг давлат-ҳуқуқ масалаларига бағишланди. Биринчи босқичда Қорақалпоғистон Республикасида миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, Қорақалпоғистон Республикасида давлат қурилишини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ижроия ҳокимияти органлари, Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақомига оид қонунчилик, Қорақалпоғистонда суд ҳокимияти мавзуларида, иккинчи босқичда эса Қорақалпоғистон Республикасида миллий давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон Республикаси давлатчилигини шаклланиши ва ривожланиши, Қорақалпоғистон Республикасида давлат қурилишини такомиллаштириш, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий мақоми, Қорақалпоғистан Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши ўзаро муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимияти аппарати фаолиятини ташкил этиш каби мавзуларда номзодлик, фалсафа докторлиги диссертациялари ёқланди.

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий ва амалий муаммолари, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ҳамда бошқарув тизимини шакллантириш ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари каби глобал мавзуларда докторлик диссертациялари, замонавий босқичда давлат бошқарувининг принциплари, Ўзбекистонда демократлаштиришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асослари, Ўзбекистон – демократик ҳуқуқий давлат мавзуларида номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Биринчи босқичда шунингдек Ўзбекистон Конституциясини яратилиши ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий мафкура, Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни, қонунчилик жараёнини илмий-ахборот жиҳатдан таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш, шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни илмий-назарий муаммолари, талабалар, ёшлар ҳуқуқий маданияти, қонунчиликни такомиллаштиришда ижтимоий фикрнинг роли каби мавзулар ҳам тадқиқ қилинди.

Бундан ташқари ёшларнинг мақоми, юридик хизмат, юридик жавобгарлик, аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, савдо қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик, корхонада бошқарув кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, ривожланган демократик давлатларда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, виждон эркинлигини давлат-ҳуқуқий тартибга солиш, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, махсус иқтисодий зоналарни ҳуқуқий тартибга солиш, жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ҳуқуқий тартибга солиш каби номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

**Иккинчи босқичда (2002 йил ва ундан кейинги йиллар) ҳам асосий эътибор давлат, унинг органлари фаолиятига тааллуқли бўлди. Айниқса қонун чиқарувчи ҳокимият, ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига оид диссертациялар кўпайди.**

Қонун чиқарувчи ҳокимият, вакиллик органлари функциялари, давлат ҳокимияти тизимида парламент, Ўзбекистонда икки палатали

парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, Олий Мажлис палаталари ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш, қуйи палата фаолиятини ташкил этишда сиёсий партиялар иштирокининг ҳуқуқий асослари, қуйи палата депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Сенат қўмиталари, комиссиялари, Омбудсман институтига оид тадқиқотлар ўтказилди.

Мазкур босқичда **ҳуқуқ ижодкорлигига эътибор янада кучайди.** Қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари, ҳуқуқ ижодкорлигида прогнозлаш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг роли, Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти, суд ҳокимиятини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, ҳуқуқий мониторингни таъминлаш механизми, қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг роли, қонун ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизасни такомиллаштириш, ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш муаммолари, қонунни амалга ошириш механизми, юридик техника ва қонунлар сифатини ошириш, ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш, ҳуқуқни шарҳлаш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида прогнозлашнинг назарий-ҳуқуқий масалалари каби мавзуларда тадқиқотлар амалга оширилди.

**Ижро ҳокимиятига оид:** давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, Давлат ҳокимияти тизимида президентлик институти, Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг муносабатлари, давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти, давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли, давлат хизматини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари, адлия органлари бошқарувини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги устидан давлат бошқаруви ҳуқуқий муаммолари, ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, “электрон ҳуқумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши, давлат назорати, солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, божхона соҳасида бошқарувнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, ротация институти, давлат органларининг истеъмол кооперативлари билан ўзаро муносабатлари, паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, маъмурий

тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил), лицензиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари, давлат органларининг юридик ва жисмоний шахс мурожаатлари билан ишлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби мавзуларда диссертациялар ҳимоя қилинди.

Иккинчи босқичда ҳам **маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид тадқиқотлар кучайди.** Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳуқуқий мақоми, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маҳаллий вакиллик органларини ташкил топиши ва ривожланиши, ҳокимиятларда ташкил топадиган комиссияларнинг ҳуқуқий мақоми, маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, халқ депутатлари Кенгашлари доимий комиссиялари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-ҳуқуқий асослари, номли мавзуларда диссертациялар ҳимоя қилинди.

Давлат рамзлари, давлат тилининг ҳуқуқий мақоми, суд ҳокимиятини шаклланиши ва ривожланиши, маъмурий адлияни ривожлантириш, юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари, давлат функцияси, давлатнинг хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа бўйича функцияси, давлатнинг экологик функцияси, давлатнинг молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш каби мавзуларда диссертациялар ҳимоя қилинди.

**Биринчи босқичда фуқаролик жамияти институтларига деярли эътибор берилмаган эди. Иккинчи босқичда фуқаролик жамияти йўналишидаги тадқиқотлар кучайди.** Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари, бундай жамиятни шакллантиришда жамоат ташкилотларининг роли, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳимоя фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим вазифа ва ваколатларни ўзини ўзи бошқариш органларига бериш, ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий-ҳуқуқий муаммолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли, ННТларнинг жамоат бирлашмалари тизимидаги роли, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини назарий-ҳуқуқий масалалари, ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органла-

рининг ваколатлари, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда ва уларнинг фаолиятида иштирок этиши, фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоат фондларининг роли каби мавзуларда тадқиқотлар амалга оширилди.

Давлат-ҳуқуқи тарихи бўйича либерализм сиёсий-ҳуқуқий ғояларининг эволюцияси, Шарқ ренессанси даврида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, Марказий Осиёда халқаро ҳуқуқ институтларининг вужудга келиши ва ривожланиши, ислом оила ҳуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари, XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон сиёсий партиялари дастурларида давлат ва ҳуқуқ масалалари, Бобуринг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Амир Темур давлатини шаклланиши ва давлат тузуми, Абдурауф Фитратнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Форобийнинг давлат ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари, Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари, Хоразмшоҳлар давлатини ташкил топиши, давлат ва ҳуқуқ тизими, Низомулмулкнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, Туркистон ўлкасининг ҳуқуқ манбаалари, фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларнинг эволюцияси, Хива хонлигининг давлат тузуми ва ҳуқуқий манбаалари, Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва давлат тузуми, Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тузуми, ҳуқуқий манбаалар мавзуларида диссертациялар ёқланди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, миллий давлатчилик шаклланишининг назарий-ҳуқуқий масалалари, миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш, ҳуқуқий давлат, давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, эркинлаштириш – ҳуқуқий ислоҳотларни марказий йўналиши, суд ҳокимиятининг демократик ҳуқуқий давлат қуришдаги роли, ҳуқуқдаги бўшлиқлар каби кенг йўналишдаги мавзуларда ҳам тадқиқотлар амалга оширилди.

Иккинчи босқичда шунингдек, замонавий қиёсий ҳуқуқшуносликнинг методологик муаммолари, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг конституциявий асослари, инсон ҳуқуқлари назарияси ва ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимояси, Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш, халқ таъбиқатини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқариш каби мавзуларда докторлик диссертациялари амалга оширилди.

Шунингдек Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш, фуқароларнинг мажбуриятлари, ҳуқуқни тушунишни замонавий муаммолари, ҳуқуқий қадриятлар ва принципларни шаклланиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш, бюджет назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмларини такомиллаштириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, маъмурий жазоларни қўллаш, божхона ҳудудида товар алмашинуви муаммолари каби мавзуларда номзодлик, фалсафа докторлиги диссертациялари ёқланди.

Иккинчи босқичда солиқ ҳуқуқига оид тадқиқотлар бирмунча шаклланди. Норезидент юридик шахсларига солиқ солишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик мавзуларида диссертациялар ҳимоялар қилинди.

Иккинчи босқичда ҳуқуқий онг ва маданиятга оид тадқиқотлар кўпайди. Ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари, судьяларни касбий ҳуқуқий онги, ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш масалалари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг роли, ҳуқуқий ҳулқ-атворни, ҳуқуқий мафқурани шакллантириш муаммолари, ҳуқуқий таълимни шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришдаги роли, судьяларни касбий-малакавий ҳуқуқий онги, ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири каби мавзуларда диссертациялар ҳимоя қилинди.

Мазкур босқичда сайлов муносабатларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов жараёнини ташкилий-ҳуқуқий масалалари, демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби мавзуларда номзодлик, фалсафа доктори даражасида тадқиқотлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида Германия, Туркия, Вьетнам, Хитой, Афғонистон, Иордания, Миср, Қирғизистон каби давлатларнинг конституциявий-ҳуқуқий ривожланиши, давлат-ҳуқуқий масалалари бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

**II. Давлат-ҳуқуқий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи соҳасида монографик тадқиқотлар деярли ривожланмаяпти.**

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети ва методлари, методологик асослари, давлат ва ҳуқуқнинг онтологияси ва гносеологияси, назарий юриспруденция ва юридик амалиёт, қиёсий давлатшунослик, ҳуқуқ генезиси, ҳуқуқни вужудга келиши, одат ҳуқуқлари, ҳуқуқни моҳияти, ҳуқуқни ижтимоий роли ва функциялари, ҳуқуқ принциплари, ҳуқуқнинг бошқа ижтимоий нормалар билан ўзаро алоқаси, ҳуқуқий тизимлар, ҳуқуқий оилалар, ҳуқуқ манбаалари, ҳуқуқни тизими ва

тузилиши, ҳуқуқ соҳалари, институтлари, нормалари, ҳуқуқ ва ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий мақом, юридик фактлар, ҳуқуқни амалга ошириш ва қўллаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик, ҳуқуқий психология, ҳуқуқни ривожланиш тенденциялари, давлатни моҳияти, давлатни тушуниш, давлат шакллари, давлат тузилиши шакллари, давлат бошқаруви шакллари, сиёсий режим, жамиятни сиёсий тизимида давлат, шахс ва давлат, жамият ва шахс, давлат аппарати, давлат механизми, давлат органлари, ижтимоий давлат каби мавзуларда яхлит диссертациялар олиб борилмади.

Шунингдек конституциявий ҳуқуқ соҳасида Асосий қонун (Конституция) назарияси, конституциявий ҳуқуқда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари назарияси, ижтимоий муносабатларни конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ва методлари, конституциявий кафолатлар, конституциявий қонунчилик ва унинг қонунчилик тизимидаги ўрни, конституциявий ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро таъсири, хорижий мамлакатлар конституциявий қонунчилиги, сайлов тизимлари, конституциявий назорат органлари, Марказий банк, Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий мақоми, конституциявий жавобгарлик каби мавзуларда ҳам тадқиқотлар амалга оширилмади.

Маъмурий ва молия ҳуқуқи фанларида давлат бошқарувининг методлари, маъмурий-ҳуқуқий шакллари, бошқарув, ижро фаолиятини моҳияти ва мазмуни, маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва уларни амалга ошириш, маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақоми, бошқарув соҳасида муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш шакллари, маъмурий жараён, ижтимоий-сиёсий соҳалар ва тармоқларда, ижтимоий-маданий, иқтисодиёт соҳаларида, тармоқлараро бошқарувни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий жавобгарлик, қиёсий маъмурий ҳуқуқшунослик, махсус маъмурий-ҳуқуқий режим, молиявий-ҳуқуқий нормалар ва уларни амалга ошириш, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар, субъектларни ҳуқуқий мақоми, хорижий мамлакатларда молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш шакллари, молиявий назорат, бюджет ҳуқуқи, бюджет жараёни, давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш (солиқ, давлат кредити, суғурта), солиқ ҳуқуқи, давлат кафолатлари, давлат харажатларини ҳуқуқий тартибга солиш, банк ҳуқуқи, банкларни ҳуқуқий мақоми, пул муомаласининг, валюта билан тартибга солиш, қимматбаҳо қоғозлар қонунчилиги асослари каби мавзулар ҳали монографик ўрганилмаган.

Шунингдек, Конституциямиз норма ва принциплари ҳаётимизда янада самарали натижаларга олиб келиши учун фикримизча қатор ишларни қилишимиз зарур.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг салоҳияти ва имкониятларини ўрганишда биз ҳуқуқшунослар олдида,

айниқса тадқиқотчилар, олимлар олдида ҳали жуда ҳам талайгина ишлар турибди.

Мустақиллик йилларида ҳуқуқ соҳасида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бевосита Асосий қонунимизга бағишланган яхлит тадқиқотлар бармоқ билан санарли. Халқимиз, қонун ижодкорлари, ҳуқуқни қўлловчилар олимлардан Конституциямиз хазиналари бўлмиш “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш”, “халқ ҳокимиятчилиги”, “ҳокимиятлар бўлиниши”, “демократия”, “демократик республика”, “ижтимоий адолат”, “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги”, “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият”, “давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши”, “адолатли меҳнат шароитлари” каби чуқур маъноли ҳамда юклаган тушунчаларни илмий моҳиятини, уларни қонунчилигимизга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали татбиқ этилганлик даражасини ўрганиш учун аниқ илмий асосланган баҳолаш мезонларини, индикаторларини, бу дастуруламал тушунчаларни ҳаётимизга татбиқ этилишининг самарали ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқилишини кутмоқда.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқаётганда экспертизадан ўтказишда умумий, Конституцияга зид эмасми – деган саволдан Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашга хизмат қиладими ёки уларни қўллашга, демократик, ҳуқуқ устуворлиги мезонларига билвосита чегаралар ўрнатмаяптими – деган мезонга ўтиш, дунёнинг кўплаб давлатларида қўлланиладиган, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини Конституциядаги, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган, мамлакатимиз иштирокчиси бўлган олтита асосий халқаро шартномадаги инсон ҳуқуқларига мослигини алоҳида ўрганадиган ҳамда ўз хулосаларини тақдим этадиган парламент ва жамоатчилик назорати институтларини яратишимиз, қўллаб-қувватлашимиз даркор.

Бизда моддий харажатлар талаб қиладиган қонун лойиҳасини Молия вазирлигига келишув учун мажбурий тартибда юбориш қонунан белгилаб қўйилган. Шу маънода инсон ҳуқуқларига даҳл қиладиган қонун лойиҳаларини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга мажбурий тартибда юбориш тартибини қонунчилигимизга киритишимиз зарур.

Давлат-ҳуқуқий тадқиқотлар ўзига хослигидан келиб чиқиб, бунда социологлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, психологлар, тарихчилар билан биргаликда тадқиқотларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Давлат ҳуқуқий тадқиқотларда ҳозирги ривожланган демократик давлатлар ўз тараққиётига асос қилиб олган демократия, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқ устуворлиги, уларнинг мезонлари, амалга ошириш



механизмлари: институтлари, ҳуқуқий асослари, индикаторлари, бажарилиши мониторингига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат-ҳуқуқий йўналишдаги тақдқиқотлар асосан давлат ҳокимияти, қонунчилик жараёни, давлатнинг, унинг органларининг, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини бошқариш ва бошқа органларнинг у ёки бу фаолияти билан чегараланиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, агар Конституциямизда 50 дан ортиқ ҳуқуқлар назарда тутилган бўлса мустақиллик йилларида фақат 4 та бевосита ҳуқуққа диссертациялар (А.Юнусова 1995 йилда виждон эркинлиги бўйича, У.Таджиев 2002 йилда сўз эркинлиги ҳуқуқи бўйича, Х.Маматов фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари бўйича 2009 йилда, Ш.Асадов 2010 йилда билим олиш ҳуқуқи бўйича) бағишланган. Улар ҳам номзодлик диссертациялари.

Мустақиллик йилларида, айниқса 2000 йиллардан кейин инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ва кафолатларига оид диссертациялар вужудга келди. М.Ҳамидова 2000 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари бўйича, Б.Тожихонов 2004 йилда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича, С.Саид-Газиёва 2012 йилда адлия органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолияти бўйича, З.Рўзиев инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, М.Инагамова 2019 йилда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органлари иштирокининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича номзодлик ишларини, А.Сатторов 2004 йилда инсон ҳуқуқлари назарияси ва ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари бўйича, 2017 йилда Д.Каримова бола ҳуқуқлари бўйича докторлик диссертациялари ҳимоя қилишган.

Афсуски, мамлакатимиз Конституциясида кўрсатилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шаън ва обрўга қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи, фикрлаш, эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ахборот излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги, сиёсий ҳуқуқлар, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи, фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, мурожаат қилиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, дам олиш

ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги каби мавзулар ҳали ўз тадқиқотчисини кутиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимот соҳасида юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш, концептуал масалаларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг замонавий муаммоларини, миллий ва хорижий давлат-ҳуқуқий муаммоларини қиёсий ўрганиш, маъмурий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини концептуал муаммоларини тизимлилик, изчиллик, яхлитлик, узвийлик асосида ўрганиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш таклиф этилади.

## СУД КОНТРОЛИ ФУНКЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**МИРАЗОВ Даврон Мирагзамович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи,  
юримдик фанлар доктори, профессор  
davr\_mir@inbox.uz

**ТОШБОЕВ Рахимкул Шойимович,**  
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти  
судининг судьяси  
toshboyev\_r@inbox.uz

***Аннотация:** Мақолада суд ҳокимиятининг функциялари ва уларнинг орасида суд контролининг ўрни ва ролининг назарий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган, тегишли илмий-назарий хулосаларга келинган.*

***Аннотация:** В статье осуществлен теоретико-правовой анализ функций судебной власти и роли и места судебного контроля среди них, на их основе сделаны научно-теоретические выводы.*

***Abstract:** The article presents the theoretical and legal analysis of the functions of the judiciary and the role of judicial review and place among them, made the scientific and theoretical conclusions based on them.*

***Таянч сўзлар:** суд ҳокимияти, суд контроли, назорат, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.*

**Ключевые слова:** судебная власть, судебный контроль, надзор, закон, нормативно-правовой акт.

**Key words:** the judiciary, judicial supervision, supervision, law, legal act.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни қуриш вазифаси, ўз навбатида, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг самарали механизми яратилишини тақозо этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири бўлган дастлабки тергов органлари фаолияти устидан суд контролини ўрнатиш судга қадар иш юритуви давомида қонун бузилишларининг олдини олишда қўшимча кафолат бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, судга қадар иш юритув жараёни устидан суд контролини жорий қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар юзага келиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши жиноят процессида шахс ҳуқуқлари таъминланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу, энг аввало, судга қадар иш юритиш жараёнлари устидан суд контролининг предмети ва чегаралари, унинг қонуний тартибга солиниши, натижалари ва уларнинг аҳамияти билан узвий боғлиқдир. Фикримизча, ушбу масалалар нафақат назарий жиҳатдан ўрганилиши, қонун ижодкорлиги орқали тартибга солиниши, балки жиноятларни тергов қилиш фаолиятида бугунги кунда мавжуд бўлган амалиётни, ҳақиқий ҳолатни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши керак.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти, унинг функциялари, вазифалари хусусида олиб борилган илмий изланишлар орасида З.Ф.Иноғомжонованинг «Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари», Ф.Ф.Мухитдинованинг «Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан», Ш.О.Умарованинг «Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни», А.У.Эгамбердиевнинг «Судебная власть: уголовно-процессуальные аспекты», Ғ.М.Шодиевнинг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати» мавзуларидаги илмий изланишларини алоҳида кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Суд ҳокимияти ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида ҳуқуқий тартибга солинган ва унинг 107-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, Қорақалпоғистон

---

<sup>1</sup> Иноғомжорова З. Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т., 2007. – 47 б.; Мухитдинова Ф. Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2012. – 47 с.; Умарова Ш. О. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – 28 б.; Эгамбердиев А. У. Судебная власть: уголовно-процессуальные аспекты: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2011. – 27 с.; Шодиев Ғ. М. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – 25 б.

Республикаси иқтисодий судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва иқтисодий судларидан иборатлиги белгиланган<sup>1</sup>. Бу эса суд ҳокимияти деганда, мамлакатимизнинг барча суд органлари тушунилишини англатади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги 1-сонли қарорида суд ҳокимияти тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга асосан, «Суд ҳокимияти – бу судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги принципига сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир»<sup>2</sup>.

Профессор У. Таджихановнинг фикрича, суд ҳокимияти – ҳокимиятлар бўлиниши назариясига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 11-моддасига биноан, ҳокимиятнинг (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлари билан бир қаторда) мустақил ва эркин тармоғи. У ўзида: а) одил судловни амалга ошириш ваколатлари, яъни жиноий, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий ишларни процессуал қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиш ваколатлари йиғиндисини, баъзан ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ваколатларини, қонун ижодкорлиги ваколатлари ва бошқа иккинчи даражали ваколатларни; б) юқорида қайд этилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини мужассамлаштиради. Суд ҳокимияти ваколатлари одил судловни амалга ошириш бўйича турларга бўлинади. Ҳозирги замон демократик мамлакатларида суд ҳокимияти асосий ваколатларини амалга ошириш ҳар хил тоифалардаги судларга юклатилади<sup>3</sup>. Тадқиқотчи Ш. О. Умарованинг фикрича, «суд ҳокимияти фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ва ҳуқуқнинг ўзини ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари ва қарорларидан, уларни ким содир этишидан қатъи назар, шу жумладан, ҳокимият ваколатларига эга бўлган мансабдор шахслардан, давлатнинг ўзидан ҳимоя қилиши, шу орқали ҳуқуқ устуворлигини таъминлаши лозим»<sup>4</sup>. Тадқиқотчи А. Қурбонов суд ҳокимияти – судларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари устуворлиги асосида жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларини кўриш бўйича ваколати<sup>5</sup>, деган фикрни илгари суради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., Ўзбекистон. 2019. – Б.7; 67–68.

<sup>2</sup> www.lex.uz

<sup>3</sup>Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 407.

<sup>4</sup>Умарова Ш. О. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат қурилишида суд ҳокимиятининг ўрни: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – Б.3.

<sup>5</sup>Қаранг: Қурбонов А. Суд ҳокимияти ислоҳ қилинмоқда // Давлат ва жамият демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2002. – Б.169–170.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда «Суд ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлиб, инсонларга ва уларнинг хулқ-атворида суд органлари орқали махсус ўрнатилган процессуал тартибда ва ўзига хос шаклда таъсир ўтказиш имкониятини амалга оширувчи органлар тизими», деган хулосага келиш мумкин. Ҳар бир давлат органи каби суд ҳокимияти ҳам давлат фаолиятининг муайян йўналишини бажаришга ва ўзига юклатилган функцияларнинг ижросини таъминлашга қаратилган.

Суд ҳокимиятининг функцияларини З.Ф.Иноғомжонова асосий ва қўшимча функцияларга бўлади<sup>1</sup>. Бундай тақсимотнинг асоси бўлиб: суд ҳокимияти олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга қодирлиги; суд амалиётида қўлланилиши даражаси; юзага келаётган низо ёки можароларни бевосита ва моҳияти бўйича ҳал эта олиши; жиноий қилмишларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўра олиши каби мезонлар хизмат қилади. Бунда суд ҳокимиятининг асосий функцияларига одил судлов ва суд контроли, ёрдамчи функцияларига эса қонунчилик ташаббуси, норматив ижодкорлик ва суд амалиётини умумлаштиришни киритиш мумкин<sup>2</sup>. Муаллифнинг суд ҳокимияти томонидан амалга ошириладиган асосий функция сифатида одил судловнинг белгилаганлиги ҳақидаги фикрини қувватлаган ҳолда, контроль функцияси фақат судларга тааллуқлилиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки контроль функцияси барча давлат органлари ва идораларига, уларнинг мансабдор шахсларига, шу жумладан Президент, ижро ҳокимияти, вакиллик органларига тегишли функциядир. Суд контролининг контроль фаолиятининг тури сифатида ўзига хослиги унинг суд томонидан контроль қилинадиган ижтимоий муносабатлар ошкора-ҳуқуқий тавсифга эгаллиги ва одил судловдан фарқли равишда, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти контроль қилинишида намоён бўлади.

Шу билан бирга ушлаб туриш, қамоққа олиш, шунингдек бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишни амалга ошириш зарур. Бироқ, бу жараён судлар тизимининг ўзи ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан ташкилий-ҳуқуқий масалаларнинг жиддий ва пухта ишлаб чиқирилишини ҳамда зарур тайёргарликни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилди<sup>3</sup>. Ушбу норматив

<sup>1</sup> Иноғомжонова З. Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 2007. – Б.5–6.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Фармони // Халқ сўзи. – 2005. – 9 авг.

ҳужжатда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни<sup>1</sup> билан ўзининг аниқ ифодасини топди. Ушбу қонун 2008 йил 1 январдан амалга киритилди. Бу институт Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни<sup>2</sup> билан янада ривожлантирилиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбулов чораларини қўллаш суднинг рухсати асосида амалга оширилиши белгиланди. Бундан ташқари, ушбу институт Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни<sup>3</sup> билан ЖПКда янги уй қамоғи эҳтиёт чорасининг жорий этилиши ва у суднинг рухсати билан қўлланилиши тартибининг ўрнатилганлиги билан ўзининг ривожланишини давом эттирди. Ушбу институтнинг мамлакатимиз жинойт процессида жорий этилиши шахснинг Конституция нормалари билан кафолатланган шахсий дахлсизлик ҳуқуқи фақат суд томонидан чекланиши мумкинлигини қонуний тартиби ўрнатилишига ва амалда рўёбга чиқарилишга олиб келди.

Таъкидлаш жоизки одил судловни амалга ошириш бўғинлари ва босқичларини ислоҳ қилиш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда.. Бундан асосий мақсад суднинг амалда мустақиллигини таъминлашда эканлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан такрор ва такрор айтилмоқда. Айнан шунинг учун “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сон Фармонида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланганлиги катта аҳамиятга эгаллигини тан олиш даркор. Айнан шу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва

<sup>1</sup> «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2007. – Б.18–34.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №38. – 433-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №41. – 507-м.

қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни билан мурдани эксгумация қилиш ва почта-телеграф жўнтмаларини хатлаш тергов ҳаракатларини ўтказишга рухсат бериш ваколати судларга ўтказилди.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида янги институт – суд контроли институти жорий қилинган. Таъкидлаш жоизки, суд контроли институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг жиноят ишига доир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади. Ушбу масала кўп қиррали ва зиддиятли эканлиги барчага маълум. Шу билан бирга бу ерда “контроль” ва “назорат” сўзларининг луғавий моҳиятини бир-биридан фарқлаш ва атамаларни қўллашда ягона ёндашувга амал қилиш керак, деб ўйлаймиз. Чунки “назорат” деганда, бирор йўналишдаги ишнинг бажарилишини кузатиш, текшириш тушунилади<sup>1</sup>. Контроль эса – французча *contrôle (contrerôle)* – *икки нусхада юрилувчи рўйхат*, лотинча *contra (қарши)* ва *rotulus (ўроғлиқ қоғоз)* сўзларидан олинган бўлиб, кузатиш ва текшириш маъноларини беради<sup>2</sup>. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, баъзи муаллифларнинг<sup>3</sup> «суд назорати» атамасини нотўғри қўллаётганларини қайд этиш мумкин.

Зеро, бизнингча, жиноят ишлари бўйича судлар тергов органларининг фаолияти, яъни дастлабки тергов жараёнини, унда амалга оширилаётган ҳаракатларни, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайди, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини, шахснинг конситуциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлаш мақсадида кузатиш ва текширишни амалга оширадилар.

Бугунги кунда суд контроли дастлабки тергов идоралари серқирра фаолиятининг бир жиҳатини қамраб олиб, судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш, шунингдек айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процесуал мажбулов чораларини қўллаш ҳамда ушбу масалаларни суд мажлисида кўриб чиқиб ҳал этиш каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Фикримизча, жиноят процессининг судга қадар иш юритиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.3. – Т., 2009. – Б. 11-12.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиевнинг таҳрири остида. Т.2. – Т., 2009. – Б. 403.

<sup>3</sup> Масалан, қаранг: Раҳмонова С. Суд назорати: у жиноят процессида қандай ўрин тутди? // Ҳаёт ва қонун. 2005., №4. – Б.38.

суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруратидан келиб чиққан.

Бугунги кунда жиноят процесининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд назоратининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;

2) эҳтиёт чораси сифатида уй қамоғини қўллаш, унинг муддатини узайтириш;

3) ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қонуний ва асосланган равишда қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;

4) лавозимдан четлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш;

5) тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чорасини қўллаш ва муддатини узайтириш;

6) мурдани эксгумация қилиш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш;

7) почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тергов ҳаракатини ўтказишга рухсат бериш.

Суд контроли процессуал шакл доирасида амалга оширилиб, дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун амалга оширилади.

Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки суд, биринчидан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини ва асосланганлигини текшириш имкониятига эга бўлган бўлса, иккинчидан у суриштирув ва дастлабки тергов органининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини (масалан, ушлаб туриш бўйича) бекор қила олиши мумкинлигида намоён бўлади. Суд контролини амалга ошириш орқали судлар жиноят процесининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашининг кафолати бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жиноят ишларини судга қадар юритиш жараёнида суд контрлини амалга оширишни ягона ваколатли шахс - “тергов судьяси”га бериш масаласини ҳал этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бундай тартибга ўтишнинг асослари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- “тергов судьяси” ишни судда кўриб чиқишда иштирок этмайди, яъни одил судловни амалга оширмайди;

- судга қадар иш юритуви жараёнида инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга фақат рухсат беради (масалан, қамоққа олишга) ва бундай масалалар тергов судьяси шахсан ўзи ҳал этади;



- жиноят процессининг мустақил иштирокчиси сифатида дастлабки терговнинг сифати, яъни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолиятининг натижаларига боғланмайди;

- жиноятларни очилиши кўрсаткичлари учун курашмайди;

- шахснинг асосий конституциявий ҳуқуқларини чеклаш масаласини ҳал этиш аниқ процессуал тартиб асосида тарафларнинг тортишувиغا таяниб амалга оширилади;

- суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга имконият яратади;

- судда масалани кўришда манфаатдор томонларнинг иштирок этиши албатта инсон ҳуқуқларини бузилиши ҳолатларига қатъиян чек қўйилишига хизмат қилади, бу эса судга қадар иш юритувида инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг яна бир кафолати пайдо бўлиб хизмат қилади.

Бу эса якуний натижада тергов судьяси томонидан суд контролини амалга оширилиши орқали Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари асосида суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминланишига хизмат қилади.

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА МАВЖУД АЙРИМ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

**ХОЖИЕВ Эркин Туйғунович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси Судларда прокурор ваколатини

таъминлаш кафедраси доценти, ю.ф.н.

**Аннотация:** Ҳозирги кунда одил судловни амалга ошириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида ихтисослаштирилган судларни ташкил этишга бўлган эҳтиёж юзага келди. Шу мақсадда, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида суд тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари ёритиб берилган бўлиб, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида мавжуд айрим муаммолар таҳлили келтирилган.

**Аннотация:** В настоящее время назрела правовая потребность в создании специализированных судов, в целях обеспечения надлежащего уровня осуществления правосудия и создания эффективных механизмов обеспечения прав и свобод граждан. В данной статье раскрыты основные направления реформирования судебной системы Республики Узбекистан, анализируется проблемы их осуществление в административном судопроизводстве.

**Abstract:** Nowadays there is a legal demand for establishment of specialized courts for administration of justice and establishment of effective mechanisms for ensuring rights and liberties of citizens. The article analyzes main directions of judicial reforms in the

*Republic of Uzbekistan and problems of implementing them in administrative judicial procedure.*

**Ключевые слово:** управление, государственное управление, административно-правовая деятельность, органы исполнительной власти на местах, законодательные акты, административно-правовая деятельность, административные органы

**Калит сўзлар:** бошқарув, давлат бошқаруви, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, қонун ҳужжатлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолият, маъмурий орган.

**Key words:** administration, public administration, administrative-legal activity, local executive bodies, legal acts, administrative bodies.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармони<sup>1</sup> қабул қилиниб, у орқали суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>2</sup> тасдиқланиб, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш борасида мақтовга сазовор ишлар амалга оширилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Таъкидлаш жоизки, Ҳаракатлар стратегияси доирасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш, суднинг мустақиллиги ва беғаразлиги, суд процессида томонларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлик тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш, “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш, судларни янада ихтисослаштириш, суд аппаратини мустаҳкамлаш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича бир неча қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга самарали татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармони<sup>1</sup>, 2018 йил 13 июлдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони<sup>2</sup>, 2018 йил 13 июлдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони<sup>3</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон Қарори<sup>4</sup>, 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон Қарори, 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон Қарори<sup>5</sup>, 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сон Қарори<sup>6</sup> ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.03.2020 й., 06/20/5953/0246-сон; 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 922-модда.

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.01.2019 й., 07/19/4096/2427-сон.

<sup>6</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси<sup>1</sup>да ҳам тўхталиб ўтган.

Шу билан бирга, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида<sup>2</sup> суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиши зарурлигини, бу борада қабул қилинган қонуний чора-тадбирларнинг аниқ натижалар бера бошлаганини, судьяларнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир, деб таъкидлаган эди.

Амалга оширилган ижобий ўзгаришлар билан бир вақтда, ҳозирги кунда айрим бир муаммоли масалалар ҳам мавжудки, ўз ечимини топмаган. Ушбу камчиликлар биринчи навбатда қонун ҳужжатларидаги айрим қоидаларнинг ифодаланиши ва талқин қилинишидан келиб чиқади. Масалан, суд фаолиятини, ва хусусан маъмурий суд ишларини юритиш жараёнини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим мунозарали нормаларни учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони<sup>3</sup> билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжатларидан бири бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (МСИЮтК)<sup>4</sup> белгиланди. Мазкур Кодекс нормаларини таҳлил қиладиган бўлсак, айрим аниқлаштирилиши лозим бўлган қоидаларни учратишимиз мумкин. Жумладан:

**биринчидан**, МСИЮтКнинг 1-моддасида маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари *ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан* иборат эканлиги белгиланган.

Бундай нормани Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси<sup>5</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси<sup>6</sup>да ҳам учратиш мумкин.

Аксарият давлатларда (Озарбайжон, Арманистон, Болгария, Грузия, Германия, Латвия, Литва, Нидерландия, Эстония<sup>1</sup>) суд

<sup>1</sup> “Халқ сўзи”, 2019 йил 8 декабрь

<sup>2</sup> “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда.

<sup>4</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон.

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

<sup>6</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., 02/18/ИПК/0623-сон, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат фақатгина мазкур соҳада қабул қилинган қонундан иборат бўлиши белгиланган. Мазкур давлатлар қонунчилигида ҳаволаки нормалар (масалан, “*ва бошқа қонун ҳужжатлари*”) ишлатилмайди.

Бунга ўхшаш қатъий нормани Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси (ЖПК)да ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, ЖПКнинг 1-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартиби ЖПК билан белгиланади.<sup>2</sup>

Бундан ташқари, хорижий амалиётда қонунларнинг тоифаси (сони, миқдори) эмас, балки улар томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси кўрсатиб ўтилган.

МСИЮТКнинг 1-моддасида назарда тутилган нормадаги яна бир муаммоли вазият шундан иборатки, юқори турувчи суднинг қарори “*ва бошқа қонун ҳужжатлари*” тушунчаси таркибига кириши ёки кирмаслиги билан боғлиқ.

Ўзбекистонда жорий этилган амалиётдан келиб чиқадиган бўлсак, маъмурий судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар (низолар)ни нафақат МСИЮТК асосида, балки Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари асосида ҳам кўриб чиқади. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни<sup>3</sup> 21-моддасида қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар учун мажбурийлиги белгиланган бўлиб, бундай тушунтиришлар Олий суд Пленуми қарорида ифодаланади.

*Табиий савол туғилади, Олий суд Пленуми қарори қандай ҳужжат тоифасига киради? Уни қонун ҳужжати сифатида кўрсатиш мумкинми?*

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонуни<sup>4</sup>га асосланадиган бўлсак, Олий суд Пленуми қарори қонун ҳужжати ҳисобланмайди. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига биноан Олий суд Пленуми қарори қонунда мустаҳкамланган ҳужжатдир.

Бундай ҳолатда қонун нормаларини бир-бирига мувофиқлаштириш зарурати юзага келади.

Фикримизча, қонун нормаларини тўғри ифодалаш ва амалда татбиқ этиш учун МСИЮТКнинг 1-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмунда кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

---

<sup>1</sup> Сборник законодательных актов по административному судопроизводству. 3-е издание. – М.: инфотропик Медиа, 2018. – 800 с.; Сборник законодательных актов по административной юстиции: 2-е издание – Ташкент: «NORMA», 2013. – 768 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.

***“Ушбу Кодекс оммавий-ҳуқуқий низоларда ифодаланган маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини белгилаб беради”.***

Ушбу норма бир томондан қонуннинг тегишли соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги қатъийлигини (том маънода ягоналигини) белгилайди, иккинчи томондан эса, бошқа қонун ҳужжатлари билан мазкур қонунни амалда қўллаш механизми (масалан, Олий суд Пленуми қарори) ўрнатилиши мумкинлигини инкор этмайди.

***Иккинчидан, МСИЮТКнинг 27-моддаси биринчи қисми 2-бандига биноан “Суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади”.***

Демак, маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида аниқлаштирилиши лозим бўлган долзарб тушунчалардан яна бири – бу “*маъмурий орган*” тушунчасидир.

“Маъмурий орган” деганда нима тушунилиши, қайси органлар маъмурий орган таркибига кириши МСИЮТКда аниқ кўрсатиб ўтилмаган.

Юқорида келтирилган нормага эътибор берадиган бўлсак, *давлат бошқаруви органлари* ҳамда *маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар* қонунда “*маъмурий органлар*” сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони<sup>1</sup>га асосланадиган бўлсак, вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари республика давлат бошқаруви органлари ҳисобланади.

Демак, маъмурий органлар сифатида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлик қиладиган *вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар*, шунингдек *улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмаларини* тушуниш мумкин.

Лекин, “*маъмурий органлар*” атамасидаги “*маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар*” тушунчасини ҳам аниқлаштириш лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда.

Амалиётда судлар маъмурий ишларни кўриб чиқаётган вақтда устидан шикоят қилинган орган (ташкilot, тузилма)нинг маъмурий орган таркибига кириши ёки кирмаслигини аниқлаши лозим бўлади. Қонунчиликда аниқ кўрсатмаларнинг бўлмаганлиги сабабли судьялар олдида турли муаммолар юзага келади. Айрим ҳолларда эса, афсуски, кўр-кўрона иш олиб боришга тўғри келади.

Ўзбекистон қонунчилигида “*маъмурий орган*” тушунчаси 2018 йил 8 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup>нинг қабул қилиниши билан кириб келди. Ушбу Қонуннинг 4-моддасига биноан *маъмурий органлар* – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкilotлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳисобланади.

Эътибор берадиган бўлсак, ушбу нормадаги яна бир неча тушунчаларга (“*маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар*”, “*маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари*”, “*ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкilotлар ва махсус тузилган комиссиялар*”<sup>2</sup>) аниқлик киритишга тўғри келади.

Амалдаги қонунчиликка биноан *маъмурий-ҳуқуқий фаолият* - бу айрим жисмоний ёки юридик шахсларга ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига таъсир кўрсатувчи бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Демак, “*маъмурий-ҳуқуқий фаолият*” нима экалигини англаш учун, биринчи навбатда “*бошқарув фаолияти*” нима эканлигини билиш лозим бўлади.

Амалдаги қонунчиликда “*бошқарув*” мазмуни очиб берилмаган бўлиб, унинг айрим бир хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони билан давлат бошқарув органлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функциялар доирасидан ҳамда муаллиф томонидан олиб борилган кўп йиллик илмий тадқиқотлардан келиб чиқадиган бўлсак, давлат бошқарувига қуйидагича таъриф бериш мумкин: ***давлат бошқаруви*** – бу жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий ва тармоқлараро соҳаларида ижро ҳокимияти органларининг ташкиллаштириш, тартибга солиш ва назорат қилишга қаратилган қонуности фаолиятдир.

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

<sup>2</sup> “Давлат бошқаруви органлари” ҳамда “ўзини ўзи бошқариш органлари” амалдаги қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда

Бундан кўриниб турибдики, “*маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар*”га айнан давлат бошқаруви органлари киради.

Маъмурий орган сифатида талқин қилинган “*маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари*” тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “*Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида*”ги Қонуни<sup>1</sup> 1-моддаси маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимиятига бағишланган бўлиб, унда фақатгина вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органи ҳисобланиши, белгилаб берилган. Аммо, “маҳаллий ижро ҳокимияти органи” тушунчаси очиб берилмаган. Мазкур Қонуннинг 21-моддасида вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади.

Қонуннинг 22-моддасида эса, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади, деб кўрсатилган.

Демак, ушбу қонун “*маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи*” мазмунини тўлиқ очиб бермаган. Қонун мазмунига биноан “*маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи*” – бу фақатгина ҳокимликлар ҳисобланади.

Маъмурий орган сифатида талқин қилинган навбатдаги тузилма – бу “*ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар*”дир. Бундай органларни фақатгина улар ташкил этилиб, зиммасига маъмурий-ҳуқуқий фаолият юклатилган тақдирда тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин.

Умумлаштирадиган бўлсак, мазкур мақола орқали маъмурий судлар томонидан маъмурий ишларни (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар эмас) кўриб чиқиш вақтида қонунчилик нормаларини тўғри татбиқ қилишда мавжуд айрим муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилинди. Ҳозирги кунга қадар МСИЮТҚда ҳамда тегишли айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларнинг ҳаммаси ҳам амалиётда тўғри ва бир хилда татбиқ этилмоқда, деб бўлмайди. Афсуски, мазкур соҳада ҳуқуқшунос олимлар ва хусусан ёш изланувчилар томонидан етарлича эътибор берилмаяпти, тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти. Бунга бир неча сабабларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Чунончи, “*Маъмурий ҳуқуқ*” ва “*Маъмурий процесс*” (“*маъмурий жараён*” эмас) фанларининг амалиётдан орқада қолиши, олий таълим муассасаларида ушбу фанларга етарлича эътибор берилмаслиги, мазкур фанлар бўйича таълим берадиган мутахассисларнинг етишмовчилигидадир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда



# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТИНИ ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛЛАР ОРҚАЛИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**ИСАБАЕВ Акмалжон Тешабаевич,**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирини,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини оммавий сайёр қабуллар орқали кўриб чиқиш тартиби борасидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Шунингдек, оммавий сайёр қабуллар ўтказиш тартиблари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда Халқ қабулхоналарининг ўрни тўғрисида фикрлар билдирилган.

**Аннотация:** В статье изложены размышления о порядке рассмотрения обращений физических и юридических лиц посредством общественных выездных приёмов. Кроме того, выражено мнение о порядке проведения общественных выездных приёмов, а также о месте Народных приёмных при рассмотрении обращений физических и юридических лиц.

**Abstract:** The article describes the views on the procedure for consideration of appeals of individuals and legal entities through mass on-site receptions. In addition, opinions have been expressed on the procedures for holding mass on-site receptions, as well as the role of People's receptions in the consideration of appeals from individuals and legal entities.

**Таянч сўзлар:** Халқ қабулхоналари, оммавий сайёр қабуллар, уйма-уй юриш, секторлар фаолияти.

**Ключевые слова:** Народные приёмные, общественные выездные приёмы, обход домов, деятельность секторов.

**Key words:** People's receptions, mass on-site receptions, walking from house to house, activity of sectors.

Бугунги кунда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган кучли ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш асосий мақсадимиз ҳисобланиб, Конституциямизда ушбу ғоянинг мустаҳкамлаб қўйилгани юртимизда олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституцияда белгиланган ҳуқуқларнинг амалда ўз ўрнини топиши учун кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Лекин кейинги уч йил ичида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоғи юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг халқимиз қалбидан чуқур жой олган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун

кўриши керак»<sup>1</sup> деган сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракатлантирувчи кучга, уларнинг ғоявий ўзагига айланди.

Инсон ҳуқуқлари орасида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у нафақат фуқароларнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳуқуқ, бу ҳуқуқ орқали фуқаролар давлат ва жамият ишларида иштирок этади. Кейинги пайтда бу ҳуқуқ қонун устиворлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Конституциямизнинг 35-моддасида белгиланган ҳар бир шахснинг ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, фақат шахснинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб қолмай, бошқа ҳуқуқларини таъминланишида муҳим роль ўйновчи воситадир. Шунинг учун шу ҳуқуқдан кенг фойдаланиш, уни рўёбга чиқариш учун, қонунчилик такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, фуқаролар мурожаатларига янгича кенг қамровли ёндашув вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ҳаётга тадбиқ этилган, юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан очиқ-ошкора мулоқот қилиш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича тамомила янги тизимга Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари институти асос солинганлиги, бу халқаро миқёсда ҳам ноёб тузилма сифатида кенг эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Халқ қабулхоналари халқнинг реал ҳаётдан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни, ҳатто, жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш механизмига айланди. Ушбу механизм дунё ҳамжамиятига чинакам демократия йўлидаги муваффақиятларимиздан бири сифатида намоён этилди.

Шу ўринда, буюк аллома Ал Форобийнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўта жоиз бўлади. “Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда одамлар ҳукмдорни тушунмайдилар ёки унинг талабини бажаролмайдилар. Ҳукмдорлар дорини беморнинг севимли ва кўп тановул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табибга ўхшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулидир<sup>2</sup>”. Улуғ алломанинг минг йил илгари билдириб ўтган пурмаъно фикрларини бугун Президентимизнинг “Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд китоби. -Т.: Ўзбекистон, 2017.

<sup>2</sup> Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари, Тошкент- А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади<sup>1</sup> деган сўзлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ўрни катта аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек, ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенаторлар ва депутатлар корпуси, фуқаролар йиғинлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда, жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали шакллари жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>2</sup>ги ПҚ-3182-сонли қарори қабул қилиниши худуддаги муаммоларни тезкор ўрганиш ва ечимини топишда сектор раҳбари билан барча туманларда сайёр қабуллар ўтказиш доимий йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>3</sup>ги ПҚ-4102-сонли қарори ҳам худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадини кўзлади. Ушбу мақсадда худудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайдиган мазкур халқ билан мулоқот услуги тобора изчил ўз натижасини бермоқда. Бундай амалиёт фуқаролар билан мулоқатни сифат жиҳатдан яхшилашга, жуда олис бўлган масофани қисқартиришга ёрдам беради

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд китоби-Т.: Ўзбекистон, 2017.

<sup>2</sup> 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3182-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2017 йил 10 август.

<sup>3</sup> 2019 йил 8 январдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4102-сонли қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 9 январь.

ва ўз навбатида мутасадди ташкилот раҳбарларининг муаммолар билан яқиндан ва тезкор танишишларига имкон яратди.

Биз, сайёр қабул, оммавий қабул, уйма-уй юриш тушунчаларини мазмун-моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, яъни **оммавий қабул** - давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракатидир.

**Сайёр қабул** - давлат органлари ва давлат ташкилотлари раҳбарларининг тасдиқланган жадвал асосида жойларга чиққан ҳолда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиши билан боғлиқ ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мажмуидир.

Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг аҳоли мурожаатлар билан ишлашида мавжуд муаммоларни тўлиқ қамраб олиш ва тезкорлик билан тизимли ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПФ-5633-сонли фармонида мувофиқ 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, **Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишини, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий этилди.**

Мазкур янги тизимнинг ўзига хослиги шундаки, бундан буён Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилишини таъминлайди. Яъни, энди Халқ қабулхоналари мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди, сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда улар масъул бўлган ҳудудда мавжуд бўлган муаммоларни уйма-уй, объектма-объект юрган ҳолда аниқлайди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий этилган уйма-уй юриш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш усули бу жамиятимиз тарихида илк мартаба жорий этилган, жаҳон тажрибасида андозаси йўқ тизим ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларимизни ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва

---

<sup>1</sup> 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (www.lex.uz), 2019 йил 17 январь.

вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Маҳалла жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслилигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда халқимизга энг яқин ижтимоий тузилма ҳисобланади. Шу муносабат билан 2019 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги ПФ-5700-сонли фармонида мувофиқ фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини енгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлигини кучайтирилди ҳамда мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича «маҳалла - сектор - Халқ қабулхонаси - маҳалла» принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги ПФ-5938-сонли фармонида мувофиқ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Бугун ҳар бир фуқаро учун барча давлат органлари ва ташкилотларининг эшиклари очиқ ҳар ким ўзининг ҳар қайси соҳада эркин фикрини билдириши мумкин Чунончи, фуқароларнинг ижтимоий фаолликлари ортиб, жамоатчилик назорати принципи амалда ишламоқда. Давлат идораси раҳбарлари фуқароларнинг мурожаатларини сокин кабинетларда эмас, балки ижтимоий жараёнлар кечаётган паллада жойига бориб қабул қилиб реал ҳолатни ўрганиб чиқмоқда.

Сайёр ва оммавий қабулларда сектор раҳбарлари, тегишли ҳудудий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиши фуқароларнинг мурожаатларини, маҳаллаларга бириктирилган ишчи гуруҳларнинг уйма-уй юриб аниқлаган муаммоларини, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни тезроқ аниқлаш ва ҳал этиш имкониятини бермоқда. Шунингдек, уларнинг мунтазам йўлга қўйилгани аввалги учрашувларда белгиланган ишлар ижроси устидан назоратни кучайтирмоқда.

---

<sup>1</sup> 2019 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5700-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 3 апрель.

<sup>2</sup> 2020 йил 18 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938-сонли фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2020 йил 19 февраль.

Оммавий сайёр қабулларни ташкил этиш тартибига алоҳида тўхталадиган бўлсак, аввало жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар мазмуни, ҳудудийлиги жиҳатидан тизимли таҳлил қилинганидан сўнг оммавий сайёр қабул ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилади. Биринчи навбатда оммавий сайёр қабуллар ўтказилиши лозим бўлган ҳудудлар белгиланиб олиниб, ўтказилиш жойи ва вақти режалаштирилади, асосийси ҳудуддаги аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, барча давлат бошқарув органлари, ташкилот раҳбарлари жалб қилинади. Оммавий сайёр қабул ўтказилиш куни белгиланганидан сўнг шу ҳудуддаги ҳамда сайёр қабул ўтказиладиган ҳудудга яқин жойда яшовчи фуқароларга маълум қилиниб, уларнинг умумий рўйхати шакллантирилади. Рўйхатда фуқаронинг исм-шарфи, яшаш манзили, телефон рақами, мурожаатининг қисқача мазмуни ёзилган бўлади. Оммавий сайёр қабул ўтказилишидан бир кун олдин барча мутасадди ташкилот раҳбарларига фуқароларнинг умумий рўйхати берилади. Чунки масъул бўлган давлат бошқарув органлари ва ташкилот раҳбарлари ўзларига тегишли масала юзасидан тайёргарлик кўриши, муаммони ўрганиб чиқиши лозим. Бу ҳам ўз навбатида фуқароларнинг мурожаати муддатидан олдин жойида ҳал этилишида муҳим роль ўйнайди. Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, барча давлат органлари ва ташкилотларининг параллел равишда иштирок этиши муаммонинг жойида ҳал этилишига замин яратади. Оммавий сайёр қабуллар ўтказиладиган вақтда рўйхатда мавжуд бўлмаган фуқаролар ҳам келиб мурожаат қилишлари мумкин. Уларнинг рўйхатлари алоҳида юритилиб, якунида умумий рўйхатга бирлаштирилади. Оммавий сайёр қабуллар ниҳоясига етганидан сўнг мурожаатларнинг ҳал этилиши Халқ қабулхоналари томонидан назорат қилиш мақсадида оммавий сайёр қабулларда тушган барча мурожаатлар виртуал тизимга киритилади ҳамда мурожаатни кўриб чиққан масъул ташкилотнинг ўзига юборилади. Виртуал қабулхонага киритилган барча фуқароларнинг мурожаатларини умумий рўйхати мавжуд бўлиб, рўйхатга виртуал қабулхонага киритилганлиги тўғрисидаги махсус рақамда масъул ташкилот кўрсатилган бўлади.

Ҳар бир мурожаатнинг натижаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасида белгиланган муддатда кўриб чиқилганидан сўнг, умумий сайёр қабулда келиб тушган мурожаатларнинг ечими бўйича якуний хулосага келинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлишини таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>. Бугун Халқ қабулхоналари, мутасадди ташкилот раҳбарлари ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашуви // Халқ сўзи-2019.-28декабрь.

ҳар бир ҳудудда ёшлар билан сайёр учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Маълумот ўрнида, айнан Тошкент вилояти ҳудудида жорий йилнинг январь ойидан шу кунга қадар 300 дан ортиқ ёшлар билан сайёр учрашувлар ўтказилиб уларда ёшлар томонидан бандлик масалалари, ижтимоий, маданий, экология соҳасига оид масалалар кўтарилди. Бу эса ўз навбатида ёшларни давлатимиз томонидан олиб борилаётган жараёнларга бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бошқарув тизими сифатини оширишга алоҳида тўхталиб: **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”**<sup>1</sup> деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини, Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этаётганлигини айтиб ўтди.

Эндиликда давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилиши ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилиши белгилаб берилди. Бундан ташқари, Президент Ш.М.Мирзиёев: “ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим”, деб таъкидлаган.

Муҳтарам Президентимизнинг юқорида келтирилган фикларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади.

Сайёр қабулларнинг ўзини ҳам биз икки турга бўлишимиз мумкин, яъни биринчи тури - бу фуқаролар ва юридик шахсларни оммавий қабул қилиш-белгиланган жойда барча мутасадди ташкилот раҳбарларни йиғган ҳолда қабул қилиш ёки фуқароларнинг уйма-уй юриш орқали уларни қийнаб келаётган муаммо ва ташвишларини ҳал этишга ёрдам бериш. Бу каби қабулларнинг ташкил этилиши халқ манфаатлари барча нарсадан устун, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак деган

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи-2020.-26 январь.

ғояни амалда ўзи исботини топаётганлигидан далолат беради. Сайёр ва оммавий қабулларни халқ манфаатларидан келиб чиқиб ташкил этилаётганлиги аҳоли муаммоларини жойида, тез ва самарали ҳал этиш имконини бераётганлиги, ҳудудларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари ва ташкилотлар олдиға вазифалар қўяётганлиги ва мазкур вазифаларни тўлақонли бажаришға ундаётганлиги билан аҳамият касб этмоқда.

Халқ қабулхоналари ёрдамида аҳоли мурожаатларининг ўз вақтида қонуний ечимини топаётганлиги, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг ҳал этилаётгани таҳсинға сазовордир. Биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси виртуал тизимига 2018 йилнинг 1 январь кунидан 31 декабрь кунига қадар жисмоний ва юридик шахслардан жами 23959 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, 2019 йилнинг 1 январь кунидан 31 декабрь кунига қадар жисмоний ва юридик шахслардан жами 21218 та мурожаатлар келиб тушган, мурожаатлар сони 2741 та камайган.

Таҳлиллар натижаси, 2019 йил мобайнида бевосита Халқ қабулхоналари иштирокида секторлар ишчи гуруҳлари ҳамда Республика ишчи гуруҳлари томонидан туманлардаги оғир ҳудудларда аҳолининг муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаб жойларда ҳал қилинганликлари, шунингдек, мунтазам равишда оммавий сайёр қабуллар ташкил этиганлиги сабабли мурожаатлар сони сезиларли даражада камайганлигини кўрсатди.

Мухтасар қилиб айтганда, дунёда янги институт сифатида тан олинган Халқ қабулхоналари мана уч йилға яқин вақт ичида халқимизнинг муаммо ва ташвишларини хал этишға ёрдам берувчи энг яқин кўмакчисига, ишонган масканиға айланди.

## **ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КўППАРТИЯВИЙЛИК ВА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

**БЕРДИКУЛОВ Сирожжон Насипкулиевич,**  
ИИВ Академияси ҳуқуқий фанлар  
цикли бошлиғи, фалсафа фанлари  
доктори, доцент.

***Аннотация:** Муаллиф мақолада сиёсий партия ва сайлов тизимининг ўзаро боғлиқлиги, сиёсий партия ва сайлов демократиянинг муҳим институти эканлигига эътибор қаратган, шунингдек кўппартиявийлик тизими электорал плюрализмни таъминлашда муҳим ўрин тутишини ёритиб беришға ҳаракат қилган.*

***Аннотация:** Автор уделяют внимание на взаимосвязь политическая партия и избирательная система, политическая партия и выборы являющейся важными институтами демократии, а также освещает, что многопартийная система играет важную роль в обеспечении электорального плюрализма.*



**Abstract:** *The author pays attention to the relationship between the political party and the electoral system, the political party and elections, which are important institutions of democracy, and also highlights that the multiparty system plays an important role in ensuring electoral pluralism.*

**Калит сўзлар:** *сиёсий партия, кўппартиявийлик тизими, сайлов, демократия, сиёсий рақобат, етакчи, сайлов комиссияси, номзод, модернизация, плюрализм.*

**Ключевые слова:** *политическая партия, многопартийная система, выборы, демократия, политическая конкуренция, лидер, избирательная комиссия, кандидат, модернизация, плюрализм.*

**Key words:** *political party, multiparty system, election, democracy, political competition, leader, election commission, candidate, modernization, pluralism.*

Демократияни сайловсиз, сайловни сиёсий партиясиз тасаввур этиб бўлмайти. “Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларнинг мустақамлиги синовдан ўтади, улар томонидан илгари сурилган сайловолди дастуридаги қоидалар сайловчиларнинг орзу-умидлари ва истакларига мувофиқ текширилади”<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам, сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар ўзини тўлиқ намоён эта олади. Улар ўз тарафдорларига кўпроқ эга бўлиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиради ҳамда ўз вакилларининг давлат бошқарувида иштирок этишини таъминлайди. Сайловда ғолиб чиққан сиёсий партиянинг вакиллари эса, ўз навбатида, унинг дастурида белгиланган вазифа, мақсад ва муддаоларни амалга оширишга ҳаракат қилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, «энг муҳими, партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат сохта обрў орттиришга эмас, балки халқимиз манфаатларига хизмат қилиши зарур»<sup>2</sup>.

Сайлов жараёни кўплаб демократик давлатларда турли кўринишларда амалга оширилади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида: «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга»<sup>3</sup> эканлиги белгилаб қўйилгани ҳам унинг жамиятда объектив зарурат туфайли юзага келганидан далолат беради.

Демократик мамлакатларда сайлов жараёнининг барча босқичларида – номзод кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот, овоз бериш ва сайловнинг яқунланишида - сиёсий партиялар иштирок этади. Сиёсий партияларнинг сайлов билан узвийлигини кўрсатувчи мисоллардан бирини Канаданинг 2003 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисида»ги қонунининг 366-моддаси «j» параграфида сиёсий партия жамоат ишларида бир ёки бир нечта аъзоларини номзод сифатида қўллаб-қувватлаш механизми

<sup>1</sup> Барамидзе С.М. Конституционно – правовой статус политических партий: законодательное регулирование и его развитие: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, Казанский (Приволжский) федеральный университет, 2012. – С. 3.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3303>

<sup>3</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // Одам савдосига қарши кураш соҳасидаги миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2010. – Б. 14.

орқали қатнашиши ва уларнинг сайланишига кўмаклашувчи ташкилот эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, Канада қонунларига мувофиқ партия Марказий сайлов маҳкамаси томонидан рўйхатга олинади<sup>1</sup>.

Демократиянинг моҳияти сайлов орқали халқ иродасини ифодалаш демакдир. Ҳақиқатан ҳам, сайлов – «жамиятдаги тартибни сақлаш, кишиларнинг ушбу жамиятга қўшилишига ҳамда самарали ҳамкорлигига кўмаклашишдир»<sup>2</sup>. Ўзбекистон жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш учун ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Ягона раҳбар партиянинг «етакчилик роли»га асосланган сайлов тизимидан кўппартияли сайлов тизимига ўтишнинг қонуний кафолати таъминланди.

Асосий конституциявий қоидалар доирасида мамлакатда узлуксиз равишда кўппартиявийлик принципига асосланган мутлақо янги сайлов қонунчилиги ривожлана бошлади. Хусусан, 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси бунинг исботи<sup>3</sup>.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида кўппартиявийлик миллий моделининг аҳамияти «сиёсий партия – сайлов» тандемида янада яққол кўзга ташланади. Кўппартиявийлик тизимининг асосий механизмлари фикрлар плюралиزمи (хилма-хиллиги), фуқароларнинг эркин танловини таъминлаш кабилар демократик институт – сайлов орқали амалга оширилади. Сиёсий тизимнинг бир ёки икки партияли шаклида ушбу механизмлар етарли даражада ўз ифодасини тополмайди. Бир партияли тизимдаги сайлов ягона партия монополиясидир. И.Ильиннинг фикрича, ҳокимиятни эгаллаш учун демократик партия рухсат этилган ёки ярим рухсат этилган йўллар билан, антидемократик партиялар эса рухсат этилган ва рухсат этилмаган воситалар билан ҳаракат қилади. Бунда, *биринчиси* – бир қанча вақт ўтгандан сўнг «ўйин»ни, яъни курашни янгидан бошлашни, *иккинчиси* эса бошқа партияларни йўқ қилиш ва ҳокимиятни ўзида «умрбод» қолдиришни (шубҳасиз, улар бунга эришолмайдилар)<sup>4</sup> кўзлайди.

Жаҳондаги кўплаб давлатларда (хусусан, Испания, Япония, Дания, Бельгияда) кўппартиявийлик тизими қарор топган ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Испанияда кўппартиявийлик тизимининг сайлов институти билан боғлиқлигини акс эттирувчи 2002 йил 27 июнда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида улар сайлов комиссиялари билан муносабатга киришиши давомида қисман назоратни амалга ошириши

<sup>1</sup> Современные избирательные системы. Вып. 1: Великобритания, Канада, Мексика, Польша / Д.В.Лафитский, Н.М.Касаткина, А.Г.Орлов, Н.Ю.Трещетенкова. – М.: РЦОИТ: Норма, 2006. -С. 72; 211.

<sup>2</sup> Желтов М.В. Институты избирательного права и выборов: социальные функции и роль в политическом устройстве общества. Автореф. дисс. ... докт. социол. наук. – Кемерово, Кемеровский государственный университет, 2005. – С. 35.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

<sup>4</sup>Ильин И. Партийное строение государства // URL – [http://www.gumer.info/bogoslov\\_Buks/Philos/Ilin/part.php](http://www.gumer.info/bogoslov_Buks/Philos/Ilin/part.php)

белгиланган, 65-сайловолди тарғиботи учун вақт тақсимланишига масъул Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигидаги радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар бўйича Миллий комиссияга вакиллар тайинлаши кўрсатилган, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасида ҳамда Марказий сайлов комиссияси Низомининг (1985 йил 4 ноябрь) 2-моддасида уларга сайлов даврида давлат, шунингдек нодавлат оммавий ахборот воситалари маъмурий органлари ҳаракатидан шикоят қилиш ҳуқуқлари берилган<sup>1</sup>. Бу амалиёт, *биринчидан*, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини оширишга хизмат қилса, *иккинчидан*, сайловларнинг очиқлигини таъминлайди.

Сиёсий партиялар барча даражалардаги сайловларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, ўз дастурлари орқали жамоанинг анъана ва имтиёзларини шакллантиради ҳамда электоратга муқобилликни таклиф этади<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам, сайлов кампаниясида иштирок этувчи партиялар сайловолди дастурларини қабул қилади ва унинг ташвиқотини амалга оширади. Айниқса, кўппартиявийлик тизими мавжуд мамлакатларнинг сайлов жараёнида фуқаро қайси партиянинг ғоя ва дастурини маъқул топса, ўша партия учун овоз беради. Кўппартиявийлик тизимида сиёсий партиялар электорат манфаатига мос келадиган, уларнинг эҳтиёж ва истакларини ўз ичига олган дастурларни таклиф этади ва натижада партия учун овоз берувчилар сонининг ошиши таъминланади. Демак, сиёсий партиянинг сайловни ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ўрни бевосита у илгари сурган сайловолди дастури билан уйғунлашиб кетади.

Қайд этиш керакки, 2019 йил 25 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 64, 70, 91-моддаларига мувофиқ номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга эканлиги белгилаб қўйилди<sup>3</sup>. Бу эса мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларга билдирилган катта ишонч ва имкониятдир. Қиёслаш учун, АҚШ, Канада, Мексика, Португалия мамлакатларида номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилган. АҚШда номзодлар партия кокуси (ташкилий ва стратегик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида сиёсий мансабларга партиялардан номзодлар кўрсатиш учун ўтказиладиган партия фракциясининг ёпиқ мажлиси) ёки праймеризда кўрсатилади (дастлабки ички партиявий сайлов бўлиб, сиёсий партиядан ягона номзод танланади ва унинг учун асосий сайловда овоз бериш ўтказилади), Канадада номзоднинг бирор партияга тегишли эканлиги партия лидери ёки унинг ўринбосари имзоси билан тасдиқланади. Мексика, Бразилия ва Португалияда ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат

<sup>1</sup> Современные избирательные системы. Вып. 3: Испания, США, Финляндия, Япония / А.Г.Орлов, В.И.Лафитский, И.А. Ракитская, Т.О. Кузнецова; Науч. ред. А.В. Иванченко, В.И. Лафитский. – М.: РЦОИТ: Типография «Новости», 2009. – С. 68.

<sup>2</sup> Громыко А. Политические партии Великобритании: «кризис легитимности» и выборный процесс // Сравнительное конституционное обозрение. 2007. №3 (60). – С. 52.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон.

сиёсий партияларга берилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай сайлов – партиялар сайловидир, яъни партиялар сайлов жараёнининг асосий субъекти ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз Сайлов кодексида белгиланганидек, сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодлар ва сиёсий партияларга давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Сиёсий партияларга ушбу жараёнда, парламентда тутган ўрни ва мавқеидан қатъи назар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг эфир вақти ва шароитлар яратилади.

Шу ўринда айрим хорижий мамлакатлардаги сайловолди ташвиқотига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Бразилиянинг 1965 йилдаги Электорал кодексида сайловолди ташвиқотига кенг ўрин берилган. Унга кўра, умумий партиялараро битим асосида сайланадиган номзодларнинг ташвиқотига рухсат берилади ва амалга оширилади. Бразилияда овоз бериш бошлангунига қадар 24 соат ва овоз беришдан кейин 24 соат давомида радио, телевидение, умумий йиғилиш ва графика кўринишдаги тасвир орқали сиёсий ташвиқот олиб борилиши тақиқланган. Ҳар қандай сайловолди ташвиқотини сиёсий партиялар ўтказиши<sup>2</sup>.

Франциянинг Сайлов кодексида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ бир қатор рухсат ва тақиқлар белгиланган. Кодекснинг L-51 моддасига кўра, маҳаллий органларга номзодлар учун сайлов даври давомида сайловолди материалларини жойлаштириш учун махсус жойлар ташкил қилиш мажбурияти юклатилган ва бу ҳамма номзодлар учун тенг миқдорда бўлиши кўзда тутилган. Мазкур моддага кўра, сайловолди материалларининг мазмунига ўзгартириш киритиш сайлов кунига 3 ой қолганида тақиқланиши белгиланган<sup>3</sup>.

Корея Республикасининг 1994 йилдаги «Халқнинг мансабдор шахсларини сайлаш тўғрисида»ги қонунида сайловолди ташвиқотининг турлари эълон қилинган. Булар: сайлов постери, сайлов буклети, оммавий ахборот воситалари орқали рекламани амалга ошириш, номзодларнинг телерадио мурожаатлари, очиқ майдонда ташвиқот қилиш, сайловолди дебати ва шу кабилардир. Қонунда номзодларнинг телерадио мурожаатлари регламенти аниқ белгиланган. Президентликка номзод 11 марта чиқиш қилиши ва ҳар бири 20 дақиқадан ошмаслиги керак. Миллий Мажлис депутатлигига сиёсий партия рўйхати бўйича кўрсатилган номзод бир марта 10 дақиқа чиқиш қилади. Лекин битта рўйхатдан иккитадан ортиқ номзод мурожаат қилмаслиги лозим. Миллий Мажлис депутатлигига бир мандатли округдан кўрсатилган номзод тегишли сайлов округидан бир марта ўн дақиқа ҳамда муниципал бирлик раҳбарлигига кўрсатилган номзод тегишли сайлов округидан уч

<sup>1</sup> Ахмадшоева М., Мухитдинова Ф. Умумэтироф этилган тамойилларга мос // Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги: халқаро тажриба ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.103.

<sup>2</sup> Современные избирательные системы. Вып. 8: Бразилия, Франция, Чехия, Южная Корея / А.Г. Орлов, М.А. Мещерякова, С.Я. Павлов, Т.О. Кузнецова; науч. ред. А.В. Иванченко, В.И. Лафитский. – М.: РЦОИТ, 2013. – С. 68.

<sup>3</sup> Ўша манба. – С. 184.

марта 10 дақиқадан мурожаат қилиши белгиланган<sup>1</sup>. Мамлакатда сайловолди ташвиқотининг бошқа шакл ва усулларининг ҳам аниқ вақти, жойи, муддати белгилаб қўйилган. Бу эса сайловолди ташвиқотини олиб боришда ноаниқликлар келтириб чиқармайди. Бизнинг қонунчилигимизни янада такомиллаштириш учун бундай тартибларнинг киритилиши ижобий натижа бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш керакки, сайлов билан боғлиқ миллий қонунчилигимизга киритилган янгиликларга биноан сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар томонидан бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш, вакиллик органларига, мамлакат Президентлигига сайлов ўтказишда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган фуқароларга сайлаш ҳуқуқини берилиши каби имкониятлар яратилди. Бу эса инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда аёлларнинг сайлов жараёнлар фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Сайлов бўйича қонунларда аёллар номзодларнинг 30 % ташкил этиши қатъий белгилаб қўйилган. Хорижий мамлакатларда ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласи устуворлик касб этмоқда. Жумладан, Корея Республикасининг 2004 йилдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, вакиллик органларига номзодлар рўйхатининг 50% аёллар ташкил этиши, рўйхатнинг юқори қисмининг ҳар иккитаси аёл бўлиши белгиланган<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, *биринчидан*, сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясидан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Бугунги амалиёт бўйича партиялар Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтади. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Шундан келиб чиқиб, сиёсий партия ижроия ҳокимиятининг тузилмаси томонидан эмас, мустақил субъект – Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатдан ўтиши мантиқан тўғри деб ҳисоблаймиз.

*Иккинчидан*, Марказий сайлов комиссиясининг доимий фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг таркиби ҳам доимий фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Бу эса маҳаллий ижроия ҳокимиятини сайлов жараёнларига аралашувини олдини олишга хизмат қилади.

*Учинчидан*, мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайлов жараёнларида иштирок этиши учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий база яратилган. Сиёсий партиялардан истиқболда бўлиши кутилаётган барча

<sup>1</sup> Современные избирательные системы. Вып. 8: Бразилия, Франция, Чехия, Южная Корея / А.Г. Орлов, М.А. Мещерякова, С.Я. Павлов, Т.О. Кузнецова; науч. ред. А.В. Иванченко, В.И. Лафитский. – М.: РЦОИТ, 2013. – С. 425.

<sup>2</sup> Beetham D. Parliament and democracy in the twenty-first century: A guide to good practice. – Geneva: Inter-Parliamentary Union, 2006. – P. 23.

сайловларда (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга ва Президент сайловларида) уюшқоқлик ва фаоллик талаб этилади.

*Тўртинчидан*, сиёсий партиялар фуқароларнинг сайлов тизимидаги иштироки ҳамда оқилона қарор қабул қилишлари учун имконият яратиши зарур, яъни сайловчини партиянинг дастури ва шу асосда амалга оширилиши режалаштирилаётган тадбирлар тўғри эканлигига ишонтира олиши керак.

*Бешинчидан*, сиёсий партиялар сайлов кампаниясида ўз ғоя ва мафкурасини сайловолди дастури орқали билдириш имконига эга бўлади. Демак, партиялар ўз дастурларида халқ «дардини», унинг муаммоларини қамраб олган, мафкураси доирасидаги вазифалар ва уларнинг ечимларини кўрсатиб бериши керак. Бу эса электоратни ўзига жалб этиб, сиёсий партиялар мақомининг ўсишига ёрдам беради ва кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига хизмат қилади.

*Олтинчидан*, сайлов жараёни сиёсий партиялар фаолиятига баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Сайловлар якуни бўйича кўпчилик депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия ҳукумат раҳбари лавозими бўйича номзод тавсия этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида ўз дастурларида белгилаб қўйган вазифаларни амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

*Еттинчидан*, сайлов қонунчилигимизни янада такомиллаштириш учун хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ (масалан, телерадио мурожаатлари) муайян тартиблардан миллий менталитетимиздан келиб чиқиб, унга танқидий ёндашган ҳолда жорий этилиши ва амалий ижроси ижобий натижалар беради.

Шундай экан, сайлов жараёнлари фуқароларимизнинг демократик кўникмаларига айланиши зарур. Хусусан, Қонунчилик палатасида ўз вакилларига эга бўлган ҳар бир сиёсий партияга бошқарувчи элитани шакллантириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш имконияти туғилади. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар бўлажак сайловларда қонунлар доирасида фаолият юритиб, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари улкан аҳамият касб этади.

## **СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (ТЕЗИС)**

**ХОЛБАЕВ Собир Боратович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси Судларда прокурор ваколатини

таъминлаш кафедраси катта ўқитувчиси,

юримдик фанлари номзоди

Демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва инсон омилини қарор топтиришда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва уни янада

ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари эканлиги тўғрисидаги тамойил Конституциямиз даражасида мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис миллий қонунчилигимизда ҳуқуқ нормаларининг аввало давлат фойдаси эмас, балки шахс манфаатини кўзлаб белгиланиши заминида ҳам айнан шу мақсад мужассамдир.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши ҳақидаги тамойилнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши умум эътироф этилган демократик тартиб-қоидаларга риоя этиш, одил судловни лозим даражада амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга сўзсиз риоя этиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлашга эришиш давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини англатади.

Суд ҳокимиятининг ташкил этилиши ва амал қилиши асосларини белгиловчи бир қатор қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг қабул қилиниши жамиятни демократлаштириш борасидаги жиддий ютуқлар сирасига киради. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунлари, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Мазкур ҳужжатларда суд ҳокимиятининг ягоналиги, судьяларнинг мустақиллиги, суд корпусининг шакллантирилиши, одил судловни амалга ошириш тамойиллари: суд ишларини юритишда тортишувлик, айбсизлик презумпцияси, процессда томонларнинг тенглиги ва бошқа тамойиллар ўз аксини топди.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунида судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари ҳақидаги қоидалар алоҳида боб сифатида белгилаб берилди. Жумладан, унда судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, унга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик, суд ишларини ҳал қилишга аралашушга йўл қўйилмаслик, судьялар дахлсизлиги каби муҳим қоидалар белгилаб берилди.

Сўнги йилларда судлар ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасида қатор қонун ости ҳужжатлари ҳам қабул қилиниб, улар имкон қадар ижро этиб келинмоқда. Бироқ ҳанузгача жойларда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар, муаммоли масалалар, қонундаги бўшлиқлар, объектив ва субъектив омиллар, шу жумладан, турли аралашувлар, тазъийқлар, тамагирликлар ҳам учраб турибди. Уларнинг қонуний ечими топилмас, бартараф этиш чоралари кўрилмас экан, суд мустақиллигининг самарадорлиги пастлигича қолаверади.

Шу нуқтаи назардан, суд мустақиллигига оид қонун ҳужжатларини амалиётда тадбиқ этиш борасида вужудга келаётган айрим муаммоли масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаримизни билдирмоқчимиз.

**Биринчидан**, фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётга тадбиқ этишда баъзи процессуал тартиб-қоидаларни такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз. Яъни амалдаги Ўзбекистон Республикасининг ФПК ва Ўзбекистон Республикасининг ИПҚда суд ҳужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаатларни назорат тартибида кўриб чиқиш ваколатлари Олий суднинг судлов ҳайъатларига ва Раёсатига берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 424-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни);

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида ишларни кўриш натижалари бўйича чиқарилган ажримлари устидан келтирилган протестларни назорат тартибида кўради.

Айнан шу каби қоида Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 308-моддасида ҳам мавжуд.

Бироқ назорат тартибида ишларни кўришнинг бундай иккита инстанцияга бўлинганлиги Олий суд судьялари иш ҳажмининг ниҳоятда кўпайишига сабаб бўлмоқда. Натижада судьялар ўзларининг кўп вақтларини фақат назорат тартибида келтирилган шикоятларни ўрганишга ва уларни суд мажлисларида кўриб чиқишга сарфлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари ишларни назорат тартибида кўришдан ташқари Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига кўра, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда, апелляция ва кассация тартибида ҳам кўришади, 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш учун қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишади, суд статистикасини таҳлил қилишади, 13-моддасига кўра, қуйи судларнинг судлов фаолиятини ўрганишади, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари улар томонидан қандай бажарилаётганлиги устидан назоратни амалга оширишади, суд амалиётининг тизимли таҳлилини ўтказишади, суд кадрларининг малакаси оширилишини ташкил қилишади, қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича судларга тушунтиришлар беришади, 26-моддасига кўра, Олий суд раиси ёки ўринбосарлари судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмари, ажримлари ва



қарорлари устидан киритиш учун протест лойиҳаларини тайёрлашади, бунинг учун суд ишларини талаб қилиб олишади ва ҳоказо.

Назорат тартибида келиб тушаётган шикоятларнинг ва улар бўйича кўрилатган ишларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги сабабли юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришга Олий суд судьяларининг вақтлари кам қолмоқда. Қолаверса, улар ўз ваколатлари доирасида бошқа хил топшириқларни ҳам бажаришади, турли конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва тадбирларда маърузалар қилишади.

Судьялар иш ҳажмининг бундай юқорилиги улар томонидан ишларни кўриб чиқиш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, қуйи судларнинг фаолиятларини ўрганиб, улар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, турлича суд амалиёти, дуч келинаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, тегишли тушунтиришлар, йўл-йўриқлар беришга вақт топишлари қийин бўлади.

Шу боис фикримизча, Олий судда назорат тартибидаги ишларни фақат битта инстанцияда, яъни Раёсатда кўриш ҳақидаги процессуал қондани киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 163-моддасида судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатларидан бири сифатида - суднинг сайёр мажлисини ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳам кўрсатилган. Яъни судьялар фуқаролик ёки иқтисодий ишларни кўриб чиқишда сайёр суд мажлисларини ўтказишга ҳақли. Бундай қоида Ўзбекистон Республикасининг ФПКда аниқ белгилаб қўйилган бўлмаса-да, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари ҳам сайёр суд машғулотларини ўтказиб келмоқдалар.

Аммо мазкур ҳуқуқни судьялар учун мажбурият сифатида белгилаб бериш, улардан сайёр суд мажлислари сонини кўпайтиришни талаб қилиш, судьялик ёки суд фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига улар томонидан ўтказилган сайёр суд мажлислари сонини киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Афсуски, ҳатто Олий суд Пленуми ёки Раёсати қарорларида ҳам судларга низоларни сайёр суд мажлисларида, имкони борича тегишли органлар, ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларнинг иштирокида кўришни кенгроқ жорий этиш каби топшириқлар берилади.

Ваҳоланки, амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида сайёр суд машғулотларини ўтказиш билан боғлиқ суд харажатларини қоплаш механизми етарлича тартибга солинмаган. Уларни суд харажатлари сифатида айбдор шахсдан кейинчалик ундириб олиш назарий жиҳатдан мумкин бўлса-да, аммо бу тартиб суд фаолиятида деярли қўлланилмайди.

Сайёр суд машғулотларини ўтказишга оид яна бир муаммоли масалалардан бири шундаки, аксарият ҳолларда судьялар бу тоифадаги суд мажлисларини ўтказиш учун ўзларининг шахсий автомашина-

ларидан фойдаланишади ёки суд мажлиси ўтказиладиган жойга олиб бориш ва олиб келишни тарафлардан илтимос қилишади. Тегишли манзилга судьялар ўзларининг шахсий автомашиналарида боришганида уни суд харажатлари сифатида қоплаш учун бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштиришда қийинчиликлар туғилади. Шунинг учун судьялар ушбу харажатларни ўз зарарига ҳисоб қилишади. Агар манзилга тарафлардан бирининг автомашинасида бориб-келишса, бу ҳолат судьянинг холислигига шубҳа уйғонишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, ҳар қандай иш ёки низони кўришни сайёр тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Низони кўриб чиқиш натижаси тараф сифатида иштирок этаётган ташкилот жамоасининг манфаатларига алоқадор ёки улар учун муҳим аҳамият касб этса, ишни мазмунан ҳал қилиш учун низолашилаётган ер майдони, бино, иншоот ёки бошқа хил мол-мулкларни кўздан кечиришга зарурат пайдо бўлса ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда суд мажлиси сайёр тарзда олиб борилиши мумкин. Акс ҳолда сайёр суд мажлисининг фойдали жиҳатлари, самараси кам, мажлис номига сайёр тарзда ўтказилган бўлади. Айниқса, бир хил тоифадаги ва низо деярли мавжуд бўлмаган ишларнинг бир пайтда сайёр суд мажлисларида ўтказилиши мутлақо нотўғридир.

Шунинг учун фикримизча, сайёр суд мажлиси тарзида ўтказилган ишларни ўрганиб ва таҳлил қилиб, уларнинг сонини камайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш чораларини кўриш, уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ қоплаш тартибини соддалаштириш, ушбу масалани процессуал қонун ҳужжатларида аниқ ва батафсил белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, суд ҳокимиятининг мутақиллигини таъминлаш учун хорижий давлатлар амалиётидан ва жойларда рўй бераётган муаммоли масалалардан келиб чиққан ҳолда тегишли миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қолаверса, кишиларнинг судларга нисбатан дунёқарашини тубдан ўзгартириш, ҳар бир суд жараёни шахсининг, шу жумладан, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигига уларни ишонтириш ва бу ишончни доимо амалий ишлар билан оқлаш муҳимдир.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**ЮЛДАШЕВ Джахонгир Хайитович,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш  
кафедраси бошлиғининг ўринбосари,  
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш шартлари, хусусан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги*

қонунида мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқлар ёритилган. МДҲ давлатлари қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асосида уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В статье описываются условия получения гражданства Республики Узбекистан, в частности коллизия и правовые пробелы, содержащиеся в Законе «О гражданстве Республики Узбекистан». Даны предложения и рекомендации по их устранению на основе сравнительно-правового анализа законодательства стран СНГ.

**Abstract:** The article covers the conditions of obtaining citizenship of the Republic of Uzbekistan, in particular the collusion and legal gaps existing in the law "On citizenship of the Republic of Uzbekistan". On the basis of comparative-legal analysis of the legislation of the CIS countries, proposals and recommendations were made to eliminate them.

**Калит сўзлар:** фуқаролик, фуқароликни олиш, фуқароликни олиш шартлари, фуқароликни тан олиш, фуқаролик тўғрисидаги қонунчилик.

**Ключевые слова:** гражданство, приобретение гражданства, условия приобретения гражданства, признание гражданства, законодательство о гражданстве.

**Keywords:** citizenship, acquisition of citizenship, conditions for obtaining citizenship, recognition of citizenship citizenship legislation.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш шартлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларни турлича талқин қилиш имконияти мавжуд. Шунингдек ҳозирда мазкур шартларни халқаро меъёрлар талабларига мослаштириш зарурати юқори ҳисобланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуни 19-моддаси биринчи қисми «а» бандида фуқароликка қабул қилиш шартларидан бири сифатида шахснинг «чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса» деган шарт назарда тутилган бўлиб, бу шахснинг фуқаролик олиш бўйича ариза (илтимоснома) топшириши ёки фуқароликдан чиққанлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатни тақдим этиши шартлигини англатади.

Шу ўринда мазкур шартнинг бажарилиши натижасида масаланинг иккинчи муҳим жиҳати пайдо бўлади. Бу – шахснинг фуқароликка қабул бўйича ҳужжатлари Ўзбекистон томонидан (ҳар қандай асослар билан) рад этилган тақдирда, унинг илгариги фуқаролигини тиклаш кафолатлари мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Ушбу ҳолатда шахс фуқаролигининг йўқотилиши унинг фуқароликка доир ҳуқуқлари ва фуқаросизликни камайтиришга қаратилган халқаро принцип талаблари бузилишига, ҳуқуқшунос Ч.А.Саговнинг таъбири билан айтганда, шахснинг қонун билан ҳимояланган фуқароликка эгаллик қилишга доир манфаатларини қондиришга қаратилган мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар меъёрининг чекланишига сабаб бўлади<sup>1</sup>. Бу борада мамлакатимизда сўнги даврда туб ўзгариш кузатилди. Жумладан, 2020 йил 13 мартдаги

<sup>1</sup> Сагов Ч.А. Институт гражданства в Российской Федерации: вопросы теории и практики: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: 2011. – С. 8.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ЎРҚ-610-сон қонун билан юқоридаги муаммонинг ҳал этилишини қисман кафолатловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Илгариги таҳрирдаги (1992 йил 2 июлдаги ЎРҚ-632-ХII-сон) қонунда фуқароликка қабул қилишнинг таҳлил қилинаётган шарти «*чет эл фуқаролигидан воз кечиш*» тарзида баён этилган бўлиб, бу шахсга ўз фуқаролигидан чиққанлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатни тақдим этиш заруратини назарда тутарди.

Ушбу ҳолат бирмунча мураккаб жараён бўлиб, шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (давлат томонидан қўлланилган чора сифатида) фуқароликдан чиқиш имкони мавжуд бўлмаганда, бу борадаги табиий ҳуқуқлари чекланиши юзага келади. Натижада мамлакатимизда узоқ йиллардан буён доимий яшаётган чет эл фуқароларининг Ўзбекистон фуқаролигини олишлари билан боғлиқ муаммолар юзага келган.

Қолаверса, янги таҳрирдаги қонун билан киритилган (20-модда), агар ушбу шахс фуқароси бўлган давлат фуқаролигидан чиқадиган бўлса, Ўзбекистонда қабул қилинган қарор асосида унга олдиндан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисида кафолат хати берилишини назарда тутувчи тартиб, давлатимизнинг фуқаросизликни камайтириш борасидаги сиёсатини янги босқичга олиб чиқиб, чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш даражасини оширди.

МДҲ давлатлари қонунчилигини ўрганиш натижалари уларда мазкур масала аниқ ёндашув билан ҳал этилганлигини кўрсатади. Жумладан, Молдова (17-м.)<sup>1</sup>, Озарбайжон (14-м.)<sup>2</sup>, Арманистон (13-м.)<sup>3</sup>, Грузия (26-м.)<sup>4</sup>, Қозоғистон (16-м.)<sup>5</sup>, Қирғизистон (13-м.)<sup>6</sup>, Туркманистон (12-м.)<sup>7</sup> ва Тожикистон (15-м.)<sup>8</sup> қонунчилигида фуқароликка қабул қилишнинг юқоридаги каби шарти мавжуд эмас.

---

<sup>1</sup> Закон Республики Молдова от 2 июня 2000 года № 1024 «О гражданстве Республики Молдова» [Электрон манба] // URL: [http://lex.justice.md/document\\_rus.php?id=22054258:156FAF87](http://lex.justice.md/document_rus.php?id=22054258:156FAF87) (мурожаат вақти: 17.12.2019).

<sup>2</sup> Закон Азербайджанской Республики от 30 сентября 1998 года № 527-IQ «О гражданстве Азербайджанской Республики» [Электрон манба] // URL: <http://chisinau.mfa.gov.az/ru/content/132> (мурожаат вақти: 17.12.2019).

<sup>3</sup> Закон Республики Армения от 16 ноября 1995 года, С-061-I-3P-16 «О гражданстве Республики Армения» [Электрон манба] // URL: <http://parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1731&lang=rus#> (мурожаат вақти: 17.12.2019).

<sup>4</sup> Органический закон Грузии 30 апреля 2014 года № 2319-III «О гражданстве Грузии» [Электрон манба] // URL: <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/2342552/1/ru/pdf> (мурожаат вақти: 17.12.2019).

<sup>5</sup> Закон Республики Казахстан от 20 декабря 1991 года № 1017-XII «О гражданстве Республики Казахстан» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 27.12.2019 г.) [Электрон манба] // URL: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=1000816#pos=398;-31](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1000816#pos=398;-31) (мурожаат вақти: 25.01.2020).

<sup>6</sup> Закон Кыргызской Республики от 21 мая 2007 года № 70 «О гражданстве Кыргызской Республики» [Электрон манба] // URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202103> (мурожаат вақти: 25.01.2020).

<sup>7</sup> Закон Туркменистана от 22 июня 2013 года «О гражданстве Туркменистана» [Электрон манба] // URL: <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=4419> (мурожаат вақти: 26.01.2020).

<sup>8</sup> Конституционный закон Республики Таджикистан от 8 августа 2015 года № 1208 «О гражданстве Республики Таджикистан» [Электрон манба] // URL: [mmk.tj/ru/library/o\\_grazhdanstve\\_rt\(nov\).doc](mmk.tj/ru/library/o_grazhdanstve_rt(nov).doc) (мурожаат вақти: 16.04.2020).

Россия, Беларусь ва Украина қонунчилигида эса, ариза берувчи (чет эл фуқароси)дан ўз фуқаролиги билан боғлиқ қуйидаги масалаларни ҳал этиши талаб этилади:

1) Россия фуқаролик тўғрисидаги қонунида (13-м.)<sup>1</sup> чет эл фуқароси ўз фуқаролигини бекор қилишни сўраб ваколатли органларга мурожаат этиши (мазкур қонун ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда шахснинг ўз фуқаролигидан чиқиши талаб этилмайди);

2) Беларусь фуқаролик тўғрисидаги қонунида (14-м.)<sup>2</sup> чет эл фуқароси ўз фуқаролигидан чиқиши ёки фуқароликни бекор қилиш бўйича ваколатли давлат органларига ариза билан мурожаат этиши (шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно);

3) Украинанинг фуқаролик тўғрисидаги қонунида (1, 9-м.)<sup>3</sup> чет эл фуқаролигини рад этиш тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши ёки ундан воз кечиш мажбуриятини олиши.

Кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган нормаларнинг ҳеч бирида фуқаролик олиш учун ариза берувчи чет эл фуқароларининг «фуқаролиги йўқ шахс» мақоми остида қолиб кетиш эҳтимолини вужудга келтирувчи талаб ва қоидалар назарда тутилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, кўриб чиқилаётган масалада халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқликни таъминлашга қаратилган давлатнинг аниқ позициясини кўрсатувчи қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шу асосда «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун 19-моддаси биринчи қисми «а» бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

*«чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган ёки чет эл фуқаролигидан чиққанликни тасдиқловчи ҳужжат тақдим эган ёхуд ундан воз кечиш (уни тугатиш) мажбуриятини олган бўлса (шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно)».*

Таҳлил қилинаётган қонун нормасининг «б» бандида *«фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса»* деган шарт назарда тутилган бўлиб, қонун чиқарувчи томонидан ушбу шарт талабини шарҳлаш «ваколати» ижро (ташқи ва ички ишлар) органларига қолдирилгани амалиётда турли талқинлар юзага келишига сабаб бўлади. Чунончи нормада *«доимий (узлуксиз) яшаганлик»* тушунчаси шарҳланган бўлса-да, чет давлатлар қонунчили-

<sup>1</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года N 62-ФЗ (с изменениями на 26 июля 2019 года) (редакция, действующая с 17 октября 2019 года) «О гражданстве Российской Федерации» [Электрон манба] // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226> (мурожаат вақти: 25.01.2020).

<sup>2</sup> Закон Республики Беларусь от 1 августа 2002 года № 136-З «О гражданстве Республики Беларусь» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 20.07.2016 г.) [Электрон манба] // URL: [http://base.spinform.ru/show\\_doc.fwx?rgn=3114](http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3114) (мурожаат вақти: 17.12.2019).

<sup>3</sup> Закон України від 18 січня 2001 року N 2235-III «Про громадянство України» [Электрон манба] // URL: <http://zakon5.rada.gov.ua/laws/show/2235-14> (мурожаат вақти: 16.06.2017).

гида қайд этилганидек ушбу муддатларни «узрли сабаблар» билан бузиш ҳолатлари қандай баҳоланиши лозимлиги изоҳланмаган. Бу эса шахснинг мамлакатда қонунда белгиланган муддатда узлуксиз яшаганлигини баҳолаш амалиётида жиддий баҳсни юзага келтиради. Натижада келтирилган нормани тўғри шарҳлаш ва қўллаш муаммолари вужудга келади.

Муҳокама этилаётган масала МДХ давлатларида қуйидагича ҳал этилган: жумладан, уларда «узрли сабаблар» билан белгиланган муддатдан ортиқ чет элда қолиш ҳолатларини истисно сифатида талқин этиш имкони мавжуд (уларда мазкур сабаблар рўйхати аниқ белгилаб берилган). Масалан, Турманистон қонунчилиги қуйидагиларни узрли сабаб сифатида баҳолайди: а) ҳарбий хизмат муддати (агар шахс илгари мазкур давлатда яшаган ва ҳарбий хизматдан бўшатиш кун билан доимий яшаш учун мамлакатга қайтиб келган кун орасидаги муддат олти ойдан ошиб кетмаган бўлса); б) Туркманистондан ташқаридаги ўқиш муддати (агар ўқув юртини тугатиш ёки ундан четлаштириш вақти билан мамлакатга қайтиб келиш муддати орасидаги вақт олти ойдан ошмаса); в) чет элга хизмат сафарига кетиш муддати (хизмат сафари тугаши билан Туркманистонга қайтиш муддати орасидаги тафовут олти ойдан ошмаса). Қолаверса, юқорида келтирилган олти ойлик муддатнинг ўтиши касаллик, табиий офат ёки бошқа узрли сабабларга кўра ҳам тўхтатилади. Шунингдек, бошқа давлатларнинг суд органлари томонидан тайинланган жиноий жазоларни ўташ вақти, Туркманистон ҳудудида хизмат сафари, даволаниш учун ҳамда вақтинча яшашнинг бошқа асослари билан бўлиб (яшаб) туриш доимий яшаш муддатини ҳисоблашда инобатга олинмайди. Фақатгина президент шахснинг мамлакатда бўлмаган муддатини доимий яшаш муддати сифатида тан олиш ва ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Кўриниб турибдики, фуқароликка қабул қилишда шахснинг муайян муддат давомида мамлакатда доимий яшаши шартлиги билан боғлиқ талаби чет эл давлатлари қонунчилигида батафсилроқ асосланган. Шу асосда бизнингча, амалдаги қонунчилигимизда ҳам *«фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса»* деган шартни аниқ ва тўлиқ шарҳлаш талаб этилади. Қолаверса, мазкур шарт доирасида чет эл фуқароларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикасининг фуқароликка доир муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларидаги мавжуд коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилиши келгусида шахснинг бу борадаги табиий ҳуқуқлари кафолатланиш даражасини янада оширишга хизмат қилади.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚУРУЛТОЙЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

**АХМЕДОВА Муқаддасхон Турсуновна,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти доценти ю.ф.н. Ph.D.

**Аннотация:** Мақолада Амир Темури давлати хавфсизлигини таъминлашда қурултойларнинг ҳуқуқий мақоми ёритилган. Қурултойда энг муҳим масалалар, жумладан, сиёсий раҳбарни сайлаш, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувига оид муҳим ишлар ҳал этилгани ҳақида сўз юритилган.

**Аннотация:** В статье освещен правовой статус курултаяев в обеспечении безопасности государства Амир Темури. На курултаяе были затронуты важнейшие вопросы, в том числе избрание политического лидера, установление мира или управления в стране.

**Abstract:** The article highlights the legal status of the kurultays in ensuring the security of the Amir Temur's state. The most important issues were discussed at Kurultai, including the election of a political leader, the establishment of peace or governance in the country.

**Калит сўзлар.** Амир Темури, кенгаш, қурултой, оқсоқоллар йиғини, давлат бошқаруви, маслаҳат, хавфсизлик, хавфсизликни таъминлаш, қонун устуворлиги.

**Ключевые слова:** Амир Тимур, собрание, курултай, съезд аксакалов, управление государством, совет, безопасность, обеспечение безопасностью, приоритет закона.

**Keywords:** Amir Timur, Assembly, Kurultai, Congress of elders, state administration, Council, security, ensuring security, priority of the law.

Туркий халқлар тарихида қурултойлар қадимдан давлат бошқарувининг, шунингдек унинг хавфсизлик масалаларини таъминлашда муҳим бўғинлардан бири ҳисобланган. Улар ўз даврида жамият ва давлат бошқаруви тизимлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қилган. Қурултойда энг муҳим масалалар, жумладан, сиёсий раҳбарни сайлаш, мамлакатда тинчлик ўрнатиш ёки давлат бошқарувига оид муҳим ишлар ҳал этилган. Бундан кўриниб турибдики, қадимий бошқарув аъёнларимизга мувофиқ, давлат раҳбари ёки нуфузли аёнлар бирор муҳим ишни ва ўзгаришларни бошлашдан аввал халқ манфаатларини эътиборга олиш ва адолатсизликка йўл қўймаслик учун олий даражадаги кенгашда муаммоларни маслаҳатлашиб, ҳал этган.

Биз қадимги қурултойлар тарихини мушоҳада этар эканмиз, улар бугунги парламент тизимининг дастлабки тажрибалари эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тўғри, қурултойлар мўғуллар ва бошқа туркий халқлар давлат бошқарувида ҳам мавжуд бўлган, аммо бу сиёсий институт бизнинг тарихимизда, айниқса Амир Темури салтанати бошқарувида муҳим ўрин тутган. Оқсоқоллар йиғини, ҳарбий демократия, уларнинг ривожланган босқичи – қурултой каби сиёсий институтларнинг ўтмишдаги фаолияти фикримизга далилдир. Мазкур тарихий

жараёнлар таҳлили бугунги парламентимиз тарихи минг йилликларга бориб тақалиши, у бугунги кунда такомиллашиб, халқаро тажрибалар билан бойитилгани ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Ўрта асрларнинг муҳим сиёсий институтларидан ҳисобланган қурултойларнинг Амир Темур салтанати бошқарувида, ҳарбий ва хавфсизлик масалаларини ечишда қандай мақомга эга бўлгани, унинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсадида тадқиқот ишимизда алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Тадқиқотчи Ш.Ўлжаева ўз тадқиқотларида баён этишича, “қадимий удумларга кўра, давлат раҳбарлари қурултойда сайланган ва улар оқ кийгиз устига ўтқазилиб юқорига кўтарилган. Оқ кийгизнинг тўрт учини энг нуфузли амалдорлар ва диний уламоларгина кўтариш ҳуқуқига эга бўлган. Ушбу удумлар бажарилган тақдирдагина шахснинг ҳокимияти қонуний ҳисобланган. Соҳибқирон ҳам ўзининг давлат ҳокимиятини қурултой орқали мустақамлаган. У 1370 йил 8 апрелдаги қурултойда Амир этиб сайланган ва ўша даврдаги одатга мувофиқ оқ кийгиз устига ўтқазилиб, юқорига кўтарилган. Унга диний раҳнамози Саййид Барака оқ фотиҳа берган, ҳукмдорлик нишони – туғ, ноғора ва байроқни топширган. Уша кундан эътиборан Амир Темур бутун Мовароуннаҳрнинг қонуний ҳукмдори – Амири ҳисобланган.

Амир Темур салтанатидаги қурултой олий табақа вакилларининг кенгаши эди. Негаки, йирик салтанатда оммани йиғишни ташкиллаштириш, шунингдек масалани тартиб билан ҳал қилишнинг кенгашларсиз иложиси йўқ эди. Шу туфайли ҳудудларнинг вакиллари – маъмурлар, ҳарбий бошлиқлар ва олимлар қурултойда қатнашиб, мамлакат ҳаётидан бохабар бўлишган.<sup>1</sup>

Шу ўринда Ш.Ўлжаеванинг келтирган маълумотларига ўз фикримизни билдириб ўтишни лозим топдик. Амир Темур тарихига оид манбалардан маълумки, Соҳибқирон ҳокимиятга келишда муҳим анъанага амал қилган. Яъни, Амир Темур эмас, балки туркийлар одатига кўра, хон авлодидан бўлган Суюрғотмиш “оқ кийгиз”га ўтқазилиб, хон деб эълон қилинган.<sup>2</sup> Бироқ давлатнинг амалдаги ва қонуний ҳукмдори Амир Темурнинг ўзи ҳисобланган.

Бундан ташқари, Ш.Ўлжаева томонидан Амир Темурга пири Саййид Барака томонидан туғ, ноғора ва байроқ топширилгани ҳақида айтилади. Аслида туғ ва байроқнинг бир маънога эгаллиги ҳисобга олинганда ҳамда бирламчи манбалардаги маълумотларга эътибор қаратилганда, Амир Темурга пири томонидан туғ, ноғора ва мамлакат ёрлиғи<sup>3</sup> топширилганига гувоҳи бўламиз.

<sup>1</sup> Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. – Т.: Академнашр, 2017. – Б. 85.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 82.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 82.; Саидқосимов С., Аҳмедов А ва бошқ. Амир Темур жаҳон тарихида. Масъул муҳаррир Р.Қасимов. – Т.: Шарқ, 2006. – Б. 336.



Қурултойда қабул қилинган қарорлар асосида фармонлар чиқарилган, улар зудлик билан муншийлар томонидан кўпайтирилиб, мамлакатнинг энг чекка жойларигача жарчилар, чопарлар, хабарчилар орқали етказилган. Ўша даврдаги муҳим қарор ва фармойишлар, бир томонидан, маъмурлар, иккинчи томондан, хабаргирлар орқали кенг оммага етказилиб турилган. Бўлаётган ўзгаришлардан ҳеч ким хабарсиз қолмаган. Оммавий ахборот воситалари бўлмаган ва транспорт чекланган ўрта асрларда ахборот коммуникацияларининг бу тарзда яхши йўлга қўйилгани мамлакат тараққиётида муҳим омил эди.

Амир Темурнинг салтанатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, давлат аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилиш ҳамда тадбиру чоралар белгилаб олиш мақсадида қурултойлар ва кенгашлар ўтказишга катта аҳамият берганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, Амир Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва бошқа жойларда ўтказилган қатор қурултой ва кенгашларда шаҳзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонлар вакиллари қатнашганлар. Олий даражадаги бундай йиғинларда мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий аҳволига, давлат хавфсизлигига оид энг муҳим масалалар муҳокама этилар, зарур ишларни бажариш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгиланар эди. Ҳар бир масала қаторида давлат хавфсизлиги масаласидаги муҳим қарорларни қабул қилишда Амир Темур соҳа билимдонлари, ҳокимлар, волийлар билан маслаҳатлашарди.<sup>1</sup>

Бундан кўринадики, Амир Темур қурултой қарорига таянишни нафақат давлат бошқарувидаги, балки мамлакат хавфсизлигини таъминлашдаги энг адолатли йўл деб билади. У қурултойларни фаоллаштириш орқали туркий давлатчилик асосларини такомиллаштирган. Манбалардаги маълумотлар ривожланган ўрта асрларда қурултойнинг миллий давлатчилигимиздаги энг гуркираган даври Амир Темур даврига тўғри келади, деб хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Ўша даврда бўлиб ўтган бир қурултой ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай маълумот келтиради: “Ҳазрат Соҳибқирон давлатидин турк элининг азимат ва шавкатлари аъло мартабага етиб эрди, алалхусус, Чиғатой улусиким, аларнинг давлати мағриб оламдин машриққа тўлуб эрди ва аларнинг мол жиҳатларини ҳеч ким санолмас эрди. Ва ясоқлариға анча мол ва азимат бўлуб эрдиким, ўзга ернинг бекларидин эрдилар. Ҳазратнинг муборак хотириға кечтиким, черикни керак бурунғидин кўбрак қилғай. Бас, қурултой қилмоқ фармон қилди ва ҳар бир вилоятдин ва тумонот ва хазорижот беклари андоқ азимат ва шавкат била кўрмагандурлар”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – Б.125; 128; Муҳаммаджонов А.Р. Темур ва теурийлар салтанати.. – Б.33.

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 128.

Маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти вакиллари қурултойда иштирок этган. Қурултойда юриш қилиш масаласи ҳал этилган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий: “Ишорати олий бўлди: “Ҳар бекка не миқдор киши тааллуқ турур ва черик куни неча киши отландурур, барчани эҳтиёт қилиб, муфассал қилинглари!” Бахшийлар ва тавачилар юруб беклардин муфассаллар олиб, тавачиларга топшурдиларким, тонгласи черик ҳар кимки қабул қилғон кишисини отландурмағай, гуноҳкор бўлғай. Мундоқ муқаррар қилиб забт қилдилар”,<sup>1</sup> деб маълумот келтириб ўтган.

Соҳибқирон баъзан қурултой қарорисиз иш бошлашни лозим топмаган. Унинг Тўхтамишхон масаласини ҳал этишда бу сиёсий институтга таянгани кўринади. Бу икки ҳукмдор муносабатлари кўпчиликка маълум. Тўхтамишхон Амир Темур кўмагида Олтин Ўрда тахтига эга чиқса-да, бунинг қадрига етмай унинг йўқлигидан фойдаланиб Мовароуннаҳрга юриш уюштирар, оз фурсат ўтиб элчилар орқали узр сўрар эди.

Соҳибқирон бу масалалани қурултойга қўяди. “Чаҳоршанба кунида, рабиъ ал-аввал ойининг ўн олтисида (1391 йил 21 февраль) қурултойда шаҳзодалар ва беклар – барча йиғилиб, кенгашиб, Тўхтамишхондин келган элчилари билан ва тамом черик билан отланиб йўлга кириб, Тўхтамишхон сори юрдилар”<sup>2</sup>.

Қурултойнинг ўтказилиш муддати аниқ белгиланмаган бўлиб, бир йилда бир неча маротаба чақирилиши мумкин эди. Бу вазиятга ва масаланинг нечоғлик аҳамиятли эканлигига боғлиқ бўлган. Масалан, Соҳибқирон 1390 йил баҳори ва кузида қурултой чақирган. Маълумотларга кўра, “1390 йил кузида Амир Темур Кеш яқинида катта қурултой ўтказди. Умаршайхнинг никоҳ тантаналари қурултойга уланиб кетди. Амир Темур салтанатининг барча қўшинини бир жойга йиғди, ўнлаб лашкар фавжларини тузди, уларнинг қўмондонларини белгилади, ўзи йўқлигида шаҳар ва туманларни бошқарадиган ҳокимлар, бошқа юқори мансабдорларни тайинлади ва ниҳоят асосий қўшинга йўл тайёрлаш ҳамда душман лашкарлари ҳолатидан ўзини огоҳ қилишлари учун тезкор гуруҳларни шимолга йўллади”<sup>3</sup>. Ҳофизи Абру ҳам 792 (1389-1390) йили Оқёр мавзесида қурултой чақирилгани ҳақида маълумот ёзиб қолдирган.<sup>4</sup>

Амир Темур сарой тадбирларини амалга ошириш орқали узоқ-яқиндан келган амалдор ва бошқа вакиллар, сипоҳининг тўпланишидан фойдаланиб, қурултой мажлисини ташкиллаштирган. Шарафиддин Али Яздий: “Ва яна Соҳибқироннинг иши бу эрдиким, агарчи қурултой қилиб беклари била ва шаҳзодалар била мамлакат иши учун кенгаш қилур эрди”<sup>5</sup>, деб унинг бошқарувда қурултойга суяниб келганини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б.128.

<sup>2</sup> Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. – Т.: Академнашр, 2017. – Б.88.

<sup>3</sup> Фасиҳ Ахмад Хавафи. Муджмали Фасиҳи / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Юсуповой. – Т. Фан, 1980. - С. 113; Керен Л. Амир Темур салтанати. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б.63-64.

<sup>4</sup> Ҳофизи Абру. Зайл-и жоме ат-таворих. – Т.: Шарқ, 1999. – Б.203.

<sup>5</sup> Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 309.

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга эришган Соҳибқирон қурултойсиз давлатни бошқаришни мумкин деб билмаган, у халқ манфаати ва фаровонлигини таъминлаш учун вакиллар мажлисининг фикри ва хоҳишини инобатга олган. Чунки унинг давлат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқарувдаги асосий мақсади зўрлик билан халқни ўз ҳукми остида ушлаб туриш эмас, балки давлат ва халқ бирлиги, уларнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган эди. Албатта, бу жиҳатлар ўша даврдаги давлатчилик анъналарини такомиллаштиришга муҳим аҳамият касб этган.

Қурултойда халқ вакиллари маҳаллий амалдорлар сайлаши, олий ҳукмдордан уни ўзгартиришни талаб қилиши ёхуд солиқларни камайтириш каби масалаларни сўраши мумкин эди. Унда нафақат маҳаллий маъмурлар, балки хабаргирлар, Амир Темургагина бўйсунадиган, аммо маҳаллий амалдорларга маслаҳатчилик қиладиган тажрибали, илмли ва давлатга садоқатли кишилар ҳам қатнашган. Бу эса жойлардан олинган турли маълумотлардан ҳаққонийсини аниқлаш имконини яратган.

Қурултойларнинг жамият ва давлатдаги ўрнини ўрганган венгер олими Ҳ.Вамбери унга “миллат мажлиси” деб баҳо бергани бежиз эмас.<sup>1</sup>

З.Муқимов: “Амир Темур давлатни бошқаришда албатта, Қуръон, ҳадислар, тўра ва тузукка таянган. Шу билан бир қаторда кенгаш ва машваратга ҳамда унинг қарорларига таянган. Шу нуқтаи назардан қурултойлар Амир Темур салтанатига демократик тус берувчи зодагонлар кенгашидан иборат эди”<sup>2</sup>, - деб фикр билдирган.

Амир Темурнинг қурултойни янада фаоллаштиришга, олиму уламоларни давлат ишларига тортишга интиланганини Низомиддин Шомий келтирган бир воқеадан билиб олишимиз мумкин. “Қурултойда Амир Темур уламоларига қараб: “Ўтган асрлардаги уламолар султонларига яхшилик ва адолат бобида йўл кўрсатганлар, сизлар нега менга раҳнамолик қилмайсизлар ва мен бажаришим вожиб ва лозим бўлган нарсаларни менга айтмайсизлар?” – деди. Уларнинг ҳар бири такаллуф билан бир сўз айтиб, у ҳазратнинг ризосига мувофиқ йўл ахтардилар ва “Худога шукрки, Соҳибқирон ҳазрат ўзлари ҳаммага яхши йўлни ўргатадилар, бизларга ўхшаганларнинг насиҳатларига эҳтиёжлари йўқдир”, - дедилар. Амир ҳазратлари бу сўзларга эътироз билдириб: “Менга таҳсин айтиш ва менинг мижозимга мувофиқ гапиришингиз менга хуш келмайди, вазифа шуки, сизлар ҳар тооифа, ҳар бир томондан келгансизлар, у томоннинг яхши ва ёмон аҳволи авзоини менга айтинглари ва ҳеч нимани яширманглари”<sup>3</sup> - деди”. Бу билан Амир Темур уламоларга мурожаат этиб, уларнинг мақтови эмас, тўғри маслаҳати кераклиги, бундан мақсади давлатда адолат ва фаровонликка эришиш, халқнинг оғирини енгил қилиш эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

<sup>1</sup> Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Фафур Фулом. 1990. – Б. 35.

<sup>2</sup> Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 167.

<sup>3</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т. Ўзбекистон, 1996. – Б. 370.

Қурултойларнинг хавфсизликни таъминлашдаги яна бир аҳамияти, Соҳибқирон олимларни давлат ишларига тортиб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатганидир. Бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай маълумот беради: “Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини Девони аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтариб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у зулм қоидаларини улардан йироқлаштирсинлар”.<sup>1</sup>

Қурултойда кўриб чиқилган ушбу масалаларни Шарафиддин Али Яздий қуйидагича таърифлайди: “... Соҳибқирон ўшул мажлисда бир жамоат кишиким, илму тақво ва зухду фатво била машҳур эрдилар, ихтиёр қилиб, ҳар бирини бир вилоят сори девон била кўшуб, вилоятлар сори йибарди, то андағи раъйо ва фуқаро ва масокинларнинг аҳволидин хабардор бўлғайлар. Андин сўнг Соҳибқирон деди: “Бу чоққача бизнинг ҳамиятимиз ул эрдиким, оламини очқайбиз. Шукур худойгаким, наким хотиримиз тилади, муяссар бўлди. Эмдид сўнг ҳимматимиз улдурурким, халойиқ рафоҳият ва фароҳатда бўлғайлар. Ва олам ободон ва маъмур бўлғай. Ғараз бу сўздин мақсуд бу турурким, эл мундин нори ҳар неким воқиъ бўлса арз қилғай. Лобудда, то анинг дафъини қилиб, неким беҳуд турур, қилғайбиз”.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, Амир Темур қурултойларида Европа парламентаризмидан мутлақо фарқли равишда ҳукмдорларнинг ҳуқуқини чеклаш ёки у билан курашиш эмас, балки Олий кенгашда ҳаммага тенг ҳуқуқ берилгани, унда ҳар ким ўз фикрини айта олгани, давлат бошқарувидаги долзарб масалалар, юришлар бошлаш, сулҳ масалаларини адолатли ҳал қилишга интилиш кучли бўлганини кўрамиз.

Амир Темур даври қурултойи ўша даврда ғарб давлатларида мавжуд бўлган парламентларнинг ҳуқуқий мақомидан ва давлатчиликдаги ўрни жиҳатидан устунлик қилган. Масалан, Англиядаги каби лордлар палатаси ва умум палатадаги каби депутатларнинг берган овозида фарқ бўлмас, даражасидан қатъи назар, ҳар бир зодагоннинг овози тенг эди.

Франциядаги Генерал штатларнинг жамият ҳаётидаги роли қурултой каби кучли эмас эди, қирол уни чақирмасликдан манфаатдор эди. У кўпроқ қирол ва вакиллар ўртасидаги даҳанаки жангни эслатарди. Аксинча, Амир Темур даври қурултойи вазиятга қараб чақириллар, энг муҳим масалалар муҳокамадан ўтар, шахс тақдири давлат тақдири деб

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 371.

<sup>2</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 279.

тушунилар, аввало, ҳукмдорнинг ўзи қурултойни чақиришдан манфаатдор эди. Сирасини айтганда, жамият ва давлат қурултойга эҳтиёж сезган.<sup>1</sup>

Биз давлатчиликдаги мазкур жиҳатларни эътироф этиб, бу даврда қурултой парламент шакли сифатида ўз давридаги шунга ўхшаш тизимлардан илгарилаб кетганлигини англаймиз. Уларни чақиришдан мақсад халқ ва давлат хоҳиш-истагини рўёбга чиқаришга эришиш эди, деб айта оламиз.

Демак, мавзу юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, **биринчидан**, қурултойнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини чуқур ва атрофлича ўрганиш, бу давр давлатчилик анъаналарини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Унда нафақат давлат амалдорлари, маҳаллий ҳокимлар, қавмлар вакиллари қатнашган, балки олиму уламолар ўз фикрини билдирган, улуғ ва кекса тажрибали кишилар, лашкарбошилар марказий ва маҳаллий давлат амалдорларига маслаҳатчи этиб тайинланган.

**Иккинчидан**, манбалар Ғиёсиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий ва Фасих Хавофий кабиларда келтирилган маълумотлар Амир Темур салтанатининг давлат тузумида адолат ғоялари мавжудлиги, ёлғиз ҳукмдор эмас, балки элулус истаги ҳам қондирилгани, давлат ва халқ манфаати уйғунлашганлигини кўрсатади.

**Учинчидан**, Амир Темур салтанатидаги сиёсий тузум мамлакат фуқароларнинг фаровонлигига хизмат қилган. Амир Темур даврида демократия маълум даражада ривожлангани ва парламент кўриниши, миллат мажлиси – қурултойнинг фаоллиги ва тенглик бу давлатчиликнинг халқ иродасини ифодаланганлиги, давлат халқ ҳокимияти манбаи бўлганлигини кўрсатади.

**Тўртинчидан**, қурултой Амир Темур давлатининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Соҳибқирон давридаги қурултойнинг мақоми, унинг ваколатлари, давлатдаги таъсирини тўлақонли тушуниш учун, унинг давлатчилик, жамиятда тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш муҳим деб ўйлаймиз.

**Бешинчидан**, қурултой институти салтанатдаги бошқарув тизими вакиллари ҳамда маҳаллий ҳоким, лашкарбошилар ўртасида тенглик, адолат тамойилларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатган. Қурултой орқали давлат ва жамият ўртасидаги тафовутлар камайиб, ўзаро манфаатлар уйғунлаштирилган. Қурултойнинг фаоллашуви бу даврда мутлақ ҳокимият тизимининг янги поғонага кўратилганлигини кўрсатади.

**Олтинчидан**, қурултойда давлат амалдорлари, лашкарбошилар, олиму уламолар, улуғ ва кекса, тажрибали кишилар қатнашишган, улар маҳаллий ҳокимларга маслаҳатчи этиб тайинланган. Бу анъаналар давлат бошқарувида адолат ўрнатиш, қонунлар ижросини таъминлаш,

---

<sup>1</sup> Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. -Т.: Академнашр, 2017. Б.91.

унинг марказий ҳокимият билан маҳаллий ҳокимлар, турли қавм етакчилари ўртасида алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилган. Ўша даврда бу сиёсий институт зодагонлар кенгашидан иборат вакиллик органи бўлган бўлса ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар орқали ҳудуд ва халқ, турли қавм вакиллари манфаатларини ҳам ҳимоя этишгани англашилади.

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МОДЕЛЛАРИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**ШАЙЗАКОВ Шодиёр Ибрагимович,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси Судларда прокурор ваколатини  
таъминлаш кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** мақолада миллий ҳуқуқий тизимнинг таҳлили ва унинг айрим хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқ тизими билан қиёсий ҳуқуқий таҳлили келтирилган ҳолда маъмурий суд ишларини юритишни тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

**Аннотация:** в статье рассмотрены теоретические и практические аспекты порядка административного судопроизводства путем сравнительно-правового анализа национальной правовой системы и правовых систем зарубежных стран.

**Abstract:** The article focuses on the theoretical and practical aspects of the regulation of administrative proceedings, with an analysis of the national legal system and its comparative legal analysis with the legal system of certain foreign countries.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий оила, романо-герман ҳуқуқи, маъмурий суд, маъмурий процесс, маъмурий суд ишларини юритиш.

**Ключевые слова:** правовая система, семейство права, романо-германское право, административный суд, административный процесс, административное судопроизводство.

**Keys words:** legal system, legal family, Romano-Germanic law, administrative court, administrative process, administrative court proceedings

Юридик адабиётларда замонавий дунёнинг ҳуқуқ тизимлари ўрганилганда иккита асосий тушунчалар фарқланади: “ҳуқуқий тизим” ва “ҳуқуқий оила”. Бироқ ушбу тушунчаларга ҳозирги кунга қадар аниқ ва умумий қабул қилинган таърифлар мавжуд эмас.

Давлатнинг “ҳуқуқий тизими” ёки миллий ҳуқуқий тизим атамаси ҳуқуқ нормаларининг (қонунларнинг) аниқ бир тарихий мажмуасини, ҳуқуқий амалиётини ва маълум бир мамлакатнинг ҳукмронлик қиладиган ҳуқуқий мафкурасини (давлат шаклланишини) белгилаш учун ишлатилади. Миллий ҳуқуқий тизим маълум бир давлатнинг ажралмас қисми сифатида у ёки бу тарзда унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва миллий хусусиятларини акс эттиради.

Шунингдек, юридик фанда “ҳуқуқий оила” атамаси умумий манба, ҳуқуқ таркиби ва унинг шаклланиш тарихий йўлига асосланган миллий

ҳуқуқий тизимларнинг маълум бир тўпламини англатади. Бу мезонларга асосланиб маълум бир ҳуқуқ тизимини ажратиб кўрсатишимиз мумкин, масалан, умумий ҳуқуқ, романо-герман, анъанавий, мусулмон, ҳинд, славян. Таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда “ҳуқуқ тизими” ва “ҳуқуқий оила” атамалари баъзан синоним сифатида ишлатилади.<sup>1</sup>

Ҳуқуқ тизимини аниқлашнинг тарихий мезонига оид муаммоли масалалар, хусусан, рим ҳуқуқи (Франция, Испания, Португалия), герман ҳуқуқи (Германия, Австрия, Швецария) ва Скандинавия мамлакатларида ҳуқуқнинг ривожланиши тарихида жиддий тавофутлар бўлганлигидир. Бироқ, энг қадимги “классик” ҳуқуқий оилаларига умумий ҳуқуқ тизими (англо-саксон) ва романо-герман (континентал) тизими киради. Шунинг учун кўплаб манбаларда асосан ушбу икки тизим кўриб чиқилади.

Ҳуқуқшунос олимлар юридик адабиётларда, умумий ҳуқуқ тизимида судларнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтишади:

1) “суд ҳуқуқи” - бу судьялар томонидан анъанавий шаклда яратилган ва ҳозирги вақтда низоларни ҳал этишда қабул қилган қарорлари умумий ҳуқуқнинг таркибини ташкил этади<sup>2</sup>;

2) “амалий ҳуқуқ” тизими қонун ҳужжатларини етарли даражада тизимлаштирилганлиги билан ажралиб туради.

Бошқа манбаларда эса, ҳуқуқ тизимининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари очиқ берилади:

1) ҳуқуқ тизими бевосита рим ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланишинг асосини ташкил этади;

2) мазкур тизимда қонун ҳуқуқ манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади;

3) ҳуқуқ тизими оммавий ва хусусий ҳуқуққа аниқ ажратилади;

4) ҳуқуқ манбалари тизимлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлганлиги ва мавжуд тушунчаларга кўра маъмурий қонунчиликни ривожлантиришнинг асоси бўлганлиги сабабли, уни ўхшаш мамлакатлар ҳуқуқ тизимида мавжуд моделлари билан қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда ғарбий Европа ва Болтиқбўйи мамлакатларининг қонун ҳужжатларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини аниқлашга ва маъмурий суд ишларини юритишнинг ривожланиш босқичида мавжуд бўлган асосий муаммоларни

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Право и правовая система // Правоведение. 1980. № 1. С. 32; Давид Р. Основные правовые системы современности. М., 1999. С. 124-125. Карбонье Ж. Юридическая социология / Пер. с фр. М, 1986. С. 276-277; Марченко М.Н. Сравнительное правоведение / М.Н. Марченко - М.: Юрист, 2006. С.84. Тихомиров Ю.А. Курс сравнительного правоведения /Ю.А. Тихомиров - М.: Юрид. литература, 2003. С. 65.

<sup>2</sup> Фридмэн Л. Введение в американское право / Пер. с англ. М., 1992. С. 9; Давид Р. Основные правовые системы современности. М., 1999. С. 155.

шакллантиришга, уларнинг ечими ва ушбу қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Дунёда мавжуд бўлган маъмурий суд ишларини тартибга солиш моделларининг хилма-хиллиги тарихий жараёнлар, миллий урф-одатлар, ҳуқуқий онг, турли мамлакатлар халқларининг миллий менталитети ва бошқа бир қанча сабабларга боғлиқ. Ушбу омиллар туфайли романо-герман ҳуқуқ тизими мавжуд бўлган мамлакатларда маъмурий жараёнларнинг шаклланишида процессуал ҳуқуқ шаклларини танлаш, маъмурий суд ишларини юритиш процессуал ҳужжатларнинг турлари ва тузилишини белгилашда икки томонлама ёндашув қабул қилинган: баъзи мамлакатларда Кодекслар шаклда, баъзи давлатларда махсус қонунлар орқали қабул қилинган.

Масалан, Болтиқбўйи давлатларида маъмурий иш юритиш турли қонуний шаклларда (Литва ва Латвияда қонунлар), Эстонияда кодекс орқали тартибга солинади. Болтиқбўйи мамлакатларида маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари адабиётларда “биринчи тўлқин қонунчилиги” деб номланади. Собиқ Иттифоқ давлатларида маъмурий суд ишларини қонуний тартибга солишнинг янги “иккинчи тўлқини” кодекслар шаклида (Украина МСИЮтК, Арманистон МСИЮтК) ва маъмурий процессуал кодекслар (Грузия, Озорбойжон) шаклида намоён бўлади. Моддий ва концептуал нуқтаи назардан, ушбу ҳужжатлар кўп жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, уларда маъмурий даъво қўзғатилиши аниқ кўрсатилган, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари батафсил баён қилинади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд қонунчилик аънаналарига асосан оммавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган маъмурий суд ишларини юритиш шаклидаги кодекс орқали амалга оширилади.

Шубҳасиз, кодекс шаклидан фойдаланиш маъмурий суд ишларини юритиш масалаларини тартибга солиш анча мукамал эканлигини англатмайди, худди шу муносабатлар махсус қонунлар орқали ҳам тартибга солиниши мумкин. Аммо, кодекслаштириш тизим орқали бир қатор ҳуқуқий ва техник ютуқлари мавжудлиги сабабли муайян мамлакатларда бу тизимдан кенг фойдаланилган.

Ихтисослаштирилган қонунлар ҳам кодекслаштирилиши мумкин, масалан, 1925 йилда Европада биринчи кодификациялаштирилган маъмурий жараён ва маъмурий ижро тўғрисидаги Австрия қонуни эди. Бу жараён 1928 йилда Польшада, 1930 йилда Югославияда маъмурий жараён тўғрисида қонун қабул қилинди. 1955 йилда Чехославакияда маъмурий жараён тўғрисида қарор қабул қилинди. 1957 йилда Венгрияда ва 1960 йилда Польшада маъмурий жараёнларни тартибга



солувчи “Маъмурий процессуал кодекс” деб номланган қонун қабул қилинди.<sup>1</sup>

Романо-герман ҳуқуқ оиласи мамлакатларида агар қонун чиқарувчи бошқача тартиб ўрнатмаса, кодекслар қонунлардан устун ҳуқуққа эга бўлмайди. Кодекслар ва индивидуал қонунлар шарҳланганда ва қўлланилганида бир хил маънога эга бўлади.

Маъмурий суд ишларини юритишни тартибга солишда одатда маъмурий процессуал кодекс ва маъмурий процессуал муносабатларнинг алоҳида соҳаларини тартибга солувчи махсус процессуал қонунлар ўртасида “танлов” амалга оширилади. Кўпинча, олимлар ўртасида маъмурий жараёнларни кодексга тизимлаштириш ҳақида тортишувлар бўлиб туради, бироқ муносабатлар кодекс билан тартибга солинганлиги ҳар доим ҳам масаланинг ечимини топиб бера олмайди ва камчиликларга йўл қўйилади. Шунинг учун, маъмурий жараённи, шу жумладан маъмурий суд ишларини тартибга солишнинг мақбул моделини танлаш учун, фикримизча кодекс қандай қоидаларни тартибга солиши ёки қандай нормаларни киритиш кераклиги, унинг қандай камчиликлари борлигини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ягона маъмурий процессуал кодекс давлат органлари ва давлат хизматчиларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ маъмурий низолар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги даъволарни тартибга солади.<sup>2</sup>

Маъмурий процессуал кодексларнинг ҳуқуқий моҳиятини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, процессуал ҳуқуқий муносабатларни ягона маъмурий процессуал кодексда тартибга солиш ғояси барча процессуал қоидаларни битта қонунга мувофиқлаштиришни назарда тутди.

Бунда ягона кодекс бир вақтнинг ўзида кенг қамровли ва етарлича батафсил бўлиши, барча муҳим масалаларни қамраб олиши, шу билан бирга барча турдаги процессларга риоя қилиниши учун умумлаштирилган ҳолда сақланиши керак.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида оммавий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида тизимлаштирилган кодекс қабул қилинганлиги давлат органлари фаолияти билан боғлиқ низолар судда ҳар томонлама ва самарали назорат ўрнатишга, турли хил маъмурий ишларни тартибга солишда умумий ёндашувни амалга оширишга имкон беради.

Бундан ташқари, барча турдаги суд жараёнларида одил судловни амалга оширишда кузатилиши керак бўлган минимал стандартларни

---

<sup>1</sup> Рахматова З.М. Административное судопроизводство в Республике Таджикистан: современное состояние и перспективы развития: дис. ...канд. юрид. наук. М., 2017. С.-56

<sup>2</sup> Ибрагимов С.И. Цит. раб. С.18-23.

ўрнатилганлиги, процессларнинг самарадорлиги ва тежамкорлиги тўғрисидаги, маъмурий жараёнда шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари, судлов ишларини юритиш принциплари ва маъмурий жараёнларни тартибга солувчи нормаларнинг киритилганлиги жиной, фуқаролик ва иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи норматив база билан бир хил даражага келтирилганлигига эътибор қаратиш лозим.

Кодекслар ва қонунларда маъмурий суд ишларини юритишнинг турли хил усуллари сифатида Болтиқбўйи ҳудудидаги баъзи мамлакатларда унинг тизими шаклланишини кўриб чиқамиз. Жумладан, маъмурий суд ишларини тартибга солишда Литва Республикасининг қонунлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Литванинг маъмурий судлов тизими немис моделига яқин бўлишига қарамасдан ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

Литванинг 1992 йил 31 октябрдаги Конституцияси маъмурий ишларни кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган судларни ташкил қилишни назарда тутган. Республиканинг 1999 йилдаги “Маъмурий судларни ташкил этиш тўғрисида”ги Қонунига биноан маъмурий судларнинг икки босқичли тизими шакллантирилган: Олий маъмурий суд ва туман маъмурий судлари. Қонунда ушбу судлар маъмурий ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳасидаги низоларни кўриб чиқишлиги белгилаб қўйилган.<sup>1</sup>

Маъмурий низоларни кўриб чиқадиган ихтисослаштирилган судлари сифатида айнан Олий маъмурий суд ва туман маъмурий судлари киритилган. Маъмурий судлар умумий юрисдикция судларига нисбатан мутлақо автоном бўлиб, бу жиҳатдан Германия моделига ўхшайди. Шундай бўлса-да, айрим фарқли жиҳатлари мавжуд. Масалан, Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси учинчи қисмига биноан яқка тартибдаги маъмурий актларнинг қонунийлиги юзасидан келиб чиқувчи маъмурий ишларни умумий юрисдикция судлари ҳам кўриб чиқишлари мумкин.

Маъмурий судларга махсус ихтисослаштирилган мақом берилиши Литва Республикасининг юқоридаги қонунига 2011 йилда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ваколати Олий маъмурий суд ваколатидан чиқарилиб, умумий судлар ваколатига ўтказилди. Бунинг натижасида умумий судлар жиной жазолар билан биргаликда, маъмурий жазоларни ҳам кўриб чиқиш ваколатига эга бўлди.<sup>2</sup>

Эстония Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституцияси (1992) 148-моддасида ва “Судлар тўғрисида”ги қонунининг (2002) 18-моддасида маъмурий иш юритиш тартиби белгиланди. Маъмурий судлар фақатгина оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш

<sup>1</sup> Некрошюс В. Реформа судебной власти в Литовской Республике: основные результаты и перспективы. Цит. 16.02.2015 г. <http://kaknado.info>

<sup>2</sup> Закон ЛР “О судах” в редакции от 21.06.2011г./ на сайте:www. <https://e-seimas.lrs.lt/> (дата обращения май 2020 г).

ваколатига эга бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар умумий судлар ваколатига киради.<sup>1</sup>

Молдова Республикасининг бу соҳадаги тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги нормалар континентал (аралаш) ҳуқуқ тизимига тегишли бўлсада, маъмурий юстицияни амалга ошириш Руминия модели орқали амалга оширилади.<sup>2</sup>

Молдова Конституцияси (1994) суд ишларининг айрим тоифалари учун ихтисослашган судлар ташкил этишни кўзда тутди (115-моддаси иккинчи қисми). Республиканинг “Судлар тизими тўғрисида”ги қонунида (06.07.1995 й.) ихтисослаштирилган судлар (ҳарбий, маъмурий ва бошқалар) фаолият кўрсатиши назарда тутилган. Ушбу мамлакатда маъмурий суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у умумий юрисдикция судларида судьяларнинг ихтисослашуви - апелляция палаталари, фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича Бош ҳайъат фаолият кўрсатадиган Олий суднинг маҳкамаси орқали амалга оширилади.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, Молдова Республикасида қабул қилинган маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги мамлакат Конституциясининг қоидаларини амалга оширувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ихтисослаштирилган қонунлар орқали амалга оширилади.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, замонавий давлатларда маъмурий процессуал қонунчиликни тузиш моделлари турлича шаклланган. Бундай ҳолатда маъмурий иш юритишни ҳуқуқий тартибга солишда иккита асосий ёндашувни ажратиш мумкин:

**биринчидан**, бу модель алоҳида махсус кодекслар ёки қонунлар билан маъмурий суд ишларини юритишни тартибга солади ва ижро ҳокимиятининг маъмурий низолар билан боғлиқ фаолиятини назарда тутди. Шунга кўра, фақатгина маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қоидалар маъмурий процессуал кодекс (МПК) ёки маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (МСИЮТК) билан тартибга солинади.

Озарбайжон, Грузия, Эстония, Қирғизистон каби давлатларда Маъмурий процессуал кодекс, Латвияда Маъмурий процессуал қонун деб номланади. Ҳозирги кунда қўшни Қозоғистонда қизгин муҳокама бўлаётган шундай кодекс ҳам Маъмурий процессуал кодекс деб юритилмоқда. Юридик адабиётларда айрим ҳуқуқшунос олимларимиз миллий қонунчилик амалиёти ва тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида ушбу кодексни Маъмурий процессуал кодекс деб номлаш ва унда маъмурий суд ишларини юритиш тартиби ушбу Кодекс билан белгиланиши, маъмурий суд

<sup>1</sup> <https://www.riigiteataja.ee>, <https://www.eesti.ee/ru/estonskaa-respublika/sud/>

<sup>2</sup> Бойцова В.В., Бойцова Л.В. Указ раб. С.21

<sup>3</sup> <http://www.presedinte.md>, <http://base.spinform.ru>. Қаралган вақти 01.05.2020 й

ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ҳамда унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат эканлиги ҳақидаги нормалар белгиланиши тақлиф қилган.<sup>1</sup>

Маъмурий органлар фаолияти эса махсус қонунлар билан (Германия, Франция, Финландия, Испания, Швеция ва бошқалар) белгиланади. Мисол учун, Францияда 2000 йилда Маъмурий юстиция тўғрисидаги кодекс, 1996 йилда “Маъмурий процедуралар тўғрисида”ги Қонун, Испанияда 1998 йилда “Маъмурий низолар тўғрисида”ги Қонун, 1991 йилда “Давлат бошқарувининг умумий тартиб таомиллари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган.<sup>2</sup> Умумий айтганда мазкур модель суд органларининг маъмурий суд ишларини юритиш фаолиятидаги чегарасини, ижро этувчи ҳокимиятнинг эса вазифасини белгилайди.

**Иккинчидан**, маъмурий процессуал қонун ҳужжатларининг яна бир модели бу умумий маъмурий процессуал кодекс ва қонундан иборат бўлиб, бу ҳам маъмурий суд ишларини юритиш ва маъмурий жараёнларни тартибга солишни белгилайди. Масалан, Колумбиянинг 2011 йилдаги Маъмурий процессуал кодекси, Нидерландиянинг “Умумий маъмурий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонуни, Латвиянинг 2001 йилдаги “Маъмурий процессуал” Қонуни ва бошқалар. Мазкур қонунлар бир вақтнинг ўзида маъмурий жараёнларни тартибга солишни белгиласа, бошқа томондан суддаги тартибни белгилаб беради.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритиш алоҳида кодекс билан 2018 йилда қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекс билан тартибга солинган. Бу кодекс фақатгина маъмурий судларда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг процессуал тартибини белгилаб беради. Маъмурий органнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти билан боғлиқ муносабатлар эса, 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимизда ташкил этилган маъмурий судлар оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи маъмурий ишлар билан бир қаторда маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ маъмурий ишларни ҳам кўриб чиқиш ваколатига эга бўлиб, ушбу фаолият 1994 йилда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда маъмурий судлар ташкил этилгунига қадар бу турдаги ишларни жиноий судлар кўриб чиқар эди. 2017 йил 1 июндан

<sup>1</sup> Мамасиддиқов М.М. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс: у қандай бўлиши керак? // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами) / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.М.Мамасиддиқов. -Т.: “Noshirlik yogdusi”. 2017. – 46 б.

<sup>2</sup> Административно-процедурная деятельность органов исполнительной власти / отв. ред. Сладкова А.В., М.: 2017. -С. 257.

<sup>3</sup> Рахматова З.М. Административное судопроизводство в Республике Таджикистан: современное состояние и перспективы развития: дис... канд. юрид. наук. М., 2017. –С. 61.

маъмурий судларнинг ташкил этилиши<sup>1</sup> билан бу турдаги ишлар ушбу судлар ваколатига ўтказилди.

Бироқ, бу институт бир вақтнинг ўзида ҳам жазоловчи, ҳам низоларни ҳал этувчи суд тизимига айланиб қолди. Бу эса, юқорида таҳлил қилинган давлатлар тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, мос келмасди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонининг 3-бандида 2020 йил 1 декабрдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказиш белгиланди.<sup>2</sup>

Бу келгусида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда “маъмурий суд” тушунчасини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида маъмурий қонунчиликни тизимлаштиришнинг бир йўналиши сифатида маъмурий суд ишларини юритишни ҳуқуқий тартибга солиш ва жаҳон тажрибаси синовидан ўтган моделлардан фойдаланиш маъмурий суд тизимида низоларни ҳал этишда ижобий таъсирини кўрсатади.

## КОРРУПЦИЯДАН ҲОЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ТИЗИМДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**ИНОЯТУЛЛАЕВ Саъдулла Хабибуллаевич,**  
Бош прокуратура Академияси  
“Тил ўргатиш кафедраси” катта ўқитувчиси,  
Бош прокуратура Академияси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада олий таълим соҳасида учраётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик (ёки жиноят)ларни келтириб чиқариши мумкин бўлган баъзи ҳолатлар муҳокама қилинган ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда уларни бартараф этиш йўллари очиб берилган.

**Аннотация:** В статье освещаются некоторые ситуации, которые могут привести к коррупционным правонарушениям (или преступлениям) в сфере высшего образования, и способы их устранения путем изучения зарубежного опыта.

**Abstract:** The article highlights some of the situations that can lead to corruption offenses (or crimes) in the field of higher education and ways to eliminate them by learning from foreign experience.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли Фармони // www.lex.uz. Қаралган вақти 01.05.2020 й.

<sup>2</sup> www.lex.uz. Қаралган вақти 01.05.2020 й.

**Калит сўзлар:** коррупциясиз олий таълим, баҳолаш тизими, шаффофлик, ягона давлат имтиҳони, коррупция хавф-ҳатарларини аниқлаш, таълим сифати.

**Ключевые слова:** высшее образование без коррупции, система оценок, прозрачность, единый государственный экзамен, оценка коррупционных рисков, качественное образование.

**Keywords:** corruption free higher education, grading system, transparency, single state exam, corruption risk assessment, quality education.

“Коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз, жамиятимизда коррупция бор экан, бу адолат, ҳалоллик, масъулият, халқ эҳтиёжларини қондириш, халққа хизмат қилиш каби тушунчалардан ҳали узоқлигимиздан далолат беради”.

**Ш.М.Мирзиёев**

Олий таълим соҳасида таълим сифатига тўсқинлик қилувчи асосий иллат бу коррупция эканлигини абитуриентлар, талабалар, уларнинг ота-оналари, соҳа вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари - барчамиз азалдан биламиз. Лекин давлат томонидан етарлича ҳуқуқий асослар яратилиб берган бир вақтда унга қарши самарали курашяпмизми, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини беряптими, деган саволлар барчани қизиқтириши табиий.

Давлатимиз раҳбари жон куйдириб қайта-қайта тилга олаётган бу муаммо барчамизни жонимизни, айниқса соҳа мансабдор шахсларининг жонини кўпроқ “куйдириши керак”. Чунки, коррупциянинг мамлакат тараққиёти ва жамият ҳаётидаги салбий оқибатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмаслигини, энг аввало, айнан таълим соҳаси мутасаддилари чуқур англаб етмоқлари керак.

Биз истардикки, ишончим комил, бутун Ўзбекистон халқи ҳам албатта шуни истаган бўлар эдики, жазолашдан аввал олдини олиш ҳақида сўз юритилса. Жиноятчи учун жазо муқаррар, аммо қилмиш оқибатида фуқарога, жамиятга, давлатга етказилган зарарни тўлиқ бартараф этишнинг ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди.

Жиноятчиликнинг барча шакллари, айниқса коррупцион жиноятларни олдини олишда жиноятчилик профилактикаси алоҳида ўрин эгаллашини инобатга олсак, биз олий таълим соҳасида ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган, оддий ҳолат сифатида қабул қилишга ўрганиб қолган коррупцияни олдини олиш чораларини кўриш орқали унинг илдизи билан қўпориб ташламас эканмиз, ундан қутула олмаймиз.

Ушбу мақолада олий таълим соҳасида учраётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик (ёки жиноят)ларни келтириб чиқариши мумкин бўлган баъзи ҳолатлар муҳокама қилинган ва хорижий тажрибадан ўрганган ҳолда уларни бартараф этиш йўллари келтириб ўтилди.

**Биринчидан, олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими такомиллаштириш (оптималлаштириш) лозим.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси”<sup>1</sup>да илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарори ижроси бўйича “Йўл ҳаритаси”<sup>2</sup>да Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш белгиланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинган дейиш мумкин.

Шунга қарамасдан, ҳозирда мамлакатимизда уч турдаги назорат қилиш ва баҳолаш тизимлари мавжуд.

1. Рейтинг тизими (бу жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари орқали 100 баллик тизимда амалга оширилади). Аксарият олий таълим даргоҳларида амал қилади.
2. Беш баҳолик тизим (бунда оралиқ ва якуний назорат турлари орқали 5 баҳолик тизимда амалга оширилади). Тошкент давлат юридик университетида амалда қўлланилади.
3. Модул тизими. Тошкент давлат юридик университети ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида амал қилади.

Таълим олувчилар таълими сифати якуний натижага таъсир этувчи энг асосий ва муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Чунки таълим жараёни марказида айнан таълим олувчилар туради. Таълим сифатини ошириш бир қанча мезонларга боғлиқ бўлиб, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш шулардан биридир.

Баҳолаш тизимини оқилона ташкил этиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликларнинг олдини олиш, бартараф этиш, ушбу жараённинг самарадорлигини ошириш, яъни ҳар бир талабанинг мавжуд фан юзаси дан белгиланган талаб асосида ўзлаштирганини қайд этиш ёки ўз устида ишлаш кўникмаларини ривожлантириш олий таълим

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/4415478>

<sup>2</sup> <https://www.lex.uz/docs/3765586>

тизимининг услубий аҳамиятга эга бўлган вазифаларидан бири ҳисобланади.

*Рейтинги юқори хорижий олий таълим муассасалари тажрибасидан келиб чиқиб, назорат қилиш ва баҳолаш тизимини бирхиллаштириш – модул тизимига ўтишни жадаллаштириш керак (рейтинг тизимидан воз кечиш (АҚШ амалиёти) керак).*

**Иккинчидан,** ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг йиллик “Коррупциясиз соҳа” дастурига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони 8-банди<sup>1</sup>да бу чора-тадбир белгилаб қўйилган. Буни амалга оширишни жадаллаштириш лозим.

Мазкур Дастур(лар)ни Бош прокуратура Академиясининг Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиши, шунингдек унда ташкилий тадбирлар, кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқув-тарбия жараёнида юзага келадиган коррупцион ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш каби боблар ҳамда якуни юзасидан таҳлилий маълумотнома ишлаб чиқиш механизми акс эттирилган бўлиши лозим.

ОТМларда коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этишда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси таркибини тасдиқлаш, Одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашуви, Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари бўйича хабар бериш тартиби тўғрисидаги низомларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Учинчидан,** олий таълим муассасаларига кириш синовларини ўтказиш жараёнини очиқлик принципини жорий этиш, ўқишга қабул қилишни расмийлаштиришни соддалаштириш ва абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш имкониятини тенглаштириш орқали такомиллаштириш лозим.

Масалан, Чили, Аргентина ва Бразилия<sup>2</sup>да кириш имтиҳонлари аксарият ОТМларда умуман мавжуд эмас. ОТМларга ўқишга қабул қилиниши умумўрта таълим босқичида (мактабда) ўтказиладиган Ягона Давлат Имтиҳони (Россиядаги ЕГЭ – Единый Государственный Экзамен каби) натижаси асосида амалга оширилади.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/4355387>

<sup>2</sup> Оркадашивили М. “Олий таълимла коррупция: “Сабаб, оқибат, ислохот. 2009. (Orkodashvili M. “Corruption in Higher Education: Causes, consequences, reforms. The case of Georgia” 2009) Electronic copy available at: <http://ssrn.com/abstract>.



Буюк Британияда, Франция, Германия<sup>1</sup> каби давлатларда олий таълим муассасасига кириш имтиҳони вазифасини ўтайдиган алоҳида имтиҳон (сертификат) мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4319-сон қарори<sup>2</sup>да қабул қилиш тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ушбу ислохотни қуйидаги қадамлар билан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Олий таълим муассасаларига кириш синовларида номзоднинг ўрта, ўрта махсус ва касб ҳунар коллежларини имтиёзли битирганларга қўшимча тарзда рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

2. “Мактаб – Олий таълим муассасаси” ва “Мактаб – Академик лицей – Олий таълим муассасаси” ҳамкорлигини янада кучайтириш, яъни иқтидорли ўқувчиларни ихтисослик йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида кириш имтиҳонларисиз ўқитиш тизимини жорий этиш;

3. Имтиҳонлар “онлайн” тартибда жамоатчилик назорати орқали назорат қилиш тартибини жорий этиш. Шунингдек, ўқув жараёнига оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блоггерларни кенг жалб этиш.

**Тўртинчидан, “Ягона давлат имтиҳонини ўтказиш тизими”ни яратиш керак.**

Умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар битирувчилари учун Ягона давлат имтиҳони натижалари олий таълим муассасаларига киришда фойдаланиш имконини берувчи ҳужжат сифатида қабул қилиниши лозим.

АҚШда ягона давлат имтиҳонлари икки хил кўринишда мавжуд (SAT-scholastic assessment test ва ACT-american college testing)<sup>3</sup> ва улар олий даргоҳга ўқишга киришда инobatга олинади.

Францияда бу тизим ВАС деб аталади ва у XIX асрдан бери мавжуд.

Хитойда ягона давлат имтиҳонлари – “Гаокао” хитой тили ва адабиёти чет тили ва математика бўйича, шунингдек мактаб битирувчисининг танлаган олий ўқув юрти йўналишидан келиб чиқиб муайян фан бўйича ўтказилади.

Нидерландияда битирув имтиҳонлари 6-7 та предметдан иборат бўлиб, улардан 3 таси (голланд, инглиз, француз ёки немис тили) мажбурий, қолгани танловга кўра топширилади.

<sup>1</sup> Оркадашивили М. “Умумий ўрта таълим ва олий таълимда коррупцияга қарши курашида халқаро сифат стандартлари кириш имтиҳонлари (Orkodashvili M. “From equity of access to international quality standards for curbing corruption in secondary and higher education and closing achievement gaps in post-soviet countries”, The Impact of International Achievement Studies on National Education Policymaking, Copyright r 2010 by Emerald Group Publishing Limited, page-28.)

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4334802>

<sup>3</sup> <http://www.act.org/content/act/en/products-and-services/the-act.html>

Исроил давлатида мактаб битирувчилари 8 та турли фанлардан давлат имтиҳонларини, шунингдек Таврот диний китобидан синовларни топширишади.

Германияда битирувчилар Abitur - якуний имтиҳонларни топширади, улар турли соҳалардаги 4-5 та предметлардан иборат (немис тили ва адабиёти, ижтимоий фанлар, математика ва табиий фанлар ёки спорт) бўлади<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикасида мактаб битирувчилари ўрта маълумотга эга бўлиш ва олий ўқув юртига кириш учун ягона миллий тестни топширади.

Японияда 2021 йилдан бошлаб математика ва япон тилларидан вариантли тест шаклидаги кириш имтиҳонларидан воз кечилиши кўзда тутилган.

Жанубий Кореяда университетларга қабул қилиш номзодларнинг ўрта таълим мактаблари ва коллежлардаги академик қобилиятларини аниқлаштирувчи тестлар асосида амалга оширилади<sup>2</sup>.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар республика-мизда барча таълим муассасалари ўқиш якунида Ягона давлат имтиҳони (ЯДИ) топширса, қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади:

- олий ўқув юртларига қабул қилиш жараёнларида коррупция даражаси пасайишига эришилади;

- барча битирувчиларни ягона таълим стандартига бирлаштириш имконияти пайдо бўлади, натижада ўқишга кириш осонлашади, адолат ва объективлик таъминланади;

- турли ҳудудлардаги ёшларнинг ўқишга кириш имконияти кенгайди;

- фундаментал билимларни эгаллашга интилиш кучаяди, бу эса давр талаби;

- бир мартаба имтиҳон топшириб, бир неча олий таълим даргоҳларига ҳужжат топшириш имконияти пайдо бўлади;

- ОТМга кириш жараёни соддалашади, ҳужжатбозлик камаяди;

- яшаш жойидан туриб республикадаги исталган ОТМга имтиҳон топшириш мумкин, яъни вақт ва харажатлар тежаллади;

- ўқувчи қайси фанлардан имтиҳон топширишини ўзи танлайди, бу эса чуқур билимли ўз соҳасининг устаси бўлган мутахассислар етишиб чиқишининг гарови ҳисобланади.

**Бешинчидан, олий таълим соҳасида коррупция хавф-ҳатарларини аниқлаш механизми ишлаб чиқилиши лозим.**

---

<sup>1</sup> Поисон М ва Халлак Ж, “Коррупцирование школы, коррупцирование университети: Что можно сделать?”, таълимни режалаштириш Халқаро Институти, Париж, Франция, UNESCO 2014, 56 б.

(Poisson M and Hallak J, “Corruption risk assessment of the Georgian higher education sector”, International institute for Educational Planning, Paris, France, UNESCO 2014).

<sup>2</sup> Поисон М ва Халлак Ж, “Коррупцирование школы, коррупцирование университети: Что можно сделать?”, таълимни режалаштириш Халқаро Институти, Париж, Франция, UNESCO 2014, 74 б.

(Poisson M and Hallak J, “Corruption risk assessment of the Georgian higher education sector”, International institute for Educational Planning, Paris, France, UNESCO 2014).

Таълим тизимида ўқитувчининг асосий фаолиятига салбий таъсир қиладиган омилларни бартараф этиш коррупция аломатлари мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ва ҳаракатсизликларни) олдини олиш имконини беради.

Масалан, 2019 йилда Тошкент давлат юридик университетига турли ташкилотлардан 6600 дан ортиқ буйруқ, кўрсатма, топшириқ хати ва бошқа шу каби хат-ҳужжатлар келиб тушган<sup>1</sup>. Табиийки, бундай ҳажмдаги топшириқларни бажариш дарс ўтиш сифати, талабалар билимини баҳолашни иккинчи даражали вазифа қаторига қўшиб қўйган. Олий таълим муассасаларида амалда ўқитувчининг биринчи галдаги вазифаси турли топшириқларни бажариш бўлиб қолган. Бундан ташқари, талабаларни турли тадбирларга олиб бориш ҳақидаги топшириқлар ҳам дарсларни ўтилмай қолиши, талабаларнинг ўз вақтида мавзуларни ўзлаштирмаслигига сабаб бўлади. Табиийки, бошқа ОТМлар ҳам бундан ҳоли эмас.

Турли ташкилотлардан келадиган топшириқлар, маълумотларни камайтириш учун бутун таълим тизимидаги ахборотларни жамлайдиган электрон онлайн платформа яратилиши орқали юқоридаги ҳолатни бартараф этиш мумкин бўлади. Бу электрон платформа Вазирлар Маҳкамаси ёки Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан юритилишини ташкил қилиш керак. Унда таълимга оид барча маълумот шакллари тасдиқланиб, улар платформага киритилиб борилди ва тегишли ташкилотлар керакли маълумотларни бевосита олий таълим муассасасига мурожаат қилмасдан олиш имконига эга бўлади. Бу эса эътиборни кўпроқ дарс жараёнларига қаратиш имконини беради.

Бундан ташқари, (хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ташкил этилган олий таълим муассасаларидан фарқли ўлароқ) давлат олий таълим муассасаларида деярли ҳар ҳафта қандайдир текшириш, ўрганиш ўтказилиши, комиссия келиши одатга айланган. Таълим муассасалари асосан комиссия кутиш, унга ҳужжатлар тақдим этиш билан машғул бўлиб қолган. Ҳужжатларни чиройли расмийлаштиришга эътибор қаратилиши одатга айланиб қолган, мазмуни эса иккинчи ва ҳатто ундан кейинги вазифалар даражасига тушиб қолган.

Олий таълим муассасаларидаги текширишларни ўтказиш мезонлари, тартиби ва муддатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш орқали юқоридаги ҳолатни бартараф этиш мумкин бўлади.

Яна бир масала шуки, олий таълим тизимини тартибга солишни ОТМлар академик мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини сифат

---

<sup>1</sup> Юриспруденция соҳасида фаолият юритувчи 9 та илмий ва таълим муассасалари Консорциумининг Кенгашининг 2019 йил 1 июлдаги 1-сонли мажлиси баённомасига асосан ўтказилган *олий таълим тизимини коррупциясиз соҳага айлантириш бўйича тадқиқот* натижалари. ТДЮУ томонидан олиб борилган тадқиқот иши. 34-б.

кўрсаткич ва натижадорлик асосида баҳолаш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтириш орқали жадаллаштириш керак.<sup>1</sup>

*Олтинчидан, олий таълим соҳасида коррупцияни олдини олиш, енгиш ва унга барҳам беришга таълим ва маърифат орқали эришиш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилиши керак.*

Умумтаълим мактабларида коррупцияга қарши ўқув дастурлари яратиш ва амалда жорий этиш орқали бу йўналишга юқори натижаларга эришиш мумкин.

Албанияда 2012 йилда “Коррупцияга қарши таълим” номли ўқитувчилар учун қўлланма чоп этилган. Қўлланма кириш, коррупция ва унга қарши қаратилган таълимнинг ўрни, коррупцияга қарши таълим стратегиялари ҳамда амалий машғулотлардан иборат бўлган. Амалда бу яхши натижалар берган. Коррупцияни қабул қилиш индексида (Corruption Perception Index) 2012 ва 2020 йиллар орасида 6 поғонага, яъни 116 дан 109 га кўтарилган<sup>2</sup>.

Бу дастурни амалга ошириш учун тарих, фуқаролик таълими ва этика фанлари асос қилиб олинади. Адабиёт ва тил дарслари ҳам қўшимча сифатида олинаши мумкин. Бунда содир этилган коррупция жиноятларининг сабаблари ҳикоя кўринишида берилиши ва бу ҳақда ўқувчилар фикри олинаши мумкин.

Коррупцияга қарши таълим шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши таклиф этилади: а) муайян мавзуда фикрларни яратиш; б) саволлар тарқатилиб, кейин жавобларни муҳокама қилиш; с) рол ўйнаш; д) аудио ва видео визуал материаллар билан ишлаш; е) мулоқотга киришиш; ф) мавзу бўйича танқидий фикрлаш; г) кейс ечиш ва ҳк.

Шунингдек, олий таълимда коррупцияга оид ўқув дастурлар яратиш ва амалда жорий этиш керак.

Масалан, Литва Республикасида 2006 йилда Илм ва таълим вазирлиги томонидан “Ўқув муассасаларида коррупцияга қарши таълим” номли умумий ва олий таълим муассасалари учун методологик тўплам нашр этилган. Литва Республикаси Коррупцияни қабул қилиш индексида (Corruption Perception Index) 2006 ва 2012 йиллар орасида 6 поғонага, яъни 46 дан 40 га кўтарилган.

Россия Федерациясида Санкт-Петербург Ижтимоий сиёсат қўмитаси томонидан 2015 йилда “Коррупцияга қарши таълим самарадорлиги ва талабаларнинг коррупцияга қарши дунёқарашини шакллантирилишини баҳолаш бўйича методик кўрсатмалар” ишлаб чиқилган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, уларга молиявий масалаларда мустақиллик бериш кўзда тутилган // <https://lex.uz/docs/4168749>

<sup>2</sup> <https://www.coe.int/en/web/corruption/-/manual-education-against-corruption->

Мазкур дастур коррупция қарши ўз муносабатига эга фуқаровий фаол шахсларни тарбиялашга қаратилган турли программалар, фанлар билан бойитилади. Шунингдек, Дастур демократик кадриятларни ҳурмат қилиш, ҳалоллик, ўз ҳаракати учун жавобгарлик, доимий ўзини такомиллаштириш, шунингдек, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий ислохотлар билан ҳамнафас бўлиш каби сифатларни ривожлантиришга хизмат қилиши лозим.

Дастурда коррупцияга қарши таълимнинг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Коррупция ҳодисасининг: моҳияти, сабаблари ва оқибатлари; Коррупцияга нисбатан муросасизликни тарғиб қилиш; Коррупцияга қарши кураш имкониятларини намоиш қилиш; Ўқув дастурига киритилган стандартларни амалга ошириш.

Шу билан бирга, юридик олий таълим муассасаларида 12.00.12 - Коррупция муаммолари ихтисослиги бўйича давлат техник лойиҳалари орқали илмий тадқиқот ва изланишлар самарадорлигини ошириш лозим.

Коррупцияга қарши кураш йўналиши бўйича илмий тадқиқот ва изланишларнинг амалий жиҳатларини мустаҳкамлаш ҳамда жорий этиш ҳудудлар кесими бўйича жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ишончимиз комилки, олий таълим соҳасини коррупциясиз соҳага айлантириш мумкин ва бунга тизимли ва қатъий чораларни қўллаш орқали эришса бўлади. Ушбу машаққатли вазифани амалга ошириш нафақат олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, балки абитуриентлар, талабалар, уларнинг ота-оналари, фуқаролик жамияти институтлари - барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, миллатнинг келажаги таълимга боғлиқ эканлиги очиқ-ойдин ҳақиқатдир.

## ПАНДЕМИЯ ВА БИЗНЕС

**ОҚЮЛОВ Омонбой,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
юримдик фанлар доктори,  
ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори

**Аннотация:** мазкур мақолада ҳозирги мамлакатимизда амал қилиб турган санитария-эпидемиологик вазиятда тадбиркорлик ва бизнесни, инвестицияларни ташкил этиш юзасидан янгича ёндошувлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, бу шароитда юзага келган мавжуд муаммо ва уларнинг илмий ечимларига оид масалалар ўрин олган.

**Аннотация:** в данной статье нашли отражение вопросы связанные с новыми подходами по созданию предпринимательства и бизнеса, инвестиций в санитарно-эпидемиологической ситуации действующей в стране, и их содержанием, проблемами возникшими в этих условиях, и их научными решениями.

**Abstract:** this article reflects issues related to new approaches to creating entrepreneurship and business, investments in the sanitary-epidemiological situation in the country, and their content, problems encountered in these conditions, and their scientific solutions.

**Таянч сўзлар:** пандемия, инсон ҳуқуқи, тадбиркорлик, бизнес, инвестиция, эркинлик, кафолат, форс-мажор, шартнома, мажбурият.

**Ключевые слова:** пандемия, жизнь человека, предпринимательство, бизнес, инвестиции, свобода, форс-мажор, договор, обязательство.

**Key words:** pandemic, human life, entrepreneurship, business, investment, freedom, force majeure, contract, commitment.

Бутун инсониятни нормал ҳаётига хавф солган, муайян маънода одатдаги турмуш тарзини издан чиқарган “Тожли вирус 19” пандемияси жамиятдаги ҳуқуқ-тартибот асосларига, фавқулодда шароитларда инсон ҳуқуқларини амал қилиш хусусиятларига, хусусан, тадбиркорлик ва бизнесни, инвестицияларни ташкил этиш масалаларига бошқача ёндашувлар орқали изоҳлаш заруриятини тақозо этди. Бунда ҳуқуқ тартиботдаги фавқулодда вазиятлар сабабли қўлланилаётган чоралар инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларни тадбиркорлик, инвестиция киритиши, бизнес юритиш орқали ёхуд меҳнат шартномаси орқали ўз тирикчилик манбаларига эга бўлиш имкониятларини муайян тарзда давлат томонидан ёки ихтиёрий тарзда чекланишига сабаб бўлди. Ҳар бир инсонни мулкдор бўлиш, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 17-моддаси 1-банди), ҳар бир ишлаётган одам унинг ўзи оиласи учун муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқларига эга. Ушбу ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ва намоён бўлиш хусусиятлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган

“Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт”да ўз ифодасини топган. Ушбу Пактнинг 6-7-моддаларида инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи орқали ўз фаровонлигини таъминлаш хусусиятлари ўз ифодасини топган. Пактнинг 11-моддасига кўра, ушбу пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади. Етарличи озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароитларини муттасил яхшиланиб бориши шулар жумласига киради. Албатта, кишилар ўз тирикчилик воситаларига эга бўлиши биринчи галда унинг ўзининг саъйи ҳаракатлари орқали амалга оширилади. Бу тадбиркорлик фаолияти, ўзини-ўзи банд қилиш ёхуд меҳнат шартномаси асосида фаолият юритиш бўлиши мумкин. Бироқ пандемия шароитида дунёдаги деярли барча давлатлар кишиларни эркин ҳаракатланишига таъқиқ қўйиб, ўз чегараларини ёпдилар. Мамлакат ичидаги ҳаракатлар ҳам жиддий чеклашларга дучор бўлди. Карантин ва ўзини ўзи яқкалаш (изоляция қилиш) чора-тадбирлари тизими жорий этилди. Бундай ҳолатлар моҳияти, зарурияти юрист мутахассислар, олимлар томонидан оммавий ахборот воситаларида бошқа илмий манбаларда таҳлил этилмоқда.<sup>1</sup>

Пандемия муносабати билан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳуқуқий майдонда амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси 29-моддасига кўра, ҳар бир инсон жамият олдида муайян мажбуриятларга эга ва шу мажбуриятларни бажариш орқали инсон шахси эркин ва тўла тўқис камол топиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ эркинликларини рўёбга чиқишида муайян чеклашларга дучор бўлиши мумкин, бундай чеклашлар қонун томонидан белгилаб қўйилган бўлади ҳамда ундан мақсад бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари зарур даражада тан олинishi ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ-одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги фаровонликнинг оқилона талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 12-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўз мамлакатини ҳудуди доирасида эркин кўчиб юриш ҳуқуқига ва яшаш жойини эркин танлаб олиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эгадир, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Юқорида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли сиҳат-саломатлигини ёки ахлоқ-одобини сақлаш учун, шунингдек бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно.

---

<sup>1</sup> Мирзаабдуллаева М.. Қонунчилик пандемияга тайёр эдимиз. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) 18.04.2020.

Р.Давлетов Коронавирус нималар ижтимоий ҳуқуқий жиҳатлар. [www.uza.uz](http://www.uza.uz) 14.04.2020.

Пандемию могут сделать основанием для освобождения для контракта. [www.interfax.ru](http://www.interfax.ru) 704397.

Иқтисодий ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 4-моддасига кўра инсон ҳуқуқи ва эркинликларини чеклашнинг доираси белгилаб қўйилган. Унга кўра мазкур пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш соҳасида шундай чеклашларни белгилаб қўйиши мумкинки, булар биринчидан, қонунда назарда тутилган бўлиши, иккинчидан, бу чеклашлар мазкур чекланаётган ҳуқуқларнинг табиатига уйғун бўлиши ва учинчидан, бундан кўзланган мақсад фақат демократик жамиятдаги умумий фаровонликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

А.Бурхоновнинг кўрсатишича, аҳолини ижтимоий фаоллик даражаси юқумли касалликлар тарқалиш даражасига ва эпидимиологик жараёнга ҳам бевосита ҳам бавосита таъсир қилади. Аҳолининг ижтимоий фаоллиги қанчалик юқори бўлса, юқумли касалликнинг тарқалиш жараёни ҳам шу қадар юқори бўлади. Шу сабабли ҳам у давлат томонидан жорий этилган чекловчи чоралар шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг бузиши тўғрисидаги нуқтаи назарни нотўғри деб ҳисоблайди. Бир шахс ҳуқуқининг чегараси иккинчи шахс ҳуқуқининг чегараси билан туташади. Эпидемия шароитида чекловчи чоралар қуёшқондан ташқари чиқмайди. Бундай вазиятда жамиятни сиҳат саломатлик ҳуқуқи устувор имтиёзга эга.<sup>1</sup>

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг 12-моддаси 3-бандида аҳоли сиҳат саломатлигини таъминлаш зарурияти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асоси сифатида белигилаб қўйилгани муаллифнинг мушоҳадалари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга таянишини кўришимиз мумкин. Бизнесменлар ва тадбиркорлар аҳолининг энг фаол қатлами ҳисобланади. Бежизга “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорликнинг асосий белгиларидан бири - бу ташаббускорлик эканлиги белгилаб қўйилмаган.<sup>2</sup> Бизнес – тадбиркорликнинг ижтимоий фаоллиги нафақат ишлаб чиқариш, хизмат кўсатиш, иш бажариш жараёнида, балки бизнесни ташкил этиш, бизнес партнёрлар ўртасидаги, бизнес ва давлат органлари ўртасидаги тизимли муносабатларда намоён бўлади.

Пандемия шароитида бизнесни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар бир неча қатламли муносабатлар тизимини ташкил этади. Биринчи қатламда давлат тадбиркор ўртасидаги муносабатлар, иккинчи қатламда бизнес партнёрлар ўртасидаги муносабатлар, учинчи қатламда тадбиркорнинг иш берувчи сифатида ходимлар билан муносабатлари рўй беради ва ниҳоят тўртинчи қатламда тадбиркорни ижтимоий индивид сифатида

<sup>1</sup> Бурхонов А. Приоритет не права личности а права на здоровее общество // [www.uza.uz](http://www.uza.uz) 21.04.2020.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни // <http://lex.uz/docs/31846>



социумда, яъни жамиятда турли ижтимоий субъектлар билан муносабатлар туркуми вужудга келади.

Давлат пандемия шароитида турли чекловчи чораларни жорий этар экан, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, заргарона аниқлик билан ҳаракат қилишга интилади. Рим ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири, агар муайян масалани ҳал қилишда ҳуқуқий тартибга солиш механизмини белгилашда албатта қандайдир манфаатлар ва ҳуқуқларга зарар етар экан, энг кам зарар етказиш тамойили асосида ёндашув мавжуд. Пандемия шароитида ҳам давлат модомики, тадбиркорлик, бизнесга пандемияга қарши кураш зарурияти билан зарар етказилиши тақозо этар экан, бунда энг кам зарар етказиш усули танлаб олинди. Мамлакат ичида ва мамлакатлараро юк ташиш тизимида дахл этилмаганлиги, ҳаётий зарурият ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолият юритганлиги, қишлоқ хўжалик соҳасидаги тадбирларни узилишларсиз амалга оширилаётганлиги бундан яққол далолат беради. Бироқ чекловчи чоралар барибир чекловчи чоралардир. Муайян соҳаларда фаолият вақтинча тўхтатилди. Банк молия тизимида тадбиркорлар учун муайян ноқулай вазиятлар вужудга келди. Давлат ўз ваколати доирасида тадбиркорлик субъектлари учун маънавий ёрдам, кредитлар ва субсидиялар тизимини яратди, буларнинг барчаси тадбиркор пандемия сабабли вужудга келадиган салбий оқибатларни юмшатишга қаратилгандир. Албатта давлат ресурслари ҳам бениҳоя эмас, давлат олдида турган энг муҳим вазифалардан бири пандемия шароитида аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш бу устувор вазифа ҳисобланади. Тадбиркорлик ўз моҳиятига кўра таваккалчиликка асосланган фаолият. Тадбиркор ҳам, инвестор ҳам, ўз лойиҳасини амалга оширишда таваккал қилишга мажбур. Чунки лойиҳани муваффақиятли чиқиши нафақат тадбиркор - инвесторнинг уддабуронлигига, балки бошқа жуда кўп омилларга боғлиқ. Таваккалчилик оқибатлари тадбиркор ва инвестор зиммасига тушади. Шу маънода олганда тадбиркор аҳолининг ночор қатламига нибатан давлат ёрдамига кўз тикишда устуворлик даъво қила олмайди. Бироқ бундан давлат тадбиркорга ёрдам кўрсатмаса ҳам бўлаверади деган маъно келиб чиқмайди. Чунки тадбиркорлик ва инвестиция иқтисодиётнинг асоси ва охир оқибатда мамлакат фаровонлигининг негизи бўлиб ҳисобланади.

Пандемия тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий мажбуриятлар ижросига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш вақтинча тўхтатилган корхоналар ўз мажбуриятларини бажара олмадилар. Пандемия ва шартномавий мажбуриятлар масаласи бўйича ижтимоий тармоқларда материаллар эълон қилиниш бошланди.<sup>1</sup>

Россия Олий суди томонидан “Коронавирус” талқинлари: даъво муддати ва форс мажор лойиҳаси эълон қилинди.<sup>2</sup> Унга кўра пандемия

<sup>1</sup> Пандемия могут сделать основанием для освобождения для контракта. [www.interfax.ru](http://www.interfax.ru) 704397

<sup>2</sup> Pravo.ru/news/220665

барча тоифадаги қарздорлар учун энгиб бўлмайдиган кучни универсал ҳолати сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Форс мажорнинг мавжудлиги ҳар бир муайян ишдаги ҳолатларни аниқлаш билан белгиланиши лозим. Бунда мажбуриятни ижро этиш муддати, ижро этилмаган мажбуриятнинг характери, қарздор ҳаракатларининг оқилоналиги ва инсофлилиги аниқланиши лозим. Пандемияни энгиб бўлмайдиган куч сифатида мажбуриятни ижросини амалга оширишга тўсқинлик қилишини кўрсатаётган тараф ўз мажбуриятларини бажариш учун ва форс мажор оқибатлари келтириб чиқаришини камайтириш учун барча оқилона чораларни кўрганлигини асослаши шарт. Пандемия форс мажор ҳолати сифатида мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатида қўлланишидан манфатдор тараф қўйидагиларни исботлаб бериши шарт:

- энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлиги;
- вужудга келган энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари билан мажбуриятни ижро этиб бўлмаслик ёки кечиктириб ижро этиш ўртасида бевосита сабаб оқибатнинг мавжудлиги;
- тегишли томонни энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини вужудга келишига алоқадор эмаслиги ва ушбу тарафни эҳтиётсизлиги энгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини вужудга келишига олиб келмаганлиги;
- тегишли тараф томонидан инсофли равишда келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-ҳатарларни олдини олиш ёки минималлаштириш чораларини кўрилганлиги;

Ушбу лойиҳада талқин этилаётган ҳолатлардан яна бири карантин даврида корхонада иш тўхтатилган давр мажбурият ижроси муддатини ўзгартириш учун асос бўлиши тўғрисидаги хулосадир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 333-моддаси учинчи қисмига кўра башарти қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс мажор) туфайли бўлганлигини исботлай олмаса жавобгар бўлади.

Форс мажор ҳолатининг моҳияти шундаки, энгиб, бўлмайдиган куч тўсатдан пайдо бўлади ва қарздор инсофли асосда қарши турса ҳам мажбуриятни бажаришга имкон топа олмайди. Одатда форс мажор ҳолатлари табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги забастовка кўринишидаги конфликтлар, давлат ҳокимият ва идора органларини қонуний ёхуд ғайриқонуний ҳаракатлари ҳисобланади. Пандемияни форс мажор деб ҳисоблаш учун уни табиий офат характерида эканлиги ва унга қарши туриш учун давлат ваколатли орган

томонидан карантин, ўзини-ўзини чеклаш, вақтинчалик ишни тўхтатиш чоралари кўрилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (covid-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги 08-сонли қарорида Фуқаролик кодекси 333-моддаси (мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари)нинг учинчи қисмига асосан башарти қонунда ёки шартномада бошқача назарда тутилган бўлмаса тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганини исботлай олмаса жавобгар бўлади деб кўрсатилди.<sup>1</sup> Пленум қарорида тушунтириш берилишича, шу муносабат билан судлар мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўришда (неустойка ундириш, зараларни қоплаш, шартномани бекор қилиш ва бошқалар) мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқлаши, агар мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш карантин шартлари жорий этилиши туфайли мумкин бўлмаганлигини аниқланганда талабни қаноатлантиришни рад этиш лозим. Шу билан бирга карантин шартлари даврида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкони бўлмаган ҳолда, судлар ҳар қандай процессуал муддатларни узрли сабабларга кўра ўтказилган муддат сифатида қонунда белгиланган тартибда тиклаш масаласини ҳал этиши зарур. Агар карантин даъво муддатининг охириги олти ойида жорий этилган ёки амал қилишни давом эттириб турган бўлса, даъво муддатининг ўтиши тўхталади. Даъво муддатининг тўхтатиб турилишига асос бўлган карантин барҳам топган кундан бошлаб даъво муддатининг ўтиши давом этади, бунда муддатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво муддати олти ойдан кам бўлса даъво муддатига қадар узайтирилади. Пленум қарорида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коронавирус пандемиясида аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли Фармони қоидаларини инобатга олган ҳолда, агар 2020 йил 1 октябрга қадар бўлган давр мобайнида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги ишларни кўришда қарздор томонидан кредит бўйича тўловлар карантиннинг амал қилиш даврида молиявий қийинчиликларга дуч келганлиги сабабли кечиктирилганлиги ва шу сабабли қарздор

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекцияси (covid-19) тарқалишининг олдини олишга қаратилган чоралар жорий этилиши муносабати билан қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги 08-сонли қарори // <http://lex.uz/docs/4805217>

кечиктириш ҳуқуқига эга эканлиги аниқланганда, арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилиши лозимлиги судларга тушунтирилди. Бундай қарор жорий этилган карантин режими қарздорларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлиги аниқланганда қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига жарима санкцияларини ундириш ва ундирувни гаров таъминотига қаратиш ҳақидаги даъволар бўйича ҳам қабул қилиниши белгиланганди.

Пандемия нафақат форс-мажор ҳолати, балки вазиятни жиддий ўзгаришига ҳам асос бўлиши мумкин. ФКнинг 383-моддасида вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асос сифатида белгилаб қўйилган.

Шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада назарда тутилган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан англашилмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши унинг жиддий ўзгариши ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани жиддий ўзгарган вазиятга мувофиқлаштириш ёки уни бекор қилиш ҳақида келиша олмаган бўлсалар, шартнома манфаатдор тарафнинг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши, ФКнинг 383-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра эса — ўзгартирилиши мумкин, агар айни вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлса:

1) шартномани тузиш пайтида тарафлар вазиятда бундай ўзгариш юз бермайди, деб ҳисоблаган бўлсалар;

2) вазиятнинг ўзгаришини келтириб чиқарган сабабларни, улар пайдо бўлганидан кейин манфаатдор тараф шартноманинг хусусиятига ва муомала шартларига кўра ўзидан талаб қилинадиган даражада виждонийлик ва эҳтиёткорлик қилган бўлишига қарамай, бу сабабларни енга олмаган бўлса;

3) шартномани унинг шартларини ўзгартирмасдан бажариш тарафлар мулкӣ манфаатларининг шартномага мос келадиган нисбатини бузса ва манфаатдор тарафга зарар етказса, натижада улар шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўлсалар;

4) иш муомаласи одатларидан ёки шартноманинг моҳиятидан вазиятнинг ўзгариши хавфига манфаатдор тараф учраши кераклиги англашилмаса.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши оқибатида шартнома бекор қилинганда суд ҳар қандай тараф талаби билан шартномани бекор қилиш оқибатларини аниқлашда тарафларнинг ушбу шартномани бажариш

билан боғлиқ харажатларини улар ўртасида адолатли тақсимлаш зарурлигига асосланади.

Вазиятнинг жиддий ўзгариши муносабати билан шартноманинг ўзгартирилишига шартномани бекор қилиш ижтимоий манфаатларга зид бўлган ёки тарафларга шартномани суд томонидан ўзгартирилган шартлар асосида бажариш учун талаб қилинадиган харажатлардан анча ортиқ зарар келтирадиган фавқулодда ҳолларда суд қарори билан йўл қўйилади.

Ушбу моддани қўллаш хусусиятлари бўйича Қ.Мехмонов фикр мулоҳазалари диққатга сазовордир. Масалан, деб ёзади Қ.Мехмонов, пандемиягача бўлган вақтда МЧЖ ва савдо комплекси ўртасида ижара шартномаси тузилган пандемия сабабли комплекснинг саноат моллари, кийим-кечаклар сотиладиган секциялари ўз фаолиятини тўхтади. Бироқ озиқ-овқат, дори-дармон сотиладиган секциялар ўз фаолиятини давом эттирди. Озиқ-овқат, дори-дармон соҳасида пандемия вазиятни жиддий ўзгартиргани йўқ. Бироқ, саноат товарлари ва кийим-кечаклар соҳасида савдо сотиқ тўхтатилди. Бинобарин, бу соҳада вазият жиддий ўзгарди ва ФКнинг 383-моддасини қўллаш учун жиддий асослар мавжуд.<sup>1</sup>

Форс мажор ҳолатлари турли мамлакатларда қонун ҳужжатларида ёхуд иш муомиласи одатларида ўз ифодасини топган. Масалан, АҚШнинг бирхиллаштирилган тижорат Кодексида форс-мажор вужудга келиши асосларини а) ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш б) табиат ҳодисалари таъсири в) ёнғинлар, сув тошқини, урушлар, сабатажлар, бахтсиз ҳодисалар, меҳнат низолари, хом ашёлар, материаллар ёки қурилмалардаги камчиликлар ёки уларни ўз вақтида етказиб бермаслик ёхуд вужудга келиши тарафларнинг назоратидан ташқари бўлган ҳар қандай бошқа ҳолатлар натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳисобланади.<sup>2</sup> Бироқ ФКнинг 333-моддаси учинчи қисмига кўра учинчи шахслар томонидан мажбуриятларни бузилиши мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги форс-мажор сифатида қаралмайди. Бунинг устига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 15 февралдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Ёнғиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш тўғрисидаги” Низомда форс-мажор ҳолатлари доираси қисқартирилган ҳолда талқин этилади. Унга кўра форс-мажор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган, томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни таъқиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда ташқи савдо битимлари (шартномалар) ва халқаро шартномалар бўйича томонларга қабул қилган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда,

<sup>1</sup> Kun.uz.//1988

<sup>2</sup> Uniforms Laws Annotated. Vol. 4. Uniform Commercial Code. Forms and Materials, p. 195.

олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир. Бунда форс-мажор ҳолатлари ташқи савдо битимлари ва халқаро шартномалар доираси билан чекланмоқда. Тўғри, ФКнинг 333-моддаси форс-мажорни ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий мажбурият бўйича жорий этмоқда. Бунда асосий шарт энгиб бўлмайдиган куч ва фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган шароит ҳисобланади. Форс-мажор ҳолатлари бўйича энг батафсил тушунтириш бу Халқаро Савдо Палатаси томонидан таклиф этилган форс-мажор ва мушкул вазиятлар (hardship) писандаси ҳисобланади. Амалиётда ушбу писанда тарафлар томонидан унга нисбатан бевосита ҳавола тарзида ҳам ёхуд шартномаларда янада конкретлаштирилган ҳолда баён этиш ҳолатлари орқали ҳам қўлланади. Халқаро Савдо Палатаси томонидан таклиф этилган писандада мажбуриятни бажаришдан озод этиш учун асос сифатида қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги белгиланган:

мажбуриятни бажармаслик тарафлар назоратидан ташқарида бўлган тўсқинликлар натижаси бўлиши лозим;

тарафлар шартнома тузаётганда бундай тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдиндан кўра олмаганликлари оқилоналик талаби асосида белгиланиши лозим;

қарздор инсофли асосда ҳаракат қилган ҳолда ушбу тўсқинликлар ва унинг оқибатларини олдини олиш ёки бартараф этиш имконияти бўлмаслиги лозим.

Писандада тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатларни очиқ рўйхати келтирилади. Писандаларни қўллашнинг яна бир муҳим асоси бу шартномада қарздор тўсқинликларни вужудга келтирувчи ҳолатлар бўйича таваккалчилик хавф-ҳатарини ўз зиммасига олмаганлик ҳисобланади. Агарда у шартномада ўз шеригини, инвесторни, кредиторни ишонтириш учун муайян ҳолатлар бўйича таваккалчилик ҳолатини ўз зиммасига олган бўлса форс-мажор писандасини қўллашнинг талаб эта олмайди, чунки бу писандани қўллаш императив эмас диспозитив норма асосида белгиланади. ФКнинг 333-моддасида ҳам форс-мажорни белгиловчи норма диспозитив характерга эга. Форс-мажор писандасини қўллаш асосларидан яна бири бўлиб, тўсқинликлар таъсирига дучор бўлган тараф бундай вазиятга дуч келиши билан дарҳол бошқа тарафни хабардор қилиши шarti ҳисобланади. Агарда хабардор қилиш кечиктирилса, бу ҳолда хабардор қилинган пайтдан бошлаб форс-мажор писандасини қўллаш мумкин бўлади, хабардор қилмаслик эса хабардор қилиниши сабабли олдини олиш мумкин бўлган зарарларни қоплаш мажбуриятини хабардор қилмаган томон зиммасига юклаш ҳуқуқини беради. Форс-мажор писандасининг қоидаларидан яна бири шуки, писанда бўйича мажбуриятни бажара олмаган қарздор зарарни қоплаш, жарималар тўлаш ва шартнома бўйича бошқа санкцияларни қўлланишдан озод бўлади бироқ, пул мажбуриятлари бўйича йиллик фоизларни тўлаш мажбурияти бундан мустасно. Форс-мажор орқали мажбуриятни

базармаганлик учун жавобгарликдан озод этиш оқилона муддатга мажбурият ижросини кечиктиради ва шу муддат давомида бошқа томон шартномадан воз кечиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бу эса шартномавий муносабатларни сақлаб қолишга имкон беради. Ҳар бир тараф шартномавий муносабатларни бекор бўлгунга қадар бажарилиши натижасида олинган нарсаларни сақлаб қолиши мумкин. Ҳар бир тараф бундай бажариш натижасида ҳар қандай асоссиз бойиш бўйича бошқа томонга ҳисобот бериши шарт. Молиявий ҳисоб китоблар бўйича тўловлар кечиктирилмасдан амалга оширилиши лозим.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларига форс-мажор ҳолатини юридик фактини тасдиқлаш бўйича далил исботлар тўплашда ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, форс-мажор ҳолати тўғрисида сертификатни расмийлаштириш учун Савдо саноат палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

а) муружат қилиш сабаблари ва асослари батафсил кўрсатилган ариза;

б) шартнома нусхаси ва иловалари;

в) аризачи ҳуқуқини белгиловчи ва рўйхатга олиш ҳужжатлари;

г) ваколатли органлар ҳужжатлари. Шу жумладан давлат органларининг таъқиқловчи ва чекловчи чоралари, ариза берувчи аризада форс-мажор ҳолати сифатида ҳавола қилган ҳодисани тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.<sup>2</sup>

Баъзи адабиётларда кенг тарқалган форс-мажор ҳақида бир хато фикр тўғрисида тўхтаб ўтиш лозим. Бунга кўра гўёки форс-мажор зарар ва зиёнларни тақсимлаш бўйича “статус-кво” ҳолатини келтириб чиқаради, яъни қандай бўлса шундай қолсин. Бунинг моҳияти шуки, форс-мажор ҳолатида ким қандай зарар кўрса, ўша зарар унда амалда қолади. Контрагентга ҳеч қандай қоплаш ҳақида талаб қўя олмайди. Бундай фикр хато эканлигини Еврокомиссия томонидан қабул қилинган қарор яққол кўрсатди. Еврокомиссия пандемия сабабли самолёт парвозлари бекор қилингани учун билетлар пулини қайтариш ёки уларни ваучерлаштириш мажбуриятини авиакомпаниялар зиммасига юклади.<sup>3</sup> Демак, форс-мажор ҳеч қачон асоссиз бойишга хизмат қилмаслиги лозим.

Пандемия форс-мажорнинг ҳуқуқий асослари бўйича ҳам турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Фикримизча, форс-мажор ҳолати давлатларнинг қонунлари билан эмас, иш муомиласи одатлари билан тартибга солинмоғи лозим. Ҳозирги кўпчилик амалиётда форс-мажор бўйича Халқаро Савдо саноат палатаси тавсиялари бундай вазифани бажармоқда. Давлат форс-мажорни ҳуқуқий тартибга солиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки, давлатнинг ўзи форс-мажорни вужудга келтирувчи

<sup>1</sup> А.С.Комаров. Ответственность в коммерческом обороте. Москва. Юридическое литературное издание. 1991 г. 76-78-бетлар.

<sup>2</sup> Пандемия шароитида форс мажор. Газета уз. 5 май 2020 йил.

<sup>3</sup> Evronews. 13.05.2020. соат 11:40.

катта гуруҳдаги ҳаракаларни содир этади. Айни пайтда, ФКнинг янги лойиҳасида 382-моддасида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асосларини белгилашда форс-мажорга нисбатан амалдаги ФК 333-моддасидан фарқли равишда нормалар белгиланган. Биринчидан, форс-мажор мажбуриятни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос эмас, балки мажбуриятни бажармаган қарздорни айбсиз эканлигини белгиловчи асосдир. Иккинчидан, форс-мажор ҳолатлари нафақат тадбиркорлик муносабатларига, балки нотадбиркорлик муносабатларига ҳам мажбуриятни бажармаган қарздор учун айбсизлигини белгиловчи ҳолат ҳисобланади. Фикримизча, тадбиркорлик субъекти ва нотадбиркорлик субъекти ҳуқуқий ҳолати бўйича кескин фарқ қилади. Тадбиркорлик фаолияти таваккалчиликка асосланган фаолият, бинобарин унинг жавобгарлик даражаси юқори ва ҳар иккала ҳолатни бир хил қарич билан ўлчаш адолатдан эмас. Форс-мажор шарт диспозитив шарт. Тарафлар уни эътиборга олмасликлари ҳам мумкин. Баъзи ҳолларда инвесторларга кафолат бериш учун инвестиция қабул қилувчи томон форс-мажор ҳолати бўйича зарарларни ўз зиммасига олади. Шу сабабли ҳам ФКнинг амалдаги конструкциясини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир.

Пандемия ва бизнес муносабатларини қисқа муддатли жараёнини кузатиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

**Биринчидан**, давлат пандемия шароитида тўлиқ ҳуқуқий майдонда ҳаракат қилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳуқуқий режим белгилади, фавқулотда чекловчи чоралар оқибатларини юмшатиш учун давлат ўз ваколат доирасида бизнес учун қатор енгилликлар, имтиёзлар жорий этди, субсидиялар, солиқ таътили ва шу каби преференциялар тизимини қўллади. Айни пайтда бизнес ҳам пандемия туфайли вужудга келган шарт шароитлардан суистеъмол мақсадларда фойдаланишдан ўзини тийди (товарлар нархини кескин оширишдан).

**Иккинчидан**, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларга пандемия таъсирининг ҳуқуқий майдонга кўчириш механизми яратилмоқда. Бу форс-мажор оқибатларини қўллаш, вазиятни жиддий ўзгариши муносабати билан шартнома шартларини ўзгартириш, шартномавий мажбуриятлар ижросини кечиктириш ва шу каби ҳолатларни қўллаш бўйича ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётини шаклланиш жараёнида намоён бўлмоқда. Агар келгусида ҳам тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ушбу механизм асосида вужудга келган ҳуқуқий майдонда амалга оширилса, пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича янги ҳуқуқ тартибот тизими вужудга келишини башорат қилиш мумкин. Бу эса мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция жозибадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.



## ПОДГОТОВКА ГРАЖДАНСКИХ ДЕЛ К СУДЕБНОМУ РАЗБИРАТЕЛЬСТВУ: НОВОВВЕДЕНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

**МАМАСИДДИҚОВ Музаффаржон Мусажонович,**  
доктор юридических наук, профессор,  
начальник центра Академии Генеральной  
прокуратуры Республики Узбекистан

**МАРИПОВА Севархон Арипджановна,**  
Доцент, заведующий кафедры Центра  
повышения квалификации юристов при  
Министерства юстиции Республики Узбекистан

**Аннотация:** данная статья включает в себя особенности подготовки гражданского дела к судебному процессу, нововведение по данной тематике в законодательстве, проблемы правоприменительной практики, анализ законодательства зарубежных стран, а также, выводы, направленные на совершенствования национального законодательства.

**Аннотация:** мазкур мақолада фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, бу борада қонунчиликка киритилган янгилликлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили ҳамда миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган ҳулосалар ўрин олган.

**Abstract:** This article includes peculiar features of preparing a civil case for a lawsuit, innovation on this subject in the legislation, problems of law enforcement in practice, analysis of the law of foreign countries, as well as conclusions aimed at improving the national legislation.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, задачи подготовки дела к судебному разбирательству, мировое соглашение, первоначальное судебное заседание, процессуальные механизмы, совершенствование.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик процесси, ишни судда кўришга тайёрлаш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вазифалари, келишув битими, дастлабки суд мажлиси, процессуал механизмлар, такомиллаштириш.

**Key words:** civil procedure, the tasks of preparing the case for trial, the settlement agreement, the initial court hearing, procedural mechanisms, perfection.

Для обеспечения своевременного и надлежащего рассмотрения и урегулирования гражданских дел подготовка дел к рассмотрению суда является самостоятельным шагом суда первой инстанции, который включает в себя комплекс процессуальных действий и лиц, участвующих в деле.

В случае не рассмотрения дела в судебном разбирательстве суд может не в полной мере определить обстоятельства, имеющие значение для дела, и, как следствие, решение суда может быть отменено. В юридической литературе качество, быстрота и точность рассмотрение дела в гражданском судопроизводстве во многом зависит от подготовки

гражданских дел к судебному разбирательству, и в работе судьи не должно быть недостатков.<sup>1</sup>, даже если апелляция и кассационная инстанция установит, что суд первой инстанции не подготовил дело к рассмотрению и решение этого суда было отменено.<sup>2</sup>

Подготовка дела к судебному разбирательству является основой всех судебных разбирательств. Окончательный результат испытания во многом зависит от качества этого этапа. Анализ процессуальной деятельности судьи и участников процесса подготовки дела к судебному разбирательству показывает, что в этом процессе, прежде всего, необходимо строго придерживаться принципа состязательности и равенства сторон. В процессе подготовки дела к судебному разбирательству они представляют суду факты, обосновывающие их требования и возражения, а также другие факты, имеющие отношение к надлежащему разрешению спора. Объем и сфера документов, представляемых в суд, определяются самими сторонами. Закон не устанавливает обязанность сторон представлять доказательства в суде по делу. Рассмотрение гражданского дела во многом также зависит от того, какая из сторон эффективно использует предоставленные ему возможности при подготовке дела к судебному разбирательству, в частности, путем дачи показаний. Вот почему Е.Н.Губина признает, необходимость оценки деятельности подготовки дела к судебному разбирательству не только судьей, но и сторонами. Действительно, подготовка дела к судебному разбирательству - это возможность, предоставленная сторонам. Если сторона на данном этапе не активна, она не сможет собирать доказательства, имеющие отношение к делу, и уменьшать свои шансы на успех в суде.

Если посмотреть на историю института по подготовке дела, Гражданский процессуальный кодекс Узбекистана, принятый в 1927 году, конкретно не определяет дело в качестве обязательного этапа гражданского судопроизводства. Он предоставляет судам возможность собрать доказательства, относящиеся к делу, когда это необходимо для дела, и по требованию истца (в этом случае ответчик не возражает против этого). Гражданский процессуальный кодекс Узбекистана от 1964 года не содержал требования о подготовке гражданского дела к судебному разбирательству.<sup>3</sup> Статья 158 Гражданско-процессуального кодекса Республики Узбекистан 1997 года (далее - ГПК) устанавливает правило, согласно которому судья принимает дело и подает гражданское дело для своевременного и надлежащего рассмотрения и вынесения решения.<sup>4</sup> То же самое отражено в новом Гражданском

---

<sup>1</sup> Шорахметов Ш.Ш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. -Тошкент: Адолат, 2001, -199 б.

<sup>2</sup> Губина Е.Н. О некоторых вопросах, возникающих при подготовке гражданского дела к судебному разбирательству // Юридический аналитический журнал. 2005, № 3-4. (15-16) - 109 с.

<sup>3</sup> Гражданский Кодекс Узбекского ССР. Гражданско-процессуальный кодекс Узбекского ССР (с последними изменениями и дополнениями от 1 января 1986 года). -Т.: "Узбекистан". 1986. - С. 456.

<sup>4</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Узбекистан. <http://lex.uz/docs/186105>.

процессуальном кодексе Республики Узбекистан, который вступил в силу 1 апреля 2018 года. Однако это положение непосредственно не устанавливает обязательную фазу подготовки для каждого гражданского дела.

Пункт 1 Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 26 от 24 августа 2018 года «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству» предусматривает что подготовка гражданских дел к судебному разбирательству является самостоятельной стадией гражданского процесса, имеющей целью обеспечить их правильное и своевременное рассмотрение и разрешение, и обязательной по всем делам искового и особого производства.<sup>1</sup>

Очевидно, что гражданско-процессуальное законодательство некоторых государств-участников СНГ предусматривает обязательство по подготовке дела к судебному разбирательству. В частности, статья 147 ГПК Российской Федерации предусматривает, что подготовка дела к судебному разбирательству является обязательной для любого гражданского дела,<sup>2</sup> а статья 163 ГПК Казахстана предусматривает, обязательство подготовке дело к судебному разбирательству.<sup>3</sup>

Принимая во внимание важность своевременного и законного рассмотрения гражданских дел, подготовка дела к судебному разбирательству была бы уместной в Гражданском процессуальном кодексе нашей страны ввести норму обязательной подготовки каждого гражданского дела.

После принятия заявления и вынесения определения о возбуждении дела судья производит подготовку дела к судебному разбирательству с целью обеспечения своевременного и правильного рассмотрения и разрешения дела.

Задачами подготовки дела к судебному разбирательству являются:

- определение правоотношений сторон и закона, которым следует руководствоваться;
- уточнение фактов, обосновывающих требования и возражения сторон, а также иных фактов, имеющих значение для правильного разрешения спора;
- определение круга доказательств, необходимых для разрешения дела, и обеспечение их своевременного представления к судебному заседанию;
- разрешение вопроса о возможном составе лиц, участвующих в деле;

---

<sup>1</sup> Постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан № 26 от 24 августа 2018 года «О подготовке гражданских дел к судебному разбирательству» п. 1. // <http://lex.uz/docs/3897694>

<sup>2</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 26.07.2019) (с изм. и доп., вступ. в силу с 06.08.2019) [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru)

<sup>3</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2019 г.) <http://online.zakon.kz>

- представление необходимых доказательств сторонами, другими лицами, участвующими в деле;
- примирение сторон(ссылка).

Следует отметить, что, новый Гражданский процессуальный кодекс предусматривает задачу примирения сторон в подготовке дела к судебному разбирательству. Поэтому примирение сторон играет важную роль в подготовке дела к судебному разбирательству. Однако анализ нового Гражданско-процессуального кодекса показывает, что процедурные механизмы для полного осуществления этой относительно новой и важной задачи подготовки дела к судебному разбирательству не были полностью установлены. Новый Гражданский процессуальный кодекс не содержит каких-либо новых положений об этой задаче на этапе подготовки дела к судебному разбирательству. Напротив, новый Гражданский процессуальный кодекс, который не пользовался в судебной практике, осуществление данной задачи называется «Допрос сторон при подготовке дела». Кроме того, новый Гражданский процессуальный кодекс устанавливает, что судья может при необходимости допросить стороны для подготовки дела к судебному разбирательству (статья 203 Гражданского процессуального кодекса).

В связи с этим гражданское процессуальное законодательство других государств было проанализировано с точки зрения процессуальных механизмов, которые служат для примирения сторон с задачей подготовки дела к судебному разбирательству. Анализ показывает, что законодательство большинства стран в этой области предоставляет четкие процедурные механизмы для примирения сторон на данном этапе. Например, Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации содержит положения о процессуальных действиях не только судьей, но и сторонами и их представителями. В частности, в части первой статьи 149 настоящего Кодекса при подготовке дела к судебному разбирательству истец или его представитель представляют ответчику копию доказательств, составляющих основу иска, и просят суд запросить существенные доказательства по делу. В свою очередь, ответчик или его представитель на данном этапе определяет требования истца и фактическую основу этих требований, представляет свои возражения и аргументы в обоснование претензии истцу или его представителю и суду, а также ходатайствует об изъятии вещественных доказательств, имеющих отношение к делу, которые не могут быть получены самостоятельно без помощи суда. Фактически, тот факт, что эти действия происходят во время судебного разбирательства, вероятно, судебное разбирательство по рассмотрению дела продлится.

Статья 166 Гражданского процессуального кодекса Республики Казахстан устанавливает порядок подачи письменного заключения по иску на этапе подготовки дела к судебному разбирательству. В нем

говорится, что ответчик представит в суд письменное заявления, приложенное к документам, подтверждающим его возражения против иска, и судья в течение трех рабочих дней направит истцу и другим сторонам по делу письменный ответ на иск и копии прилагаемых документов. Письменный ответ предоставляется ответчиком в суд не позднее чем через десять рабочих дней со дня получения копии жалобы.

Порядок предоставления ответчиком письменного ответа на требование истца при подготовке дела к судебному разбирательству предусмотрен статьей 191 Гражданского процессуального кодекса Украины.<sup>1</sup>

Статья 156 Экономического процессуального кодекса Республики Узбекистан предусматривает что лицо, участвующее в деле, в срок не позднее двадцати дней со дня вынесения определения о подготовке дела к судебному разбирательству, обеспечивающий поступление отзыва ко дню рассмотрения дела, вправе направить суду отзыв на исковое заявление с приложением документов, подтверждающих возражения против иска и доказательства направления другим лицам, участвующим в деле, копии отзыва и документов, которые у них отсутствуют.<sup>2</sup>

Следует отметить, что процессуальные действия, предпринятые сторонами и их представителями при подготовке дела к судебному разбирательству, и определение ответа ответчика на иск истца служат примирению сторон, что является важной задачей подготовки дела к судебному разбирательству. Следовательно, сторонам разрешается обмениваться документами, иметь подробную информацию о взаимных претензиях и возражениях и иметь четкие процедурные механизмы для осуществления этих действий, особенно через своих представителей, до начала судебного разбирательства и, наконец, путем заключения миро-вого соглашения на стадии подготовки дела к судебному разбирательству.

Одним из процессуальных механизмов примирения сторон на этапе подготовки дела к судебному разбирательству является предварительное слушание на этом этапе. Следует отметить, что процедура примирения сторон до начала судебного разбирательства уже много лет практикуется в процессуальном законодательстве зарубежных стран. Например, судебные разбирательства, направленные на примирение сторон, существуют во французском законодательстве с 19-го века до настоящего времени. Гражданский процессуальный закон Франции (новая статья 829 Конституции Франции) устанавливает обязательную процедуру вызова сторон в суд до примирения, и дело рассматривается в суде, если примирение невозможно.

---

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Украины // [kodeksy.com.ua](http://kodeksy.com.ua)

<sup>2</sup> Экономический процессуальный кодекс Республики Узбекистан // <http://lex.uz/docs/3523891>

В австрийском гражданском процессе также предусмотрена процедура примирения сторон до суда. Согласно этому, первый этап начинается после принятия иска судом. Этот этап является предварительным слушанием дела одним судьей, который позволяет избежать споров между сторонами и имеет целью определить, может ли спор быть разрешен по взаимному согласию сторон до судебного разбирательства.

Некоторые ученые-юристы, в том числе Б.Н. Лапин и Н.А. Чечина, предлагают провести слушание с адвокатами сторон по примирению при подготовке дела к судебному разбирательству.<sup>1</sup>

В этой связи целесообразно выделить некоторые позитивные аспекты гражданского процессуального законодательства в некоторых странах, когда речь идет об эффективном примирении при подготовке дела к судебному разбирательству.

Этот институт, который на протяжении многих лет совершенствовался и развивался в гражданско-процессуальном законодательстве развитых стран, отражен в Гражданском процессуальном кодексе таких стран, как Россия, Казахстан, Украина и Кыргызстан. В частности, в соответствии со статьей 152 Гражданского процессуального кодекса Российской Федерации «Предварительное слушание» является неотъемлемой частью подготовки дела к судебному разбирательству и направлено на процессуальное усиление действий сторон. В процессе суд определяет обстоятельства, необходимые для разрешения по существу гражданского дела, и достаточность доказательств по делу, а также рассматривает вопросы, касающиеся задержек в апелляции. Предварительное слушание типично для судебных дел с участием обеих сторон - истца и ответчика. Стороны должны быть надлежащим образом уведомлены о времени и месте досудебного разбирательства. Они пользуются теми же процессуальными правами, что и доказательства в ходе судебного разбирательства, подачи аргументов, подачи ходатайств. Протокол досудебного слушания должен быть записан, и все важные аспекты судебного разбирательства должны быть отражены.

Гражданский процессуальный кодекс Украины отличается относительно подробным регулированием подготовки дела к судебному разбирательству. Например, в этом Кодексе содержится ряд статей, касающихся подготовительного собрания, в которых указываются цель и сроки подготовительного собрания, процедурные действия, предпринятые судьей на подготовительном собрании, порядок проведения подготовительного собрания и решения, принятые судом.

Подводя итог, можно сказать, что подготовка гражданских дел к судебному разбирательству является поверхностной или что

---

<sup>1</sup>Лапин Б.Н., Чечина Н.А. О проблемах реформирования гражданского в странах Содружества Независимых Государств // Правоведение. 2000. № 4. -140 с.

неспособность сделать это обычно приводит к отмене решений вышестоящими судами. Следовательно, совершенствование процедурных механизмов подготовки дела к судебному разбирательству и его функций не только экономит судебные издержки, но и выявляет факты, важные для дела, а также влияет на своевременные рассмотрения дела и защиту прав и законных интересов граждан, это в свою очередь повысит эффективность работы подразделений органов и, в конечном итоге, повысит доверие общественности к правосудию.

## СПОРТГА ОИД МУНОСАБАТЛАР СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АЙРИМ ФАОЛИЯТИНИ ШАРТНОМАВИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**РАХМАТОВ Анвар Исломович,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази директори

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги спорт соҳасидаги шартномалар билан боғлиқ нормалар таҳлил қилинган, шунингдек бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишлари ўрганилган. Спортчи, спорт соҳасининг бошқа субъектларининг ўзаро муносабатларида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш юзасидан шартномавий-ҳуқуқий ишларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Аннотация:** в статье выполнен анализ норм законодательства Республики Узбекистан, касающихся договорных правоотношений в области спорта, также исследованы научные труды учёных-юристов в этой области. Внесены предложения по дальнейшему совершенствованию договорной и правовой работы для предотвращения проблем, которые могут возникнуть в отношениях между спортсменом и другими субъектами спортивных правоотношений.

**Abstract:** The objective - to study academic publications in order to ascertain a state of labor relations of professional training for specialists in the field of physical education and sports. Modern economy requires novel professionals which necessitated a radical change in approaches to their work. The problems in the labor relations of trainers and athletes of Uzbekistan are considered. Legal aspects of labor relations in other countries. Examples from foreign labor codes and their comparison with the Labor Code of Uzbekistan. Proposals to the draft Labor Code of the Republic of Uzbekistan have been submitted in the field of labor relations of trainers and athletes.

**Калит сўзлар:** Спорт, спортчи, спорт муносабатлари, спорт муносабатларининг субъектлари, спорт клублари, спорт шартномаси, терма жамоа, спорт мусобоқаси.

**Ключевые слова:** спорт, спортсмен, спортивные правоотношения, субъекты спортивных правоотношений, спортивные клубы, спортивный договор, сборная команда, спортивное соревнование.

**Key words:** physical culture and sport, labor relations, labor contract, Labor Code, sports activity in Uzbekistan.

Ўзбекистонда ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш, ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида спортнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва келгусида бу соҳада амалга ошириладиган ишлар масаласига тўхталиб қуйидагиларни билдириб ўтди..., "... аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак. Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг "ташкilot – туман (шаҳар) – ҳудуд – республика" босқичларидан иборат тўрт босқичли тизими жорий этилади. Бу йил Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун Ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шароитларни яратишлари зарур"<sup>1</sup>.

Ушбу жараёнларда спортга оид муносабатлар субъектлари ва улар ўртасидаги шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, энг аввало спортга оид муносабатлар тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этиш ва қандай ҳолатларда ушбу муносабатлар фуқаровий-ҳуқуқий, меҳнат ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг доираси билан белгиланишини ажратиб олишимиз лозим. Хусусан, Ш.Исмоилов тадқиқот ишида, тиббиёт ходимлари, спортчилар ва мураббийлар, диний ташкilotлар ходимларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари ва уларни миллий қонунчиликда белгилаш зарурлигини ва спорт соҳаси вакилларининг меҳнат ҳуқуқий муносабатларидаги иштироки масаласини ёритиб берган<sup>2</sup>.

Шунингдек, Белоруссиялик тадқиқотчи В.Ю.Каменкова "Шартномавий муносабатлар спорт соҳасини ривожлантириш ҳамда тартибга солишда муҳим ва ҳал қилувчи ўрин эгаллашини таъкидлаб, уни қуйидаги уч гуруҳга бўлинишини, яъни фуқаровий-ҳуқуқий, меҳнат ва аралаш шартномавий муносабатлар асосида вужудга келишини билдириб ўтган<sup>3</sup>. Бундан ташқари, мазкур муаммони ўрганган М.А.Лебедева тадқиқот иши доирасида спорт соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталиб..., спорт соҳасидаги муносабатлар хилма-хил саналиб, бу муносабатлар доирасида спорт соҳасида давлат бошқаруви билан бирга мулк

<sup>1</sup> Халқ сўзи. – 2020 йил 25 янв., – № 19 (7521).

<sup>2</sup> Исмоилов Ш. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари. Юрид. фан. докт (DSc)... дис. ... автореф. Т., 2010. <https://tsul.uz/files/avtoreferat/finish.pdf>

<sup>3</sup> Каменкова В.Ю. Договорные отношения в сфере спорта / Спортивное право в Республике Беларусь. Сборник статей. – Минск, 2014. – С. 129.



муносабатлар (спортчилар учун кийим-бош, спорт анжомлари сотиб олиш, спорт иншоатларини фуриш ёки ижарага олиш), спортчилар ва мураббийларни бошқариш, даромадлардан солиқлар тўлаш кабиларни қамраб олганлиги боис, ушбу муносабатлар маъмурий, фуқаролик, молиявий ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан тартибга солинишини таъкидлаган<sup>1</sup>.

Бу борада А.Ю.Корочкиннинг қайд қилишича, спортга оид муносабатларда мухлисларнинг субъект сифатида ҳуқуқий тартибга солиниши спортга бўлган иштиёқни оширишга; спорт клублари, спортчилар, хомийлар ўртасида доимий ва илиқ муносабатларнинг ўрнатилишида ва спорт клублари томонидан қабул қилинаётган қарорларда мухлислар фикри ва талаблари инобатга олинишига; спорт мусобақалари давомида меҳмон муслисларнинг дискриминация қилинишини олдини олинишига; спорт мусобақаларига ташриф буюрувчиларнинг сони ортишига ва ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлашувига хизмат қилади<sup>2</sup>.

Қайд этиш керакки, миллий қонунчилигимизда мухлисларнинг спорт муносабатларининг субъекти сифатидаги мақоми масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни 5-моддасида белгиланган бўлиб, унда фақатгина “томошабинлар” субъект сифатида назарда тутилган, бироқ бошқа бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда “мухлислар” ва “фан клуб аъзолари”нинг ҳуқуқий мақоми тартибга солинмаган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги 304-сонли “Ўзбекистон Республикасида футболни ривожлантиришни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорида ҳам мазкур масала ўз ечимини топаган, унда ҳам мухлислар ва фан клуб аъзоларининг ҳуқуқий мақоми, уларнинг спорт мусобақаларида иштирокининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари белгилаб берилмаган.

Бинобарин, мамлакатимизда спортчилар ва мураббийларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари Меҳнат кодексига алоҳида тарзда белгиланмаганлиги ҳам ушбу масалани ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш лозимлигини кўрсатади. Чунки Меҳнат кодексининг 18-моддасида айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг хусусиятлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу модда мазмунида ҳам, унга илова сифатида келтирилган локал ҳужжатларда ҳам спортчи ва мураббийлар меҳнатини тартибга солиш механизмлари белгиланмаган. [Regulation.gov.uz](http://Regulation.gov.uz) сайтида муҳокамага қўйилган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасининг 130-моддаси ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш деб номланиб,

<sup>1</sup> Лебедова М.А. Сравнительный анализ правового регулирования труда спортсменов в Российской Федерации и Федеративной Республике Германия / Дис. ... канд.юрид.наук. – М., 2016. – С. 18.

<sup>2</sup> Корочкин А.Ю. Правовой статус спортивного болельщика / Спортивное право в Республике Беларусь. Сборник статей. – Минск, 2014. – С. 57-58.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 09.07.2018 й. 09/18/508/1477-сон.

ушбу нормада ҳам спорт мусобақаларида иштирок этаётган 15 ёшдан кичик болалар билан шартномавий муносабатларга киришиш шarti кўрсатиб ўтилмаганлиги келгусида ҳам ушбу соҳа субъектларининг меҳнат муносабатларини тартибга солишда муаммолар вужудга келиши мумкинлигини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 июндаги 173-сонли қарори билан тасдиқланган “Спорт терма жамоалари тўғрисида”ги низомнинг 24-бандида Ўзбекистон Республикасининг спорт терма жамоалари асосий таркибининг спортчилари ва тегишли Республика спорт федерациялари (уюшмалари) ўртасида контрактлар тузилиши мумкинлиги белгиланган. Норматив-ҳужжат нормаси мазмуни, айти пайтда мазкур ҳолатда контракт тузилиши ёки тузилмаслигини ҳам англатади. Назаримизда, спортчи билан спорт федерацияси белгиланган тартибда шартнома тузиши шарт. Шартноманинг тузилиши спортчи ва спорт федерацияси, қолаверса спорт соҳасини бошқариш ва ривожлантиришга масъул бўлган давлат органлари ўзаро муносабатларни муносиб тартибга солишга етарли ҳуқуқий асос бўлади. Жумладан, бундай шартнома асосида бугун амалиётда учраб турган қуйидаги муаммолар ҳал қилишга имкон беради:

спортчининг бир спорт ташкилотидан бошқа спорт ташкилотига ўтиш шартлари;

турли мусобақаларда юқори натижалар кўрсатганда спорчини тақдирлаш тартиби, мукофот миқдори;

мусобақа натижалари спортчининг айби асосида бекор қилинганда мукофотнинг қайтариш тартиби;

спортчининг реклама фаолияти.

Юқоридагилар билан бирга мазкур масалада яна бир муҳим жиҳатга эътибор бериш жоиздир. Чунончи, барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам у ёки бу соҳани ривожлантиришда юқори малакали хорижий мутахассисга эҳтиёж мавжуд. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 346-сонли қарори билан тасдиқланган “Спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари аъзолари бўлган спортчиларни тайёрлаш учун жалб этилган хорижий мутахассисларнинг иш шарт-шароитлари тўғрисида”ги низом тасдиқланган. Мазкур низомда хорижий мутахассислар билан тузилган меҳнат шартномасида (контрактда) кўрсатилиши мумкин бўлган шартлар белгилаб қўйилган. Бироқ, бизнингча, шартномада кўрсатилиши лозим бўлган ва мумкин бўлган шартлар аниқлаштирилиши керак. Чунки, таъкидланган ҳужжатда, жалб этилган хорижий мутахассиснинг шартнома шартларини бажармаганлиги оқибатида шартнома бекор бўлганда зарарларни ундириш иш берувчига қайси тўловларни амалга ошириши кўрсатилмаган. Зеро, хорижлик мутахассисларни жалб этиш муайян миқдордаги маблағлар билан боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги шартномаларнинг зарурий шартларини белгиланмаслиги давлат ва жамият

мафаатларига зиён етказилишига, оқибатда спортимизни ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, спорт соҳасидаги субъектлар, улар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш спорт соҳасидаги шартномавий-ҳуқуқий ишлар Ўзбекистон юристлари томонидан келгусида ўрганилиши лозим бўлган истиқболли соҳалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ислохотчи вазифасини бажариб, тегишли шарт-шароит таъминлаши баробарида субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг асосан шартномалар билан тартибга солиниши, шартномалар асосида тарафларнинг ҳуқуқ ва мужбуриятлари ўзаро келишилиши энг мақбул ҳуқуқий ечими ҳисобланади.

## МАМЛАКАТИМИЗ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ФАНИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

**ХАБИБУЛЛАЕВ Давлатжон Юлчибаевич,**  
ТДЮУ “Фуқаролик процессуал ва  
иқтисодий процессуал ҳуқуқи”  
кафедраси мудири, ю.ф.н., профессор

**Аннотация:** мазкур мақолада фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ва фуқаролик процессуал қонунчилиги олдида турган долзарб масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, бу борадаги хорижий давлатлар ижобий тажрибаси ўрганилган ҳамда мазкур соҳани ва қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы актуальные вопросы, стоящие сегодня перед наукой гражданского процессуального права и процессуального законодательства. Также был изучен положительный опыт зарубежных стран в этой области, и даны предложения и рекомендации по совершенствованию данной отрасли права и законодательства.

**Abstract:** This article analyzes the current issues facing the science of civil procedural law and procedural legislation. The positive experience of foreign countries in this area was also studied, and proposals and recommendations for improving this branch of law and legislation were given.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процесси, фуқаролик суди, судья, суд буйруғи, медиация, апелляция, кассация, назорат.

**Ключевые слова:** гражданское процессуальное право, гражданский процесс, суд по гражданским делам, судья, судебный приказ, медиация, апелляция, кассация, надзор.

**Keywords:** civil procedural law, civil procedure, civil court, judge, court order, mediation, appeal, appeal, supervision.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва

рақамли иқтисодий ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 57-бандида белгиланган юридик фан ва таълимни такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш бўйича ишларни амалга ошириш чора-тадбирларини ижроси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон Фармонининг қабул қилиниши юридик фан ва таълимни такомиллаштиришни янги босқичга кўтарди.

Мазкур фармонда юридик таълим ва фанни ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари, юридик фан ва таълимни келгусидаги истиқболларига оид муҳим устувор вазифалар белгиланди. Бу эса ўз навбатида биз ҳуқуқшунос олимларга ҳам юридик фанлар соҳасини чуқур ўрганишни уларни ривожлантириш бўйича концепциялар ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу боис биргина фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ва фуқаролик процессуал қонунчилиги нуқтати-назаридан мазкур масалага тўхтатилиб ўтсак.

Ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ва фуқаролик процессуал қонунчилиги олдида қандай долзарб муаммолар бор, мазкур муаммолар қандай ҳал этилиши керак, келгусида фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини ва қонунчилигини ривожлантириш бўйича илмий- назарий асосланган концепциялар ишлаб чиқиш давр талабидир. Шу боис бу борадаги қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан**, ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқи; хўжалик процессуал ҳуқуқи; ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича илмий салоҳиятли кадрлар сони пастлиги, аммо амалиётида ривожланишга муҳтож фан тармоқлари эканлиги, суд амалиётида фуқаролик, иқтисодий ишларни кўриш амалиётини такомиллаштириш, ҳакамлик судлари ва медиация соҳасида қатор қилиниши лозим бўлган ишлар ва ўрганилиши лозим бўлган илмий тадқиқотлар кўлами кенглиги, келгусида фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий процессуал ҳуқуқи, ҳакамлик жараёни ва медиация ихтисослиги бўйича замонавий илмий мактаблар ва бир қатор янги илмий йўналишларни йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этади. Шу боис мазкур соҳадаги илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш, илмий мактабларни ривожлантириш керак.

**Иккинчидан**, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини ривожланишига тўсиқ бўлаётган факторларидан бири ушбу соҳа йўналишларини ўз ичига оладиган алоҳида магистратура йўналиши ёки шу соҳа доирасида ўтиладиган фанлар мавжуд эмаслиги юриспруденция доирасидаги илм-фан соҳасидаги салбий ҳолат саналади. Бунинг учун келгусида ТДЮУда фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий

процессуал ҳуқуқи, медиация, ҳакамлик жараёни ривожлантириш мақсадида алоҳида магистратура йўналиши очилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса келгусида илмий педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини тизимли равишда амалга оширишни, бу соҳадаги тадқиқот ишларини янада жонланишига туртки бўлади.

Шу ўринда профессор М.М.Мамасиддиқов ҳам ТДЮУда юқоридаги ихтисослик бўйича магистратура йўналишида ўқитиладиган мавзулар ҳақида фикр юритиб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг процессуал хусусиятларини белгилаш усуллари, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги, меросга доир низоли ишлар, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга оид низоли ишлар ҳамда мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари мавзуларини ушубу йўналишда чуқурроқ ўқитиш каби таклифларини илгари сурган. Унинг фикрича, магистратура йўналишида шу ва шунга ўхшаш мавзуларнинг ўз ифодасини топиши юридик фанларнинг муҳим соҳаси бўлмиш “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” фанини янада ривожлантиришда, айрим долзарб бўлган мавзулар бўйича талабаларга чуқур билим беришда, қолаверса, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб мавзулари бўйича фундаментал тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup>

**Учинчидан**, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ва фуқаролик процессуал қонунчилигини замон талабларидан келиб чиқиб, янги назарий тушунчалар, хулосалар ва нормалар билан бойитиш давр талабидир. Масалан, ҳозирги кунда суд амалиётида жисмоний ва юридик шахслар томонидан (ижтимоий тармоқ ёзишмалари, электрон почта, СМС, ММС, флешка, диск, компьютер, Интернет, маҳаллий (локал) тармоқ ва бошқа коммуникация воситаларида юборилган) электрон далилларни тақдим этиш ҳолатлари кўп учраши, электрон далилларни текшириш ва баҳолаш, электрон далилларни экспертиза қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш механизми мавжуд эмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. ФПКнинг 8-боби далилларга бағишланган бўлса-да, бироқ ушбу бобда электрон далилларнинг ҳуқуқий мақоми ва тартибига оид процессуал қоидалар назарда тутилмаган.

Мазкур ҳолат судлар фаолиятида электрон далилларни текшириш, талаб қилиб олиш, уларга ҳуқуқий баҳо беришда процессуал механизмлар мавжуд эмаслигида кўринади. Бироқ, жаҳон амалиётида «электрон далил» (electronic evidence), «рақамли далил» (digital evidence), билан ишлаш, уларни суд томонидан текшириш ва баҳолашнинг процессуал механизмлари ишлаб чиқилган.

---

<sup>1</sup> **Батафсил қаранг:** Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017 йил, 2 (30)-сон. -Б. 32-37.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганадиган бўлсак, Австралия, Канада, Сингапур, Малайзия, Ҳиндистон, АҚШ каби инглиз-америка ҳуқуқи оиласига кирувчи мамлакатларининг «Далиллар тўғрисида»ги қонунлари электрон далилларга оид нормалар ва уларнинг тушунчаси ва турлари белгилаб қўйилган. Шунингдек, Эстония Республикаси ФПКнинг 57-моддаси рақамли далил, 60<sup>1</sup>-моддаси электрон далилни ахборот тизимида кўришга бағишланган бўлса, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 19-моддасида аудио, видеоёзув, фото ва киносьёмка материаллари ва электрон, рақамли ва бошқа материалларни текшириш тартиби кўрсатилган. Шунингдек, мазкур Кодекснинг 65-моддасида аудио-, видеоёзув, шунингдек кузатув мосламалари орқали фиксация қилинган, фото ва киносьёмка материаллари, электрон бошқа материаллар далил сифатида тан олиншига йўл қўйилиши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан электрон далилларни текшириш, уларни талаб қилиб олиш ва уларга ҳуқуқий баҳо беришни процессуал тартибини жорий этиш мақсадида **“Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг “Далиллар” номли 8-бобига электрон далиллар тушунчаси ва турлари, электрон далилларни текшириш тартиби, электрон далиллар тақдим этиш ва талаб қилиб олиш, электрон далилларни тақдим этиш мажбурияти, электрон ҳужжатлар, электрон хабарлар ва уларни текшириш тартибига оид нормаларни киритиш давр талабидир.** Бу ўз навбатида фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясини янги тушунчалар билан бойишига ва қонунчилик ва суд амалиётини такомиллашувига олиб келади.

Юридик адабиётларда ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида илмий-техник тараққиёт натижалари бўлмиш аудио- ва видео ёзувлардан, телефон орқали сўзлашувлардан иш бўйича далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш масалалари умуман ёритиб берилмаганлиги, бу борада илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳозирги фан-техника тараққий этаётган бир даврда долзарб аҳамият касб этиши таъкидлаб келинган.<sup>1</sup>

**Тўртинчидан,** фуқаролик процессуал қонунчилигидаги бўшлиқларни тўлдириш, қарама-қаршиликларни бартараф этиш долзарб масалалардан биридир. Масалан, ҳозирги кунда суд амалиётида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 20-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари мазмунидан кўринишича, ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок эта олади. Худди шундай ҳолат кассация инстанциясида ҳам

---

<sup>1</sup> **Қаранг:** Мамасиддиқов М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани: мауммо ва унинг ечимлари // “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. -Б. 305-316.

бир хил. Бу эса одил судловнинг холислиги, мустақиллиги, суд ишларини юритишнинг объективлиги, адолатли ҳал этилишига путур етказди.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, АҚШ Қонунлар тўпламининг 28-бўлими биринчи қисмининг “Судья ёки магистратни четлаштириш” деб номланган 21-боби 47-параграфида апелляция суди судьяларининг апелляция судида такрор иштирок этишини таъқиқловчи норма мавжуд.

Латвия ФПКнинг 18-моддасида апелляция ёки кассация инстанциясида иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки апелляция тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмаслиги белгиланган<sup>1</sup>.

Юқоридаги хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 20-моддаси “Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги” деб номланишини эътиборга олган ҳолда ҳамда судьяларнинг холислигини таъминлаш мақсадида келажакда хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасида мавжуд бўлган нормани миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш мақсадида ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция, кассация инстанцияси судида кўришда такрор иштирок этиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ.

**Бешинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 42-бандида ҳам суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини қайта кўриб чиқиш институтини такомиллаштириш, хусусан апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ этиш ва назорат тартибида иш юритиш институтини бекор қилиш назарда тутилган. Шундай экан суд ҳужжатларини қайта текшириш институтларини такомиллаштириш давр талабидир. Ҳозирда амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилига кўра, суд ҳужжатлари апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта текширилади.

Бу борада хорижий давлат тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Германия ФПКнинг 3-китобида суд қарорлари фақат апелляция тартибида текширилади. Шунда ҳам даъво предмети 600 евродан ортиқ бўлса кўриб чиқилади<sup>2</sup>.

Японияда фуқаролик ишлари биринчи инстанция ва иккинчи инстанция - апелляция (ФПК 281 -310-2-моддалари) тартибида кўриб чиқилади. Якуний апелляцияни - Олий суд кўради, яъни иккинчи инстанция ҳужжатлари устидан (ФПК 311-327- моддалари)<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Латвия. <http://cld.privatelaw.ru>

<sup>2</sup> Гражданский процессуальный кодекс Федеративной Республики Германии. <http://context.reverso.net>

<sup>3</sup> Гражданский процессуальный кодекс Япония. <http://pravo.hse.ru>

Франция ФПКнинг 3-китобида меҳнат низоларида, оила низоларида кассация тартибида мурожаат қилиш белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 3-бўлими “Суд ҳужжатларини қайта кўриш бўйича иш юритиш” деб номланиб, ушбу Кодексининг 52-боби ишларни апелляция инстанциясида кўриш билан боғлиқ масалалар, 54-боби эса кассация инстанциясида ишларни кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган<sup>2</sup>.

Эстония ФПКнинг 64-боби апелляция тартибида иш юритиш, 66-боб кассация тартибида иш юритишга бағишланган<sup>3</sup>.

Юқоридаги давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида назорат инстанцияси мавжуд эмас. Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, фуқаролик процессуал қонунчилигидан назорат тартибида иш юритиш институтини чиқариб ташлаш вақти келди. Бу эса фуқароларнинг суд инстанцияларида сарсон саргардон бўлиб юришини олдини олади, фуқаролик ишини қисқа муддатларда ҳал этиш, энг асосийси суд қарорларининг барқарорлигини таъминлашга ва фуқароларнинг суд қарорларига бўлган ишончни ортишига олиб келади.

**Олтинчидан**, фуқаролик процессида тортишувчанлик принципининг ривожланиши далиллар ва исботлаш жараёнини кучайтиради. Унга кўра, тарафлар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишларида судга далилларни тақдим этиш ва шу далиллар асосида ўз талабларини асослаб берадилар. Лекин тортишувчилик принципини ҳаётга тўлақонли татбиқ қилиш учун суд процессига малакали мутахассисларни, яъни адвокатларни жалб қилишни тақозо этади. Бу борада айрим давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилиги айнан қайси тоифадаги ишлар бўйича адвокат иштирок этиши шартлигини, шунингдек, суд томонидан тарафларга адвокат тайинланиши мумкин бўлган ҳолатларни мустаҳкамлаган. Жумладан, Россия Федерацияси ФПКнинг 50-моддасида, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 67-моддасида адвокат иштирок этиши шарт бўлган фуқаролик ишлари мустаҳкамлаб қўйилган<sup>4</sup>.

уставном фонде и надлежащего учета государственного имущества» сказано, что: «Государственный центральный депозитарий ценных бумаг в течение двух рабочих дней осуществляет: перевод государственных пакетов акций, переданных в доверительное управление, на субсчет лица, получившего право доверительного управления...; блокирование указанного пакета акций, исключающее возможность его распоряжения им со стороны лица, получившего право доверительного управления». Пункт 12 данного Положения также гласит: «Доверительный управляющий имеет право: осуществлять в отношении полученных в доверительное управление государственных активов все юридические и фактические действия, в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и условиями заключенного договора доверительного управления, кроме отчуждения и использования его в качестве залога»<sup>1</sup>.

В пункте 24 сказано: после прекращения действия договора доверительного управления владение, пользование и управление государственными активами осуществляется в порядке, установленном законодательством<sup>2</sup>.

Здесь не сказано о распоряжении. Однако, в статье 857 ГК говорится, что «Доверительный управляющий осуществляет в пределах, предусмотренных законом и договором доверительного управления имуществом, правомочия собственника в отношении имущества, переданного в доверительное управление». Идет несоответствие нормы подзаконного акта и нормы Закона, а также ущемление интересов частных собственников, так как получается, что государственная собственность не может передаваться полностью в части правомочия распоряжения, а частная может.

А как тогда насчет частных собственников, при таком раскладе дел, государственная доля в части, касающаяся правомочия распоряжения его собственностью, не может передаваться доверительному управляющему, а при частной собственности получается она должна передаваться доверительному управляющему. Нонсенс, такое положение приводит к ущемлению частной собственности и умалению ее роли перед государственной собственностью.

Кроме того, распоряжение переданным в доверительное управление собственностью должно строго преследовать интересы его правообладателя. При этом, имущество, переданное в траст, должно строго отделяться от имущества самого доверительного собственника, что свидетельствует об исключительной ответственности доверительного управляющего за совершенные им действия, а также для того, чтобы в случае его банкротства оно не могло включаться в конкурсную (ликвидационную) массу.

Однако, в части 2 статьи 855 (Обособление имущества, находящегося в доверительном управлении) ГК указано, что обращение взыскания по долгам учредителя управления на имущество, переданное им в

---

<sup>1</sup> ИПС // «Норма-Client-Законодательство РУз-Плюс».

<sup>2</sup> ИПС // «Норма-Client-Законодательство РУз-Плюс».



доверительное управление, не допускается, за исключением несостоятельности (банкротства) этого лица. При банкротстве учредителя управления доверительное управление этим имуществом прекращается, и оно включается в конкурсную массу.

В то же время в частях 3 и 4 статьи 859 (Ответственность доверительного управляющего) ГК сказано, что «Обязательства по сделке, совершенной доверительным управляющим с превышением предоставленных ему полномочий или с нарушением установленных для него ограничений, несет доверительный управляющий лично. Если участвующие в сделке третьи лица не знали и не должны были знать о превышении полномочий или об установленных ограничениях, возникшие обязательства подлежат исполнению в порядке, установленном частью четвертой настоящей статьи. Учредитель управления может в этом случае потребовать от доверительного управляющего возмещения понесенных им убытков.

Долги по обязательствам, возникшим в связи с доверительным управлением имуществом, погашаются за счет этого имущества. В случае недостаточности этого имущества взыскание может быть обращено на имущество доверительного управляющего, а при недостаточности и его имущества - на имущество учредителя управления, не переданное в доверительное управление.

Однако, согласно пункта 14 Положения «О порядке передачи в доверительное управление государственных пакетов акций (долей)» являющегося Приложением №3 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16.10.2006 года №215 «О мерах по обеспечению эффективного управления предприятиями с государственной долей в уставном фонде и надлежащего учета государственного имущества» доверительный управляющий обязан: ни в какой форме не отчуждать государственные активы, не обременять обязательствами иных лиц и не использовать их в качестве залога.

В этой связи следует отметить, что собственность, переданная в доверительное управление, не является собственностью доверительного управляющего, поэтому он не может отвечать им по своим обязательствам.

Кроме того, вышеуказанное приводит к выводу о том, что государственное имущество является неприкосновенным и приоритетным по отношению к частной собственности, что свидетельствует о том, что доверительный управляющий не отвечает имуществом государства по своим обязательствам. А по имуществу частного собственника: из содержания вышеуказанных, а именно части 2 статьи 855 и частей 3 и 4 статьи 859 ГК, доверительный управляющий отвечает по своим обязательствам, более того он отвечает по ним также и имуществом частного собственника, не имеющего отношения к имуществу учрежденного доверительного управления.

В этой связи, следует пересмотреть содержание этих статей и необходимо включить в них норму о том, что доверительный управляющий по своим обязательствам не отвечает имуществом собственника.

Правильность наших выводов подтверждается и международным опытом. Например, в Шотландии траст традиционно рассматривается как обязательственное отношение<sup>1</sup>. Обособление траста от имущества самого управляющего проявляется в том, что он может заключать сделки по передаче сам с собой, выступая как бы в двух лицах, и не отвечает имуществом траста по собственным обязательствам<sup>2</sup>.

Доверительный управляющий также не вправе приобретать в собственность имущество, которым он владеет в силу договора об учреждении траста, до момента прекращения указанного договора. Этим устанавливается строгое правило о том, что управляющий не наделяется правом собственности его правообладателя, а лишь наделяется функциональными, должностными полномочиями, позволяющими ему осуществлять управление вверенным ему чужим имуществом.

А.Н.Асаул и А.В.Карасев<sup>3</sup>, а также Ш.Асьянов<sup>4</sup> подтверждают, что доверительное управление является способом осуществления собственником принадлежащих ему правомочий, одной из форм реализации правомочия распоряжения, но вовсе не установлением нового права собственности на недвижимое имущество.

Между тем, как отметил И.А.Гобозов, «С собственностью в самом полном и точном смысле слова мы сталкиваемся тогда, когда собственник, распорядитель и пользователь полностью совпадают. Когда человек - только распорядитель и пользователь, но не собственник - перед нами своеобразная форма отношений людей по поводу вещей, которую можно охарактеризовать как подсобственность. Если же человек - только пользователь, но не распорядитель и тем более не собственник, мы имеем дело с подподсобственностью»<sup>5</sup>.

Тем самым, собственник, передавая свое имущество в чужие руки, полностью оставляет у себя как положительные признаки осуществления права собственности, так и ее обременения, риски от этого. Вместе с тем, собственник при осуществлении своих правомочий в этом направлении

---

<sup>1</sup> Burgess R., Thoughts on the Origins of the Trust in Scots Law, [1974] Juridical Review, p. 196 et seq. См. также: Wilson W.A., The Trust in Scots Law, in Wilson W.A. (ed.), Trusts and Trust-like Devices, cit., p. 237 et seq.; Gretton G.L., Trust and Patrimony, in: H.L. MacQueen (ed.), Scots Law into the 21<sup>st</sup> Century: Essays in Honour of W.A. Wilson, 1996; Blackie J.W.G., Trusts in the Law of Scotland, in M. Cantin-Cumyn (ed.), La fiducie face au trust dans les rapport d'affaires/ Trust v. fiducia in a business context, Bruxelles, 1999.

<sup>2</sup> Gretton G.L., Scotland: The Evolution of the Trust in a Semi-Civilian System, in: R.Helmholz, R.Zimmermann (eds.), Itinera Fiducia, cit., -P. 511.

<sup>3</sup> Асаул А.Н., Карасев А.В. Экономика недвижимости. //Электронный ресурс: <http://Aup.ru>. Режим доступа – свободный.

<sup>4</sup> Асьянов Ш. Право собственности и другие вещные права по законодательству Республики Узбекистан. Материалы Международной научно-практической конференции 27-28 ноября 2007 года. 10 лет Гражданскому кодексу Узбекистана: Опыт и перспективы развития. -Т., 2008. -С.81-82.

<sup>5</sup> Гобозов И.А. Собственность и социально-экономические (производственные) отношения. //Электронный ресурс: <http://PolBu.Ru>. «Полка букиниста». [www.water-energy.ru](http://www.water-energy.ru). Режим доступа – свободный.

может перекласть на контрагента данных правоотношений собственности, определенную часть своих расходов на содержание, сохранений своей собственности.

При этом, теряя в определенной степени во владение и пользование своей собственностью, правообладатель в то же время получает возможность получения дохода от этой утраты.

Иными словами, распоряжение собственностью, не является распоряжением правом собственности. Данное право, свидетельствует о возможностях собственника, абсолютность которых подтверждается способностью самостоятельно определять судьбу принадлежности собственности. В то же время распоряжение собственностью, представляет собой осуществление права собственности путем реализации его в процессе владения, пользования и распоряжения ею.

Как отмечает Г.Ф.Шершеневич, «Право распоряжения закон понимает, как власть отчуждать имущество в пределах, законом означенных, и отдавать его в пользование другому посредством найма, ссуды и других договоров. Нельзя не видеть в этой власти существенного момента права собственности, отсутствие которого способно устранить право»<sup>1</sup>.

З.А.Амонов также утверждает, что при введении вещных прав в гражданский оборот, имущественные права в виде распоряжения (продажа, дарение, залог, введение в уставной фонд в виде пая, бартер и другие) сохраняются в компетенции правообладателя, а имущественные права в виде владения и пользования могут передаваться лицам, не являющимися собственниками<sup>2</sup>. Фахед Аль-Марашдех при этом уточняет, что не существуют ограничения на возможные разделения власти собственника над его вещью, так чтобы ему осталось право только распоряжаться ею, как в случае передачи собственником другому лицу пользоваться своей вещью. В этом случае не собственник обладает двумя правами, правом владеть и правом пользоваться вещью. Собственник оставляет за собой только право распоряжения вещью, без права владения и пользования ею<sup>3</sup>.

Действительно, как было нами отмечено, в отличие от права владения и пользования право распоряжения может принадлежать только собственнику, другие вышеуказанные лица, распоряжаются имуществом в силу полномочий, полученных от собственника. Наличие права распоряжения у собственника, позволяет нам говорить о нем как о субъекте отношений собственности. Когда он наделен правомочием распоряжения, у него появляется право собственности. Беспрепятственное же осуществление права собственности возможно только при наличии у собственника права на свободное распоряжение своей собственностью, отсутствие которого свидетельствует об ограниченности права собственности.

---

<sup>1</sup> Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. -М.: Изд-во «Спарк», 1995. -С.167-168.

<sup>2</sup> З.А.Амонов. Мулкий хукуклар фукаролик хукукининг объекти сифатида. Юрид. фан. номз. дисс.... -Т., 2011. -Б.23.

<sup>3</sup> Аль-Марашдех Фахед Ахмед Халаф. Право собственности граждан по законо-дательству Иордании. Автореф. дис... канд. юрид. наук. -Т.: ТГЮИ, 1999. -С.11.

Однако, и правомочие распоряжения собственностью может также быть ограничено, которое может быть не связано ни с желаниями, волей и устремлениями собственника. Данное ограничение как показывает законодательная практика, указывается прямо в актах законодательства, решениях суда, регламентирующих те или иные специфические сферы общественных отношений.

Ватх Аль-Кадыр также утверждает, что право собственности – это регулируемая законодательством способность распоряжаться собственностью во всех случаях, за исключением тех, которые оговорены законом<sup>1</sup>. При этом следует отметить, что ограничение в распоряжении собственностью не является формальным препятствием к признанию за правообладателем права на собственность.

Действительно, ограничение правомочия распоряжения не является причиной препятствия к признанию за управомоченным права собственности. Примерами таких случаев являются: распоряжение имуществом отдельных категорий лиц, к примеру, недееспособных, в отношении которых действует институты опекуна, попечительства; залоговое право; вещные права; решения суда и т.д. Однако, хотя перечисленные лица являются правообладателями определенной собственности, в отношении которой действуют установленные ограничения, они не властны в полной мере, беспрепятственно, собственными действиями, осуществлять правомочие распоряжения в отношении нее.

В этих случаях несобственники имущества наделяются правом осуществления распоряжением собственностью. В отдельных случаях, а именно в обязательственных правоотношениях и по решению суда несобственники имущества правомочием распоряжения пользуются и без согласия его собственника. Однако, действия несобственников осуществляются с разрешения и согласия собственника имущества, оговоренных в указанных документах, что в конечном итоге, служат его интересам.

В свое время Г.Ф.Шершеневич<sup>2</sup>, в настоящее время И.Б.Зокиров<sup>3</sup> также отмечали, что собственник в отношении своего имущества не всегда имеет возможность реализовать правомочие распоряжения, которое может быть стеснено только в указанных законом случаях. Даже при ограничении собственника в распоряжении, например, при учреждении опеки, нельзя сказать, чтобы собственник лишен был этого права. Право это принадлежит ему, но осуществление этого права при управлении государственной собственностью, не достижении собственником совершеннолетия, ненормальном состоянии умственных способностей, или по иным каким-либо причинам, предоставляется его законному представителю, который распоряжается от имени собственника, на основе его согласия.

---

<sup>1</sup> Аль-Марашдех Фахед Ахмед Халаф. Право собственности граждан по законодательству Иордании. Автореф. дис... канд. юрид. наук. -Т.: ТГЮИ, 1999. -С.10.

<sup>2</sup> Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. -М.: Изд-во «Спарк», 1995. -С.168.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I- қисм. -Т.: ТДЮИ, 2006, -Б.241.

По определению академика Х.Рахманкулова, «в прошлом объявление несовершеннолетнего полностью дееспособным, было возможно по одной причине, то есть с момента вступления в брак лица, не достигшего 18 летнего возраста. Теперь в соответствии со статьей 28 ГК, ещё по двум причинам: он может быть объявлен полностью дееспособным, то есть, если лицо, не достигшее 16 летнего возраста, работает по трудовому договору (контракту), а также, если он занимается предпринимательской деятельностью»<sup>1</sup>. Д.М.Караходжаева также утверждает, что «Судебные решения могут не только изменять или прекращать уже возникшие права и обязанности, но и служить основанием для их возникновения. Так объявление несовершеннолетнего полностью дееспособным (эмансипация) возможно по решению суда»<sup>2</sup>.

Следовательно, при распоряжении имуществом, происходит распоряжение и самим правом на нее, оно прекращается, или обременяется. Так как, реализация собственником правомочия распоряжения путем определения юридической судьбы имущества, свидетельствует о динамике отношений собственности, что приводит к изменению его принадлежности. В отличие от других правомочий, право распоряжения принадлежит только собственнику, иные лица пользуются полномочиями, полученными от него.

На основании изложенного можно сделать вывод, что основным атрибутом, свидетельствующим о реальности прав собственника, является наличие у него права распоряжения, которое свидетельствует о возникновении права собственности и фактического обладания правомочиями владения и пользования. А привязка последних к праву собственности отражает историческое развитие отношений собственности, как процесс присвоения через владение и пользование.

Резюмируя, хотели бы присоединиться к высказыванию Г.Ф.Шершеневича, отметившего, что «Если из права собственности выделяется право владения или право пользования, то у собственника останется право распоряжения и оно знаменует право собственности. Но если выделить право распоряжения, то выдел его может повлечь за собой и выдел права владения, и выдел права пользования, так что у собственника ничего не останется от его права собственности: стороннее лицо, которому будет предоставлено право распоряжения, в силу своего права, пожалуй, и уничтожит вещь, и подвергнет ее отчуждению – словом, разрушит право собственности»<sup>3</sup>.

На основании вышеизложенного следует сделать вывод о том, что наделение несобственников правомочием распоряжения, размывает саму сущность права собственности и приводит к потере собственником всех

---

<sup>1</sup> Рахманкулов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. -Б 126.

<sup>2</sup> Караходжаева Д.М. Гражданское право: Субъект, объект и содержание правоотношения в условиях рынка. Учебное пособие. -Т., 2004. -С.130.

<sup>3</sup> Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. М. Изд. «Спарк». 1995. С.166-168.

прав на собственность, что в конечном итоге подрывает экономические устои общества и государства.

## ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ ФАНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**УСМАНОВА Муборак Акмалжоновна**

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси

Ҳарбий-техник институти профессори

юримдик фанлар доктори, профессор

m.usmanova@inbox.uz

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда мавжуд бўлган фан тармоқлари орасида “ижтимоий таъминот” ҳуқуқи фани мавжудлиги ва шаккланганлиги асослантирилган, ҳамда уни алоҳида фан тармоғи сифатида ривожлантириш зарурлиги ҳақида илмий асослантирилган таклифлар берилган.

**Аннотация:** В статье обосновывается наличие и сформированность науки и отрасли права “Право социального обеспечения” в качестве самостоятельной отрасли права, а также даны научно-обоснованные предложения по необходимости ее дальнейшего развития в качестве отрасли права.

**Abstract:** the article substantiates the existence and formation of the science and branch of law “social security Law” as an independent branch of law, as well as provides evidence-based suggestions on the need for its further development as a branch of law.

**Таянч сўзлар:** фан, ҳуқуқ тармоғи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ҳуқуқий таълим, таълим жараёни, ижтимоий таъминот ҳуқуқини ривожлантириш.

**Ключевые слова:** наука, отрасль права, право социального обеспечения, трудовое право, правовое воспитание, образовательный процесс, развитие права социального обеспечения.

**Keywords:** science, branch of law, social security law, labor law, legal education, educational process, development of social security law.

Мустақил тараққиётимиз даврида эришилган натижалар таҳлил этилар экан, олдимизга қўйган олийжаноб мақсадимиз йўлида салмоқли натижаларга эришганимизга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Илм фаннинг ривожланиши ва унинг эришган ютуқларидан кундалик ҳаётда кенг фойдаланиш цивилизациялашган жаҳон тараққиётининг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан биридир. XXI аср янги илмий технологиялар асри, фан ва унинг натижалари жамият муаммоларини бевосита ҳал этишга имкон берадиган, энг юксак самарали ишлаб чиқариш кучига айланган асрдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги

босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин”<sup>1</sup>.

Фаннинг ривожланиши нафақат одамлар турмуш тарзини, балки мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий сиёсий қиёфасини тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда, у ёки бу давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, обрў эътибори, куч қудрати фан ва технологиялар тараққиёти билан ҳам белгиланмоқда.

Фаннинг асосий вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Демак, юридик фанлар ҳуқуқий тизим ривожини, унинг фаол ҳаракатини, мамлакат ҳуқуқий ҳаётини, унинг келажагини, эртанги ҳуқуқий фаолият йўналишларини белгилаб беради. Юридик фанларга эътибор нафақат ҳуқуқий тизимнинг ўзи, балки у билан ҳамоҳанг тарзда мамлакат ривожига ижобий таъсирини кўрсатади.

Давлатимиз ва жамиятимиз мақсад-моҳиятини, тараққиётимиз хусусиятларини чуқур ҳамда тўғри англаб етишда, амалга оширилаётган барча ишлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари ётишини тушуниб олишда юридик фанлар етакчи аҳамиятга эгадир.

Инсон ҳуқуқлари, бу ҳуқуқларни халқаро стандартларга мос равишда тўла таъминланганлиги, етарли даражада кафолатланганлиги ҳар қандай давлат халқаро обрў эътиборини, демократик ва инсонпарвар қиёфасини белгилаб берадиган бош омиллардан бирига айланган бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотларни чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши тобора долзарблик касб этмоқда. Бунда инсоннинг аниқ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бу соҳадаги кундалик талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган прагматик тадқиқотлар, инсоннинг шунга оид ҳуқуқлари ҳимояланишининг илмий-назарий жиҳатларига оид муаммолар олдинги маррага чиқмоқда.

Ҳуқуқшунослик фанлари орасида инсон ҳуқуқлари, уларнинг кенгайтирилиши, таъминланиши муаммолари билан шуғулланувчи фан тармоқларидан бири бўлган ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани ўзига хос ўринни эгаллайди.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг бозор муносабатларига ўтиш чоғида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кучли ижтимоий муҳофаза соҳасидаги устувор вазифаларни руёбга чиқарилиши учун янада қулай моддий-ташкилий шароит юзага келмоқда. Амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва уларнинг фуқароларимиз кундалик ҳаётининг мазмунига самарали таъсири биз барпо этаётган янги демократик жамиятнинг инсонпарварлик мақсадларига тўла мос келади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // 2020 йил 24 январь // [www.president.uz](http://www.president.uz)

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида давлат хусусий шериклигини ривожлантириш, пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларини тўлақонли ҳаёт кечирिशларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш назарда тутилганлиги, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳар доим давлатимизнинг диққат марказида эканлигидан далолат бериб турибди.

Мамлакатимизда юритиб келинаётган ижтимоий сиёсатнинг инсон манфаатлари томон йўналтирилганлиги энг аввало, фуқароларни ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (39-модда) кафолатланиши билан бирга улардан амалда тўлиқ фойдаланиш учун зарур ҳуқуқий воситалар барпо этилганлиги, моддий ва ижтимоий ёрдамлар олишнинг ташкилий жиҳатдан таъминланганлигида яққол кўзга ташланади. Бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштирилиши ва ривожлантирилишида халқимизнинг меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш борасидаги қадимий миллий анъаналаримиз ҳамда қадриятларимиз билан бир қаторда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига доир жаҳон стандартларига ҳам таяниб иш кўриляётгани давлатимизнинг демократик ва инсонпарвар қиёфасини янада яққол намоён қилмоқда. Хусусан, БМТ томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пактда ва уларнинг факультатив протоколларида фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқи ва давлатнинг мазкур ҳуқуқни таъминлаш билан боғлиқ мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига томон ривожланиш жараёнида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос келадиган, дунё халқи томонидан ишлаб чиқилган ва жорий қилинган умуминсоний ва демократик қадриятлар асосига қурилган қонунчилик тизими барпо этилди, бу янги тизим ўз моҳиятига кўра инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама тан олиш, ҳеч бир тўсиқларсиз рўёбга чиқарилишини тўла кафолатлашга қаратилганлиги билан эътиборга сазовордир.

Фанимиз олдига қўйилаётган янги вазифаларидан бири-аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий таъминланиши жараёнларини таҳлил этиш ҳамда ягона тизимга солишдан иборатдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишлар нуқтаи назардан ривожланиши қуйидаги вазифаларни назарда тутди:



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараси сифатида янгича ижтимоий муносабатлар шаклланиб ва ривожланиб бормоқда. Бундай ҳаёт динамикаси воқеликни чуқур ўрганиш, ундаги ўзига хос қонуниятларни аниқлаш ва улар асосида тегишли ғояларни илгари суриш лозимлигини тақозо қилади. Ушбу талаб ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанига ҳам тўла тааллуқли бўлиб, бозор муносабатлари жамиятда турли мулкӣ аҳволда бўлган аҳоли табақалари юзага келишига олиб келмоқда ва натижада аҳолининг муайян қисми объектив сабабларга кўра давлат ва жамият кўмагига муҳтождир. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанини тараққий топтиришда ушбу объектив омил эътиборга олинishi шарт.

Фан ва амалиёт ўртасидаги алоқларни диққат билан кузатиладиган бўлса, ижтимоий таъминот ҳуқуқи амалиётдан анча ортда қолаётганлиги, янги воқеликлар, тенденциялар илмий-назарий тадқиқотлар доирасидан четдалиги маълум бўлмоқда. Буларнинг барчаси ўз навбатида ижтимоий таъминотга оид давлат ва жамият органлари тизимида муаммолар юзага келишига, қонунчилик соҳасида бир қатор бўшлиқлар ва ҳал этилмаган муаммолар юз беришига сабаб бўлмоқда.

Бизнинг назаримизда ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани мамлакатимизда юз бераётган бозор муносабатлари жараёни билан боғлиқ равишда қуйидаги йўналишларда ривожлантирилиши лозим:

- фуқароларни пенсия таъминоти соҳасида давлат тизими билан бир қаторда унинг нодавлат шакллари кенгайтириш, такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилиши, бу соҳада фундаментал тадқиқотлар йўлга қўйилиши;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда унинг нодавлат шакли сифатида ижтимоий суғурта муносабатлари атрофлича ўрганилиши ва келажақда бу муносабатларининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи предмети сифатидаги жиҳатларига урғу берилгани ҳолда илмий тадқиқотлар амалга оширилиши керак. Яқин истиқболда ижтимоий суғурта ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан боғлиқ муносабатлар ҳуқуқнинг янги тармоғи сифатида шакллантирилиши тўғрисида ўйлаб кўриш;

- фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи энг муҳим иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларидан бири сифатида Конституциямизда назарда тутилган ва ижтимоий таъминот масалалари қонунчиликнинг мустақил тармоғи сифатида ҳуқуқ тизимимизда мустақил ўрин тутар экан, уни бошқа ҳуқуқ соҳалари таркибига қўшиб юборилиши мазкур қонунчилик соҳаси ўрни ва мавқеини камситилишига олиб келиши мумкин;

- "Ижтимоий таъминот ҳуқуқи" кўпроқ амалий ва ҳаётӣ фан соҳаси бўлганидан бўлғуси юрист-мутахассис юриспруденциянинг қайси жабҳасида фаолият юритмасин, у билан боғлиқ ҳуқуқӣ муаммоларни муҳокама қилиши ва ҳал этиши талаб этилади. Ваҳоланки, бошқа

фаннинг иккинчи даражали бўлаги сифатида ўрганилса, унга етарли эътибор берилмайди ва талабалар томонидан етарли даражада ўрганилмай қолиб кетади;

- “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фанини мустақил фан сифатидаги мавқеи оширилиши, таълим учун мўлжалланган соатлар ҳажми кўпайтирилиши, бу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари кенг рағбатлантирилиши зарур, зероки, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган ва унга эътибор кучайтирилаётган бизнинг жамиятимизда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи иккинчи даражали иш сифатида баҳоланиши мумкин эмас;

- “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фанлари қонунчиликнинг мустақил тармоғидир. “Меҳнат ҳуқуқи” фани турли мулкчилик шакллардаги корхона, ташкилотларда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий меҳнат билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади. Меҳнат муносабатларининг субъекти бўлиб, иш берувчи ва ходимлар саналади. “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фани эса фуқароларни қариганда, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганда, боқувчисиз қолганда давлат ҳамда жамият ижтимоий қўллаб-қувватлашига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга оид ижтимоий муносабатларини тартибга солади. Бу муносабат субъеклари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, пенсионерлар, давлат ва органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Шунга кўра “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фани ўзининг предмети, услуги ва субъектига эга эканлиги билан мустақил фан сифатида яққол кўриниб турибди. Барча МДХ давлатларида ва бир қанча ривожланган мамлакатларда “Меҳнат ҳуқуқи” ва “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи” фанлари мустақил фан сифатида ўқитилади.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз томонидан юритилаётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бўлганлиги сабабли ижтимоий таъминот ҳуқуқи фани ривожига ҳам ушбу устуворликка тўла мос бўлиши, мамлакатимизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ва эришаётган ютуқларимизни ўзида акс эттириши, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари энг олий қадрият экани ҳақидаги ғояларимизга асосланган бўлиши лозим.

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**ИСМОИЛОВ Шухратжон Абдусаминович,**

Тошкент давлат юридик университети

Меҳнат ҳуқуқи кафедраси доцент в.б.,

юридик фанлар доктори (DSc),

ismoilov.shuhrat80@mail.ru

*Аннотация: мазкур мақолада замонавий меҳнат ҳуқуқи учун хос бўлган бир қатор долзарб муаммолар тизимли таҳлил этилган. Шу асосда Ўзбекистонда*

меҳнат ҳуқуқини ривожлантиришга оид асосий тенденциялар аниқланган. Шу асосда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга оид тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** в настоящей статье системно анализированы некоторые характерные актуальные проблемы трудового права. На этой основе определены основные тенденции развития трудового права в Республике Узбекистан. Вместо этого разработано рекомендации и предложения по совершенствованию трудового законодательство и правоприменительной практике.

**Abstract:** this article systematically analyzes some characteristic urgent problems of labor law. On this basis, the main trends in the development of labor law in the Republic of Uzbekistan are identified. Instead, recommendations and suggestions for improving labor law and law enforcement practice have been developed.

**Таянч сўзлар:** меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи муаммолари, меҳнат қонунчилиги, ривожланиш, тенденция, замонавийлик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти.

**Ключевые слова:** трудовое право, проблемы трудового права, трудовое законодательство, развитие, тенденция, современность, правоприменительная практика.

**Keywords:** labor law, problems of labor law, labor legislation, development, trend, modernity, law enforcement practice.

Бугун бутун дунё мамлакатлари ўз олдида турган муаммоларга ечим топишнинг асосий воситаси сифатида илм-фанни тараққий эттиришга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда ҳам таълим ва фанга ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили деб қаралиб, ушбу соҳадаги ислохотларнинг “тубдан” бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришни таклиф қилиши мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошланган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадини кўзлаган<sup>1</sup>.

Юртимизда 2020 йилда илм-фан соҳасини устувор даражада ривожлантириш ва ислох этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш долзарб вазифа сифатида белгилаб олинди. Шу нуқтаи назардан юридик фанларни ривожлантиришнинг назарий, ташкилий жиҳатлари ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш ҳам кун тартибидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтган чорак аср давомида юз берган глобал иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар нафақат бугунги кун, балки кейинги ривожланиш истиқболларини ҳам ҳисобга олган ҳолда янги ёндашув ва чуқур назарий мушоҳадани талаб қилади. Юқорида айтилганлар меҳнат ҳуқуқига ҳам алоқадор бўлиб, мазкур ҳуқуқ соҳаси ходимлар ва уларнинг оила

<sup>1</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

аъзолари бўлган миллионлаб фуқароларнинг, шунингдек иш берувчиларнинг манфаатларига бевосита таъсир этади<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқи мустақил фан ва ҳуқуқ соҳаси сифатида ўз ўрнига эга. Меҳнат ҳуқуқи назариясининг фундаментал қоидалари қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти орқали амалга ошириб келинмоқда. Шундай бўлса-да, давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар ушбу ҳуқуқ соҳаси айрим таркибий қисмларининг мазмунини қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларни кузатиш, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда юзага келаётган мунозарали масалаларни таҳлил қилиш орқали меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги асосий тенденцияларни аниқлаб олиш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тенденциялар бу муайян ҳодисанинг барқарор ривожланиш йўналишларини англатади. Меҳнат ҳуқуқи бу ерда ҳодиса сифатида намоён бўлади ва унинг атрофида албатта маълум бир тенденциялар юз бермоқда.

**Шундай қилиб, меҳнат ҳуқуқини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:**

1. Дастлабки тенденция меҳнат ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида амал қилишига салбий таъсир этадиган фикр-мулоҳазалар билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳам меҳнат шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар таркибига киритиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар давом этмоқда. Меҳнат шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий шартнома деб тан олиш охир-оқибатда меҳнат ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида амал қилишининг тугатилишига олиб келади<sup>2</sup>. Фикримизча, бундай қарашлар мавжудлигининг асосий сабабларидан бири ёлланма меҳнатдан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг дастлабки илдишлари фуқаролик ҳуқуқи билан боғланганлиги ва унинг хусусий ҳуқуқий муносабат эканлигига урғу берилишидир. Иккинчи сабаб эса эркин иқтисодий муносабатлар шароитида тарафларнинг ўзаро келишувига давлатнинг аралашувини чеклашга оид қарашларнинг кенгайиб бориши ҳисобланади. Бироқ, меҳнат ҳуқуқи бир қатор сабабларга кўра мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида амал қилади. Ҳуқуқшунос олим М.Гасановнинг қайд этишича, иккита асосий омил меҳнат ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида вужудга келишига олиб келган. Буларнинг биринчиси давлатнинг меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга аралашуви, тартибга солишда хусусий-ҳуқуқий ва оммавий-ҳуқуқий усулларнинг уйғунлашган ҳолда қўлланилиши бўлса, иккинчиси меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий тартибга солишнинг ривожланишидир<sup>3</sup>. Ҳуқуқшунос олим В.Лебедевнинг таъкид-

<sup>1</sup> Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. –Т.: Lesson press, 2016. –С.3.

<sup>2</sup> Калинин И.Б.Пределы и основания применения гражданского права к социально-трудовым отношениям//Вопросы трудового права. №12, 2007. –С.30-41.

<sup>3</sup> Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. –Т.: LESSON PRESS, 2016. –С.9.

лашича, ҳуқуқий тартибга солиш предмети, методлари ва бошқа омиллар (ҳуқуқ нормаларининг катта ҳажмдаги массаси, бундан жамиятнинг манфаатдорлиги, давлатнинг аралашув имконияти) меҳнат ҳуқуқини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқловчи тизимни вужудга келтиради<sup>1</sup>.

Меҳнат ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида ҳуқуқ тизимлари томонидан ҳам тан олинган. Ҳозирда меҳнат ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳасида сифатида амал қила олиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан кўра, ушбу ҳуқуқнинг бошқа ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритиш ўринлироқдир. Хусусан, мазкур ҳуқуқ соҳасининг ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишидан келиб чиқиб, (масалан, хорижий мамлакатларда “Labor law” ва “Employment law” бир-биридан мустақил равишда ривожланган) уларни алоҳида ривожлантириш масаласини илмий жиҳатдан ўрганиш лозим. Шунингдек, меҳнат ҳуқуқида ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуққа хос бўлган хусусиятлар намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳозирда интизомий ва моддий жавобгарликка тортишнинг тартиб-таомилларини белгилаб берувчи “процедура ҳуқуқи” ёки “меҳнат процессуал ҳуқуқи”ни шакллантириш юридик фанларни ривожланишига туртки беради. Бундан ташқари меҳнат ҳуқуқини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан (асосан фуқаролик, халқаро хусусий ҳуқуқ, маъмурий, ижтимоий таъминот) фарқлаш бўйича кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Аксинча, бу ерда меҳнат ҳуқуқининг ушбу фанлар билан алоқадорлигини ўрганиш кўпроқ фойда беради. Шу ўринда мазкур ҳуқуқ соҳасининг нафақат гуманитар фанлар, балки технологик, техник, табиий фанлар билан ўзаро алоқадорлигини кўриб чиқишга ҳам эҳтиёж ортган. Мисол учун, иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш шартларини технологик фанлар яхшироқ тушунтириб бера олади<sup>2</sup>. Шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик, меҳнат бозори, ишсизлик ва иш билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари бўйича меҳнат иқтисодиёти фани муҳим ўрин тутишини инобатга олиб, ундаги таълимотлардан меҳнат ҳуқуқи фанини ривожлантиришда фойдаланиш лозим.

**2.** Меҳнат ҳуқуқини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари ичида энг муҳими – бу меҳнат ҳуқуқининг умумий қисмини қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Буларга, меҳнат ҳуқуқининг предмети, методлари, тизими, функциялари, манбалари ва субъектлари ҳақидаги таркибий қисмларга янги назарий қарашларнинг кириб келишига оид тенденцияларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг айримларини кўриб чиқиш аниқроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Хусусан, М.Гасановнинг таъкидлашича, меҳнат ҳуқуқининг предмети фақат ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бўйича иш берувчи ва

<sup>1</sup> Лебедев В.М. Некоторые проблемы развития трудового права России. Вестник Томского государственного университета. №384, 2014. –С.158.

<sup>2</sup> Лебедев В.М. Некоторые проблемы развития трудового права России. Вестник Томского государственного университета. №384, 2014. –С.159.

ходим ўртасидаги муносабатларни эмас, балки улар билан боғлиқ бўлган бошқа ҳосила муносабатларни ҳам тартибга солиш ҳисобига кенгайтирилиши лозим. Буларга ишга жойлаштириш, жамоага доир меҳнат муносабатлари, касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меҳнат қонунчилигига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш, меҳнат низоларини кўриб чиқишга оид муносабатларни келтириб ўтиш мумкин<sup>1</sup>.

Шунингдек, меҳнат ҳуқуқининг манбаларини аниқлашда ҳам принципиал ўзгаришлар содир бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Бу ерда гап меҳнат ҳуқуқининг манбалари қаторига меҳнат шартномаси, суд прецедентлари ва иш муомаласи одатларини ҳам киритиш ҳақида кетмоқда. Бироқ ушбу масалада олимлар ҳали ягона фикрга келган эмас<sup>2</sup>. Ҳозирда меҳнат шартномаси ва суд прецедентига ҳуқуқни қўллаш ёки расмий шарҳлаш акти сифатида қаралади. Шунга қарамасдан, меҳнат шартномасини меҳнат ҳуқуқининг манбаларига киритиш оид амалиёт бошланганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Мисол учун, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасида меҳнат шартномаси меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатида эътироф этилди<sup>3</sup>.

**3.** Меҳнат ҳуқуқида кузатилаётган навбатдаги тенденция меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда махсус нормаларнинг роли ортиб бораётганлиги билан боғлиқ. Умумий ва махсус нормаларнинг ўзаро муносабати ҳуқуқий тартибга солишнинг бирлик ва дифференциациясида намоён бўлади. Дифференциация махсус нормалар гуруҳини вужудга келтирмоқда, бу эса турли шароитларда ишловчи ходимларни бир хилда ҳуқуқий ҳимояланишини таъминлаб, меҳнат муносабатларида камситишларнинг олдини олади. Мамлакатимизда субъектив дифференцияга (аёллар, ёшлар, ногиронлар) оид қоидалар нисбатан ривожланган. Бироқ объектив (ўриндош, мавсумий, вақтинчалик ходимлар, ташкилот раҳбарлари ва б.лар) ва соҳавий дифференциация (транспорт, педагог ходимлари, диний хизматчилар) бўйича муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Ўйлаймизки, янги таҳрирдаги қабул қилиниши кутилаётган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси уларни ижобий равишда ҳал қилишга эришади.

**4.** Ривожланган давлатларнинг амалиётига кенг жорий этилган меҳнатдан фойдаланишнинг ностандарт шакллари секин-аста постсовет давлатларига ҳам кириб келмоқда. Бу меҳнат бозоридаги эгилувчанлик билан боғлиқ. Мисол учун, бунда давлат ходимларни ишга ёллаш ва ишдан бўшатишнинг эгилувчан шартларини қонуний мустаҳкамлаб қўяди. Бу инновацион иқтисодиёт шароитларида иш берувчиларга ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш учун объектив зарурат ҳисобланади. Иқтисодчи олим Қ.Абдурахмонов меҳнат

<sup>1</sup> Гасанов М.Ю. Ўша асар. – Б. 24-26.

<sup>2</sup> Лушникова М.В., Лушников А.М. Очерки теории трудового права. –СПб, 2006. –С.465.

<sup>3</sup> <http://etalonline.by/?type=text&regnum=НК9900296>

муносабатларининг ностандарт шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган:

- ижарага олинган меҳнат (заёмный труд ёки loan labor);
- масофадан туриб ишлаш (telework ёки telecommuting);
- аутстаффинг (out staff – штатдан ташқарисида);
- аутсорсинг (outsourcing – ташқи манба ва/ёки ресурсдан фойдаланиш);
- фриланс (freelanc – эркин ёллаш);
- коворкинг (Co-working – ҳамкорликдаги меҳнат);
- краудсорсинг (crowdsourcing, crowd – sourcing – кенг доира-ресурслардан фойдаланиш)<sup>1</sup>.

Меҳнатдан фойдаланишнинг мазкур шакллари меҳнат қонунчилигида мустаҳкамланиш жараёнлари бошланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 9-2020/Б-сон буйруғи билан тасдиқланган Низомда масофадан ишлаш ва масофавий иш усулига оид нормалар ўз аксини топди<sup>2</sup>.

**5.** Энг сўнгги тенденциялардан бири меҳнат ҳуқуқининг фавқулодда вазият, фавқулодда ҳолат ёки чекловчи тадбирлар (карантин) киритилган вақтда қандай жавоб бериши бўйича позицияси шаклланаётганлиги ҳисобланади. Бунга коронавирус пандемиясидан кейин меҳнат муносабатлари соҳасида вужудга келган кўплаб саволлар туртки бўлди. Натижада меҳнат ҳуқуқининг фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ қоидаларини ишлаб чиқишга киришилди.

Меҳнат ҳуқуқини ривожлантириш ҳақида гап кетганда албатта ушбу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг аҳволи ва мутахассис кадрларни тайёрлашга ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ушбу ҳуқуқ соҳасининг ривожини ушбу жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳолда кечади.

**Меҳнат ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни ҳимоя қилишда “жонланиш” бошланди.** Меҳнат соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ҳуқуқининг бошқа соҳаларига (конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи) қараганда унча оммабоп эмас. Мамлакатимизда 1991-2020 йилларда 12.00.05-Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи ихтисослиги бўйича жами 4 та диссертация иши ҳимоя қилинган. Булар:

1) Исмоилов Ш.А. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари (DSc, 2020 й.);

2) Атажанова Д.С. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари (PhD, 2018 й.);

3) Зиядуллаев М.Ж. Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш(PhD, 2019 й.);

<sup>1</sup> Абдурахманов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик. –Т.: FAN, 2019. 314-344 б.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4776265>

4) Саттарова Г.Д. Коллективно-договорное регулирование трудовых отношений в Республики Узбекистан (ю.ф.н., 2009 й.).

Таъкидлаш лозимки, бундай кичик кўрсаткич ушбу ҳуқуқ соҳаларининг бозор муносабатлари шароитида аҳамияти пасайганлиги ёки тадқиқотчиларнинг бу соҳаларда илмий изланишлар олиб боришга қизиқиш билдирмаслиги сабабли келиб чиқмаган. Бунга бошқа омиллар сабаб бўлган. Хусусан, меҳнат ҳуқуқи соҳасида фан доктори илмий даражасига эга олимларнинг йўқлиги ушбу ихтисосликда диссертация ишларини ҳимоя қилишни деярли имконсиз ҳолатга айлантирган. Меҳнат соҳада диссертация ишини ҳимоя қилиш учун фан доктори илмий даражасига эга бўлган олимларни хорижий давлатлардан таклиф қилиш лозим эди. Қўшимча сарф-харажат ва тартиб-таомилларни талаб қилган бундай оғир жараён тадқиқотчи учун ўтиб бўлмас тўсиққа айланган эди. Натижада, меҳнат ҳуқуқи мутахассислари (М.А.Усманова, Ш.А.Исмоилов, Ш.М.Газиёев) ҳам туташ соҳалар бўйича диссертация ишларини ҳимоя қилишди. Шунингдек, бошқа ҳуқуқ соҳасининг мутахассислари (М.М.Мамасиддиқов, Г.М.Мурадова, Б.Т.Мусаев, М.М.Маҳаматов) томонидан меҳнат ҳуқуқи муаммолари билан боғлиқ тадқиқот ишларининг амалга оширилганлиги ушбу фаннинг ривожланишига ҳисса қўшди. Ўтган ўттиз йил ичида меҳнат ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш масаласи бўйича танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилганлигига қарамадан амалий чоралар кўрилмади. Яқин 3-4 йил эса ичида илм-фанга бўлган муносабатнинг ўзгариш ортида вазият яхши томонга ўзгарди. Жумладан, ОАК томонидан турдош ҳуқуқ соҳалари бўйича фан доктори илмий даражасига бўлган ҳамда меҳнат ҳуқуқи соҳасида фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олимлар таркибида бир марталик кенгашларни тузиш ва уларда ҳимоя ўтказишга руҳсат берилди. Натижада бир марталик кенгашлар тузиш орқали 2018-2020 йилда жами 3 та докторлик диссертацияси (2 та PhD ва 1 та DSc) ҳимоя қилинди. Ушбу кўрсаткич, олдинги йиллар билан солиштирилганда ижобий ҳисобланади. Бироқ мазкур соҳада илмий даражали кадрларга бўлган талабни қондирмайди. Шу сабабли, кичик сондаги (1 нафардан 3 нафаргача) фан доктори илмий даражасига эга олимларнинг кўпайишига тезроқ эришиб, уларнинг илмий кенгашлар таркибига киришини таъминлаш лозим.

**Меҳнат соҳасида юрист кадрларни тайёрлаш.** Бу борада иккита тенденцияни ажратиш кўрсатиш мумкин. **Биринчиси**, мутахассисларни тайёрлашда меҳнат ҳуқуқининг назарий жиҳатларига катта эътибор бериладиган тизим бўлса, **иккинчиси**, асосий эътиборни амалий билимларни олишга қаратадиган тизимдир. Хорижлик юрист учун меҳнат ҳуқуқининг тизими, унинг предмети, методлари, меҳнат ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш принциплари ҳақидаги кўп томли тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш қийин. Улар юридик олий ўқув юртларининг талабалари томонидан ҳам қийин ўзлашти-



рилади<sup>1</sup>. Шу ўринда таълим мазмунига қўйилган талабларни ҳатто уларга асосланиб ёзиладиган ўқув адабиётларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи дарслигида (М.Гасанов) баён қилинган назарий қоидаларнинг АҚШдаги меҳнат ҳуқуқи дарслигида кўриш эҳтимолимиз жуда паст<sup>2</sup>. Бироқ ҳозирда мамлакатимизда юрист кадрларни тайёрлашда амалий билим беришга катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, меҳнат соҳасида хизмат олиб борувчи олий маълумотли юрист кадрларни тайёрлаш асосан юридик университет зиммасига тушади. Аммо ушбу юкломани бошқа олий ўқув юртлирини ташкил этиш орқали камайтириш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси қошида фаолият юритувчи ўқув марказларини олий ўқув юртлирига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки асосий муаммолар пакети ушбу ташкилотларда йиғилганлиги сабабли уларда амалиётга йўналтирилган билимни олиш асосида юқори малакали олий маълумотли кадрларни етиштириш мумкин. Мазкур таклифни амалга оширилиши меҳнат ҳуқуқ ва меҳнатнинг техник инспекторларини тайёрлашга катта хизмат қилган бўлар эди.

Меҳнат ҳуқуқи ўзини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш механизми орқали реализация қилади. Шу нуқтаи назардан меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

**Меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш.** Мазкур йўналишда бажарилиши лозим бўлган энг катта вазифа Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси постсовет давлатлари ичида биринчи бўлиб Меҳнат кодексини қабул қилган. Бироқ янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар мазкур қонуннинг “қариган”лиги бўйича айрим хулосаларни чиқаришга олиб келади. Таъкидлаш лозимки, ушбу Кодекс чорак аср олдин ўша даврдаги вазиятдан келиб чиқиб ёзилган. Шу сабабли уни замонавий талабларга мослаштириш лозим. Меҳнат қонунчилигини бундай ислоҳ қилиш Қозоғистон ва Тожикистонда яқунланиб, улар янги таҳрирдаги меҳнат кодексларини ишлаб чиқди<sup>3</sup>.

**Меҳнат ҳуқуқи назарияларининг ҳуқуқ қўллаш амалиётидаги аҳамияти.** Ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилашга оид асосий тенденциялардан бири бу ҳуқуқий герменевтика, хусусан, меҳнат ҳуқуқининг герменевтикасидан фойдаланиш ҳисобланади. Фанда меҳнат ҳуқуқий герменевтика деганда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, локал норматив ҳужжатлар, меҳнат битимлари ва бошқа ҳуқуқни қўллаш

<sup>1</sup> Лебедев В.М. Некоторые проблемы развития трудового права России // Вестник Томского государственного университета. №384, 2014. –С.158.

<sup>2</sup> Elizabeth Aylott. Employment law: a practical introduction. – London, New York: Kogan Page Limited, 2018. – P.224.

<sup>3</sup> Исмаилов Ш.А. Влияние новой редакции Трудового кодекса Республики Узбекистан на развитие предпринимательства и инвестиционной деятельности // Бюллетень Верховного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2019. – №2(143). – С. 47-52.

актларини тизимли шарҳлаш назарияси ва санъати тушунилади. Меҳнат ҳуқуқи нормалари ва суд қарорлари профессионал тилда, юристнинг “ишчи қуроли” усулида ёзилади. Унда махсус иборалар ва баён қилишнинг ўзига хос услуби қўлланилганлиги боис шарҳланишга муҳтож бўлади. Немис юридик адабиётларида “шарҳлашнинг субъектив назарияси” ва “шарҳлашнинг объектив назарияси” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар қонун чиқарувчи ва қонуннинг эрки-хоҳиши нима эканлигини тушунтириб беради<sup>1</sup>. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда Конституциявий суд қонун ҳужжатларини бундай шарҳлаш ҳуқуқига эга. Бироқ локал даражада шарҳлаш деярли мажуд эмас (ташкilotлар ва судлар томонидан шарҳлаш).

**Меҳнат соҳасини рақамлаштириш.** Рақамлаштириш катта ҳажмдаги ахборот билан тез ва қулай, ишончли ишлаш имконини берганлиги сабабли иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омилга айланиб улгурди. Мамлакатимизда ҳам рақамли иқтисодиётни жорий қилиш давлат сиёсати даражасида бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш механизминини такомиллаштириш, ижтимоий меҳнат соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида 2020 йил 1 январдан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 октябрдаги “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4502-сон қарори меҳнат муносабатларида рақамлаштириш даври бошланганлигини белгилаб берди<sup>2</sup>. Меҳнат муносабатларини рақамлаштириш рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида энди ортга қайтмас жараёнга айланиб, меҳнат соҳасида яқин истиқболда ҳам асосий тенденциялардан бири сифатида сақланиб қолади.

Меҳнат ҳуқуқини фан, ҳуқуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, содир бўлаётган асосий тенденцияларни аниқлаб олиш ҳамда улар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш илмий жамоатчиликнинг диққат марказида бўлиши лозим. Ижтимоий меҳнат соҳасида ҳақиқий ислохотларни ўтказиш ва самара олиш учун ушбу соҳада юз бераётган ҳодисаларни тўғри ўзанга солиб туриш ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.

<sup>1</sup> Лебедев В.М. Некоторые проблемы развития трудового права России // Вестник Томского государственного университета. №384, 2014. –С.160.

<sup>2</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2019 й., 07/19/4502/3977-сон.

## ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА БИРГАЛИКДА ИШТИРОК ЭТИШ: ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА АСОСЛАРИ

**ИСМОИЛОВ Олимжон Ҳамитович,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент  
вилоят судининг раиси

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида тарафлар масаласига доир бўлган биргаликда иштирок этиш институти, унинг тушунчаси, мазмуни ва асослари ҳамда мазкур институтни такомиллаштириш бўйича ҳулосалар илғари сурилган.

**Аннотация:** В статье были выдвинуты выводы о совместном участии Института по вопросу о партиях в Гражданском процессуальном законодательстве нашей страны, его концепции, содержания и основах, а также совершенствовании этого института.

**Abstract:** The article put forward conclusions about the joint participation of the Institute on the issue of parties in the Civil procedure legislation of our country, its concept, content and foundations, as well as the improvement of this institute.

**Калит сўзлар:** фуқаролик процесси, қонунчилик, тарафлар, биргаликда иштирок этиш, шерик иштирокчилик, ишга тиклаш, учинчи шахс, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, законодательство, стороны, совместное участие, партнерское участие, восстановление занятости, третье лицо, улучшение.

**Key words:** civil process, legislation, parties, joint participation, partnership participation, employment restoration, third party, improvement.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида процессуал ва моддий ҳуқуқ соҳаларининг ўзаро алоқадорлигини намोён этувчи процессуал иштирокчилик институти марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бироқ тан олиш керак, процессуал иштирокчилик мамлакатимизда алоҳида тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган ва юридик адабиётларда асосан шерик иштирокчиларнинг процессуал ҳолатига доир масалаларга диққат-эътибор қаратилган.<sup>1</sup> Бироқ фуқаролик процессида турдош моддий-ҳуқуқий манфаатга эга бўлган субъектларнинг

<sup>1</sup> Қаранг: Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик // -Т.: "Адолат" нашриёти. 2001 й. -512 б.; Якубов С.А. Стороны в гражданском процессе. -Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR. 2006. -6 с.; Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари / Монография. -Т.: ТДЮИ, 2005. -217 б.; Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. -Тошкент: АҚҲМИ, 2008. -102 б.; Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. - Тошкент., ТДЮИ. 2005, -28 б.; Эсанова З.Н. Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судида кўришнинг процессуал хусусиятлари: Юрид. фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. -Тошкент: ТДЮИ. 2010, -52 б.; С.А.Марипова. Судебное представительство. Учебное пособие // Отв. ред. проф. Зокиров И.Б. -Ташкент: ТГЮИ, 2009. -144 с.; Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: савол ва жавоблар. -Тошкент., ТДЮИ. 2010.

ўзаро алоқаси, улар томонидан процессуал ҳуқуқларни амалга ошириш хусусиятлари чуқур ўрганилмаган ва мазкур масалани тадқиқ этиш ҳозирда долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши товар-моддий қимматликларининг интенсификациясида муомалага киришида ҳамда турли хил субъектлар ўртасида мулкӣ ва номулкӣ муносабатларнинг ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида моддий-ҳуқуқӣ муносабат иштирокчилари таркибининг ҳамда улар ўртасидаги ҳуқуқӣ алоқаларнинг мураккабланишига таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ўзаро ҳуқуқӣ алоқалар натижасида томонлар ўртасида турли келишмовчиликлар, низоли масалаларнинг юзага келиши натижасида суд амалиётида турли хил, янги ва бирмунча мураккаб бўлган ҳуқуқӣ муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда бир неча субъектлар иштирок этувчи фуқаролик ишларининг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Масалан, меҳнат, уй-жой, оила, мерос ва бошқа бирмунча мураккаб бўлган ишлар жумласидандир. Мазкур тоифадаги низоли ишларни судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида муайян ҳуқуққа эга бўлган ёки ўз зиммасига мажбурият юкланган барча шахсларнинг иштирок этиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам моддий-ҳуқуқӣ муносабатлардаги кўп субъектлик суд орқали ҳимояланиш мақсадида судга мурожаат қилинганидан сўнг ўз ўзидан процессуал ҳуқуқӣ муносабатларда ҳам бир неча иштирокчиларнинг юзага келишига олиб келади. Бундай шароитда судлар зиммасига ҳуқуқӣ муносабат субъектларининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида, самарали ҳимоя қилишдек муҳим вазифа юкланади. Шу муносабат билан фуқаролик процессида биргаликда иштирок этувчиларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш, уларни процессда биргаликда иштирок этиш асосларини аниқлаш ҳамда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри белгилаш масалаларини тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлади.

Юридик адабиётларда ҳам судлар фаолиятида процессуал шерик иштирокчилик нисбатан кўп учраши таъкидланиб, бу ўз навбатида фуқаролик, меҳнат, уй-жой, оила ва бошқа ҳуқуқӣ муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштирок этувчи субъектлар таркибининг мураккаблиги билан изоҳланиши ҳақида фикрлар илгари сурилган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 41-моддасида процессда биргаликда иштирок этишга оид қоидалар белгиланган бўлиб, унга кўра, судга бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан талаб қўйилган ариза берилиши мумкин. Даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа

---

<sup>1</sup> Шегида Е.А. Институт процессуального соучастия в гражданском процессуальном праве России. Автореф. дис... канд. юрид. наук. -М., 2009. -11 с.

тарафга нисбатан процессда мустақил равишда иштирок этади. Учинчи шахслар ҳам процессда биргаликда иштирок этишлари мумкин.<sup>1</sup>

Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этишнинг, яъни бир вақтда ҳар тарафда бир неча шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилишининг аҳамияти ҳақидаги шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур институт фуқаролик, уй-жой, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларда кенг қўлланилиб келинади ва иш бўйича суд харажатларини, вақтни процессуал жиҳатдан иқтисод қилиш, одил судлов ҳужжатини ўз вақтида қабул қилиш каби мақсадларни назарда тутди. Ҳуқуқшунос олим М.Мамасиддиқов ҳам фуқаролик процессида биргаликда иштирок этишнинг асосий мақсади суд томонидан фуқаролик ишларининг кўрилишини енгиллаштириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишдан иборат эканлиги таъкидлайди.<sup>2</sup>

Процессуал иштирокчилик - процесс субъектлари томонидан илгари сурилган даъвони бирлаштириш ҳисобланади ва шунинг учун ҳам юридик адабиётларда процессуал иштирокчиликни даъвони субъектив бирлаштириш, деб ҳам атайдилар.<sup>3</sup> Ўз навбатида, юридик адабиётларда даъвони объектив бирлаштириш тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, бир шахс бошқа шахсга нисбатан бир неча даъво талабларини илгари суради. Мазкур ҳолатда талабларнинг бирлаштирилиши объект бўйича амалга оширилади ва бу ўринда шерик иштирокчилик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Миллий процессуалчи олимларимиз томонидан процессуал шерик иштирокчиликка таъриф бериш борасида бир хил ёндошувни кўриш мумкин. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, процессуал шерик иштирокчилик деб, муайян фуқаролик ишининг судда кўрилишида ҳар икки тарафдан ҳам бир неча даъвогарлар ёки бир неча жавобгарлар иштирок этишига айтилади.<sup>4</sup> С.А.Марипова процессуал иштирокчилик деганда фуқаролик процессида бир вақтнинг ўзида даъвогар ёки жавобгар томонидан ҳам ёхуд ҳар икки тарафдан ҳам бир неча шахсларнинг иштирок этишини тушунади.<sup>5</sup> М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, процессда биргаликда иштирок этиш деб, муайян фуқаролик ишининг судда кўрилишида ҳар икки тарафдан ҳам бир неча даъвогарлар ёки бир неча жавобгарлар иштирок этишига айтилади.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Тошкент, “Адолат”. 2019 й.

<sup>2</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ нашр. 2010. – 115 б.

<sup>3</sup> Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - 88 с.

<sup>4</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик // -Тошкент: “Адолат” нашриёти. 2001 й. -59 бет.

<sup>5</sup> Марипова С.А. Гражданский процесс // Учебник для студентов высших учебных заведений. Общая часть. –Т.: ТГЮИ. -2009. -212 с.

<sup>6</sup> Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм // Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент: ТДЮИ. 2010. – 115 б.

МДХга аъзо давлатлар ҳуқуқшунос олимларининг кўпчилиги процессул иштирокчиликка берилган қуйидаги таърифни ёқлаб чиқадилар: процессуал иштирокчилик – бир процессда қатор моддий-ҳуқуқий хусусиятлар ва процессуал алоқадорлик касб этувчи шарт-шароитларга асосланган бир неча даъвогар ёки (ва) жавобгарларнинг иштироки тушунилади.<sup>1</sup> М.С.Шакаряннинг фикрича, шерик иштирокчилик деганда, бир процессда ўзаро талаб қилиш ҳуқуқи ёки мажбурияти бир-бирига қарама-қарши бўлмаган бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши тушунилади.<sup>2</sup> Бу борада Т.Е.Абова билдирган таъриф эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, процессуал иштирокчилик деганда, бир процессда талаб қилиш ҳуқуқи (ёки жавоб бериш мажбурияти) бир-бирини истисно этмайдиган бир неча даъвогарларнинг (ёки жавобгарларнинг) иштирок этиши тушунилади. Муаллифнинг фикрича, процессуал иштирокчиликка нисбатан берилган ушбу таъриф бирмунча тўқис бўлиб, қўшимча аниқлаштиришни талаб этмайди.<sup>3</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, процессуал шерик иштирокчилик — бир фуқаролик ишида талаблари ва манфаатлари бир-бирини истисно этмайдиган бир неча даъвогарлар ёки бир неча жавобгарларнинг иштирок этишидир.

Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этиш асосларини аниқлаш борасида шуни таъкидлаш керакки, процессда биргаликда иштирок этиш қандай асосларга кўра юзага келиши Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган дастлабки ФПКда аниқ ифодасини топмаган эди. Ушбу масала бўйича фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида ҳам турлича ғоялар илгари суриб келинганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, даъвогарнинг ўрнини бир вақтнинг ўзида қачонки низоли ҳуқуқ бир неча субъектларга тегишли бўлганида бир неча шахслар (шерик даъвогарлар) эгаллашлари мумкин.<sup>4</sup> С.А.Иванов ва И.К.Пискаревлар фуқаролик ишини тез ва тўғри кўриб ҳал қилишга ёрдам берса, ҳар қандай ҳолатда ҳам шерик иштирокчиликка йўл қўйилиши мумкин, деган фикрни илгари сурадилар.<sup>5</sup> С.А.Марипова шерик иштирокчиликка йўл қўйишнинг асосларидан бири сифатида процесс иштирокчиларининг бир неча даъвогарни бир вақтда кўришнинг процессуал тежамли эканлигини англашини ҳам киритади.<sup>6</sup> Лекин фикримизча, юқорида билдирилган фикрлар шерик иштирокчиликка йўл қўйиш асосларини тўла очиқ бера

<sup>1</sup> Шегида Е.А. Институт процессуального соучастия в гражданском процессуальном праве России. Автореф. дис... канд. юрид. наук. -М., 2009. -11 с.

<sup>2</sup> Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -89 с.

<sup>3</sup> Абова Т.Е. Соучастие в советском гражданском процессе: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1952. – 7 с.

<sup>4</sup> Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти, 2010. -102 бет.

<sup>5</sup> Гражданский процесс. Учебник. Под. ред. Треушников М.К. 2-изд. -М.: Спарк. 1998. -82 с.

<sup>6</sup> Марипова С.А. Гражданский процесс // Учебник для студентов высших учебных заведений. Общая часть. –Т.: ТГЮИ. -2009. -212 с.

олмайди. Процессуал иштирокчиликнинг юзага келиш асослари Л.А.Грос томонидан бирмунча батафсил баён этилганлигини кўриш мумкин. Унинг фикрича, процессуал иштирокчиликнинг асоси сифатида даъвонинг предмети бўлмиш моддий-ҳуқуқий муносабатнинг бир хилда бўлиши, низоли ҳуқуқнинг ёки низоли мажбуриятнинг бир неча шахсларга тегишли эканлиги ҳамда суд фаолияти ва суд ҳал қилув қарорининг ягона бўлиши эътироф этилади.<sup>1</sup> Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида процесда шерик иштирокчиликка йўл қўйиш учун ушбу иштирокчиларнинг манфаатлари ўзаро бир-бири билан зид бўлмаслиги, яъни шерик иштирокчилар манфаатининг ўзаро муштараклиги ҳам эътироф этилади.<sup>2</sup> М.С.Шакаряннинг фикрича ҳам шерик иштирокчилик деганда бир процесда ўзаро талаб қилиш ҳуқуқи ёки мажбурияти бир-бирига қарама-қарши бўлмаган бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши тушунилади.<sup>3</sup> Бироқ ҳар доим ҳам шерик иштирокчиларнинг манфаатлари ўзаро муштарак бўлавермаслиги мумкин. Лекин шерик иштирокчилар бир-бирлари билан ўзаро низолашмайди. Т.Е.Абованинг таъкидлашича, агар шерик иштирокчилар ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда ҳам (масалан, қаноатлантирилган талабнинг миқдори бўйича), қоида бўйича уларнинг талаблари бир-бири билан мос бўлиб, бир-бирини истесно этмайди. Олиманинг фикрича, ушбу хусусият шерик иштирокчиликнинг жиддий хусусияти бўлиб хизмат қилади.<sup>4</sup>

Процесда биргаликда иштирок этишга йўл қўйиш асослари мамлакатимизнинг янги ФПКда батафсил ўз ифодасини топганлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак. ФПКнинг 45-моддасига кўра, процесда биргаликда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади, агар:

низо предмети бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг умумий ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари бўлса;

бир нечта даъвогарнинг ёки жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта асосга эга бўлса;

низо предмети бир турдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат бўлса.

Бу борада МДХга аъзо давлатлар қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур масала ўз ечимини топган. Масалан, Беларусь ФПКнинг 62-моддаси,<sup>5</sup> Россия Федерацияси ФПКнинг 40-моддаси,<sup>6</sup> Украина

<sup>1</sup> Грось Л.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения трудовых дел. -М.: ВЮЗИ. 1985 г.

<sup>2</sup> Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография \ Ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметовнинг умумий таҳрири остида. -Тошкент: ТДЮИ. 2005. -40 б.

<sup>3</sup> Гражданское процессуальное право: Учебник // С. А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -89 с.

<sup>4</sup> Абова Т. Е. Соучастие в гражданском процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 1952. -7 с.

<sup>5</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года. Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

<sup>6</sup> Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ. [www.consultant.ru](http://www.consultant.ru)

Республикаси ФПКнинг 32-моддасида<sup>1</sup> процессуал шерик иштирокчиликка йўл қўйиш асослари назарда тутилган. Улар қуйидагилардан иборат:

1) низонинг предметини шерик иштирокчиларнинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этса;

2) шерик иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта фактик ва ҳуқуқий асосга эга бўлса;

3) низонинг предметини бир хил фактик ва ҳуқуқий асосларга эга бўлган бир турдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этса.

Процессуал шерик иштирокчиликка йўл қўйиш асосларининг мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилиши тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўғри аниқлаш, суд процессига ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларни жалб этиш, ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини тўғри аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Процессда биргаликда иштирок этишга йўл қўйиш масалалари фуқаролик процессининг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, ФПКнинг 201-моддасида ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби тўғрисидаги масалани ҳал қилиш мазкур вазифалардан бири сифатида эътироф этилади. Суд амалиёти шундан далолат берадики, судьялар аризаларни қабул қилиш жараёнида нафақат ишда иштирок этувчи шахслар, балки тақдим этилган даъво талабига қўшилиши мумкин бўлган шахслар доирасини аниқлашда ҳам хатоликларга йўл қўймоқдалар. Бу эса шерик даъвогарларни ишда иштирок этишга жалб қилиш учун иш кўришни бошқа кунга қолдиришга ва фуқаролик ишларини судда кўриш муддатларини бузишга олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, процессуал ҳуқуқ назарияси ва қонунчилигига кўра, шунингдек фуқаролик процессининг диспозитивлик (эркин ҳуқуқчилик) тамойилига мувофиқ, суд ўз ташаббуси билан процессда шерик даъвогарнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун унинг розилигисиз жалб этиш ваколатига эга эмас. Бироқ ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья суднинг иш юритувида унинг манфаатларига дахл қилувчи иш мавжуд эканлигини, ишда шерик даъвогар сифатида иштирок этиб, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 26-сонли “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори 10-бандида судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби ҳақидаги масалани ҳал қилишда, ўзининг ташаббуси билан низо характерини ҳисобга олган ҳолда даъво ишлари бўйича — шерик жавобгарлар, учинчи шахсларни, алоҳида тартибдаги ишлар бўйича —

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР.– 2004. – № 40 – 41, 42. – Ст. 492.



манфаатдор шахсларни жалб қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Бизнинг назаримизда биргаликда иштирок этувчи шахсларни, хусусан, шерик даъвогарларни ҳам суд процессига жалб этиш билан боғлиқ юқоридаги масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқоридаги “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида”ги қароридан ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 184-моддасида Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни илгариги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида жавобгар тарафидан ишда иштирок этиш учун ўз ташаббуси билан жалб қилиши шартлиги ўз ифодасини топган. Шу ўринда мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонидан жалб қилишдан кўзланган мақсад меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очиқдан-очиқ қонунга хилоф бўлганлигини аниқлаган суд шу процесснинг ўзидаёқ, мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш берилган вақт учун ходимга иш ҳақи тўлаш натижасида иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклашдан иборатдир.

Бироқ фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахс процессда бир вақтнинг ўзида мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ҳамда иш берувчи, яъни жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши билан боғлиқ муаммоли масалалар мавжуд. Мазкур муаммо, айниқса Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарорининг 52-бандида мансабдор шахснинг учинчи шахс сифатида жавобгар томонида жалб этилиши унинг иш бўйича жавобгарнинг вакили сифатида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилиши билан янада долзарблик касб этади.<sup>1</sup>

Шу ўринда юридик адабиётларда ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахсни процессда бир вақтнинг ўзида мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ҳамда жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши билан боғлиқ турли қарашлар илгари сурилган. Масалан, М.К.Треушниковнинг фикрича, мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида корхонанинг вакили сифатида суд процессида иштирок этиши мумкин.<sup>2</sup> Лекин айрим

<sup>1</sup> Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 1998. № 1,2.

<sup>2</sup> Особенности рассмотрения отдельных категорий гражданских дел. /Под. ред: М.К.Треушников. -М.: МГУ, 1987. -203 с.

олимлар ушбу фикрга қўшила олмайдилар. Жумладан, И.Б.Морейннинг фикрича, учинчи шахс сифатида иштирок этаётган мансабдор шахслар бир вақтнинг ўзида иш берувчининг вакили бўла олмайди, шунинг учун судда ташкилотнинг манфаатларини ишончнома асосида бошқа ходим ҳимоя қилиши лозим.<sup>1</sup> М.М.Мамасиддиқов учинчи шахс сифатида процессга жалб қилинган мансабдор шахс мазкур иш бўйича жавобгарнинг вакили сифатида сўзга чиқиши мумкинлиги юзасидан М.К.Треушниковнинг фикрларига қўшилмаслигини билдиради. Унинг фикрича, процессуал вазифаларнинг ўзаро қўшиб юборишга қачонки, ушбу иштирокчиларнинг манфаати ўзаро зид бўлмагандагина йўл қўйилади. Жавобгар, яъни корхона билан учинчи шахс сифатида процессга жалб этилган мансабдор шахснинг манфаатлари қачонки ходимни ишдан бўшатиш қонуний амалга оширилганда ёки суд томонидан ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги даъво талабларини рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганидагина бир бирига мувофиқ келади. Агар ишга тиклаш ва мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилиб, мансабдор шахснинг айби исботлангудек бўлса, уларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлади.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахсни процессда бир вақтнинг ўзида мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс ҳамда жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида илгари сурилган концепцияларга зид. Зеро, фуқаролик процессида бир шахс бир вақтнинг ўзида ҳам жавобгар, ҳам учинчи шахс сифатида иштирок этиши мумкин эмас. Шундай экан юзага келган мазкур муаммонинг қандай ечими мавжуд, деган савол туғилади. Бизнинг назаримизда, муаммонинг бирдан-бир ечими ишга тиклаш ҳақидаги ишлар бўйича учинчи шахс сифатида мансабдор шахсни процессга жавобгар томонидан жалб қилиш институтидан воз кечиш ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, унга кўра, ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс, қонунни очиқ-ойдин бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарган тақдирда, у Меҳнат кодекси 201-моддасининг биринчи қисми доирасида моддий жавобгар бўлишини назарда тутиш лозим. Шу ўринда ўрганилган хорижий давлатлар (Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Қозоғистон) фуқаролик процессуал қонунчилигида ишга тиклаш тўғрисидаги ишларда мансабдор шахсларни учинчи шахс сифатида жалб қилишга оди махсус норма мавжуд эмаслиги аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири ушбу давлатларнинг меҳнат қонунчилигида ишга қабул қилиш ва меҳнат

<sup>1</sup> Боннер А.Т. Применение нормативных актов в гражданском процессе. Автореф. дис. д-ра. юрид. наук. - М.: 1980. 13 с.

<sup>2</sup> Мамасиддиқов М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари / Монография. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. –Б. 52-53.

шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс, қонунни очиқ-ойдин бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарган тақдирда, у корхона олдида тўлиқ моддий жавобгар бўлиши назарда тутилган. Масалан, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 256-моддасида ташкилот раҳбари ташкилот мол-мулкига нисбатан етказилган ҳақиқий зарар учун тўла моддий жавобгар бўлиши белгиланган. Шунингдек, 403-моддада моддий жавобгарликни чеклаовчи ҳолатлар баён этилган бўлиб, унда мансабдор шахслар томонидан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақида ноқонуний буйруқ чиқарган тақдирда корхонага нисбатан етказилган зарарни ундиришда чекловлар назарда тутилмаган.<sup>1</sup>

Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 277-моддасида ҳам ташкилот раҳбари ташкилот мол-мулкига нисбатан етказилган ҳақиқий зарар учун тўла моддий жавобгар бўлиши, ушбу ҳолатда зарарни ҳисоблаш фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилиши назарда тутилади.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, ишга тиклаш ҳақидаги фуқаролик ишини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнида қонунни очиқ-ойдин бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарган мансабдор шахс процессга иш берувчи билан биргаликда шерик жавобгар сифатида жалб этилиши лозим.

## КОРРУПЦИЯНИНГ МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШINI ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

**РАХИМОВ Дониёр Бахтиёрович,**  
Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази бўлим  
бошлиғи, юридик фанлар номзоди

**Аннотация:** Мақолада коррупциянинг келиб чиқиши, коррупцияга қарши курашишнинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси, шартнома тузишда йўл қўйилиши мумкин бўлган коррупциявий омиллар ва уларнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш жараёнига таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье анализируются вопросы, связанные с происхождением коррупции, опытом развитых стран в борьбе с коррупцией, возможными факторами коррупции при заключении контрактов и их влиянии на процесс обеспечения исполнения обязательств.

**Abstract:** The article analyzes issues related to the origin of corruption, the experience of developed countries in the fight against corruption, possible factors of

<sup>1</sup> Трудовой кодекс Республики Беларусь от 26 июля 1999 г. N 296-З. Зарегистрировано в Национальном реестре правовых актов Республики Беларусь 27 июля 1999 г. N 2/70.

<sup>2</sup> Трудовой кодекс Российской Федерации от 30 декабря 2001 г. N 197-ФЗ. –М.: Эксмо, 2007. -209 с.

*corruption in the conclusion of contracts and their impact on the process of ensuring the performance of obligations.*

**Таянч сўзлар:** коррупция, коррупциявий омиллар, манфаатлар тўқнашуви, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

**Ключевые слова:** коррупция, факторы коррупции, конфликт интересов, гражданско-правовые отношения, обеспечения исполнения обязательств.

**Key words:** corruption, reasons for corruption, conflict of interest, civil-legal relations, to ensure fulfillment of obligations.

Коррупцияга қарши курашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўяр эканмиш, бунда энг аввало, мозийга назар ташласак хайли бўлар эди. Зеро, Абдулла Қодирий айтганларидек, “Мозийга қараб иш тутмоқ хайрлидир”.

Коррупция бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, унинг тарихий илдизлари жуда қадим замонларга яъни, инсонлар қабила-қабила бўлиб яшаган даврларга бориб тақалади. Тахминларга кўра, коррупция қабила бошлиқларига ҳадялар беришдан бошланган. Инсонлар қабилада ўз ўрнига, маълум бир мавқега эга бўлишлари ёки бирор-бир манфаат кўриш илинжида қабила бошлиқларига қилган ҳадялари ўз даврида одатий ҳол сифатида қабул қилинган бўлиши мумкин. Бироқ, давлат бошқаруви такомиллашиб бораётган бугунги кунда коррупция давлатлар ривожланишига катта тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, коррупцияга қарши курашган биринчи давлат сифатида қадимги Шумер давлати тан олинади. Қадимги давлатларни айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ ташвишга солганлиги бизгача сақланиб қолган манбалардан маълум. Чунки, бу ҳолат давлатнинг обрўсига жуда қаттиқ путур етказарди. Дунёнинг етакчи динларида ҳам биринчи навбатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг порахўрлиги қаттиқ қораланади. Жумладан, Инжилда “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган бўлса, Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкани ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” дейилган.<sup>1</sup>

Қ.Абдурасулованинг фикрича, мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса сифатида коррупция тарихи қадимийлигига кўра инсоният цивилизациясига тенг десак, хато бўлмайдди. Давлат хизмати тизимидаги коррупция ҳақидаги биринчи битиклар қадимги Бобия архивларидан топилган. Ўша даврда Пагаш шаҳри мансабдор ва судьяларнинг вазифаларини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида давлат

---

<sup>1</sup> Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуллари. <http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupciya/>? ELEMENT ID = 24676.

бошқарувини ислоҳ қилади. Машҳур қадимги юнон ҳикматига кўра, “Do ut facies” (бажариши учун бераман) дейилган.<sup>1</sup>

Таъкидланишича, Жанубий Кореянинг Канвондо вилояти жойлашган тарихий саройнинг кираверишида қадимда аҳолига давлат хизматлари кўрсатилган махсус бино бор. Бино пештоқига хитойчада “Фуқаро, давлат хизматчисининг ҳузурига онгини поклаб киргин!” деган ўғит ёзиб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, коррупция жаҳон миқёсида ҳал қилиниши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилади.

2018 йилда Халқаро Очиқлик ташкилоти томонидан жаҳоннинг 180 мамлакатадаги коррупция ҳолати ўрганилиб, Коррупцияга қарши кураш индекси эълон қилинди. Унда Шимолий Европада жойлашган мўъжаз ва гўзал Дания давлати жаҳоннинг энг кам коррупциялашган давлати деб топилган. Ушбу рейтингга кўра, бу мамлакатдаги коррупция ҳолатининг ижобийлиги 100 баллдан 88 баллга баҳоланган. Ўрганишлар ўтказиб келинаётган 1995 йилдан буён Дания бу рейтингда юқори ўринларни эгаллайди.<sup>2</sup>

Фикримизча, коррупцияга қарши курашда самарали натижаларга эришган жаҳоннинг ривожланган Швеция, Сингапур, Гонконг, Португалия каби давлатларнинг тажрибасини ўрганиш айтиш мумкин бўлар эди.

Сингапур давлати 1965 йилгача коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар эди. Мустақилликка эришгач, бу иллатга қарши бир қатор тадбирлар ўтказилиши натижасида коррупциянинг минимал даражасига тушишига олиб келган. Биринчи навбатда, судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларини ошириш эвазига суд тизимининг мустақиллиги оширилган. Шунингдек, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишда бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланган. Қайд қилинган омиллар Сингапурни қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиққан. Бундан ташқари, давлат хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этишини қаттиқ назорат остига олиниши ҳам Сингапур давлатида коррупцияга қарши курашда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Ушбу давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Коррупциявий омиллар сифатида қуйидагилар баҳоланиши мумкин:

<sup>1</sup> Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш. //Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 2018., 4-сон. -5 б.

<sup>2</sup> Сатторов Ш. Ёнсей университетининг “Бизнес ва давлат бошқаруви” факультети тадқиқотчиси, Human.uz.нинг Жанубий Кореядаги мухбири. <https://m.aniq.uz/yangiliklar/korrupsiya-urugi-quriyotgan-daniyadan-nimalarni-urganish-mumkin>

*биринчидан*, ҳуқуқни қўлловчи учун умумий қоидалардан истисноларни асоссиз даражада кенг доирада назарда тутиш ёки асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи;

*иккинчидан*, ноаниқ, бажарилиши қийин ва (ёки) жисмоний ва юридик шахсларга малол келувчи талабларни ўз ичига олган;

*учинчидан*, ҳуқуқий тартибга солишда камчиликлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётида<sup>1</sup> қайд қилинишича, “коррупциявий омиллар - ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари;” ташкил этади.

*Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида асосий тушунчалар берилган бўлиб, унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашувига доир тушунчаларга таъриф берилган, яъни коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.*

*Коррупция латинча “Corruptere” сўзидан олинган бўлиб, “бузмоқ” деган маънони англатади. Бу атама одатда мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.*

*Коррупция кўплаб давлатларнинг жиноят ва маъмурий қонунчилиги билан ҳуқуққа қарши ҳаракат сифатида таъқиб қилинади. Бироқ, у жамиятда янада кенг камровли ўринни эгаллайди.*

Г.Рогозиннинг эътирофи этишича, коррупция ҳуқуққа нисбатан синтетик ижтимоий ёки криминологик тушунчадир, шу сабабли уни жамиятнинг аниқ таркиби сифатида эмас, балки турдош қилмишларнинг мажмуи, турли хилдаги ҳуқуқбузарликнинг жамланмаси сифатида талқин этиш ўринлидир.<sup>2</sup> Н.Имомов бу фикрга ўз муносабатини билдирар экан бунда нафақат жиноий, балки маъмурий, фуқаролик, корпоратив, меҳнат, аграр ва шу каби бошқа ҳуқуқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар жамланмаси кўзга ташланади. Масалан, корпоратив муносабатларда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш” тўғрисидаги 384-мх-сонли буйруғи [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 25 декабрда 2745-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган].

<sup>2</sup> Рогозин Г. Коррупция как угроза для цивилизованного развития гражданского общества/ Regla. Научно-культурологический журнал. 2006. № 21. -С.16.

аффилиланган шахслар билан битим тузиш қоидаларини бузиш ёки йирик битимга нисбатан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этмаслик деб таъкидлайди.<sup>1</sup>

Баён этилган фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, коррупция нафақат жиноий, маъмурий шу билан биргаликда, фуқаролик ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликни ҳам ташкил этади.

Демак, коррупция фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида ҳам мавжуд ҳуқуқбузарлик бўлиб, унда иштирок этадиган тарафлар манфаатларига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкинлигини англаш пайти келди.

Шартномалар тузишда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар мажбуриятлар бажарилмасдан қолишига, уларнинг бажарилишини таъминлаш учун қўлланилган усулларнинг самара бермаслигига олиб келиб, унда иштирок этадиган тарафларнинг манфаатларининг тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасида қайд қилинишича, манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

Ушбу вазият қуйи табақадан тортиб то юқори табақача бўлган аҳолининг деярли барча ижтимоий қатламлари, нафақат давлат, балки хусусий соҳаларни ҳам қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йилнинг 26 июнь куни автомобиль саноатида йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилиб, унда, тармоқда маҳаллийлаштириш, аҳолига автомобилларни тез ва арзон етказиб бериш, ташқи бозорга экспорт қилиш замон талабларига умуман жавоб бермаслиги танқид қилинган.

Таъкидланишича, мамлакатимиз бир пайтлар йилига 100 мингдан зиёд автомобиль экспорт қилган бўлса, охириги 5 йилда уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми камайган. Тармоқнинг барча даражадаги бошқарувида коррупция, товламачилик, таниш-билишчилик каби иллатлар томир отиб кетгани бунга сабаб бўлмоқда.

Кейинги 2,5 йилда автомобиль сотишда коррупция ва товламачилик ҳолатлари бўйича 99 та жиноий иш очилган. “Ўзавтосаноат” акциядорлик

---

<sup>1</sup> Имомов Н. Коррупцияга қарши курашнинг фуқаролик-ҳуқуқий усул ва воситалари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журналі. 2019. № 9. -83 б.

компаниясида юзага келган қарздорлик оқибатида ўтган йили тизимдаги бир нечта корхона фаолиятини зарар билан якунлаган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3166-сон қарорида қайд қилинишича, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш, аҳолининг бандлиги ва саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш мақсадида тузилган “Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Дирекцияси” давлат корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб юритилади) фаолиятини ташкил этишнинг амалдаги тартиби давлат ва корпоратив харидларнинг очиклиги ва шаффофлигини лозим даражада таъминламаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, тендерлар ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида Кооперация биржаси доирасида асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган хом ашё ва материалларнинг харидини амалга оширишга имкон берувчи амалдаги тартиб турли хил коррупция кўринишлари, шу жумладан, олдиндан белгиланган етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш мақсадида биржалардан фойдаланиш учун шароит яратмоқда. Шартномаларни рўйхатга олишнинг самарасиз тизими, тузилган шартномалар ижросини назорат қилишнинг таъсирчан механизмлари мавжуд эмаслиги аксарият ҳолларда қабул қилинган шартнома мажбуриятлари ва тасдиқланган тармоқ жадвалларининг бажарилмаслигига сабаб бўлмоқда.<sup>2</sup>

Мазкур қарори билан Дирекция тугатилди.

Бу ҳолатдан коррупция ижтимоий-сиёсий ҳодиса сифатида турли шаклларда кенг ҳажмда мавжуд эканлигини англаш мумкин.

Коррупция - ижтимоий феномен, жамият ва ижтимоий муносабатлар натижаси, ижтимоий ва хўжалик фаолиятини бошқариш функциясининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, вужудга келади ва мавжуд бўлади, яъни айнан шундай ҳолатда мансабдор шахсда жамият ва давлат манфаатларини эмас, балки ўз шахсий ғараз ниятидан келиб чиқиб ресурсларни тасарруф этиш ва қарорлар қабул қилиш имконияти вужудга келади. Демак, коррупция мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, унинг кўриниши, шакли ўзгариши билан ҳажми қисқармайди.<sup>34</sup>

Фикримизча, шартнома тузишда йўл қўйиладиган коррупциявий омиллар - шартноманинг бир тарафига кўпроқ ҳуқуқ белгиланиши,

<sup>1</sup>[http://www.uza.uz/oz/politics/avtomobil-sanoatining-rivozhlanish-isti-bollari-belgilandi-26-06-2018?month=04&year=2018&ELEMENT\\_CODE=avtomobil-sanoatining-rivozhlanish-isti-bollari-belgilandi-26-06-2018&SECTION\\_CODE=politics](http://www.uza.uz/oz/politics/avtomobil-sanoatining-rivozhlanish-isti-bollari-belgilandi-26-06-2018?month=04&year=2018&ELEMENT_CODE=avtomobil-sanoatining-rivozhlanish-isti-bollari-belgilandi-26-06-2018&SECTION_CODE=politics).

<sup>2</sup> “Халқ сўзи” газетаси // 2017 йил 1 август, 0 (6844)-сони.

<sup>3</sup> Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, 2018., 4-сон. -5 б.



иккинчи тарафига эса кўпроқ мажбурият юкланилиши, шунингдек, шартнома тарафлари учун ноаниқ ва бажарилиши қийин бўлган ёки мажбурият бажарилишини оғирлаштирувчи (масалан, маҳсулот таннархи юқори белгиланиши ва ш.к.) шартларни белгиланиши ўз навбатида тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари қўллашнинг самара бермаслигига олиб келади.

Бугун биз шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун Фуқаролик кодексининг 259-моддасида қайд қилинган неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкани ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқа усуллари такрор-такрор қўлланилишини, яъни хуружини (рецидивлашувини) уюштиришимиз мумкин. Бироқ, агар шартномалар тузиш ва унинг бажарилиши таъминлаш жараёнида мавжуд бўладиган коррупциявий омилларни батараф этмас эканмиз, ҳеч қандай самарага эриша олмаймиз.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, коррупция эътироф этиб келинаётганидек, жиноий ёки маъмурий соҳани камраб олиш билан чекланиб қолмасдан, балки фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқбузарлик сифатида шартнома тузган тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига катта зарар етказиб келаётган иллатдир.

## ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ЮРИТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**ҚУЧҚАРОВ Ҳамидулло Абдурасулович,**  
Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар  
малакасини ошириш маркази  
кафедра ўқитувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган. Юридик адабиётлар, суд амалиёти ва хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили асосида мамлакатимизда фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш истиқболлари ҳамда устувор йўналишлари аниқланган.

**Аннотация:** В статье анализируются вопросы, связанные с упрощением процедуры гражданского судопроизводства в Республики Узбекистан. На основе анализа юридической литературы, судебной практики и законодательства зарубежных стран были определены перспективы и приоритеты упрощенной процедуры гражданского судопроизводства в нашей стране.

**Abstract:** The article analyzes issues related to the simplification of civil proceedings in the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis of legal literature, judicial practice and legislation of foreign countries, the prospects and priorities of a simplified civil procedure in our country were identified.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик процесси, суд ишларини юритиш, соддалаштириш, суд амалиёти, хорижий тажриба, қонунчилик, такомиллаштириш, устувор йўналишлар.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, судопроизводства, упрощение, судебная практика, зарубежный опыт, законодательство, совершенствование, приоритеты.

**Key words:** civil process, legal proceedings, simplification, arbitrage practice, international experience, legislation, improvement, priorities.

Ҳозирги кундаги фуқаролик суд ишларини юритишнинг устувор йўналишларидан бири суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг самарадорлигини ошириш мақсадида ишларни қисқа муддатларда ва кам харажат сарфлаган ҳолда қулай ва тезкорлик билан ҳал қилиш ҳисобланади.

Мазкур йўналиш Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган суд ишларини такомиллаштиришнинг асосий моделларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, аъзо давлатлар Министрлар Советининг одил судлов учун шароит яратиш йўлларини осонлаштириш бўйича 1981 йил 14 майдаги R (81) 7-сонли Тавсияларда таъкидланишича, суд ишларини юритиш кўпинча мураккаб, узоққа чўзилувчи ва кўп харажат талаб қиладиган жараён бўлиб, хусусий шахслар, айниқса, кам таъминланган, иқтисодий жиҳатдан қийналган шахслар ўз ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида қийинчиликларга дуч келади. Хусусий шахсларга ўзларининг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун ишни судда кўришнинг барча тартиб-таомилларини соддалаштириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқлиги ва шунингдек бир вақтнинг ўзида одил судловни амалга ошириш бўйича мавжуд қоидаларга риоя қилиш шартлиги белгиланган.<sup>1</sup>

Ушбу таомил Европа Парламенти ва Кенгашининг 2007 йил 11 июлда қабул қилиниб, 2009 йилнинг 1 январидан кучга кирган 861/2007-сонли “Кичик баҳодаги даъволарни кўриб чиқишнинг европа тартиб-томиллари тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг қоидаларида эътиборга олинган.

Ҳозирги кундаги замонавий фуқаролик процессининг долзарб муаммоларидан бири одил судлов учун шарт-шароит яратиш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Мазкур муаммо ҳар бир даврда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Процессуалист олимлар ҳам ўз асарларида “одил судлов ҳар қайси даврда ҳам улуғланган, қадрланган ва инсонлар унга интилиб яшаганликларини, хусусан, рим файласуфлари “Pereat mundus et fiat justitia”, яъни “майли дунё барбод бўлсин, лекин одил судлов қарор топсин”, деб таъкидлаганликларини, рим файласуфларининг мазкур мумтоз шиорлари бир қарашда

---

<sup>1</sup> Рекомендации R (81) 7 Комитета министров Совета Европы государствам-членам относительно путей облегчения доступа к правосудию от 14 мая 1981 г. // СПС “Гарант”.

муболағадан иборат бўлса-да, лекин улар одил судловга шу қадар юқори баҳо берадилар, деб ёзганлари бежиз эмас, албатта.<sup>1</sup>

Одил судловни амалга ошириш масаласига процессуалист олим А.М.Нурбалаева қуйидагича ёндашади: суд ҳокимиятига одил судловни амалга ошириш жараёнида жуда ҳам катта масъулият юкланган бўлиб, у ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояловчи муҳим восита сифатида жамиятнинг барча аъзолари томонидан тан олиншлиги, қабул қилинаётган қарорлар эса барчанинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун доирасида муҳофаза этиши, шунингдек, судлар доимо ўз фаолиятини такомиллаштириб боришлари учун нафақат меҳнат фаолиятини балки шахсий фазилатларини ҳам танқидий баҳолаб боришлари лозим.<sup>2</sup> Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг туб мазмун ва моҳияти айнан шундай мантиққа асосланганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, энг аввало инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадрқиммати олий қадрият эканлигини ҳамда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма-босқич ва тизимли суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосини ташкил этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ҳам амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг узвий қисмига айланиб бормоқда.

Тарихга назар ташласак, 1997 йил 30 августда мамлакатимизнинг биринчи ФПК қабул қилинган бўлиб, ушбу Кодекс билан суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, фуқаролар ва ташкилотларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш мақсадида апелляция институти жорий қилинди ва кассация институтининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди, шунингдек одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш, фуқаролик ишларини кўриб чиқишни соддалаштиришни назарда тутувчи буйруқ тартибида иш юритишга оид нормалар мустаҳкамланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаш-

<sup>1</sup>Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани: муаммо ва унинг ечимлари // “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари”. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДҶОИ. 2006. -Б. 305-316.

<sup>2</sup> Нурбалаева А.М. К вопросу о справедливости в гражданском процессе // Международный научно-практический журнал «Современное право» № 3. 2016. –С 72.

тириш тўғрисида”ги фармони<sup>1</sup> билан судлар ихтисослашувининг жорий этилиб, унга кўра умумий юрисдикция судлари фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилган эди.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида<sup>2</sup> назарда тутилган устувор йўналишларни ижро этиш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 21 февралда 4966-сонли “Ўзбекистон республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони<sup>3</sup> қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 80-бандида судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтириш юзасидан тадбирлар назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида, айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг янги процессуал тартиблари, яъни фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда ҳал этиш тартиб-таомиллари босқичма-босқич ривожлантирилмоқда. Фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда ҳал этиш тартиб-таомилларининг жорий этилиши суд амалиётида фуқаролик ишларининг йилдан-йилга ортиб бориши, судьяларнинг иш юкламаларининг кўпайиши ҳамда фуқароларнинг суд орқали ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқларини реал амалга оширилишининг таъминланишини кучайтириш заруратидан келиб чиқади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини таъминлаш, судлар фаолиятини тартибга солувчи процессуал шаклларни янгилаш ва такомиллаштириш, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини соддалаштириш масалаларини чуқур тадқиқ этиб ўрганиш фуқаролик процессуал ҳуқуқининг долзарб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 3. 30-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

<sup>3</sup> Халқ сўзи газ. 2017 йил 22 февраль, №38 (6732).

муаммоларидан бўлиб ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳам фуқаролик ишларини уларнинг ўзига хос махсус хусусиятларини эътиборга олмай, барча ишлар учун бир хил бўлган тартиб-таомилнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида фикрлар илгари сурилганлиги бежиз эмас.<sup>1</sup>

Ҳозирги шароитда фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган аризаларнинг тобора ортиб бораётганлиги кузатилаётган бир пайтда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез фурсатларда ҳимоя қилиш, судларнинг иш юкламаларини камайтириш мақсадида суд ишларини юритишни соддалаштириш ва ихчамлаштириш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш талаб этилмоқда.

Дунё тажрибаси суд ишларини соддалаштиришнинг асосан икки йўналиши мавжудлигини кўрсатади. Буларнинг биринчиси, иш кўришнинг умумий қоидаларидан фарқли равишда айрим тоифадаги ишлар (масалан, кам аҳамиятли, низосиз ва ҳ.к. ишлар) учун соддалаштирилган қоидаларни белгилаш, яъни суд ишларини юритишнинг алоҳида турини жорий этиш бўлса, иккинчи йўналиш эса бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилишга монелик туғдирувчи ҳолатлар, мазкур жараёнидаги айрим ғовларни бартараф этиш, камайтириш ҳисобланади.<sup>2</sup> Мазкур тўсиқларни батараф этиш мақсадида юридик адабиётларда даъвогарнинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда давлат божи миқдорини камайтириш,<sup>3</sup> иш судда муҳокама қилингунига қадар, низони бартараф этиш мақсадида келишув таомилларини киритиш,<sup>4</sup> исботлаш мажбуриятини тақсимлаш,<sup>5</sup> фуқароларга бепул юридик ёрдамнинг кўрсатилиши кабилар эътироф этилади.<sup>6</sup>

Суд ишларини юритишни соддалаштиришнинг биринчи йўналиши, яъни иш кўришнинг умумий қоидаларидан фарқли равишда айрим тоифадаги ишлар учун соддалаштирилган қоидаларни белгилаш орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судлар томонидан тез фурсатларда ҳимоя қилиш, судларнинг иш юкламаларини камайтириш ҳамда одил судлов институтидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга эришиш мумкин бўлади.

---

<sup>1</sup> Женетль С.З. Упрощенное производство и некоторые сложности // Российский судья. 2006. №5. С. 4-7.

<sup>2</sup> Приходько И.А. Доступность правосудия в арбитражном и гражданском процессе: основные проблемы. СПб., 2005.; Крымский Д.И. Упрощение гражданского судопроизводства: российский и зарубежных опыт. –М: ИД «Юриспруденция», 2008. -15 с.

<sup>3</sup> Ярков В. Доступно ли гражданам наше правосудие? // Ж.Российская юстиция. 1999. № 2. -26 с.

<sup>4</sup> Сахнова Т.В. Гражданское процессуальное право России: перспективы развития. // Государство и право. 1999. № 12. С. 35. Мурадян Э.М. О принципах гражданского судопроизводства // Современное право. 2000. № 6. -40 с.

<sup>5</sup> Крымский Д.И. Упрощение гражданского судопроизводства: российский и зарубежных опыт. –М.: ИД «Юриспруденция», 2008. -15 с.

<sup>6</sup> Олимова К.К. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатлари // Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи. Рисола. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. –Б. 77-82.

Бироқ мамлакатимизнинг янги ФПКда фуқаролик суд ишларини юритишни соддалаштириш тартиб-таомилини назарда тутувчи махсус нормалар белгиланмаган. Ваҳоланки, дунё амалиёти, ривожланган давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантириш тенденциялари шунини кўрсатмоқдаки, судга келиб тушган ишларни тезкорлик билан, оддий тартиб-таомиллардан фарқли равишда соддалаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш долзарб бўлмоқда. Бу борада аксарият хорижий давлатлар ФПКда “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган махсус боблар киритилган. Масалан, Қозоғистон Республикаси ФПКнинг “Ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш” деб номланган 13-бобида соддалаштирилган иш юритиш тартиби, ушбу тартибда кўриладиган ишлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу иш юритиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорларига нисбатан қўйилган талаблар ўз ифодасини топган.<sup>1</sup> Унга кўра, соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишлар ушбу тоифадаги ишлар учун белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Кодексда назарда тутилган судларда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар учун белгиланган умумий қоидаларга мувофиқ кўрилади.

Соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишлар судьянинг яқка ўзи томонидан ариза иш юритишга қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади. Соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишларни судда кўриш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 145-моддасига кўра, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга қуйидагилар киради:

1) даъво баҳоси юридик шахслар учун 700 ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичи, яқка тартибдаги тадбиркорлар, жисмоний шахслар учун эса 200 ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичи миқдоридан ортиқ бўлмаган пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво аризалари бўйича;

2) даъво баҳосидан қатъи назар даъвогар томонидан тақдим этилган жавобгарнинг пул мажбуриятларини тасдиқловчи ва (ёки) шартнома бўйича унинг қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризаси бўйича.

Соддалаштирилган тартибда иш юритиш давомида учинчи шахсларнинг ишга киришиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган тақдирда, шунингдек ушбу бобда назарда тутилган қоидалар асосида ҳал этилиши мумкин бўлмаган жавобгарнинг қарши даъво аризаси суд томонидан қабул қилинган тақдирда

Суд қуйидаги ҳолларда ишни даъво тартибида юритиладиган ишлар учун белгиланган умумий қоидалар асосида кўриш тўғрисида ажрим чиқаради:

---

<sup>1</sup> Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.01.2019 г.) WWW <http://online.zakon.kz>

- 1) тарафлардан бу ҳақда илтимоснома келиб тушса;
- 2) учинчи шахсларнинг ишга киришиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилганса;
- 3) қарши даъво суд томонидан қабул қилинса;
- 4) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжати билан бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилгудек бўлса;
- 5) далилларни жойида кўздан кечириш ва текшириш, экспертиза ўтказиш ёки гувоҳ кўргазмаларини эшитиш зарурати бўлса;
- 6) суд томонидан қўшимча иш ҳолатларини аниқлаш ёки қўшимча далилларни текшириш зарурати мавжуд бўлган тақдирда.

Ишни даъво тартибида юритиладиган ишлар учун белгиланган умумий қоидалар асосида кўриш тўғрисидаги ажримда суд ишда иштирок этувчи шахслар бажариши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар, уларнинг амалга ошириш муддатлари баён этилади. Ажрим чиқарилгандан кейин иш кўриш янгидан бошланади.

Агар даъвогар томонидан бир вақтнинг ўзида бир неча талаб билан арз қилиниб, уларнинг бири ёки бир нечтаси Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 145-моддасида баён этилган рўйхатга тушмаса, у ҳолда суд ушбу талабларни алоҳида иш юритишга ажратмайди, ушбу талаблар даъво ишини юритиш тартибида кўриб чиқилади.

Соддалаштирилган тартибда иш юритишнинг ўзига хос хусусиятлари Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 146-моддасида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, даъво аризалари даъво ишини юритиш тартибида судга тақдим этиладиган даъво аризаларининг мазмуни ва унга илова қилинадиган ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ бўшлиши керак.

Муҳим жиҳатларидан бири - даъво аризасини, аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги суд ажримидан ишнинг соддалаштирилган тартибда кўрилиши баён этилади ва даъво аризаси, ариза бўйича жавобгарга ёки бошқа манфаатдор шахсларга 15 иш куни давомида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун муддат белгилайди.

Тарафлар суд белгиланган муддат ичида арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича ўз тушунтиришларини ва ўз нуқтаи назарлари баён этилган асосли важларини ишни кўраётган судга ва ўзаро бир-бирларига жўнатиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу каби ҳужжатлар суд томонидан белгиланган муддат ичида ошкор қилинмаган далилларга ҳаволаларни ташкил этмаслиги керак.

Агар даъво аризага, аризага нисбатан фикр-мулоҳазалар, далиллар ва бошқа ҳужжатлар суд томонидан белгиланган муддат ўтгандан кейин тақдим этилгудек бўлса, улар кўриб чиқилмайди ва уни тақдим этган шахсга қайтариб юборилади, мазкур ҳужжатларни ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ушбу муддатда тақдим этиш имконияти бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно. Юқорида кўрсатилган ҳужжатларни қайтариш тўғрисида суд ажрим қабул қилади.

Судья далиллар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш учун белгиланган муддат тамомлангач, тарафларни чақирмай ишни соддалаштирилган тартибда кўришга киришади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён этилган тушунтиришлар, эътирозлар ва (ёки) важларни текшириб, белгиланган муддат ичида келиб тушган далиллар асосида ҳал қилув қарорини қабул қилади. Жавобгар соддалаштирилган тартибда юритиладиган иш бўйича суд қабул қилган ҳал қилув қарори устидан унинг нусхасини олган кундан эътиборан беш иш куни давомида уни бекор қилиш ҳақидаги ариза бериш муддати ўтгач, уни бекор қилиш ҳақидаги ариза билан ушбу қарорни қабул қилган судга мурожаат қилиши мумкин.

Соддалаштирилган тартибда юритиладиган ишлар бўйича суд ҳал қилув қарорлари устидан уни бекор қилиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш муддати давомида, агар бу ҳақдаги ариза келиб тушган бўлса, ушбу аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги суд ажрими чиқарилгандан эътиборан бир ойлик муддатда апелляция инстанцияси судига шикоят берилиши, прокурор протест келтириши мумкин.

Шу ўринда ишларни соддалаштирилган тартибда кўришга оид АҚШ тажрибаси, яъни адвокат иштироки шарт бўлмаган, иш юзасидан дастлабки иш юритиш талаб этилмайдиган, тарафлар ўртасида баҳслашишга қаратилган ҳужжатларни бир-бирларига нисбатан тақдим этиш мажбурияти юклатилмаган, даъво ариза ўрнига судда иш кўзғатишни осонлаштирадиган ва ўзида тарафлар ҳақида минимал маълумотларни ўзида қамраб олган аризаларни тақдим этиш орқали айрим кичик суммадаги даъво талаблари бўйича иш юритишни соддалаштириш таклиф қилинади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, масалан, бугунги кунда биргина иқтисодий судларда даъво суммаси кам бўлган ишлар сони сезиларли тарзда ўсиб бормоқда. Агар 2016 йилда юридик шахсларга нисбатан даъво суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган миқдорда 61 638 та, яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваригача бўлган миқдорда 14 169 та иш кўрилган бўлса, бу рақамлар 2017 йилда 72 469 ва 24 118 та, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 42 696 ва 13 206 тани ташкил қилган.<sup>1</sup>

Даъво суммаси кам бўлган ишлар қоида тариқасида бир ёки иккита суд мажлисида ҳал қилинади, лекин судьялар узоқ вақт сарфланадиган барча процессуал жараёнларга амалга қилишга мажбур. Бу эса судьялар ишидаги тезкорлик ва самарадорлик принципларига риоя қилишда ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ФПКга “Соддалаштирилган тартибда иш юритиш” деб номланган бобнинг киритилиши орқали эса фуқаролик суд ишларини юритиш тизимига соддалаштирилган тартибни киритиш,

<sup>1</sup> Суд жараёнларида очиқлик ва ошкоралик таъминланади // <http://www.adolatgzt.uz/adolat/frakciya/5354>



даъво суммаси кам бўлган низолар бўйича ишларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва суд ҳужжати ижросини тезкор таъминлаш имкони яратилади. Шунингдек, бундай ишларнинг кўриб чиқиш жараёни соддалашади.

Шу ўринда ҳозирги кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётганлиги, мазкур қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексига иқтисодий судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормаларни киритиш назарда тутилаётганлиги, унга кўра, солиқ тўловчининг солиқ қарзини унинг мол-мулкига қаратиш талаби бўйича, агар даъво суммаси юридик шахслар учун ЭКИХнинг 20 бараваридан, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ЭКИХнинг 5 бараваридан ошмаган миқдорда бўлса, даъво ариза бўйича ишнинг соддалаштирилган тартибда кўрилишини белгилаш таклиф қилинаётганлиги<sup>1</sup> ҳам фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш тартибини соддалаштириш нақадар муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фуқаролик суд ишларини юритишда соддалаштирилган тартиб-таомиллари жорий этиш ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- даъво аризаларини қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш;

- иш судда муҳокама қилингунига қадар, низони бартараф этиш мақсадида келишув таомилларини кучайтириш;

- судлар томонидан даъво суммаси кам миқдорда бўлган низоларни соддалаштирилган тартибда кўриш тўғрисидаги нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш.

Фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг мазкур йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди, фуқаролик процессуал қонун нормаларини эркинлаштиришади, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез фурсатларда ҳимоя қилинишини таъминлайди ва судьяларнинг иш юкламаларини камайтиради, фуқароларнинг суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатланишини таъминлайди, суд органлари фаолиятининг ташкилий шакллари такомиллаштиришга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> **Қаранг:** Иқтисодий суд ишларини кўриш тартиби соддалаштирилади. 07/02/2019 // <http://ishbilarmon.uz/i-tisodij-sud-ishlarini-k-rish-tartibi-soddalashtiriladi/>

# РОЛЬ ОРГАНОВ ПО ТРУДУ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ ПРИНУДИТЕЛЬНОГО ТРУДА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (тезис)

**АБДУРАХМАНОВ Улугбек Баходурович,**

Начальник отдела магистратуры  
Академии Генеральной прокуратуры  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** Тезислар Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга қарши курашишда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ролини ошириш бўйича ислохотлар ва бу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бағишланган бўлиб, унда бу йўналишда сўнги йилларда эришилган ижобий натижалар таҳлил қилинган.

**Аннотация:** Тезисы посвящен реформам по повышению роли министерства занятости и трудовых отношений по борьбе с принудительным трудом в Узбекистане и принятым в этой сфере нормативно-правовым актам, в нем проанализированы достигнутые в последние годы положительные результаты в этом направлении.

**Abstract:** The thesis is devoted to reforms to enhance the role of the Ministry of Employment and Labor Relations in the fight against forced labor in Uzbekistan and adopted in this area of normative legal acts, it analyzes the achievements in recent years, positive results in this direction.

**Калит сўзлар:** мажбурий меҳнат, мажбурий меҳнатни тақиқлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, меҳнат инспекцияси, жавобгарлик, мажбурий меҳнатдан жабрланганлик учун компенсация.

**Ключевые слова:** принудительный труд, запрещение принудительного труда, министерство занятости и трудовых отношений, трудовая инспекция, ответственность, компенсация для жертв принудительного труда.

**Key words:** forced labor, prohibition of forced labor, the Ministry of Employment and Labor Relations, labor inspection, liability, compensation for victims of forced labor.

В Узбекистане министерство занятости и трудовых отношений (далее – министерство) является специализированным уполномоченным государственным органом, призванным реализовать государственную политику в области занятости населения и обеспечения граждан соответствующими гарантиями.<sup>1</sup>

К полномочиям министерства в числе других относятся разработка и реализация соответствующих рыночным условиям нормативно-правовых актов в сфере регулирования рынка труда и занятости, обеспечения контроля и надзора за соблюдением требований законодательства о занятости населения.

С принятием Указа Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года № УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду» наряду с

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан «О занятости населения». <http://lex.uz/docs/51763>

организационными вопросами, произошли ряд других коренных изменений.

Так, документом предусмотрено:

внедрение новых подходов к реализации государственной политики в сфере занятости;

развитие инфраструктуры рынка труда, в том числе на основе государственно-частного партнерства;

осуществление эффективных мер по трудоустройству незанятого населения, особенно молодежи;

усиление защиты трудовых прав и охраны труда;

кардинальное усиление ответственности органов государственного и хозяйственного управления, органов исполнительной власти на местах за скоординированность и результативность проводимой работы по обеспечению занятости населения.<sup>1</sup>

Справедливости ради стоит отметить, что именно с этого момента особое внимание стало уделяться осуществлению действенных мер по искоренению принудительного труда.

Важным шагом в данном направлении, по нашему мнению, стало принятие постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 мая 2018 года №349 «О дополнительных мерах по искоренению принудительного труда в Республике Узбекистан».

В документе отмечаются определенные успехи в деле по борьбе с принудительным трудом, такие как осуществление активного сотрудничества с Международной организацией труда (далее – МОТ), принятие Национального плана действий по реализации конвенций МОТ, реализация Страновой программы по достойному труду, проведение при непосредственном участии экспертов МОТ мониторинга использования детского и принудительного труда в сельском хозяйстве, введение института парламентского контроля по предупреждению и недопущению возможных рисков использования детского и принудительного труда.

Также в постановлении говорится, что несмотря на создание достаточной нормативно-правовой базы для предупреждения и недопущения принудительного труда, наблюдаются отдельные факты нарушения хокимами всех уровней норм трудового законодательства, которые проявляются в виде привлечения работников сферы образования, здравоохранения, других бюджетных и иных организаций, студентов и учащихся образовательных учреждений к различным работам по благоустройству территорий, а также в сельском хозяйстве.

Данным постановлением министерству поручается усилить меры контроля за реализацией норм законодательства Республики Узбекистан по обеспечению гарантированных трудовых прав работников, своевременным выявлением и устранением возможных рисков использования принудительного труда в какой-либо форме, с

---

<sup>1</sup> <http://lex.uz/docs/3211751>

одновременным расширением полномочий Государственной трудовой инспекции, в том числе в части усиления контроля за соблюдением трудового законодательства государственными органами и иными организациями.

В связи с необходимостью усиления роли Государственной трудовой инспекции 20 августа 2018 года принято постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3913 «О мерах по совершенствованию структуры органов по труду и укреплению системы защиты трудовых прав и охраны труда граждан»<sup>1</sup>.

В документе обращено внимание на то, что, организационная структура, эффективность применения полномочий и в целом деятельность Государственной правовой инспекции труда и Государственной инспекции по охране и экспертизе условий труда не позволяют им всесторонне решать на системной основе вопросы защиты трудовых прав и охраны труда граждан. Об этом свидетельствовало более чем 21 тысячи обращений граждан о нарушениях их трудовых прав и привлечении к принудительному труду, особенно в неформальном секторе экономики.

Этим постановлением предусмотрено образование на базе названных выше инспекций Государственной трудовой инспекции (далее – Инспекция) министерства, в числе основных задач которой названа организация совместно с заинтересованными министерствами, ведомствами и общественными организациями мер по недопущению и полному искоренению принудительного труда, в том числе путем привлечения к ответственности виновных должностных лиц в соответствии с законодательством.

Инспекции предоставлено право, на основании обращений физических и юридических лиц, письменных обращений органов государственной налоговой службы без предварительного согласования со специальными уполномоченными органами проводить внеплановые краткосрочные проверки соблюдения организациями, независимо от организационных правовых форм, требований законодательства о занятости, труде и охране труда.

Считаем необходимым отметить, что среди других правоохранительных и контролирующих органов именно Инспекции предоставлено право проводить внеплановые краткосрочные проверки без предварительного согласования со специальными уполномоченными органами, что является важным шагом вперед на пути искоренения принудительного труда.

Очередным документом, определяющим полномочия министерства и, в частности Инспекции, является постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 1066, принятое 31 декабря 2018 года.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup><http://lex.uz/docs/4213624>

<sup>2</sup> <http://lex.uz/docs/4143050#4152399>

Во избежание дублирования остановимся только на полномочиях министерства, поскольку, по сути, они охватывают и полномочия Инспекции. Так, согласно постановлению, министерство в целях искоренения принудительного труда и защиты трудовых прав граждан:

организует совместно с заинтересованными министерствами, ведомствами и общественными организациями меры по недопущению и полному искоренению принудительного труда, в том числе путем привлечения к ответственности виновных должностных лиц в соответствии с законодательством;

контролирует реализацию норм законодательства Республики Узбекистан по обеспечению гарантированных трудовых прав работников путем своевременного выявления и устранения возможных рисков использования принудительного труда в какой-либо форме;

проводит по итогам мониторинга публичные слушания с привлечением институтов гражданского общества, в том числе в регионах, в ходе которых каждый факт использования принудительного труда должен быть обсужден критически с целью недопущения впредь подобных случаев;

оказывает за счет средств Фонда поддержки и защиты прав и интересов граждан, осуществляющих трудовую деятельность за рубежом, правовую и социальную защиту, материальную помощь гражданам, подвергшимся насилию, принудительному труду и дискриминации, нарушению трудовых и иных прав, попавшим в сложное финансовое положение и оставшимся без документов, устанавливающих личность, средств к существованию в период осуществления трудовой деятельности за рубежом, а также содействие в возвращении в Республику Узбекистан, в том числе посредством оказания по возвращении материальной помощи в размере одной минимальной заработной платы.

Следует отметить, что реформы по усилению роли Инспекции дали положительные результаты и только за 2019 год во время хлопковой страды за принуждение к труду оштрафованы 43 должностных лица, в мониторинге хлопкоуборочной кампании приняли участие более 400 инспекторов и 200 их помощников, в том числе представители правозащитных организаций<sup>1</sup>, установлены каналы для создания системы обратной связи с гражданами.<sup>2</sup>

Однако, на сегодняшний день некоторые вопросы по искоренению принудительного труда как с точки зрения законотворчества, так и практики, остаются нерешенными.

Первое, с учетом того, что работники зачастую не обжалуют неправомерные действия работодателя, в том числе и связанные с принуждением к труду, опасаясь, что это может привести впоследствии к их преследованию со стороны работодателя, следует предусмотреть,

---

<sup>1</sup> [www.gazeta.uz/ru/2020/01/28/list](http://www.gazeta.uz/ru/2020/01/28/list)

<sup>2</sup> [www.mehnat.uz/ru/news](http://www.mehnat.uz/ru/news)

что Инспекции предписывается считать абсолютно конфиденциальным источник всякой жалобы на недостатки или нарушения законодательных положений и воздерживаться от сообщения работодателю или его представителю о том, что инспекционное посещение было сделано в связи с получением такой жалобы. Кроме того, необходимо внести изменение в положение об Инспекции, предусматривающее обязательность рассмотрения анонимного обращения о принуждении к труду.

Второе, с учетом усиления роли Инспекции как самостоятельного органа, осуществляющего государственный надзор и контроль за соблюдением требований законодательства в сфере обеспечения соблюдения и защиты трудовых прав граждан, а также безопасных условий и охраны труда, включить в Трудовой кодекс главу, посвященную надзору и контролю за соблюдением трудового законодательства, уделив в этой главе особое внимание Инспекции. В частности, закрепить в Трудовом кодексе принципы деятельности, задачи и полномочия названной Инспекции, основные права и обязанности государственных трудовых инспекторов, порядок организации и проведения инспекторами проверок, уделить внимание взаимодействию Инспекции с государственными органами, профессиональными союзами, органами самоуправления граждан.

Третье, с учетом п.4 постановления Президента Республики Узбекистан от 20.08.2018 года № ПП-3913, внести в Закон Республики Узбекистан «О государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов» изменение, предусматривающее право Инспекции провести, на основании обращений физических и юридических лиц, письменных обращений органов государственной налоговой службы, без предварительного согласования со специальными уполномоченными органами, внеплановые краткосрочные проверки соблюдения организациями, независимо от организационных правовых форм, требований законодательства о занятости, труде и охране труда.

Четвертое, в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31.12.2018 года №1066, министерство оказывает за счет средств Фонда поддержки и защиты прав и интересов граждан, осуществляющих трудовую деятельность за рубежом, правовую и социальную защиту, материальную помощь гражданам, подвергшимся насилию, принудительному труду и дискриминации. Считаю целесообразным предусмотреть аналогичные меры защиты для граждан, подвергшимся принудительному труду внутри страны.

Пятое, согласно вышеуказанному постановлению, Инспекция обеспечивает ведение тематических страниц на официальном сайте министерства, размещение электронных буклетов и методической информации, в том числе наглядной, по недопущению и полному искоренению принудительного труда и дискриминации в сфере трудовых отношений, проведение профилактических работ по

предотвращению случаев производственного травматизма и несчастных случаев на производстве.<sup>1</sup>

Однако, на момент написания данных тезисов страница инспекции официального сайта министерства пустовала.

Необходимо отметить, что принудительный труд не означает возможное принуждение к труду только в период хлопкоуборочной кампании, в связи с чем необходимо круглый год принимать практические меры по искоренению принудительного труда и в целях доведения сути проводимых реформ и практических мер до работодателей и работников освещать их в средствах массовой информации.

Подытоживая изложенное, признавая положительные результаты в деле по действенному искоренению принудительного труда, все же считаем, что в целях соответствия международным стандартам о труде необходимо на системной основе продолжить работу в данном направлении в целях улучшения национального законодательства и усиления практических действий.

## СУДЛАРДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ КЎРИЛИШИДА ЭКСПЕРТ ИШТИРОКИ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

**ДУСТҚОРИЕВ Музаффар Бойбўтаевич,**  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Академияси кафедраси бошлиғи

**Аннотация:** Мақолада судларда фуқаролик ишлари кўрилишида экспертнинг роли, унинг процессуал мақоми, фуқаролик ишлари бўйича суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ушбу жараёни такомиллаштиришга оид айрим фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Аннотация:** В данной статье изложены мнения относительно роли эксперта при рассмотрении судами гражданских дел и его процессуального статуса, особенностей назначения и проведения экспертизы по гражданским делам, а также некоторые мнения по совершенствованию данного процесса.

**Abstract:** This article highlights the role and procedural status of an expert in considering civil cases in courts, features of appointing and providing an expertise in civil cases as well as opinions for improving this process.

**Калим сўзлар:** эксперт, экспертиза, процессуал мақом, одил судловга кўмаклашувчи шахс, процесс, илм-фан, техника, санъат, ҳунар, махсус билимлар, эксперт хулосаси.

**Ключевые слова:** эксперт, экспертиза, процессуальный статус, лицо, содействующее осуществлению правосудия, процесс, наука, техника, искусство, ремесло, наука, специальные знания, заключение эксперта.

**Key words:** expert, expertise, processual status, person, promoting the justice, process, the science, equipment, art, craft, special knowledge, experts conclusion.

<sup>1</sup> <http://lex.uz/docs/4143050#4152399>

Маълумки, фуқаролик ишлари кўрилишида экспертнинг ўзига хос ўрни бор ва низони ҳал қилиш, иш бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун ўтказиладиган суд экспертизаларининг аҳамияти беқиёсдир. Бу мавзу ҳақида аввало эксперт ўзи ким, унинг фуқаролик процессидаги ўрни қанақа, деган саволга жавоб излаш мақсадга мувофиқ. Амалдаги мамлакатимиз ФПКнинг 54-моддасига кўра, эксперт гувоҳлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилар қатори одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар сирасига киради. Умумий маънода эксперт ҳам фуқаролик суд иш юритуви иштирокчиларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, одил судовни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар қаторида эксперт ҳам кўрилаётган ишнинг натижасидан юридик жиҳатдан манфаатдор ҳисобланмайди.

Сўнги йилларда фуқаролик процесси йўналишида амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар экспертнинг ҳуқуқий мақомини бир қадар мустақамлашга хизмат қилди. Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида эксперт тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин. Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин. Юқоридагилардан кўринадики, қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган, муайян соҳада махсус билимларга эга бўлган ҳар қандай шахс эксперт бўлиши мумкин.

Экспертнинг ҳуқуқий мақоми бошқа норматив ҳужжатларда ҳам мустақамланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, **суд эксперти** – хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс; **давлат суд эксперти** – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибда суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти.

Шу билан бирга, эксперт учун бир қатор талаблар мавжуд. Бир қатор олимлар экспертларнинг тегишли ваколатга, яъни экспертиза ўтказиш учун тегишли билимларга эга бўлиши унинг фаолиятининг асосий жиҳати эканлигига урғу қаратадилар. Табиийки, эксперт процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида муайян ҳуқуқларга эга ва муайян процессуал мажбуриятларни қабул қилади. Эксперт қонунда белгиланган махсус билимларга эга, компетентли бўлмоғи ҳамда ишнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаслиги лозим<sup>1</sup>.

Кимларни эксперт сифатида ишга жалб қилиш мумкинлиги масаласида дунё мамлакатлари фуқаролик-процессуал қонунчилигида

---

<sup>1</sup> Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. Пед. Л.В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. – 166 с.



ўхшаш нормалар белгиланган. Жумладан, Германияда экспертлар муайян фуқаролик иши бўйича аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан экспертиза ўтказиш учун расмий жиҳатдан тайинланган, илм-фан, санъат ёки ҳунар билан расман ва профессионал тартибда машғул шахслардир. Уларнинг бу борадаги билимлари эксперт текшируви ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади<sup>1</sup>.

Шунга ўхшаш, Англияда ҳам муайян соҳалар: илм-фан, санъат, тиббиёт ва бошқа масалалар бўйича махсус билимларга эга бўлган шахс эксперт сифатида ишга жалб қилиниши мумкин. Эътиборли жиҳати, бунда унинг малакасини расман тасдиқлаш талаб этилмайди. Судья фақатгина ушбу шахс берилган вазифани бажара олиш учун етарли билим ва тажрибага эгаллигига ишонч ҳосил қилиши лозим<sup>2</sup>. Шу каби қоидалар Франция ва бошқа бир қатор ривожланган давлатлар қонунчилигида ҳам акс этган.

Амалдаги фуқаролик-процессуал қонунчилигимизда эксперт малакасига оид талаблар санаб ўтилган. Шунингдек, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин. Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида»ги қарори 5-бандига мувофиқ, судларнинг эътибори экспертиза тадқиқотлари қонунда белгиланган тартибда эксперт этиб тайинланган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлигига қаратилиши, бунда суд эксперти сифатида олий маълумотга, истисно ҳолларда ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, экспертизанинг тегишли соҳаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва суд эксперти малакасига эга бўлган давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими (давлат суд эксперти); суд томонидан жалб этилган бошқа (суд-экспертлик ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими ёки мутахассис иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

Суд томонидан экспертиза ўтказиш юклатилган бошқа (суд-эксперт ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими экспертиза тайинлаган

---

<sup>1</sup> Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – Москва, ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 78 с.

<sup>2</sup> Шу манба, 226-бет.

суднинг муассасага берган топшириғини бажариш тартибида экспертиза ўтказишга ҳақлидир.<sup>1</sup>

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда “**махсус билимлар**” тушунчасига таъриф берилмаган. Лекин бу масалада баъзи олимлар ўз таърифларини беришга ҳаракат қилган. Жумладан, А.Эйсман махсус билимларга ҳамма учун маълум бўлган, ҳамма эгаллаши мумкин бўлган, оммавий тарқатиладиган деб ҳисобланмайдиган билимлар деб таъриф беради. Махсус билимлар – бу тор доирадаги мутахассислар профессионал даражада эгаллаган билимлардир. Яна таъкидланишича, махсус билимлар изланишнинг илмий асосланган методларига асосланганлиги учун илмий характерга эгадир<sup>2</sup>.

Эксперт иштирокига оид алоҳида нормалар айрим давлатлар қонунчилигида акс эттирилган. Жумладан, Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ, эксперт экспертизани ўтказиш учун материалларни ўз ҳолича йиғиш; агар бу ҳолат унинг иш натижаларидан манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўйса, процесс иштирокчилари билан шахсан алоқага киришишга ҳақли эмас<sup>3</sup>.

Бироқ шунга ўхшаш қоидалар «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида белгиланган. Унга кўра, суд эксперти: суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан **ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга; суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга ҳақли эмас.**

Фуқаролик суд ишларини кўриб, мазмунан ҳал қилишда суд томонидан тайинладиган экспертизанинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Экспертиза хулосаси суднинг ишни кўриш натижаси бўйича қабул қиладиган қарорига асос сифатида хизмат қилувчи далил ҳисобланади.

Хўш, экспертиза тушунчасига қонунчиликда қандай таъриф берилган? “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, **суд экспертизаси** – фуқаролик, иқтисодий, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

Фуқаролик процессуал кодексида экспертизанинг қайси ҳолларда ва қандай тартибда тайинланиши ва ўтказилишига оид нормалар белгиланган. Яъни, иш муҳокамаси чоғида келиб чиққан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг

<sup>1</sup> <http://lex.uz/docs/1591655>

<sup>2</sup> <http://studme.org/>

<sup>3</sup> Гражданский процесс в схемах с комментариями/ Завадская Л.Н. – 3-е издание. – Москва: Эксмо, 2016. ст. 35.

илтимосномасига ёки ўз ташаббусига кўра экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертлар суд ишида кимлар томонидан жалб қилинади, деган саволга жавоб топиш бирмунча аҳамиятлидир. Айрим давлатлар фуқаролик-процессуал қонунчилигида экспертлар ҳам тарафлар, ҳам суднинг ўз ташаббусига кўра жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган бўлса (масалан, Франция, Германия ва АҚШда), бошқа бир қатор давлатларда экспертлар ишга фақат тарафлар ташаббуси билан жалб қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Шундай қоида Англияда ҳам амал қилади. Бироқ, у ерда экспертнинг ишга жалб қилиниши ёки тараф бирор-бир фактни исботлаш жараёнида эксперт хулосасидан фойдаланиши учун суд томонидан русхат олиниши талаб этилади. Бунинг учун тараф судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда эксперт хулосаси асос қилиб олинадиган соҳа ва имкон бўлса, эксперт исм-шарифини ҳам кўрсатиши лозим<sup>1</sup>.

Қайд этиш жоизки, экспертизани тайинлаш ва ўтказишда тарафларнинг фикрларини инобатга олиш далиллар мақбуллигини таъминлаш ва иш бўйича адолатли қарор чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. ФПКнинг 95-97-моддаларига мувофиқ, экспертлар тайинланаётганда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикри инобатга олинади, ишда иштирок этувчи шахслар экспертлар томонидан тушунтирилиши керак бўлган масалаларни судга тақдим этишга ҳақли. Бироқ, экспертизани тайинлаш жараёнида тарафлар фикрини олиш тўғрисидаги қоида қонунда мустаҳкамланмаган.

Бу масалада хорижий давлатларда ўзига хос қоидалар мавжуд. Хусусан, Россия Федерацияси қонунчилигига кўра, тарафларнинг ҳар бири ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар экспертизани ўтказиш жараёнида аниқланиши лозим бўлган саволларни судга тақдим этиш ҳуқуқига эга. Эксперт хулосаси талаб қилинадиган саволларнинг якуний доирасини эса суд белгилайди<sup>2</sup>.

Германияда судда ишни кўриш жараёнида экспертни тайинлашда тарафларга бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақдим этилган. Жумладан, суд тарафлардан эксперт сифатида сўроқ қилиниши лозим бўлган шахсларни кўрсатишни талаб қилиши мумкин. Тарафлар ўзлари ҳам шартнома асосида, шунингдек, суд аралашувисиз эксперт ёрдами учун мурожаат қилишлари мумкин<sup>3</sup>.

Франция қонунчилигига кўра эса, экспертиза ўтказиш жараёнида суднинг ўзи иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда у экспертга саволлар бериши, унинг тушунтиришларини тинглаши мумкин. Тарафлар эса,

<sup>1</sup> Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 226-бет.

<sup>2</sup> Гражданский процесс в вопросах и ответах: учебное пособие/ под общ. Пед. Л.В. Тумановой. – Москва: Проспект, 2016. – 166 с.

<sup>3</sup> Гражданский процесс зарубежных стран: учеб. Пособие / под ред. Д-ра юрид. Наук А.Г.Давтян. – Москва: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. – 76 с.

эксперт талаби бўйича экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этишлари лозим. Эксперт ҳам, ўз навбатида, тарафларнинг фикр-мулоҳазалари ва эътирозларини эътиборга олиши, агар улар ёзма равишда тақдим этилган бўлса, ўз хулосасида акс эттириши лозим<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда айнан суд экспертизаси хулосаси ишни у ёки бу тараф фойдасига ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Мулкый низолар билан боғлиқ бир қатор ишларда, хусусан, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва мулк ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги фуқаролик ишларида кўп ҳолларда судга оид хатшунослик экспертизалари ўтказилиб, ушбу экспертизалар хулосаларида битим, васиятнома ёки бошқа ҳужжатларнинг тарафлар ёки бошқа шахслар томонидан қалбакилаштирилганлиги ва шунга ўхшаш қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар содир этилганлиги кўрсатилмоқда. Шунга кўра, суд, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатувларини эшитиб, тўпланган далилларни баҳолаб, эксперт хулосасида кўрсатилган ҳолатларни ўз хулосасига асос сифатида кўрсатган ҳолда у ёки бу тараф фойдасига ҳал қилув қарори қабул қилмоқда.

Шуниси эътиборлики, суд экспертизаси хулосаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ишлар юқори суд инстанцияларида қайта кўрилганда бошқа далиллар ва кўргазмаларга нисбатан айнан иш бўйича бирламчи ўтказилган суд экспертизасини тайинлашнинг қонунга мувофиқлиги ва экспертиза хулосасининг ҳаққонийлиги масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, экспертиза хулосаси иш бўйича нафадар муҳимлиги, у кўп ҳолларда ишни кўриш натижасига тўғридан-тўғри таъсир этишини инобатга олган ҳолда, қуйидаги таклифлар билдирилади:

– экспертларни танлаш, уларни ишга жалб этиш, суд экспертизаси ўтказиш, эксперт олдига саволлар қўйиш, ҳужжатларни тақдим этиш, экспертиза жараёнида иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришда тарафларга кўпроқ эркинликлар бериш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу эса, иш бўйича кейин юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг бартараф қилиниши, низо бўйича қайта ёки такрорий экспертизалар тайинланишининг олдини олишга ва, албатта, ишнинг юқори суд инстанцияларида қайта-қайта кўрилиб, тарафлар ва бошқа иштирокчилар учун оворагарчиликларнинг юзага келиши ва бошқа шу каби салбий ҳолатларга йўл қўйилмаслигини таъминлайди;

– иш бўйича экспертиза тайинлашда экспертиза идорасининг мавқеи, у ерда фаолият кўрсатувчи экспертларнинг билим даражаси, ўз иши бўйича мутахассисликка эга эканлиги, суд томонидан қўйилган

---

<sup>1</sup> Шу манба, 137-бет.

саволларга тўғри жавоб бера олиши ва бошқа бир қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу ишни кўриб чиқаётган судья томонидан низони тўғри ҳал қилишга қаратилган чораларнинг тўғри ва ўз вақтида кўрилганлигига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли, юридик соҳадаги мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари, судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув муассасаларида суд экспертизаларини тайинлаш тартиби, ўзига хос жиҳатлари, бу жараёнда эътибор берилиши лозим бўлган масалалар бўйича махсус ўқув машғулоти ўтказилиши лозим;

– ва ниҳоят, суд экспертларининг ўз ишининг мутахассиси бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида уларни тор доирадаги фан соҳалари бўйича тайёрлаш, экспертиза ўтказишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри ва унумли фойдаланишлари учун касбий билим ва малакаларини доимий равишда ошириб бориш лозим. Зеро, ўз касбининг чуқур мутахассиси бўлган экспертлар хулосалари иш бўйича тўғри ва адолатли қарор қабул қилинишига, фуқаролар ҳуқуқлари ва ташкилотлар манфаатлари самарали тикланишига хизмат қилади.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ СУҒУРТАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ

**МАХМУДОВ Дилмурод Розметович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти мустақил изланувчиси  
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Мазкур мақолада мажбурий давлат суғурта фаолиятини вужудга келиш тарихи, ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниш босқичлари илмий таҳлил қилинган ҳамда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш истиқболлари ўрганилиб, хорижлик цивилист олимларнинг фикрлари, ривожланган давлатларнинг қонунлари таҳлил қилинган ҳамда амалдаги қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар берилган.

**Аннотация:** В данной статье анализируются история формирования обязательной государственной страховой деятельности, этапы принятия нормативных актов, регулирующих эту деятельность, и перспективы дальнейшего совершенствования этих нормативных актов, анализируются мнения иностранных гражданских ученых, законы развитых стран и действующее законодательство. Были внесены предложения об изменениях и дополнениях.

**Abstract:** This article analyzes the history of the formation of mandatory state insurance activities, the stages of adoption of regulatory acts governing this activity, and the prospects for further improvement of these regulatory acts, analyzes the opinions of foreign civilian scientists, laws of developed countries and current legislation. Suggestions for changes and additions were made.

**Таянч сўзлар:** суғурта, суғурта шартномаси, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, мажбурий давлат суғуртаси, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

**Ключевые слова:** страхование, договор страхования, добровольное страхование, обязательное страхование, обязательное государственное страхование, а также нормативные документы.

**Keywords:** insurance, insurance contract, voluntary insurance, compulsory insurance, compulsory state insurance, as well as regulatory documents.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида “Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш зарур”<sup>1</sup> деган ғояни илгари сурган.

Ҳар бир ривожланган давлат меҳнат қобилиятини йўқотган фуқароларига моддий ёрдам кўрсатиш қонун билан тартибга солинмоқда. Ушбу моддий ёрдамнинг бир қисмини эса ўз навбатида суғурта ташкилотлари қамраб олади. Шу ўринда мамлакатимизда “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиш вақти етганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо, ушбу қонунни қабул қилиш учун суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қандай қонун ва қонуности ҳужжатларни қабул қилинганлигини билишимиз лозим.

Шу ўринда, мамлакатимизда суғурта хизматининг пайдо бўлиш тарихига назар ташласак, бу борада илк манбаларда ҳам фикрлар юритилганини кузатиш мумкин. Жумладан, Ҳ.Собировнинг таъкидлашича, «Суғурта хизмати кўрсатишга асос бўлган илк манба «Қуръони карим»дир. Суғурта фондининг дастлабки шаклларида бири закот ҳақида Қуръонда бир неча мартаба эслатиб ўтилган. Масалан, «Тавба» сурасида шундай дейилади: «У /Аллоҳ/ узумзор боғлар, бўстонлар, хурмо-ю, анвойи мевали, зиротли, зайтун хилма-хил анорлар яратади. Уларнинг меваси пишганда ундан тановвул қилганлар, ҳосил йиғилган кунда унинг ушурини беринглар»<sup>2</sup>.

Х.И.Боев ва Қ.М.Қўлдошевларнинг фикрича, суғурта тўғрисидаги қонунлар дастлаб Европа мамлакатларида қабул қилинган бўлиб, 1446 йилда Гольштеп суғурта жамиятлари Лондон ва Парижда ташкил топган. Илк қонунлар Германия, Швейцария ва Голландия давлатларида қабул қилинган<sup>3</sup>. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, Россияда дастлаб Екатерина II замонида хорижий мамлакатларнинг суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатган, лекин биринчи миллий суғурта бирлашмаси 1827 йил, иккинчиси 1833 йилда ташкил қилинган. XX асрнинг бошида Туркистонда хорижий ва Россия хусусий суғурта ташкилотларининг «Нью-Йорк», «Эвитебель», «Урбен» ва бошқа ном билан юритилган бирлашмалари бўлимлари ташкил қилинди. Бу жамиятлар савдогарлар,

<sup>1</sup><https://www.pv.uz/uz/news/tags/poslanie>.

<sup>2</sup>Собиров Ҳ. Ўзбекистон суғурта тарихидан // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000. №10. -Б. 56-57.

<sup>3</sup>Боев Х.И., Қўлдошев Қ.М. Суғурта тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий омиллари // Ҳуқуқ – Право – Law, 2002 йил, – № 1. – Б.41.

фабрика-завод, йирик ер эгаларига қарашли мол-мулкларни суғурта қилар эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ўтган давр ичида мамлакатимизда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда ўзимизга мос бўлган анъаналардан келиб чиқиб, суғурта муносабатларини тартибга солишнинг янги ҳуқуқий механизми жорий қилинди. Бу ҳуқуқий механизмнинг яратилиши давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда, турли мулк шаклига асосланган суғурта компанияларининг ташкил топишига туртки бўлди ва шу аснода суғурта ташкилотлари билан фуқаролар ўртасида бўладиган суғурта муносабатлари доираси кенгайтирилди.

Шу ўринда, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мажбурий суғурта бозорини ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислохотларни қуйидаги тўрт босқичга бўлиш мумкин:

**Биринчи босқич**, 1991–2000 йилгача бўлган даврни қамраб олиб, бу даврни ўтиш даври, яъни бозор иқтисодиёти шароитига мос бўлган миллий суғурта бозорининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш даври деб ҳам аташ мумкин. Ушбу даврда биринчи мартаба 1991 йил 10 январь куни суғурта фаолиятини тартибга солувчи илк Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкани давлат мажбурий суғуртаси бўйича тўловлар ставкаларининг миқдорлари ва тўлаш муддатлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги Қарори қабул қилинди. 1993 йил 6 майда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 1993 йил 7 майда «Умумий фойдаланиладиган ҳаво, темирўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида»<sup>4</sup>ги Қонунлари қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулканинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида”<sup>5</sup>ги 608-сонли, 1994 йил 26 январдаги “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”<sup>6</sup>ги 38-сонли ва 1994 йил 16 июлдаги “Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология-разведка ишлари

<sup>1</sup>Собиров Ҳ. Ўзбекистон суғурта тарихидан // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2000. №10. -Б. 56-57.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Lex.uz

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 217-модда; 1994 й., 11-12-сон, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 й., 3-сон, 38-модда; 2002 й., 4-5-сон, 69-модда.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 251-модда

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Lex.uz

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Lex.uz

тизими ходимларининг мажбурий давлат шахсий суғуртаси тўғрисида”<sup>1</sup>ги “365-сонли Қарорлари, 1995 йил 27 февралда Молия Вазирлигининг “Солиқ идоралари ходимларини мажбурий давлат шахсий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисида”<sup>2</sup>ги Қоидалар, 1997 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикасининг икки қисмдан иборат Фуқаролик кодекси қабул қилинди. Ш.Бахронов тўғри таъкидлаганидек, «1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси фуқаролик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда асосий ўрин тутди»<sup>3</sup>. Фуқаролик кодексининг 52-боби (914–961-моддалари) суғуртага бағишланганлиги суғурта бозорида юзага келадиган муносабатларнинг ривожланиши учун ҳуқуқий шароит яратди<sup>4</sup>. Бундан ташқари, 1998 йил 8 июлдаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>5</sup>ги, 1999 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>6</sup>ги Қарорлари қабул қилинди.

**Иккинчи босқич**, 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу давр бозор иқтисодиёти соҳасидаги ислоҳотларни бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқлигини ва айна пайтда бир-бирини тўлдириб боришини ҳамда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва янгича ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши натижасида қонунларнинг замон талабига мос равишда такомиллашувига туртки бўлган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлди. Шу ўринда, Ш.Х.Файзиев тўғри таъкидлаганидек, мавжуд қонун ҳужжатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиш, уларга бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, замон талабларига жавоб бермайдиган эски қонунларни бекор қилиш ва янгиларини яратиш, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари сифатини янада ошириш зарурати келтириб чиқармоқда<sup>7</sup> деган ўринлидир. Айнаун ушбу босқичда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини замон талабига мос равишда такомиллаштириш давр талабига айланди. Хусусан, 2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Lex.uz

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. Lex.uz

<sup>3</sup>Бахронов Ш. Ўзбекистон Фуқаролик кодексига 10 йил: тажриба ва ривожланиш истиқболлари. – Т.: KONSAUDITINFORM, 2008. – Б. 250.

<sup>4</sup>Тоҳиров А. Суғурта бозори: шаклланиши ва ривожланиши // Жамият ва бошқарув, 2005. № 1. – Б. 34.

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 81-модда

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 12-сон, 70-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 180-модда; 2003 й., 11-сон, 88-модда

<sup>7</sup>Файзиев Ш. Қонунчилик ҳужжатлари экспертизасини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари // «Қонунчилик экспертиза қилиш муаммолари» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар материаллари / Масъул муҳаррир: Ф.Ҳ.Отахонов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006. – Б.20.



Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»<sup>1</sup>ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун суғурта соҳасидаги кенг қамровли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга замин яратди. 2003 йил 29 августда “Оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий суғуртасини ўтказиш тартиби тўғрисида”<sup>2</sup>ги Низом тасдиқланди. 2008 йил 21 апрелда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2008 йил 10 сентябрда “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”<sup>4</sup>ги, 2009 йил 16 апрелда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши бугунги кунда суғурта хизматини кўрсатаётган компаниялар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup>ги қарори суғурта ташкилотларининг пул фонд захираларини шакллантириш орқали республикада суғурта ташкилотларининг минтақавий тармоқларини, филиалларини, бўлим ва гуруҳлари сонини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>7</sup>ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор бозор муносабатлари шароитида суғурта фаолиятини ислоҳ қилишнинг сифат жиҳатдан янги босқичини янгилаб берди. Мазкур қарор билан «2007–2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури»<sup>8</sup>, «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»<sup>9</sup>ги низом тасдиқланди, бундан ташқари, 2010 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғини давлат томонидан

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 69-модда.

<sup>2</sup>Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2003 г., № 16. Lex.uz.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 128-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2011 й., 15-сон, 149-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2009 й. – № 4. – 137-м.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й. – № 20-21. – 172-м.

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 21-сон, 215-модда; 2017 й., 7-сон, 89-модда; 2017 й., 13-сон, 201-модда

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда; 2012 й., 40-сон, 466-модда; 2014 й., 50-сон, 590-модда; 2017 й., 22-сон, 411-модда

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, – № 15. –158-модда.

мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”<sup>1</sup>ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари мамлакатимизда фуқароларнинг суғурта хизматига бўлган ишончини ортишига хизмат қилди десак ҳеч муболаға бўлмайди.

**Учинчи босқич**, 2011 йилдан 2018 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Бу даврни суғурта хизматлари ва унинг тартибга солувчи қонун ва қонун ҳужжатларини ривожланган давлатлар тажрибасига интеграциялашув даври десак ҳеч адашмаган бўламиз. Чунки ушбу даврда суғурта фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларини янада такомиллаштириш, ишламаётган нормаларни чиқариб ташлаш ҳамда ихтиёрий ва мажбурий суғуртанинг янги кўринишларини жорий этиш орқали истеъмолчиларнинг ишончига янада кириб бориш, турли кўринишдаги низоларни олдини олиш давр талабига айланди десак ўринлидир. Шу ўринда, 2011 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>2</sup>ги Қарори билан суғурта ташкилотларининг шартнома асосида фаолиятини такомиллаштириш, тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятларини ошириш ҳамда молиявий барқарорлаштириш мақсадида суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдори белгилаб қўйилди. Шунингдек, ушбу қарорда кўрсатиб ўтилган талабларга жавоб бермайдиган суғурталовчи ташкилотлар лицензияларининг амал қилишини ўрнатилган тартибда тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш чоралари ҳам белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги ходимларининг хизмат фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида, 2015 йил 22 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>3</sup>ги 166-сонли Қарори қабул қилинди. Бу эса хизмат даврида ортирилган турли кўринишдаги тан жароҳати билан боғлиқ ҳолатларда суғурта ташкилотлари томонидан етказилган зарарни қоплаб бериш тизими жорий қилинди. Шунингдек, 2015 йил 29 октябрда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан “Йўловчиларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртасини ўтказиш, суғурта тўловлари бўйича транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш, суғурта пулларини аниқлаш ва тўлаш тартиби ҳақидаги қоидаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”<sup>4</sup>ги 95-сонли буйруғи қабул қилинди. Бундан ташқари, 2017 йилнинг 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти фаолиятини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 522-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, – № 22-23. –230-м.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 25-сон, 328-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.12.2017 й., 10/17/1001/0447-сон; 29.12.2019 й., 09/19/1046/4242-сон

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 45-сон, 581-модда

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3317-сонли Қарори<sup>1</sup> қабул қилинди. 2017 йилда мамлакатимиз миллий суғурта бозорини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрда «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони<sup>2</sup> қабул қилинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, суғуртачилар учун устав капиталининг энг оз миқдорлари белгилаб берилган «Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида 2017 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Фармони<sup>3</sup> қабул қилинди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2017 йил 29 ноябрь куни мамлакатимизда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»<sup>4</sup>ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>5</sup>ги, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>6</sup>ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»<sup>7</sup>ги ва «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>8</sup>ги Қонунлари бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда судлар ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми<sup>9</sup> қабул қилинди.

**Тўртинчи босқич**, 2019 йилдан бошланиб, бу даврни янгиланиш даври десак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, 2019 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалдаги қарорларни тубдан такомиллаштириш мақсадида “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни

---

<sup>1</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 07/17/3317/0077-сон; 13.12.2019 й., 06/19/5893/4150-сон.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 11 сентябрь, – № 36.– 945-модда.

<sup>3</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 29 сентября 2017 года № УП-5197 «О внесении изменений и дополнений, а также признании утратившим силу некоторых актов Президента Республики Узбекистан».

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 128-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2011 й., 15-сон, 149-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 21-сон, 268-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29.11.2017 й., lex.uz

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги 222-сонли Қарори қабул қилинди. Бундан ташқари, 2019 йил 2 августда Ш.М.Мирзиёевнинг суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>2</sup>ги 4412-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарордан келиб чиқиб, 2019 йил 31 декабрь куни “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги 1060-сонли Қарорлари қабул қилинди. Бундан ташқари, 2020 йил 30 январь куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>4</sup> 46-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги таркибига ўтказилди. Бу эса келгувсида хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига киритиладиган тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг комплекс суғурта ҳимоясини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ бошқа суғурталаш турларини амалга оширишга, хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари, суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан тижорат ва сиёсий ҳатарларни суғурталаш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида Низом»да<sup>5</sup> суғурталовчининг лицензия олиши пайтида қатнашчилар томонидан шакллантирилиши лозим бўлган бошланғич устав капитали миқдори бўйича қуйидаги ўзгартишлар киритилди.<sup>6</sup>

Мазкур ўзгартишлар, назаримизда, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, миллий суғурта бозорида

---

<sup>1</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2019 й., 09/19/222/2772-сон

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон.

<sup>3</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 09/20/1060/0021

<sup>4</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.01.2020 й., 09/20/46/0095-сон

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли Қарори билан тасдиқланган «Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида»ги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й. – № 15. – 158-м.

<sup>6</sup>Изоҳ: Мазкур ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони асосида киритилди // Манба: Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2017 йил 30 сентябрь.

тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилашда долзарб аҳамият касб этади.

Шуни яна алоҳида таъкидлаш жоизки, суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2008 йил 21 апрелда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>1</sup>, 2009 йил 16 апрелда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>2</sup>, 2015 йил 26 майда «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»<sup>3</sup>ги қонунлар қабул қилинди, шунингдек 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунга 13 март ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Қонуннинг 18-моддасига киритилган муҳим янгиликлардан бири – илгари бўлиш ва ажратиб чиқариш билан бир қаторда, қўшиб юбориш шаклида ҳам қайта ташкил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилиши мумкинлиги бекор қилинди, эндиликда фақат бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, мазкур моддада «қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётганда лицензияни қайта расмийлаштиришга қайта ташкил этилаётган суғурталовчиларда янгидан вужудга келган суғурталовчини давлат рўйхатидан ўтказиш санасида лицензия мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилиши» мумкинлиги назарда тутилди.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш учун энг аввало мажбурий суғуртанинг янги турларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

2. Мустақиллик йилларида суғурта хизматлари кўрсатиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва 50 га яқин қонуности ҳужжатларини тизимлаштириш, ягона кодификациялашган норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида **Суғурта кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш вақти келди. Мазкур ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан бири – суғурта хизматлари ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил. – № 17. – 128-м.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил. – № 16. – 197-модда.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 1 июнь. – № 21. – 268-м.

**ЖИНОЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА  
ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази директорининг биринчи ўринбосари,  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Аннотация:** Мақолада жиноят қонуни нормаларини тайёрлаш ва қабул қилиш ҳамда улар самарадорлигини баҳолашда илмий тадқиқот методларини қўллаш соҳасидаги муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноят қонунчилиги соҳасида истиқболдаги вазифаларни самарали ҳал этишда фан методлари ва қонуниятларига амал қилмаслик асослантилмаган ёки ижтимоий шароитларга мос бўлмаган, амалда ишламайдиган қонунлар қабул қилинишига олиб келиши илмий асослантилган.

**Аннотация:** В статье анализируются проблемы разработки и принятия норм уголовного права, а также применения методов научных исследований для оценки их эффективности. Вместе с этим научно обосновано, что несоблюдение научных методов и законов для эффективного решения будущих задач в области уголовного права могут привести к принятию законов, которые недостаточно обоснованы или не соответствуют социальным условиям.

**Abstract:** This article analyzes the problems in the development and adoption of criminal law norms and the application of scientific research methods to evaluate their effectiveness. It is also scientifically grounded that failure to follow scientific methods and laws to effectively address future tasks in the field of criminal law can lead to the adoption of laws that are not well grounded or inadequate to social conditions.

**Таянч сўзлар:** Илмий-ҳуқуқий концепция, илмий асослантилриш, жиноят қонуни нормаси, юридик фан, ҳуқуқ ижодкорлиги, илмий тадқиқот, илмий жамоатчилик.

**Ключевые слова:** Научно-правовая концепция, научное обоснование, уголовное право, юридическая наука, законотворчество, исследования, научное сообщество.

**Key words:** Scientific and legal concept, scientific ground, norms of criminal law, law science, law making, scientific-research, legislature, scientific community.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, «Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантилришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-

маърифат ва инновация билан эриша оламиз».<sup>1</sup> Дарҳақиқат, шундай экан, қонунларимизнинг яратилиши ва уларнинг қабул қилиниш жараёнлари ўз навбатида муайян тадқиқотларга асосланган илмий-ҳуқуқий концепцияга таяниши лозим. Бу эса қонунчилик нормаларининг яратилиши, қабул қилиниши ва амалга жорий этишдаги мавжуд муаммоларни илмий асосланган ҳолда ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқилишига доимий равишда эҳтиёжнинг мавжудлигини кўрсатади.

Дарвоқе, қабул қилинган қонунларнинг самарадорлиги ва муваффақияти, авваломбор қонун чиқарувчининг тегишли профессионал тайёргарлиги билан бир қаторда қонунларни яратишнинг илмий асослантирилганлик жараёнига бевосита боғлиқ бўлиши даркор. Шу боис, ҳуқуқ ижодкорлигининг энг муҳим принципи илмийлик бўлиб, у қонун чиқарувчига қонуннинг ижтимоий самарадорлигини белгиловчи объектив қонуниятларни чуқур англаш мажбуриятини юклайди.

Ҳеч шубҳасиз, қонунларни яратишга қўйилган илмийлик принципига оид талаблар жинойт қонуни нормаларининг такомиллаштирилишига ҳам бевосита тааллуқлидир. Шу нуқтаи назардан жинойт қонуни нормаларининг янада такомиллаштирилиши, бир томондан, ўзгариб бораётган ижтимоий шарт-шароитларнинг объектив эҳтиёжларини доимий равишда инобатга олишни, бошқа томондан эса замонавий жинойт ҳуқуқи фанининг назарий имкониятларига таянишни талаб этади.

Айни пайтда кўриб чиқилаётган масала бўйича профессор М.Х.Рустамбаев «жинойт-ҳуқуқий фан вакиллари, қонун ижодкорлиги жараёни иштирокчилари, қонун чиқарувчи олдида турган аниқ вазифалар борасида тўхталиб ўтиб, уни моҳиятан қонун чиқариш жараёни самарадорлигини илмий жиҳатдан асослантириш ва амалдаги жинойт қонунчилигини такомиллаштириш бўйича муаммоларни бевосита ҳал қилишни прогностик жиҳатдан таъминлаш каби иккита омилини ажратиш кифоя эканлиги, зеро, уларсиз жинойт қонунчилиги соҳасидаги замонавий ва истиқболдаги вазифаларни самарали ҳал этиш имконсиз эканлигини»<sup>2</sup> таъкидлаб ўтади. Айни дамда қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида ушбу икки ҳолатни инобатга олмаслик, ижтимоий асослантирилмаган ёки ижтимоий шароитларга мос бўлмаган қонун, яъни аввалдан самарасиз, амалда ишламайдиган қонун қабул қилинишига олиб келади.

Шу жиҳатдан қараганда, жинойт қонуни нормаларини такомиллаштиришнинг илмий асосларини кучайтириш зарурати бир қанча ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида қонуннинг амалдаги нормаларини ижтимоий жиҳатдан баҳолашга, унинг муайян нормаларини такомиллаштириш ёки қабул қилишга бўлган эҳтиёжларни аниқлашга, уларнинг

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Ҳалқ сўзи. – 2020. – 25 янв. – № 19 (7521).

<sup>2</sup> Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 21.

самарадорлигини ёки оқибатларини башорат қилишга илмий, тизимли ва комплекс ёндашилишини тақозо этади.

Айниқса, бу борада жинойт қонунининг янги нормаларини яратишда фундаментал муаммоларни олдиндан чуқур ўрганиш, уларнинг асосини ташкил қилувчи ҳуқуқий концепцияларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Айнан шу йўлда, фан, ҳуқуқ ижодкорлигига энг катта амалий ёрдам кўрсата олади. Бу эса жинойт қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришга қаратилган фундаментал ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Бунда ўтказиладиган тадқиқотлар қонун нормаларининг амалга татбиқ этилишига доир ҳолатларни ҳамда уни ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқишга қаратилиши лозимдир. Зеро, юридик фаннинг асосий вазифаларидан бири қонун чиқарувчига қонунчиликни такомиллаштириш борасида мукамал ва илмий асосланган ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқишда бевосита ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг бир қатор идоралари ва олий таълим муассасаларида бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш ва синовдан ўтказиб маъқуллашга оид режа ва дастурларини шакллантириш амалиёти мавжуд. Бундай дастурлар қаторида ҳукуматимиз томонидан ҳар йили қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури, Адлия ва бошқа вазирликлар томонидан қабул қилинадиган мақсадли режалар ва олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари бўйича истиқболга мўлжалланган режа ва дастурларини санаб ўтиш мумкин. Бундай режалар вазирлик ва идоралар раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, унда қайси муаммо ва масалалари кўриб чиқилиши ва қандай натижалар жорий этилиши режалаштирилаётгани, шунингдек жорий этиш шакллари ва зарур моддий-техник таъминоти назарда тутилади. Шу сабабли ҳуқуқ ижодкорлиги ва илмий тадқиқот ишлари натижаларини жорий этишнинг бундай амалиётини бутун ҳуқуқни қўллаш жараёнига татбиқ этиш мумкин.

Шу билан биргаликда қайд этиш лозимки, умуман олганда, ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ҳали жуда кам иштирок этаптилар, десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқий нормалар сифатига салбий таъсир этиши мумкин.

Барчамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугунги кунда қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Шу боис ҳам ҳуқуқий фан қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг кундалик муаммоларини ҳал қилиб, ана шу жараёнга ёрдам беришга интилиши ва замон билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Бироқ назаримизда қонунларнинг қабул қилиниши жараёни илмий ишланмалар ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий қилишдан кўра илгарилаб кетмоқда. Шу сабабли ҳам олимларимиздан жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилаётган қонун



ҳужжатларига илмий нуқтаи назардан ёндошган ҳолда муносабат билдириб боришлари айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига тақдим этадиган «regulation.gov.uz» расмий сайти тузилишига кўра, бирмунча мураккаб ҳолда ишлаб чиқилган. Масалан, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган норматив-ҳужжат лойиҳасига мазкур интернет сайти орқали тўғридан-тўғри иштирок этиш учун, даставвал ушбу сайт орқали албатта рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Шу боисдан бўлса керак, муҳокамага қўйилган норматив-ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасида иштирок этгаётганлар бугунги кунда 10 фоизга ҳам етмайди. Шунинг учун назаримизда мазкур тизим соддалаштирилиши лозим ва муҳокамага қўйилган норматив ҳужжат лойиҳаси тўғрисида имкон бориша расмий равишда ахборот тарқатиш тизими жорий қилиниши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда фан соҳаларини янги фан докторлари билан тўлдириш, уларнинг ёш кўрсаткичларини улғайиб бориш тенденцияси долзарб вазифа бўлиб турганлигига қарамасдан, келажакда илмий иш билан шуғулланишга қизиқиш билдирувчи ёшларнинг улуши ҳам юқори бўлмаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Хусусан, бугунги кунда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ўртача 38 фоизни ташкил этмоқда, илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши эса 49-50 ёшни, фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши эса 45 фоизни ташкил этади. Тан олишимиз керак, бугунги кунда илмий тадқиқотлар устида ишлаётган ёшларимиз, илмий тадқиқот олиб бориш услубиётлари ҳақида етарлича кўникмаларга эга эмаслар. Шу нуқтаи назардан ҳам жиноят ҳуқуқий миллий мактабларини кенг миқёсда шакллантириш бугунги кун давр талабларидан биридир.

Шунингдек, бугунги кунда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун тадқиқот мавзулари рўйхатини шакллантириш ҳам муҳим долзарблик касб этмоқда. Мазкур ҳолатни инобатга олиб, бугунги кун талаби нуқтаи назаридан шакллантирилаётган фундаментал ва амалий ҳамда диссертация тадқиқоти мавзулари изланувчининг шахсий ёки таълим муассасасининг идоравий манфаатлари билан боғлиқ бўлмаслиги керак, балки у фанни ва давлатнинг умумий истиқболли манфаатларини ривожлантириш вазифаларига қаратилиши лозим. Шу нуқтаи назардан тегишли таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари ҳузурида фаолият олиб бораётган Илмий кенгашлар тегишли фан соҳаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари ва бу соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатъий чоралар кўришлари лозим.

Бу борада 2019 йилда Бош прокуратура Академиясининг ташаббуси билан 9 та юридик таълим муассасалари билан «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни мувофиқлаштириш тўғрисида»ги қўшма қарорининг

имзоланганлигини ижобий тажрибалардан бири дейиш мумкин. Чунки мазкур қўшма қарор билан юридик фанларнинг 12.00.07 – «Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура» ихтисослиги бўйича «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциуми» ташкил этилган. Ҳозирда мазкур ихтисосликларнинг йўналишлари кўлами кенгайиб бормоқда.

Келишувнинг асосий вазифалари сифатида ягона ахборот макони-ни яратиш, иштирокчиларнинг ахборот-ресурс тизими имкониятларидан фойдаланиш, долзарб илмий-тадқиқот мавзуларини шакллантириш, биргаликда илмий анжуманлар ўтказиш, амалий тажриба алмашиш ва мулоқот қилиш мақсадида иштирокчиларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, ҳамкорликда стажировка ва маслаҳатлашувлар ўтказиш ва бошқа вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, бугунги кунда юридик соҳада илмий тадқиқотлар олиб борилишини ташкил этиш йўналишида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан буюртмалар берилишида ҳам камчиликлар кўзга ташланади. Мисол учун, бугунги кунда тегишли вазирликлар тизимида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммоларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида ушбу материалларни суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан олиш, уларни таҳлил қилиш имкониятлари яратиб берилишида муайян муаммолар мавжуд.

Таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан жиноятчиликнинг турларига оид умумлашма ва бошқа маълумотларни олишда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд. Ҳозирда таълим муассасаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва бу борада тегишли илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда жиноятчилик ва бошқа маълумотларга оид статистик маълумотлар билан чекланилмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш борасида ўзининг ижобий самарасини бермайди. Шу сабабли ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли вазирликлар қошида жиноятчилик ва тизимга оид муаммоларни ўрганувчи ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ижобий самара беради. Шу йўналишда олимлар ва тадқиқотчиларнинг қонун нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларини амалиётга жорий этишнинг аниқ шаклларини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Албатта, янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш зарурати одатда юридик сабаблар билан боғлиқ бўлмайди. Аммо юридик фанлар бунга доимо тайёр бўлиши керак, қонун нормаларини ўзгартириш эҳтиёжи – бу фан учун кутилмаган ҳол бўлмаслиги лозим. Чунки у доимий равишда ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини таҳлил қилиши, уларни

ҳуқуқий тартибга солиш шакллари ўзгартириш заруратини аниқлаши, қонун ҳужжатларини энг оқилона усулда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши лозим.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг нафақат бевосита, балки истиқболдаги натижаларини ҳам билиш жуда муҳим. Бу мақсадга қонун чиқарувчи орган ҳуқуқ фани маълумотларга таяниб, ушбу фаннинг барча воситалари, тадқиқот усуллари ва йўлларидан фойдаланиб эришиши мумкин. Мадомики, Президентимиз мурожаатномада қайд этганидек, «Суд-ҳуқуқ соҳага доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Қонунчиликни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим»<sup>1</sup>. Шу жаҳатдан хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кенг илмий жамоатчиликни жалб қилиб, ундаги ҳар бир нормани илмий жиҳатдан асослантирган ҳолда тайёрлаш олдимизда турган асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

## **ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ҚОНУНИЙЛИКНИ БУЗИШГА ОИД ҚИЛМИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

**КАРИМОВ Ваҳобжон,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси доценти, ю.ф.д., доцент

***Аннотация:** Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш тушунчаси ва таснифи таҳлил қилинган.*

***Аннотация:** В статье анализируется понятие и квалификации нарушений законности в оперативно-розыскной деятельности.*

***Abstract:** The article analyzes definition and qualification of law breaches in operative crime detection activities.*

***Таянч сўзлар:** қонунийликни бузиш, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор ходим, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахс.*

***Ключевые слова:** нарушение законности, оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативный работник,*

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Ҳалқ сўзи. – 2020. – 25 янв. – № 19 (7521).

лицо, содействующий органам осуществляющим оперативно-розыскную деятельность.

**Key words:** law breaches, operative crime detection activities, operative crime detection events, task force agent, person assisting to agencies conducting operative crime detection activities.

Ҳуқуқ назарияси қоидалари асосида тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш учун қонунийликни бузиш тушунчасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бу, *биринчидан*, ижобий ёки салбий баҳоланган қилмишни қонун талабларидан келиб чиқиб фарқлаш имконини берса, *иккинчидан*, бу хилдаги ҳуқуқбузарликлар, тезкор бўлинмалар фаолиятида қонунийликни баҳолаш мезони вазифасини бажаради. *Учинчидан*, уларни содир этилиш механизминини таҳлил қилиш, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга имкон беради. Ниҳоят, *тўртинчидан*, ушбу тушунча, агар у илмий ва амалий асосланган бўлса, ҳисобга олиш, қайд этиш ишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қонунийликни бузишнинг моҳияти ва параметрлари жиноят қонунчилигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги уни таърифлаш масаласини енгиллаштириб, қонунийликни бузиш тушунчаси нимадан иборат эканлиги ҳамда тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос шароитларида, унинг туб мазмунини тўғри ифодалашга ёрдам беради.

Тезкор-қидирув фаолиятида у ёки бу қилмишни қонунбузарликка дахлдорлигини белгиловчи аломатларини аниқлаш борасида қонунийликни бузиш тушунчаси тўғрисида аниқ тушунча бўлмаганлиги сабабли, қонунбузарлик деб ҳисобланадиган ҳаракатлар билан бир қаторда, амалиётда ва назарияда булар қаторига ихтиёрий равишда ҳар хил ҳуқуқбузарликларни киритиш ҳоллари учрайди. Жумладан, россиялик олим Ю.Г.Железняков қонунийликни бузишнинг мустақил турлари сифатида, хусусан, қуйидагиларни санаб ўтади: “*ходимлар билан хизматга алоқасиз муносабатлар; тегишли асослар бўлган тақдирда ҳам жиноятларни олдини олиш ва тўхтатиш бўйича чоралар кўрмаслик; жиноятларни олдини олиш ва очиш ишларида йўл қўйилган бошқа бузилишлар*”<sup>1</sup>. В.А.Азаров эса бу соҳада содир этиладиган қонунбузарликлар сифатида: “*кўмаклашувчи шахсларга қонунга зид бўлган топшириқлар бериш; тезкор ҳисобот ҳужжатларини қалбакилаштириш; тезкор-қидирув ишларини юритиш муддатларига риоя қилмаслик*” каби ҳолатларни келтиради<sup>2</sup>. Шубҳасиз, ушбу ҳаракатларни қонунбузарлик каби таснифлаш “қонунийликни бузиш” тушунчаси ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар ўтказиш доирасини кенгайтиради.

<sup>1</sup> Қаранг: Железняков Ю.Г. Оперативно-розыскная деятельность: некоторые проблемы правового регулирования//Российский следователь, 2007. №23. – С. 25-27.

<sup>2</sup> Қаранг: Азаров В.А. О некоторых особенностях предмета оперативно-розыскного регулирования//Оперативник(сыщик). –М. 2010. №2(23). –С.8-12.

Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга қандай сабаблар ундаши тўғрисидаги фикрлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бош прокуратура Академиясида малака ошириш курсларида иштирок этган Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти тезкор ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижасида ушбу масала бўйича қуйидагича фикр билдирдилар (сўров фоизларда баҳоланди): а) хизмат манфаатларини нотўғри тушуниш (2 фоиз); б) сохта обрў орттириш, ғараз ёки бошқа интилишлар (4 фоиз); в) ўзини тута билмаслик (7 фоиз); г) юзага келган вазиятни нотўғри баҳолаш (7 фоиз); д) мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик (19 фоиз); е) раҳбарлар томонидан таъсир ўтказилиши (9 фоиз); ж) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик (27 фоиз); з) ишдаги қониқарсиз кўрсаткичлар учун жазоланишдан кўрқиш (2 фоиз); и) қарорлар қабул қилишда зарур принципиаллик, қатъиятлилиқ йўқлиги (3 фоиз); к) фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги (10 фоиз); л) ҳаракатларини зарарли оқибатларга олиб келишини кўра билмаслик ёки уларнинг пайдо бўлмаслигига енгилтаклик билан умидвор бўлиш (2 фоиз); м) шахсий ишни баҳоланишнинг номукамаллиги (1 фоиз) ва н) бошқалар (2 фоиз).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тезкор бўлинма раҳбарлари ва ходимларини қонунийликни бузишга ундайдиган асосий сабаблар ичида олдинги ўринларни: мураккаб вазиятларда ҳаракат қила билмаслик; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини билмаслик; фаолиятни баҳолаш мезонларининг номукамаллиги эгаллади ва улар барча сабабларнинг ярмидан зиёдини ташкил этди (56 фоиз).

Тадқиқот доирасида “статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича тезкор ходимлар бошқа хизмат ходимларига нисбатан қонунийликни кўпроқ бузишади. Ушбу ҳолатни, сизнинг фикрингизча, қандай тушунтириш мумкин?” деган саволга сўров ўтказилганларнинг 39 фоизи “анъанавий назорат шакллари (жамоатчилик, прокурор) нинг чекланганлиги” деб, 26 фоизи эса “айрим тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан жиноят процессида фойдаланишдаги қийинчиликлар” деб жавоб беришди. Дарҳақиқат, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш ҳолатларининг тўлиқ ҳисобини юритишда бу соҳадаги мавжуд айрим объектив нуқсонлар сабабли қийинчиликларга дуч келинади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ушбу нуқсонлар қуйидагилардан иборатдир (сўров 1 дан 5 баллгача баҳоланди):

а) раҳбарларнинг тезкор бўлинмадаги қонунийлик бўйича ҳақиқий ҳолатни яшириши (5 балл); б) қонунийликнинг бузилишини аниқлаш бўйича ўз вақтида чора кўрмаслик (3 балл); в) қонунийлик ҳолати юзасидан статистик ҳисоботнинг мукамал эмаслиги (4 балл); г) қонунийлик ҳолатини баҳолаш мезонлари ва “қонунийликни бузиш” тушунчасининг ноаниқлиги (3 балл); д) қонунийликни бузиш ҳолатларини

аниқлашдаги объектив қийинчиликлар ва тўсиқлар (3 балл); е) қонунийликни бузиш фактларини текшириш натижалари бўйича хулоса ва таъсир чораларининг ноҳолислиги (3 балл) ва бошқалар.

Мазкур муаммони тадқиқ этиш юзасидан ўтказилган таҳлилларга суянган ҳолда, таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчиликда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни бузганлик учун махсус юридик жавобгарлик назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасига биноан ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шу муносабат билан тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш таркибини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлардаги муайян жиноят таркиби (унинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони) тўғрисида гувоҳлик берувчи қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбдорлиги ва жазога сазоворлиги каби белгиларига мос равишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жавобгарлик тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг ҳаракатларида қонунчиликда, шу жумладан жиноят қонунчилигининг муайян нормаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд ҳолда юзага келади. Шундан келиб чиқиб муайян қонунийликни бузиш тури ҳамда айбдор шахснинг жавобгарлиги белгиланиши лозим. Масалан, *тезкор-қидирув тадбирларини қонунга хилоф равишда ўтказиш* – Жиноят кодексининг 141<sup>1</sup>-моддаси (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 142-моддаси (Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 143-моддаси (Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш); *махфийлик тартибини бузиш* – 162-моддаси (Давлат сирларини ошкор қилиш), 163-моддаси (Давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш); *тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга ажратилган маблағларни талон-торож қилиш* – 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш); *тезкор-хизмат ҳужжатларини сохталаш-тириш ёки жиноятни яшириш* – 209-модда (Мансаб сохтакорлиги), 237-моддаси (Ёлғон хабар бериш), 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш), 241<sup>1</sup>-моддаси (Жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш)га мувофиқ жавобгарликка тортилиши лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий объекти бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида юзага келадиган, қонун ва ҳуқуққа риоя этишга йўналтирилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Қонунийликни бузишнинг субъекти сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга бўлган ходим қатнашиши мумкин. Яъни, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг субъекти – махсус субъектлар тоифасига киради. Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар

махсус ваколатга эга бўлмаган ҳолда қонунийликни бузишнинг оддий иштирокчилари ҳисобланади. Улар қасддан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун умумий тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Айрим ҳолларда тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари фуқароларнинг шахсига ёки ҳуқуқлари ва манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказадилар. Ушбу ҳаракатлар расман Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган айрим жиноят турлари аломатларига мос келади. Аммо ушбу ҳаракатлар муайян ҳолатларда жиноят деб топилмайди, чунки уларда асосий аломатни ташкил этувчи ижтимоий хавф мавжуд эмас. Бу ҳаракатлар муайян вазиятда қонуний, ижтимоий фойдали, мақсадга мувофиқ ва мажбурий деб топилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунида “Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органнинг уюшган жиноий гуруҳни, жиноий уюшмани фош қилиш мақсадида улар орасига киритилган ходими (ёки уларга қўмаклашаётган шахс), қонунда белгиланган тартибда қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар бўлганида қонунга хилоф қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилади” деган таҳрирдаги норма мавжуд<sup>1</sup>. Бундай ҳолатларга Жиноят кодексининг III бўлими (Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар) 36-41<sup>1</sup>-моддаларида қайд этилган (Зарурий мудофаа; Охирги зарурат; Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва бошқалар) ҳаракатлар киради.

Баён этилганларга кўра, тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузишнинг умумий тушунчасини қуйидаги таҳрирда тақлиф этиш мумкин: *“Тезкор-қидирув фаолиятида қонунийликни бузиш деб - қонун ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган, тезкор-қидирув фаолияти субъектлари томонидан ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш нормаларини бузиш натижасида содир этилиши (хизмат вазифаларини бажариш ёки бажармасликдан қатъи назар) оқибатида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган ҳар қандай айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади”*.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмаларининг барча даражадаги раҳбарлари ўз қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқий онги ва қонунийликка риоя этиш борасидаги кўникмаларини ривожлантириш юзасидан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 22, 23-моддалар // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 585-модда.

қуйидаги: а) тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонунчилик ҳужжатлари талабларини ходимларга синғдириш; б) ҳар бир тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш юзасидан ходимлар ва бошқа қатнашчиларга пухта йўл-йўриқ бериш; в) кўмаклашувчи шахсларга раҳбарлик қилиш, уларни ўргатиш ва тарбиялаш тадбирларини мунтазам такомиллаштириб бориш; г) тезкор-қидирув фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат олиб бориш; д) тезкор бўлинмалар фаолияти устидан идоравий ва прокурор назоратининг барча имкониятларидан фойдаланиш; е) тезкор-қидирув фаолияти бўйича ҳисоботлар ҳаққонийлигини таъминлаш каби ташкилий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб боришлари лозим.

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР БАРВАҚТ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ НАЗАРИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ ТАЪМИНЛАШ (ТЕЗИС)

**ИСМАИЛОВ Исамиддин,**

ИИБ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, профессор

**Аннотация:** Мақолада ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар учун кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида мазкур фаолиятга оид назарий билим ва уларни амалда қўллаш учун зарур кўникмаларни шакллантиришни таъминловчи махсус фан ўқитилишини йўлга қўйиш масалари кўриб чиқилган.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы о необходимости введение в образовательных учреждениях подготавливающих кадры для органов непосредственно осуществляющие профилактики правонарушений обучение предмета предусматривающий формирование теоретических знаний и практических навыков об их применение на практической деятельности по данной направленности.

**Abstract:** The article deals with the need to introduce in educational institutions that prepare personnel for bodies that are not directly involved in the prevention of offenses the training of a subject that provides for the formation of theoretical knowledge and practical skills about their application in practical activities in this area.

**Таянч тушунчалар:** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, барвақт профилактика, криминология, назарий билим, амалий кўникма, таълим муассасаси, қонунлар.

**Ключевые слова:** Профилактика правонарушений, ранняя профилактика, криминология, теоретические знание, практические навыки, образовательные учреждение, законы.

**Keywords:** crime prevention, early prevention, criminology, theoretical knowledge, practical skills, educational institutions, laws.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда



Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>ни «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» амалга оширишга оид давлат дастурларига мувофиқ амалга оширилган, шунингдек «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар жамиятда ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси таъминлашга муайян даражада хизмат қилиб келмоқда.

Инсоният ривожланишининг бугунги мураккаб ва зиддиятлар ҳамда таҳдидларга бой бўлган глобаллашув ва вазиятларнинг тез ўзгарувчан шароитида итимоий ҳаётнинг барча соҳаларида барвақт профилактик чора-тадбирларини тизимли амалга оширишгина жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек табиий, техноген ва криминоген хусусиятга эга бўлган фавқулотда ҳодисалар оқибатларини минималлаштириш ҳамда самарали бартараф этиш имконини бераолади. Чунки, барвақт профилактик чора-тадбирларгини тўғридан-тўғри ҳар қандай таҳдидларни, уларнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган бўлади.

Ўринли савол туғилади! Бугунги кунда жамият аъзоларига, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосида амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектларга кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан унинг барвақт профилактикасига оид назарий билимлар бериш ва амалий кўникмаларни шакллантириш қайси фанлар доирасида амалга оширилмоқда?

Бизга маълумки, ҳуқуқшунослик мутахассислиги йўналиши бўйича кадр тайёрловчи таълим муассасаларида «Криминология» фани ўқитилади. Хусусан, ИИВ Академиясида мазкур фан барча мутахассислик йўналишлари бўйича 72 соат доирасида, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги йўналиши бўйича таълим олувчи курсантларга «Ички ишлар органлари профилактик фаолияти» мутахассислик фани сифатида ўқитилади.

Ҳар қандай соҳада фаолият олиб борувчи мутахассис, шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мажбурияти зиммасига юклатилган ходимлар мазкур йўналиш бўйича зарур назарий билим ва кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди<sup>1</sup>. Хусусан,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари

жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, терроризмга, одам савдосига, коррупцияга, экстремизмга қарши курашиш, хотин-қизларни таъзийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинганлиги мазкур фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасининг шаклланаётганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мазкур қонунлар ижросини таъминлаш учун масъул бўлган давлат органлари хизматчиларида, шунингдек ушбу жараёнда иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтлари ходимларида, қолаверса фуқароларда уларнинг мазмун-моҳияти, белгиланган ваколатлари, чора-тадбирлар, уларни амалга ошириш тартиб ҳамда механизмлари ҳақидаги назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришни таъминловчи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” ҳақидаги фанга бўлган эҳтиёж мавжуд.

Фикримизча, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи давлат органлари учун мутахассис кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида мазкур органларнинг юқорида санаб ўтилган ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги белгиланган ваколатларида келиб чиққан ҳолда фаннинг номини аниқлаш ҳамда ўқув дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид назарий билим ва амалий кўникмаларни шакллантиришни мақсад қилиб қўйилган фанни номлаш, унинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва уни ўрганиш учун ажратиладиган ўқув соати ҳажмини белгилашга таълим муассасасида тайёрланаётган кадрлар ихтисослиги йўналишидан келиб чиққан ҳолда дифференциал ёндашув талаб қилинади.

Бугунги кунда ёшлар, айниқса вояга етмаганларга нисбатан, айниқса улар маънавияти ва руҳиятини бузувчи турли хил мазмундаги таъсир ва таҳдидлар кучайиб бораётганлиги, уларнинг банг-баранг усул ва шаклларда акмалга оширилаётганлиги таълим олувчи ўқувчи ва талабаларга ҳам ҳуқуқбузарликлар ва улар профилактикасига, шу жумладан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллашга оид зарур билим ҳамда кўникмаларни шакллантиришга эҳтиёж юқорилигини кўрсатмоқда. Мазкур эҳтиёж эса ўқувчи ва талабалар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни ўз вақтида бартараф этиш, яъни барвақт профилактикани амалга оширишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида шарқ донишмандларининг “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”! деган таълимот алоҳида ёдга олиниб, ҳаммамиз

---

ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон фармони[Электрон манба] // <https://lex.uz/docs/3159827> (мурожаат вақти: 13.05.2020).

учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши кераклини жамият олдига долзарб вазифа қилиб қўйилди<sup>1</sup>.

Мазкур вазифа бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан барвақт проофилактикасига оид замонавий билимларни ўзлаштириш ва уларни амалда қўллаш, шунингдек соҳага оид қонунларнинг талабларини ҳаётда ижросини таъминлашга ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

## ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (ТЕЗИС)

**СУЮНОВА Дилбар Джолдасовна,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти Соҳаваий-ҳуқуқий  
фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,  
юримдик фанлар доктори, доцент  
suynova@inbox.uz

**Аннотация:** Тезисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони лойиҳасидан келиб чиқиб, дастлабки тергов фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир неча таклифлар берилган.

**Аннотация:** В тезисе даются некоторые предложения по совершенствованию деятельности предварительного следствия, исходящие из проекта Указа Президента Республики Узбекистан «О дальнейшем совершенствовании деятельности органов дознания и предварительного следствия Республики Узбекистан»

**Abstract:** The article provides some suggestions for improving the activities of the preliminary investigation, based on the draft Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "on further improvement of the activities of the bodies of inquiry and preliminary investigation of the Republic of Uzbekistan»

**Таянч сўзлар:** суриштирув ва дастлабки тергов, такомиллаштириш, муҳим вазифалар, манба, тергов ҳаракатлари, самарали ҳамкорлик.

**Ключевые слова:** дознание и предварительное следствие, совершенствование, важные задачи, источник, следственные действия, эффективное сотрудничество.

**Keywords:** inquiry and preliminary investigation, improvement, important tasks, source, investigative actions, effective cooperation.

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [Электрон манба] // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324> (мурожаат вақти: 11.05.2020).

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини англаш, ушбу жараёнда иштирок этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юқори бўлишини тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Бу борада «Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тавсия этилганлиги мазкур йўналишда олдимизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берган муҳим ҳужжат бўлишини тақоза этмоқда. Фармон лойиҳасида мазкур йўналишдаги мавжуд камчиликлар бирма-бир кўрсатиб берилгани унинг аҳамиятли жиҳати саналади. Шу билан бирга ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда жиноятчиликни жиловлаш, жиноий қилмишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги ишлар муҳим аҳамият касб этиши алоҳида кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Қонун устуворлиги, суриштирув ва тергов фаолияти самарадорлигини ошириш, жавобгарлик муқаррарлиги принципининг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлаш, шунингдек жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида: суриштирувчи ва терговчиларни таёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан суриштирув ва терговчиларни тайёрлашда “устоз-шогирд” анъаналаридан кенг фойдаланиш; суриштирувчилар ва терговчилар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш тизимини жорий этиш ва бошқа бир қатор муҳим йўналишлар тавсия этилмоқда.

Ушбу йўналишларни қўллаб қувватлаган ҳолда қўйидагилар ҳақида мулоҳазалар билдирилмоқда.

1. Жиноят-процессуал қонунчиликнинг манбалари – бу Конституция ва қонунлар, шу жумладан Жиноят—процессул кодекси. Аммо суриштирув ва тергов органлари яна бир манбага муҳтож деб ҳисоблаймиз. Бу эса – терговолди амалиети (следственная практика) материаллари. Бундай материалларни тўплам шаклида чиқариш, уни ҳар чорақда ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва республика барча суриштирув, тергов органлари ходимларига тақдим қилиш тавсия этилмоқда.

Мисол учун, АҚШнинг жиноят процессида прецедент жиноий процессуал ҳуқуқнинг манбаи сифатида фойдаланилмоқда ва муҳим ўрин тутди. Прецедент тизимининг афзалликлари унинг ҳар бир жиноят иши юзасидан тергов амалиётида аввал мавжуд бўлган жиноят иши

---

<sup>1</sup> <https://regulation.gov.uz/oz/document/16286>

бўйича амалга оширилган тергов ҳаракатлари, суд-экспертиза тайинлаш турлари ва бошқалар ўтказилиб ўз самарасини берганлиги кўринади.

2. Лойиҳанинг 1-бандида назарда тутилган “ишни судга қадар юритиш босқичини такомиллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар юзасидан ҳамда 3-бандида кўрсатилган терговга қадар текширув институтини такомиллаштириб, суриштирув институтига ўзгартириш, амалдаги суриштирув институтини тугатиб, унинг ваколатини соддалаштирилган тергов ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда тергов органларига ўтказиш” ҳақидаги таклифлар билан келишган ҳолда жиноят ишини қўзғатишга қадар текширув ўтказаетган орган (ҳозирги пайтда суриштирув ва тергов) ваколатига барча тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқини бериш керак, шу жумладан, барча экспертизаларни тайинлаш, тинтув ўтказиш, эсгумация қилиш ва ҳ.қ. Агар бундай тергов ҳаракатлар жиноят иши қўзғатилгунга қадар амалга оширилса аниқланган ҳолат юзасидан айрим ҳолатларда жиноят ишини қўзғатиш ҳожати бўлмаслиги табиий. Шу билан бирга формал турда қўзғатилган жиноят ишларининг сони кескин камаяди. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар барча тергов ҳаракатларини амалга ошири амалиёти Германия, Франция давлатларининг жиноят-процессуал қонунчиликда мавжуд.

3. Лойиҳанинг 1-бандида суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш, жиноятларнинг фош этилиши, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни аҳолига таъсирчан тарзда етказиб бориш механизмини яратиш тавсия этилмоқда.

Ушбу таклиф билан келишган ҳолда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятига тегишли қонун, қонуности ҳужжатларини оммавий тарзда барча аҳолига тушунтириш, уларни ҳабардор қилиш бўйича механизм ишлаб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз (масалан, кенг тарғибот ишларини амалга ошириш ва бошқа).

АҚШ ва Германия давлатларида жиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ошкора эълон қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари ассосида амалга оширилади. Шу сабабли, жиноятларни тергов қилишнинг ҳуқуқий режимини аниқлашга бундай ёндашув профилактика хусусиятига эга бўлади, чунки ҳар бир фуқаро қандай ҳолатларда ва қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши учун унга нисбатан тезкор ва тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкинлигини яхши тушунади.

4. Лойиҳанинг биринчи бандида “самарали идоралараро ҳамкорликни таъминлаш” тавсия этилмоқда. Ушбу таклифни қўллаб-қувватлаган ҳолда қўйидаги фикр билдирилмоқда.

Дастлабки терговни амалга ошираётган терговчилар ҳамда кўпчилик прокурорларнинг амалиётида “кассалик” кенг жорий қилинган. У ҳам бўлса айбдорнинг бир ҳаракатини ҳар эҳтимолга қарши бир неча

моддалар билан квалификация қилиш, “жиноят иши судда кўрилган пайтида судья ўзи керак моддаларини чиқариб ташлаб охирги модда билан ҳукм чиқаради” деган нотўғри фикрлар. Ушбу “касаллик” деярли барча терговчиларда мавжуд, аммо бу ҳолат, яъни бир шахснинг айбловига қўйилган ҳар бир модда Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот Марказида алоҳида расмийлаштирилиб ҳисобот қилинади ва ортиқча қўйилган моддалар сунъий равишда давлатимизда жиноятчиликнинг сонини оштиради.

Шу сабабли идоралараро, яъни Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Адвокатлар палатаси ўртасида ҳамкорликни таъминлаш, ушбу масала юзасидан норматив ҳужжат ишлаб чиқиш, терговчи, прокурорларнинг малака ошириш курсларида ушбу масалага эътибор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ИШ ЮРИТУВИДА СУД МАЖЛИСИНING ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ТЕЗИС)**

**ХАЙРИЕВ Нодиржон Исроилович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти профессори,  
юримдик фанлар доктори, доцент  
хайриuev@inbox.uz

**Аннотация:** Мазкур мақолада биринчи инстанция судида жиноят иш юритишни ҳамда ишни судда кўриш учун тайинлашни жадаллаштиришнинг айрим масалалари илмий-назарий нуқтаи назардан таҳлил этилган ва бу борада асосланмирилган таклифлар илгари сурилган.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы некоторые вопросы дальнейшей интенсификации назначения дела к судебному заседанию и производства в суде первой инстанции в целом с теоретико-научной точки зрения и выдвинуты научно обоснованные предложения.

**Abstract:** In this article some questions of the further intensification of appointment of trial to judicial stage and in court of the first instance as a whole from the theoretical-scientific point of view are analyzed and scientifically well-founded offers are brought.

**Таянч сўзлар:** судда ишларни юритиш, жиноят ишлари юритуви, дастлабки тергов, биринчи инстанция, жадаллаштириш, исбот қилиш, жиноий таъқиб, процессуал муддатлар.

**Ключевые слова:** судебное разбирательство, уголовное судопроизводство, предварительное следствие, первая инстанция, интенсификация, доказывание, уголовное преследования, процессуальные сроки.

**Key words:** trial, criminal procedure, pre-investigation, intensification, proving, criminal action, remedial terms.

Суд мажлисининг тайёрлов қисми мамлакатимиз жиноят-судловида ишни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун тайёрлаш билан

боғлиқ ўзига хос ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда жиноят-процессуал муносабатларнинг ўзига хос тарзда шакллантириш билан суднинг бошқа босқичларидан фарқ қилади. Бу босқичга ишни судда муҳокама қилишга “кириш” сифатида таъриф бериш мумкин. Зеро, унда вужудга келадиган ва ривожланадиган процессуал муносабатлар – суд, суд мажлиси котибининг фаоллиги ҳамда муҳокамага жалб қилинган шахсларнинг ва судланувчининг пассивлиги хусусиятига эга. Яъни раислик этувчи суд мажлисини очади, суд мажлисининг котиби, судга чақирилган шахсларнинг келган-келмаганлигини аниқлайди ва бу ҳақдаги маълумотни судга эълон қилади, раислик қилувчи суд таркибини эълон қилиб, судланувчи, гувоҳ, эксперт, мутахассис, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқларини тушунтиради (ЖПК 428-437-моддалари).

Шунингдек, жиноят процессининг мазкур босқичида унинг учун муҳим ва фақат ушбу босқич учун хос бўлган жиноят-процессуал масалалар ҳал қилинади ва процессуал ҳужжатлар тузилади.

Демак, суд мажлисининг тайёрлов қисмида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг мазмунидан келиб чиқиб, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

*биринчиси*, суд мажлисининг шаклий анъаналарини (рукинларини) амалга ошириш;

*иккинчиси*, шахсларни ишнинг суд муҳокамасидаги иштирокини таъминлаш;

*учинчиси*, ишнинг суддаги муҳокамасида иштирок этувчи тарафларнинг, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш (бунда суд томонидан судланувчига процессуал ҳужжатларнинг нусхалари топширилган вақтни аниқлаш масаласи муҳим ҳисобланади);

*тўртинчиси*, ишнинг суддаги муҳокамасида иштирок этувчи шахсларнинг илтимосларини ҳал қилиш.

Мазкур босқичда ушбу масалалар доирасида ривожланадиган процессуал муносабатларнинг жадаллиги суд ва иштирокчиларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш тезлигига, шунингдек уларнинг самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Қайд этиб ўтилган гуруҳдаги ҳаракатларнинг жиноят-процессуал муносабатлар интенсивлигига таъсир кўрсатиш имкониятларига келсак, уларни яна умумий икки гуруҳга бирлаштириш мумкин. *Биринчиси*, ишни суд мажлисига тайёрлаш билан боғлиқ ташкилий-процессуал ҳаракатларни ўз ичига олиб, ушбу гуруҳга: а) суд мажлисининг шаклий анъаналарини (рукинларини) амалга ошириш; б) шахсларни ишнинг суд муҳокамасидаги иштирокини таъминлаш масалаларини киритиш мумкин. *Иккинчиси*, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш билан боғлиқ процессуал-функциявий ҳаракатларни назарда тутиб, уларга: а) суд муҳокамаси иштирокчиларининг ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган ҳаракат-

ларни ҳамда б) суд муҳокамасида иштирок этувчи шахсларнинг илтимосларини ҳал қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни киритиш лозим.

Демак, ташкилий-процессуал гуруҳга тааллуқли ҳаракатларнинг таҳлил этилаётган босқичдаги процессуал муносабатларни интенсивлаштиришга таъсири ҳам, асосан жиноят ишини судда муҳокама қилишни ташкил этувчи суднинг ташкилий фаоляти билан боғлиқ бўлиб, улар: а) жиноят ишига жалб қилинган шахсларни суд мажлисидаги иштирокларини таъминлаш; б) ишнинг ҳолатларини тўғри аниқлаш учун муҳим бўлган янги далилларни талаб қилиб олиш масалаларини назарда тутати.

Жумладан, ЖПКнинг 403-моддасига мувофиқ, “судья ўз қарорида кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, уларга чақирув қоғози топширилишини таъминлайди...”. ЖПКнинг 418-моддасига биноан, “суд мажлисига чақирилган шахслардан биронтаси келмай қолганлиги ёки янги далилларни чақириб олиш зарурияти сабабли, жиноят ишини муҳокама қилиш мумкин бўлмаса, суд жиноят ишини муҳокама қилишни кейинга қолдиради ва суд мажлисига келмаган шахсларни чақириш ва янги далилларни талаб қилиб олиш чораларини кўради.

Суд томонидан юқорида таъкидлаб ўтилган ҳаракатларни амалга оширишни тўғри ташкил қилиниши, жиноят ишини суд белгилаган муддатда муҳокама қилинишини таъмин этади ва ишни кейинга қолдиришга зарурият бўлмайди. Бу вазифани амалга оширишда назаримизда янги техник восита ва технологик тизимлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур процессуал масалаларни тартибга солувчи ЖПКнинг 412-моддаси ҳам бу масалада бирон бир жўяли вақт билан боғлиқ муносабатларни белгилаб берган эмас. Унда амалиётда баъзан учраб турадиган айрим нопроцессуал ҳолатлар ҳам эътибордан четда қолган. Бу ерда гап ҳимоячи томонидан вақтни чўзиш билан боғлиқ усуллардан фойдаланиш ҳақида бормоқда. Бундай усуллардан кўзланадиган мақсадлар қўллаш ҳам турлича бўлиши мумкин, бу амнистия актини қабул қилинишига етиб олишдан, то суд муҳокамасини чўзиш орқали жабрланувчининг судланувчига бўлган талабларини пасайтиришгача мақсадларни назарда тутиши мумкин.

Амалиётда тез-тез учраб турадиган бундай ҳолатларни назарда тутмаслик мумкин эмас. Уларни инобатга олиб, ЖПКнинг 412-моддасига тегишли ўзгартиришларни киритиш ўринлидир. Назаримизда, бу ўзгаришлар модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига тааллуқли ҳолда, қўйидаги мазмунда бўлиши даркор:

*“Ҳимоячи суд мажлисига келмаса, суд уни мазкур Кодексда назарда тутилган тартибда давлат ҳисобидан бошқа ҳимоячи билан алмаштиради. Шунингдек, шу суд мажлисида ҳимоячини алмаштириш имконияти бўлмаса, ишни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ, аммо ўн*



кундан кўп бўлмаган муддатга кейинга қолдирилади. Суд кейинги суд мажлисида ҳимоя тарафнинг ҳимоячининг суд мажлисида қатнаша олмаслиги сабабларини асослантирган илтимосига мувофиқ яна бир маротаба ишни муҳокама қилишни беш кундан кўп бўлмаган муддатга кейинга қолдиришга ҳақли. Ҳимоячининг суд мажлисига қайта келмаслиги асосида ишни муҳокама қилишни кейинга қолдиришга йўл қўйилмайди. Ҳимоячининг суд мажлисига қайта келмаслиги, суд томонидан манфаатдор тарафнинг илтимосининг қаноатлантирилиши ёки ҳимоя тарафнинг илтимосининг рад этилиши сабабли, ишнинг муҳокамаси суд томонидан таклиф этилган ҳимоячи иштирокида давом эттирилади. Ишни муҳокама қилиш вақтини чўзиш мақсадида ҳимоячини алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Агар судда иш бир нечта судланувчиларга нисбатан юритилаётган бўлиб, бир судланувчининг ҳимоячиси суд мажлисига келмай қолса ҳамда бу судланувчининг манфаатларини чекламайдиган ҳамда далилларни холис текширишга ҳалақит бермайдиган бўлса, суд ишни кўришни давом эттириши мумкин. Бундай ҳолатда суд ҳимоячини суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқини таъминлаши шарт.

Прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишнинг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ муддатга, лекин ўн кундан кўп бўлмаган муддатга кейинга қолдирилади. Суд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ёки юқори турувчи прокурорга бу ҳақда хабар юборади ва унинг келмаслик сабаблари тўғрисида маълумот беришни ҳамда кейинги суд мажлисига прокурорнинг иштирокини таъминлашни талаб қилади”<sup>1</sup>.

Жиноят-процессуал қонунига таклиф этилаётган процессуал тартибни жорий этиш, фикримизча ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида вужудга келадиган, кечадиган ва ривожланадиган процессуал муносабатларни жадаллаштириш нуқати назардан тартибга солиш имкониятларини яратади. Зеро, ЖПКнинг амалдаги 412-моддаси вақт ва миқдорга оид бирон бир қонундан ўрнатмайди. Бу эса ишни судда юритишда иштирок этувчи тарафларга вақт имкониятларидан чегарасиз равишда ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш учун йўл очиши мумкин.

Таклифда илгари сурилган яна бир масалага тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Бу ҳимоячининг суд муҳокамасига келмай қолганлиги боис,

---

<sup>1</sup>Қайд этилган тартибга яқин процессуал қонунлар Грузия ЖПКнинг 109-моддасида назарда тутилган. Мазкур қонундаги процессуал тартибни мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигига имплементация қилишнинг муҳим асослари сифатида шуни айтиш лозимки, биринчидан, ишни суд муҳокамасида кўриш учун тайёрлаш босқичини вақт асносида тартибга солади; иккинчидан, суд муҳокамасининг айрим иштирокчилари томонидан йўл қўйиладиган ноэтик ҳаракатларни олдини олишга хизмат қилади; учинчидан, қайд этилган босқичда вужудга келадиган процессуал муносабатларни жадаллаштириш имкониятларини оширади; тўртинчидан, ишни судда кўриш учун тайёрлаш босқичида мақсадга мувофиқ муддатларни белгилайди; бешинчидан, таҳлил қилинаётган босқичда суднинг ишни муҳокама қилиш вақтини беҳудага сарф қилмаслик борасидаги масъулиятини оширади.

уни бошқаси билан алмаштириш масаласини назарда тутди. Жиноят-процессуал қонуни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига ўзи ёки унинг манфаатида бошқа яқинлари танлаган ҳимоячининг хизматларидан тўсиқсиз фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этади ва бу борада муайян процессуал кафолатларни ҳам таъминлайди. Бироқ, мазкур масала нафақат ҳимоя ҳуқуқини, балки судланувчининг халқаро ҳуқуқ нормаларида эътироф этилган бошқа принцип – мақсадга мувофиқ муддатларда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тақдирини ҳал қилиш қоидаларини таъминлашни назарда тутди. Ҳимоя ҳуқуқи – бу кенг ва тизимли тушунча бўлиб, у нафақат судланувчига ўзи ишонч билдирган ҳимоячининг ишда иштирок этиши зарурлиги ҳақидаги тушунчани англатади, балки формал таъминланган (яъни қонун билан белгиланган) ҳимоя ҳуқуқини назарда тутди.

Ҳимоя ҳуқуқининг муҳим жиҳати яна шундаки, норма ўрнатувчи судланувчига ушбу ҳуқуқдан воз кечиш ҳуқуқини ҳам таъмин этади.

Бошқа томондан қонун, судланувчи (гумон қилинувчи, айбланувчи) танлаган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида иштирок этиш учун киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда суд (суриштирувчи, терговчи, прокурор) судланувчи (гумон қилинувчи, айбланувчи)га бошқа ҳимоячини таклиф этиш ёхуд давлат томонидан ҳимоячи тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси адвокатлар палатасига мурожаат қилиш ваколатини ҳам белгилайди (ЖПКнинг 50-моддаси).

Жиноят процессидаги ҳимоя ҳуқуқини таъмин этувчи ана шу норма қоидаларидан икки муҳим тушунчани англаб олиш мумкин. *Биринчиси*, ҳимоя ҳуқуқи – бу реал мавжуд бўлган процессуал ҳодиса бўлиб, у ўз навбатида судланувчининг (гумон қилинувчининг, айбланувчининг) ҳуқуқи ва жиноят ишини юритувчи шахсларнинг ваколатлари воситасида ҳаракатга келиши мумкин.

*Иккинчиси*, жиноят-процессуал муносабатлар доимо вақт тушунчаси билан боғлиқ чегарага эга. Шу боис, ҳимоя ҳуқуқини таъмин этишда вақт мезони эътиборга лойиқ процессуал-ҳуқуқий омил ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса шуки, ҳимоя ҳуқуқи объектив борлиқда (яъни юритилаётган жиноят иши доирасида), муайян шаклда (яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тақдим этилган ҳимояланишнинг процессуал усул ва воситалари асносида) ҳамда вақт чегарасида (яъни процессуал ҳаракатларнинг муайян вақт ва кетма-кетликда амалга оширилиши) вужудга келувчи ҳамда ривожланувчи процессуал ҳодиса сифатида, процессуал муносабатларни тартибга солишнинг самарали методини намоён қилади.

## ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ТЕЗИС)

**КАРИМОВ Хуршид Акрамович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси кафедра бошлиғи, ю.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация:** мақолада жиноятларни таснифлашга оид хорижий тажриба, жиноятларни таснифлашдаги муаммолар, жиноятларни таснифлашни такомиллаштириш масалалари, жиноят таснифига қараб жазо турини белгилашга оид таклифлар билдирилган.

**Аннотация:** в статье проводится анализ зарубежного опыта по категориям классификации преступлений, имеющихся проблем в данной сфере, а также вопросам совершенствования деления преступлений в зависимости от их общественной опасности на различные категории, установления вида наказания в зависимости от различных классификации.

**Abstract:** the article is dedicated to foreign practice of classification of crimes, problems of classification of crimes, issues of improvement classification of crimes, recommendation on appointment of punishment based on the classification of crimes.

**Калим сўзлар:** жиноятлар таснифи, айб, қасд, эҳтиётсизлик, проступок, маъмурий преюдиция.

**Ключевые слова:** классификация преступлений, вина, умысел, неосторожность, проступок, административная юстиция.

**Key words:** classification of crimes, fault, intention, negligence, misdemeanor, administrative prejudice.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида “Жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш”га оид устувор йўналишида “Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва характерини белгиловчи муқобил кўрсаткичларни жорий этиш орқали жиноятларни таснифлаш тизими ва мезонларини қайтадан кўриб чиқиш” вазифаси белгиланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида жиноятлар асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Молдова Жиноят кодексига жиноятлар 5 та таснифга бўлиниб, фавқулотда оғир жиноятлар таснифи ҳам мавжуд. Испания, Италия, Латвия, Литва, Германия, Венгрия, Словения ва бошқа қатор Европа давлатларида жиноятлар таснифида жиноий проступок категорияси мавжуд. АҚШда жиноятлар фелония ва мисдиминорга бўлинади. Франция, Швейцарияда жиноий ҳуқуқбузарликлар жиноят, проступок ва ҳуқуқбузарлик турлари мавжуд.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Қирғизистоннинг янги Жиноят кодексига жиноятлар таснифи учга бўлинади. Шу билан бир қаторда жиноий ҳуқуқбузарлик шакли сифатида жиноий проступок институти ҳам

киритилган. Қозоғистоннинг Жиноят кодексида жиноий ҳуқуқбузарликлар жиноят ва проступокка бўлинади. Жиноятлар унча оғир бўлмаган, ўртача оғир, оғир ва ўта оғир турларга бўлинади.

Мамлакатимиз жиноят кодексида жиноятлар аксарият МДХ давлатлари жиноят қонунчилигидаги каби 4 та таснифга бўлинади.

Жиноятлар таснифлаш бўйича давлатлар турлича ёндошув мавжуд. Масалан, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия, жиноят қонунчилигида максимал жазо ҳамда айбнинг шаклига қараб жиноятлар таснифланади. Бунда минимал жазо муддати кўрсатилмаган. Молдова жиноят қонунчилигида жиноятларни таснифлашда келтирилган зарар даражаси ҳам инobatга олинган. Қирғизистон жиноят қонунчилигида жазо муддатидан келиб чиқиб жиноятлар таснифланади. Озарбайжон, Молдова Россия, Грузия жиноят кодексларида эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар ҳам оғир жиноятлар таснифига киритилган.

Хорижий мамлакатларнинг жиноятлар тансифига оид жиноят қонунчилиги таҳлили жиноятларни таснифлашнинг мезони сифатида айбнинг шакли, жазо муддати асос қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз Жиноят кодекси янги таҳририни ишлаб чиқишда жиноятларни таснифлашнинг қуйидаги жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади:

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра таснифланган бўлса-да, ижтимоий хавфлилиқни аниқ мезони келтирилмаган. Яъни, жиноят натижасида юзага келган оқибат ҳар доим ҳам инobatга олинмаган. Масалан, ЖКнинг 266-моддасининг учинчи қисмида жиноий оқибат одамлар ўлими 10 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Лекин жиноятларни таснифлаш қонунчилигига асосан унча оғир бўлмаган жиноят деб таснифлаймиз.

1. Фикримизча, жазони миқдори жиноятни ижтимоий хавфлилиқ даражасидан келиб чиқиб белгиланиши керак. Шу нуқтаи назардан эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ва жазоси беш йилдан ортиқ бўлган ва оқибати ўлим ёки бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ бўлган жиноятларни оғир жиноятлар таснифига киритиш таклифи билдирилади. Албатта мазкур ўзгартириш киритилганда маҳкумга нисбатан колония турини танлашда маҳкумнинг айб шакли инobatга олиниши назарда тутилади.

2. Амалдаги Жиноят кодекси махсус қисмининг 52 та моддасидаги 63 та жиноят таркиби бўйича маъмурий преюдиция мавжуд. Улардан 48 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 4 таси унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳисобланади. Жиноят қонунчилигидаги маъмурий преюдиция институти қилмишни ижтимоий хавфлилиги эмас, балки шахсни илгари маъмурий жазога тортилганлиги белгисига қараб жиноят сифатида баҳоланганга олиб келади. Қайд этиш лозимки, муайян ҳуқуқбузарликни такрор содир этилиши ёки жазо қўлланилгандан сўнг содир этилиши қилмишни табиатини ёки ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини ўзгартир-

майди. Фикримизча, бунда шахсга нисбатан оғирроқ жазо берилишини назарда тутиш лозим. Шунингдек, Жиноят кодексидаги маъмурий преюдицияга эга бўлган 14 моддасида қилмишни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши оғирлаштирувчи белги сифатида кўрсатилган. Бу эса, баъзан амалиётда қилмишни квалификация қилишда бир қатор саволларни келтириб чиқаради. Яъни, қилмишни оғирлаштирувчи белги сифатида жиноят сифатида квалификация қилиш керакми ёки маъмурий ҳуқуқбузарликни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб малакалаш керакми деган савол туғилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан маъмурий ҳуқуқбузарликни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

АҚШ тажрибаси мисдиминор учун жазога тортилиб, кейин такрор содир этилишини фелони деб баҳоланмаслиги ўрганилди. Словения, Германия жиноят қонунчилигида ҳам месдиминор учун жазога тортилиб, кейин такрор содир этилиши жиноят сифатида баҳоланмайди. Шу нуқтаи назаридан биргина маъмурий преюдиция институтини жиноят қонунчилигидан чиқарилиши, 52 та моддадаги 63 та жиноят таркибини декриминализация қилинишига олиб келади.

3. Амалдаги жиноят қонунчилигида махсус қисмида муайян жиноятлар айбнинг қасд шаклида ҳам эҳтиётсизлик шаклида ҳам содир этилиши мумкин. Мазкур ҳолатда ушбу моддадаги жиноятлар қайси жиноятлар таснифига киришини аниқлаш мезони йўқ. Шу нуқтаи назаридан бундай жиноятларни қасддан содир этилганда алоҳида жазо, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганда алоҳида жазони назарда тутувчи қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

4. Жиноятларни таснифига яна бир таъсир қилувчи омиллардан бири такроран ва хавфли рецидив томонидан жиноят содир этилиши, амалдаги Жиноят кодексининг 67 та моддасида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Жиноятни хавфли рецидивист томонидан содир этилиши қилмишни ижтимоий хавфлилигини оширмайди, балки шахсинг ижтимоий хавфлилигидан далолат беради. Масалан, шахс Жиноят кодексининг 169-моддаси биринчи қисми бўйича судланиб, яна шу модданинг биринчи қисмидаги жиноятни содир этди. Бундай ҳолда қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган деб Жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи қисми “а” банди билан малакаланади. Мазкур ҳолатда шахсни қилмиши аслида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят бўлса-да, аммо унинг илгари шундай жиноят учун судланганлиги шахсинг қилмишини оғир жиноят сифатида таснифлашга олиб келмоқда. Шу сабабли, рецидив белгиси шахсга жазо тайинлашда инobatга олинишини назарда тутувчи жазо тайинлашга оид нормалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

5. Амалдаги Жиноят кодексида жиноятлар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазолар боғланган ҳолда таснифланган. Озарбайжон,

Беларусь, МДХ давлатлари жиноят қонунчилигида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар назарда тутилган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига киритилган. Фикримизча, амалдаги жиноят кодексидаги 100 дан ортиқ жиноят таркиби бўйича озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилмаганлигидан келиб чиқиб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо назарда тутилган жиноятларни киритилиши кодексда мустақамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

6. Жиноятларни таснифлашда жазо санкциядаги муқобил жазоларни жиноятларни таснифига қараб белгилаш таклиф этилади. Масалан, жарима жазосини миқдори жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгиланиши таклиф этилади. Бунда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун 400 бараваригача, оғир жиноятлар учун 600 бараваригача жазо белгилашга оид нормалар киритилиши таклиф этилади.

Юқоридаги таклифлар жиноятларни таснифлашга оид нормаларни такомиллаштиришда аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

## АНАЛИЗ НЕКОТОРЫХ НОРМ УГОЛОВНОГО КОДЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**САФАЕВ Фируз Хабибуллаевич,**

к.ю.н., младший советник юстиции

прокурор Центра Академии

Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

***Аннотация:** Настоящая статья посвящена вопросам совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан в контексте имплементации норм международного права и соблюдения канонов юридической логики. В частности, рассмотрены нормы, криминализующие вымогательство в коммерческом обороте, пыток и бесчеловечных, унижающих человеческое достоинство обращения и наказания, нарушение законов и обычаев войны. Проанализированы также преступления в сфере информационных технологий такие как модификация компьютерной информации, компьютерный саботаж и предложено криминализовать подлог электронных документов и данных с использованием цифровых технологий.*

***Аннотация:** Ушбу мақола халқаро ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий мантиқ қонунларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга бағишланган. Жумладан, тижорат муомаласида товламачилик, қийноқ ва ғайриинсоний, қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо, уруш қонунлари ва урф-одатларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар кўриб чиқилган. Компютер маълумотларини модификациялаштириш, компютер саботаж каби ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар ҳам таҳлил қилиниб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжатлар ва маълумотларни сохталаштирганлик учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш таклиф этилган.*

**Abstract:** *This article is devoted to improving the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan in the context of implementation of international law and observance of rules of legal logic. In particular, there were reviewed norms criminalizing commercial extortion, torture and inhuman, degrading treatment and punishment, violation of laws and customs of war. Crimes in the field of information technologies such as modification of computer information, computer sabotage were also analyzed, and it was proposed to criminalize the forgery of electronic documents and data using digital technologies.*

**Ключевые слова:** *уголовный кодекс, международное право, вымогательство, пытки, бесчеловечное и унижающее человеческое достоинство обращение, нарушение законов и обычаев войны, модификация компьютерной информации, компьютерный саботаж, подлог электронных документов и данных.*

**Калит сўзлар:** *жиноят кодекси, халқаро ҳуқуқ, товламачилик, қийноқ, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи муомала, уруш қонунлари ва урф-одатларини бузиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер сабогажи, электрон ҳужжатлар ва маълумотларни сохталаштириш.*

**Key words:** *criminal code, international law, extortion, torture, inhuman and degrading treatment, violation of the laws and customs of war, modification of computer information, computer sabotage, forgery of electronic documents and data.*

Создание эффективной системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства является одной из приоритетных задач государства по обеспечению законности и правопорядка, надежной защиты прав и свобод человека, интересов общества и государства. Такой постулат был закреплен в постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3723 от 14 мая 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства».

Актуальность вопросов, затронутых вышеуказанным нормативно-правовым актом, обуславливает необходимость критического пересмотра национального Уголовного кодекса (далее, УК). В особенности, не выдерживают научной критики некоторые нормы УК в контексте имплементации норм международного права и соблюдения канонов юридической логики.

**По Главе XIII<sup>1</sup> УК.** Согласно статье 165 УК вымогательство представляет собой угрозу под страхом учинения насилия над волей потерпевшего. При этом действия виновного направлены на принуждение потерпевшего к передачи чужого имущества или права на чужое имущество, предоставления имущественных выгод либо совершения действий имущественного характера посредством подрыва его психического благополучия. Родовыми объектами уголовно-правовой охраны выступают имущество и имущественное право.

Однако, вымогательство также может быть выражено в виде понуждения без применения угрозы под страхом учинения насилия и, тем самым, действия виновного не нацелены на подрыв психического благополучия потерпевшего. Такая форма вымогательства имеет место, в частности, для получения экономического преимущества в

коммерческом обороте над конкурентами или на рынке в целом при отсутствии прямой и/или явной конкуренции. В этой связи, родовыми объектами уголовно-правовой охраны выступают свобода предпринимательской деятельности<sup>1</sup>, права и законные интересы хозяйствующих субъектов.

По содержанию нормы ст. 165 УК субъективная сторона, между прочим, состоит из корыстной цели незаконного обогащения. С точки зрения юридической конструкции<sup>2</sup> данная норма не применима в случаях, когда полученные имущественная выгода и какое-либо преимущество в коммерческом обороте не имеют признаков незаконного обогащения, хотя действие или бездействие потерпевшего связано с понуждением со стороны виновного.

В этом смысле понятие «понуждение» означает создание незаконных условий, при которых потерпевший вынужден совершать определенные действия или бездействовать в преследуемых субъектом целях. Поэтому акт понуждения по своей уголовно-правовой характеристике не обладает той степенью интенсивности, которая присуща принуждению и шантажу, характеризующих понятие «угроза» по смыслу ст. 165 УК.

В отличие от преступления по ст. 165 УК, которое совершается в интересах субъекта преступления или третьих лиц, вымогательство в коммерческом обороте совершается только в интересах юридических лиц, а субъект не преследует цели ни прямого, ни косвенного личного обогащения.

Учитывая вышеописанные различия между указанными видами вымогательства и, тем самым, невозможности применения ст. 165 УК в случаях вымогательства в коммерческом обороте в силу запрета применения уголовного закона по аналогии, следует дополнить Главу XIII<sup>1</sup> УК новым составом преступления следующего содержания:

*«Статья 192<sup>12</sup>. Вымогательство в целях получения незаконного преимущества в коммерческом обороте*

<sup>1</sup> См.: Народное слово, 2018 год, 7 сент.

На основании изложенного, полагаем, что в настоящее время уголовно-правовые поощрительные нормы не потеряли свою актуальность, и потому, есть все основания для дальнейших научных исследований в области разработки новых поощрительных норм.

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

**МАХСАДОВ Махсатулло Исматович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти кафедра доценти,  
ю.ф.б.ф.д., (PhD), доцент.

**Аннотация:** Мақолада жиноятчиликни олдини олиш, унга қарши самарали курашишда криминология фанининг ўрни ва аҳамияти, шунингдек, криминологик тадқиқотларнинг аҳамияти қонунчилик ва назарий таҳлиллар асосида ёритиб берилган.

**Аннотация:** В статье освещена роль криминологической науки в профилактике преступности, эффективной борьбе с ней, а также значение криминологических исследований на основе законодательства и теоретического анализа.

**Abstract:** The article highlights the role of criminological science in the prevention of crime, effective fight against it, as well as the Importance of criminological research based on legislation and theoretical analysis.

**Калит сўзлар:** криминология, муружаатнома, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳаракатлар стратегияси, криминологик тадқиқот, анкета-сўров, эксперимент ва бошқалар.

**Ключевые слова:** криминология, обращение, профилактика правонарушений, стратегия действий, криминологическое исследование, опросник, эксперимент и т.д.

**Keywords:** criminology, treatment, crime prevention, action strategy, criminological research, questionnaire, experiment, etc.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан айрим турдаги жиноятларни олдини олиш бўйича фаолиятини самарали ташкиллаштириш, ушбу органларнинг ўзаро амалий ҳамкорлиги ва уларнинг ахборот алмашувини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериш керак. Сўнгги йилларда республикамізда ҳуқуқий тарғиботнинг самарали тизими жорий этилиши натижасида бугун нафақат ҳуқуқни қўлловчи органлар, балки унга амал қилувчи аксарият фуқаролар ҳам мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишга айланиб улгурганини ҳис этмоқда. Бу эса ўз навбатида жиноятчиликни ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганувчи “Криминология” фани зиммасига бир қатор вазифалар қўймоқда.

Жумладан, жамият тараққиёти ва унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи жиноятчилик доимий равишда ҳуқуқшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари, қолаверса, жамиятнинг ҳар бир аъзоси

эътиборини ўзига тортиб келганлиги ҳаммамизга маълум. Чунки жиноятчилик қайси шакл ёки тоифада бўлмасин, инсониятнинг тинч турмуш тарзига муттасил хавф солиб келган. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш унга йўл қўймаслик чоралари тараққиётнинг ҳар бир даврида, жамиятдаги мавжуд фан-техника ютуқлари асосида қўлланилганлигини ҳамда бу кураш чоралари зарур илмий-назарий асосларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабр куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида баён этилган қуйидаги гапларини келтириб ўтишимиз лозим: “Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш талаб этилади. Одамлар тинч яшаши учун бутун мамалакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт. Бу борада илмий ёндашув ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз. Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак. Бу борадаги ишлар самарасини ошириш учун Ички ишлар вазири, Миллий гвардия қўмондони ва Бош прокурор республика ҳудудларига шахсан масъул этиб белгиланади. Биз қанчалик қийин бўлмасин, чекка-чекка ҳудудларда ҳам “Жиноят ҳақиқати ва адолати” тамойилини албатта жорий этишимиз керак. Яъни, жиноят сўзсиз фош этилиши ва айбдор жазоланиши шарт”<sup>1</sup> деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган ушбу долзарб вазифалардан келиб чиқиб, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш масадида бугунги кунга қадар бирқанча ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси»ни тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаат-номаси // “Халқ сўзи” газ. 2018 йил 28 декабрь. №271-272 (7229-7230)-сон.

да”ги, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528-сонли “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ва 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ-4075-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Жиноятчиликка қарши кураш, унинг салбий асоратларининг олдини олиш бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, интеллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб борётган асрда яшамоқдамиз

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини асосий юналишларидан бири бу - жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни аниқлаш ва унга самарали профилактик таъсир этишдан иборат. Бу фаолиятни амалга оширишда фуқаролар ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ахборот алмашувини кенг йўлга қўйиш катта аҳамият касб этади.

Шунинг алоҳида қайд этиш жоизки, маълум бир меъёردа жиноятчилик ҳам ўз сифат ва миқдор кўрсаткичларида етарли даражада ўзгаришларга эга. Жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ўзига хос ижтимоий-ҳуқуқий ёндашувни талаб этади. Жиноятчилик жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги мавжуд яшаш қоидаларини, жамият қонунчилигида қайд этилган қоидаларнинг бузилишида намоён бўлади.

Криминологик тадқиқотлар жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан билиш асосида амалий жиҳатдан уни келтириб чиқарувчи сабабларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишга имкон яратади. Шунингдек, жиноятчиликни назарий жиҳатдан таҳлил этиш ва ўрганиш давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқ тартиботини амалга ошириш фаолиятини тўғри йўналишда ташкил этиш ва шу орқали жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг маъқул йўллари белгилаш имкониятини юзага келтириш мақсадида амалга оширилади.

Жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда фан-техника ютуқларини рад этиб бўлмайдиган, ушбу муаммага юзаки қараш иш самарасининг ҳамда куч ва воситаларни қўллаш унумининг камайишига олиб келиши мумкин.

Жиноятчиликка қарши кураш мантиқан баён этилган ҳолатларни эътиборга олишни талаб этиб, мазмунан ўз ичига жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда ўзига хос ёндашувни талаб этади.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва шу асосида жамият хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини ташкил этиш катта аҳамиятга

бўлиб, бунинг учун эса биринчи навбатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ҳамда ҳуқуқ бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни, айниқса қонун асосида қўриқланадиган шахс манфаатларига қарши қаратилган жиноий тажовузларнинг олдини олиш катта аҳамиятга эга.

Илмий жиҳатдан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун жиноятчилик, унинг мавжуд ҳолати юзасидан аниқ маълумотларга эга бўлиш, жиноятчилик тизими ва унинг ҳаракатланиши, яъни динамикаси хусусида ҳамда маълум бир ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва хусусий (айнан бир жиноятга хос бўлган) сабаблари ҳамда шароитларини билиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жиноятчиликнинг ҳудудий минтақаларда, тармоқларда, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш объектларида намоён бўлишининг ўзига хос фарқлари, жиноятчилик кўп содир этиладиган жойларни аниқлаш ва шу асосида жиноят содир этишга йўл очувчи шароитни таҳлил этиш ва аниқлаш ҳам ғоят долзарбдир.

Энг асосийси, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни танқидий ўрганиш, жиноятчиликнинг олдини олишда самара берувчи чора-тадбирларни яратишга алоҳида эътибор бериш лозим. Жиноятчиликни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари учун катта аҳамиятга эга. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун жиноятчиликнинг сабаблари, шароити ва, айниқса, жиноятчининг шахсини атрофлича ўрганиш хизмат талабларидан келиб чиққан ҳолда муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар ўз фаолиятларини амалга оширишларида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларидан то жиноятчиликнинг умумий ҳолатигача бўлган жараённи узвий боғлиқлигини эътиборга олишлари зарур.

Жиноятчиликка баҳо беришда ўзига хос ёндашув талаб этилади. Айнан бир жиноятга хос бўлган хусусиятларни ўрганиш мавжуд жиноятчилик борасида фикр юритишга имкон яратади. Масалан, оддий ҳолларда нотўғри ҳисоб ишларини юритиш мулкни талон-тарож қилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик кабилар безорилик ҳаракатларини келиб чиқишига замин тайёрлайди.

Умуман олганда жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда дастлаб маълум бир шаҳар, туман, алоҳида бир корхона, муассаса ёки ҳудудда содир этилган ва рўйхатга олинган жиноят ҳамда уни содир этган жиноятчи шахсларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Айнан шу таҳлил асосида тадқиқотчи маълум бир ҳудуд ёки жойдаги ҳақиқатда мавжуд бўлган жиноятларнинг типик таърифини беришга, бу каби ҳодисаларни содир бўлишининг асл сабаб ва шароитларини аниқлашга имкон топади ҳамда алоҳида олинган аҳоли турар жойлари ҳудудида мавжуд бўлган криминоген оғир ҳудудларни аниқлаш ва керакли профилактика чора-тадбирларни қўллаш учун тавсиялар бериши мумкин бўлади.

Жиноятларнинг алоҳида турлари, жиноятчилик тизими мамлакат ёки унинг ҳудудий бирликларидаги жиноятчиликнинг ҳолати ва динамикасини аниқлаш, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини атрофлича ўрганиш орқали амалга оширилади.

Ушбу вазифани бажаришда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига кирувчи махсус илмий-тадқиқот марказларида санаб ўтилган ҳолатларни илмий жиҳатдан ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Жиноятчиликнинг умумий ҳолати ва динамикасини очиб беришда унинг миқёсига кўра, яъни мамлакат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бирликларидаги барча жиноятларни, уларнинг тизими ва ўзаро боғлиқлигини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг умумий концепсиясини яратишга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ўз куч ҳамда воситаларидан унумли фойдаланишга кенг йўл очади.

Кўриниб турибдики, жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш барча миқёсдаги жиноятчиликни чуқур ўрганишга ҳамда аниқ хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Таъкидлаш жоизки, фақат бир миқёсдаги жиноятчиликни ўрганиш ва шу асосида хулоса чиқариш тадқиқот ишларида жиноят содир этилишининг ўзига хослиги ва турлитуманлигини очиб беришга имкон бермайди. Бинобарин, умумий миқёсда таҳлил қилиш жиноятчиликнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганишга имкон яратади ҳамда зарурат юзасидан ноўрин ва тасодифий фикрлар чиқаришга йўл қўймайди.

Жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда криминологик тадқиқотларнинг усуллари алоҳида аҳамиятга эга. Криминологик тадқиқотларни ўтказиш борасида ҳужжатларни таҳлил ва тадқиқ этиш, анкета-сўров ишларининг ташкил этилиши, сиртқи сўров ўтказиш (анкета саволлари), эксперимент (тажриба) ўтказиш, кузатиш ва бошқа ўзига хос метод турларидан фойдаланилади. Криминология фани томонидан ўтказиладиган илмий тадқиқотларнинг мақсадларига етиш учун амалга ошириладиган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳисобот юритиш учун олиб бориладиган статистика ахборот ишларини юритиш билан бир қаторда криминологияда ахборот тўплашнинг бир қатор усулларида фойдаланилади. Криминология тадқиқотларни самарали методларини жорий этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Тадқиқот ишлари орқали у ёки бу жараённи қандай юз бериши, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда натижаси қандай бўлиши тўғрисида аниқ маълумотлар олиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда криминологик тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, бу орқали жиноятчиликни келгусидаги ўзгариш ҳолатини, динамикасини башорат қилиш имконини беради ва бу орқали биз олдиндан жиноятчиликни олдини олиш бўйича қандай самарали усул ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўламиз.

## ҲУЖЖАТЛАР СОХТАЛАШТИРИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

**ҚЎШАЕВ Нурали Маҳмудович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти ўқитувчиси,  
юримдик фанлар номзоди,  
qushasyev@inbox.uz

**Аннотация.** Мақолада ҳужжатни сохталаштириш учун жиноий жавобгарликни асослаш мақсадида ҳужжатга тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасида назарда тутилган жиноятнинг асосий белгилари, айрим хорижий давлатларнинг тажрибаси ва ушбу жиноятнинг олдини олини йўллари берилган.

**Аннотация.** В статье даются определение документа для обоснования уголовной ответственности за его подделку, основные признаки преступления предусмотренного в статье 228 УК Республики Узбекистан, опыт некоторых зарубежных стран и пути предупреждения такого преступления.

**Abstract:** The article defines the document to justify criminal liability for its falsification, the main defenders of the crime provided for in article 228 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the experience of some foreign countries and ways to prevent the crime.

**Калим сўзлар:** жиноят объекти, жиноят предмети, ҳужжат, расмий ҳужжат, ҳақиқий ҳужжат, ҳужжатларни сохталаштириш, жиноятнинг олдини олиш.

**Ключевые слова:** объект преступления, предмет преступления, документ, официальный документ, подлинный документ, подделка документов, предупреждение преступления.

**Keywords:** crime object, crime subject, document, official document, original document, falsification of documents, crime prevention.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли жадал ислохотлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инсонларнинг нормал ижтимоий фаолиятига шароит яратиш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва яна инсон манфаати йўлидаги кўплаб эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Бу жараён энг аввало, ушбу мақсадларга эришишга тўсқинлик қиладиган салбий иллатларни, хусусан ҳуқуқбузарлик, жумладан жиноятчиликни имкон қадар камайтириш орқали амалга оширилиши барчамизга маълум.

Ҳуқуқ фанида жиноятчиликка қарши курашишда жиноят содир этилишининг олдини олиш ёки унга имкон бермаслик энг мақбул усул сифатида тан олинади. Чунки қонунчиликда жиноят натижасида бузилган ҳуқуқлар расман қайта тикланиши белгиланган бўлсада, ҳаётда кўп ҳолларда, жиноятлар ўрни қопланиши мумкин бўлмаган зиён ва асоратларни келтириб чиқаради. Жиноятларни эрта аниқлаш эса, улар натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида ортиқча ишларнинг ҳам олдини олади.

Юртимизда суд-ҳуқуқ ислохотларида жиноятчиликнинг олдини

олишга алоҳида эътибор қатарилмоқда. Давлат ислоҳотларига дастурул амал бўлиб хизмат қилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралиши ҳам бежиз эмас. Юртимизда жиноятчиликка қарши кураш ва инсонларни жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш борасида ижобий натижалар қайд этилаётган бўлса-да, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина.

Хусусан, бозор муносабатлари ва иқтисодиётнинг хусусий сектори кенг ривожланиб бораётган, хорижий давлатлар билан турли соҳаларда алоқалар жадал ўсаётган шароитда ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти ҳам кўп содир этилаётган жиноятлар қаторидан ўрин олаётганлиги ушбу жиноятни содир этилишини камайтириш, жиноятни содир этишда мойиллиги бўлган шахсларни бу йўлдан қайтаришнинг барқарор механизмини яратишни тақозо этмоқда. Шу мақсадда, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятига қарши курашиш ва мазкур жиноят эрта профилактикасининг самарадор усулларини қўллаш масаласида изланишларни олиб бориш талаб қилинади.

Мазкур жиноят сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотишида намоён бўлади. Ушбу жиноятга ЖК 228-моддасида таъриф ва жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноятнинг объекти юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни ҳужжатлар билан тасдиқлашнинг қонун билан белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланса, унинг предмети муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар бўлади.<sup>1</sup>

ЖК 228-моддасидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг объекти сифатида баён қилинган “расмий ҳужжатлар” иборасида нималар тушунилиши лозимлиги ҳужжатлар сохталаштирилганлик ҳолатларни ҳуқуқий баҳолаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу масалага бағишланган назарий ва ўқув манбаларида расмий ҳужжатларга нималар тааллуқли бўлиши хусусида сўз юритилганда,

---

<sup>1</sup> Рустамбаев М.М. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. –Т.: ИПТД “O‘qituvchi”, 2004. - с.705.



аксарият ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг мавжудлиги ва ундаги расмий ҳужжатларни тайёрлаш қоидалари тилга олинади.<sup>1</sup> Бироқ, бу фақатгина ушбу низом қоидалари асосида тузиладиган ҳужжатларгина сохталаштирилганда ушбу жиноят юз беради деган хулоса чиқармаслик керак. Аксинча, сохталаштириши ЖК 228-моддасидаги жиноят содир этилишига олиб келадиган ҳужжатларнинг доираси кенг бўлиб, унга расмийлаштирилиши ушбу низом билан тартибга солинмаган ҳужжатлар ҳам киради.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатларига бағишланган диссертация тадқиқоти амалга оширган олим Ғ.О.Эрматов мазкур жиноятнинг предмети бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлари қуйидаги икки гуруҳ бўлади. Булар: 1) давлат бошқаруви соҳасида амалда бўлган ҳужжатлар ва 2) муайян ҳуқуқ ёки мажбуриятларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ёки улар ҳақида гувоҳлик берувчи ёки ҳуқуқий ҳолат (мақом)ни ёки бошқача бошқарув қарорини, юридик фактларни қайд этувчи ҳужжатлардир.<sup>2</sup> Дарҳақиқат шундай, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган ҳар қандай расмий ҳужжат сохталаштирилса, ЖК 228-моддасидаги жиноятнинг объектив томонини ташкил қиладиган ҳаракат содир этилади.

ЖК 228-моддасида ҳужжат олдидан “расмий” сифатининг ишлатилганлиги унинг маъносини ва амалда қўллаш қоидаларини таҳлил қилишни тақазо этади. Ҳужжатга “расмий” сифатининг берилиши унинг давлат ҳужжатлари деган маънони келтириб чиқармайди. Сабаби ҳеч бир норматив ҳужжатда расмий ҳужжатга бундай сифатни назарда тутувчи таъриф берилмаган. Қолаверса, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “расмий” сўзига “қонуний равишда тасдиқланган, расмийлаштирилган”, “ҳамма қоидаларига, расмият талабларига риоя қилиб бажарилган, ўтказилган” деб изоҳ берилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган ҳужжатларни тузиш “расмийлаштириш”ни англатади. Расмий ҳужжат дейилганда фақат давлат расмий оргарлари ёки давлат хизматчилари томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатларгина расмий ҳисобланади деб тушунмаслик керак.

Ҳаттоки, ариза муаллифининг имзоси, фуқаролик шартномаларидаги ёзувлар ҳам сохталаштирилса, ушбу жиноятнинг таркибига хос

---

<sup>1</sup> Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 1098 б. 753-бет.

<sup>2</sup> Эрматов Ғ.О. Расмий ҳужжатларни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. Ю.ф.н... дисс. –Тошкент, 2007. 28-бет.

бўлади.

Жиноят қонуни нафақат сохта ҳужжатни яратганлик учун балки уни тайёрлаш, қалбакилаштириш мақсадида сохта штамп ва муҳрларни тайёрлаганлик (ёки тайёрлатиб, сохта ҳужжатлар тайёрловчига сақлаганлик) учун ҳам жавобгарликни назарда тутди. ЖКнинг 228-моддасида “корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари” деган сўз бирикмалари қўлланилган. Тўғри, ЖК қабул қилинган 90-йиллардаги ижтимоий ҳаётда тадбиркорлик унча ривожланмаган, хусусий мулкчилик тараққий этмаган, муҳрларга эга якка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмасдан деҳқон хўжаликликлари қонунан мавжуд бўлмаган вазиятда жисмоний шахснинг ҳам муҳри бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр ҳам, эҳтимол, юритилмаган. Бироқ, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритадиган тадбиркорлар, баъзи давлат хизматчиси вазифасини бажарадиган жисмоний шахсларнинг номига расмийлаштириладиган муҳр ёки штампларни сохталаштириш ҳам ушбу жиноятнинг объектив томони юз берганлигини англатади.

Бланкалар одатда корхона, муассаса ва ташкилотларда иш юритишни осонлаштириш мақсадида, муаяйн рухсат берувчи ҳужжатларнинг бошқаларидан ажралиб туриши учун тайёрланади. Бланкалар давлат герби тасвири тушириладиган ёки туширилмайдиган бўлишидан қатъи назар уларни сохталаштириш ЖК 228-моддаси билан таъқиб қилинади.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти формал таркибли (яъни мулккий оқибат юз бериши шарт эмас) ҳисобланади. Мазкур жиноятнинг объектив томони ҳақида сўз юритилган ЖК 228-моддаси қисмлари ва уларга тегиш бандларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширилиши тушунилади. Ҳужжатларни сохталаштириш ёки улардан фойдаланишни ўзида намоён қиладиган ҳаракатлар турли туман. Мавжуд ҳужжатда баён қилинган маъмумотларни жисмонан таъсир қилиб, ўзгартириш ёки амалда рўй бермаган воқеликни ҳужжатларда амалда рўй берди деган маълумотларни киритиб, расмийлаштириш ва ҳақазо.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти ҳар бир давр ёки ҳудудда ўзига хослик ҳам касб этади. Бироқ, ҳозирги техник воситаларнинг такомиллашуви, жиноят олами шахсларининг интеллектуал жиҳатдан ривожланиши, маълум ҳудудлар сохталаштириш тажрибасига эга инсонларнинг мавжудлиги ушбу жиноятни аниқлаш, очиш ва айбдорларни фош этишнинг қийинчилик даражасига таъсир этади.

ЖК 228-моддасидаги “сотиш” сўзи фуқаролик қонунчилигидаги олди-сотди ёки савдо атамалари билан бир хиллик касб этмайди. Суд-тергов амалиёти ва ушбу жиноят хусусида билдирилган илмий ва ўқув

адабиётларидаги фикрлар, ЖК 228-моддасидаги сотиш сўзлари қалбаки штамплар, муҳрлар, бланкаларни нафақат ҳақ эвазига сотганлик, шу билан бирга уларни бошқа нарсага айирбошлаш, жиноий шерикка ёки бошқача яқин муносабатда бўлган шахсга била туриб, жиноятини осонлаштириш учун текинга тайёрлаб беришни қамраб олади, деган хулоса келиб чиқаришга имкон беради.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг объектив томонини ёритишда Ўзбекистонда чоп этилган адабиётларнинг деярли барчасида “қалбакилаштириш” ва “сохталаштириш” тушунчалари бир-биридан фарқланади. Назаримизда, бу ишни тўғри деб бўлмайди. Сабаби ҳеч бир норматив ҳужжатда уларнинг фарқланиши белгиланган эмас ва бундай фарқлаш амалий аҳамият ҳам касб этмайди. Қолаверса, агар сўзларнинг маъноларини ёритиш учун ўзбек тилининг изоҳли ва этимологик луғатларига қарайдиган бўлсак, қалбакилаштириш ва сохталаштириш сўзлари бир хил тушунчалар эканлигига амин бўламиз.<sup>1</sup>

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг предмети тайёрланган ёки қалбакилаштирилган ва бунда қалбакилаштирувчи ўзи ёки бошқа шахснинг улардан фойдаланиш мақсади аниқланган пайдан бошлаб ёхуд мазкур предмет сотилган вақтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Аслида, чуқурроқ ёндашилса, муҳр, штамп ва бланкаларни сохталаштириш ҳужжатларни сохталаштиришга тайёргарлик кўриш ҳисобланади. Жиноят қонуни муҳр, штамп ва бланкалар тайёрлаш тарзидаги тайёргарлик учун жавобгарликни назарда тутиши билан жиноятнинг тугалланган вақтини муҳр, штамп ва бланкалар тайёрлаш вақтига кўчирганлигини англатади.

Субъектив томондан ушбу жиноят қасд билан содир этилади. Шахс расмий ҳужжат, штамп, муҳр, бланкани сохталаштираётанлиги ёки уларни бошқаларга ўтказаетганлини англайди ва буни хоҳлайди.

Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш жинояти субъектив томонинг зарурий белгиларидан бири жиноятнинг мақсади ҳисобланади. Шахс ўзи ёки унга ҳақ тўлаган бошқа шахснинг ёхуд ўз яқинининг инсофсиз тарзда фойдаланиши учун ҳужжат, муҳр, штамп ёки бланка тайёрлайди ёки ундай фойдаланади.

Сохта ҳужжат, бланка, печат ёки муҳрни сотаётган шахснинг мақсади даромад қилишга қаратилиб, мазкур шахснинг сотиб олувчининг мақсади билан таниш бўлмаслиги мумкин. Кўрсатилган предметларни сотиш учун жавобгарлик, уларни сотиб олган шахснинг жиноий

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати (5-жилд). –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2008. 226-бет; Раҳматтулаев Ш.Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб сўзлари ва уларнинг ҳосилалари). –Тошкент: Университет, 2003. -524 бет.

мақсадига эришган-эришмаганлигидан қатъи назар, келиб чиқади.

Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Агар хориж тажрибасининг таҳлили деярли барча давлатлар қонунчилигида ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик белгиланлигини кўрсатади.

МДҲга аъзо мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида бу борада ўхшашлик кузатилади. Масалан, РФ ЖКнинг 227-моддасида, Қозоғистон Республикаси ЖКнинг 385-моддасида, Қирғизистон Республикаси ЖКнинг 350-моддасида, Тожикистон Республикаси ЖКнинг 340-моддасида, Молдова Республикаси ЖКнинг 361-моддасида, Беларусь Республикаси ЖКнинг 380-моддасида номини қисқартириб айтадиган бўлсак, “ҳужжатларни сохталаштириш” ва “сохта ҳужжатлардан фойдаланиш” жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, РФ, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари жиноят кодексларида ушбу жиноятнинг номланиши ва диспозициясида “давлат мукофотлари” ҳам кўрсатилган.

Умуман МДҲга аъзо хорижий мамлакатларининг айримларида “ҳужжатларни сохталаштириш” ва “сохта ҳужжатлардан фойдаланиш” жинояти олдиндан жиноий тип бириктирилганлик ёки гуруҳ бўлиб содир этиш (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Беларусь) ҳолати оғирлаштирувчи ҳолат бўлса, айримларида компьютер техникасидан фойдаланиб содир этиш ёки одам савдосини амалга ошириш учун ҳужжатларни сохталаштириш (Тожикистон) оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Бироқ, узоқ хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳужжатларни сохталаштириш жиноятига хос қизиқарли маълумотларни учратамиз. Бу борада англо-саксон ва романо-герман ҳуқуқ оилаларида ушбу жиноятнинг белгинаши муҳим саналади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар иккила ҳуқуқ оилаларида ҳужжатларнинг сохталаштирилиши учун жавобгарлик бир-биридан фарқланади.

Англо–саксон ҳуқуқ оиласига асосий давлатлардан бири – Буюк Британиядир. Ушбу давлатда ягона конституция ва ЖК бўлмаганлиги учун тадқиқ қилинаётган жиноятни ҳуқуқнинг манбаси сифатида юристларнинг тадқиқотлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мумкин.

Бундай тадқиқотларида ҳужжатларни сохталаштириш жиноят икки гуруҳда намоён бўлади: оммавий характердаги жиноятлар ва хусусий мулкка қарши жиноятлар.

Ҳужжатларни сохталаштириш ҳолати оммавий жиноят сифатида давлат мукофотларига эгаллик қилиш ва тақиш ҳуқуқини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни сохталаштиришда намоён бўлиши таъкидланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддасида расмий ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатига ўхшаб кетади.

Ҳужжатларни сохталаштиришга хусусий мулкка қарши жиноят

сифатида ҳам қаралиши сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ноқонуний шартномалар тузиш ҳолатларидан келиб чиқади. Бундан ташқари, мулкӣ характердаги фойдани қўлга киритиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштириш ҳам хусусий мулкка қарши жиноят деб топилади.

Буюк Британияда ҳужжатларни сохталаштириш жиноятига аниқ воситалар ёрдамида қарши курашиш 1913 йилда сохталаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг консолидация қилиниши билан боғлиқ. Шунда тарқоқ бўлган 73 та статутлар (қонун ҳужжатларининг бир тури) бирлаштирилган.

АҚШ ҳам ўзига хосликлари билан умумий ҳуқуқ оиласига мансуб давлат ҳисобланади. Ушбу давлатда ва унинг штатларида ҳуқуқ манбаларининг кўпчилиги, бир вақтнинг ўзида прецедент билан бирга қонунларнинг ҳам амалда бўлиши унинг ўзига хослигидир. Нью-Йорк ЖКда сохталаштириш ва унга турдош тажовузлар тақиқланиши ҳақида нормалар мавжуд ( § 170.00 - § 170.70.)

Ушбу кодекснинг § 170.05. ва § 170.10. параграфларида алдаш ёки бошқаларни адаштириш мақсадида ёзма ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўзгартириш ёки тасдиқлаш учун жавобгарликни назарда тутилган. § 170.20. (“учинчи даражали сохта ҳужжатларга жиноят-ҳуқуқий эғалик қилиш”) параграфи шахс ҳужжатнинг сохталигини билган ҳолда, бошқаларни алдаш мақсадида сақлаши ёки шундай алдовларни амалга ошириши ёйинки, учинчи шахсга йўллаши ва унинг томонидан фойдаланишига сабаб бўлиши учун айбдор бўлган шахс аниқланади.

Сохта ҳужжатларга эғалик қилиш ва манфаат кўриш мақсадида сақлаш учун жавобгарликнинг белгиланганлиги ифодасида бошқа қоида назарда тутилган бўлса-да, ЖКнинг 228-моддасидаги қоидаларга ўхшаб кетади.

Хорижий мамлакатларда ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ бошқа қизиқарли қоидалар мавжуд. Мисол учун: Голландияда давлат мукофотларини фақат қимматбаҳо металлардан ва тошлардан ясаганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган (бу ҳақида Голландия ЖК 217-моддасида сўз юритилади).

Франция жиноят қонунчилиги тизимидаги Франция ЖК китобининг тўртинчи бобида ҳужжатларни сохталаштириш хусусида сўз юритилади. У ерда айнан ҳужжатларни сохталаштириш орқали ноқонуний белгиларни эғаллаш, қонуний тарзда унвонларни эғаллаш ва шу кабилар ҳақида сўз юритилади.

Германия ЖК §132а параграфида кимки, хорижий ва ички (миллий) мансабдор ва хизмат белгилари, академик даражалар, ижтимоий унвонлар, титулларни сохталаштирган ҳолатда фойдаланса, жавобгарлик назарда тутилган. Бундан, кўриниб турадики, Германия қонунчилиги давлат ва жамоат унвонлари муомаласини ҳимоя қилишни юқори даражада ташкил этган.

Германия ЖК § 267 параграфида ҳужжатларни сохталаштириш

деганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида алдовни амалга ошириш мақсадида сохта ҳужжат яратиш, ҳақиқий ҳужжатни қалбакилаштириш ёки сохта ёйинки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш тушунилиши белгиланган.

Ушбу параграфда “ҳужжатларни билвосита сохталаштириш” атамаси билан назарда тутилган бўлиб, шахс ҳуқуқлари ва ҳуқуқий муносабатлари учун аҳамиятли бўлган ариза, суҳбат ёки бошқа фактларини сохталаштириб, оммавий ҳужжатларда, қайдномаларда киритилиши назарда тутилган ва бунинг учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

Бундай норма тадқиқ қилинган хорижий давлатлар қонунчилигида учратилмади. Бунинг ўзига хослиги шундан иборатки, нафақат давлат мукофотини сохталаштириш, балки уни олиш учун ҳам сохта маълумотларни тақдим қилиш шундай жавобгарликка сабаб бўлади.

Швейцария ЖК 251-моддаси “гувоҳномаларни сохталаштириш” деб номланиб, унга кўра, шахс ўзи ёки ўзганинг фойдасига маблағларни олиш учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, гувоҳномаларни сохталаштирса ёки қалбакилаштиради; бундай ҳужжатлардан алдов учун фойдаланса; ҳақиқий ҳужжатдан алдов мақсадида фойдаланса, жиноий жавобгарликка тортилиш мумкинлиги белгиланган.

Испания ЖКнинг XVIII боби “Сохталаштириш ҳақида” деб номланиб, унинг 390-моддасида давлат хизматчиси ёки мансабдор шахс ўз функциясини амалга ошира туриб, қуйидаги тарзда ҳужжатни сохталаштирса, жавобгарликка тортилиши белгиланган: 1) ҳужжатнинг зарурий қисми ёки реквизитларига тузатиш киритиш; 2) ҳужжатнинг ҳаққонийлигини адаштирадиган тарзда, уни бутунлигича сохталаштириш.

Қонуннинг 391-моддасида худди шу қилмишнинг “қўпол эҳтиётсизлик билан” содир этилиши учун жавобгарлик назарда тутилган. Бу норма билан шахснинг бошқаларнинг ушбу жиноятни содир этишларига шароит яратиб бериши ҳам жавобгарликни келтириб чиқаришини англатади. Бу ҳолат биздаги мансаб совуққонлиги ҳолатига тўғри келади.

Испания ЖК 392-моддасида давлат хизматчиси бўлмаган шахсларнинг давлат ҳужжатларини сохталаштирганлиги учун ҳам жавобгарликни назарда тутди.

Амалиётда ушбу тоифадаги жиноятларнинг содир этилиш аҳволи, унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш натижасида уларни содир этиш ҳолатларини камайириш учун қуйидаги чора-тадбирларни ўтказишни тақазо этади.

Биринчидан, сохта диплом, ўрта мактаб аттестатлари ҳамда малака ва қайта тайёрлаш аттестатларидан фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълимни назорат қилиш инспекциясини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлиги ва Халқ таълими вазирликлари электрон интерактив хизматлари тизимида барчанинг фойдаланиши учун очиқ бўлган фуқаролик ўқув муассасалари томонидан берилган диплом, ўрта

мактаб аттестетлари ҳамда малака ва қайта тайёрлаш аттестатлари базаси яратилиши керак. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган таълим муассасаларини битирганлик, таҳсил олаётганлик ва хорижий таълим муассасалари томонидан берилган дипломларни нострификация қилинганлиги хусусида маълумотлар сақланиши керак. Ушбу базанинг кейинги такомиллаштиришида хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш тўғридан-тўғри (махсус синонларсиз) амалга ошириладиган ҳолатларидан келиб чиқиб, тегишли муассасалар билан ҳамкорликда дипломларнинг ҳақиқийлигини текшириш қоидалари белгиланиши мумкин бўлади.

Иккинчидан, Ҳужжатлар айланишининг амалдаги тартиби имкониятларидан келиб чиқиб, ҳужжатларни сохталаштириш ҳолатининг кескин камайишига эришиш мақсадида республика ва маҳаллай миқёсда давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ҳамда бошқа давлат идораларига ишга қабул қилиш учун ариза берган шахснинг дипломи ва бошқа маълумоти хусусидаги ҳужжатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасалари билан бевосита алоқа қилиш ва тасдиқловчи маълумотларни электрон (факс ёки электрон ҳужжат айланишининг бошқа воситалари орқали) олиш тартибини жорий қилиш ва бунинг учун ишга қабул қилувчи ташкилот раҳбарининг ёки иш берувчи вакилнинг шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан кўрсатма ишлаб чиқилиши керак.

V БОБ.  
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

---

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ В СФЕРЕ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ  
ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
В ОБЛАСТИ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ**

**ПУЛАТОВ Бахтиёр Халилович,**  
профессор Академии Генеральной  
прокуратуры Республики Узбекистан,  
доктор юридических наук, профессор

**ИСМОИЛОВ Бобурмирзо Илхом угли,**  
докторант Академии Генеральной  
прокуратуры Республики Узбекистан

***Аннотация:** В статье проанализированы международные стандарты в сфере осуществления прокурорского надзора за исполнением законодательства в области противодействия коррупции и вопросы их имплементации в национальное законодательство.*

***Аннотация:** Мақолада коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокуратура назорати соҳасидаги халқаро стандартлар ва уларни миллий қонун ҳужжатларида амалга оширилиши масалалари таҳлил қилинган.*

***Abstract:** The article analyzes international standards in the field of prosecutorial supervision of the implementation of legislation in the field of anti-corruption and the issues of their implementation in national legislation.*

***Ключевые слова:** Конвенция ООН против коррупции, принципы, право, прокурорский надзор, прокуратура, международные организации*

***Калит сўзлар:** БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси, принциплар, қонунчилик, прокурор назорати, прокуратура, халқаро ташкилотлар*

***Key words:** UN Convention against Corruption, principles, law, prosecutorial supervision, prosecutor's office, international organizations.*

В последние годы международным сообществом выработаны требования к целям, задачам и предмету прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере противодействия коррупции. Так пункт 2 статьи 11 Конвенции ООН против коррупции<sup>1</sup> предусматривает, что в тех государствах-участниках, в которых органы прокуратуры не входят в состав судебной власти, но пользуются такой же независимостью, как и судебные органы, меры, аналогичные тем, которые принимаются в отношении судебных органов, могут внедряться и применяться в органах прокуратуры. Это положение распространяется на стандарты честности и

---

<sup>1</sup> Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции" (принята в г. Нью-Йорке 31.10.2003 Резолюцией 58/4 на 51-ом пленарном заседании 58-ой сессии Генеральной Ассамблеи ООН)



неподкупности, применимые к работникам как судебных органов, так и независимых органов прокуратуры, в какой бы форме они ни применялись. Поэтому такие меры могут применяться, например, к органам прокуратуры, которые функционируют в качестве самостоятельных учреждений в рамках институциональной структуры министерства юстиции или полицейской службы, в той степени, в какой эти ведомства осуществляют независимые прокурорские функции.

Как обоснованно отмечают исследователи уголовное преследование играет важнейшую роль в любой системе уголовного правосудия. Преследование за коррупционные правонарушения обеспечивает представленность общественных интересов в уголовных делах, поскольку прокурор отвечает за представление не только интересов потерпевшего, но и тех, кто составляет общество в целом.<sup>1</sup>

Уголовное преследование должно осуществляться в соответствии с принципом верховенства права и обеспечивать отправление правосудия.

Руководящие принципы ООН, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование, гласят, что «лица, осуществляющие преследование, в соответствии с законом исполняют свои обязанности справедливо, последовательно и быстро, уважают и защищают человеческое достоинство и защищают права человека, способствуя тем самым обеспечению надлежащего процесса и бесперебойному функционированию системы уголовного правосудия»<sup>2</sup>.

Важность роли сотрудников органов прокуратуры в отправлении правосудия и поиске истины также подчеркивается в Стандартах профессиональной ответственности и Декларации основных обязанностей и прав сотрудников прокуратуры, которые были разработаны Международной ассоциацией прокуроров и утверждены Комиссией ООН по предупреждению преступности и уголовному правосудию<sup>3</sup>. И в Руководящих принципах ООН, и в Стандартах профессиональной ответственности подчеркивается, что сотрудники органов прокуратуры должны выполнять свои функции беспристрастно, профессионально и справедливо<sup>4</sup>.

Как показывает анализ зарубежной правоприменительной практики в большинстве стран полномочия привлекать к ответственности за уголовные преступления возлагаются на государственный орган.<sup>5</sup> Однако структура,

---

<sup>1</sup> Прокурорский надзор: учебник и практикум для СПО/В.К. Бобров – 4-е изд., перераб., и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2018. С.56

<sup>2</sup> Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование, принятые восьмым Конгрессом Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, Гавана (Куба), 27 августа - 7 сентября 1990 года, документ Организации Объединенных Наций A/CONF.144/28/ Rev.1 - 189 (1990), руководящий принцип 12.

<sup>3</sup> Резолюция 17/2 Комиссии по предупреждению преступности и уголовному правосудию, Доклад о работе семнадцатой сессии (30 ноября 2007 года и 14—18 апреля 2008 года), E/2008/30 и E/CN.15/2008/22, приложение, Стандарты профессиональной ответственности и Декларация основных обязанностей и прав сотрудников прокуратуры.

<sup>4</sup> См. UNODC-IAP, The Status and Role of Prosecutors: a UNODC-IAP Guide.

<sup>5</sup> Гайдаенко, Шер Н.И. Формирование системы альтернативных механизмов разрешения споров: бесконфликтное общество как основа противодействия коррупции: науч.-практ. пособие / отв. ред. Н.Г. Семилютин. — М.: ИЗиСП, ИНФРА-М, 2015. — С. 58

функции и полномочия органов прокуратуры неодинаковы в различных странах и обычно коренятся в истории и правовой культуре каждой страны.

По обоснованному мнению зарубежных ученых в системе общего права уголовное преследование является составной частью исполнительной ветви государственной власти, в то же время в системе континентального права в одних странах оно может быть частью исполнительной, а в других - судебной власти, в рамках которой осуществление этой функции возлагается на магистрат или судью.<sup>1</sup>

В то время как в странах общего права функционирует система дискреционного преследования, в странах континентального права действует система императивного преследования, а в некоторых системах прокурор по своему усмотрению прекращает преследование при отсутствии общественного интереса к его продолжению.

В ряде стран прокурор по своему усмотрению не только принимает решение о преследовании или не преследовании, но и может участвовать в заключении сделок о признании вины путем дачи согласия на снятие или смягчение одного обвинения или более в обмен на признание вины обвиняемым, а в некоторых случаях - вынесения рекомендации в отношении конкретного приговора<sup>2</sup>.

В системе континентального права, где судебное преследование является частью судебных органов, прокуроры могут обладать личной независимостью, а также могут действовать в рамках судебной иерархии, предусматривающей ограничения на осуществление дискреционных полномочий<sup>3</sup>.

В системе общего права, где судебное преследование является составной частью исполнительной ветви государственной власти и может быть одной из функций министерства юстиции, прокуроры могут обладать весьма значительной независимостью и руководствоваться внутренними правилами и нормативными положениями, регламентирующими осуществление дискреционных и других полномочий. Именно такое сочетание систем обусловило разработку профессиональными органами общих стандартов и принципов, применимых ко всем сотрудникам прокуратуры на региональном и международном уровнях.

Международным сообществом сформулированы профессиональные стандарты осуществления надзора за соблюдением законодательства в сфере противодействия коррупции. В соответствии с ними лицо,

---

<sup>1</sup> Противодействие коррупции: учебник и практикум для академического бакалавриата/ И.В.Левакин, Е.В.Охотский, И.Е.Охотский, М.В.Шедий, под общ. ред. Е.В.Охотского – 3-е изд. – М.: Издательство Юрайт, 2018. С.32

<sup>2</sup> См. James Hamilton, Director of Public Prosecutions, Ireland, "The Role of the Public Prosecutor in Upholding the Rule of Law"; Despina Cipriano, "Comparative Analysis of Prosecution Systems: Origins, Constitutional Position and Organization of Prosecution Services"; United Nations Handbook on "Practical Anti-Corruption Measures for Prosecutors and Investigators", Vienna, 2004.

<sup>3</sup> Труды юридического факультета. Т. XI. Правовая карта мира: попытки начертания (теоретические, исторические и практические аспекты) / ред.: М. В. Антонов, А. В. Закревский, Р. Ю. Почакаев, Н. Б. Срединская, Н. В. Тарасов, Е. Н. Трикоз. — СПб.: Скифия-принт, 2019. — С. 74

осуществляющее судебное преследование, не только действует от имени общества в целом, но и имеет обязанности в отношении прав отдельных лиц, включая подозреваемых в преступной деятельности. Эти права могут быть закреплены в конституции или других основных законодательных актах<sup>1</sup>.

Как правило, они включают право лица хранить молчание, право на публичное судебное разбирательство в разумные сроки, на презумпцию невиновности, пока виновность не будет доказана, право иметь полный доступ к представляемым против него доказательствам, право быть представленным адвокатом и пользоваться в необходимых случаях помощью переводчика. Данные права занимают центральное место в деятельности по защите и охране прав человека всех лиц, и обязанность прокурора заключается в том, чтобы гарантировать эти права, когда это возможно. Такие права также распространяются на жертв преступлений, перед которыми у прокурора также есть обязанность обеспечивать защиту их прав на всех этапах уголовного судопроизводства. Кроме того, в законодательных актах или положениях некоторых государств закреплен свод прав, обеспечиваемых жертвам преступной деятельности всеми работниками системы уголовного правосудия.

В отношении роли прокуроров в уголовном судопроизводстве в Руководящих принципах ООН, касающихся роли лиц, осуществляющих судебное преследование, говорится, что:

лица, осуществляющие уголовное преследование, играют активную роль в уголовном разбирательстве, включая возбуждение дела, и, когда это разрешается законом или соответствует местной практике, в расследовании преступления, надзоре за законностью этих расследований, надзоре за выполнением решений суда и осуществлении других функций в качестве представителей интересов государств; и лица, осуществляющие судебное преследование, в соответствии с законом исполняют свои обязанности справедливо, последовательно и быстро, уважают и защищают человеческое достоинство и защищают права человека, способствуя тем самым обеспечению надлежащего процесса и бесперебойному функционированию системы уголовного правосудия<sup>2</sup>.

Лица, осуществляющие преследование, обязаны всегда действовать беспристрастно, объективно и справедливо. Осуществляя преследование, они должны обеспечить отправление правосудия и соблюдение прав человека лиц, обвиняемых в совершении преступления.

Основные принципы верховенства права требуют, чтобы преследование осуществлялось справедливо и разумно с применением стандартов честности и внимательного отношения.

---

<sup>1</sup> Эти права также отражены в международных стандартах в области прав человека, включая статью 14 МПГПП.

<sup>2</sup> Руководящие принципы Организации Объединенных Наций, руководящие принципы 11 и 12.

Решение о том, начинать ли преследование или нет, должно приниматься в интересах правосудия, а не быть мотивировано ненадлежащими соображениями.

Абсолютно ненадлежащими являются такие соображения, как политические преимущества или их отсутствие, либо такие факторы, как гендерная принадлежность, цвет кожи, раса, религия, политические взгляды, сексуальная ориентация или этническое происхождение подозреваемого или потерпевшего.

Общим требованием является, то что лицо, осуществляющее преследование, не должно подчиняться руководству из любого внешнего источника. В этом смысле качества, которыми должен обладать прокурор, не отличаются от тех, которыми должен обладать судья. Ожидается, что он будет придерживаться стандартов профессионального поведения, действуя в соответствии с законом, государственными интересами, правилами и нормами профессиональной этики.

Во многих университетах практикуется обучение по индивидуальной объединённой программе одновременно в двух специальных профессиональных школах: по окончании учёбы выпускник получает два диплома – «доктора юриспруденции» и бакалавра или магистра в другой отрасли знаний (например, экономике, бизнесе, политологии).

Предстоящие крупные изменения в юридическом образовании будут идти в направлении глобальных юридических исследований. Американские юридические факультеты расширяют свои учебные программы для иностранных студентов, направляют больше американских студентов на годичную учебу в другие страны. Начинают распространяться курсы по транснациональным правовым областям, особенно по транснациональному торговому праву и международным правам человека.

Современные американские юридические факультеты прошли путь постепенного расширения мировоззрения. Они начали с преподавания исключительно частного права для подготовки выпускников к частной практике, но постепенно расширяют свои программы, включая в них публичное право для подготовки к государственной службе и практике в интересах малоимущих слоев населения и общественных движений. После двух столетий изоляции США становятся более открытыми, участь у студентов, постигая правовые традиции и анализируя юридические эксперименты в зарубежных странах.<sup>1</sup>

## СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА УНИВЕРСАЛ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**АРИПОВ Дилшод Уринбаевич,**

Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби директорининг

ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент

***Аннотация:** Мақолада суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган халқаро ҳужжатлар, улар томонидан тартибга солинадиган соҳалар, судларга оид махсус универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатлар мазмуни, унинг аҳамиятига доир етакчи олим ва мутахассисларнинг фикри, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий қонунчиликнинг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра, миллий қонунчиликка ижобий тажрибани жорий этиш ва уни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган.*

<sup>1</sup> См. подробнее: Beaning, David Law School Involvement in Community Development: A Study of Current Initiatives and Approaches. Washington, D.C.: Dept. of Housing and Urban Development, 1999; Robert W. Gordon Legal Education in the U.S.: Origin And Development, Electronic Journals of the U.S. Department of State, August 2002 Volume 7 Number 2.

**Аннотация:** В статье представлено содержание международных документов, направленных на обеспечение независимости судебной власти, регулируемых ими сфер, специальных универсальных и региональных международных документов о судах, мнение ведущих ученых и специалистов, нормы международного права и научно-теоретический анализ национального законодательства. На основе результатов анализа и исследования выдвинуты рекомендации и разработаны предложения по внедрению положительного опыта в национальное законодательство, а также его совершенствованию.

**Abstract:** The article presents the content of international documents aimed at ensuring the independence of the judiciary, the spheres regulated by them, special universal and regional international documents on courts, the opinion of leading scientists and specialists, the norms of international law and scientific and theoretical analysis of national legislation. Based on the results of the analysis and research, recommendations were made and proposals were developed for the implementation of positive experience in national legislation, as well as its improvement.

**Калит сўзлар:** суд ҳокимияти, универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатлар, суд ҳокимияти мустақиллигининг халқаро-ҳуқуқий асослари, судларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий мустақиллиги.

**Ключевые слова:** судебная власть, универсальные и региональные международные акты, международно-правовые основы независимости судебной власти, правовая, организационная и финансовая независимость судов.

**Key words:** judicial power, universal and regional international acts, international legal bases of judicial independence, legal, organizational and financial independence of courts.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган замонавий ва демократик миллий қонунчилик базасини яратишда халқаро ҳуқуқ нормаларининг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиниши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилганлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Судлар мустақиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Осиё-Тинч океани минтақаси учун суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципларига оид 1995 йилдаги Пекин декларацияси, Судьяларнинг умумжаҳон ҳартияси, Судьяларнинг хулқ-атвориға оид Бангалор принциплари, Европа Кенгашининг судьялар мустақиллигига оид тавсиялари, Шарқий



Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсиялари ва ҳ.к. Ушбу ҳужжатлар судьяларнинг мустақиллиги ҳамда судлар фаолиятининг маълум бир соҳаларини тартибга солишга қаратилган бўлиб, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи барча асосий қоидаларни ўзида акс эттирмаган.

Бу борада ягона универсал ҳужжат – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1985 йилдаги еттинчи конгресси томонидан қабул қилинган Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари (кейинги ўринларда – Асосий принциплар) ҳисобланади.<sup>1</sup> Судлар мустақиллигига оид 20 та асосий принципларнинг 7 таси бевосита судларнинг ўз ваколати доирасидаги ишларни холис, беғараз, фақат қонунга бўйсунган ҳолда ҳеч қандай чекловларсиз, тазйиқларсиз ва рағбатларсиз кўриб ҳал қилишини таъминлашга қаратилган.

**Биринчи принцип** суд ҳокимияти мустақиллигининг зарурий белгисига бағишланган бўлиб, унга кўра суд ҳокимиятининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши ва ҳар бир давлатнинг Конституцияси ёки қонунларида мустаҳкамланиши лозим. Барча давлат ва бошқа органлар суд органлари мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя қилишлари шарт<sup>2</sup>.

Ушбу принцип суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият бўғинларидан алоҳида мустақил ҳолда фаолият юритиши лозимлиги, уни амалда таъминлаш учун давлат томонидан берилган кафолатлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланиши зарурлиги, бошқа ҳокимият бўғинлари суд ишига ҳар қандай кўринишда бўлмасин аралашмасликлари, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ҳамда уни муҳофаза қилишлари шартлигини назарда тутади.

Мазкур принципнинг амалдаги ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципага асосланиши белгиланган. Конституциянинг ушбу нормаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунларда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунларда ривожлантирилган.

Шунингдек, Конституциянинг XXII боби суд ҳокимиятига бағишланган бўлиб, унинг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан,

<sup>1</sup> [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/indep.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml)

<sup>2</sup> БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари. Жиноятчиликни олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 август-6 сентябрь кунлари Миланда ўтказилган БМТ Еттинчи Конгресси томонидан қабул қилинган. БМТ Бош ассамблеясининг 29.11.1985 йилдаги 40/32-сонли ва 13.12.1985 йилдаги 40/146-сонли резолюциялари билан маъқулланган.

бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 112-моддасида эса судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунилари, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қайд этилган. Ушбу кафолатларнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Жиноят кодексининг XVI боби (Одил судловга қарши жиноятлар) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг XIV боби (Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик), шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида алоҳида тартибга солинган.

**Иккинчи асосий принцип** судларнинг ишларни ҳал қилиш борасидаги мустақиллигига бағишланган. Унга кўра суд органлари ўзларига берилган ишларни холис, фактларга асосланиб ва қонунга мувофиқ, ҳеч бир чекловлар, ноқонуний таъсирлар, босим, таҳдид ёки ким томонидан ва қандай сабаблар бўлмасин бевосита ёки билвосита аралашувларсиз амалга оширадилар.

Судья ўзининг иш юритувидаги ҳар қандай иш бўйича қарор чиқаришда аралашувлардан ҳимояланиш кафолатига эга бўлмаса, унинг адолатли судловни амалга ошириш мажбурияти бузилади. Бунда судьяларни танлаш ва тайинланишидан бошлаб, уларнинг нафақада бўлиш давридаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кафолатларни белгилаш муҳим ҳисобланади. Судьялар мустақиллигини таъминловчи асослар “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 67-моддасида белгиланган бўлиб, уларга қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, судьяларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши, судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш кабилар киради.

**Учинчи принципга** мувофиқ суд ҳокимиятининг мустақиллиги судлов билан боғлиқ барча масалалар бўйича ваколат фақат судга тегишли бўлишини, шунингдек, у кўриб чиқаётган масала судга тааллуқли ҳисобланиши бўйича қарорни фақат суд қабул қилиши лозимлигини белгилаш орқали таъминланади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат судьялар томонидан амалга оширилиши (3-модда), одил судловни амалга оширишда судьялар қатъий таомилга амал қилишлари (67-модда) назарда тутилган. Судья ишни (даъво ариза, ариза, шикоят, материал ва ҳ.к.) қабул қилишдан тортиб, уни мазмунан кўриш ва қарор қабул қилиш даврида процессуал қонун талабларига қатъий амал қилиши зарур. Бу борада барча процессуал кодексларда судларга

тааллуқли ва тегишли ишлар рўйхати белгиланган бўлиб, бу судлар ўртасида ишларни тааллуқлилиги бўйича низолар келиб чиқишининг олдини олади.

Навбатдаги **тўртинчи принцип** мазмунига кўра одил судловни амалга ошириш жараёнига ноқонуний ёки рухсатсиз аралашашига йўл қўйилмайди, судлар томонидан қабул қилинган суд қарорлари қайта кўриб чиқилмаслиги лозим. Ушбу принцип судлар томонидан қонун ҳужжатларига кўра суд қарорини қайта кўриш ёки ҳукмларни енгиллаштиришга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу принцип одил судловни фақат судлар амалга ошириши лозимлигини, суд қарорлари устидан бериладиган ҳар қандай шикоят ҳам айнан суд органлари томонидан қайта кўриб чиқилиши шартлигини белгилайди. Шунинг учун “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасидаёқ фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 14-моддасида ҳам бирор-бир жиноят учун судланган ҳар бир киши унинг судланиши ва ҳукм чиқарилиши юқори суд инстанцияси томонидан қонун асосида кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 34-бандида эса оқлов ҳукмларини чиқаришни салбий ҳолат сифатида баҳолашга чек қўйиш, оқлов ҳукми чиқармаслик учун судьяларга босимни камайтириш мақсадида судьяларнинг профессионал фаолиятини баҳолаш тизимини ўзгартириш зарурлиги қатъий равишда тавсия этилган. Оқлов ҳукмларининг сони ҳеч қачон судьялар фаолиятини баҳолашнинг мезони бўлиши мумкин эмас.

Асосий тамойилларнинг **бешинчиси** ҳар бир шахснинг оддий судларда ёки трибуналларда белгиланган юридик механизмлар асосида адолатли судловга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллигини, белгиланган тартибда ўрнатилмаган юридик механизмлардан фойдаланувчи ва ваколатли судларнинг ўрнини босувчи трибуналларни ташкил этиш мумкин эмаслигини назарда тутди.

Амалдаги Конституция ва процессуал қонунчиликка кўра шахс ўзининг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли суд органларига мурожаат қилиши кафолатланган. Яъни, шахс ҳар қандай ҳолатда, гарчи амалда унинг ҳуқуқлари бузилмаган бўлса ҳам, судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига, судлар эса ушбу мурожаатни мазмунан кўриб чиқиш мажбуриятига эга. Шунингдек, шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиши ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий ҳисобланмайди ва унинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Конституция 44-моддаси. ХПК 3-моддаси. ФПК 3-моддаси. МСИЮК 4-модда.

Қоидага кўра, судга тааллуқли ишлар тегишли туман (шаҳар) судлари томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилади. Қонунчиликда Олий суд, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга тегишли ишлар тоифаси белгиланган ҳолларда, шунингдек алоҳида иш ҳолатларига кўра ишлар туман (шаҳар) судларидан олиб кўйилиб, ушбу судларда биринчи инстанция сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларини ҳакамлик судларида ҳам ҳал этишлари мумкинлигини назарда тутди. Бунда ушбу тоифадаги ишлар тарафларнинг келишувига кўра ҳакамлик судларида, ҳатто иш иқтисодий ёки фуқаролик судларида кўрилаётган даврда ҳам, ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар, кўрилиши мумкин<sup>1</sup>.

Тарафлар нафақат ҳакамлик судларига, балки чет эл судлари ва арбитражларига ҳам белгиланган тартибда мурожаат қилишлари ҳамда низоларини ҳал этишлари мумкин. Бундай ҳолатларда ушбу судларнинг қарорларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш ва уни мажбурий ижрога қаратиш давлат судлари томонидан таъминланиши кафолатланади<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, одил судловни амалга ошириш бўйича судларга берилган мутлақ ваколат нафақат уларга ҳуқуқ беради, балки ушбу ваколатни қонуний амалга ошириш мажбуриятини ҳам юклайди. Ушбу мажбурият **олтинчи принципда** назарда тутилган бўлиб, унга кўра судлар суд муҳокамасини адолатли олиб боришлари ва томонлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари зарур.

Ушбу принцип одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар томонидан қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини адолатли ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, адолатсиз қабул қилинган ҳар бир суд қарори бутун суд тизими нуфузига путур етказди, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончининг сусайишига, жамиятда адолатни суддан ташқари усуллар ёрдамида қарор топтиришга уринишлар бошланишига, натижада бутун мамлакатда қонун устуворлигининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун қонунчиликда судьяларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда уларнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, унга кўра судьялар ўз ваколатлари доирасида ишларни кўриш чоғида қонунларга сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт.<sup>3</sup>

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ушбу қоидага амал қилишни таъминлаш механизми судьяларни юридик жавобгарликка

<sup>1</sup> ИПК 29-моддаси.

<sup>2</sup> ФПК 42-боб. ИПК 33-боб.

<sup>3</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 66-модда.

тортиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан аввал тугатиш институтлари ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, судьялар фаолиятини баҳолаш, судья ва унинг яқин қариндошлари даромадлари ва мол-мулкнинг ҳисобини юритиш, суд ишларини кўришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш усулларида ҳам фойдаланилади<sup>1</sup>.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда унинг моддий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ўз эҳтиёжлари учун пул маблағларига эга бўла олиш, улардан мустақил фойдаланиш, судьяларнинг мақомига муносиб бўлган моддий ва ижтимоий таъминотни яратиш жамиятда суд ҳокимиятининг обрўсини оширишга, аҳолининг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада **еттинчи принципда** ҳар бир давлатнинг суд органларига ўз ваколатларини белгиланган тартибда амалга оширишларига имкон берувчи тегишли маблағ билан таъминлаши зарурлиги белгиланган.

Маълумки, судларни молиялаштириш, уларнинг моддий-техник жиҳатдан таъминоти республика бюджети ҳамда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади<sup>2</sup>.

Асосий мақсад – суд ҳокимияти ўзининг йиллик бюджетини мустақил белгилаши лозим, давлат бюджетини тасдиқловчи органлар ва шахслар суд тизимининг эҳтиёжларини эътиборга олишлари шарт. Ресурсларнинг етишмаслиги суд тизимининг коррупцияга мойиллигини келтириб чиқариши, унинг мустақиллиги ва холислигини сусайтириши мумкин. Суд тизими учун зарур бўлган ресурсларни ажратишда судьялар ёки судлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3240-сон қарори билан суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Ижро этувчи дирекцияси тугатилиб, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 71-73-моддалар. Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 22 августдаги СОҚҚ-248-III сон қарори билан тасдиқланган “Судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом.

<sup>2</sup> “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 79-модда.

<sup>3</sup> Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича стратегия режаси. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Халқаро юристлар комиссияси Маркази (САММ). САММ йилномаси. 2000 й. –Б. 127.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори.

Киев конференцияси тавсияларига кўра суд тизими бюджети бўйича таклифлари юзасидан ҳукуматнинг мажбуриятлари ва парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш бўйича ваколатлари мавжудлигидан қатъи назар, суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи орган, масалан судьялар кенгаши, ҳукуматга суд тизимининг бюджет талаблари бўйича маълумотини тақдим этиши тавсия этилган. Шунингдек, ушбу орган бюджет муҳокамасида парламент олдида чиқиш қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Судьялар кенгаши бюджет маблағларини суд тизими ичида тақсимлаш жараёнида ҳам иштирок этишлари мумкин.<sup>1</sup>

Таъкидлаш лозимки, судларни моддий жиҳатдан таъминлаш масаласи ҳам бошқа омиллар сингари суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш асосларидан бири ҳисобланади. Суднинг моддий мустақиллигини амалда таъминлаш “Судлар тўғрисида”ги қонунда ушбу соҳага тааллуқли барча нормаларни, яъни судларга оид давлат бюджетини шакллантириш, ундан фойдаланиш асослари, шартлари ва тартибини халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда белгилаш орқали эришиш мумкин.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга оид юқорида қайд этилган асосий принципларнинг мазмун-моҳиятини суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият бўғинларидан алоҳида мустақил ҳолда фаолият юртиши лозимлиги, уни амалда таъминлаш учун давлат томонидан берилган кафолатлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланиши зарурлиги, бошқа ҳокимият бўғинлари суд ишига ҳар қандай кўринишда бўлмасин аралашмасликлари, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ҳамда уни муҳофаза қилишлари шартлиги ташкил этади.

## АНГЛИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Алимов Ғайбулла Алимович,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,  
юримдик фанлар номзоди, доцент

***Аннотация:** Мақолада Англия қонунчилигида коррупцион жиноятлар учун жавобгарлик масалалари, мансабдорлик жиноятларининг умумий таснифи ва турлари, мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва уларга нисбатан қўлланиладиган жазо турларининг хусусиятлари ёритиб берилган.*

***Аннотация:** В статье рассмотрены вопросы ответственности за коррупционные преступления, приведена классификация и виды должностных преступлений, уголовная ответственность и особенности видов наказаний, применяемых в отношении должностных лиц по законодательству Англии.*

<sup>1</sup> Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 6-банди. 23-25 июнь 2010 йил.

**Таянч сўзлар:** коррупцион жиноятлар, статут ҳуқуқи, умумий ҳуқуқ, афзалликлар, оммавий ташкилот, мансабдорлик жиноятлари, порахўрлик, жазо тури.

**Ключевые слова:** коррупционные преступления, статутное право, общее право, привелегии, общественная организация, должностные преступления, взяточничество, виды наказаний.

Англияда ҳуқуқ тизими умуман кодификация қилинмаган, шу сабабли бу давлатда ҳуқуқ тизими манбаси сифатида ёки парламент томонидан қабул қилинган актлар (статут ҳуқуқи) ёки прецедент ҳуқуқи (умумий ҳуқуқ) эътироф этилади. Ҳозирги пайтда парламент томонидан тартибга солинадиган соҳалар сони мунтазам кенгайиб, унинг ичига умумий ҳуқуқ ҳам кўшилиб кетаётганига қарамасдан, айрим ҳуқуқ нормаларини манбаси ҳамон одатдагидек суд прецеденти ҳисобланиб келинмоқда. Айниқса жиноий-ҳуқуқий нормалар санкцияларини қўллашда бу фарқ муҳим аҳамиятга эга. Агар, жавобгарлик парламент актига асосан қонунга киритилган ҳолатларда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддати ёки жарима миқдори ҳам, энг кам ёки кўп ҳажмда шу парламент акти билан белгиланади. Лекин парламент актида жазо тури ва миқдори кўрсатилмаган бўлса, унда озодликдан маҳрум қилиш муддатини ёки жарима миқдорини суднинг ўзи белгилашга ҳақли. Умумий ҳуқуқ билан жавобгарлик белгиланган нормалар учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини, суд томонидан тайинланиши белгилаб қўйилган бўлсада, бундай муддат 2 йилдан ошмаслиги лозим. Айрим ҳолатларда жазо миқдори ушбу ишни ким томонидан кўрилатганига ҳам бевосита боғлиқ бўлади, иш ҳакамлар ҳайъати томонидан кўрилаяптими ёки магистрат судлари томонидан миқдор тартибидами. Агарда иш магистрат судлар томонидан миқдор тартибида кўрилатган бўлса жарима миқдори 5000 фунт стерлингдан (кейинги ўринларда ф.ст. деб қисқартирилиб ўқилади) ошмаслиги, озодликдан маҳрум қилиш жазоси эса 6 ойдан ошмаслиги керак.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларни барчаси мансабдорлик жиноятларига ҳам тегишлидир.

Мансабдорлик жиноятларининг умумий таснифи. Англия қонунчилигида мансабдорлик жиноятларини доираси анчагина тор бўлиб, одатда улар ичига фақат хизмат вазифасини бузганлиги учун жавобгарликни назарда тутиш билан боғлиқ бўлган жиноий қилмишлар киради холос. Бундай ҳолатлар турли соҳалар фаолиятида учрайдиган ҳолат бўлганлиги боис, жавобгарлик масаласи ҳам умумий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган қонунлар билан бир қаторда, алоҳида соҳага тегишли бўлган парламент актлари билан ҳам тартибга солинади. Хусусан, бундай ҳолат ахборотни тарқатишга масъул бўлмаган шахс ёки мансабдор шахс томонидан махсус қонун талабларини бажармаганлик ҳолатлари учун характерлидир.

Мансабдорлик жиноятларининг субъектлари одатда, оммавий мансабдор шахслар ҳисобланади, лекин улар қаторида бошқа хизматчилар ёки бошқа шахслар, шу жумладан, юридик шахслар ҳам ҳисобланади.

Англияда қабул қилинган жиноий-ҳуқуқий таълимотга (доктрина) кўра мансабдорлик жиноятлари битта гуруҳга бирлаштирилиб, “мансабдор шахслар ва улар фаолияти билан боғлиқ жиноятлар” деб номланади. Хусусан, шундай тасниф “ Хэлсбери”<sup>1</sup> - деб номланган “Англия қонунлар тўплами” да қабул қилинган. Ушбу тўпланда жиноят ҳуқуқига иккита 11 (1) ва 11 (2) томлар ажратилган. 11(1) томнинг 7-бобида мансабдорлик жиноятлари киритилган бўлиб, улар қуйидаги тўртта таркибни қамраб олади: 1. порахўрлик; 2. мансабни сотиш ва мансабдор шахсни таъқиб қилиш (обструкция); 3. оммавий мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажармаслик; 4. алоҳида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар.

Мансабдорлик жиноятларининг турлари. Порахўрлик. Англия ҳуқуқ тизими ушбу қилмишга алоҳида эътиборини қаратиб, асосий қонунларида ҳам ва умумий ҳуқуқда (прецедент) бу жиноят учун жавобгарликни кенг маънода талқин қилган. Умумий ҳуқуқ нормаларидан ташқари, порахўрлик тўғрисидаги жиноят қонунчилигининг ўзи қуйидаги учта қонунлардан иборат: 1889 йилги Порахўрлик ва оммавий ташкилотлар тўғрисидаги; 1906 ва 1916 йиллардаги Коррупцияни олдини олиш тўғрисидаги ва 1983 йилги парламент ва маҳаллий органларга сайловлар жараёнида овозларни сотиб олишга қарши қаратилган халқ ваколатчилиги тўғрисидаги қонунлар. Умуман, келтириб ўтилган қонунларга ўхшаш қонунлар тез-тез янгиланиб турилиши Англия ҳуқуқ тизимига хос кўриниш ҳисобланади, масалан, мансаб саҳтокорлиги тўғрисидаги тушунча дастлаб инглиз умумий ҳуқуқида шаклланиган, жумладан, 1809 ва 1914 йиллардаги прецедентларда. Келтириб ўтилган манбаларга кўра, порахўрлик жиноятининг мазмуни кимдир ишни ўз фойдасига ҳал этиши учун мансабдор шахсни ўз хизмат вазифасига зид ҳаракатларни содир этишга мойиллик уйғотиш мақсадида пора беришида, ёки мурувват кўрсатишда ёки хизмат вазифасини бажариш жараёнида мурувват кўрсатишдан ўзини тийиб туришда ифодаланади ва мансабдор шахс шу мақсадда пора олади. Порахўрлик жинояти умумий ҳуқуқ талабларига кўра присяжний судлари томонидан кўриб чиқиши белгилаб қўйилган. Ушбу жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш ва жарима жазолари қўлланилиши судлар ҳукмига ҳавола этилган. Бу ҳақда юқорида таъкидланганидек, икки йилдан ортиқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

1889 ва 1916 йиллардаги қонунларда ушбу умумий қоидалар янада кенгайтирилган ва аниқлаштирилган. Хусусан, мазкур қонунлар билан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Halsbury's Laws of England. V.11(1).§ 281- 296. L., 1990.



оммавий ташкилотларнинг хизматчилари ва аъзолари учун ҳам порахўрлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Унга кўра ушбу жиноятни оммавий ташкилотнинг ҳар қандай хизматчиси ёки аъзоси ёки юридик шахс, ўзи ёки бошқа шахслар билан ўзаро тил бириктириб таъмагирлик йўли билан ёхуд ўзаро келишиб, ўзи учун ёки бошқа шахслар учун совға, ссуда, ҳақ, мукофат ёхуд устунлик бериш эвазига, шу ташкилот ваколоти доирасига кирувчи масалалар бўйича, пора бераётган шахс манфаатлари учун ҳақиқий ёки кутилган ҳаракатларни содир этади. Шундай қилиб, шахс совғани олиш жараёнида уни пора эканлигини билиб, ёинки бу коррупцион келишув эканлигини тушуниб, ҳатто келишув шартларини бажариш нияти бўлмаса ҳам олади (1956 йилдаги Коронни, Каррага қарши прецеденти). 1985 йилда суд Коронни, Каррага қарши прецедентини қўллаб, коррупция тушунчасини нафақат айни пайтда пора сифатида пул олганлик ҳолатини балким илгари ҳеч бир келишувсиз ҳам пора эвазига мурувват кўрсатганлик ҳолатлари ҳам қамраб олиши тўғрисида қарор қабул қилган. Хуллас, “ҳақ олиш”, пора олишни кўриниши сифатида илгари ўзаро олдиндан келишув бўлмаган тақдирда ҳам мурувват кўрсатгани учун пора олганлик ҳолати ҳам киради (1972 йилги прецедент) 1.

1889 йилдаги Қонунда “афзалликлар” тушунчаси анча кенг талқин этилган. Шу қонуннинг 7-моддасида келтириб ўтилганидек “афзаллик” деганда, ҳар қандай мансаб, унвон ёки пул ёки унинг ўрнини босувчи қимматликлар талаб қилишдан ўзини тийиш, ёхуд ёрдам олиш, сайловда овозлар олиш, розилик ёки таъсир ўтказиш, шунингдек, ҳар қандай ваъда тарғиб қилиш, келишув, таъсир ўтказиш ва кутиш орқали қандайдир совға, ссуда, ҳақ, мукофат эвазига оммавий ташкилот аъзоси ёки хизматчисини, шу ташкилот ваколоти доирасига кирувчи қандайдир масалани ёки келишувни амалга ошириш учун маълум ҳаракат қилиш ёки ҳаракатдан ўзини тийиш тушинилади. Ушбу жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсларга агарда ишни (айблов актига асосан), присяжний судлари кўришса етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси белгиланган, агарда иш суммар юрисдикция судлари (присяжнийларсиз) томонидан кўрилса эса, олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки қонунда кўрсатилган энг кўп миқдордаги жарима (ҳозирги пайтда 5000 ф.ст.) жарима жазоси берилади. Шунингдек, маҳкумга суд буйруғи билан оммавий ташкилот фойдасига совғани, ссудани, ҳақни ёки мукофатни қиймати билан тенг миқдордаги қийматини тўлаш мажбурияти юкланиши мумкин. Ундан ташқари, суд шу шахсни беш йил муддатга оммавий мансабга сайланиш ёки тайинланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этиши мумкин. Агарда шахс шундай жиноятни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Никифоров Б.С., Решетников Ф.М. Современное американское уголовное право. -М.: Наука, 1990. - С. 159.

такроран содир этганда, суд унга нисбатан қўшимча жазо тури сифатида беш йил муддатга сайловларда, сайловчи сифатида рўйхатдан ўтиб парламент ёки бошқа оммавий ташкилотларга овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга.

Агарда оммавий ташкилотнинг расмий вакили ёки ёлланган хизматчиси судланган пайтда, суд уни гарчан қонун бўйича тўланиши лозим белган компенсация ёки пенсия олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турини тайинлаши назарда тутилган.

1916 йилдаги Қонун давлат контрактлари бўйича ҳам пора олганлик учун жавобгарликни белгилайди. Бундай ҳолатда гап давлат ҳокимияти, унинг департаментлари ёки оммавий ташкилот вакиллари билан тузиладиган шартномалар муносабати билан ёки шартномага тузиш ҳақидаги таклифлар учун пора бериш тўғрисида кетмоқда. Бундай ҳолатда пора учун икки тарафнинг ҳам жавобгарликка тортилиши белгиланган. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлардан фарқи ўлароқ бу жиноят учун жавобгарлик оғирроқ, яъни уч йилдан етти йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, мазкур тоифадаги порахўрлик жиноятига эътибор жиддийлигини сабаби, унда гап давлат хариди ижросини таъминлаш тўғрисида кетаётганлигидир. Мана шу тоифадаги жиноятларнинг муҳимлиги талабидан келиб чиқиб, уни кўриб чиқиш присяжнийлар судларига юклатилган. Бу тоифадаги ишларни кўришда пора бериш ва олиш ҳолати мавжуд ёки мавжуд бўлмаганлигини исботлаш юки айбланувчи зиммасига юклатилган (Қонуннинг 2-м.).

Инглиз қонун чиқарувчи органи нуфузли давлат мукофатини олиш учун пора бериш жиноятини алоҳида таркибга ажратган. Бу ҳолатда жавобгарлик ҳам пора олувчи учун, ҳам пора берувчи учун белгиланган бўлиб, унда пора предмети сифатида совға, пул ёки ҳар қандай қимматли буюм кўндириш ёки мойиллик уйғотиш ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, шундай ҳаракат қилиш негизда унвон, титул ёки мукофатларни олишга эришиш мақсади ётади. Бу тоифадаги коррупцион ишлар ҳам присяжнийлар суди, ҳам суммар судлар томонидан кўрилиши назарда тутилган. Жиноят иши биринчи судлар томонидан кўрилганда икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки миқдори суд томонидан мустақил тарзда белгиладиган жарима жазосига, иккинчи судлар томонидан кўрилганда эса, уч ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки қонунда кўрсатилган максимум жарима (статутда назарда тутилган) жазоси қўлланилади. Пора предмети эса 1925 йилдаги мукофатларни суистеъмол қилишни олдини олиш тўғрисидаги Қонун талабига кўра давлат фойдасига мусодара қилинади.

1983 йилдаги халқ ваколатхонаси тўғрисидаги Қонунга кўра, парламентга ёки маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилиши муносабати билан боғлиқ порахўрлик жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу коррупцион жиноятнинг мазмунини, сайловчи,

сайловда қатнашаётган шахс томонидан берилган тўғридан тўғри ёки кимдир орқали пора сифатида пул ёки бирор бир мансабга эга бўлиш эвазига, сайлов жараёнида пора берувчига овоз бериш ёки кимгадир овоз беришдан ўзини тийиб туриш ҳаракатлари ташкил этади. Пора олиш ёки пора тўғрисида келишувга эришиш, бу ҳаракатлар сайлов олдидан содир этилдимми ёки сайловдан кейинми жазолаш учун ва жиноятни квалификацияси учун ахамиятга эга эмас. Айбдор шахсларга бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси белгиланган.

Ниҳоят, инглиз умумий ҳуқуқи алоҳида жиноят таркиби сифатида судьяга ёки суд ходимига пора бериш жинояти учун жавобгарлик белгилаб қўйган. Пора берувчи шахс, судьяга, суд ходимига, магистрантга уларнинг хизмат ваколатига кирувчи ҳаракатни унинг манфаати йўлида содир этиши учун пора сифатида қандайдир совға ёки пул таклиф қилади, судья, магистрант ёки суд ходими эса, шу совғани ёки пулни олиб, жиноят содир этганлиги учун суд хохишига кўра белгиланган муддатга (икки йилгача) озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси билан жазоланади.

Англия жиноят қонунчилигида юқорида келтириб ўтилганлардан ташқари, яна оммавий мансабларни сотганлик учун, оммавий мансабдор шахс томонидан ўз вазифасини суистеъмол қилганлиги учун, мансабдор шахс томонидан унинг хизмат ваколатига кирадиган ахборотларни ноқонуний тарқатганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят таркиблари ҳам мавжуддир.

## **ВЛИЯНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРЕОБРАЗОВАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ НА РАЗВИТИЕ ЮРИДИЧЕСКОЙ НАУКИ: ФОРМИРОВАНИЕ НАУКИ ДИПЛОМАТИЧЕСКОГО ПРАВА МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

**РАХМАНОВ Шухрат Наимович,**  
Центр повышения квалификации юристов  
при Министерстве юстиции,  
кандидат юридических наук,  
shuxratjon@gmail.com

***Аннотация:** В настоящей статье исследованы вопросы влияния осуществляемых в последние годы в Узбекистане крупномасштабных общественно-политических преобразований и реформ на развитие юридической науки на примере формирования науки дипломатического права международных организаций в системе дипломатического и консульского права Республики Узбекистан. Обоснованы теоретические начала, правовое содержание и межотраслевой характер дипломатического права международных организаций.*

***Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик ҳуқуқи тизимида халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқи фанини шаклланишида Ўзбекистонда сўнги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ва ислохотларнинг таъсири тадқиқ этилган.*

*Халқаро ташкилотлар дипломатик ҳуқуқининг назарий асослари, ҳуқуқий мазмуни ва тармоқлараро моҳияти асослаб берилган.*

**Abstract:** *This article explores the influence of large-scale socio-political transformations and reforms carried out in Uzbekistan in recent years on the development of legal science by the example of the formation of diplomatic law science of international organizations in the system of diplomatic and consular law of the Republic of Uzbekistan. The theoretical principles, the legal content and the cross-sectoral nature of the diplomatic law of international organizations are substantiated.*

**Ключевые слова:** *Республика Узбекистан, преобразования, реформы, политика, общественные отношения, международные организации, дипломатия, дипломатическое право, дипломатическое право международных организаций, закон.*

**Таянч сўзлар:** *Ўзбекистон Республикаси, ўзгаришлар, ислохотлар, сиёсат, ижтимоий муносабатлар, халқаро ташкилотлар, дипломатия, дипломатик ҳуқуқ, халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи, иммунитет ва имтиёз, қонун,*

**Key words:** *Republic of Uzbekistan, transformations, reforms, politics, public relations, international organizations, diplomacy, diplomatic law, diplomatic law of international organizations, law.*

Внешняя политика Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева стала катализатором новых позитивных идей и сдвигов как в общественно-политическом пространстве Узбекистана, так и в мировом сообществе. Сейчас наша страна предстает перед мировым сообществом в новом облике динамично развивающегося государства с открытой внешней политикой. Последние несколько лет – беспрецедентные в истории независимого Узбекистана с точки зрения достижения масштабных прорывных результатов. При вступлении в должность главы государства Ш.М. Мирзиёев задал такую динамику внешней политике Республики Узбекистан, осуществляя открытую и конструктивную внешнюю политику, значительно укрепил взаимовыгодное сотрудничество с Российской Федерацией и целым рядом других страна – КНР, США, Южной Кореей, Турцией, а также рядом государств Европейского и Азиатского континента. Благодаря последовательной нешнеполитической линии и волевым решениям лидера Узбекистана в регионе стало таять взаимное недоверие, противоречия между странами-соседями начали устраняться, возникла новая политическая атмосфера сотрудничества и взаимопонимания.

На качественно новый уровень вышло партнерство с ООН, рассматривая ее как единственную универсальную организацию, ответственную за поддержание международного мира и безопасности, а также за содействие устойчивому развитию государств в условиях стремительных процессов глобализации. Так, страна выступает за дальнейшее развитие партнерства с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе, Шанхайской организацией сотрудничества и Содружеством Независимых Государств, ОИС, с целью эффективного использования механизмов этих для развития многостороннего сотрудничества, противодействия современным вызовам и угрозам.

Особо стоит отметить то что, Узбекистан прилагает все усилия для активизации сотрудничества с такими международными финансовыми институтами, как Азиатский банк развития, Всемирный банк, Международный валютный фонд, Европейский банк реконструкции и развития, Азиатский банк инфраструктурных инвестиций и Европейский инвестиционный банк, в целях реализации новых проектов в области энергетики, транспорта, сельского хозяйства, жилищного строительства, развития малого бизнеса и частного предпринимательства<sup>1</sup>.

С начала XXI века международные организации, бесспорно, играют важную роль в современной архитектонике международных отношений. Современные межгосударственные отношения нельзя представить без активной роли и участия международных организаций. Одной из характерных особенностей современных международных отношений является рост числа и значения международных организаций в обеспечении мира и разностороннего сотрудничества субъектов международного права.

Так, такие организации как ООН, ШОС, СНГ и ряд других многосторонних и региональных организаций находятся в фарватере развития современных международных отношений. Одним из определяющих векторов внешнеполитической линии Республики Узбекистан является сотрудничество с различными универсальными и региональными организациями.

В послании Олий Мажлису от 20 января 2020 г. Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев, в своем выступлении отметил, что «Мы активизируем многостороннее сотрудничество в рамках Организации Объединенных Наций, Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, Организации исламского сотрудничества, Совета сотрудничества тюрко-язычных государств и других авторитетных международных структур. В сфере углубления международного сотрудничества в решении проблемы Арала мы возлагаем большие надежды на организованный под эгидой ООН Много партнерский трастовый фонд по человеческой безопасности для региона Приаралья. Намерены последовательно продвигать вопрос о членстве Узбекистана в период 2021–2023 годов в Совете по правам человека Организации Объединенных Наций. На 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН мы предложили разработать Международную конвенцию о правах молодежи. Необходимо и дальше повышать эффективность участия Узбекистана в Содружестве Независимых Государств и Шанхайской организации сотрудничества. Председательство Узбекистана в СНГ в 2020 году имеет для нас историческое значение. Мы задействуем все возможности для расширения экономического сотрудничества в рамках Содружества, повышения результативности принятых организацией

---

<sup>1</sup> Министерство иностранных дел Республики Узбекистан: внешняя политика // <https://mfa.uz/ru/cooperation/>

решений и дальнейшего укрепления гуманитарных связей между странами-участницами. Развитие отношений в рамках Шанхайской организации сотрудничества останется одним из важных направлений внешней политики Узбекистана»<sup>1</sup>.

Приоритетные задачи, поставленные Президентом, Парламенту Республики Узбекистан требуют глубоких теоретических и прикладных исследований и практической реализации.

Вышесказанное определяет особое место дипломатии, дипломатического и консульского права в становлении и развитии государственности на территории современного Узбекистана, в развитии его внешних связей и международных отношений.

На сегодняшний день в Республике Узбекистан создана целостная система законодательных актов, регулирующих всю совокупность дипломатических отношений Узбекистана. Одним из шагов после обретения государственной независимости в этом направлении стало принятие 3 июля 1992 г. сразу двух законов – Закона Республики Узбекистан «О порядке назначения и отзыва глав дипломатических представительств Республики Узбекистан в иностранных государствах» и Закона Республики «Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан» от 3 июля 1992 г. Кроме того, были приняты Закон Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» от 22 декабря 1995 г. и в новой редакции 6 февраля 2019 г., Консульский Устав Республики Узбекистан от 29 августа 1996 г. и в новой редакции от 17 января 2019 г., Положение о Республиканском фонде развития дипломатических и консульских учреждений Узбекистана от 16 марта 1994 г., Положение о дипломатических рангах работников дипломатических представительств и Министерства иностранных дел Республики Узбекистан от 16 марта 1994 г., Положение о Посольстве Республики Узбекистан от 24 марта 2000 г., Положение о дипломатических представительствах и консульских учреждениях иностранных государств в Республике Узбекистан от 8 мая 2001 г.<sup>2</sup> Принятие указанных нормативно-правовых актов заложило законодательный фундамент узбекской дипломатии, явилось законодательным каркасом осуществления независимой дипломатической и консульской деятельности Узбекистана.

Сфера внешних сношений государств, дипломатии и дипломатического и консульского права всегда была в центре внимания отечественных ученых-правоведов и международных юристов. Наряду с практическим развитием дипломатического и консульского права Узбекистана активизировались научные изыскания, учитывающие новые

---

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 24 января 2020 г. // <https://president.uz/ru/lists/view/3324>

<sup>2</sup> Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан // <https://lex.uz/>

аспекты в рассматриваемых сферах. В целом следует подчеркнуть, были научно обоснованы основы дипломатического права<sup>1</sup>, консульского права<sup>2</sup> и института представительств<sup>3</sup>. Вместе с тем, как в отечественной, так и зарубежной научной литературе, и в учебниках по этой дисциплине до сих пор не нашли всестороннего и комплексного исследования ряд отдельных институтов и подотраслей дипломатического и консульского права, в первую очередь дипломатическое право международных организаций. В последнее время появились исследования, касающихся отдельных аспектов дипломатического право международных организаций. Следовательно, можно отметить целый ряд наших научных исследований, направленных на раскрытие правового содержания дипломатического права международных организаций как межотраслевого явления в дипломатическом и консульском праве<sup>4</sup>.

Учитывая то, что уже в 70-х и 80-х годов XX века некоторые ученые небезосновательно начали продвигать идею о дипломатическом праве

---

<sup>1</sup> Саидова Л.А. Дипломатическое право в Узбекистане: проблемы теории и практики: Автореф. дис... док. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2001; Саидова Л. Источники современного дипломатического права: международные и национальное законодательство Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 2001; Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001; Акрамова Н.Р. Современная международно-правовая концепция дипломатических иммунитетов и привилегий: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т.: УМЭД, 2008; Абдуллаева Л.М. Международно-правовые проблемы предотвращения посягательств на дипломатических агентов: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2007.

<sup>2</sup> Юлдашева Г. Консульское право в системе современного международного публичного права. – Т.: Фан, 2007; Юлдашева Г. Дипломатическое и консульское право – Т.: ТГЮИ, 2008; Институт консульской службы и консульского права Республики Узбекистан. Учебное пособие. Под руководством Д.ю.н. И.Хамедова. УМЭД.Т.- 2009; Расулов Ш. Ўзбекистон консуллик хизмати (фуқароларни халқаро хусусий ҳуқуқий манфаатларининг ҳимояланиши: назарий ва амалий муаммолари). Монография. – Т.: “Адолат”, 2008; Кадирова Н. Необходимость нового подхода к изучению и практике консульского права в Узбекистане // Наука и образование сегодня. М., 2017. №.1; Гафурова С.А. Развитие института консульской защиты прав граждан Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... доктора философии (PhD) по юридическим наукам – Т.: УМЭД, 2018.

<sup>3</sup> Вахабов Х.Д. Институт представительства государств в международных организациях в современном международном праве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: УМЭД, 2007; Рахманов Ш.Н. Халқаро ташкилотларнинг аъзо-давлатлар ҳудудидаги ваколатхоналари мақомининг ҳуқуқий табиати // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2017. № 2. - Б.84-93.

<sup>4</sup> Рахманов Ш.Н. Генезис дипломатического права международных организаций в науке международного права Узбекистана // Журнал юридических исследований. Москва, 2019. №. 1. - С. 85-91. URL: <https://naukaru.ru/ru/nauka/article/28691/view>; Rakhmanov Sh. Diplomatic law of international organizations: structuration and its place in the general system of international law // Democratization and human rights. – Tashkent, 2019 - №3. - P.73-77; Рахманов Ш.Н. Формирование и структурирование институтов дипломатического права международных организаций // Фалсафа ва ҳуқуқ. Тошкент, 2019, № 2. - С.81-85; Rakhmanov Sh. The formation of diplomatic law of international organizations in the science of diplomatic and consular law of Uzbekistan // Review of law sciences. – Tashkent, 2019 - №3. P.83-86; Рахманов Ш.Н. Международные договорно-правовые источники дипломатического права международных организаций и их роль в защите персонала международных организаций // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана. Тошкент, 2018. № 4. - С. 64-71; Рахманов Ш.Н. Методологические вопросы становления дипломатического права международных организаций // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2010, № 4. - С. 73-79; Рахманов Ш.Н. К вопросу о формировании в Узбекистане дипломатического права международных организаций // Халқаро муносабатлар. – Тошкент, 2012, № 1. - С. 65-70.

международных организаций<sup>1</sup>. Отметим также, что в современном международном праве данное положение имеет сильные и крепкие позиции<sup>2</sup>.

В связи с этим отметим, что система дипломатического и консульского права вбирает в себя четыре подотрасли: дипломатическое право, правовую основу регулирования которого составляет Венская конвенция о дипломатических сношениях от 18 апреля 1961 года, и Конвенция о предотвращении и наказании преступлений против лиц, пользующихся международной защитой, в том числе дипломатических агентов от 14 декабря 1973 г.; консульское право, правовую основу регулирования которого составляет Венская конвенция о консульских сношениях от 24 апреля 1963 г.; право специальных миссий, правовой основой решения о направлении послов *ad hoc* или послов по особым поручениям является Конвенция о специальных миссиях от 16 декабря 1969 г.; дипломатическое право международных организаций, обособление, которого в самостоятельную подотрасль в рамках дипломатического и консульского права среди прочих основывается на наличии собственных источников: Конвенции о привилегиях и иммунитетах Объединенных Наций от 13 октября 1946 г., Конвенции о привилегиях и иммунитетах специализированных учреждений от 21 ноября 1947 г., Венской конвенции о представительстве государств в их отношениях с международными организациями универсального характера от 14 марта 1975 г. и Конвенции о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала от 9 декабря 1994 г.<sup>3</sup>

В этом контексте следует отметить, что российские исследователи А.Х. Абашидзе и И.А.Чистоходова подмечают, что в условиях глобализации мира и взаимосвязанности государств и народов необходимо учесть особенности современной дипломатии, которая характеризуется следующими чертами<sup>4</sup>: интенсивное развитие дипломатии на уровне международных организаций<sup>5</sup>; усиление роли многосторонней дипломатии в рамках международных организаций<sup>6</sup>.

---

<sup>1</sup> Ганюшкин Б.В. Дипломатическое право международных организаций. Правовое положение представителей государств при международных организациях, в их органах и на международных конференциях. – М.: Международные отношения, 1972. – 192 с.; Максудов М.М. Международно-правовой статус постоянных представительств государств при международных организациях универсального характера: дис. канд.юр.наук: 22. 01.1985\ РУДН им Патриса Лумумбы. – М., 1984.

<sup>2</sup> Международное право: Учебник / Отв. ред. В.И. Кузнецов. – М.: Юристъ, 2001. – С.445-448; Лукашук, И. И. Международное право. Особенная часть: учеб. для студентов юрид. фак. и вузов / – Изд. 3-е, перераб. и доп. - М.: Волтерс-Клувер, 2008. – 544 с.; Дипломатическое и консульское право: учеб.пособие / – А.Х.Абашидзе, И.А.Чистоходова. Москва : РУДН, 2015. – 260 с.

<sup>3</sup> Документы ООН // <https://www.un.org/ru/sections/general/documents/index.html>

<sup>4</sup> Дипломатическое и консульское право: учеб.пособие / – А.Х.Абашидзе, И.А.Чистоходова. Москва: РУДН, 2015. – 260 с.

<sup>5</sup> Hamilton K., Langhorne R. The practice of diplomacy. It evolution. Theory and administration. L.-N.Y., 1995.

<sup>6</sup> Sharp P. Who needs diplomats// International Journal. 1994. Vol. 52. №4. P. 609-634.



Дипломатия в целом характеризуется ныне большей открытостью на международной арене<sup>1</sup>.

Кроме того, можно отметить также высказывание ученых А.Х.Абашидзе и М.В.Федорова в том, что «наукой и практикой международного права чрезвычайно востребованными являются новые исследования, посвященные таким зарубежным представительством, как постоянные представительства государств при международных организациях, делегации на международных конференциях, специальные миссии, представительства международных организаций в государствах или при других международных организациях»<sup>2</sup>.

Таким образом, доказывается жизненность и наличие дипломатического права международных организаций и вышесказанные обуславливают актуальность международно-правового и сравнительного исследования деятельности таких зарубежных представительств, как постоянные представительства государств при международных организациях и представительства международных организаций в государствах или при других международных организациях.

С нашей точки зрения, методологическим основанием формирования дипломатического права международных организаций должна стать доктрина современного международного права, его основополагающие нормы и принципы, неотъемлемое право государств участвовать в деятельности международных организаций, быть представленными в работе его органов.

Проанализировав ряд новых аспектов, связанных с объектом исследования автором в рамках своих предыдущих исследований сделан вывод о том, что, в эпоху глобализации в системе дипломатического и консульского права сформировалась новая подотрасль – дипломатическое право международных организаций для международно-правового регулирования международных отношений между государствами и международными организациями, и между международными организациями и государствами. Формирование дипломатического права международных организаций в качестве подотрасли дипломатического и консульского права позволит кодифицировать международно-правовые нормы в данной сфере и в конечном итоге послужит прогрессивному развитию норм, принципов и правоотношений в данной сфере.

Актуальность данного подхода связана с наличием многостороннего вектора внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан, занимающая ключевое геополитическое положение в Центральной Азии. Учитывая тот факт, что, страна участвует в работе более 40 международных организаций и установила дипломатические отношения

---

<sup>1</sup> Лебедева М.М. Дипломатия на пороге XXI века: новые вызовы и измерения // Российская дипломатия. История и современность. М., 2001. С. 414-421.

<sup>2</sup> Абашидзе А.Х., Федоров М.В. Права внешних сношений. Учебное пособие. – М.: Международные отношения, 2009. – 384 с.

с более чем 130 странами мира. Так, в Ташкенте осуществляют свою деятельность 45 посольств зарубежных государств, 8 почетных консулов, 19 представительств международных организаций, 18 представительств международных межправительственных и правительственных организаций иностранных государств, 1 торговое представительство с дипломатическим статусом. В зарубежных странах и при международных организациях функционируют 47 дипломатических и консульских представительств Республики Узбекистан. Узбекистан является членом свыше 100 международных организаций и развивает взаимодействие с различными структурами многостороннего сотрудничества<sup>1</sup>.

Так, с каждым годом расширяется сфера сотрудничества Узбекистана и международных организаций, в связи, с чем актуализируется вопрос о более детальной регламентации дипломатического статуса представительств международных организаций в Республике Узбекистан и представительств Узбекистана при международных организациях. На сегодняшний день уже приняты ряд нормативно-правовых актов, которые регламентируют членство и участие Узбекистана в деятельности отдельных международных организаций<sup>2</sup>.

Таким образом, считаем, что дипломатическое право международных организаций уже заняло свое достойное место как в системе общего международного права, так и в доктрине международного права Республики Узбекистан.

С учетом вышесказанного, можно констатировать, что наукой и практикой международного права чрезвычайно востребованными являются исследования, посвященные правовому статусу представительств государств при международных межправительственных организациях, делегаций на международных конференциях, специальных миссий, представительств международных межправительственных организаций в государствах или при других международных межправительственных организациях, т.к. представительства государств являются организующими центрами взаимосвязей государств в пределах той или иной международной организации, способствующие укреплению мира и

---

<sup>1</sup> Министерство иностранных дел Республики Узбекистан: внешняя политика // <https://mfa.uz/ru/cooperation/>

<sup>2</sup> В частности, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 11 «О Постоянном представительстве Республики Узбекистан в Организации Объединенных Наций в г. Нью-Йорке» от 18 января 1994 г., Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 2 «Об открытии Постоянного представительства Республики Узбекистан при Отделении ООН и других международных организациях в г. Женеве» от 06 января 1997 г., Постановление Кабинета Министров при Президенте Республики Узбекистан № 154 «Об образовании Полномочного представительства Республики Узбекистан в Содружестве Независимых Государств» от 30 марта 1992 г., Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-1069 «О Постоянном полномочном представителе Республики Узбекистан при уставных и других органах Содружества Независимых Государств» от 10 марта 2009 г., Положение о Постоянном полномочном представителе Республики Узбекистан при уставных и других органах Содружества Независимых Государств от 10 марта 2009 г., Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 237 «Об открытии Миссии Республики Узбекистан при НАТО» от 01 июня 1998 г.

мирного сосуществования государств, равноправному их сотрудничеству во всех областях взаимного интереса.

Таким образом, дипломатическое право международных организаций является реальностью не только в общей международно-правовой науке, но и в доктрине международного права Республики Узбекистан. Существование дипломатического права международных организаций доказывается наличием обособленного предмета регулирования, своих специфических источников и субъектов, а также методами регулирования.

Любые изменения в общественно-политической системе государства, тем более, если они носят позитивный характер как на примере Республики Узбекистан, непосредственно влияют на правовую систему и науку. Если же подобные изменения и реформы оказывают позитивное влияние на общественно-политические отношения как внутри страны, так и на международные отношения в целом, то это самым благоприятным образом сказываются и на международно-правовую систему, что мы и смогли увидеть на примере формирования науки дипломатического права международных организаций Узбекистана, что происходит с опережающими темпами, благодаря целому ряду системообразующих и архитектурных изменений, осуществляемых во внешней политике нашей страны.

## МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

**ИСОҚОВ Луҳмонжон Холбоевич,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси марказ прокурори,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** ушбу мақолада миграция жараёнларини тартибга солишнинг халқаро-институционал механизмлари кўриб чиқилади. Шунингдек, миграция соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг миграция жараёнларини тартибга солишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

**Аннотация:** в данной статье рассмотрены международно-институциональные механизмы регулирования миграционных процессов. Также, анализируется деятельность международных организаций в сфере миграции и речь идет об их роли и значении в регулировании миграционных процессов.

**Abstract:** this article describes the international institutional mechanisms for regulation migration processes. Also, the activities of international organizations in the migration sphere are analyzed and their role and importance in the regulating migration processes are discussed.

**Калит сўзлар:** БМТ, мигрант, миграция, миграция жараёни, МХТ, халқаро ташкилот, ҳуқуқ.

**Ключевые слова:** мигрант, миграция, миграционный процесс, МОМ, международная организация, ООН, право.

**Key words:** IOM, international organization, law, migrant, migration, migration process, UN.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик вазиятига халқаро миграция улкан таъсир ўтказди. Ушбу жараёни тартибга солиш учун халқаро миграция сиёсати амалга оширилади. Бу каби сиёсат доимий ва вақтинчалик асосда тузиладиган халқаро институтларнинг мақсадли фаолиятини акс эттиради. Халқаро институтлар жаҳоннинг иқтисодий ва демографик муаммоларини ҳал этиш мақсадида миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатлари ва халқаро келишувларнинг чора-тадбирлар тизимини шакллантиради ва амалга оширади.

О.Э. Михайлованинг фикрича, халқаро стандартлар халқаро доирада-ги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий механизм бўлиб, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича барча талаблар лозим даражада бажарилишини таъминлайди<sup>1</sup>. Шу сабабли ҳам, миграция жараёнларини бошқаришда халқаро-ҳуқуқий стандартлар ва институционал механизмларнинг ўрни беқиёсдир.

Миграция масаласи билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларни шартли равишда умумий (асосан ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш йўналишида БМТнинг тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа иттифоқи ва ҳ.к.) ва махсус (Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси, МХТ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши) турларга бўлиш мумкин. Қуйида ташкил этилганлигининг хронологик тартиби бўйича миграция жараёнларини бевосита тартибга солишда иштирок этувчи халқаро-институционал механизмларидан айримларининг фаолиятини таҳлил қиламиз.

*Халқаро меҳнат ташкилоти*<sup>2</sup> қуйидаги мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган<sup>3</sup>:

- тўлиқ бандликни таъминлаш ва одамлар ҳаёт даражасини ошириш;
- ижтимоий-иқтисодий дастурларни рағбатлантириш;
- инсоннинг асосий ҳуқуқларига риоя қилиш;
- меҳнаткашлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

<sup>1</sup> Михайлова О.Э. Международные стандарты обеспечения прав и свобод трудящихся-мигрантов // Психопедагогика в правоохранительных органах. – 2013. – № 4 (55). – С. 53 (51-53).

<sup>2</sup> Халқаро меҳнат ташкилоти ҳақида // <https://www.ilo.org/global/about-the-ilo/lang--en/index.htm>

<sup>3</sup> Si tu veux la paix, cultive la justice: Une histoire en images de l'Organisation internationale du Travail, 1919-2019. Geneve: OIT, 2019. – 192 pages.

– ижтимоий адолат орқали тинчликни таъминлаш.

*БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси*<sup>1</sup> ўзининг мандатига мувофиқ, биринчи навбатда, ирқи, дини, фуқаролиги, сиёсий қарашлари ёки муайян ижтимоий гуруҳга тегишлилиги боис таъқиб қурбонига айланиши асосланган таҳдид туфайли ўз мамлакатларини тарк этган шахслар – қочоқлар билан шуғулланади<sup>2</sup>.

Мазкур ташкилот Озарбайжонга миграция соҳасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда, унинг устувор йўналишларини белгилашда фаол кўмаклашиб, миграция органлари ходимларининг касбий даражасини ошириш ва моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича кўшма дастурларни амалга оширган.

Шу муносабат билан фикримизча, миграция соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналиши тобора кенгайиб ва мустақамланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва биргаликда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ва ушбу ташкилотнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишига хайрихоҳлик билдириш айти муддао бўлар эди.

*Миграция бўйича халқаро ташкилот*<sup>3</sup> ўз мандати доирасида ҳукуматлар ва фуқаролик жамияти институтларига қуйидагилар орқали ёрдам беради:

– тезкорлик ва инсонийлик билан кутилмаган миграция оқимларига шиддат билан жавоб бериш;

– тўқнашувлардан сўнг ватанга қайтариш ва турли реинтеграция дастурларни амалга ошириш;

– меҳнат миграциясига кўмаклашиш;

– ноқонуний мигрантларнинг ихтиёрий қайтишига кўмаклашиш;

– юқори малакачиларни ватанга қайтариш дастурларини амалга ошириш;

– қийин вазиятга тушиб қолган мигрантларга ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш;

– миграция соҳасида меҳнат қилувчи давлат хизматчиларининг малакасини ошириш;

– одам савдосига қарши курашишга оид тадбирларни амалга ошириш;

– мигрантлар учун ахборот-маърифий дастурларни амалга ошириш;

– миграцияни бошқариш билан боғлиқ тадқиқотлар ўтказиш ва мигрантлар учун хизматлар кўрсатиш ва ҳоказо<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> БМТнинг қочоқлар бўйича Олий комиссарлик бошқармаси // Электрон манба: <https://www.unhcr.org/> (мурожаат вақти: 09.03.2018).

<sup>2</sup> Емельянова Е.М., Максименко А.П. Мигрантская катастрофа: кризис с беженцами в ЕС. Научные записки молодых исследователей. 2016, – № 6. – С.62.

<sup>3</sup> Миграция бўйича халқаро ташкилот портали // <http://www.iom.int>

<sup>4</sup> Resettlement and Movement Management. Geneva: IOM, 2019. – P. 10.

2018 йил Ўзбекистон учун миграция соҳасидаги халқаро ҳамкорлик йўналишида улкан бурилиш йили бўлди, хусусан, МХТга аъзо бўлди. Шу пайтга қадар МХТ ўзининг Қозоғистондаги идораси орқали асосан одам савдосига қарши курашиш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириб келган. Эндиликда ушбу нуфузли ташкилот билан мамлакатимиз тўғридан-тўғри ҳамкорликни ўрнатиб, нафақат ноқонуний миграцияга қарши курашиш, балки миграцияга оид барча масалаларни қамраб олувчи истиқболли режаларни амалга ошириш имкони пайдо бўлди.

*Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг*<sup>1</sup> иштирокчи-давлатлари ўз олдиларига қуйидагиларни мақсад қилиб қўйганлар:

– мигрантларнинг келиб чиқиш ва қабул қилаётган мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик йўли билан уларга шароит яратиш;

– қабул қилган мамлакатда яшаётган меҳнаткаш-мигрантлар фарзандларига таълим олишлари учун тенг имкониятлар яратиш;

– меҳнаткаш-мигрантларнинг оиласи билан бирлашишини имкон қадар осонлаштириш ва ҳоказо<sup>2</sup>.

*БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг мигрантлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси*<sup>3</sup> қуйидаги ҳуқуқларга эга<sup>4</sup>:

– тегишли манбаларнинг барчасидан мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига нисбатан инсон ҳуқуқларини бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотни талаб қилиб олиш;

– мигрантларнинг ҳуқуқлари қаерда бузилишидан қатъий назар уларни олдини олиш ва тузатиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

– мазкур соҳага оид тегишли халқаро нормалар ва стандартларни самарали қўлланилишига қўмаклашиш;

– мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини бузилишига барҳам бериш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро даражада қўлланиши учун чоратадбирлар ва ҳаракатларни тавсия қилиш;

БМТ тизимида *Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Қўмита*<sup>5</sup> ҳам фаолият кўрсатиб, ўндан зиёд мустақил экспертлардан шакллантирилган орган сифатида “Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича” халқаро конвенцияга риоя қилиш устидан кузатув олиб боради<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти // <https://www.osce.org/>

<sup>2</sup> From Reception to Recognition: Identifying and Protecting Human Trafficking Victims in Mixed Migration Flows. A Focus on First Identification and Reception Facilities for Refugees and Migrants in the OSCE Region. Vienna: OSCE, 2017. – 50 p.

<sup>3</sup> БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг мигрантлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси // <https://www.ohchr.org/EN/Issues/Migration/SRMigrants/Pages/SRMigrantsIndex.aspx>

<sup>4</sup> Report of the Special Rapporteur on the human rights of migrants. A/HRC/38/41. 2018. – 20 p.

<sup>5</sup> БМТнинг Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Қўмитаси // <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/CMW/Pages/CMWIntro.aspx>

<sup>6</sup> The International Convention on Migrant Workers and its Committee // Fact Sheet No. 24 (Rev.1). Geneva: OHCHR, 2015. – 62 p.

*Миграция ва тараққиёт бўйича глобал форум*<sup>1</sup> миграция потенциални жалб қилишни тартибга солишга қаратилган муҳим тузилма бўлиб, унда юздан зиёд мамлакатлардан қарийб мингга яқин вакиллар иштирок этади<sup>2</sup>. Миграция ва тараққиёт бўйича глобал форумнинг турли дастурлари доирасида Голландиядаги мигрантларнинг ўз юртларда икки юзга яқин корхоналар ташкил этиш, Мексикада таълим, соғлиқни сақлаш ва тадбиркорлик соҳаларига сармоя киритишни рағбатлантириш мақсадида маҳаллий микробанклар таъсис этиш, Жанубий Африкада этика қоидалари асосида тиббиёт ходимларини ёллаш амалиётининг халқаро кодексини ишлаб чиқиш, икки фуқаролик тўғрисидаги қонунларнинг мигрантлар фаоллигига ижобий таъсирлари ҳақида тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишларда кўмак берилган.

## **СУДЬЯЛАРГА НИСБАТАН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК ИШЛАРИНИ ҚЎЗҒАТИШ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович,**  
Судьялар олий мактаби бош мутахассиси,  
юридик фанлар номзоди, доцент

**Аннотация:** мақолада судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишларини қўзғатишга оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган. Судьяга нисбатан интизомий жавобгарликни қўзғайдиган органларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳолислиги, таркиби ва ваколатлари ўрганилган.

**Аннотация:** в статье рассматриваются международные стандарты и опыт зарубежных стран в области возбуждения дисциплинарного производства в отношении судей. Исследованы составы и полномочия, а также, обеспечение независимости, объективности органов которые занимаются возбуждением дисциплинарного производства в отношении судей.

**Abstract:** The article examines the international standards and the experience of foreign countries in the field of initiating disciplinary proceedings against judges. The composition and powers, as well as ensuring the independence and objectivity of the bodies that are engaged in the initiation of disciplinary proceedings against judges are considered.

**Калит сўзлар:** судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишларини қўзғатиш, халқаро стандартлар, хорижий давлатлар тажрибаси, миллий суд кенгашалари, интизомий жавобгарлик ишларини кўрувчи органлар таркиби.

**Ключевые слова:** возбуждение дисциплинарного производства в отношении судей, опыт зарубежных стран, национальные судебные советы, состав дисциплинарных органов.

<sup>1</sup> Миграция ва тараққиёт бўйича глобал форум // <https://gfmd.org>

<sup>2</sup> Письмо Постоянного представителя Бельгии при Организации Объединенных Наций от 5 октября 2007 года на имя Генерального секретаря. A/C.2/62/2. Брюссель, 2007. – 35 с.

**Key words:** *disciplinary proceedings against judges, experience of foreign countries, national judicial councils, composition of disciplinary bodies.*

Судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишларини қўзғатишга доир бир неча халқаро тавсиялар мавжуд. Мазкур масалани кўриб чиқишда, судьяга нисбатан ва фактик жиҳатдан судьяга қарши ишни тергов қилишни бошлашда судьянинг ҳаракати устидан шикоят ёки илтимоснома киритиш ўртасидаги фарқни ажратиш олиш муҳим ҳисобланади. Биринчи масала, бўйича шикоят бериш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар, органлар ва алоҳида олинган шахслар етарлича кенг бўлиши мумкин. Аниқ олинган мамлакатга боғлиқ ҳолда улар судларнинг бошлиқлари масалан, Белгияда 1967 йил 10 октябрдаги “Судьялар кодекси”нинг 412-моддаси ҳам 2018 йилги охириги қўшимчаларга<sup>1</sup> мувофиқ асосан интизомий жавобгарликка тортилган судьянинг иш мазкур суд раиси томонидан муҳокамага киритилади; Болгарияда “Суд тизимлари тўғрисида”ги қонуннинг 312-моддасига<sup>2</sup> мувофиқ маъмуриятнинг бошлиқлари ва юқори турувчи орган маъмурияти бошлиғи томонидан интизомий жавобгарлик иши қўзғатилади; Хорватияда “Давлат суд кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига<sup>3</sup> мувофиқ интизомий жавобгарлик иш тегишли судларнинг бошлиқлари ва юқори судларнинг бошлиқлари, Олий суднинг раиси ва Адлия вазири томонидан муҳокамага киритилади.

Суд кенгашлари ёки махсус суд комиссиялари ёки инспекторлари (Масалан, Болгария, Хорватия, Италия, Литва, Испания, Грузия, Украина), Адлия вазири (Хорватия ва Латвияда) ёки алоҳида олинган шахслар (Масалан, Литва, Франция, Англия ва Уэльс, Украина ва Руминия ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Болгарияда “Суд тизимлари тўғрисида”ги қонуннинг 312-моддасига<sup>4</sup> мувофиқ тафтиш ҳуқуқи органнинг маъмурий раҳбарларига ёки юқори турувчи орган маъмурий раҳбариятига ҳамда Олий суд кенгаши ҳузуридаги Суд инспекциясига берилади; Хорватияда “Давлат суд кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига<sup>5</sup> мувофиқ интизомий жавобгарлик иши тегишли суд бошлиқлари, юқори турувчи суд бошлиқлари, Олий суд раиси ва Адлия вазири томонидан муҳокамага киритилиши мумкин; Италияда тафтиш иши “Магистратларнинг олий

---

<sup>1</sup> Judicial Code (1967, amended 2016) (excerpts)

[https://www.legislationline.org/download/id/7010/file/Belgium\\_judicial\\_code\\_excerpts\\_1967\\_am2016\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7010/file/Belgium_judicial_code_excerpts_1967_am2016_fr.pdf)

<sup>2</sup> Judiciary System Act (2007, as amended 2012)// [https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria\\_Judiciary\\_System\\_Act\\_2007\\_am2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria_Judiciary_System_Act_2007_am2012_en.pdf)

<sup>3</sup> Act on the State Judiciary Council [https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia\\_Law\\_State\\_Judiciary\\_Council\\_1993\\_am2011\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia_Law_State_Judiciary_Council_1993_am2011_en.pdf)

<sup>4</sup> Judiciary System Act (2007, as amended 2012)// [https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria\\_Judiciary\\_System\\_Act\\_2007\\_am2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria_Judiciary_System_Act_2007_am2012_en.pdf)

<sup>5</sup> Act on the State Judiciary Council [https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia\\_Law\\_State\\_Judiciary\\_Council\\_1993\\_am2011\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia_Law_State_Judiciary_Council_1993_am2011_en.pdf)



кенгаши фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида<sup>1</sup> назарда тутилган; Англия ва Уэльсда судьяларни тайинлаш ва этикаси бўйича вакил жамоатчилик вакилларининг ёки судьяларнинг шикоятларини тафтиш қилиш билан шуғулланади. Бунда у судьяларнинг устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш бўйича бошқарма, трибунал раиси ёки магистратларнинг маслаҳат қўмитаси томонидан уларнинг шикоятлари кўриб чиқилганлигини тафтиш қилинади (2005 йил 17 январдаги “Конституциявий ислоҳот тўғрисида”ги қонун<sup>2</sup>, 2004-2005 йиллардаги №18 қонун лойиҳаси); Литвада “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 83 моддасига<sup>3</sup> мувофиқ Суд кенгаши, ўз иши кўриладиган тегишли суднинг раиси, юқори турувчи суднинг раиси ёки ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар берган ҳар қандай шахс мазкур судьяга нисбатан интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш тўғрисида асослантирилган илтимосномани судьялар этикаси ва интизомий жавобгарлик бўйича судьялар Коммиссиясига жўнатиш ҳуқуқига эга; Украинада “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 107 моддасига<sup>4</sup> мувофиқ ҳар қандай шахс судьянинг интизомий қилмиши бўйича шикоят (Интизомий жавобгарликка тортиш шикояти) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга; Латвияда судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги қонунга мувофиқ, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги шикоят суд этикаси бўйича Коммиссияга Олий суднинг раиси, Адлия вазири, туман (шаҳар) судларининг раислари томонидан барча ишлар бўйича туман (шаҳар) судлари судьяларига нисбатан тақдим қилиниши мумкин.

Одатда тафтиш шикоятни қабул қилиш, кўриб чиқиш, далилларни кўриб чиқиш ҳамда улар бўйича қарор қабул қилишга масъул бўлган алоҳида орган кенгаш ёки бошқа институт томонидан олиб борилади. Бунда судьяга нисбатан ишни қўзғатиш учун етарлича асос бор йўқлигини, шу билан бирга, ўз мансаби (*ex officio*) бўйича интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги аниқланади. Дастлабки босқичда бундай текширувлар конфиденциал бўлиши шарт, башарти судья унинг тескарисини талаб қилмаса. Баъзи мамалакатларда мазкур вазифани бажариш учун суд тизими доирасида махсус мустақил органлар мавжуд. Ҳатто баъзи тизимларда бундай органлар асослантирилмаган ёки тухматга асосланган айбларни зудлик билан рад этиши мумкин.

Масалан, Шотландияда 2017 йилдаги “Суд тизимида шикоятлар тўғрисида”ги қоидаларнинг 7 ва 8 бандларига<sup>5</sup> мувофиқ суд вазифасидан

<sup>1</sup> Disposizioni di attuazione e di coordinamento della legge 24 marzo 1958 n. 195, concernente la costituzione e il funzionamento del Consiglio superiore della magistratura <https://www.csm.it/documents/21768/112811/d.P.R.+16+settembre+1958+n.+916/fca734c3-2138-4e0e-859c-2fddf3ff1272>

<sup>2</sup> Constitutional Reform Act 2005 <http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2005/4/contents>

<sup>3</sup> Law on Courts (1994, amended 2008) [https://www.legislationline.org/download/id/6969/file/Lithuania\\_law\\_on\\_courts\\_1994\\_Am2008\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6969/file/Lithuania_law_on_courts_1994_Am2008_en.pdf)

<sup>4</sup> Law on the Judiciary and the Status of Judges (2016) [https://www.legislationline.org/download/id/7029/file/Ukraine\\_law\\_judiciary\\_status\\_of\\_judges\\_2016\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/7029/file/Ukraine_law_judiciary_status_of_judges_2016_en.pdf)

<sup>5</sup> Judiciary and Courts <http://www.legislation.gov.uk/asp/2008/6/contents>

ташқари ишларда сессион суднинг Лорд раисига кўмак бериш мақсадида Шотланд хизмат судларининг судьялар канцелярияси ташкил қилинган. Мазкур хизмат шикоятни дастлабки квалификация қилиш ҳамда асослантирилмаган, масалан, етарлича маълумот йўқлиги ёки муддатга риоя қилинмаганлик сабабларига кўра баъзиларини рад этиш билан шуғулланади. Агар шикоят мазкур босқичда рад этилмаса у интизомий жавобгарлик ишлари бўйича судьяга тақдим қилинади. Бу судья ўз навбатида кейинги босқичда тафтиш олиб борадиган махсус тайинланган судьяга ишни бериш зарурияти бўйича қарор қабул қилади. Интизомий жавобгарлик бўйича судья шу билан бирга, ишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Башарти, шикоят оғир жазо беришга арзимайдиган интизомий жавобгарлик чорасини талаб қилмайдиган бўлса ва ҳ.к.

Баъзан шикоятни тафтиш қилиш ишни тафтиш қилишга масъул деб тайинланган махсус комиссия, терговчи, маърузачи ёки комиссия томонидан олиб борилади (Масалан, Австрия, Англия ва Уэльс, Литва ва Шотландия). Австрияда, мазкур масала “Судьялар ва прокурорларнинг фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 112-моддасида ўз ифодасини топган; Англия ва Уэльсда 2014 йилги № 1919 “Судларнинг интизоми тўғрисида”ги қарорнинг 10-қоидасига мувофиқ мазкур масала билан судьяларнинг Лорд бошлиғи томонидан тайинланган терговчи судьялар шуғулланади; Шотландияда “Суд тизими ва судьялар тўғрисида”ги қонуннинг 28 бўлимига<sup>1</sup> мувофиқ сессион суднинг Лорд - раиси шундай қоидаларни тасдиқлаши мумкинки, унга мувофиқ интизомий жазо ишларини кўриш процедураси доирасида ёки бундай процедуранинг алоҳида олинган қисми доирасида ишни тафтиш қилиш учун алоҳида шахс тайинланади; Латвияда судьяларнинг этикаси ва интизоми бўйича Комиссия интизомий жавобгарликка тортиш чорасини кўриш учун асос бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Бошқа мамлакатларда интизомий жавобгарлик иши бўйича кўмита (коллегия) ёки суд кенгаши қошидаги алиҳида суд инспектори бундай шикоятларни қабул қилади ва кўриб чиқади (масалан, Албания, Болгария, Хорватия, Франция, Грузия ва Испания). Албанияда мазкур масала “Адлия олий кенгашини ташкиллаштириш ва фаолияти тўғрисида”ги қонун<sup>2</sup> ҳамда “Адлия олий кенгаши инспектори тўғрисида”ги 14-15 моддаларда ифодаланган; Болгарияда мазкур масала “Ҳуқуқий тизимлар тўғрисида”ги қонуннинг<sup>3</sup> Олий судьялар кенгаши инспекциясининг ваколатлари тўғрисидаги 54-моддада назарда тутилган; Хорватияда “Давлат суд кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасига<sup>4</sup> мувофиқ интизомий жавобгарлик ишларини муҳокама қилиш Интизомий

<sup>1</sup> Judiciary and Courts (Scotland) Act 2008 <http://www.legislation.gov.uk/asp/2008/6/contents>

<sup>2</sup> Law on the organization and functioning of the High Court (2000, as amended 2014) [https://www.legislationline.org/download/id/6931/file/Albania\\_law\\_High%20Court\\_2000\\_am2014\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6931/file/Albania_law_High%20Court_2000_am2014_en.pdf)

<sup>3</sup> Judiciary System Act (2007, as amended 2012)// [https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria\\_Judiciary\\_System\\_Act\\_2007\\_am2012\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/4347/file/Bulgaria_Judiciary_System_Act_2007_am2012_en.pdf)

<sup>4</sup> Act on the State Judiciary Council [https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia\\_Law\\_State\\_Judiciary\\_Council\\_1993\\_am2011\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6953/file/Croatia_Law_State_Judiciary_Council_1993_am2011_en.pdf)

жавобгарлик ишлари бўйича қўмита томонидан олиб борилади, мазкур қўмита таркиби кенгаш раиси томонидан тайинланган давлат суд судьялар кенгашининг учта аъзосидан иборат бўлади; Францияда ушбу масала “Магистратларнинг олий кенгаши тўғрисида”ги органик қонуннинг 18-моддасида<sup>1</sup> назарда тутилган; Испанияда мазкур масала “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 423-моддасида<sup>2</sup> кўриб чиқилади; Грузияда шикоятларни тафтиш қилиш учун Адлия олий кенгаши ҳузурида махсус инспекторни ташкил қилиш қонунда назарда тутилган.

Шарқий Европа, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимиятининг мустақиллиги масалалари бўйича 2010 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Киев тавсиялари (Киев тавсиялари) 9-бандига асосан судьяга нисбатан тафтишни кўзгайдиган мустақил органнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида мазкур масала бўйича якуний хулоса қабул қиладиган бошқа мустақил органдан ажратилган бўлиши керак<sup>3</sup>. Европа Иттифоқи ҳузуридаги Ҳуқуқ орқали демократия учун деган Европа комиссияси (Венеция комиссияси) айнан шундай ёндашувни қўллаб қувватлайди ва бундай мақсад учун алоҳида институт ташкил қилишга зарурат йўқ деб қайд қилади. Унинг ўрнига, шуни етарлича таъминлаш керакки, унда интизомий жавобгарликка тортиш ишининг дастлабки босқичида айбловчи ёки терговчи деб ишга жалб қилинган иштирокчилар судья сифатида интизомий жавобгарлик ишини кўришда қатнашмасинлар<sup>4</sup>. 2017 йилдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг Кипрга қарши Каминос ишида бир орган ёки ҳеч бўлмаганда битта судья бошқа судьяга қарши айбловни қўйган интизомий жавобгарлик ишини олиб борган ва натижада судьяни ўз вазифасидан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилган, бунда интизомий жавобгарликка тортиш органининг холислиги шубҳа остида қолган натижада, бу Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 6-моддаси бузилган<sup>5</sup>. Мазкур принцип бир неча давлатларнинг қонунларида акс этган бўлиб унга мувофиқ судьяга нисбатан тафтиш олиб бориш учун тайинланган интизомий жавобгарлик ишлари бўйича қўмиталар аъзолари ёки шахслари мазкур иш интизомий жавобгарлик ишларини кўрадиган органга тақдим қилингандан кейин бу ишни кўришда уларнинг қатнашиши ман қилинади. Масалан, Австрияда, мазкур масала “Судьялар ва прокурорларнинг фаолияти тўғрисида”ги

<sup>1</sup> Organic Law on the Superior Council of the Magistracy of France (1994, amended 2017) [https://www.legislationline.org/download/id/6959/file/France\\_Law\\_on%20the%20Higher%20Council%20of%20Judiciary\\_1994\\_am2017\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6959/file/France_Law_on%20the%20Higher%20Council%20of%20Judiciary_1994_am2017_fr.pdf)

<sup>2</sup> Law on the Judiciary (1985, amended 2016) [https://www.legislationline.org/download/id/6791/file/Spain\\_law\\_judiciary\\_1985\\_am2016\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6791/file/Spain_law_judiciary_1985_am2016_en.pdf)

<sup>3</sup> Рекомендации Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной европы, Южного Кавказа и Центральной Азии, п. 9. <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>

<sup>4</sup> Заключение Венецианской комиссии о законах о дисциплинарной ответственности и оценке судей бывшей Югославской Республики Македонии, CDL-AD(2015)042, 21 декабря 2015 г., п. 78.

<sup>5</sup> ЕСПЧ, Каменос против Кипра, жалоба № 147/07, решение от 31 октября 2017 года, п.п 102-110.

қонуннинг 112-моддасида<sup>1</sup>, Францияда ушбу масала “Магистратларнинг олий кенгаши тўғрисида”ги органик қонуннинг 18-моддасида<sup>2</sup> назарда тутилган.

Европа судьяларининг маслаҳат кенгаши (ЕСМК) ўзининг №3/2002 йил якуни бўйича хулосасида судьянинг касбий хатоси ёки ноқонуний хулқи сабабли жабр чекдим деб мурожаат қилган шахслар шикоят тақдим қилиш учун имкониятга эга бўлишлари шарт, мазкур шикоят кейинчалик интизомий жавобгарлик ишини қўзғашга келиб келиши мумкин<sup>3</sup>.

Одатда, мазкур судья кўриб чиққан иш бўйича томонларнинг бири индивидуал шикоят тақдим қилади. Айниқса, зарурат туғилган тақдирда филтрлаш механизми олдиндан назарда тутилган бўлиши керак. Бунда шикоят, айниқса, у аноним бўлса, судьянинг гумон қилинган ноқонуний ҳатти-ҳаракатидан тўғридан-тўғри жабр чекмаган шахслар томонидан тақдим қилинган бўлиши мумкин<sup>4</sup>.

Судья устидан шикоят тақдим қилиш имконияти шахсда бўлиши унга қарши интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш ҳуқуқи борлигини назарда тутмайди. Шунинг учун, юқорида келтирилган филтрлаш механизми бундай вазиятларни бартараф қилиш учун ишдаги ҳолатларига баҳо беради. Бундай пайтда судьялар суд процессидан қаноатланмаган иштирокчилар ташаббуси натижасида қўзғатилган интизомий жавобгарлик иши процедурасига жалб қилинган бўлиб қолиши мумкин<sup>5</sup>. Бундай механизм асослантилмаган, ўйланмаган ва оғирлаштирувчи шикоятни дастлабки босқичидаёқ бекор қилишга олиб келиши мумкин<sup>6</sup>. Алоҳида олинган судьяга нисбатан шикоятни қабул қиладиган ва кўриб чиқадиган орган судьяга қарши тақдим қилинган шикоятга судьянинг ўзидан ҳам жавоб олади, кейин ўзидаги барча ҳужжатларни ҳисобга олиб мазкур орган интизомий ҳуқуқбузарлик имкониятига ишора қиладиган маълумотлар етарли ёки етарли эмаслигини аниқлайди<sup>7</sup>. Агар етарли бўлса, ишни интизомий жавобгарлик ишини кўрувчи органга тақдим қилади.

<sup>1</sup> [https://www.legislationline.org/download/id/5273/file/Austria\\_Administrative-Justice\\_Report\\_en.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/5273/file/Austria_Administrative-Justice_Report_en.pdf)

<sup>2</sup> Organic Law on the Superior Council of the Magistracy of France (1994, amended 2017) [https://www.legislationline.org/download/id/6959/file/France\\_Law\\_on%20the%20Higher%20Council%20of%20Judiciary\\_1994\\_am2017\\_fr.pdf](https://www.legislationline.org/download/id/6959/file/France_Law_on%20the%20Higher%20Council%20of%20Judiciary_1994_am2017_fr.pdf)

<sup>3</sup> «Меры по эффективному введению в действие «Бангалорских принципов поведения судей», принятые Судейской группой по вопросу об укреплении честности и неподкупности судебных органов на заседании в Лусаке, Замбия, 21–22 января 2010 года, п. 15.2., Европейская хартия о статусе судей, принятая на многосторонней встрече европейских судей и ассоциаций судей, которая состоялась в Страсбурге 8-10 июля 1998 года, п. 5.3.

<sup>4</sup> ENCJ: Минимальные судебные стандарты V - Дисциплинарное производство и ответственность судей, Отчет 2014-2015, стр. 25.

<sup>5</sup> Заключение Консультативного совета европейских судей (КЕСЕ) № 3 (19) о принципах и правилах, регулирующих профессиональное поведение судей, в частности, этические нормы, несовместимое с должностью поведение и беспристрастность, 19 ноября 2002 года, п. 67.

<sup>6</sup> ENCJ: Минимальные судебные стандарты V - Дисциплинарное производство и ответственность судей, Отчет 2014-2015, стр. 18.

<sup>7</sup> «Меры по эффективному введению в действие «Бангалорских принципов поведения судей», принятые Судейской группой по вопросу об укреплении честности и неподкупности судебных органов на заседании в Лусаке, Замбия, 21–22 января 2010 года, п. 15.3.

Юқорида қайд қилинганидек, интизомий жавобгарлик масаласи доирасида ишларни филтрлашнинг вазифаси ёки шикоятни қабул қилиб олиш, кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш айна бир орган ёки айна бир шахслар томонидан бажарилиши ман этилади<sup>1</sup>.

Алоҳида олинган судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш ҳуқуқига судьяларнинг раиси эга бўлиши мумкинми деган савол кўтарилди. Венециан комиссияси бунга ҳамма вақт ҳам шарт эмас<sup>2</sup> деб жавоб беради. Комиссия яна шуни тасдиқладики, суднинг раисини судьялар устидан назорат қиладиган шахс сифатида тушуниш керак эмас<sup>3</sup>, аксинча, уни ҳам тенглар ичида биринчиси деб қабул қилиш шарт (*primus inter pares*)<sup>4</sup>.

Бироқ интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш бўйича ваколатларнинг қонунийлигини, ҳамда суд раисининг бошқа компетентлигини, ва ҳатто у бундай мансабга қандай тайинланганлигини ҳам (яъни ўз судья ҳамкасблари томонидан овоз бериш йўли биланми, ёки қонун чиқарувчи ёки қандайдир ижро органи томонидан тайинланганми) ўрганиш муҳим ҳисобланади. Венеция комиссиясининг ҳужжатларига мувофиқ, суд раисида ҳаддан ташқари кенг ваколатларга эга бўлиши, судьяларнинг ички мустақиллигига зарар етказиши мумкин, ҳатто агар мазкур ваколатлар алоҳида алоҳида олинганда хавфли бўлмаса ҳам. Тайинлаш масаласига тўхталиб Венециан комиссияси “ўз судья ҳамкасблари томонидан сайланган раислар ижро ёки қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан тайинланган раисларга қараганда судьяларнинг мустақиллиги учун камроқ хавф туғдиради, ҳатто иштироки озроқ бўлса-да” деб алоҳида таъкидлайди.

Киев тавсияларида шунга урғу берилдики, унга мувофиқ суд раиси бундай шикоятларни қабул қилиб олиш ва интизомий жавобгарлик бўйича суриштирувни амалга ошириш ваколатига эга бўлган органга шикоятни тақдим қилиши мумкин, аммо бундай ҳолатда у интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш ёки интизомий жавобгарлик чораларини қабул қилиш ваколатига эга бўлмаслиги керак<sup>5</sup>. Шундай қилиб, судья устидан шикоят берган орган ёки шахсининг характерли хусусияти кўп ҳолларда катта аҳамиятга эга эмас, бундай ҳолда судьяга нисбатан иш

---

<sup>1</sup> Рекомендации Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии, п. 9. <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>

<sup>2</sup> Венецианская комиссия, Болгария - Заключение о Законе о судебной системе, CDL-AD(2017)018, 9 октября 2017, п.п. 84-85 и 113.

<sup>3</sup> Венецианская комиссия, Болгария - Заключение о Законе о судебной системе, CDL-AD(2017)018, 9 октября 2017, п. 83.

<sup>4</sup> Венецианская комиссия, «Бывшая югославская Республика Македония» - Заключение о проекте закона о прекращении действия Закона о Совете по установлению фактов и возбуждению производства по установлению ответственности судей, о проекте закона о внесении изменений в закон о Судебном совете и о проекте закона о внесении изменений в проект закона о защите свидетелей, CDL-AD(2017)033, 11 декабря 2017 года, п. 26.

<sup>5</sup> Рекомендации Киевской конференции по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии, п. 14. <https://www.osce.org/ru/odihr/73488?download=true>

тафтишни олиб борадиган органлар ва унга интизомий жавобгарлик чорасини белгилайдиган органлар бир-биридан мустақил бўлиши лозим.

Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш заруратини ҳамда уни ижро ҳокимиятидан ҳимоя қилишни эътиборга олиб, ижро ҳокимияти вакили, масалан, Адлия вазири судьяларга нисбатан интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш ҳуқуқига эга бўлиши керакми - деган масалада баҳслар ҳам олиб борилмоқда. Суд кенгашида вазир овоз ҳуқуқига эга эмаслиги сабабли бундай ваколатлар суд ҳокимияти мустақиллиги учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди - деб таъкидлайди Венеция комиссияси. Боз устига вазир интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш мумкин бўлган ягона шахс эмас, Венеция комиссияси таъкидлашича мазкур жараёнда унинг роли ҳатто фойдали бўлиши ҳам мумкин, чунки бу интизомий жавобгарлик масаласи бўйича суд органларида корпоратив кайфиятни бартараф қилишга ёрдам беради. Судьялар мустақиллигининг халқаро стандартларига мувофиқ ижро ҳокимияти судьяларга шикоят жўнатиш ёки интизомий жавобгарлик ишини қўзғаш орқали судьяларга нисбатан интизомий чора масалаларини кўришда қатнашиши мумкин (аммо мазкур масала юзасидан қарор қабул қилишда иштирок этмайди).

Одатда юқоридаги бандларда ифодаланган сабаблар бўйича ижро ҳокимиятининг вакиллари мустақил органлардан тергов тафтиш ишларини олиб боришни сўраш ҳуқуқини бермаслик мақсадга мувофиқдир, бундай ҳолатда, ижро ҳокимияти интизомий жавобгарлик масалалари ва жазо қўллаш бўйича ишларни тафтиш қилиш ёки бошқа тарзда унда қатнашиш ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиши мумкин эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулоса ва таклифларни билдириш мумкин:

1. Халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар қонунчилигида судьяларга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш бир қатор ҳуқуқбузарликлар ва уларга тегишинча жазо чораларини қўллаш назарда тутилган бўлиб, уларнинг процедуралари мустақил орган ёки суд томонидан амалга оширилиши, бунда одил судлов муҳокамасига оид асосий принципларга риоя қилиниши ҳамда шикоят қилиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак;

2. Интизомий жазони қўллаш аниқланган ҳуқуқбузарликка тенг бўлган пропорционал принципга мувофиқ амалга оширилиши шарт. Фақат энг жиддий ҳолатларда судьяни ўз вазифасидан четлатиш мумкин, интизомий жазо қўллаш хулосасини қабул қилишда судьялар томонидан йўл қўйилган оддий хатолар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам жазо қўлланилмаслиги шарт;

3. Интизомий жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларни етарлича аниқ ифодалаш шарт, токи судьялар иш фаолияти давомида ўзларини қандай тутишни, ҳамда у ёки бу ҳаракатнинг оқибатини олдиндан кўра олган

бўлсинлар. Бу эса, қонунни ўзбошимчалик билан қўллаш ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради;

4. Интизомий жазолар тўғрисидаги қоидалар қандай қилмишлар маълум бир жазо чоралари турларини қўллашга олиб келишини аниқ кўрсатиши шарт, боз устига, у жазонинг кенг қамровини, яъни огоҳлантириш каби арзимаган чоралардан тортиб то судья учун жиддий оқибатга эга бўлган жазо турларини жумладан, ўз мансабидан вақтинча четлатиш, бошқа ишга ўтказиш ёки умуман вазифадан озод қилишни назарда тутиши керак. Бундай жазо турлари ҳуқуқбузарликнинг жиддийлик даражасига тенг бўлиши шарт.

## ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ: ХАЛҚАРО ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҲАМДА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**НУРИДУЛЛАЕВ Аслиддин Аҳрорович,**  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
Ҳарбий-техник институти доценти,  
юримдик фанлар номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этилди. Мақолада Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Аннотация:** В статье проведен сравнительно-правовой анализ законодательства Республики Узбекистан и зарубежных стран в сфере уголовно-правовой охраны окружающей среды. В статье разработаны предложения по повышению эффективности уголовно-правовой охраны окружающей среды в Республике Узбекистан.

**Abstract:** The article contains a comparative-legal analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries in the sphere of criminal-legal protection of environment. The article elaborated proposals for the increasing the efficiency criminal-legal protection of environment.

**Калит сўзлар:** жиноий жавобгарлик, атроф-муҳит, экология, экологик жиноят, юридик шахс жавобгарлиги

**Ключевые слова:** уголовная ответственность, окружающая среда, экология, экологическое преступление, ответственность юридических лиц.

**Key words:** criminal liability, environment, ecology, ecological crime, legal entity liability.

Иқтисодий ривожланган давлатлар қонунчилигида қатъий ёки мутлақ жавобгарлик институти, яъни ошиқча хавф манбаи мулкдорининг жавобгарлиги ҳам кўзда тутилган. Англо-саксон ҳуқуқиға биноан, ушбу институтнинг ўзига хослиги шундаки, у зарар мулкка етказилганда қўлланилади. АҚШ умумий ҳуқуқи ва қонунчилигиға биноан, мезон бўлиб,

хавфли фаолият хизмат қилади. Қонунчиликда хавфли фаолият турлари рўйхати келтирилган бўлиб, уларни белгиланган қоидаларни бузган ҳолда амалга ошириш қатъий (айбсиз) жавобгарликка сабаб бўлади. ГФР қонунчилигига мувофиқ, экологик хавфли объектлар тоифаларининг рўйхати мавжуд. У ўзига шу тоифа манбаларнинг 120 тоифасини қамраб олади. АҚШнинг “Суперфонд тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, башарти зарар Худо иродасига кўра етказилган бўлса, шахс қатъий жавобгарликдан озод этилади.

Хорижий мамлакатларда экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу юридик шахслар жавобгарлиги билан боғлиқ. Хусусан, бу борада сўнгги йилларда экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахслар жавобгарлиги масаласида турлича ёндашувлар шаклланаётганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, бугунги кунда ташкилотларни экологик ҳуқуқбузарликлар учун жазолаш масаласи Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия, Норвегия, Исландия, Франция, Финляндия, Испания, Дания ва Бельгия каби ривожланган давлатлар қонунчилигида ижобий ҳал этилган бўлса, Шарқий Европа мамлакатларининг айримларида (Польшада, Словакияда 1996 йилдан буён) ташкилотлар учун жавобгарлик қўллаш механизми ишга туширилмоқда, яна баъзиларида (Болгария, Хорватия, Литва, Чехия) ушбу масала қизгин муҳокама предметиға айланган.

Европа Иттифоқининг жинойтчилик муаммолари бўйича Европа қўмитаси 1978 йилда аъзо-давлатлар қонунчилик органларига юридик шахсларни экологик жинойтлар субъектлари сифатида тан олишни тавсия этди. Ушбу тавсиялар Буюк Британияда амалда татбиқ этилмоқда. Мазкур тавсиялар шунингдек, АҚШнинг қатор штатларида ҳам амал қилмоқда. Франция парламенти ҳам ушбу тавсиялардан фойдаланиб, 1992 йил 22 июлда қабул қилинган сўнгги Жинойт кодексида юридик шахсларнинг жинойй жавобгарлигини қуйидаги шартлар асосида тан олди:

1) давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа ҳуқуқ субъектлари амалга ошириши мумкин бўлмаган фаолиятни амалга ошириши натижасида келиб чиққан оқибат учун жинойй жавобгарликка тортилиши истисно этилади;

2) оммавий-ҳуқуқий юридик шахслар, сиёсий партия ва гуруҳлар, касаба уюшмалари ва ҳ.к.ларни тарқатиб юбориш ва суд назорати остиға топширишни истисно этувчи жазо чораларини аниқлаш;

3) юридик шахснинг жинойй жавобгарлиги билан бир қаторда ушбу жинойй қилмиш учун иштирокчи ёки бажарувчи жисмоний шахсларнинг жинойй жавобгарлиги ҳам келиб чиқиши мумкинлигини белгилаш;



4) юридик шахслар учун жисмоний шахсларга нисбатан белгиланган жариманинг беш баравари, рецидив жиноятчилик ҳолатида эса, ўн баравари миқдорида жарима жазосини жорий этиш<sup>1</sup>.

2006 йил 20 январда Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан ташкил этилган конференция якунлари бўйича қуйидаги тавсиялар илгари сурилди: “Россия Федерациясида атроф табиий муҳитнинг оғир ҳолати, боз устига экологик жиноятлар бўйича жиноят ишлари миқдорининг жуда ҳам камлиги юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммосига мурожаат этишни тақозо этади. Бунда ушбу жавобгарлик халқаро конвенциялар томонидан тавсия этилишини, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги эса, РФнинг амалдаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинишига эътибор қаратиш лозим”<sup>2</sup>.

Е.Виноградова юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлигини жорий этишни қўллаб-қувватлаб, “экологик жиноятлар учун қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий санкциялар барча корхона ва ташкилотлар, унинг ходимлари учун экологик зарарли ишлаб чиқариш фаолияти юритишни иқтисодий жиҳатдан зарарли қилиши лозим. Мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилаётган мавжуд жарима санкциялари (уларнинг миқдори жуда ҳам кам) жиноий қилмиш тўғрисида бузилган экологик мувозанатни қайта тиклашга қодир эмас. Юридик шахсларга юкланиши мумкин бўлган жарималар эса, уларнинг миқдори улканлигини ҳисобга олсак, қайта тиклаш функциясини бажаришга қодир бўлади. Юридик шахслар учун таҳлил этилаётган тоифа жиноятлар содир этганлик учун мулкӣ жиноят-ҳуқуқий санкциялар белгилаш қонунда белгиланган жазо мақсадларига янада самарали эришиш имконини беради”<sup>3</sup>.

Ушбу фикрга қарши ғоя тарафдорлари фикрича, кўриб чиқилаётган жиноятларни содир этганлик учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш ҳақиқатта айбдор бўлган жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликдан қутилиб қолишга, қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги сабабли уларга ташкилот фаолияти “ниқоби” остида ҳаракат қилиш имкониятини вужудга келтиришига сабаб бўлиши мумкин<sup>4</sup>.

Хорижий мамлакатларнинг юридик шахслар учун жавобгарлик белгиланган қонунчилик нормаларини ҳамда бу борадаги суд амалиётини ўрганиш асосида юридик шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича учта моделни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

**Биринчи моделда** (Англия, Франция, Дания, Финляндия ва Испанияда) ташкилот аъзоларининг жинояти ташкилот зиммасига

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Франции // Научн. ред. Л.В. Головки, Н.Е. Крылова: Пер. с фр. и предисл. Н.Е. Крыловой. - СПб.: Юридический центр «Пресс», 2002. - С. 43-44.

<sup>2</sup> 10 лет УК РФ: достоинства и недостатки // Государство и право. - 2006. - № 9. - С. 113.

<sup>3</sup> Виноградова Е. Юридические лица должны нести ответственность за экологические преступления // Российская юстиция. 2001. № 8. - С.62.

<sup>4</sup> Лавыгина И.В. Экологические преступления: уголовно-правовая характеристика и проблемы ответственности. Дис. канд. юрид. наук. - Иркутск, 2003. - С.108.

юкланади. Унга асосан ташкилотларга нисбатан жавобгарликни қўллаш учун индивидуал жиноят-ҳуқуқий айбни аниқлаш талаб этилади.

**Иккинчи моделда** (АҚШ, Австралия, Швейцария ва Нидерландияда) эса, жавобгарлик бирон-бир аниқ шахсга йўналтирилмайди, бунда жамоавий жавобгарлик муҳим ўрин тутди.

**Учинчи моделга** (Швеция ва Польша) мувофиқ, самарадорликни таъминлаш мақсадида ташкилотнинг айбини исботлаш талаб этилмайди. У ташкилотларнинг мутлақ жавобгарлигини белгилайди ҳамда унга биноан, ташкилот ўз-ўзидан атроф табиий муҳит учун хавф манбаи, шу боис хавфни амалга ошириш ташкилот зиммасига жавобгарликни юклайди<sup>1</sup>.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бугунги кунга келиб, Австралия, Англия, Бельгия, Венгрия (2001 йилдан), Дания, Исроил, Ирландия, Исландия (1998 йилдан), Канада, ХХР (1997 йилдан), Нидерландия (1976 йилдан), Норвегия (1991 йилдан), Польша (2002 йилдан) Руминия (2004 йилдан), Словения (1999 йилдан), АҚШ, Финляндия (1995 йилдан), Франция (1992 йилдан)<sup>2</sup>, Швейцария (2003 йилдан)<sup>3</sup> каби давлатлар жиноят қонунчилигида мустақамлаб қўйилган.

Аксарият ҳолларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлик субъекти сифатида тан олинишига асос бўлиб, жиноят ҳуқуқининг атроф муҳитни муҳофаза қилишдаги ролини кучайтириш зарурияти хизмат қилган.

Таъкидлаш лозимки, адабиётларда таъкидланганидек, хорижий мамлакатларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш масаласи нисбатан камроқ баҳс-эътирозлар билан кечган<sup>4</sup>.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигининг афзал жиҳатларини асослаб Г.Стессенс қуйидаги сабабларни кўрсатади:

1) ҳозирги кунда жиноятларнинг салмоқли қисми корпорациялар орқали содир этилади ва корпоратив жиноятчиликка қарши курашнинг ягона самарали усули бу бевосита уларга таъсир кўрсатишга қаратилган жазоловчи санкцияларнинг жорий этилишидир;

2) жисмоний шахсларни улар корпорация фаолияти доирасида ва ўз мансаб мажбуриятларини бажариш муносабати билан содир этган ҳаракатлари учун жиноий таъқиб этиш одиллик принципига мувофиқ эмас. Бундан ташқари, бошқарув муаммолари ташкилот ходимларидан бири жавобгарликка тортилгани билан ҳал бўлиб қолмайди;

<sup>1</sup> Сафаров Ж., Урунбаев Д., Аҳмедов Б. Экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари. Илмий рисола / Проф. М.Б.Усмонов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. –Б. 197-198.

<sup>2</sup> Франция ЖК 1992 йилда қабул қилинган бўлсада, 1994 йилдан кучга кирган. Ушбу ўтиш даври мутахассислар ва судьялар корпусининг янги институтларга мослашуви даври бўлган. Бу ҳақда қаранг: Каброяк Р. Кодификации. – М., 2007. – С. 424.

<sup>3</sup> Додонов В. Ответственность юридических лиц в современном уголовном праве // Законность. 2006. № 4. С. 56–59.

<sup>4</sup> Волженкин Б.В. Уголовная ответственность юридических лиц. – СПб., 1998; Павлов В.Г. Субъект преступления. – СПб., 2001.

3) юридик шахслар жавобгарлигининг муқобил моделлари (фуқаролик-ҳуқуқий) жиноят процессидаги сингари процессуал кафолатларни таъминламайди;

4) юридик шахсга жисмоний шахсдан ундирилиши мумкин бўлган жариманинг энг юқори миқдоридан кўпроқ ҳажмда жарима солиниши мумкин, бундан ташқари юридик шахслар судланиш фактига нисбатан таъсирчанроқ бўладилар (ишчанлик обрўсига зарар етади);

5) жиноятчиларни таъқиб этиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ёрдам қоида тариқасида фақатгина жиноят ишлари бўйича амалга оширилади, юридик шахсларнинг жиноий фаолияти эса, гарчанд трансчегаравий хусусият касб этсада, ушбу ҳуқуқий чора таъсир доирасидан четда қолади<sup>1</sup>.

Юридик шахслар жиноий жавобгарлиги институтини танқид қилувчилар бундай жавобгарликнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини турли асосларда исботлашга ҳаракат қиладилар. Жумладан, англо-саксон ҳуқуқ тизими вакиллари ушбу институтда бирон-бир амалий мазмун кўришмаслигини таъкидлашади, чунки мазмунан мулкый жавобгарлик корпорацияга маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий институтлар ёрдамида юкланиши мумкин ҳисобланади<sup>2</sup>. Романо-герман ҳуқуқ тизими вакиллари эса, жиноий жавобгарлик шахсий айб принципига асосланади ва бу шахснинг қилмишга нисбатан руҳий муносабатини англатади. Шундай экан, тана ва руҳга эга бўлмаган корпорациянинг айби тўғрисидаги сўз бўлиши мумкин эмас<sup>3</sup>.

Бироқ, жиноят-ҳуқуқий доктрина вакилларида ушбу масала юзасидан яқдилликнинг йўқлиги мазкур институтнинг бир қатор романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларга киритилишига ҳалал бермади. Хусусан, К. де Маглининг фикрича, ушбу мамлакатларда уч асосий ёндашувни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Биринчи ёндашув айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, юридик шахсларни ҳар қандай жиноятнинг субъекти сифатида тан олишни кўзда тутди (бундай ёндашув Австралия, Бельгия, Буюк Британия, Канада ва Нидерландия

<sup>1</sup> Stessens G. Corporate Criminal Liability: A Comparative Perspective // International & Comparative Law Quarterly. 1994. № 43. P. 493–520. О целях уголовной ответственности коллективных образований см. также: Dine J. Company Law. Third Edition. London, 1998. P. 38–39.

<sup>2</sup> Khanna K.S. Corporate criminal Liability: what purpose does it serve? // Harvard Law Review. 1996. Vol. 109. № 7. P. 1477–1534. Қаранг: “Агарда давлат юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгиласа, у шу билан гарчанд етарли даражада муҳофазаланмаган бўлсада, илгаридан мавжуд бўлган манфаатларни муҳофаза қилиш қуролини такомиллаштиради” (Джекебаев У.С. Об уголовной ответственности юридических лиц // Известия Национальной академии наук Республики Казахстан. Серия общественных наук. 1993. № 4. С. 76). Шунингдек, турлича ёндашувлар ҳақида қаранг: Михеев Р.И., Корчагин, А.Г., Шевченко А.С. Уголовная ответственность юридических лиц: за и против. – Владивосток, 1999. – С. 13.

<sup>3</sup> В.Г.Павлованинг фикрича мазкур ҳолатда “биз биринчи навбатда миллий жиноят ҳуқуқининг асосий ўзак принципларидан бўлган – жавобгарликнинг шахсий ва айбдорлик принциплари ҳақида гапира оламиз. Жиноят ҳуқуқининг бошқа принцип ва турли институтлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу принципларнинг ўзгармаслиги юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ дея олмаймиз. Шу билан боғлиқ ҳолда А.В.Наумовнинг юридик шахсларнинг жавобгарлиги принципи шахсий айбдорлик жавобгарлиги принципи билан биргаликда мавжуд бўла олади ва уни муҳим янгича мазмун билан тўлдиради”, деган фикрига қўшила оламиз (Павлов В.Г. Кўрс. асар. Б. 265).

каби давлатлар қонунчилигида кузатилади). Иккинчи ёндашув юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноятларнинг аниқ рўйхатини белгилаб қўйишни кўзда тутди (бундай ёндашув АҚШда амалга оширилган). Учинчи ёндашув юридик шахсларни аниқ ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш имкониятини назарда тутди (бундай ёндашув Франция қонунчилиги учун хос).

Учинчи ёндашув шундаки, юридик шахсларнинг аниқ қилмишлар учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги қонун даражасида белгиланади (масалан, Францияда). Хусусан, Франция ЖК Умумий қисмида юридик шахсларни ЖК Махсус қисмида бевосита назарда тутилган ҳолларда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги кўзда тутилган<sup>1</sup>.

Англо-саксон ҳуқуқига мансуб давлатларда жиноят учун юридик шахсларнинг айби масаласи аллақачон ижобий ҳал қилинган. Шу боис, бу ҳолатда сўз асосан нисбатан муносиб ва мақсадга мувофиқ бўлган доктринани танлаш устида боради. Аксарият романо-герман ҳуқуқи давлатларида ҳозирга қадар юридик шахслар жиноят содир этишда айбдор бўлишлари мумкинми, деган муаммо кескин бўлиб қолмоқда<sup>2</sup>. Чунки, айнан сўнгги масала МДХ давлатлари жиноят-ҳуқуқий доктринаси учун ҳам марказий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу Атроф муҳитни жиноят ҳуқуқий усуллар воситасида муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция талабларини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга<sup>3</sup>.

Ушбу конвенциянинг 9-моддаси биринчи бандига мувофиқ, “Тарафлардан ҳар бири башарти 2-3-моддаларда қайд этилган жиноят юридик шахслар номидан уларнинг органлари ёки аъзолари ёхуд бошқа аъзолари томонидан содир этилган бўлса, юридик шахсларга нисбатан жиноят ёки маъмурий санкцияларни ёхуд таъсир чорасини қўллаш учун шароитлар яратиш бўйича тегишли зарур чораларни кўради”. Бунда юридик шахсни жиноий жавобгарликка жалб этиш жисмоний шахсларни жиноий таъқиб этишни истисно қилмайди (Конвенциянинг 9-моддаси 2-банди).

Конвенция унинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишда иштирокчи-давлатлар учун кенг эркинлик беради. Хусусан, унинг 9-моддаси 3-бандига мувофиқ, Конвенция иштирокчилари Европа Кенгашининг Бош котибинини тегишли тарзда хабардор қилган ҳолда “ушбу модданинг биринчи параграфини ёки унинг бошқа ҳар қандай қисмини қўлламасликка ёхуд ушбу модда қоидаларини фақатгина аризасида кўрсатилган жиноятларга нисбатан қўллашга

<sup>1</sup> Cristina De Maglie. Models of Corporate Criminal Liability in Comparative Law // Centennial Universal Congress of Lawyers Conference-Lawyers and Jurists in the 21st Century. Wash., 2005. № 4. P. 547, 552.

<sup>2</sup> Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право М., 2004. С. 136–142; Жалинский А.Э., Рерихт А.А. Введение в немецкое право. М., 2001. С. 590.

<sup>3</sup> Дубовик О.Л. Предисловие к изданию на русском языке // Экологическая преступность в Европе. Пер. с англ. / Отв. ред. перевода О. Л. Дубовик. М., 2010. С. 5–13.

ҳақли”. Бу келишув Европа Иттифоқи аксарият мамлакатларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тан олинмаслиги муносабати билан қилинган<sup>1</sup>. Шу туфайли Европа Иттифоқи мамлакатларининг Конвенция қоидаларини миллий қонунчиликка татбиқ этилиши даражаси ҳар хил.

Конвенцияни ижро этиш мақсадида бир қатор Европа мамлакатларида ташкилотларнинг экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлигини белгилловчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Словения Республикасида 1999-2000 йилларда тегишли қонун қабул қилинди<sup>2</sup>. Ушбу қонун Словения ЖКга инкорпорация қилинмаган, балки ЖК умумий қоидаларини юридик шахсларга нисбатан қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берди. Хусусан, қонун юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий жавобгарлик турларини (жарима, мулкни мусодара қилиш, фаолиятни тугатиш – 12-модда), юридик шахслар жиноий жавобгарликка тортиладиган жиноят турларини (25-модда), шунингдек, жиноят-процессуал нормаларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини (42-модда) кўзда тутди.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги “*societas delinquere non potest*” принципи таъсирида мустақил институт сифатида тан олинмаган давлатларда, экологик қонунчиликни бузган юридик шахсларга нисбатан жиноят ишини юритишда жиноят-процессуал нормаларни қўллашни кўзда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Жумладан, Венгрияда махсус ҳужжат билан компания ходимлари томонидан жиноят содир этилганда, компанияга нисбатан жиноят-процессуал нормалар асосида қўлланиладиган жавобгарлик турлари белгиланган. Шу билан бирга ушбу ҳужжатда мазкур нормалар қайси жиноят таркибларига нисбатан қўлланилиши аниқлаштирилмаган<sup>3</sup>.

Бундай ёндашув шунингдек, Финляндия, Швеция ва Латвия каби давлатлар учун ҳам хосдир. Ушбу мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги юридик шахсларга нисбатан, башарти улар томонидан экологик жиноят содир этилганда қўлланиладиган ўзига хос жавобгарлик чораларини (корпоратив жарима—*corporate fine*) белгилайди, бироқ ушбу жавобгарлик чорасининг қўлланилиши юридик шахсни жиноий жавобгарликка ҳам тортилишини истисно қилмайди<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Айрим хорижий манбаларда қайд этилишича, тарихан юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги Франция, Нидерландия, Дания, Бельгия, Швейцария, АҚШ, Канада, Хитой каби давлатларда тўлақонли институт сифатида амал қилиб келади (Қаранг: Rone D. Legal Scientific Research on Institute of Criminal Lia-bility of Legal Entities in Eight Countries – Nordic Countries (Finland, Sweden, Norway, Iceland And Denmark) and Baltic Countries (Latvia, Lithuania And Estonia). Riga, 2006. P. 3.)

<sup>2</sup> Liability of Legal Persons for Criminal Offences Act // Official Gazette of the Republic of Slovenia. Nos. 59/99, 12/2000.

<sup>3</sup> Bándi G. Liability and Sanctions, Criminal Liability in Hungary // Environmental Crime in Europe: Rules Of Sanctions / Françoise Comte, Ludwig Kramer (eds.). Europa Law Publishing, 2004. P. 125.

<sup>4</sup> Каленченко М.М. Уголовная ответственность юридических лиц за экологические преступления: зарубежный опыт и постановка проблемы // Актуальные проблемы экологического права: Труды Института государства и права Российской академии наук. Ответственные редакторы: д.ю.н., проф. М.М.Бринчук, д.ю.н., проф. О.Л.Дубовик. – Москва, 2010. – №2. – С. 173-184.

Шундай қилиб, ҳаттоки юқоридаги Конвенциянинг қабул қилинганидан кейин ҳам Европа Иттифоқи мамлакатларида юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлиги масаласида ягона ёндашув шаклланмади, бу эса, жиноят ҳуқуқи ривожланишига таъсир қилувчи мураккаб жараёнларни ифодалайди. А.Э.Жалинский таъкидлаганидек, бу бир томондан жиноят ҳуқуқининг амалдаги нормаларини мамлакат ҳаётининг конституциявий асосларига мувофиқлаштириш, бошқа томондан уни ўз вақтида жамият эҳтиёжларига мувофиқлаштириш заруриятида ифодаланади. Ваҳоланки, ушбу икки йўналиш бир-бирига қарама-қарши туради<sup>1</sup>.

Шундай бўлсада, 2008 йил 19 ноябрда Европа парламенти ва Европа Кенгаши томонидан “Атроф муҳитни жиноят ҳуқуқи воситасида муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2008/99/ЕИ сонли Директива қабул қилинди<sup>2</sup>. У ўзида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига (6-модда) ва жазо турларига (7-модда) нисбатан кўрсатмаларни белгилайди ва бу Европа Иттифоқининг замонавий жиноят-ҳуқуқий сиёсати тенденцияларини ифодалайди.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини таҳлил қилишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1) қайси юридик шахслар (ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкӣ тегишлилиги) жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин;

2) ушбу субъектлар қайси жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилиши лозим;

3) жисмоний шахсларнинг қандай қилмишлари жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин ҳамда уларнинг қилмишни содир этиш жараёнидаги руҳий ҳолати қандай мезонларга жавоб бериши даркор;

4) жиноий таъқиб этиш доирасида қандай санкциялар қўлланилиши мумкин ва уларнинг қандай муқобил турлари мавжуд<sup>3</sup>.

Кўрсатилган масалалар доирасининг мураккаблиги ва ишланмаганлиги туфайли қуйида субъектга тааллуқли айрим масалаларни кўриб чиқамиз, шунингдек жиноят субъекти сифатида юридик шахсларнинг айбини тадқиқ этишнинг айрим йўналишларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги соҳасидаги қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот олиб боришда адабиётларда ушбу субъектларни қоида тариқасида юридик шахс деб эътироф этишларини кўришимиз мумкин. Фикримизча, бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки, ҳуқуқ назарияси ҳуқуқ субъектларининг икки гуруҳи фарқланади: фуқаролар ва ташкилотлар.

<sup>1</sup> Жалинский А.Э. Уголовное право в ожидании перемен: теоретико-инструментальный анализ. 2-е изд. – М., 2009. С. 19.

<sup>2</sup> Directive 2008/99/EC of the European Parliament and the Council of 19 November 2008 on the protection of the environment through criminal law // О. J. 6.12.2008. L. 328/28–31.

<sup>3</sup> Каленченко М.М. Уголовная ответственность юридических лиц за экологические преступления: зарубежный опыт и постановка проблемы // Актуальные проблемы экологического права: Труды Института государства и права Российской академии наук. Ответственные редакторы: д.ю.н., проф. М.М.Бринчук, д.ю.н., проф. О.Л.Дубовик. – Москва, 2010. – №2. – С. 173-184.

Бироқ, бундан ташқари “давлат, маъмурий-худудий бирлик, сайлов округи ва ҳ.к. каби ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий тузилмалар” ҳам алоҳида гуруҳга ажратилади<sup>1</sup>.

С.С.Алексеевнинг фикрича, ташкилотлар икки асосий сифатда чиқиши мумкин, яъни:

1) раҳбариятнинг ҳокимият функцияларини амалга ошираётган субъектлар<sup>2</sup> (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳокимият ваколатларига эга бўлган жамоат ташкилотлари);

2) оператив-ҳўжалик юритиш ва ижтимоий-маданий фаолият субъектлари (улар сирасига давлат, саноат ва савдо ташкилотлари, истеъмолчилар уюшмаси ташкилотлари киради)<sup>3</sup>.

Келтирилган назарий қоидалар “юридик шахс” асосан фуқаровий-ҳуқуқий категория сифатида қўлланилиши тўғрисидаги хулосага келиш имконини беради<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги деганда, биз фақатгина юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган ташкилотларнинг жавобгарлигини кўзда тутамиз. Зеро, юридик шахслар тижорат фаолиятини ҳам, оммавий функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин бўлиб, уларни жиноят субъекти сифатида тан олиш ёки олмаслик масаласини ушбу соҳадаги жиноят сиёсатини шакллантириш жараёнида ҳал қилинади<sup>5</sup>.

Юридик шахсларни жиноят субъекти сифатида тан олиш тўғрисидаги масалага келадиган бўлсак, ушбу масаланинг моҳиятига етиш учун қисқача тарихга мурожаат этиш ўринли бўларди. Чунки, Собиқ Иттифоқ даврида жиноят ҳуқуқида юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлигига нисбатан салбий муносабат билдирилган. Буни қуйидаги қайдларда ҳам кузатишимиз мумкин:

1) “буржуазия давлатларининг замонавий қонунчилигида юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлигига йўл қўйилган”;

2) “АҚШда юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлигидан авваламбор сиёсий мақсадларда фойдаланилади”;

3) “совет жиноят ҳуқуқида юридик шахсни жиноят субъекти сифатида тан олишни таъқиқловчи бирор бир махсус норма йўқ, бироқ

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Общая теория права: Учебник. 2-е изд. – М., 2008. – С. 383.

<sup>2</sup> Ушбу субъектлар адабиётларда оммавий ҳуқуқ юридик шахслари сифатида эътироф этилади. В.Е.Чиркиннинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқидаги юридик шахсларга берилган таъриф гарчанд универсал ҳисоблансада, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари каби юридик шахслар хусусиятларини қамраб ололмайди. Қаранг: Чиркин В.Е. Юридическое лицо публичного права. – М., 2007.

<sup>3</sup> Алексеев С.С. Кўрс. асар. – Б. 388.

<sup>4</sup> Юридик шахсларни бундай тушуниш “Атроф муҳитни жиноят ҳуқуқи воситасида муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2008/99/ЕИ Директивасида ўз аксини топган (2-модда § d).

<sup>5</sup> Маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини тушунишдаги турли ёндашувлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида қаранг: Панкова О.В. Настольная книга судьи по делам об административных правонарушениях: Науч.-практ. пособие / Под ред. Н.Г. Салищевой. – М., 2009. – С. 73–75.

Жиноят қонунчилиги асосларидан жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўлиши мумкинлиги англашилади”<sup>1</sup>.

Замонавий босқичда жиноят-ҳуқуқий доктринада бўлиб ўтган узоқ муддатли тортишувлар натижасида ушбу масала бўйича турли ёндашувлар шаклланди. Хусусан, А.И.Рарогнинг фикрича, юридик шахсни айрим жиноятларнинг субъекти сифатида тан олиш масаласи янги иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда янада чуқурроқ ўрганилиши лозим. У шунингдек, “юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларини моделлаштириш тажрибасидан жиноят ҳуқуқида ҳам фойдаланиш мумкин”<sup>2</sup>, деб ёзади<sup>3</sup>.

Шу маънода мамлакатимизда ҳам юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши тизимини жорий этиш ҳамда бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур. Зеро, корхона айби билан етказилган зарарни якка шахс томонидан тўланиши ва умуман, корхона фаолияти учун фақат якка шахс (шахслар)нинг ўз мулки билан жавоб бериши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бу соҳани ислоҳ қилган ҳолда жавобгарликнинг жарима турини қўллаган ҳолда мазкур корхоналарни жавобгарликка тортиш механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>. Бироқ, бунда юридик шахсларни барча жиноятларнинг субъекти сифатида тан олиш (англо-саксон ҳуқуқи давлатлари сингари) мақсадга мувофиқ бўлмай, уларнинг айрим тоифа жиноятлар, шу жумладан экологик жиноятлар учун жавобгарлигини мустаҳкамлаш лозим.

Хорижий мамлакатларда экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка оид нормаларини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизда такомиллаштиришга тааллуқли бўлган куйидагича хулосаларга келишимиз мумкин:

**Биринчидан,** хорижий мамлакатларда айнан экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги борасида муҳим ютуқларга эришилган. Таъкидлаш лозимки, МДҲ мамлакатлари, шу жумладан мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини

<sup>1</sup> Советское уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. Г.А.Кригера, Н.Ф.Кузнецовой, Ю.М.Ткачевского. 2-е изд. – М., 1988. – С. 88.

<sup>2</sup> Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: Учебник / Под ред. А.И. Рарога. 2-е изд. – М., 2004. – С. 201.

<sup>3</sup> Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши масаласи бўйича қонунчиликнинг ҳолати тўғрисида қаранг: Овчарова О.Е. Материально-правовые проблемы административной ответственности юридических лиц (к проекту Кодекса Российской Федерации об административных правонарушениях) // Государство и право. 1998. № 7. С. 14.; Колесниченко Ю.Ю. Некоторые вопросы административной ответственности юридических лиц // Журнал российского права. 1999. № 10. С. 76–78.

<sup>4</sup> Сафаров Ж.И. Экология ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахс жавобгарлигини белгилаш: назарий ва амалий муаммолар таҳлили // Магистрантларнинг илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДҲОИ, 2008. – №2. – Б.211-214.; Сафаров Ж.И. Экологик қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарлик: муаммо ва мулоҳаза // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДҲОИ, 2010. – Б. 313-317.; Сафаров Ж.И. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5 (05). – Б. 60-63.



белгилаш имконияти хусусида фикр-мулоҳазаларга дуч келиш мумкин<sup>1</sup>. Шу маънода фикримизча, мамлакатимизда ҳам юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши тизимини жорий этиш ҳамда бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур. Зеро, корхона айби билан етказилган зарарни якка шахс томонидан тўланиши ва умуман, корхона фаолияти учун фақат якка шахс (шахслар)нинг ўз мулки билан жавоб бериши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бу соҳани ислоҳ қилган ҳолда жавобгарликнинг жарима турини қўллаган ҳолда мазкур корхоналарни жавобгарликка тортиш механизминини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчидан**, экологик жиноятларга қарши курашда қўлланиладиган рағбатлантирувчи ва таъсир чораларидан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш ҳам самарали бўлиши мумкин. Зеро, юртимизда бозор иқтисодиёти шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда тадбиркорларни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга рағбатлантириш ижобий натижа бериши табиий.

**Учинчидан**, табиатдан фойдаланувчиларнинг экологик-ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган талаблар ҳам алоҳида илмий қимматга эга. Жумладан, табиатдан фойдаланувчилар учун давлат томонидан махсус ўқув курсларининг ташкил этилиши ҳам фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий онгини оширишда ва экологик жиноятларни профилактика қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўларди<sup>2</sup>.

Мухтасар айтганда, атроф табиий муҳит ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги хорижий қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш шубҳасиз катта қизиқиш уйғотади, зотан уларнинг ижобий тажрибаси миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Якубов А.С., Рустамбоев М.Х., Каракетов И.М., Усмоналиев М. “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жазо тўғрисидаги қонунчилигининг концепцияси”. Ўзбекистон Республикаси янги кодекслари: назария ва амалиёт. – Тошкент, 1994. – Б. 21-31.; Якубов А.С. Правовая основа учения о преступлении: предпосылки, реальность, перспективы: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Ташкент, 1996. – С. 37-39.; Якубов А.С. Иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви даврида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммоси / Конституция: иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари. – Тошкент, 1995. – Б. 34-36.; Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Қишлоқ хўжалигида атроф табиий муҳитни ифлосланттирганлик учун жиноий жавобгарлик / “Қишлоқ хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 75-82.; Сафаров Ж. Экологик қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарлик: муаммо ва мулоҳаза / “Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. - Б. 313-317.; Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. – М., 2002. – 7–25-б.; Овчарова Е.В. Материально-правовые проблемы административной ответственности юридических лиц // Государство и право. 1998. №7. – 14-б.

<sup>2</sup> Сафаров Ж.И. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликни такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. – Тошкент, 2011. – №5 (05).– Б. 60-63.

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРОКУРАТУРАСИ КАДРЛАР ЗАҲИРАСИНИ ЯРАТИШДА ПСИХОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ ХИЗМАТИ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ТАТБИҚИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

**САТТАРОВ Эркин Ниязметович,**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Академияси бўлим бошлиғи, психология

фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мазкур мақолада Россия Федерациясида давлат хизмати прокуратура учун кадрлар, айниқса раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш тажрибаси ушбу илғор амалиётни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Айниқса, Россия Федерацияси прокуратураси кадрлар билан ишлаш тизимида прокуратура фаолиятини психологик таъминлаш хизматининг алоҳида ўрни борлиги, психологик хизматнинг раҳбар кадрларни танлаш, ўқитиш ва психологик ҳамроҳлик қилиб боришни тўғри ташкил қилганлиги натижасида заҳира кадрлар билан ишлаш самаралилиги кўрсатиб берилган. Прокуратура тизимида ишга қабул қилишга номзодларни профессионал яроқлилиги бўйича тоифаларини аниқлаш имкониятлари ва бундай психологик технологиянинг кадрлар билан, раҳбар кадрлар заҳираси билан ишлашда юқори аҳамиятга эгалиги кўрсатилган.

**Аннотация:** В данной статье изучен и analyzed опыт Российской Федерации по подготовке кадров, в том числе резерва руководящих кадров для госслужбы/прокуратуры с целью возможности применения передовой практики в условиях Узбекистана. В статье отмечено особое место психологической службы в системе работы с кадрами прокуратуры РФ, показана эффективность работы с резервом кадров для прокуратуры, которая достигается благодаря правильной организации психологического отбора, обучения и психологического сопровождения резерва руководящих кадров прокуратуры. Показана возможность определения по категориям по профессиональной пригодности претендентов на службу и руководящие должности в системе прокуратуры, а также доказано огромная значимость такой системы в работе с резервом руководящих кадров.

**Abstract:** In this article, the experience of the Russian Federation in training personnel, including the reserve of leading personnel for the civil service / prosecutor's office has studied and analyzed with the aim of the possibility of applying best practices in the conditions of Uzbekistan. The article emphasizes the special role of psychological service in the system of work with personnel of the prosecutor's office of the Russian Federation; it also shows the efficiency of working with a reserve personnel for the prosecutor's office, which is achieved through appropriate organization of psychological selection, training and psychological support for the reserve of leading personnel of the prosecutor's office. The possibility of determining applicants for service and senior positions in the prosecution system by categories of professional suitability is described, and the great importance of such a system in working with a reserve of senior personnel is proved.

**Калит сўзлар:** психологик профессионал танлов, психологик ҳамроҳлик қилиб бориш, профессионал яроқлилиқ, профессионал муҳим сифатлар, базавий талаблар, давлат хизматчисининг профессионализи, компетенциялар.

**Ключевые слова:** психологический профессиональный отбор, психологическое сопровождение, профессиональная пригодность, профессионально

*важные качества, базовые требования, профессионализм госслужащего, компетенции.*

**Key words:** *psychological professional recruitment, psychological escorting, professional suitability, professionally essential qualities, basic requirements, professionalism of a civil servant, competencies.*

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси олдида Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан қўйилаётган жиддий ва мураккаб вазифалар прокуратура тизимида ходимлар заҳирасини, айниқса, прокуратура органлари раҳбарлари заҳирасини яратиш тизимига ҳозирги замон ўзгаришлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қараш заруриятини қўймоқда. Бу эса прокуратура бошқарув кадрлари заҳирасини яратиш тизимини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари илғор тажрибасига асосланган ҳолда қайта кўриб чиқиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Биз ушбу мақоламизда Россия Федерацияси прокуратура органларида раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантиришда психологик таъминлаш хизмати тажрибасини таҳлилий ўрганишни мақсад қилиб белгиладик.

Бундай 20 йиллар олдин Россия Федерациясида прокуратура ва унинг органлари ҳамда ташкилотлари фаолиятини психологик таъминлаш тизими ташкил этилган ва у самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.<sup>1</sup> Юридик психология вакиллари В.В.Романов ва М.В.Крозлар<sup>2</sup> томонидан “Прокуратура органлари кадрлар хизмати психологининг лавозим инструкцияси”<sup>3</sup> ва “Россия Федерацияси прокуратура органларига хизматга номзодларни профессионал психологик танлаш бўйича йўриқнома”<sup>4</sup> каби ҳужжатлар тайёрланган. В.В.Глибовецнинг мақоласида кўрсатилганидек, РФ прокуратураси психологик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларига: “хизматга номзодларни профессионал психологик танловдан ўтказиш; ходимларга лавозимга кириш жараёнида ва кейинги хизмат давомида психологик ҳамроҳлик қилиб бориш; лавозимга тавсия этиш заҳирасига киритилган ва раҳбарлик лавозимларига тайинланаётган ходимларни профессионал психологик танловини ўтказиш; ўзига бириктирилган қуролни олиб юриш ва сақлашга рухсат бериш масаласи ҳал қилинаётганда ходимларни чуқурлаштирилган психодиагностик текширишдан ўтказиш; прокуратура органлари бўлинмалари ва ташкилотларида ахлоқий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; психология соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган энг мураккаб ишларни тергов қилиш устидан назоратни амалга оширадиган

<sup>1</sup> Глибовец В.В. Психологическое обеспечение деятельности органов и учреждений прокуратуры Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ, 2012, №1(27), стр.39-44.

<sup>2</sup> Кроз, М. В. Система психологической оценки прокурорских работников. Дисс. по ВАК РФ 19.00.06, кандидат психологических наук 1999, Москва.239 с. <https://www.disserscat.com/content/sistema-psikhologicheskoi-otsenki-prokurorskich-rabotnikov>

<sup>3</sup> Должностная инструкция психолога кадровых служб органов прокуратуры. М., 1997.

<sup>4</sup> Руководство по профессиональному психологическому отбору кандидатов на службу в органах прокуратуры Российской Федерации. М., 1994. Электрон ресурс

ходимларга психологик ёрдам кўрсатиш; судларда давлат айбловини қўллаб–қувватлашни таъминлайдиган ходимлар билан психологик иш олиб бориш; прокурор ходимларнинг психологик–педагогик билимларини ошириш, уларда самарали кундалик фаолият кўникмаларини шакллантириш; қабул қилинаётган бошқарув қарорларини психологик баҳолаш; прокуратура институтларига киришга ва бошқа таълим муассасаларининг юридик факультетларининг мақсадли ўринларига номзод абитуриентларни профессионал психологик танловдан ўтказиш, ўқув-тарбиявий жараёни психологик ҳамроҳлик қилиб олиб бориш; прокуратура органлари ва ташкилотлари пенсионерлари билан, ходимларнинг оила аъзолари билан индивидуал-коррекцион иш олиб бориш” тааллуқли<sup>1</sup>.

Тасдиқланган Низомга мувофиқ “прокуратура органларида психологик танлов прокуратура органлари фаолиятини психологик таъминлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, кадрларни профессионал танлашнинг турларидан бири ҳисобланади. Психологик танлов жараёнида прокуратура органларига хизматга ёки таълим муассасасига ўқишга қабул қилинаётган номзоднинг шахсини комплекс ўрганиш, унинг профессионал яроқлилигини аниқлаш амалга оширилади. Номзод шахсини ўрганиш натижаларини баҳолаш қуйидаги асосий ўлчамлар (критерийлар): ахлоқий сифатлари, ижтимоийлашуви, ижтимоий фаоллиги, интеллекти, ақлий ишчанлик қобилияти даражаси, дунёқараши ва қизиқишлари кенглиги, коммуникатив ва ташкилотчилик сифатлари, характерологик хусусиятлари, фаолиятининг етакчи мотивлари билан бирга шахснинг мотивацион соҳаси, мураккаб фаолият шароитларида нерв-психик турғунлик даражаси, профессионал йўналганлиги бўйича амалга оширилади. Алоҳида эътибор прокурор ходими касбига номзоднинг адаптив имкониятларини пасайтирувчи нохуш психологик омилларни, ва шунга мос бўлган профессионал яроқсизлик критерийларини аниқлашга қаратилади. Прокуратура органларига хизматга ва таълим муассасаларига ўқишга номзодларни профессионал психологик танлашнинг асосий методлари номзод билан суҳбат, мустақил характеристикаларни таққослаш методи, психологик ўрганиш (тест ўтказиш), кузатиш методи ва номзод шахсий иши материалларини таҳлил қилишдан иборат.

Текшириш жараёни: тайёргарлик босқичини (шахсий иш материалларини таҳлил қилиш, психологик текширишларни қайд қилиш журналида номзодни қайд қилиш ва бошқалар); психологик тестлардан (унинг давомида психологик методикалар, шунингдек, мустақил характеристикаларни таққослаш ва кузатиш методлари қўлланилади) ўтказишни; индивидуал психологик суҳбатни; яқунловчи босқич (хулоса

---

<sup>1</sup>.Глибовец В.В. Психологическое обеспечение деятельности органов и учреждений прокуратуры Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ, 2012, №1(27), стр.39-44

тузиш, зарур холларда номзодни характерловчи бошқа материалларни таҳлил қилиш) ни ўз ичига олади”<sup>1</sup>.

Прокуратура органларига номзодларни танлаш илмий асосланган психодиагностика тизими асосида ўтказилади. Бу тизим баҳолашни ва номзодларни профессионал яроқлилиқнинг турли даражаларидаги тўртта гуруҳи бўйича тақсимлашни назарда тутди: 1- ва 2-гуруҳлар – бу профессионал яроқлилиқнинг юқори гуруҳлари; 3-гуруҳ – прокурорлик-терговчилик мутахассислиги талабларига шартли мос келувчи гуруҳ; 4-гуруҳ эса – профессионал яроқсизлик кўрсаткичларига эга номзодлар<sup>2</sup>.

Россия Федерацияси прокуратураси органларига психологик танлов тўғрисидаги Низомга кўра “Профессионал яроқлилиқнинг биринчи гуруҳига (биринчи навбатда тавсия этилади) профессионал билимлар, кўникмалар ва малакаларни тез ўзлаштириш имконини берадиган, хизмат ва профессионал вазифаларни муваффақиятли, шу жумладан, мураккаб фаолият шароитларида ҳам еча олиш имконини берадиган профессионал муҳим сифатларнинг юқори даражада ривожланганлигига эга номзодлар киради. Профессионал яроқлилиқнинг иккинчи гуруҳига (тавсия этилади) белгиланган муддатда профессионал билимларни, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш, хизмат ва профессионал вазифаларни муваффақиятли ечиш имконини берувчи ўрта даражада ривожланган профессионал муҳим сифатларга эга номзодлар киради. Профессионал яроқлилиқнинг учинчи гуруҳига (шартли тавсия этилади) профессионал билимлар, кўникма ва малакаларнинг зарурий минимумини ўзлаштириш, хизмат ва профессионал вазифаларни оддий шароитларда қониқарли ечиш, лекин лавозим вазифаларини мураккаб фаолият шароитларида муваффақиятли бажаришни таъминламайдиган, профессионал муҳим сифатларнинг ўртачадан паст ривожланганлик даражасига эга номзодлар киради. Профессионал яроқлилиқнинг тўртинчи гуруҳига (тавсия этилмайди) белгиланган вақтда билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг зарурий минимумини эгаллаш ва лавозим вазифаларини бажариш имконини бермайдиган паст даражада ривожланган профессионал муҳим сифатларга эга номзодлар киради”<sup>3</sup>.

Низомга мувофиқ прокуратура ходимининг профессионал муҳим сифатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

“1. Ўз ҳуқуқини таниш ва ахлоқий эътиқоднинг юқори даражаси, ижтимоий аҳамиятли мотивларнинг устунлиги, ҳалоллик, принципи-

<sup>1</sup> Положение «О профессиональном психологическом отборе кандидатов на службу в органы прокуратуры Российской Федерации и обучение в государственные образовательные организации (с изменениями на 22 декабря 2016 года)» // эл.доступ: <http://docs.cntd.ru/document/420241286>

<sup>2</sup> Глибовец В.В. Психологическое обеспечение деятельности органов и учреждений прокуратуры Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ, 2012, №1(27), стр.39-44

<sup>3</sup> Положение «О профессиональном психологическом отборе кандидатов на службу в органы прокуратуры Российской Федерации и обучение в государственные образовательные организации (с изменениями на 22 декабря 2016 года)» // эл.доступ: <http://docs.cntd.ru/document/420241286>

аллик, ижтимоий ахлоқ нормаларига риоя қилиш, ватанпарварлик, Россия Федерацияси манфаатларига содиқлик.

2. Умумий интеллектуал ривожланишнинг, мантиқий фикрлаш ва хулоса қилишга, информацияларни аниқ ифодалашга бўлган қобилиятларнинг етарли даражаси, тафаккурнинг чуқурлиги. Оғзаки нутқнинг тўғрилиги, тушунарлилиги, ифодалилиги, ёзма нутқни яхши ўзлаштирганлик. Кенг дунёқараш ва чуқур билимдонлик.

3. Шахснинг етуклиги, қарор қабул қилиш учун, ўз хатти-ҳаракатлари ва қилган иши учун масъулиятни ўзига олиш қобилияти; мустақиллик, юқори даражадаги ўзига нисбатан танқидийлик билан бирга ўз кучларига ишониш, эмоционал турғунлик, мувозанатлилиги, ўз хулқ-атворини ва эмоцияларининг ташқи намоён бўлишини ўзи назорат қила олиши.

4. Ички ташкиллашганлик, ишчанлик, бурч ҳисси, интизомлилиги, топширилган иш учун масъулиятлилиги, ҳаракатчанлик, вазминлик, қатъият, мақсадга интилганлик, сўзини устидан чиқа олишлик ва батартиблик.

5. Юқори даражада ишчанлик, узоқ муддат турли хил оғирлик таъсир қиладиган вазиятларда чидамлилиги, хизмат фаолиятининг зарурий самарадорлигини сақлаб туриш қобилияти.

6. Ўз-ўзига адекват баҳо бериш, конкрет профессионал фаолият жараёнида ўз-ўзини рўёбга чиқариш ва ўз-ўзини ривожлантириш асосида муваффақиятга эришишга бўлган турғун мотивация.

7. Мулоқот жараёнининг турли хил иштирокчилари билан психологик контакт ўрнатиш ва ушлаб туриш қобилияти, хушмуомалалик, одоблилиги, зийраклик, одамларга нисбатан ҳурмат билан, эътиборли, хайрихоҳ муносабат, коммуникатив ўзаро муносабатларнинг эгилувчанлиги, конфликтли вазиятларда адекват хулқ-атвор йўналишини танлаш ва олиб бориш”.<sup>1</sup>

В.Глибовец эътироф этишича, 4-гуруҳ – профессионал яроқсизлар - гуруҳига киритилган 500 дан зиёд номзодлар психологик хулосаларининг таҳлили ўрганилганларнинг прокурорлик хизмати билан мос келмайдиган сифатларининг қуйидаги блокларини фарқлаш имконини берди:

“1. Шахснинг етакчи характерологик хусуиятлари: қайсарлик, ўз-ўзига танқиднинг етишмаслиги ва очиқлик, жиззакилик, безовталики, асосланмаган мохироналик, шубҳалилик, ҳаётий муҳим вазиятларда хулқ-атвор мотивациясининг эгоистик эҳтиёжлар билан асосланганлиги, индивидуализм.

2. Атрофдагилар билан контакт ўрнатаётганда хулқ-атворнинг етарлича эгилувчан эмаслиги, қўполлик ва димоғдорлик кўринишлари, конфликтлилиги; бошқа одамларнинг фикрларини қабул қилмаслик туфайли мулоқотда қийинчиликлар.

---

<sup>1</sup> Положение «О профессиональном психологическом отборе кандидатов на службу в органы прокуратуры Российской Федерации и обучение в государственные образовательные организации (с изменениями на 22 декабря 2016 года)» // эл.доступ: <http://docs.cntd.ru/document/420241286>

3. Иш услубига аниқлик, режалилик, ўйланилганлик етишмаслигининг хослиги, гуруҳда ишлай олмаслик, муаммоларни ечишда юзаки ёндашиш.

4. Якунини башорат қилиш мумкин бўлган ёки жиддий масъулият бўлмаган вазиятларда ўзига ишончли ҳолатда бўлиш, айти пайтда мураккаб вазиятларда доводи раб қолиш элементларининг пайдо бўлиши, маваффақиятсизлик ҳолатида ўзини ушлаб тура олмаслик, жаҳлдорликнинг намоён бўлиши.

5. Хулқ-атворда ахлоқий принципларга риоя қилишга интилишни намоёиш қилиш, айти пайтда кундалик ҳаётда уларни менсимаслик.

6. Аниқ ифодаланган хавотирланиш ва ўзига ишонмаслик. Эмоционал зўриқиш пайдо бўлганда бевосита фикрлар айтиб юбориш ва ихтиёрсиз ҳаракатлар қилиш реакциялари.

7. Узоқ муддатли эмоционал зўриқиш ва жиддий муваффақиятсизликлар бўлганда депрессив реакцияларнинг ривожланиши. Танқид қилувчиларнинг танбеҳига аччиқ билан жавоб қайтариш, кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф эта олмаслик”<sup>1</sup>.

Ҳар бир ўрганилаётган одамга унинг кучли ва кучсиз томонлари кўрсатилади, зарурият бўлганда психологик ҳамроҳлик қилиш индивидуал дастури тузилади, айнан шу туфайли кўпгина прокурор ходимлар муваффақиятли ва ўринли равишда лавозимда кўтарилганлар. Прокуратура органларидаги турли даражадаги раҳбарлар ва лавозимга тайинлаш учун заҳирага қўйилган шахслар билан ишлашнинг асосий йўналишларига муаллиф қуйидагиларни киритади: “1) ўтказилган чуқурлаштирилган профессионал психологик ўрганиш натижалари асосида бўлғуси раҳбарларнинг шахсий касбий муҳим сифатларини аниқлаш; 2) ҳар бир номзод учун уни ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб психологик коррекция индивидуал дастурини ишлаб чиқиш; 3) бошқарув ва шахслараро мулоқот малакаларини, коллективда соғлом ахлоқий-психологик муҳит яратиш ва уни ушлаб туриш кўникмаларини шакллантириш; 4) психологик–педагогик билимларни такомиллаштириш; 5) кундалик ҳаёт ва фаолият муаммоларини ечишда конкрет ёрдам кўрсатиш; 6) прокурорлик коллективларининг энг яхши раҳбарлари илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш, устоз-шогирдликни ривожлантириш; 7) раҳбарлар учун турли тоифадаги ходимлар билан индивидуал-тарбиявий ишларни ташкил қилиш ва олиб бориш масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларга юбориш”<sup>2</sup>.

М.В.Галантэнинг диссертацион тадқиқотида лавозимга киришаётган давлат хизматчиси учун қуйидаги базавий талаблар келтирилади, булар: етуклик, давлат ёндашуви, ишчанлик, тадбиркорлик, компетентлик, хизмат этикаси. М.Галантэ эътироф этишича, “давлат хизматчисининг

<sup>1</sup>Глибовец В.В. Психологическое обеспечение деятельности органов и учреждений прокуратуры Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ, 2012, №1(27), стр.39-44.

<sup>2</sup>Глибовец В.В. Психологическое обеспечение деятельности органов и учреждений прокуратуры Российской Федерации // Вестник Академии Генеральной прокуратуры РФ, 2012, №1(27), стр.39-44.

профессионализи камида тўртта сифатнинг мавжудлиги билан характерланади: компетентлик (у қанча юқори бўлса, ходимда билим ва тажриба шунчалик кўп бўлади); ташкилотчилик қобилиятлари; ишда аниқлик ва интизомлилик, юқори органлар буйруқларини ўз вақтида бажариш<sup>1</sup>. У яна давлат хизматчисининг касбий шаклланишини таъминлаб берадиган акмеологик ресурслар сифатида намоён бўладиган шахс ва фаолият ҳосилаларини кўрсатади, булар: интеллектуал, бошқарув, психологик ва коммуникатив қобилиятлар; касбий муҳим сифатлар (КМС); фаолият рефлексиясини ташкил қилиш ва шахснинг рефлексив маданияти; касбий ўз-ўзини баҳолаш; креативлик, ижодий ўз-ўзини рўёбга чиқариш; муваффақиятга эришишга бўлган юқори мотивация ва касбий ўз-ўзини рўёбга чиқариш; профессионалликнинг чўққиси (акме) га эришишга интилиш; профессионал онгнинг шаклланиши; индивидуал услуб ва ўз-ўзининг самаралилигининг шаклланиши; шахснинг акмеологик маданияти ва касбий акмеологик компетенциялар асосида шаклланган, акмеологик касбий муҳим сифатлар йиғиндисидан иборат, акмеологик лидерлик ва акмеологик таъсир кўрсатиш шаклида рўёбга чиқадиган касбий акмеологик потенциал”<sup>2</sup>.

Шунингдек, М.В.Галантэ давлат хизматчиларининг турли тоифалари ва лавозимлари учун талаб қилинадиган компетенциялар гуруҳларини, яъни “Профессионализм” критерийси бўйича кўрсаткич-компетенциялар гуруҳларини аниқлаб беради. “Раҳбарлар” (лавозимларнинг юқори гуруҳи) тоифасидаги лавозимлар учун муҳим компетенциялар: стратегик тафаккур; стратегик режалаштириш; бошқарув тайёргарлиги: ваколатлилик; инфор­мацион-таҳлилийлик; ташкилий-ижрочилик; режалаштирувчи; тартибга солувчи-регламентлаштирувчи; назорат-ҳисобга олувчи; координация қилувчи. “Раҳбарлар” (лавозимларнинг асосий гуруҳи) тоифасидаги лавозимлар учун компетенциялар: оператив режалаштириш; бошқарув тайёргарлиги; ваколатлилик; инфор­мацион-таҳлилийлик; ташкилий-ижрочилик; режалаштирувчи; тартибга солувчи-регламентлаштирувчи; назорат-ҳисобга олувчи; координация қилувчи”<sup>3</sup>.

Россияда давлат хизматчиларини баҳолаш амалиётида қуйидаги: биографик метод, ходимларни уларнинг шахсий ва меҳнат биографияси маълумотларига кўра баҳолашдан иборат; ихтиёрий оғзаки ва ёзма характеристикалар тизими, раҳбар томонидан ходимларнинг маълум бир фаолият даврида эришган энг юксак муваффақиятлари ёки хатоларини таърифлашдан ва шунга боғлиқ равишда уларга маълум бир

---

<sup>1</sup>Галантэ,М.В. Акмеологическая оценка как средство оптимизации профессиональной деятельности кадров государственной службы. Москва, 2009 <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskaya-otsenka-kak-sredstvo-optimizatsii-professionalnoi-deyatelnosti-kadrov-gosu/read>

<sup>2</sup> Галантэ.М.В. Акмеологическая оценка как средство оптимизации профессиональной деятельности кадров государственной службы. Москва, 2009 <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskaya-otsenka-kak-sredstvo-optimizatsii-professionalnoi-deyatelnosti-kadrov-gosu/read>

<sup>3</sup> Галантэ.М.В. Акмеологическая оценка как средство оптимизации профессиональной деятельности кадров государственной службы. Москва, 2009 <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskaya-otsenka-kak-sredstvo-optimizatsii-professionalnoi-deyatelnosti-kadrov-gosu/read>



баҳони қўйишдан иборат; ходимнинг маълум бир даврдаги фаолияти натижаларига кўра ишнинг бажарилганлигини баҳолаш; ўз-ўзини баҳолаш; тест ўтказиш каби сифат методларидан кенг фойдаланилади. Аттестация амалиётига эксперт баҳолаш ва кейс-стади каби сифат методлари кенг татбиқ қилинмоқда <sup>1</sup>.

Прокуратурада кадрлар заҳирасинини шакллантириш бўйича Россияда йўлга қўйилган амалиётни эътироф этган ҳолда, айрим муаллифлар ҳам танлов босқичида, ҳам ёш кадрларни ўстириши босқичида эҳтимоли бўлган субъективизм хавфи борлигини таъкидлашади <sup>2</sup>. М.В.Галантэ ўз диссертация тадқиқотида кўрсатганки, шу кунда Россияда шаклланган давлат хизмати амалиёти, давлат хизматчилари турли тоифаларининг касбий-малакавий даражасига қўйилган конкрет талаблардан ташқари, давлат хизматчилари томонидан хизмат фаолиятини профессионал бажарилишини баҳолашнинг якуний мўлжалини бермайди. Бу мўлжаллар ўрнига давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг давлат хизматчиларининг касбий ва ахлоқий сифатлари тўғрисидаги индивидуал тасаввурлари илгари сурилади. Бунда муаллиф, давлат хизматчиларини касбий муҳим сифатлар асосида баҳолаш бугунги кунда деярли ўз имкониятини йўқотган бўлсада, давлат хизматчиси учун зарур бўлган компетенциялар ва сифатларнинг оптимал жамланмасини белгилаш асосий қийинчилик ҳисобланади, кўпроқ талаб қилинадиган ёндашув – бу касбий компетенцияларни комплекс баҳолашга йўналган ёндашув бўлиб бормоқда, деб таъкидлайди. <sup>3</sup>.

Галантэ тадқиқотларида олинган натижалардан прокуратура органлари раҳбар кадрлари заҳирасини шакллантириш, бу жараёнга кенг қамровли ёндашишда амалий фойдаланиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Айрим ҳолатларда дастлабки танлов сифатида умумий касбий саводхонлик тестларидан фойдаланилади. Масалан, Байкал ҳудудлараро табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасига танлов ўтказилганда, қуйида келтирилган бешта билимлар соҳаларининг ҳар биттаси бўйича 8 тадан савол: Россия Федерацияси Конституцияси ва Россия Федерациясининг конституциявий тузилиши асослари тўғрисидаги билимлар; фуқаролик хизмати қонунчилигини билиш; Россия Федерациясининг коррупцияга қарши ҳаракат тўғрисидаги қонунчиликни билиш; Россия

---

<sup>1</sup> Галантэ.М.В. Акмеологическая оценка как средство оптимизации профессиональной деятельности кадров государственной службы. Москва, 2009 <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskaya-otsenka-kak-sredstvo-optimizatsii-professionalnoi-deyatelnosti-kadrov-gosu/read>

<sup>2</sup> Курьшов И.С. К вопросу о формировании кадрового резерва для выдвижения на руководящие должности в органах прокуратуры Российской Федерации // Закон и право. 2018. №11. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-formirovanii-kadrovogo-rezerva-dlya-vydvizheniya-na-rukovodyaschie-dolzhnosti-v-organah-prokuratury-rossiyskoy-federatsii> (дата обращения: 25.07.2019). <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-formirovanii-kadrovogo-rezerva-dlya-vydvizheniya-na-rukovodyaschie-dolzhnosti-v-organah-prokuratury-rossiyskoy-federatsii>

<sup>3</sup> Галантэ.М.В. Акмеологическая оценка как средство оптимизации профессиональной деятельности кадров государственной службы. Москва, 2009 <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskaya-otsenka-kak-sredstvo-optimizatsii-professionalnoi-deyatelnosti-kadrov-gosu/read>

Федерациясининг давлат тили – рус тилини билиш; информацион-коммуникация технологияларни, иш юритиш соҳасидаги билимларни ўз ичига олган 40 та саволдан иборат тест қўлланилади.<sup>1</sup>

Охирги кўп йиллар давомида РАГСНХ акмеология ва касбий фаолият психологияси кафедрасида давлат хизматчисининг шахсий-касбий ривожланишини акмеологик ҳамроҳлик қилиб олиб бориш концепцияси фаол ишланмоқда<sup>2</sup>. Бундай ҳамроҳлик қилиб бориш “профессионал шахсига акме-субъектив ёндашув амалга ошириладиган мақсадга йўналган жараёндан иборатдир”<sup>3</sup>. Ушбу жараён: технологик, коррекцион, консультатив компонентларни ўз ичига олади. Бу жараённинг натижаси давлат хизматчиси томонидан ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришда чўққи (“акме”) га эришиш бўлади.<sup>4</sup> Муаллиф ўз тадқиқотида шакллантирувчи эксперимент ёрдамида давлат хизматчисининг шахсий-профессионал ривожланиши бу ривожланишни акмеологик ҳамроҳлик қилиш олиб бориш билан боғлиқ эканлигини ишончли равишда исботлаб берган.<sup>5</sup>

Шунингдек, Россия прокуратурасида ёш мутахассислар касбий сифатларини ривожлантиришнинг ажралмас шакли сифатида устоз-шогирдлик тан олинган. Устозлар, ҳаётий тажриба ва юксак касбий малакаларга эга инсон сифатида фаол иштирок этишлари ва шахсий намунаси ёрдамида ёш мутахассисларда ижобий сифатларнинг ривожланишига ёрдам берадилар, унда касбий дунёқараш, ижобий ахлоқий сифатлар ва прокурор ходими этикаси нормаларига риоя этишнинг шаклланишига таъсир кўрсатадилар<sup>6</sup>. Айни пайтда устоз-

---

<sup>1</sup> Предварительный тест претендента на замещение вакантной должности федеральной государственной гражданской службы в Байкальской межрегиональной природоохранной прокуратуре <https://baikalproc.ru/predvaritelnyj-test-pretendenta-na-zameshhenie-vakantnoj-dolzhnosti-federalnoj-gosudarstvennoj-grazhdanskoj-sluzhby-v-bajkalskoj-mezhregionalnoj-prirodoohrannoj-prokurature/>

<sup>2</sup> Осипова Е. П. Акмеологическое обеспечение профессионального развития руководителей и специалистов органов законодательной власти РФ: Автореф. дисс.... канд. психол. наук //ЕП Осипова–М. – 2008. <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskoe-obespechenie-professionalnogo-razvitiya-rukovoditelei-i-spetsialistov-organ/read>

Ирхин Ю. В. Значение формирования системы компетенций и мотиваций при подготовке государственных служащих в современных условиях // Вестник ПАГС. 2010. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-formirovaniya-sistemy-kompetentsiy-i-motivatsiy-pri-podgotovke-gosudarstvennyh-sluzhaschih-v-sovremennyh-usloviyah>.

<sup>3</sup> Осипова Е. П. Акмеологическое обеспечение профессионального развития руководителей и специалистов органов законодательной власти РФ: Автореф. дисс.... канд. психол. наук //ЕП Осипова–М. – 2008. <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskoe-obespechenie-professionalnogo-razvitiya-rukovoditelei-i-spetsialistov-organ/read>

<sup>4</sup> Осипова Е. П. Акмеологическое обеспечение профессионального развития руководителей и специалистов органов законодательной власти РФ: Автореф. дисс.... канд. психол. наук //ЕП Осипова–М. – 2008. <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskoe-obespechenie-professionalnogo-razvitiya-rukovoditelei-i-spetsialistov-organ/read>

<sup>5</sup> Осипова Е. П. Акмеологическое обеспечение профессионального развития руководителей и специалистов органов законодательной власти РФ: Автореф. дисс.... канд. психол. наук //ЕП Осипова–М. – 2008. <https://www.dissercat.com/content/akmeologicheskoe-obespechenie-professionalnogo-razvitiya-rukovoditelei-i-spetsialistov-organ/read>

<sup>6</sup> Иванова Е.В. Диагностика и формирование профессионально-личностных качеств у молодых специалистов органов прокуратуры // Вестник магистратуры, 2017, № 9 (72), стр.76-78 <http://www.magisterjournal.ru/docs/VM72.pdf>

шогирдлик билан боғлиқ иккита муаммо кўрсатилади. Биринчи муаммо шундаки, устозлар ўз диққатини ўз қарамоғидаги шогирднинг ишчанлик сифатларига ва тааллуқли соҳада қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини амалга ошириш бўйича танлаган касбини ўзлаштиришига амалий ёрдам беришга йўналтирадилар, айти пайтда ходим шахсига, унинг психологик характеристикаларига, характери ва мотивацияси хусусиятларига етарлича диққат қаратмайдилар. Иккинчи муаммо устозларнинг педагогика ва психология соҳасида назарий тайёргарлиги етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ<sup>1</sup>.

Устозликни ривожлантириш бўйича Россияда конкрет ижобий тажрибани Тула вилояти прокуратураси мисолида кўриш мумкинки, у ерда “Устозлар мактаби” ташкил қилинган бўлиб, бу мактабда устозларни ёш мутахассиснинг ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб (психологик ўрганиш натижаларига асосан) унга нисбатан индивидуал ёндашувни амалга оширишга ўргатадилар, улар билан амалиётдаги қийин вазиятларни муҳокама қиладилар. Прокуратура ёш ходимларини ҳамроҳлик қилиб олиб боришнинг яна битта инструменти прокуратура фахрийлари билан эркин, очиқ суҳбатлар кўринишидаги учрашувлар бўлиб, унинг давомида қийин вазиятларда қандай йўл тутиш кераклиги тўғрисида доно маслаҳатлар олиш мумкин бўлади. Мақола муаллифи кўрсатадики, ёш мутахассисларнинг фахрийлар билан мулоқоти уларнинг устозлар ва бевосита раҳбарлари билан бўлганига қараганда ишончлироқ характер касб этади. Прокуратура органларида ишлаш учун номзодларни касбий психологик танлаш, профессионал фаолиятга мослашиш даврида ёш мутахассисларни психологик ҳамроҳлик қилиб олиб бориш, устозлик институти ва фахрийлик ташкилотлари билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш методларини тўғри бирлаштириб қўллашни мақола муаллифи прокуратура ёш ходими профессионал фаолиятининг фундаменти деб ҳисоблайди.<sup>2</sup>

Россия Федерациясида давлат хизматида, шу жумладан прокуратура соҳасида кадрлар ва раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантиришда психологик таъминлаш фаолиятини таҳлилий ўрганиш натижасида қатор хулосаларга қилиш имкони юзага келди.

1. Россия Федерациясида прокуратуранинг кадрлар заҳирасига психологик танлов махсус ҳужжатлар асосида тартибга солиниб турилиб, уларда прокуратура ходимларининг профессионал муҳим компетенциялари, танлов ва психологик ҳамроҳлик методлари кўрсатиб берилган.

2. Психодиагностика натижаларига кўра кадрлар заҳирасига номзодлар 4 та гуруҳга бўлинадилар, улардан 3 та гуруҳ номзодлари

---

<sup>1</sup> Иванова Е.В. Диагностика и формирование профессионально-личностных качеств у молодых специалистов органов прокуратуры // Вестник магистратуры, 2017, № 9 (72), стр.76-78 <http://www.magisterjournal.ru/docs/VM72.pdf>

<sup>2</sup> Иванова Е.В. Диагностика и формирование профессионально-личностных качеств у молодых специалистов органов прокуратуры // Вестник магистратуры, 2017, № 9 (72), стр.76-78 <http://www.magisterjournal.ru/docs/VM72.pdf>

прокуратура хизматига яроқли деб топилиб, 4-гуруҳ – номзодлар профессионал яроқсиз деб тан олинади.

3. Россиялик мутахассислар давлат хизмати кадрлар заҳирасига танлов жараёнида номзоднинг яроқлилиги тўғрисида психологик хулосани тайёрлашда субъективизм хавфи мавжуд деб ҳисоблайдилар ва бу муаммонинг ечими сифатида шахс сифатларини баҳолашдан профессионал компетенцияларни баҳолашга ўтишни таклиф қиладилар.

4. Россияда прокуратура кадрлар заҳирасига олинган ходимларни профессионал шаклланишини психологик ҳамроҳлик қилиб боришда устозлик ва ва прокурорлик хизмати фахрийлари билан учрашувлар самарали методлар сифатида қаралади. Устоз ўзи педагогик фаолиятнинг бундай турига тайёрланганлиги даражаси устозлик самарадорлигининг асосий шarti бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги хулосалар бизга Ўзбекистон прокуратураси тизимида раҳбар кадрлар заҳирасини шакллантириш ишларини психологик жиҳатдан таъминлаш борасида зудлик билан қилиниши керак бўлган ишлар тизимини белгилаб олишга ёрдам беради. Бу ишларни амалга ошириш эса республика прокуратура органлари учун раҳбар кадрлар заҳирасини яратиш, уларни ривожлантириш ва жой-жойига қўйишда ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

## **АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ЮРИДИК ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СУДЬЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ (тезис)**

**ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродова,**  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти  
доценти, юридик фанлар номзоди

**Аннотация:** Тезисда АҚШ суд тизими, суднинг ваколатлари, судьялар тайёрлаш тартиби, судьяларнинг малакасини ошириш, судьялар тайёрлайдиган юридик таълим муассасалари фаолияти ёртилган.

**Аннотация:** В статье рассматриваются судебная система США, полномочия судебной власти, порядок подготовки судей, повышения квалификации судей, деятельность юридических учебных заведений, занимающихся подготовкой судей.

**Abstract:** The article discusses the US judicial system, the powers of the judiciary, the procedure for training judges, advanced training of judges, the activities of law schools that train judges.

**Калит сўзлар:** ҳокимиятлар бўлиниши, суд тизими, суднинг ваколати, судья, суд таркиби, умумий судлар, ихтисослаштирилган судлар, малака ошириш, юридик таълим, узлуксиз таълим.

**Ключевые слова:** разделение властей, судебная система, юрисдикция суда, судья, судебная система, общие суды, специализированные суды, повышения квалификации, юридическое образование, непрерывное образование.

**Keywords:** *separation of powers, judicial system, court jurisdiction, judge, judicial system, general courts, specialized courts, advanced training, legal education, continuing education.*

Аввало шуни айтиш керакки, АҚШ Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган бўлиб, у дунёда энг қадимий конституциялардан бири ҳисобланади. Буни қайд этишдан кўзланган мақсад шуки, АҚШ Конституцияси давлат-ҳуқуқий тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниши, федерализм ва конституциявий назорат тамойилларини кенг жорий этгани билан ажралиб туради. Шунингдек, давлат олий ҳокимият тизимида суд органи давлатнинг федератив хусусиятидан келиб чиқиб, ташкил этилгани билан ажралиб туради.

Айтиш керакки, АҚШ олий суди суд тизимида алоҳида ўрин тутади. Мамлакат Олий суди тўққиз нафар аъзодан иборат бўлиб, улар Президент томонидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Олий суд Конституциявий назорат органи функциясини бажаргани боис, Конгресс акти, штатлар қонуни ёки суд қарорларини Конституция меъёрларига зид деб топса, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Олий суднинг асосий ваколатига мамлакатнинг икки ёки ундан ортиқ штатлари ўртасидаги низони биринчи инстанция тартибида кўриб чиқиш ҳам киради.

Шунингдек, АҚШ федерал суд тизими билан бирга ҳар бир штатда мустақил суд тизими фаолият юритади. Айтиш керакки, штат судлари томонидан асосан фуқаролик ва жиноят ишларининг асосий қисми кўриб чиқилади. Федерал суд тизими таркибига апелляция, округ ва махсус судлар киради.

Шу ўринда бевосита АҚШ апелляция суди тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, у 1891 йилда Олий суд ва округ судлари ўртасида оралиқ бўғин сифатида ташкил этилган. Мамлакатда ўн битта апелляция округлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида 23 нафар судьядан иборат апелляция судлари фаолият юритади. Шунингдек, апелляция суди Колумбия округида ҳам ташкил этилган.

Бундан ташқари 1982 йилда федерация миқёсида юрисдикцияга эга бўлган апелляция суди ҳам ташкил этилган бўлиб, у патент, божхона ишлари, шунингдек, даъволар бўйича шикоятларни кўриб чиқади. Ҳар бир апелляция суди ишида АҚШ Олий суд аъзоларидан бир нафари иштирок этади ва судлов жараёнига раҳбарлик қилади. Апелляция судлари округ судларининг ҳукм ва қарорларига нисбатан берилган шикоятлар, шунингдек, штатларнинг маъмурий органлари қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқади.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, АҚШ суд тизимида округ судлари муҳим ўрин тутади. Округ судлари мамлакатнинг ҳар бир штатида ташкил этилган бўлиб, федерал судлар ваколатига тегишли асосий ишларни кўради. Бундан ташқари ҳудуди катта штатларда бир

неқта округ судлари ташкил этилган. Бугунги кунда АҚШда 95 та округ судлари фаолият юритади.

Шуни қайд этиш керакки, мамлакат штатларидаги судлар штат Олий суди томонидан бошқарилади. Шунингдек, штатларда умумий юрисдикцияга эга судлардан ташқари ихтисослаштирилган судлар ҳам фаолият юритади. Бу судларда унча катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳуқуқбузарликлар якка тартибда магистрант ва судьялар томонидан кўриб чиқилади. Айтиш жоизки, АҚШда судьялар ва суд ходимларини тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, айтиш шу мақсадда учта муассаса фаолият юритади.

Биринчи муассаса – бу Миллий суд коллежи бўлиб, у 1963 йилда нотижорат таълим муассасаси сифатида таъсис этилган. Ушбу ўқув муассасаси барча турдаги судлар ва суд ходимлари учун Невада университетидан турли ўқув курслари ташкил этади. Коллеж профессор-ўқитувчилари таркибини судья, адвокат, олим ва бошқа турли соҳалардан жалб қилинган мутахассислар ташкил этади. Мазкур ўқув даргоҳи томонидан ҳар йили ташкил этиладиган 100 га яқин ўқув курсларида 2800 нафардан зиёд судья иштирок этади.

Коллеж ўқув дастурлари судьялик санъати, касб маҳорати ва қонунчиликдаги янгиликларни тўлиқ қамраб олади. Ўқув курсларининг шакли турлича бўлиб, улар орасида узоқ муддатга мўлжалланган асосий дастур ўқув йили давомида 2 кундан 3 ҳафтагача муддатга ташкил этилади. Шунингдек, коллеж ўқув дастуридан семинар, сертификатли дастур, интернет орқали ўқитиладиган курслар ва суд соҳасида илмий изланиш олиб бориш имкониятини берувчи дастурлар ҳам ўрин олган.

Айтиш керакки, коллежнинг асосий ўқув дастурига судья-ларнинг одоб-ахлоқи, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалари, суд ҳужжатларини юритиш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари ва бошқарув кўникмалари, суд мажлислари залида холислик муҳитини яратиш, судьялар учун компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, руҳий хасталикка чалинган шахслар билан боғлиқ суд ишларини кўриш, судьялик кўникмаларини ривожлантириш, мантиқий фикрлаш ва нутқ лаёқати, ёзма иш, апелляция билан боғлиқ ва мураккаб суд ишларини кўриб чиқиш каби мавзулар киради.

Иккинчи муассаса - 1967 йилда АҚШ Конгресси томонидан ташкил этилган Федерал суд марказидир. Мустақил тадқиқот ва таълим маркази саналган ушбу муассаса федерация миқёсида фаолият юритувчи судьялар ва суд ходимларини ўқитишга мўлжалланган. Бу ўқув муассасаси федерал бюджетдан молиялаштирилади. Федерал суд марказининг ўқув дастурлари доимий асосда баҳоланиб борилади. Бунинг учун махсус баҳолаш сўровномалари ўтказилиб, унинг натижалари доимий равишда таҳлил қилинади.

Айтиш керакки, АҚШ Федерал суд маркази фаолиятида ўқув жараёнини ташкил этиш, узлуксиз таълим амалиёти ва бутун мамлакат

бўйлаб судьяларнинг ўқув тадбирларини ташкил қилиш, марказнинг халқаро дастурлари, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бошқа давлатлар билан алоқалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Учинчи муассаса-штатлар судларининг Миллий маркази бўлиб, у 1970 йилда таъсис этилган. Мазкур миллий марказ асосан штатларда фаолият юритувчи судьяларнинг малакасини оширишга қаратилган. Айти шу мақсадда Марказ томонидан эксперт кўмаги, конференция, ўқув курслари ва тажриба алмашинуви доимий равишда ташкил этилади.

Судларни бошқариш институти билан ҳамкорликда мунтазам равишда суд бошқарувчилари анжуманларида ўқув тадбирларининг даражасини баҳолаш, суд процесси иштирокчилари ўртасида ҳам судлар фаолиятининг сифати юзасидан сўровлар ўтказиб туради. Қисқаси, мамлакатда 70 дан зиёд муассаса судьялар ва суд ходимларининг малакасини ошириш ва суд бошқарувини яхшилаш бўйича фаолият юритади. Бу муассасаларнинг фаолияти 1967 йилда қабул қилинган "Федерал суд маркази тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу мамлакатдаги мавжуд судьялар иш ҳажмини мақбуллаштириш, судьялар фаолиятига баҳо бериш мезонлари, судда иш кўришни соддалаштириш орқали суд жараёнларини тезлаштириш, судьяларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги тажрибалари республикамиз учун ҳам мақбул.

## ТАДБИРДАН ЛАВҲАЛАР







**Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциуми доирасида 2020 йил 12 май куни**  
**Бош прокуратура Академиясида ўтказилган “Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий видео-конференция**  
**ТАВСИЯЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳуқуқий асослари билан ҳамоҳанг равишда бугунги кунда ислохотларимиз самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги омиллар: қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини илмий-назарий тадқиқ этиш юридик фанлар олдига устувор вазифаларни қўймоқда.

Ижтимоий фанларнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган юридик фанлар жамиятда барқарорлик ва ҳуқуқий тартиб ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда юридик фанларнинг асосий мақсади ҳам ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш, уларга илмий ва амалий баҳо бериш, янгиланаётган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндошиш ҳамда амалиёт учун ҳар томонлама мукамал, асосланган назарий ва амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар беришдан иборатдир.

Бош прокуратура Академияси томонидан ташкил этилган **“Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари”** мавзусидаги илмий-амалий видео-конференциянинг асосий мақсади илмий жамоатчилик ва ҳуқуқшунос-амалиётчиларнинг очиқ ва кенг қамровли мунозараси асосида юридик фанларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳамда бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларининг истиқболларини муҳокама қилиш, юриспруденциянинг энг долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари аниқлаш сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, юридик фанларни ривожлантиришга кенг имконият ва шароитлар яратилди. Юридик фанлар тармоқлари бўйича фундаментал ва амалий аҳамиятга молик ишлар қилинди. Бироқ илмий-амалий конференция иштирокчилари маъруза ҳамда мунозараларда билдирилган фикр-мулоҳазалар шундан далолат берадики, юридик фан ҳали ҳануз ҳуқуқни қўллаш амалиётидан ортда қолмоқда, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш каби муҳим жараёнларни юридик фанлар концептуал ғоялар билан таъминлай олмайди, миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш-ни прогноз қилишдек асосий вазифалар амалда бажарилмай қолмоқда.

Илмий кадрлар тайёрлаш тизимидаги мавжуд камчиликлар эса назария билан амалиёт уйғунлигини таъминлашга йўл бермай, илмий-тадқиқот ишларининг сифатига, унинг натижаларини амалиётга жорий этишда муайян муаммоларни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасида юридик фанларни ривожлантиришга оид ушбу ва бошқа муаммоларнинг ечими бўйича конференцияда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, иштирокчилар қуйидагиларни тавсия этадилар.

**1. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг юриспруденция соҳасида назарий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишларини белгилаш борасида:**

1. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантириш каби долзарб йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш.

2. Давлат томонидан юриспруденция йўналишидаги таълим тизимини ривожлантириш бўйича кўзланган стратегик мақсадлар, принциплар, тенденциялар ва вазифалар, асосий йўналишларни белгилаб берувчи **Ўзбекистон Республикасида юридик таълимни 2020-2025 йилларда ривожлантириш Концепциясини** ва уни амалга ошириш бўйича **Йўл харитасини** ишлаб чиқиш.

3. Ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш (адвокатура, нотариат, юридик хизмат ва бошқа) соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий этиш мақсадида илмий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиб, ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни ишлаб чиқиш (Legal Tech лабораторияларини ташкил этиш орқали).

4. Фуқаролик жамиятини барпо этишда устувор аҳамиятга эга жамоатчилик назорати, парламент назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Маъмурий ҳуқуқ” фани тизимини қайта кўриб чиқиш, ушбу фан тармоғидан алоҳида “Жамоатчилик назорати” ва “Парламент назорати” фан (курс)ларини яратиш.

5. Маъмурий ислоҳотларнинг илмий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Маъмурий ҳуқуқ” фани тизимини қайта кўриб чиқиш, ушбу фан тармоғидан процессуал масалаларни ажратиб, алоҳида мустақил бўлган “Маъмурий процессуал ҳуқуқ” фанини яратиш.

6. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, миллий қонунчиликнинг яхлит илмий ахборот базасини шакллантириш, уни кенг тарғибот

қилиш мақсадида “Ахборот ҳуқуқи” фанини юридик фанлар тизимида киритишнинг илмий асосларини яратиш.

7. Коррупция муаммолари, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, суд ҳуқуқи, ҳарбий ҳуқуқ каби фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари боғлиқ фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш.

8. Жиноят қонунчилигида мавқеидан фойдаланиш ва ноқонуний бойлик орттириш каби қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб, юридик шахслар жавобгарлиги, ноқонуний йўллар билан орттирилган мол-мулкни мусодара қилишни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни қабул қилиш, миллий қонунчиликда гувоҳлар, экспертлар ва жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш.

9. Жамиятда коррупцияни олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш.

10. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини асосий устувор йўналишлари, БМТ ЕХҚТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти каби ташкилотлар билан ҳамкорлигининг мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини очиқ бериш, мамлакатимизнинг халқаро шартномаларга қўшилиши муносабати билан уларнинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнларини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш.

## **II. Юридик фанларни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-амалий масалаларни ҳал қилиш ва унинг самарадорлигига эришиш борасида:**

1. Юриспруденция йўналишида узлуксиз таълим тизимини узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида умумий ўрта мактаблари, ўрта махсус таълим муассасалари юридик фанларни қисқартиришга чек қўйиш.

2. Олий юридик таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитишда қатъий ихтисослашув принципини қўллаш, илмий ишни тайёрлаётган педагог ходимлар бошқа ихтисослик бўйича кафедрада фаолият юритишига, педагог ходимларни магистрлик дипломида кўрсатилган мутахассислик фанига мос бўлмаган кафедрага жойлаштиришга чек қўйиш.

3. Юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграциясининг самарали йўлга қўйиш, бунинг учун ўқув режалари, фан дастурларини тузишда кадр буюртмачилари билан келишиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида юридик кафедралар филиалларини ташкил этиш, юридик йўналишдаги профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларда амалиёт ўташни кенг ёйиш, юридик клиникаларни кенг жорий этиш, олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида казуслар, масалалар тўпламларини тузишни рағбатлантириш.

**4.** Юридик фан соҳаларида илмий мактабларни ривожлантириш, ҳар бир соҳа илмий рақобатдошлигини ошириш, ёш изланувчиларнинг устоз-шогирд тизими негизида илмий ва назарий кўникмаларини ошириб боришни таъминлаш мақсадида, ҳар бир юридик олийгоҳ ва илмий марказлар қошида “Илмий полемика клуб”лари фаолиятини йўлга қўйиш.

**5.** Ўзбекистонда “илмий ишлар савдоси”ни олдини олиш, илмий даражаларни олишда тадқиқотларни мустақил равишда, сифатли, плагиатсиз, ҳаққоний ва виждонан бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАК ҳузурида махсус тузилма ташкил этиш.

**6.** Мамлакатимизда илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширишда холисликни таъминлаш, илмий тадқиқот ишининг сифатини ошириш мақсадида:

- Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида низомнинг 49-моддасидаги етакчи ташкилот бўлиши мумкин бўлмаган ташкилотлар рўйхатига диссертант илмий раҳбарининг илмий раҳбарлигида ҳимоя қилган шахс раҳбар бўлган ташкилотни киритиш;
- диссертация юзасидан етакчи ташкилот сифатида белгиланган ташкилотга тақриз олиш учун юборилаётган диссертация ва авторефератларда диссертант ва унинг илмий раҳбари тўғрисидаги маълумотларни сир сақланишини таъминлаш лозим.

**7.** ОАК ҳузуридаги эксперт кенгашлари томонидан диссертация ишини баҳолаш жараёнида билдирилган хулосалар, тавсияларни умумлаштириш ва диссертантларга илмий кенгашлар орқали маълум қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.

**8.** “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги низомнинг 8-бандида белгиланган фан докторлари учун изланувчиларга илмий раҳбар ва маслаҳатчи бўлишдаги чекловларни бекор қилиш, илмий унвони бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий раҳбарлик ёки илмий маслаҳатчи фаолиятидаги чеклов бундан мустасно.

**9.** “Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари”нинг 9-бандида фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий-педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтирога патент ёки муаллифлик гувоҳномаси) эга бўлган шахслар расмийлаштирилиши белгиланган. Амалиётда катта тажриба тўплаган шахсларни илмий фаолиятга жалб этишни кучайтириш мақсадида мустақил изланувчиликка расмийлаштиришдаги ушбу талабни бекор қилиш.

**10.** PhD ва DSc илмий даражасини олишда диссертацияларининг мақсадга мувофиқлиги ва сифатини юксалтириш учун докторант ва

мустақил изланувчилар қабулини қайта кўриб чиқиш, илғор халқаро ва хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда давлат грантлари ёки ташкилотлар буюртмаси асосида танлаб олиш тизимини жорий этиш.

11. PhD ва DSc диссертацияларининг сифатини юксалтириш мақсадида уларга қўйиладиган айрим талабларни қайта кўриб чиқиш зарур. Жумладан, PhD магистрлик диссертациясидан кейинги босқич эканлиги ва улар ўртасида фарқ бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, PhDда илмий янгилик сифатида берилаётган ҳолатлар сонини камида 3 та, DScда эса камида 6 та қилиб белгилаш, шунингдек PhD ва DSc диссертацияларида боблар ва параграфлар сонининг минимумини қатъий белгилаб қўйиш.

12. Ўзбекистон тадқиқотчиларининг халқаро доирадаги эътирофини ва илмий мобиллигини ошириш мақсадида, тадқиқотчиларга нисбатан хорижий тилларни билиш талабларини қатъий белгилаш, ҳар бир олий таълим муассаса ёки илмий марказ қошида хорижий стажировка (илмий маъруза билан чиқиш) билан шуғулланувчи алоҳида тузилмасини шакллантириш.

13. PhD ва DSc диссертацияларини ҳимоя қилишда вариативлик ва фан соҳасидан келиб чиқиб, махсусликни таъминлаш мақсадида, илмий кенгашлар ҳузурида ҳимоя муҳокамаларни анъанавий равишда, онлайн (масофавий) тарзда ўтказишга оид тартиботларни шакллантириш.

14. Юридик соҳа бўйича ёш ҳуқуқшунос олимларда илмий ижодиёт методологияси кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни замонавий ҳуқуқий муаммоларни ўрганишга кенг жалб қилиш, шунингдек диссертация ва бошқа тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, масълиятни ҳис қилиш, ишончлилик ва ҳалоллик тамойилларини рўёбга чиқариш мақсадида **“Илмий тадқиқотларнинг этика қоидалари”**ни ишлаб чиқиш.

15. Илмий-тадқиқот фаолияти халқаро механизмларни жорий этиб бориш мақсадида Марказий Осиё давлатлари учун (келгусида танлов доирасини кенгайтириш асосида) анъанавий ўтказиладиган халқаро ҳуқуқ (халқаро тижорат ҳуқуқи) соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳалар танловини жорий этиш.

16. Юридик фанлар соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар юзасидан бажариладиган давлат грантлари мавзусига доир танловларнинг натижаларини ошқора баҳолаш механизмини яратиш.

17. PhD ва DSc диссертацияларининг ҳар бир боблари охиридаги хулосалар ва диссертация якуний хулосасининг жумлалари, ҳатто матнларининг бир хил ва такрорланишларини олдини олиш мақсадида “Диссертация ва диссертация авторрефератларини расмийлаштириш қоидалари”нинг “Умумий қоидалар” деб номланган 1-боби 1-бандида белгиланган **“ҳар бир бобнинг охирида тадқиқ қилинган муаммолар бўйича хулоса ва таклифлар берилиши”** қоидасини чиқариб ташлаш. Зеро, мазкур Қоидаларнинг 11-бандида диссертация хулосасида

диссертация тадқиқоти бўйича умумлаштирилган хулоса, фикр, таклиф ҳамда тавсиялар қисқа ва аниқ келтирилиши каби талаб белгиланган.

**18. “Юридик хизмат”** ўқув фани бакалаврларни тайёрлаш бўйича барча “Юриспруденция” мутахассислик йўналишлари ўқув дастурларига ҳамда магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига киритилишини таъминлаш. Мазкур курсларда юридик хизматнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, масъулияти, фаолиятни самарали ташкил қилиш усул ва воситаларини ўргатадиган “Юридик хизмат” фанини ўқитишни жорий этиш лозим.

**19.** Юридик соҳанинг бозор иқтисодиёти тобора муҳим ўрин эгаллаб бораётгани муносабати билан, юристларда замонавий менеджмент ва маркетинг билимларини ривожлантириш мақсадида магистрларни тайёрлаш бўйича тегишли йўналишлар ўқув дастурларига “Ҳуқуқда менеджмент ва маркетинг” ўқув курсини киритиш.

**20.** Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар йўналишига мос равишда ҳуқуқий фанлар соҳасида турли юридик шахслар, давлат органлари ва идоралари, тадбиркорлик тузилмалари иштирокида тижорий асосда фаолият юритадиган кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш.

### **III. Юридик фанларни ривожлантириш муаммолари бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллашни такомиллаштириш борасида:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида ташкил этилган Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида Илмий-тадқиқот консорциумининг ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, илмий жамоаларнинг давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга, қонунчилик ва ҳуқуқнинг қўлланилиши амалиётида илмий изланишларнинг натижаларидан самарали фойдаланишда кўмаклашишга, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини сафарбар этиш бўйича ўзаро ҳамкорликка доир таклифлар тайёрлаш.

**2.** Юридик фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш ва ташкил этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси ҳузурида ташкил этилган **Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида Илмий-тадқиқот консорциуми** доирасида Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоғистон давлат университетининг юридик факультети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Божхона

институти, ДСҚ малака ошириш институтларининг ўзаро узвий алоқасини таъминлаш.

**3.** Самарқанд давлат университети, Наманган давлат университети, Термез давлат университети ҳамда Нукус давлат университетларида юридик фани соҳасида тадқиқотларни жадаллаштириш чораларини кўриш.

**4.** Таълим муассасаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва бу борада тегишли илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда олинган илмий хулосаларни амалиётга жорий қилиш самарасини ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли вазирликлар қошида жиноятчилик ва тизимга оид муаммоларни ўрганувчи ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини йўлга қўйиш.

**5.** Мақсадли буюртма асосида тайёрланаётган илмий тадқиқотлар учун илмий (амалий) янгилигини баҳолашга оид алоҳида мезонлар ишлаб чиқиш, бунда буюртмачи томонидан қўйилган натижаларга эришилгани ёки эришилмагани устуворлик касб этиши зарур.

**6.** Олий таълим муассасаларида ва илмий-тадқиқот марказларида яратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш юзасидан миллий ва хорижий юридик шахслар, компаниялар билан шартномавий алоқаларни кучайтириш, бу борада мақсадли илмий ва амалий дастурлар ва лойиҳалар бўйича таклифлар тайёрлаш.

**7.** Юридик фанлар натижаларини таълим жараёнида қўллашнинг самарадорлигини ошириш мақсадида илмий-тадқиқот натижаларидан ўқув машғулотларида, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда самарали фойдаланишни ташкил этиш ва дарсликлар яратиш услуб ва механизмининг такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

**8.** Юридик фанлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвийликни таъминлаш мақсадида, юридик фанлар соҳасидаги илмий-тадқиқотлар натижаларидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида кенг фойдаланиш механизмининг ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

**9.** Юридик фанларни ўқитишни янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида бу борада илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш, илмий мактаблар фаолиятини қайта йўлга қўйиш, шунингдек ҳуқуқшунос-педагог кадрларнинг самарали ва фойдали меросини, устоз-шогирд анъанасини давом эттириш.

**10.** Илмий-тадқиқот фаолияти натижаларини мониторинг қилиш, илмий-педагог ходимларнинг илмий мақолаларни Scopus ва бошқа илмий базаларга киритилган юқори индексли журналларда чоп этиш, олийгоҳ ва муаллифларнинг Хирш индексини юксалтиришда фаоллигини муносиб тарзда рағбатлантириш бўйича комплекс тизимни шакллантириш.

**11.** Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқни қўллаш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва мавжуд ҳамда

келгусида вужудга келиши мумкин амалий муаммоларни прогноз қилиш ҳамда ечимини излаш мақсадида Ҳуқуқий экспертиза ва прогнозлаштириш марказини тузиш.

12. Хорижий тажрибага асосланиб, буюртма асосида турли олийгоҳлар ва илмий марказлардан танлов асосида шаклланадиган, замонавий соҳалараро услубиётларни қўллаган ҳолда ва илмий фаолиятнинг янги ташкилий шакллари асосида ҳаракат қилишга қодир илмий-тадқиқот жамоалар, гуруҳларни тузиш.

## **РЕКОМЕНДАЦИИ**

### **Республиканской научно-практической видеоконференции на тему “Актуальные проблемы юридической науки и правоприменительной практики”, состоявшийся 12 мая 2020 года в Академии Генеральной прокуратуры в рамках научно-исследовательского консорциума в сфере судебной и правоохранительной деятельности**

В соответствии с нормативно-правовой базой Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, следующие факторы направлены на повышение эффективности наших реформ: обеспечение верховенства закона, борьба с коррупцией, повышение институционального потенциала и научных исследований правовых основ для формирования сильных демократических институтов.

Юридическая наука, одна из важнейших отраслей общественных наук, играет важную роль в установлении стабильности и правопорядка в обществе. В настоящее время основной целью юридической науки является изучение и исследование закономерностей и правовых норм общественных отношений, придание им научной и практической оценки, предоставление всесторонне совершенных, обоснованных теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций по взаимодействию и практике с учетом особенностей обновленного общества.

